ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

Н.Шермухамедова

ИНСОН ФАЛСАФАСИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

Н. ШЕРМУХАМЕДОВА

ИНСОН ФАЛСАФАСИ

Дарслик

ТОШКЕНТ
«NOSHIR»
2016

УЎК: 13
КБК: 87
Ш-48

Масъул муҳаррир:
ф.ф.д профессор **С. Агзамходжаева**

Тақризчилар:
ф.ф.д. **Г. Махмудова;**
ф.ф.н доцент **Ҳ.П. Тўхтаев**

Дарслик Фалсафа (қўллаш соҳаси) магистратура мутахассислиги 3-блок фанлари туркумига киради, унинг мазмуни ДТС ва намунавий дастур мазмунига мос. У икки қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисмда инсон ўта фаол ва ўзгарувчан феномен, деган гоя илгари сурилади. Зотан инсон ҳақидаги мистик таълимотлар классик фалсафий назариялар, физика, биология ва психология соҳасидаги энг янги кашфиётлар билан боғлиқ, аммо бу инсоннинг бутунлай янги образи яратилишига олиб келгани йўқ.

Дарсликнинг иккинчи қисмида диндорлик ҳодисаси маданият, айрим ижтимоий ва табиий фанларнинг кенг маълумотлари ёрдамида комплекс таҳлил қилинади.

Дарслик Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Олий ва ўрта махсус таълим Вазирлигининг қарорларига асосан Ф-1-04 "Инсон фалсафасининг табиий ва ижтимоий даражаларини тадқиқ этиш" мавзусидаги фундаментал тадқиқот лойиҳаси доирасида тайёрланди ва нашрга берилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим Вазирлиги мувофиқлаштирувчи кенгашининг қарорига биноан нашр этишга лицензия берилди.

© Ш. Шермухамедова, 2016
© «Noshir» nashriyoti, 2016

ISBN 978-9943-4468-2-3

КИРИШ

XX ва XXI асрлар чегарасида бутун дунёда юз берган оламшумул ижтимоий ўзгаришлар Уйғониш даврида вужудга келган цивилизация типидан инсоннинг кундалик ҳаётидан энг янги технологиялар, шу жумладан ахборот технологиялари кенг ўрин эгаллаши билан боғлиқ бўлган янгича типдаги цивилизацияга ўтиш билан тавсифланади (бу ерда муҳими шундаки, ахборот постиндустриал жамият коди бўлиб хизмат қилади). Илгари жамиятлар ва уларнинг аъзоларини бир-бири билан боғлаган қадриятлар тизимлари кўз ўнгимизда вайрон бўлмоқда, эски, аксарият ҳолларда архаик тусдаги социумларнинг баъзи бир унсурларини ўз ичига олган янги жамият вужудга келмоқда. Рим клубининг энг сўнгги маърузаларидан бирини тайёрлаган А.Кинг ва В.Шнайдер бундай ўзгаришларни «биринчи глобал инқилоб» сифатида тавсифлайдилар. Уларнинг фикрича, мазкур инқилоб «геостратегик бўҳронлар, бирикуви номаълумлик сари элтувчи ижтимоий, технологик, маданий ва бошқа хил омиллар таъсирида шаклланади»[1]. Буларнинг барчаси инсон муаммосига янада долзарброқ тус беради, зеро у жамиятнинг тизим ҳосил қилувчи омили ҳисобланади. Айнан глобал инқилоб шароитида, цивилизация ҳаётида туб бурилиш юз бераётган босқичда инсон феноменининг мазмун ва моҳияти, унинг асрлар оша диний, фалсафий, бадиий ва илмий изланишлар диққат марказидан чиқмай келаётган мураккаб табиати айниқса бўртиб намоён бўлади.

Бугунги кунда инсоният тараққиётида туб бурилиш юз бермоқда ва буни давримизнинг ижтимоий бўҳронларигина эмас, балки экологик халокат, ресурсларнинг камайиши, гиёҳвандлик балоси

[1] Кинг А., Шнайдер В. Первая глобальная революция // Радикал. 1991. 18 дек. № 49-50. – 3-б.

ва ҳоказоларда ифодаланаётган глобал инқироз ҳам тасдиқлайди, деган фикр ижтимоий онгдан янада мустаҳкам ўрин олмоқда. Одамлар ўртасидаги муносабатларнинг янгича типини, янгича ижтимоий қурилиш шаклини, ижтимоий дунёда инсоннинг янгича мақомини топиш йўлидаги изланишлар билан тавсифланаётган глобал инқилоб кишилик тараққиётида янги босқич бошланганлигидан далолат беради. Ўз даврида К.Ясперс «Тарихнинг маъноси ва вазифаси» асарида тарих ва инсониятнинг ягоналигини исботлаш учун «дунёвий вақт ўқи» концепциясидан самарали фойдаланган эди. Ушбу концепция Хитой, Ҳиндистон ва ғарбнинг жаҳон тарихида милоддан аввалги 800 ва 200 йиллар оралиғидаги алоҳида босқични ифодалайди. «Бу даврда жуда кўп ғайриоддий воқеалар ва жараёнлар юз беради, – деб ёзади файласуф. – Айни шу даврда Хитойда Конфуций ва Лао-цзи яшайди, хитой фалсафасининг янги йўналишлари, Мо-цзи, Чжуан-цзи, Лао-цзи ва бошқаларнинг ғоялари пайдо бўлади. Ҳиндистонда Упанишадлар вужудга келади, Будда яшайди; фалсафада воқеликни фалсафий нуқтаи назардан англаб етиш имкониятларининг барчаси (скептицизм, софистика ва нигилизм) ўрганилади; Марказий Осиёда Зардушт ёвузлик билан кураш бораётган дунё ҳақидаги таълимотни яратади; Фаластинда пайгамбарлар – Илия, Исайя Иеремия ва Иккинчи Исайя фаолият кўрсатади; Юнонистонда – бу Гомер, файласуфлар Парменид, Гераклит, Платон, Фукидид ва Архимед даври билан боғлиқ. Ушбу исмлар билан боғлиқ бўлган ғоялар ва асарларнинг барчаси Хитой, Ҳиндистон ва ғарбда юз йилликлар мобайнида деярли бир вақтда бир-биридан қатъий назар пайдо бўлган»[1].

Бир-биридан географик жиҳатдан фарқ қилувчи бу уч маданий дунёнинг умумий жиҳатлари қуйидагилардир.

Биринчидан, инсон борлиқни, ўз-ўзини ва ўз чегараларини англаб етиши натижасида вужудга келган янги дунё умумий ҳисобланади; бундай англашнинг иккинчи қутби инсон мақсадлар ва муаммоларни қўйиши, унинг эркинликка интилиши, дунёнинг

[1] Ясперс К. Смысл и назначение истории. – М., 1991. – 32–33-б.

мутлақлиги ва трансценденталлигида намоён бўлади. Экзистенция эркинлиги англаб етилади: экзистенция ва трансценденция ўртасида фарқ пайдо бўлади, индивидуал онг шаклланади ва ривожланади.

Иккинчидан, юқорида зикр этилган маданий дунёларни тарихда илк бор вужудга келган ўзликни англаш, тафаккурнинг ўзи ҳақида мулоҳаза юритиш бирлаштиради.

Учинчидан, универсал ақл ва дин даври келади. Бу даврда пайдо бўлган тафаккурнинг универсал, фундаментал категориялари ва жаҳон динларининг асослари ҳанузгача амалда қўлланилади.

Тўртинчидан, рефлексия, скептицизм, анъанага танқидий муносабат ва унинг ўзгаришлари даври келди.

Бешинчидан, «дунёвий вақт ўқи» даври асосий тамойилларнинг аниқ-равшанлиги ва осойишталик руҳи билан суғорилган мифологик босқичнинг интиҳоси билан тавсифланади. Оқилона тафаккур мифни ўрганади, уни оқилоналаштиради, унинг сабабларини аниқлайди, эски мифларга мажозий тус бериш йўли билан янги мифлар яратади. Маънавият соҳасида политеизмга қарши исён, монотеистик динга интилиш юз беради. Инсон ўз тажрибаси имкониятларининг чексизлигини англаб етади, бироқ у қўйган муаммолар ўзининг узил-кесил ечимини топмайди. К.Ясперс ушбу ҳолга универсал, маданиятлараро тус беради.

Олтинчидан, «дунёвий вақт ўқи» даврида маънавий эркинлик, нарсалар ва ҳодисаларга масофадан туриб ёндашиш қобилияти, одамлар, худо ва трансцендент дунёга қарши исёнкорлик руҳи билан ажралиб турувчи атоқли файласуфлар пайдо бўлади.

Янги даврда мавҳумликларга қодир бўлган, бутун дунёда озодлик ва бахт-саодатни барқарор этишга интилаётган, уларга ғоя сари юксалиш, атараксия, медитация, нирвана, Дао ёки Худо ёрдамида эришишга ҳаракат қилаётган шахснинг янгича типи намоён бўлади. Инсонда ёлғизлик ҳисси, дунёдан, жамиятдан юз ўгириш қобилияти пайдо бўлади. Буюк зотлар (аутентик инсон) таъсирида халқ оммаси ўзгаради ва пировард натижада инсон улкан сакрашни амалга оширади. «Дунёвий вақт ўқи» концепцияси асосида К.Ясперс ушбу даврда синхрон тарзда вужудга келган қадри-

ятлар фан тарихининг ҳам, инсоният тарихининг ҳам ягоналигини белгиловчи фундаментал омил ҳисобланишини, улар ҳосил қилган «идеал» ўқ атрофида инсониятнинг реал тарихи ҳанузгача айланаётганини кўрсатиб беради. Ҳозир дунё миқёсида шундай вазият юзага келди – эски қадриятлар тизимлари вайрон бўлмоқда, дунё (макон ва замон, сабабий боғланишлар ва ш.к.), инсон ва жамиятнинг ўзаро нисбати, янги дунёвий тартиб ҳақида янгича тасаввурлар шаклланмоқда, инсон фаолиятининг турли соҳаларида олға силжишлар юз бермоқда. Янги технологияларнинг кенг тарқалиши натижасида инсоният ўз ривожланишида улкан сакрашни амалга оширмоқда. Янги «дунёвий вақт ўқи» даври Ўзбекистон учун ҳам улкан аҳамиятга эга, зеро бугунги кунда юртимизнинг бўлғуси ривожланиши учун замин яратилмоқда. Ўзбекистон жаҳон цивилизацияси билан узвий бўлгани боис, бутун дунёда юз бераётган жараёнлар унга ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда. Жаҳон цивилизациясининг ўзи эса инсон шахсиятининг янгича типи шаклланиши жараёнларига кўп жиҳатдан боғлиқ, зеро у кишилик жамиятининг ўзаги ҳисобланади. Ўз-ўзидан равшанки, бу ерда ўзини қуршаган муҳитда мўлжал олиш ва цивилизациянинг ривожланиш йўлларини прогноз қилишга қодир бўлган инсон образи улкан роль ўйнайди. Инсон табиатини космик, биологик, психологик, ижтимоий ва маданий яхлитлик сифатида тушуниш инсон экзистенциясининг воқелик билан озми-кўпми мувофиқ келувчи образини яратиш ва XXI аср бошида юз бераётган жараёнларни тушунтириш имконини беради.

Инсон моделлари мажмуини ўрганиш асосида инсон экзистенциясининг инсон феномени хаос ва тартибнинг бир-бирига ўтишидир, инсон шахси ўз моҳиятига кўра монада ҳисобланади, яъни инсон – бу Коинот голограммасидир, деган тасаввур билан боғлиқ бўлган умумий парадигмаси таклиф қилинади. Мазкур ёндашув (голографик тузилмалар сифатидаги) Инсон ва Коинотни синергик борлиқнинг ягона моделида бирлаштириш имконини беради. Бундан инсоннинг корпускуляр-тўлқинли табиати ҳақидаги тасаввур ўз-ўзидан келиб чиқади. Айни пайтда, ушбу ёндашув инсон

мияси фаолиятининг эҳтимол тутилган механизмини ўзига хос тарзда тушунтириш, яъни асосий фикрлаш жараёнлари мияда эмас, балки ундан ташқарида, мияни қуршаган фаол автомат-ҳужайра муҳитида содир бўлади, деб тасаввур қилиш имкониятини беради. Голографик моделда Коинот эмпирик жиҳатдан инсониятда, ҳар бир айрим инсонда озми-кўпми тўлиқ гавдаланувчи Космик Инсон (универсал инсон) сифатида намоён бўлади. Айни шу сабабли ҳар бир инсон потенциал, виртуал даражада бутун дунёни ўзида мужассамлаштиради. Инсонни монада сифатида тасаввур қилиш юз бераётган ижтимоий жараёнларни тушунишда яхши самара беради. Айнан инсон социум микрокосмоси сифатида жамият ривожланиш жараёнининг ҳаракатлантирувчи кучи сифатида майдонга чиқади, зеро жамият инсоннинг жисмоний ва маънавий имкониятларини рўёбга чиқариш учун шароит яратиши ёки бунга монелик қилишига қараб, ё фаол мувозанат ва ҳаракат ҳолатида бўлади, ё инқирозга юз тутади ва ўз-ўзидан завол топади. Зотан инсон умумийлик (ижтимоийлик) омили эмас, балки монада бўлган шароитда индивидларнинг ўзаро алоқаси резонанс тамойилига мувофиқ юз беради. Бу ҳолда айни шундай ёндашув экологик, иқтисодий, ахлоқий, мафкуравий ва цивилизацион хусусиятга эга бўлган муаммоларнинг бутун бир мажмуини ечиш имкониятини беради. XXI аср бошида инсон феномени энг аввало инсонпарвар шахс, инсонпарвар мафкура ва инсонпарвар жамият мезонларига мувофиқ ўрганилади ва ёритилади.

Бизнинг назаримизда, Инсон ва Коинот ўзаро нисбатининг голографик модели инсонга бошқа мавжудотлар устидан улкан ҳокимиятни берган индивиднинг эврилишлари феномени, индивид ва ижтимоий гуруҳлар хулқ-атворида қўрқувнинг аҳамияти, «инсон – ўсимлик» квант алоқаси, яъни ахборот молекулаларининг ички муҳитида юз бераётган ўта теран квант жараёнлари руҳий ҳодисаларни фаол кодлаш имконини бериши каби ҳодисаларни янгича талқин қилиш учун имконият яратади. Мазкур модель долзарб муаммо – индивидуализм ва коллективизмнинг ўзаро нисбати муаммосини ечиш, бинобарин, социум ва маданиятнинг инқирозидан чиқиш йўлини топиш имконини беради.

Инсон экзистенцияси мураккаб дунеси инсоннинг фаолият ва ижод субъекти сифатидаги виртуал борлиғи билан узвий боғлиқ бўлиб, у инсон табиати ҳақидаги янгича тасаввурни берувчи ва инсон руҳиятининг космик асосларини намоён этувчи трансперсонал психология сари йўл очади. Айнан субъектнинг виртуал борлиғи постиндустриал цивилизация сари ҳаракат йўлида виртуал технологияларнинг инсон ҳаёт фаолиятидаги ўрни ва аҳамиятини тушунтириш имконини беради. Ушбу дарслик контекси билан инсон ўзлигининг полицентрик модели уйғун бўлиб, у ички диалогга, турли хил нуқтаи назарларга эга бўлган субъектни тушунишга имконият яратади. У воқеликни амалда ҳар томонлама қамраб олишга ҳаракат қилувчи методологик плюрализмнинг психологик асосини ташкил қилади. Натижада кўп сонли ахборотга эга бўлган, ҳис-туйғуларининг бойлиги, мослашувчан фикрлаш қобилияти, эмпатияга мойиллиги билан ажралиб турадиган, яъни, таъбир жоиз бўлса, универсаллик ва инсонийликнинг ортиқча «гени»га эга бўлган шахс пайдо бўлади.

Ҳозирги вақтда жамият ҳаётининг барча жабҳаларини тубдан ўзгартириш жараёнлари бутун дунёда кузатилмоқда, уларнинг ижобий натижалари давлат ва дин муносабатлари соҳасида ҳам намоён бўлмоқда. Бу ерда янгича сиёсий тафаккур ва у билан узвий боғлиқ бўлган очиқлик ва ошкоралик, диний ақидапарастликнинг ҳар қандай кўринишларига, ўзгача фикрловчиларга, шу жумладан бошқа дин вакилларига нисбатан тоқатсизликка чек қўйиш улкан роль ўйнайди. Шу муносабат билан ҳозирги замон диний фанатизмига ижтимоий-сиёсий баҳо бериш муаммоси юзага келади. Айни шу муаммонинг кескинлашуви айрим ҳолларда бизнинг мамлакатимизда ҳам, чет элда ҳам хавфли вазиятлар юзага келишига сабаб бўлмоқда. XXI аср бошида диний фанатизм ва шахсга куч ишлатиш йўли билан тазйиқ ўтказиш ҳоллари аввалгидек намоён бўлмоқда, уларнинг хавфлилик даражаси беқарорлик даврларида, инқирозли вазиятларда айниқса кучаймоқда.

Бутун дунёда динга муносабатнинг умумий манзарасига диннинг келажаги нуқтаи назаридан ёндашиш, бизнингча, ўринли

бўлади. Бугунги кунда бу муаммо социология, маданиятшунослик, фалсафа, диншунослик ва теологияга оид адабиётларда тадқиқотлар ва мулоҳазалар предметига айланмоқда. Дин ижтимоий ҳодиса сифатида жамият ҳаётида муайян ижобий вазифаларни бажариши теран англаб етилмоқда. Масалан, диний хизматчилар ижтимоий ҳаётнинг ичкиликбозлик ва гиёҳвандлик, жиноятчилик ва ахлоқсизлик каби иллатларига қарши кураш олиб борадилар, жамиятни янгилаш жараёнларида иштирок этадилар. Турли конфессиялар намояндаларининг ёрдами ва мададидан ёш авлодни маънавий тарбиялашда фойдаланиш яхши самара бериши муқаррардир, зеро жаҳон маданияти ривожланишининг минг йиллик анъаналарини ўзига сингдирган турли динларнинг ақидаларида умуминсоний ахлоқ қоидалари қайд этилган.

Ўз-ўзидан равшанки, диндан сиёсий амалиётда аксилинсоний мақсадларда фойдаланилиши ҳам мумкин. Айнан шундай мақсадларга эришиш учун миллатчилар, национал-бюрократлар, сепаратистлар, экстремистлар ва диний ақидапарастлар диндан ва диний фанатизмдан фойдаланадилар. Айни пайтда диний фанатизм, экстремизм ва диний ақидапарастлик каби чиркин ҳодисалар бутун дунёда кузатилаётган ижтимоий-иқтисодий беқарорлик, маданий инқироз ва сиёсий бўҳронлардан ҳам «баҳра» олади.

Маълумки, сўнгги йилларда турли «янги» динлар ва мазҳаблар сони сезиларли даражада кўпайди. Ҳозирги илмий-техник цивилизациянинг маънавий ҳаётида қадимги шарқ мистицизми ғояларининг таъсири анча кучайди. Осиё, Африка ва Лотин Америкаси халқларининг диний урф-одатларига қизиқиш кучаймоқда. Ноевропача маданиятларнинг диний унсурлари Европа маданиятига фаол кириб келмоқда[1]. Бугунги кунда кўз ўнгимизда юз бераётган маданиятлар мулоқоти, аниқроқ айтганда Шарқ ва Ғарб маданиятлари синтези нафақат ижобий, балки салбий оқибатларга ҳам олиб келаётир. Масалан, айрим эзотерик, диний-мистик ҳаракатлар ва ташки-

[1] Масалан, қаранг: Ткачева А.А. Индуистские мистические организации и диалог культур. – М., 1989; New Religions Movements and Rapid Social Change. – P., 1986.

лотларга хос бўлган диний амалиёт шакллари ва услублари ўз мухлисларида диний фанатизмнинг муайян унсурларини шакллантиради ва мустаҳкамлайди, улар ялпи вайронкорлик ва нигилистик хусусиятга эга бўлган мўлжаллар билан тавсифланади. Буни шу жумладан айрим ғарб мамлакатларида мазкур «янги» динларнинг собиқ мухлисларини асосан тиббий воситалар ёрдамида нормал ҳаётга қайтариш билан шуғулланувчи махсус агентликлар пайдо бўлгани ҳам тасдиқлайди[1].

Ҳозирги вақтда дунёнинг турли минтақаларида кузатилаётган диннинг сиёсийлашуви жараёни ҳам диний фанатизм билан боғлиқ муаммоларнинг бутун бир мажмуи (у ижтимоий, тарихий, этник, фалсафий, психологик, ахлоқий ва бошқа муаммоларни ўз ичига олади) долзарблашувига сабаб бўлаётир. Зиддиятли шароитларда ривожланаётган дунёда одамларни жипслаштирувчи, инсоннинг қадр-қимматини юксалтирувчи мардлик, довюраклик, фидокорлик, некбинлик, дўстлик, меҳр-мурувватлилик каби юксак ахлоқий фазилатлар билан бир қаторда, кишилар ўртасига нифоқ солувчи, инсоннинг қадр-қимматини камситувчи шафқатсизлик, бағритошлик, риёкорлик, сотқинлик, жоҳиллик, ақидапарастлик ҳам мавжуд. Буларнинг барчаси жамиятдаги муносабатларда кескинлик пайдо бўлишига, инсон ўз қобиғига ўралишига, ижтимоий тартибнинг беқарорлашувига олиб келади. Бунга диний фанатизм ҳам ўз ҳиссасини қўшади.

Шундай қилиб, дарсликнинг иккинчи қисмида диний фанатизм феномени маданият тарихи, дин ва ҳурфикрлилик тарихига оид кенг маълумотлардан, айрим гуманитар ва ижтимоий фанларнинг билимларидан фойдаланган ҳолда комплекс таҳлил қилинади. Диний фанатизм ижтимоий-маданий, ижтимоий-психологик ва биопсихологик асосларга эга эканлиги, XXI аср бошида у ҳозирги дунёнинг ҳам ғарбда, ҳам Шарқда кузатилаётган жамиятдаги ижтимоий, маданий ва иқтисодий зиддиятлар таъсирида вужудга

[1] Қаранг: Ткачева А.А. Индуистские мистические организации и диалог культур. – М., 1989. – 42-б.

келган бир қатор муаммоларини ифодалаши кўрсатиб берилади. Диний фанатизм мўлжалларини шакллантириш максадида инсон онги ва хулқ-атворига таъсир кўрсатиш усуллари ёритилади, бундай таъсир кўрсатиш механизмлари ҳозирги замон фани натижалари нуқтаи назаридан тушунтирилади. Диний фанатизмнинг тарихий метаморфозаларига тавсиф берилади ва инсонда бағрикенглик, одамийлик принципларини ҳамда жахон маданияти дурдоналарини ўзлаштириш жараёнида юксак маданиятни шакллантириш асосида мазкур чиркин ҳодисага чек қўйиш йўллари таклиф қилинади.

Дарслик материали табиий ва ижтимоий фанлар соҳасида қўлга киритилган энг сўнгги ютуқларга, маданият, мифология, дин, санъат ва фалсафа тарихининг инсон табиати ва Коинот сирларига дахлдор бўлган далилларига асосланади. У мутахассислар, докторантлар, талабаларга ва кенг ўқувчилар оммасига мўлжалланган.

ИНСОН МАВЖУДЛИГИНИНГ ТАБИИЙ ВА ИЖТИМОИЙ АСОСЛАРИ

1. Маърузани олиб бориш технологияси

Талабалар сони:	*Вақти:* 2 соат
Машғулот шакли	Кириш мавзуси бўйича маъруза
Маъруза режаси	1. Инсон мавжудлигининг табиий асослари 2. Жоннинг танада пайдо бўлиши ҳақида 3. Инсон борлиғининг асоси ҳақида
Машғулотнинг мақсади: Ўқув фани ҳақида умумий тасаввурни шакллантириш, жон инсон мавжудлиги асоси шакли ҳақида тушунча ҳосил қилиш.	
Педагогик вазифалар	*Ўқув фаолияти натижалари:*
Жон ҳақидаги фалсафа ҳақида тушунчалар бериш.	Жон ҳақидаги фалсафа ҳақида талабаларга тушунчалар берилди.
Онг ва жоннинг тенглаштирилиши ҳақида тушунча бериш.	Онг ва жоннинг тенглаштирилиши ҳақида талабаларга тушунчалар берилди.
Жон ҳақидаги илк фалсафий тасаввурлар ҳақида тушунча бериш.	Жон ҳақидаги илк фалсафий тасаввурлар ҳақида талабаларга тушунчалар берилди.
Жон ва рух ҳақида ҳақида тушунча бериш.	Жон ва рух ҳақида ҳақида талабаларга тушунчалар берилди.
Ўқитиш усуллари ва техника	Маъруза, «ақлий ҳужум», Т-схема, мунозара, муаммоли вазиятлар усули.
Ўқитиш воситалари	Маъруза матни, тарқатма материаллар, слайдлар, проектор.
Ўқитиш шакллари	Жамоа, тўғридан-тўғри ва гуруҳларда ишлаш.
Ўқитиш шарт-шароити	Техник воситалар билан таъминланган аудитория.
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки назорат, савол-жавоб, ўз-ўзини назорат қилиш, рейтинг тизими асосида баҳолаш.

2. Маърузанинг технологик картаси

Иш жараёнлари вақти	*Фаолиятнинг мазмуни*	
	Ўқитувчи	*Талаба*
I-босқич. Фанга ва мавзуга кириш. (20 минут)	1.1. Ўқув фани номини айтиб, фан доирасида дастлабки умумий тасаввурни беради ҳамда услубий ва ташкилий томонлари билан таништиради.	Тинглайдилар.
	1.2. Фан бўйича ўтиладиган барча мавзулар билан таништиради, уларнинг узвийлиги ҳақида қисқача маълумот беради.	Тинглайдилар.
	1.3. Фан якунида қўйиладиган рейтинг баҳолаш мезонлари билан таништиради	ЎУМ га қарайдилар.
	1.4. Фанни ўзлаштиришда фойдаланиш учун зарур бўлган адабиётлар рўйхати билан таништиради.	ЎУМ га қарайдилар.
	1.5. Ўқув машғулоти мавзуси билан таништиради ва унинг мақсади, ўқув фаолияти натижаларини баён қилади.	Мавзу номини ёзиб оладилар.
	1.6. Мавзу юзасидан ақлий ҳужум қоидаси асосида дарс ўтказишни таклиф этади. Талабалар томонидан айтилган фикрларни ёзиб боради ва умумлаштиради	Тушунчаларни эркин фикр орқали билдиради.
II-босқич. Асосий (50 минут)	2.1. Мавзу режаси ва таянч тушунчалар билан таништиради.	Тинглайдилар.
	2.2. Маърузани режа бўйича тушунтиради, ҳар бир режани нихоясида умумлаштиради. Жараён компьютер слайдларини намойиш қилиш билан олиб борилади	Тинглайдилар. Слайдга эътибор қаратади, уни ўзига ёзиб олади ва саволлар беради.
	2.3. Ҳар бир режани мустаҳкамлаш учун қуйидагича саволлар беради: 1. Жон ҳақидаги фалсафа? 2.Жон хақидаги илк фалсафий тасаввурлар? 3.Жон ва рух?	Саволларга жавоб берадилар, эркин баҳс-мунозара юритадилар.
	2.4. Таянч ибораларга қайтилади. Талабалар иштирокида улар яна бир бор такрорланади.	Ҳар бир таянч тушунча ва ибораларни муҳокама қиладилар. Конспект қиладилар.

III-босқич. Якуний босқич. (10 минут)	3.1. Т-схема техникасидан фойдаланилган ҳолда жуфт-жуфт бўлиб ишлаш учун тингловчиларга: жон инсон мавжудлигининг асосига оид савол ёзилган тарқатма материаллар тарқатади. Ушбу техника орқали мавзу бўйича якунловчи хулоса қилади.	Мустақил Т-схемани тўлдирадилар. Эркин фикрини баён этади.
	3.2. Талабаларнинг фаолиятига баҳо қўйилади ва рағбатлантирилади.	Эшитади.
	3.3. Келгуси машғулотга тайёргарлик кўриш учун топшириқлар ва фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати берилади.	Эшитади ва ЎУМ га қарайдилар.

Инсон мавжудлигининг табиий асослари. Онг қаердан пайдо бўлган, деган саволга жавобни инсон қадим замонлардаёқ излай бошлаган. Инсониятнинг энг буюк мутафаккирлари кўп асрлар мобайнида онг табиатини аниқлашга ҳаракат қилганлар. Аммо фикрлаш, ҳис қилиш, баҳолаш қобилияти узоқ вақт «жон» деб аталган. Буржуа жамиятининг шаклланиш давридагина Европа фалсафасида жон тушунчасидан онг категориясига ўтиш амалга ошган.

«Жон»ни антик юнонлар кашф этганлар деган фикр мавжуд. Бироқ маърифат даврида француз файласуфи Вольтер ўзининг «Жон ҳақида» деб номланган рисоласида жон тушунчаси қадимги ҳинд брахманларининг тафаккури маҳсули бўлса керак, деган фаразни илгари суради. Унинг фикрича, брахманлар инсон жони унинг ўлимидан кейин танадан ажралиб чиқиши ва ўз ҳаёти билан яшашига ишонганлар. Жоннинг бир танадан бошқа танага ўтиши – «метемпсихоз»ни ҳам улар ўйлаб топганлар. Илк юнон донишмандлари, шу жумладан Пифагорнинг Ҳиндистонга саёҳатлари натижасида жон ҳақидаги таълимот ва унинг бир танадан бошқа танага кўчиши ҳақидаги миф Европага кириб келган. Европада маълум бўлган энг қадимги муаллиф – Гомер ўз даврига хос бўлган жон ҳақидаги тасаввурни акс эттирган. Жон кўзга кўринмайдиган ва қўл билан ушлаб бўлмайдиган ҳаводек енгил нарса деб ҳисобланган. Тана ҳалок бўлганда жон уни тарк этган[1].

[1] Қаранг: Вольтер. Философские сочинения. – М., 1989. – 542-б.

Атроф муҳитда, ўз ички дунёсида юз бераётган ўзгаришларга одамлар қадим замонлардаёқ эътибор берганлар. Бу жон ва руҳ ҳақидаги мулоҳазалар пайдо бўлишига олиб келган. Шу тариқа башарият тарихида анимизм - одамлар, ҳайвонлар ҳаёти, нарсалар ва ҳодисаларга жон ва руҳлар таъсир кўрсатишига бўлган эътиқод пайдо бўлди, шу аснода шаклланган дунё ҳақидаги тасаввурлар кейинчалик у ёки бу тарзда турли динлар негизини ташкил этди.

Жон ҳақидаги илк фалсафий тасаввурлар одатда муайян биринчи асослар (ҳаво, олов, атомлар ҳаракати ва ш.к.) билан боғланган ва шаҳссиз бўлган, яъни инсон табиатининг бетакрорлиги, унинг индивидуаллиги билан тенглаштирилмаган. Суқротдан олдинги фалсафа тўлалигича шундай хусусиятга эга бўлиб, бу ерда идеаллик тушунчасини деярли учратмаймиз. Масалан, оловни оқил ва олижаноб, сувни – тубан асос деб ҳисоблаган Гераклит жон (психея) олов ёки сувдан иборат бўлади, деган ғояни илгари суради. Олов кўпроқ бўлган «қуруқ» жонни - энг оқил ва мақбул деб ҳисоблайди. Жон намлангач, ўз кучини йўқотади, ҳўлланган эса – ҳалок бўлади. Шу сабабли жон олови кучлироқ ёниши учун фаол маънавий ва ақлий ҳаёт кечиришга ҳаракат қилиш лозим. Ўз навбатида айрим кишиларнинг жонлари бутун дунёнинг биринчи сабаби ҳисобланадиган ва уни бошқарадиган дунёвий ақл олови – «логос» билан боғлиқ.

Суқрот ва Платон моддий ва идеал ҳодисаларни фарқлаган. Шунингдек, Платон Европа фалсафий анъанасида идеал асосни қайд этибгина қолмасдан, балки ундан моддий асосни ҳам келтириб чиқарган биринчи файласуф ҳисобланади. Айрим инсон онги эса, Платон фикрига кўра, унинг жони билан бевосита боғланади. Бу ўлмас жон у ёки бу танага, тана туғилгунга қадар ўз «зиндони»га тушгандек кириб жойлашади ва у ўлганидан кейин эса боқий ғоялар дунёсида мушоҳада юритади ва шу тариқа уларни ўрганиб яшайди. Платон руҳий ҳодисаларни туйғулар дунёси (сезиш ва идрок этиш) ва интеллектга ажратади. Интеллектда у ақл ва идрокни фарқлайди. Бунда соф ғоялар билан иш кўрувчи ақл фикрлашнинг формал усуллари билан боғлиқ (масалан, математикада) идрокка

нуксонларини эзгулик деб билади; ким покланишни ихтиёр этмаса, унга ҳеч ким дарс беролмайди. Руҳнинг покланиши, соғлом бўлиши учун нима қилиш керак? Сенека, энг аввало "етук донишмандлик илми" фалсафа билан шуғулланиш лозим, деб жавоб беради.

"Қадимдан бизгача етиб келган бир одат бор, - деб ёзади Сенека, - мактублар "Агар сен соғ-саломат бўлсанг, мен ҳам соғ-саломатдирман" деб бошланган. Биз ҳам, "Агар сен фалсафа билан шуғуллансанг жуда ҳам яхши", дейишимиз зарур. Чунки ҳақиқий соғ-саломатлик фалсафада, усиз руҳ ҳамда тана, уларда қанча куч ва қувват бўлмасин, хастадир. Шунинг учун: энг аввало ҳақиқий соғ-саломатлик ҳақида қайғур, кейин эса қолганлар ҳақида"[1]. Киши билакларини тоблаш учун қўлларини, елкаларини машқ қилиб туради. Аммо тана машклари чеғараланган, бел ва билак қанчалик бакувват бўлмасин, улар ҳўкизни йиқолмайди; умуман одамнинг ҳайвонга монанд куч йиғиши орифлик эмас.

Одамни онгли мавжудотга айлантирган унинг ақлидир. Ақл донишмандликка интилиб одам руҳини буюк қилади. Донишмандлик орқалигина киши бахтиёр сезади ўзини; ўзини бахтиёр сезмаган бахтиёр ҳам, озод ҳам эмас. "Яхши яшашни истасанг фалсафанинг қули бўл"[2].

Ён-атрофда нақдга, бойликка ўчлик авж олганда фикр, ҳикмат излашга меҳр қўйиш, таажжуб уйғотади. Сенека буни яхши билади, ҳали одам, у ақли туфайли ҳайвонлардан ўзса-да, нафс балосидан, ақидапарастликдан тўла холос бўлмаган. Фалсафа яшашга ўргатади, лекин қорин тўйғазишга эмас. Шунинг учун файласуф иккисидан бирини: ё руҳни тетик сақлашни, ё нафсни тўйдиришни танлаши лозим. Донишманд неъматлардан мутлақ воз кечмайди, лекин у борига қаноат қилиб яшайди, нафс бандаси эса Каллиодордек нафақат қулларини, ўз руҳи ва эркини ҳам пуллашдан қайтмайди. Кўп кишилар фалсафа билан шуғулланишга журъат этолмайди, чунки улар борига кўниб яшагандан йўқига топиниб яшашни

---

[1] Сенека Л.А. Нравственные письма к Луцилию. – Кемеровское книж. изд-во., 1986. – С. 87.

[2] Ўша ерда. –Б. 39.

афзал кўрадилар. Фоний дунё лаззатлари ва жиҳозларини топиш, уларни тотиб кўриш осон, бироқ кун, тун егулик излаб яшаш қийин. Фалсафа нон ҳам бермайди, шон ҳам; унда етуклик йўлида ўзингни ўлиш излаш бор, холос. Ваҳоланки, фалсафа учун ўзини фидо қилган ўзи учун ўзини фидо қилгандир; у қандай, ким билан, қайси тимсолларга талпиниб яшашни ўргатади. Руҳни ўткинчи ҳавас ва эҳтиростлардан халос қилиш "етук донишмандлик илми"га меҳр қўйишдан бошланади. Ким фалсафага хизмат қилса, фалсафа ҳам унга хизмат қилади; ким фалсафага борини бағишласа, фалсафа ҳам унга борини, лекин умрини китоб устида ўтказганга эмас, балки ҳаётдан ҳикмат излаганга инъом этади[1].

Сенека қалбнинг руҳни мавжуд дунёга муте ушлайдиган нақд, зир орттиришдан, эҳтиростлар ва лаззатларга берилишдан сақлаш лозим деган ғояни илгари суради. Бу фикр деярли барча мактубларда у ёки бу талқинда қайта ва қайта қайд этилади. Чамаси донишманд римликлар нафақат шуҳратга, худди шунингдек, бойлик тўплашга ҳам ўч демоқчи бўлган.

Пок руҳни, унинг соф табиатга монандлигини туйиш беқиёс роҳат, ҳузурдир. Бундай руҳ нафақат ақлдан, ҳатто ҳаётдан ҳам ўзиши зарур. Унинг олдида кўпчиликни ваҳимага соладиган ўлим – ҳеч нима. Бироқ, кўпчилик ўлим муқаррарлигини била туриб, ҳаётга жон-жаҳди билан ёпишади, умрини чўзиш учун ҳар қандай қабиҳликка, ёвузликка ва нопокликка тайёр. Одам аслида туғилганидан ўлим томон боради, умрнинг ўтган ҳар бир дақиқаси ўлим томон ташланган қадамдир. Демак, ўлим – табиий ҳол; ҳаётни чўзиш табиат қонунларига зиддир. Табиат – Буюк Боқий мутлақ йўқлик эмас, балки ҳаётни янгилаш тарафдоридир. Ким унга қарши чиқса, у янгиланишга ҳам қарши; тургунлик муқимни вақтинча асраса-да, янгиланишга тўғаноқ бўлолмайди. Ҳалим энг қудратлиларни ҳам йиққан, шунинг учун киши ўлимни "довюраклик билан қарши олишга ўзини тайёрлаб бориши лозим"[2].

---

[1] Сенека Л.А. Нравственные письма к Луцилию. – Кемеровское книж. изд-во., 1986. – С. 91.

[2] Ўша ерда. –Б. 255.

Файласуф фикрига кўра, ортиқча нақд пул тўплашга, ҳашаматда яшашга, керагидан ортиғига интилиш кишини ахлоқий таназзулга етаклайди. "Ён-атрофингга боқ, – деб ёзади у ёш дўстига, – қанчадан қанча нарсалардан иккиланмай воз кечиш мумкин. Уларга кетган вақт, куч, ҳаражатларни ҳисобла, ана нималарга умримиз сарф бўлади. Биз уларни муҳтож бўлганимиз учун эмас, балки бошқаларга таклид қилиб йиғамиз. Суқрот битта хитонида, қишу ёз оёқ яланг, бош яланг юрган, Диоген бочкада яшаган, Зенон бир сиқим арпага қаноат қилган; биз уларнинг ахлоқий-маънавий сифатларига ҳавас қиламиз. Ҳавас қиламиз, валек улардек яшашга журъатимиз етмайди. Нега? Уйимиз тўридаги биллур қандиллар, ипак гиламлар, кумуш идишлар, мармар ҳайкаллар, пар ўриндик, амримизни бажаришга шай қуллар содда ва ҳур яшаш ўйини қалбимиздан ўчирган; ким шундай яшамаса, уни даврамизга нолойик биламиз. Ваҳоланки, лой идишдан кумуш идишдек фойдаланган қандай аълам бўлса, кумуш идишдан лой идишдек фойдаланган ҳам шундай аълам дир"[1]. Кўпга эга янада кўпга интилади, керагига эга эса боридан хушнуд. Биринчиси ҳаловат билмайди, бойлигимни ўғирламасинлар деб тунлари бедор, иккинчиси эса рақибсиз яшайди, тунлари бехавотир ухлайди. Мабодо ёв келса, иккинчисини эмас, биринчисини талайди; иккинчисини эмас, биринчисини қул қилади. Аристилл, Суқротнинг шогирди, тушган кема денгиз қароқчиларники экан. Қандай хавфга дуч келганини сезган файласуф пулларини, тиллаларини санаётиб, гўё ногаҳон, уларни сувга тушириб юборибди ва бепарвогина дебди: "Аристиллнинг тиллолари учун ўлдирилганидан, тиллоларнинг Аристилл учун ўлгани афзал"[2]. Ахир бойликка ўч бизнинг ҳаётимиз ҳам денгиз қароқчиларининг кемасига ўхшамайдими?

Очкўзлик, зарга ўчлик, Сенеканинг ёзишига кўра, кишиларга ёшликдан сингдирилади. Айнан ота-оналаримиз, тарбиячиларимиз бизда тилла ва кумушга меҳр уйғотмаганми? Кишилар асосан нимага

[1] Ўша ерда. –Б. 98.
[2] Ўша ерда. -Б. 89.

интилади – купроқ нақд пул топишга, ҳатто остона ва шипларини ҳам зар билан безашга эмасми? Яқинларига улар нима тилашади – бадавлат яшашни, тўкин-сочин бўлишини, мармардан тикланган саройларда яшашни эмасми? Фақирликдан нафратланиш ахлоқий сифатларимизга айланган. Очкўзлик жазосиз қолмайди, унинг ўзи ўзига жазодир. Валек аянчли томони шундаки, очкўзлик иллатлар ичида энг юқумлисидир. "Эсингда тут, Луцилий, йиққанинг эмас, қалбингни безагани бойлигингдир"[1].

Файласуф қалбни, руҳни поклаш ва бойликка, ҳазз-ҳузурга бефарқ яшаш инсоннинг якка ўзига, унинг мужоҳадаларига боғлиқ деб билади. Ким хушбахт яшашни истаса истаклари, эҳтиросларини ўзи идора қилиши зарур. Ҳаётимиз – худо туҳфаси, аммо қандай яшаш бизнинг эркимизда. Бизни иллатларга ботирган душман, аду ўзимизнинг ичимиздадир. Ушбу ёвуз кучни фақат ўзимиз ичимиздан қувишимиз, ахлоқимизни тузатиб, уни маҳв этишимиз мумкин. Эзгулик – табиатимизга монанд, иллатлар – руҳимизга ёт. Ҳайратли томони шундаки, кўпчилик табиатига монандга эмас, руҳига ёт иллатга эргашади. Шунинг учун, ҳар бир киши табиатга монанд сифатларини асраши, табиат иньом этган туйғу ва ақлу идрокни мукаммаллаштириши керак. Ўзи қодир ишни худодан сўраш ожизликдир; „Худо сенинг ёнингда, сен билан, сенинг ичингда"[2]. "Ичимизга илоҳий руҳ жо, у барча яхши ва ёмон ишларимизни кузатиб боради; биз у билан қандай муомалада бўлсак, у ҳам бизга шундай муомала қилади. Ҳар бир чин олижаноб киши худога дахлдор, унинг ичида муаббад яшайди"[3]. Ушбу муаббадни туйиши учун киши ўзига ўзи қулоқ тутмоғи, ўзи билан ўзи суҳбат қурмоғи лозим. Етукликни ўзидан излаб тополмаган уни маҳдудотдан излаб тополмайди. Сенека шогирдини ўзини ўзи ўрганишга, гоҳо ўзини ўзи беаёв танқид қилишга чақиради. Бу ўткинчи дунё лаззатларига бефарқ қолишни тарбиялайди. Фоний дунё лаззатларига ва жиҳоз-

---

[1] Сенека Л.А. Нравственные письма к Луцилию. – Кемеровское книж. изд-во., 1986. –С. 75.

[2] Ўша ерда. –Б. 90.

[3] Ўша ерда. –Б. 69.

ларига меҳр қўйган кишини мавҳум келажак титроққа, қўрқувга солади. У ушбу лаззатлар ва жиҳозлардан маҳрум бўлишидан вайло кўтаради; у ўлим табиий ҳол экани билан ҳеч чиқишолмайди. Ўлим унга адолатсизлик, зўравонлик ва ёвузлик бўлиб туюлади, у бор кучи билаи уни енгишга, ҳатто маҳмасада умрини неча кунга, дақиқага чўзишга интилади. Ўлимдан қочиш беманиликдир, албатта. Лекин унинг муқаррарлигини била туриб ғамга ботиш янада бемаънилиқдир. Стоиклар ўлимни мағрур қарши оладилар; улар учун ўлим эмас, ўлимнинг борлигини унутиш аянчли. Ким ўлимнинг борлигини унутса, у етуклик борлигини ҳам унутади; ҳаёт ўлимдан қочиш учун эмас, етукни топиш учун берилган. "Мавҳум келажак олдида қўрқувга ботмай десанг унинг келишини муқаррар нарса деб бил; борликда содир бўлмайдиган нарса, ҳодиса йўқ, ён-атрофимиз тасодифларга тўла, ким уларнинг рўй беришини табиий ҳол деб қабул қилмаса, у мавҳум келажак олдида титроққа тушишдан қутулолмайди... Суқрот одамларни ўлим ва зиндон азоби хавфли эмаслигини кўрсатиш учун маҳбасдан қочиш таклифини рад этиб заҳар ичган. Мудай эса қўлини оловга тиққан. Куйдиришлари сенга азоб беради, шубҳасиз, лекин ўзингни ўзинг куйдириш янада азоблидир... Тарихда ўлимдан ҳазар қилган қахрамонлар кўплаб топилади, аммо ўз иллатларингни енгиш ҳам чин қаҳрамонликдир"[1]. Ўз иллатларини билган ва уларни енгган ўлимдан қўрқмайди; ўлим руҳимизни қийнайдиган азоблардан бири эмас, у охирги азобдир. Файласуф стоиклар анъанасини давом эттириб ёзади: "Базму зиёфатлардан ошқозон бузилади, ичкиликбозликлардан томирлар қотади ва титрайди, шаҳватдан қўл, оёқ, бўғимлар заифлашади. Мен қашшоқлашсам, демак, кўпчиликка қўшиламан, бадарға қилинсам, борган жойимни макон биламан, занжирбанд қилсалар – ташвиш нега? Ахир мен ҳозир ҳам занжирбанд эмасманми? Табиат мени ўз танамга банди этиб қўймаганми? Мен ўламанми? Демак, мен

[1] Алимасов В. Фалсафа ёхуд фикрлаш чанқоғи. –Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ нашриёти, 2007. –Б. 89.

энди хаста бўлмайман, занжирбанд қилинмайман, ўлим хавфидан холиман"[1].

Шундай қилиб хулоса қиламиз. Умуман ўлимни табиий ҳолдек кутиб олишга даъват стоиклар фалсафасидаги бош ғоялардан бири ҳисобланади. Унга кўра, киши туғилганидан ўлим томон боради, гўдаклик, ўсмирлик, ёшлик, қарилик ягона ҳақиқат – ўлимга элтади. Умрини хушбахт ўтказмоқчи бўлган киши эса ҳаёт қувончларига ҳам, ўлим қўрқувларига ҳам бефарқ яшайди, ўлим руҳни безовта қилолмайди. Донишманд ўз қисматидан қочмайди, ҳаётининг охири келганида тарк этади. Ҳаётдан қочиш бошқа, уни тарк этиш бошқа; биринчиси – руҳнинг заифлиги, иккинчиси буюк борлиқ ҳукмидир. "Яшаш эмас, муносиб яшаш муҳим; эрта ўласанми ёки кейин – аҳамияти йўқ, яхшилик билан яшадингми ёки ёмонлик билан мана – нима зарур"[2]. Икки минг йил олдин битилган ушбу насойиҳлар – насиҳатлар мозий қаъридан эмас, маънавий-ахлоқий етуклик излаётан замондошимиз қалбидан чиқаётган даъватлардек эшитилмайдими?..

Қадимда жоннинг номлари кўп бўлган: пневма, псю-хе, фантом, мана, квинтэссенция. Жон (лот. anima) ҳайвон, инсон ва ҳатто ўсимлик танасида яшайдиган ва уни уйқу пайтида ёки ўлимдан сўнг тарк этадиган алоҳида куч сифатида намоён бўлган. Бундан унинг этимологик талқини, яъни жонни нафас, нафас олиш ва нафас чиқариш сифатида тушуниш келиб чиққан. Гомердан сўнг ўзларини «муаллимлар» деб атаган мутафаккирлар инсон жони енгил шабада, ҳавога ўхшаган нарса, фантомгина эмас, у, бундан ташқари, инсон майллари, эҳтиросларини шакллантиради, ниҳоят, у мулоҳаза юритади ва далилларни илгари суради, деган қарорга келганлар. Шу тариқа жон уч таркибий қисмдан иборат моҳиятга айланган: ҳаётбахш нафас ўсимлик жони деб, псюхе – руҳий жон, нус эса – ақлли жон деб атала бошлаган. Жонни тушунтириш ўта огир муаммога айланган (айниқса материалистик фикрловчи файла-

---

[1] Сенека Л.А. Нравственные письма к Луцилию. – Кемеровское книж. изд-во., 1986. – С. 98.

[2] Ўша ерда. –Б. 100.

суфлар учун). Бу алоҳида турдаги теран материяга, кўз билан кўриб бўлмайдиган ички моҳиятга шубҳа туғилмаслиги учун улар бутун табиатни жонли деб эълон қилганлар. Мазкур қарашлар **гилозоизм** мўлжалида ўз аксини топган.

Жоннинг танада пайдо бўлиши ҳақидаги таълимот. Платоннинг «Давлат» асарида жон таркибий қисмларининг бошқача иерархияси келтирилади: оқилона жон, эмоционал-қаҳрли жон, бузуқ жон. Улар тегишли равишда бош, кўкрак ва қорин бўшлиғида жойлашган. Аристотелнинг «Жон ҳақида» деб номланган рисоласида жон ва тана бир-биридан ажралмас моҳиятлар сифатида тавсифланади, жон ҳақидаги таълимот эса ҳаёт ва унинг шакллари ҳақидаги умумий таълим сифатида тушунилади. Ўсимликлар жони, ҳайвонлар жони ва ақлли мавжудот – инсон жонини фарқлар, экан, Аристотель ривожланиш ғоясини руҳиятга татбиқан билвосита таърифлайди. Унинг фикрича, жоннинг юқорида зикр этилган уч таркибий қисми инсонда яхлит бир бутунга бирлашади ва турли функциялар: овқатланиш, ҳис қилиш ва мулоҳаза юритишда намоён бўлади. Жон унсурларининг барчаси тана унсурлари билан узвий боғланади, аммо улар энг аввало космик ҳаракатларга боғлиқ бўлади. Антик даврда жон алоҳида ҳаётбахш куч, ички маънавий асос сифатида тушунилган бўлса-да, унинг фақат ўз фаоллиги сифатида тушунтирилган.

Ўрта асрлар фалсафасида жон – дунёвий ва илоҳий фаолият ўртасидаги боғловчи бўғин, деган умумий тасаввур шаклланади. Фома Аквинский (1226–1274) жон инсонни «актуаллаштиради», унинг асл моҳиятини белгилайди, деган фикрни илгари суради. Фома Аквинский *жон имкониятларини потенциялар деб атайди. Улар беш хил бўлади: ўсиш, ҳиссий идрок этиш, ўз хоҳиш-иродасини ифодалаш, маконда ҳаракатланиш, ақл ёрдамида дунёни тушуниш.* Айрим потенциялар тана билан боғлиқ бўлса, баъзилари, масалан, ўз хоҳиш-иродасини ифодалаш ва ақл ёрдамида дунёни тушуниш кўпроқ олий асосга бўйсунади. Аммо тана зарур, чунки у жоннинг барча потенцияларини бирлаштиришни таъминлайди.

Черков оталари учун жон фақат эътиқодлар тизимига мос келадиган ёки мос келмайдиган бир моҳиятни ўзида ифодалайди. Жоннинг нормал фаолиятини таъминлаш руҳонийнинг вазифаси

ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан жон шахсий ҳаёт омили сифатида эмас, балки йўлга солиш лозим бўлган жамоавий-умумий моҳият сифатида талқин қилинади. Жоннинг моддийлиги ғояси черков мулозимлари томонидан тақиқланади. Ақл ва жон Худо атрибутлари сифатида шарҳланади. Фақат жоннинг паноҳ топиши ҳақида қайғуриш лозимлиги таъкидланади, зеро жон ўлмас, инсон танаси эса ўткинчидир.

Янги давр Европа фалсафасида жон тушунчаси шахснинг теран, ички дунёси билан айнийлаштирила бошлайди. Хусусий ташаббус ва тадбиркорликнинг ривожланиши инсоннинг маънавий интилишлари қадрият сифатида англаб етилишига туртки беради. Айрим ҳолларда маънавий асосни мутлақлаштириш юз беради, у жисмоний, моддий асосдан муҳимроқ деб тушунилади. Одамлар ўз ҳаракатларини ўзларининг эҳтиёжлари билан уларни боғлаш ўрнига, ўз майлларидан келиб чиқиб тушунтирадилар.

Шунга қарамай жоннинг жисмоний келиб чиқиши ҳақидаги концепция унутилмайди. Француз файласуфи Жюльен Ламетри (1709–1751) ҳатто жон қайси органдан ўрин олишини ҳам кўрсатади. «Биз тубанлашувимиз учун барча кишиларнинг жони яшайдиган миямизда заррача ўзгариш юз беришининг ўзи кифоядир». «...Бизнинг жонимиз эҳтиёжларимизга бевосита боғлиқ бўлади, уларни мисли кўрилмаган тезликда қондиради ва бу эҳтиёжларга ҳеч нарса қарши бора олмаслиги ҳақида огоҳлантиради»[1].

Жонда бутун дунё ўзининг тўлиқ тажассумини топади. У серқирадир. Француз файласуфи ва математики Блез Паскаль (1623–1662) жон руҳий парвозларининг чексиз даражада ранг-баранглиги, унинг нозиклиги, бетакрорлиги ва беқарорлигидан таажжубланиб, инсон жонининг моҳиятини формула билан ифодалаш мумкин эмас, у ҳақда фақат ҳаётни ўрганиш ва инсон хулқ-атворини кузатиш орқали ҳукм чиқариш мумкин, деган хулосага келади. Жоннинг мазкур хусусиятлари теран маънавий асосларни ички даражадан сиртга чиқаради. Жон индивидуалликнинг асоси сифатида амал қилади.

---

[1] Қаранг: Ламетри. Сочинения. – М., 1983. – 237–238-б.

тасаввурлар ўз-ўзича тўғри, бироқ тўлиқ эмас. Мазкур ноёб феноменни тушунтириш учун энергетик, динамик ва темпорал мезонлар зарур. Адабиёт ва шеъриятда, кундалик муомалада жоннинг безовталиги, унинг майллари ва ҳаракатлари ҳақида кўп гапирилади. Жон азалдан муайян фаол куч, ҳаракат манбаи, энергия токи ва ҳаракатлантирувчи асос сифатида тушунилади. Тана дам жонни ифодалаш майдони сифатида, дам жон «гўри» сифатида қаралади. Психоаналитик К.Юнг жон ҳам, унинг иши ҳам кўпчилик учун кўринмас эканлигига эътиборни қаратар экан, жон учун муҳим омиллар онгдан ташқарида бўлса керак, деб тахмин қилади. «Фақат тунда очиладиган гуллар» ҳақида гапирар экан, Юнг, "жон, барча маънавий асослар яратиладиган ва шаклланадиган вақт оралиғини белгилайди"[1] деб таъкидлайди.

Фалсафий оқимлар, мактаблар ва йўналишларнинг деярли барчаси жонни англаб етиш, оқилона таҳлил килиш мумкин бўлмаган, теран ҳодиса сифатида тавсифлайди. Айни пайтда жонга ишора қилувчи, жоннинг бокиралиги, унинг ички кучлари ҳакида баҳс этувчи мавзулар доираси беҳад кенг.

Экзистенциализм асосчиси даниялик файласуф С.Кьеркегор (1813–1855) ўз изланишлари натижасида жонни танлаш мумкин ва бу ҳар кимнинг ўз хоҳиш-истагига боғлиқ, деган муҳим хулосага келади. Индивидуал руҳий олам, интим ички дунёнинг мавжудлиги инсон ҳаётини мушкуллаштиради ва онг феноменини англаб етиш муаммосини янада оғирлаштиради. Аммо ўз ўзлигини сақлаб қолиш ҳуқуқи Ерда яшайдиган ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқи ҳисобланади.

Демак, жон инсониятни қадим замонлардан буён қизиқтириб келган муҳим муаммолардан бири бўлиб, унинг мавжудлиги тирикликнинг ифодаси сифатида талқин қилинган. Жонни асраш эса тирикликни асраш демакдир.

Инсон борлиғининг асоси ҳақида. *Инсон борлиғи табиий ривожланишнинг бутунлай янги, юқорироқ босқичи ҳамда унинг*

[1] Қаранг: Юнг К. Архетип и символ. – М., 1991. – 210-б.

тирий жисмоний, биологик асосга ҳисобланади. Шундан келиб, жонли организмларнинг мавжудлик қонунлари ва тамойиллари ҳис этувчи мавжудот саналган инсонга нисбатан ҳам тўла татбиқ этилади. Аммо бундан ташқари инсонни қолган барча жонли нарсалардан фарқлаш имконини берадиган, унда ҳеч шубҳасиз мавжуд бўлган, лекин синчиклаб қараганда кўринмайдиган, аниқ тавсиф беришнинг иложи бўлмаган нимадир мавжуд. Инсоннинг ички дунёсини акс эттирувчи бу «нимадир» турли даврларда турли мутафаккирлар томонидан жон, руҳият, онг, тафаккур, идеал ва ҳоказолар деб аталган.

Инсоннинг моҳиятини тушунишга уринишлар, инсон борлиғининг ўзига хос хусусиятини аниқлаш истагига биз ибтидоий жамоа давридаёқ дуч келамиз. Фалсафа тарихида инсон индивидуаллигининг ички, яширин ҳолатини акс эттирувчи «жон» ва «онг» тушунчаларининг таҳлилига алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан атоқли софистлардан бири Протагор (мил. ав. 490-420 йиллар) мил. ав. V асрдаёқ «инсон барча нарсалар мезонидир: у мавжуд нарсаларнинг мавжудлигини, йўқ нарсаларнинг эса йўқлигини белгилайди», деб қайд этган эди. Суқрот (мил. ав. 469-399 йиллар) ҳам ҳақиқат излаб инсонга мурожаат этади. Инсон ўз жони фаолиятини бошқара олади, шу боис дунёни тушуниш йўли ўз-ўзини билиш орқали ўтади, деб ҳисоблайди. Суқротнинг шогирди Платон биринчи бўлиб жон ҳақидаги яхлит таълимотни яратди. У одамлар жонининг қандайлигига қараб уларни ҳар хил типларга ажратди.

Кейинги даврларда Сенека, Р.Декарт, А.Навоий, А.Жомий, И.Кант, И.Г.Фихте, Ж.П.Сартр, М.Хайдеггер ва бошқа мутафаккирлар инсоннинг маънавий негизини биринчи ўринга қўйиб, унинг онги, маънавий дунёси ва билиш қобилиятларини ўрганиш ишига салмоқли ҳисса қўшдилар. Бироқ XXI асрда деярли икки ярим йиллик тарихий тараққиёт жараёнида ҳам инсон муаммоси ўз аҳамиятини йўқотмаган.

Индивидуаллик борлиғи. Нима учун билиш жараёнида инсоннинг ички дунёси доим биринчи ўринда туради? Нима учун инсон борлиғи нарсалар борлиғини тушунишда аксарият

муаллифларга таянч нуқтаси бўлиб хизмат қилади? Бу саволларга жавобни қисман француз файласуфи А.Бергсон (1859-1941)нинг қуйидаги сўзларидан топиш мумкин: «Мавжуд барча нарсалар орасида энг ишончлиси ва бизга кўпроқ маълум бўлгани, ҳеч шубҳасиз, бизнинг ўз мавжудлигимиздир, зеро бизда бошқа нарсалар ҳақида мавжуд тушунчаларни сиртқи ва юзаки деб ҳисоблаш мумкин, ҳолбуки ўз-ўзини билиш ички, теран билишдир»[1].

Одамлар асрлар оша ўзларига ўзлари назар ташлаб, ўз ички дунёсини таҳлил қилиш ва ўз моҳиятини тушунишга уриниш йўли билан баъзи бир шак-шубҳасиз тамойилларни аниқлаганлар. Улар орасида инсон тана ва руҳнинг узвий бирлигидир деган тамойил, биринчи ўринда туради. Зеро бу инсон мавжудлигининг мутлақ ва зарурий омилидир. Айни вақтда бу бирликнинг йўқолиши, унинг узилиши муайян индивиднинг ўлимини, у фикрловчи жонзот сифатида борлиқдан йўқликка ўтишини англатади. Бунда тана табиий-жисмоний тузилма сифатида инсон ўлимидан кейин ҳам маълум вақт мавжуд бўлади, яъни ўз борлиғини муайян даражада сақлайди. Аммо борлиқ маъносидаги индивидуал руҳ, онгдан асар ҳам қолмайди. Моҳият эътибори билан уларнинг йўқолиши муайян инсоннинг ўлимини, индивидуаллик йўқ бўлганини англатади.

Онг инсон борлиғининг асоси. Онг муаммосини ечишга нисбатан янгича ёндашувлар ҳозирги замон фалсафасининг иррационалистик оқимларига (лот. Irra Онгнинг табиати.) мансуб. Онг муаммоси ўта мураккаб муаммолардан бири бўлиб, фалсафада доим қизғин баҳс ва мунозараларга сабаб бўлиб келган. Бу баҳс ва мунозаралар ҳозир ҳам тугагани йўқ.

Онгнинг табиати шундай: у ҳиссий идрок этиладиган объектив борлиқни тушуниш ва акс эттириш учун биз юқорида фойдаланган аксарият кўрсаткичлар ва тавсифларга мос келмайди. Онгни ўлчаш, бирон-бир тарзда миқдорий ифодалаш, сезиш ёки кузатиш мумкин эмас, зеро унинг массаси ҳам, энергияси ҳам йўқ, шунингдек у моддий объектлар каби муайян шакл-шамойилга ҳам эга эмас.

---

[1] Бергсон А. Творческая эволюция. – М.: 1984. – С.1.

Онг шак-шубҳасиз мавжуд, аммо у мавҳум бўлиб, балки билвосита – одамлар тили ва муайян фаолияти орқали намоён бўлади. Бинобарин, инсон борлиғининг бу элементларини таҳлил қилмасдан онгнинг моҳиятини аниқлаш мумкин эмас. Мазкур таҳлил онгнинг биологик жиҳатини ҳам ўз ичига олади, зеро унинг мавжудлиги инсон бош мияси фаолияти билан узвий боғлиқ. Шу сабабли онгнинг табиати нафақат фалсафада, балки физиология, психология, социология, кибернетика, информатика ва бошқа ижтимоий ва табиий фанларда ҳам ўрганилади.

Айни вақтда мазкур муаммо ўта мураккаблиги туфайли унинг фалсафий талқини айрим фанлар учун муҳим методологик рол ўйнайди. Уларнинг натижалари эса, ўз навбатида, онгнинг табиати хусусидаги фалсафий мулоҳазалар учун асос бўлади. Онгнинг табиати масаласининг қўйилиши ва унга берилган тегишли жавоб, одатда, барча кейинги фалсафий, чунончи: онтологик, гносеологик, ижтимоий ва бошқа мавзулардаги мулоҳазаларнинг йўналишини белгилайди.

Онг ҳақидаги тасаввурларнинг ривожланиши. Янги даврда онг ҳақидаги тасаввурлар анча кенгайди. Р.Декарт (1596-1650) онгни тафаккур билан тенглаштириб, уни умумийроқ тусдаги «руҳият» тушунчасидан ажратди ва онгни мустақил, эркин фикрловчи субстанция деб ҳисоблаб, ёнма-ён жойлашган бошқа – кўламли, фикрламайдиган, моддий субстанцияга қарши қўйди. Дуализм деб номланган мазкур фалсафий ёндашув кейинчалик онгнинг табиатини тушунишга нисбатан икки қарама-қарши ёндашув юзага келишига замин ҳозирлади. Шулардан бири руҳийни жисмонийга (Гобс); маънавийни – моддийга боғлаш билан тавсифланади. Иккинчи ёндашув субъектив (Беркли, Юм, Фихте, Мах ва бошқалар) ва объектив (Платон, Фома Аквинский, Гегель) идеализм билан боғлиқ бўлиб, моддий ва жисмоний нарсалар ва ҳодисаларни иккиламчи, идеал, маънавий, руҳий нарсалар ва ҳодисалар маҳсули деб тушуниши билан ажралиб туради.

Иккала ёндашув ҳам немис классик фалсафасида фаол ривожлантирилди. Масалан, Гегель индивидуал онгга бутун ривожланиш

негизи саналган мутлақ ғоянинг пировард шаклларидан бири сифатида ёндашди. Бу ерда онг тарихан белгиланган фаол асос сифатида тушунилади. Мазкур асосда унинг тузилиши даражалари, хусусан, ҳиссий, мантиқий, индивидуал ва ижтимоий даражалар фарқланади.

Бюхнер, Фохт, Молешотт каби файласуфлар онгга «вульгар материализм» нуқтаи назаридан ёндашади. Бу ёндашувга кўра онг соф моддий жараён сифатида талқин қилинар, унинг мазмуни эса инсон ейдиган озиқ-овқат маҳсулотларининг кимёвий таркиби билан боғланар эди. Улар жигардан сафро ажралганидек, ақлдан фикр ажралади, деб ҳисоблаган.

Табиатшуносликнинг ривожланиши, айниқса нейрофизиология, биология, экспериментал психология соҳасида қўлга киритилган ютуқлар сўнгги йилларда бизнинг онг табиати ҳақидаги тасаввурларимизни сезиларли даражада кенгайтирди. Шунга қарамай, сунъий интеллект яратиш борасидаги ишлар, «фикрловчи машиналар»нинг пайдо бўлиши ва «ахборот портлаши» ва компьютер инқилобининг бошқа натижалари, хусусан шахмат ўйинида ҳатто жаҳон чемпионларини ҳам ютишга қодир суперкомпьютерларнинг яратилиши инсон онгининг моҳияти ва имкониятлари ҳақидаги масала янгидан қўйилишига сабаб бўлди. Шундай қилиб, аввалги саволларга жавоб олиш баробарида янги муаммолар ҳам пайдо бўлди. Бироқ улар онг муаммосини ечишга нисбатан ҳар хил, баъзан бир-бирини истисно этувчи нуқтаи назарлар ва фалсафий ёндашувлар сонини асло камайтиргани йўқ.

Онг фалсафий муаммо сифатида. Рационализмдан фарқли ўлароқ иррационализм (irrationalis – нооқилона, онгсиз) борлиқни оқилона англаш имкониятини чеклайди, баъзан эса бутунлай инкор этади. Хусусан, неофрейдизмнинг атоқли намояндаларидан *бири К.Г.Юнг (1875-1961) онгни илмий воситалар билан билиш мумкин эмас, деб ҳисоблаган ва унга таъриф беришга уринишлардан бутунлай воз кечиб, уни расмлар ва метафоралар ёрдамида тавсифлаш билангина кифояланишни таклиф қилган.* Онгни тушуниш иррационализм экзистенциализм ва неопозитивизм каби фалсафий оқимларга ҳам хосдир.

Ирратионализмга зид ўлароқ, онгни тушунишга нисбатан *материалистик ёндашув онгнинг пайдо бўлишини материянинг ўзи билан тушунтиришга интилиш, айни вақтда унинг табиат ва вақтдан ташқарида ҳамда номоддий келиб чиқишини инкор этиш билан тавсифланади.* Бундай қарашларни асослаш учун илмий ва амалий ютуқлардан доим кенг фойдаланилган. Мазкур йўналиш турли даврларда сезувчи, фикрловчи материянинг фарқи ва ўзига хос хусусиятлари нимада?, деган мушкул саволларга жавоб излаган.

Мазкур муаммони тўла ва узил-кесил тушунганликни даъво қилмасдан, шуни қайд этиш мумкинки, ҳозирги замон фани *ўзини бевосита ёки билвосита намоён этувчи онг инсон миясининг иш жараёни ҳисобланади, унинг функцияси сифатида амал қилади ва ундан айри ҳолда намоён бўлмайди*, деб эътироф этади.

Ҳозирги замон фани инсон миясида юз миллиарддан ортиқ асаб ҳужайралари узлуксиз ишлашини, уларнинг ҳар бири ўз навбатида бошқа ўн минг ҳужайра билан ахборот ва сигналлар алмашишини аниқлаган. Инсон мияси, гарчи унинг массаси тана массасининг атиги икки-уч фоизини ташкил этса-да, организм овқатдан оладиган бутун энергиянинг йигирма фоизига яқинроғини истеъмол қилади.

Мазкур ўта мураккаб биологик «компьютер» ишини тадқиқ этиш мумкин бўлиб, бу билан махсус фанлар шуғулланади, аммо фалсафа бундай тадқиқотларни эътиборга олиб, ўз олдига биринчи навбатда онгнинг табиати қандай, деган саволга унинг вужудга келиши ва генезисини ўрганиш йўли билан жавоб бериш вазифасини қўяди. Бунда фалсафа инсон миясининг функцияси саналган онгни ўрганиш билангина чекланмайди, балки онгнинг бошқа шакллари, хусусан ўзга моддий тузилмалардан пайдо бўлган онг шакллари мавжуд бўлиши мумкинми?, деган саволга жавоб излайди. Шунингдек, фалсафа онгнинг материядан олдин пайдо бўлган ёки у билан мутлақо боғлиқ бўлмаган моҳият ҳисобланишини назарда тутадиган таълимотларни ҳам истисно этмайди.

Шунга қарамай бугунги кун нуқтаи назаридан инсон ақли тушунишга қодир бўлган борлиққа таянадиган фалсафий ғоялар

фақат инсон мияси фаолияти муносабати билан аниқ сўз юритиш мумкин.

Янги табиий-илмий маълумотлар олиниши онгнинг табиатини тушунишга нисбатан материалистик ёндашувлар мавқеини кучайтирмоқда. Аммо, кези келганда шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, бу ўта мураккаб масала хусусида фалсафанинг материалистик йўналиши вакиллари ўртасида ҳам ягона фикр мавжуд эмас. Масалан, XX асрнинг 50-йиллари охирида АҚШ ва Австралияда илмий материализм вужудга келди. У «вульгар материализм» анъанасини давом эттириб, моҳият эътибори билан маънавий ҳодисаларни миянинг физик ҳолатлари билан тенглаштирди (Р.Рорти, Г.Фейгл, Д.Армстрон ва бошқалар). 70-йилларда АҚШ ва Канадада яна бир фалсафий йўналиш – «эмержентистик материализм» шаклланди (инг. emerge – юзага чиқиш, пайдо бўлиш, юзага келиш). Унинг вакиллари – М.Бунге, Ж.Марголис ва бошқалар индивидул руҳият ва онгнинг эволюцион келиб чиқиши ғоясини ҳимоя қилиб, руҳий ҳодисаларни жисмоний ҳодисаларга боғлашга қарши чиқдилар.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, онгнинг материалистик концепцияси ҳозирча энг мукаммал ва ҳозирги замон табиатшунослиги талабларига кўпроқ даражада жавоб берадиган фалсафий концепция бўлиб қолмоқда. Айни шу сабабли унга қуйида муфассалроқ тўхталамиз.

Онгнинг фалсафий концепцияси. *Файласуфлар онгнинг пайдо бўлишини фақат нотирик материядан табиий йўл билан вужудга келган тирик материянинг тадрижий ривожланиши маҳсули сифатида тушунтиришга ҳаракат қилдилар ва онг табиатининг талқинига «инъикос» тушунчасини киритадилар.* Уни материянинг умумий хоссаси деб ҳисоблаб, онгни инъикоснинг олий типи деб тавсифлайдилар ва онгнинг генезисига табиий-тарихий нуқтаи назардан ёндашиб, унинг пайдо бўлишини меҳнат ва тил билан боғлайдилар.

Бу назария объектив дунёнинг барча объектлари, жараёнлари ва ҳодисалари муттасил ўзгаришда бўлиши, шунингдек бир-бири

эътироф этади.

Бундай ўзаро таъсирлар натижасида айрим жисмлар ва ҳодисалар бошқа жисмлар ва ҳодисаларга таъсир кўрсатиб, уларда тегишли ўзгаришлар ясаш ва уларни муайян тарзда ўзида гавдалантириш орқали уларда гўёки ўз «изи»ни қолдиради.

Инъикос – нарса ва ҳодисаларнинг ўзаро таъсирлашуви асосида ҳосил бўладиган ҳодиса, ҳолат, жараён ва ўзгаришларни ифодалайди[1].

Тирик табиатда инъикос нисбатан содда шакллари ва пассив хусусияти билан тавсифланади. Яъни, сиртдан таъсирланиш натижасида нарсалар ва ҳодисалар ўз механик, физик ёки кимёвий хусусиятларини ўзгартиради, лекин мазкур ўзаро таъсирга жавобан ҳеч қандай фаоллик кўрсатмайди. Бу ерда қумдаги оёқ излари ёки кадимги организмлар ва ўсимликларнинг тоғ жинсларидаги излари, фотосуратлар, кўзгудаги акс ва шу кабилар мисол бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Ҳаёт пайдо бўлган пайтдан эътиборан инъикоснинг бутунлай бошқача (биологик) шакли – таъсирланувчанлик барча жонли нарсаларнинг атроф муҳит таъсирига муносабат билдириш қобилияти сифатида вужудга келди. Бу қобилият фақат сиртдан таъсирларга нисбатан намоён бўлади. Жонли организмлар эволюциясининг юқорироқ даражасида (ҳайвонот дунёси – фауна вужудга келиши билан) таъсирланиш қобилияти бутунлай бошқа хосса – сезувчанликка ўтади. Бу энди инъикоснинг руҳий шакли бўлиб, у организмларда асаб тизими ва руҳиятнинг элементар шакллари пайдо бўлиши натижасида вужудга келади. Сезувчанлик организмларнинг нарсаларнинг айрим хоссаларини сезгилар тарзида акс эттириш қобилияти сифатида намоён бўлади.

Сезгилар эса, ўз навбатида, юксак даражада уюшган ҳайвонларда, масалан умуртқали ҳайвонларда инъикоснинг янада

---

[1] Қаранг: Фалсафа қомусий луғат. Назаров Қ тахрири остида – Т.: Шарқ, 2004. –Б.172.

мураккаброқ шакллари, хусусан идрок этиш ва тасаввур қилиш қобилиятлари пайдо бўлишига замин ҳозирлайди. Бу инъикоснинг объектив дунё нарсалари ва ҳодисалари мияда уларнинг идеал нусхалари кўринишида акс этадиган даражасидир. Бу ерда «ақлли» ҳайвонлар мияси имкониятларининг чегараси намоён бўлади. Гарчи улар ўзини қуршаган дунёнинг идеал образларини тасаввур қилиб, шу образларга кўра, масалан, ўз эгаларини танисалар-да, уларнинг мияси идеал образлар билан фикрлаш амаллари тарзидаги махсус ишни бажаришга қодир эмас. Бу вазифани ҳал қилишга юқорироқ даражадаги мия қодир бўлиб, унга фақат инсонгина эгадир.

Шундай қилиб, *биологик инъикос сезиш, идрок этиш ва тасаввур қилиш каби ҳиссий шаклларда амалга оширилади.* Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, бу ерда фикрлаш жараёнида намоён бўладиган онг мавжуд эмас. Онг борлиқни акс эттиришнинг юқорироқ даражаси бўлиб, фақат ижтимоий соҳада мавжуд бўлиши мумкин ва инсон миясида аввало мавҳум фикрлашнинг тушуниш, мулоҳаза ва мушоҳада юритиш каби идеал шаклларида амалга оширилади. Инсон идеал образларни ўз онгида умумлаштириб, шу тариқа объектив борлиқни тушунчаларда (категорияларда) акс эттиради. Уларнинг ўртасида мантиқий алоқа ўрнатиб, турли нарсалар, ҳодисалар ва шу кабиларнинг моҳиятини тўғри ёки нотўғри акс эттириш орқали улар ҳақида у ёки бу хулосага келади. Мушоҳада юритиб инсон нарсалар ва ҳодисаларни билади ва шу тариқа борлиқни онгнинг муҳим хусусияти саналган мавҳум фикрлаш орқали акс эттиради.

Инъкоснинг олий шакли сифатида онгнинг пайдо бўлиши «ақлли одам» (homo sapiens)нинг шаклланиш жараёни билан боғланади ва аввало меҳнат фаолияти билан белгиланади. Меҳнат қилиш қобилияти руҳиятнинг ривожланишида улкан сакраш бўлди. Маймун анатомияси ва физиологиясидаги эволюция инсон пайдо бўлишига замин ҳозирлаган бўлса, табиати соф ижтимоий хусусиятга эга бўлган меҳнат мазкур жараённинг энг муҳим омилига айланди.

Индивидуал онг борлиғи. Инсон онгини илмий тушуниш йўлидаги биринчи қадам одамзот онги унинг мияси ва физиоло-

гияси билан узвий боғлиқ бўлса-да, лекин улар умуман жонсиз ёки жонли табиат билан мутлақо боғланмайдиган алоҳида нарса сифатида мавжуд эканлигини тан олиш билан боғлиқдир.

Индивидуал онг инсон миясининг объектив борлиқни идеал образларда акс эттириш ва бу образлардан фикрлаш жараёнида фойдаланиш қобилияти. Уни бевосита кузатиш мумкин эмас. *Онг фақат инсон мияси ишининг натижаси, унинг хоссаси сифатида, шунингдек онг намоён бўлишининг фикрлар, ғоялар, эътиқодлар, қадриятлар, мўлжаллар ва шу кабилар тарзида ифодаланган турли шакллари орқали тадқиқ этилиши мумкин.*

Индивидуал онг борлиғини одатдаги макон ва вақт координаталарида тавсифлаш мумкин эмас. У нафақат доим «шу ерда ва ҳозир» мавжуд бўлади, балки гўёки макондан ташқарида ётади, чунки бирон-бир ҳажм ёки миқдорий ўлчанадиган чизиқли кўрсаткичлар билан ифодаланиши мумкин эмас. Вақтда у (далил сифатида, ҳодиса сифатида), ҳар қандай нарсанинг борлиғи каби, фақат ҳозирги замонда мавжуд бўлади, зеро у ўтмишда йўқ бўлган, келажакда эса ҳали мавжуд эмас. Бироқ, моддий нарсалар борлиғидан фарқли ўлароқ, онг бир қанча ўзига хос хусусиятлар, чунончи: вақт шкаласи бўйлаб ўтмишга ҳам, келажакка ҳам бир лаҳзада кўчиш, илгари мавжуд бўлган нарсалар, юз берган воқеаларни хаёлда акс эттириш, пайдо бўлиши, юз бериши мумкин бўлган нарсалар ва воқеаларни тасаввурда гавдалантириш қобилиятига эгадир. Аммо ўтмиш ёки келажакнинг идеал образлари ҳисобланган онгни унинг ҳақиқий борлиғида ўз экранида тасвирларни алмаштирувчи айланувчан калейдоскоп билангина таққослаш мумкин.

Айрим кишилар борлиғи ҳақида сўз юритганда, шуни таъкидлаш лозимки, у барча жонли организмларда бўлганидек функционалгина эмас, балки ўз шаклланиш жараёнида муайян босқичлардан ўтади, бунда тана билан бир қаторда руҳ ҳам ривожланади. Гарчи бу икки жараён диалектик жиҳатдан ўзаро боғлиқ бўлса-да, улардан ҳар бирининг ривожланиши ўз йўлидан боради ва асосан турли қонунларга бўйсунади. Айрим кишилар бир-бирига ўхшамаслиги ва уларнинг чексиз даражада ранг-баранглиги шу ҳол билан белги-

ланади. Улар ўз шаклланиш жараёнининг айни бир босқичлари - инсон, индивид, шахсни ҳар бири ўзича босиб ўтади.

Шахс – инсоннинг уни қуршаган бошқа одамлар томонидан қандай идрок этилиши, тавсифланиши ва баҳоланишини акс эттирувчи ижтимоий ҳодиса. Шахс фақат жамиятда, ўзига ўхшаш одамлар билан мулоқот қилиш, ўтган авлодлар тўплаган тажриба ва билимларни, ўзига қадар яратилган қадриятлар ва хулқ-атвор қоидаларини ўзлаштириш орқали шаклланиши мумкин. Шунинг учун ҳам шахс бўлиш – ижтимоий «қиёфа»га эга бўлиш демакдир. Буларнинг барчаси ижтимоий борлиқнинг турли ҳолатлари ва жараёнларини тавсифлайди. Уларни тўла ёритиш ижтимоий фалсафа муаммоларининг бутун мажмуини таҳлил қилишни тақозо этади.

Ижтимоий онг борлиғи. Ижтимоий борлиқнинг ўзига хос хусусиятларига назар ташласак, у борлиқнинг бошқа барча шаклларидан бутунлай фарқ қилади. Яхлит ҳолда олинган ижтимоий «организм» ҳайвонлар подасидан бутунлай фарқ қилади. Жамиятнинг бу ўзига хос, бетакрор хусусияти фалсафада «ижтимоий онг», «жамоа ақли», «объективлашган маънавият» ва ҳоказолар деб аталади. У ҳар хил шаклларда намоён бўлади.

Бу фикрни исботлаш учун мулоқот, коммуникация, одамларни тарбиялаш ва уларнинг ижтимоийлашуви воситаси саналган тилни кўриб чиқамиз. *Тил ижтимоий онг борлиғининг асоси.* Тилнинг айрим кишилар онги, ғоялари, фикрлари билан узвий боғлиқлиги аниқ, аммо ҳозирги замон фани нуқтаи назаридан тил ижтимоий табиатга эга эканлиги ҳам шубҳасиз. Худди шунингдек тил – инсон нутқи одамлар жамиятида пайдо бўлгани ва фақат шу ерда мавжуд бўлиши мумкин. Унинг ташқи оғзаки, овоз кўриниши, мазмуни, теранлиги, кенглиги, бойлиги кўплаб авлодларнинг кўп асрлик ўзаро алоқаси ва ўзаро камол топиши маҳсулидир. Бунда айрим инсон у ёки бу тилни фақат мулоқот жараёнида ўзлаштиради. Айни ҳолда умуман тил ҳақида сўз юритилмоқдаки, у табиий ҳам, сунъий ҳам бўлиши мумкин.

Энди индивидуал ва жамоа (ижтимоий) маънавиятининг идеаллар, меъёрлар, қадриятлар ва тасаввурларда акс этувчи

ўхшаш жиҳатлари ва фарқларига тўхталамиз. *Индивидуал маънавий борлиқдан фарқли ўлароқ, ижтимоий маънавий борлиқ ҳақида унинг фан, санъат, дин, ахлоқ ва умуман маданият тарзидаги кўринишларига қараб ҳукм чиқаришимиз мумкин.* Хусусан, у ёки бу илмий ғояларнинг пайдо бўлиши доим муайян олимлар билан боғлиқ, аммо фан ижтимоий ҳодиса сифатида муайян шахслар билан боғланмайди, зеро у айрим олимлар илгари сурган назарий қоидалар мажмуидан юқорироқ даражада туради. Босма, аудиовизуал ва бошқа ахборот манбалари, тегишли асбоб-ускуналар ва шу кабиларсиз фанни тасаввур қилиш мумкин эмас. У яхлит ҳодиса сифатида мустақил борлиққа эга. Бугунги кунда, компьютер технологиялари инқилоби даврида фан жамиятнинг бевосита ишлаб чиқариш кучига айланди.

Санъат соҳаси ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Қўшиқлар, рақслар ва мусиқа ўз муайян ижрочиларига эга бўлгани ҳолда, ўзининг одатлар, расм-русумлар ва идеаллар кўринишидаги нисбатан мустақил ҳаёти билан яшайди ва шу тариқа ижтимоий макон ва вақтда ҳаракатланиб сақланиши, такомиллашиши ва кўпайиши мумкин.

Ижтимоий онгнинг яна бир ўзига хос хусусияти шундаки, у, индивидуал онгдан фарқли ўлароқ, ўз «танаси»ни «тарк эта» олмайди, худди шунингдек у ўз «танаси»дан, яъни жамиятдан ташқарида мавжуд бўлиши ҳам мумкин эмас. Шу сабабли ижтимоий онг асрлар мобайнида абадий мавжуд бўлган, йўқ қилиб бўлмайдиган нарса сифатида қаралган, унинг борлиғи эса бутун инсоният борлиғи йўқ бўлиши билан барҳам топиши мумкин, деб ҳисобланган.

Аммо XX асрнинг ўрталарида одамлар ўз-ўзини қирғин қилиш воситаси – ядро қуролини яратдилар ва шу пайтдан эътиборан инсоният ўзининг «умрбоқийлиги»ни йўқотди ва эндиликда у, яшаб қолишга ҳаракат қилувчи айрим жонли организм каби, ижтимоий ҳаётни ўз-ўзини қирғин қилишдан асраб, ўз ижтимоий борлиғини сақлаш ҳақида қайғуриши лозим.

Онгнинг структураси. Онг структураси муаммоси сўнгги йилларда билимнинг турли соҳаларига системали-структуравий

метод фаол кириб келиши муносабати билан юзага келди. Гарчи XX асрда онгни «бевосита идрок этувчи», тушунувчи, «ўзини ва ўз негизини билувчи» деб таърифлаш одат тусини олган бўлса-да, айни шу XX аср системали-структуравий таҳлилни тилшунослик, маданиятшунослик, этнография ва социологияга нисбатан татбиқ этди. У тадқикотчилик фаолиятининг мураккаб соҳаси – инсон онгига ҳам кириб келди ва уни мумкин қадар оқилоналаштирди. Маълумки, ҳар қандай структура элементларнинг мавжудлигини, уларнинг ўзаро таъсири, бир-бирини бўйсундириши ва иерархиясини назарда тутади. ***Структура*** *(лотинча – тузилиш, жойлашиш, тартиб) объектнинг яхлитлигини ва ҳар хил ташқи ва ички ўзгаришлар шароитида ўзига ўзи мувофиқлигини таъминловчи унинг барқарор алоқалари мажмуини ифодалайди.*

Онг қандай структурага эга? Онг структураси кўп жиҳатдан шартлидир. Гап шундаки, онг элементлари бир-бири билан узвий боғланган. Аммо, шунга қарамай, онг структурасида қуйидаги элементларни ажратиш мумкин:

Онг структурасининг дастлабки элементи энг содда, бўлинмас ва структурасиз билиш ҳодисаси – сезгидир. Сезги инсон ва уни қуршаган воқеликни боғловчи кўприк вазифасини бажаради. *Сезиш – объектив дунё предметлар айрим хоссалари сезги органларига бевосита таъсир кўрсатиши жараёнида акс этиши.* Инсон сезги органларининг ахборот ўтказиш қобилияти қуйидагича тақсимланган: энг катта ахборот ҳажми кўриш қобилияти билан боғлиқ, кейинги ўринларни ҳис қилиш, эшитиш, таъм ва ҳид билиш қобилиятлари эгаллайди. Сезги органларига айрим предметларнинг бевосита таъсирини акс эттирувчи яхлит образ идрок деб аталади. *Идрок – сезгилар тўпламидан иборат структуравий образ. Идрок табиатини тушунишда перцептив система ишини объектнинг хусусиятлари билан мувофиқлаштирувчи ҳаракатланиш жараёнлари улкан роль ўйнайди.* Бу ерда предметни пайпаслаб кўраётган қўл ҳаракати, муайян манзарани кузатаётган кўзлар ҳаракати, товуш чиқараётган бўғиз томирларининг тортилиши назарда тутилади. Идрок барча руҳий ҳолатлар, ҳодисалар, хусусиятлар хоссалар

ҳамда инсон онгининг яхлит мазмуни, ўзлаштирилган билимлар, тажрибалар, кўникмалар орқали намоён бўлади ва уларни онгда акс эттиришда қатнашади.

Билим онг структурасининг бош таркибий элементи, унинг асоси, мавжудлик воситаси. Билим – бу инсоннинг воқелик ҳақидаги тушунчаси. Инсон онгида билим англаб етилган ҳиссий ва мавхум мантиқий образлар сифатида акс этади. Билимлар ёрдамида инсон ўзини қуршаган дунёни ва билишнинг предметини тўлалигича қамраб олиши ва англаб етиши мумкин. Билим онгнинг моддий фаолият воситасида дунёни изчиллик билан яратиш имконияти, воқеалар ривожини назарда тутиш, ижодий фаоллик кўрсатиш каби хоссаларини белгилайди. Бошқача қилиб айтганда, онг – бу билимлар шаклидаги воқеликка инсон эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда ёндашишдир.

Эмоциялар онг структурасининг яна бир элементи бўлиб, улар теран шахсий хусусият касб этади. Кучли эмоциялар ҳатто психосоматик симптомлар – бош оғриши, дудуқланиш пайдо бўлишига, томирларда оғриқ туришига, яра тошишига, тери касалликларига олиб келиши мумкин. Буларнинг барчаси эмоциялар онг структурасида улкан роль ўйнашини тасдиқлайди.

Инсон ўзини қуршаган дунёни совуққонлик ва бефарқлик билан эмас, балки қониқиш, нафрат ёки ҳамдардлик ҳисси билан англаб етади. У ўз онгида акс этган ҳамма нарсани ҳис қилади. Эмоциялар борлиқнинг реал ҳодисаларини индивид англаб етишини ё рағбатлантиради, ё бунга тўсқинлик қилади. Кўзни қувонтирадиган нарсалар хотирага осонроқ ўрнашади. Аммо баъзан дунёнинг «кўзни қувонтирадиган» манзараси ўзига маҳлиё қилиши, иллюзиялар туғилишига сабаб бўлиши ҳам мумкин. Айрим, айниқса салбий эмоциялар ақлнинг теранлик даражасига салбий таъсир кўрсатади. Масалан, қўрқув ҳисси инсон юз бераётган ҳодисаларни англаб етиши йўлида тўсиққа айланиши мумкин. Шахснинг энг муҳим ижтимоий ва экзистенциал қадриятлар билан алоқалари англаб етилиши натижасида шаклланадиган маънавий туйғулар (масалан, муҳаббат туйғуси) эмоцияларнинг олий даражаси ҳисобланади.

Туйғулар моддий мазмунга эгалик, турғунлик, реал вазиятга боғлиқ эмаслик билан тавсифланади. Эмоциялар соҳаси инсон онгининг барча ҳаракатларига сезиларли даражада таъсир кўрсатади, унинг фаолияти учун асос бўлиб хизмат қилади.

Ирода онг структурасининг яна бир элементи ҳисобланиб, у инсон ўз фаолиятини онгли равишда, изчиллик билан бошқаришини ўзида ифодалайди. Бу инсоннинг ўз фаолиятида юзага келадиган, субъектив ва объектив қийинчиликлар ва тўсиқлардан онгли равишда ошиб ўтишни талаб этадиган вазифаларни ҳал қилишга ўз руҳий ва жисмоний кучларини сафарбар этиш ва йўналтириш қобилиятидир. Инсон меҳнат қуролларини яратиши – бу иродани шакллантиришнинг биринчи ва энг муҳим мактабидир. Ирода ва мақсад бир-бирини тўлдиради. Иродасиз мақсадга эришиш мумкин эмас; мақсадга мувофиқ фаолиятсиз ирода ҳам бўлмайди. Ирода – бу онгли интилиш ва ҳаракатга майл уйғотишдир. Аммо инсонга онгсиз майллар ҳам хос. Баъзан инсон қаергадир интилади, лекин қаерга ва нима учун интилаётганини унинг ўзи ҳам билмайди. Бундай онг ости ҳаракати инсонга ҳайвонлардан ўтган.

Онг структурасида эътибор ҳам бўлиб, у – *инсон руҳий фаолиятининг муайян объектларга қараб мўлжал олишда намоён бўлувчи шакли.*

Онг структурасининг яна бир элементи хотира – индивид миясида унинг ўтмишдаги тажрибасини мустаҳкамлаш, сақлаш ва гавдалантиришдан иборат бўлган руҳий жараён. Хотира – онгнинг мияга келаётган ахборотни акс эттириш, сақлаб қўйиш, гавдалантириш ва унга ишлов бериш механизмлари билан боғлиқ бўлган таркибий элементи. *Амалда моторли, эмоционал, образли, узоқ ва қисқа муддатли хотира фарқланади.* Кўпгина кузатишлар такрорлаш ва узоқ муддат хотирада сақлаш ўртасида узвий алоқа мавжуд эмаслигидан далолат беради. Узоқ муддатли хотира инсоннинг мотивация соҳасига боғлиқ бўлади. Сезги органларига бевосита таъсир кўрсатиш жараёни тугагач, предметнинг образи изсиз йўқолиб кетмайди, у хотирада сақланади. *Хотиранинг асосий элементлари эслаб қолиш, сақлаш, гавдалантириш ва унутиш*

ҳисобланади. Эслаб қолишнинг физиологик асосини бош мия пўстлоғида вақтинчалик нерв алоқаларининг ҳосил бўлиши ва қайд этилиши ташкил қилади. Нерв алоқаларининг кейинчалик жонланиши эслаб қолинган материални гавдалантириш имкониятини беради, бу алоқаларнинг сусайиши эса хотирадаги материалнинг унутилишига олиб келади.

Онгнинг яна бир элементи тасаввур бўлиб, у сиртдан таъсирлар хотирада сақланиши натижасида пайдо бўлади. Тасаввурлар – инсоннинг сезги органларига қачондир таъсир кўрсатган ва кейинчалик мияда сақланиб қолган изларига кўра тикланган предметларнинг образлари, шунингдек хаёлот ёрдамида яратилган образлар. Тасаввурлар икки шаклда: хотиралар кўринишида ва хаёлий образларда мавжуд бўлади. Идрок фақат ҳозирги замонга тааллукли бўлса, тасаввурлар ҳам ўтмишга, ҳам келажакка тааллукли бўлади. Тасаввурлар идрокдан камроқ даражада аниқ ва равшанлиги билан ажралиб туради.

Онг структурасининг олий элементи – бу *тафаккурдир. Тафаккур – индивид билиш фаолиятининг воқеликни умумий ва билвосита акс эттириш билан тавсифланувчи жараёни.* Тафаккур воқеликни инсон ўз онгида умумий тарзда, билвосита ва изчил акс эттириши билан боғлиқ. У ассоциацияларнинг тартибсиз ўйинидан фарқ қилади ва предмет мантиқига кўра ҳаракатланишни назарда тутади. «Тафаккурсиз яшаш мумкинми?», деган саволга Локк «ҳа, мумкин» деб жавоб берган ва ўз ҳаётининг катта қисмини тафаккурсиз ўтказган кишиларга ишора қилган. Рефлексия қиладиган ва рефлексия қилмайдиган тафаккур фарқланади. *Лотинча рефлексия сўзи ортқа қайтмоқ, ортга назар ташламоқ деган маънони англатади. Рефлексия қилиш – ўз тафаккурини ўз-ўзини тушунишга ва бошқалар нимани билишлари ва тушунишларини тушуниб етишга қаратиш демак.* Фалсафий адабиётларда рефлексия тафаккурнинг унга ўз фаолият шаклларини (тафаккур категорияларини) таҳлил қилиш ва англаб етишга кўмаклашувчи тамойил сифатида тавсифланади. Айни шу сабабли рефлексияга инсон маънавий дунёсининг ички тузилиши ва хусусиятларини намоён этувчи

ўзликни англаш фаолияти сифатида ёндашиш, бизнингча, ўринли бўлади. Рефлексия қилувчи умумийлик ва зарурийлик мақомига эга бўлган мантиқий мазмунни англаб етишга ҳаракат қилади. Рефлексия субъект ҳар қандай фикрни тушунча шаклига солишга, яъни уни категориялар ёрдамида ўзлаштиришга ҳаракат қилаётганда пайдо бўлади. Мазкур жараён нарсаларнинг муҳим, табиий муносабатларини маълум, ҳис қилинган, эшитилган нарсалар асосида акс эттиришни ўзида ифодаловчи мавҳум тушунчалар, мулоҳазаларнинг яратилиши билан якунланади. Фикрлаш фаолияти ёрдамида биз кўз билан кўриш ва қўл билан ушлаш мумкин бўлмаган нарсаларни идрок этамиз. Тафаккур бизга муҳим хоссалар, алоқалар ва муносабатлар ҳақида билим олиш имкониятини беради. Тафаккур ёрдамида биз сиртдан ичга, ҳодисадан нарсалар, жараёнларнинг моҳиятига ўтишни амалга оширамиз.

Онг структурасининг муҳим элементи ўзликни англаш ҳамдир. *Ўзликни англаш инсоннинг ўзини шахс сифатида англаб етиш, ўзининг мустақил қарорлар қабул қилиш ва шу асосда одамлар ва табиат билан онгли муносабатларга киришиш, қабул қилинган қарорлар ва ҳаракатлар учун жавобгар бўлиш қобилиятини тушуниш жараёнидир*. Бошқача қилиб айтганда, ўзликни англаш – бу ўз-ўзига, ўзининг маънавий қиёфасига, ўз билимлари, фикрлари, қизиқишлари, идеаллари, хулқ-атвор мўлжаллари, ҳаракатлари ва шу кабиларга яхлит баҳо беришдир. Ўзликни англаш ёрдамида инсон ўз-ўзига бўлган муносабатини рўёбга чиқаради, ўз-ўзига ҳис қилишга қодир бўлган фикрловчи мавжудот сифатида баҳо беришни амалга оширади. Бу ҳолда субъект ўз-ўзини ва ўзининг онгини билиш объектига айлантиради. Шу тариқа инсон ўз-ўзига баҳо берадиган, шусиз ҳаётда ўз ўрнини белгилаш ва топишга қодир бўлмаган мавжудот сифатида намоён бўлади.

Файласуфларнинг ўзликни англашга субъектив дунёнинг алоҳида соҳаси сифатида ёндашишлари *Суқрот*дан, унинг «Ўз-ўзингни англа» деб номланган максимасидан бошланган. Фалсафа дунё ва инсон ҳақидаги алоҳида билим сифатида шаклланиши жараёнида жоннинг фаоллиги, ақлнинг ўз-ўзига нисбатан танқидий

муносабати ҳақида қарашлар вужудга келган. Платон фикрига кўра, жон фаолияти – бу ўзи билан ўзи суҳбат хусусиятига эга бўлган ички ишдир. Жон мулоҳаза юритар экан, ўзи билан ўзи тинимсиз гаплашади, саволлар беради, жавоблар қайтаради, тасдиқлайди ва инкор этиб, эътироз билдиради.

Шундай қилиб, ўзликни англаш – инсоннинг ўзини ўзи тинимсиз камол топтиришининг муҳим шартидир. Ўзликни англаш структурасида *ўз-ўзини ҳис қилиш, ўз-ўзини билиш, ўз-ўзига баҳо бериш, ўз-ўзини бошқариш* каби элементларни ҳам ажратиш мумкин. Умуман олганда ўзликни англаш рефлексия билан узвий боғлиқ. Инсоннинг ўз ички ҳолатини тушуниши, ўзини ўзи бошқариш қобилияти ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Ўзликни англаш шахснинг дунёқараш, қобилиятлар, феъл-атвор, қизиқишлар каби маънавий элементлари билан бир қаторда ижтимоий муҳит таъсирида шаклланади. Муҳит шахсдан ўз ҳаракатларини бошқаришни ва уларнинг натижалари учун жавоб беришни талаб қилади. Онг даражаси шахс олдига қандай талаблар қўйилгани ва мазкур муҳитда қайси ижтимоий қадриятлар амал қилишига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади. Бу ерда инсон ўз ҳаракатларини ўзи бошқариши ва уларнинг оқибатлари учун жавоб бериши лозимлиги асосий талаб ҳисобланади.

Онгнинг юқорида зикр этилган элементлари ўзини актуаллаштириш учун битта шартни бажаришни талаб қилади: ижтимоий амалиётга қўшилган индивидгина онгли субъектга айланиши мумкин. Бошқача қилиб айтганда, онг структурасининг мазкур элементлари яхлит бир бутунни ташкил этади, яъни онг субъект ижтимоий муносабатлар дунёсига қўшилгандагина тўлақонли мавжуд бўлади. Бинобарин, нормал фаолият кўрсатаётган субстрат – бош миядан ташқари дунё билан предметли-амалий ўзаро алоқа, жамоавий-фаол мулоқот ва ўтмишдаги меҳнат сифатида маданиятнинг ялпи потенциали мавжуд бўлиши лозим.

Оқилоналикнинг ҳақиқий мақомини аниқлаш ва унинг тузилишини ўрганиш учун онгни таҳлил қилишга нисбатан системали-структуравий методдан фойдаланиш онг «ғишт ва цемент»дан иборат қурилма сифатида талқин қилинишини англатмайди.

ўзгарувчи мажмуи сифатида намоён бўлади. Онг алоҳида бир яхлитлик бўлиб, бу ерда руҳий ҳодисаларнинг доимий оқимида айрим ҳолатлар, образлар, фикрлар, қизиқишлар юзага келади ва ўтиб кетади, тасодифий ва чуқур таассуротлар пайдо бўлади. Оқилона мотивларга таяниш, ҳаракатларнинг шахсий ва ижтимоий оқибатларини олдиндан кўра билиш, ўзини ўзи бошқаришга қодирлик онг аломатлари ҳисобланади. *Онг фаоллик, интенционаллик (предметга қараб мўлжал олганлик), рефлексия ва ўз-ўзини кузатишга қаратилганлик, мақсадга мувофиқлик, қадриятларга қараб мўлжал олганлик ва турли даражада равшанлик* билан тавсифланади.

Тадқиқотчилар онг структурасини ўрганишга киришар эканлар, улар доим ажабтовур бир вазиятга дуч келадилар. Онг ҳиссий ва ўта таъсирчан объект сифатида ўзини аниқ-равшан намоён этади, бироқ, шунга қарамай, ўзини бевосита таҳлил қилиш имконини бермайди. Бир томондан, онгни унинг моддий субстрати – бош миясиз ва онгнинг мазмунини акс эттирувчи материясиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Бошқа томондан, онгни субстратнинг ўзи – бош мияга ҳам, материяга ҳам боғлаб бўлмайди. Ҳатто энг моҳир анатом ҳам нервни миягача кузатиб, туйғулар ва фикрга йўл очувчи дастлабки асосга яқинлаша олмайди. Онг таркибий элементлари бир-бири билан ўзаро алоқага киришади ва онгга инсон ҳаёти учун ўта муҳим бўлган бир қанча функцияларни таъминлайди.

Онгнинг функциялари. Онг функциялари ҳақида гап борганда, таҳлил мураккаб яхлитлик – онг кишилик жамиятининг ҳаёт фаолиятида бажарувчи ролни аниқлашга қаратилади.

Онгнинг акс эттириш функцияси воқеликни умумий тарзда, изчил ва нисбий акс эттиришни назарда тутади. Бу инсоннинг воқелик ҳақида ва унинг ўзи ҳақида билимлар олишдир. Билиш фаолияти сифатида англаш жараёни ҳиссий, образли билишдан бошланади ва мавҳум фикрлаш сари юксалади. Ҳиссий (эмпирик) билиш босқичида ранг-баранг ашёвий материал тўпланади ва кейинчалик у мавҳум фикрлаш йўли билан умумлаштирилади. Шу

тирика онг энг муҳим ҳодисаларнинг моҳиятини англайди ва улар бўйсунувчи объектив қонуниятларни аниқлайди. *Акс эттириш функцияси биринчи даражали аҳамият касб этади,* ундан қолган барча функциялар келиб чиқади. Мазкур функция фаол, эвристик хусусият касб этади, яъни онг воқеликни илдамроқ акс эттириш хусусияти билан тавсифланади.

Онг дунёни акс эттириш билан бир қаторда уни яратади ҳам деган машҳур тезис онгнинг ўзгартириш функциясини ўзида ифодалайди. Тафаккур ва онгнинг ривожланиш жараёни ўзига энг муҳим ва яқин асосни табиатда эмас, балки табиат ва воқеликни ўзгартиришда топади. Онгнинг ўзгартириш функцияси турли даражада модаллик билан ажралиб туради. У конструктив хусусият касб этиши ва янгича мазмунни мақсадга мувофиқ тарзда яратиш билан боғлиқ бўлиши; интуитив маъно ҳосил қилишни назарда тутувчи стихияли-спонтан хусусият касб этиши; қабул қилинган андозалар ва қадриятлар билан мувофиқ келадиган фикрлар ва мўлжалларни назарда тутувчи норматив хусусиятга эга бўлиши мумкин.

Мослашув функцияси онгнинг энг муҳим функцияларидан бири ҳисобланади. У тартибга солиш – ҳаёт фаолияти меъёрларига мувофиқ бўлган қарорлар қабул қилишни, шунингдек ички ва ташқи нисбий мезонларни синхронлаштириш орқали ўз-ўзини бошқаришни ўз ичига олади. Ўз-ўзини бошқариш ўз хулқ-атвори мотивларини таҳлил қилишни, қўйилган мақсадларга эришишнинг энг оқилона йўлини танлашни назарда тутади.

Жамғариш функциясининг моҳияти шу билан белгиланадики, бевосита, шахсий тажрибадан олинган билимларгина эмас, балки замондошлар ёки ўтмишдошлардан олинган билимлар ҳам инсон хотирасида жамланади. Бу билимлар заруриятга қараб актуаллаштирилади, тикланади ва онгнинг бошқа функцияларини амалга ошириш воситаси бўлиб хизмат қилади. Инсон хотираси қанча бой бўлса, у оптимал қарор қабул қилиши шунча осон бўлади.

Онгнинг аксиологик функцияси (баҳолаш функцияси)да инсон ташқи дунё ҳақида маълумотлар олиш билан бир вақтда уларни ўз эҳтиёжлари ва манфаатлари нуқтаи назаридан баҳолайди.

Онг, бир томондан, объектив акс эттириш шакли, инсон майллари ва манфаатларига боғлиқ бўлмаган воқеликни билиш шакли ҳисобланади. Билимлар олиш, объектив ҳақиқатнинг тагига етиш, билиш фаолияти сифатидаги англаш жараёнининг натижаси ва мақсадига айланади. Бошқа томондан, онг воқеликка субъектив муносабат кўринишларини, уни баҳолаш, ўз билимини ва ўзини англаб етишни ҳам ўз ичига олади. Дунёга қадрият сифатида қарашнинг натижаси ва мақсади борлиқни, дунёнинг инсон майллари ва эҳтиёжларига мувофиқлик даражасини, ўз ҳаётининг мазмунини англаб етиш ҳисобланади. Тафаккур, билиш фаолияти асосан билимни аниқ ифодалаш, мантиқий схемаларга риоя этиш, улар билан иш кўришнигина талаб қилса, дунёга қадрият сифатида ёндашиш ва уни англаб етиш эса шахсий куч-ғайрат, ўй-мулоҳазалар ва ҳақиқатни теран идрок этишни талаб қилади.

Онгнинг баҳолаш функцияси бевосита мақсадни шакллантириш функциясига ўтади. Мақсадга интилувчанлик – бу онгнинг муҳим хусусияти ҳисобланувчи соф инсоний қобилият. Мақсад – бу инсоннинг ўз предметини топган идеаллаштирилган эҳтиёжи; бу фаолият предметининг шундай бир субъектив образики, унинг идеал шаклида инсон фаолиятининг мўлжалланган натижаси намоён бўлади. Мақсадлар инсониятнинг жами тажрибаси негизида шакллантирилади ва ижтимоий, ахлоқий, эстетик ва бошқа хил идеаллар кўринишидаги олий шакллар сари юксалади. Аниқ бир мақсадга қаратилган фаолият инсон дунёдан қаноатланмаётгани ҳамда унинг бу дунёни ўзгартириш, уни инсонга, жамиятга зарур бўлган шаклга солиш эҳтиёжи билан изоҳланади.

Онгнинг ижодий функциясида инсоннинг олий имкониятлари намоён бўлади. Мақсадга интилувчанлик, яъни инсон ўз ҳаракатларини «нима учун» ва «нимага эришиш йўлида» амалга оширишини англаб етиш ҳар қандай онгли қилмишнинг зарурий шартидир. Мақсадни рўёбга чиқариш муайян воситаларни, яъни мақсадга эришиш учун яратиладиган ва шунга хизмат қиладиган воситаларни ишга солишни назарда тутади. Инсон табиатда мавжуд бўлмаган нарсаларни бунёд этади. У бутунлай янги нарсаларни ва умуман

кўлами, шакллари ва хоссалари уларнинг эҳтиёжлари, мақсадлари билан белгиланади; бу нарсаларда инсон нияти, унинг ғоялари рўёбга чиқарилади.

Онгнинг коммуникатив функцияси (алоқа функцияси)*да одамлар умумий меҳнатда иштирок этадилар ва бир-бирлари билан ўзаро алоқаларга киришишга доими муҳтож бўладилар.* Фикрларнинг бу алоқаси нутқ орқали (овозлик алоқа) ва техника воситалари ёрдамида (матнлар, кодланган ахборот) амалга оширилади. Шуни эътиборга олиш лозимки, ёзма матнларда (китоблар, журналлар, газеталар ва ш.к.)да билим эмас, балки ахборотгина сақланади. Ахборот билимга айланиши учун у субъективлаштирилиши лозим. Айни шу сабабли босма сўзни тарқатиш баён этилган ахборот билимга айланишининг кафолати эмас, балки шарти ҳисобланади. Ахборот билимга, яъни субъектив бойликка айланиши учун қўшимча куч-ғайрат сарфлаш талаб этилади.

Шахс онгининг мантиқий циклини тартибга солиш (бошқарув) функцияси якунлайди. Онг омилларга баҳо бериш асосида ва қўйилган мақсадга мувофиқ инсон ҳаракатларини, кейинчалик эса – жамоаларнинг ҳаракатларини ҳам бошқаради, тартибга солади. *Онгнинг тартибга солиш функцияси инсоннинг ўзини қуршаган муҳит билан ўзаро алоқасига боғлиқ бўлади ва икки шаклда: даъват этувчи тартибга солиш ва ижрони тартибга солиш шаклларида амал қилади.* Одамлар хулқ-атвори ва фаолиятига туртки берувчи омилларнинг ғоявий мазмуни улкан аҳамиятга эгадир. Ғоялар даъваткор кучга айланишига қараб инсон ўз қилмишларини онгли равишда, ўз эътиқодига мувофиқ, изчил амалга оширади. Ижрони тартибга солиш кишилар фаолиятини уларнинг эҳтиёжлари билан мувофиқ ҳолатга келтиради, мақсад ва уни тартибга солиш воситаларининг мутаносиблигини таъминлайди.

Онгнинг бош функциялари ана шулардан иборат. Уларнинг уйғун ривожланишигина охир-оқибатда интеллектуал ва маънавий жиҳатдан комил инсонни тарбиялаш имкониятини беради.

XXI аср бошига келиб олимлар интеллектнинг айрим функцияларини информацион машиналар зиммасига юклаш учун анча кўп

бажармоқдалар: бир тилдан бошқа тилга таржима қилмоқдалар, самолётларни, поездларни бошқармоқдалар, шахмат ўйнамоқдалар, ҳатто инсон миясига хос бўлган баъзи бир мантиқий амалларни бажармоқдалар. Табиий бир савол туғилади: инсон ақлининг ўрнини босишга қодир бўлган машинани яратиш мумкин эмасми?

Техника имкониятлари нуқтаи назаридан, информацион машиналарни такомиллаштириш чегарасини белгилаш ўринли бўлмайди. Шунга қарамай, машиналар бажарувчи амаллар билан инсон миясида бажариладиган амалларнинг ўхшашлиги машиналарни фикрлаш қобилиятига эга деб ҳисоблаш учун асос бермайди. Моҳият эътибори билан машина инсон тафаккурининг фақат бир жиҳатини – формал-мантиқий фикрлашнигина амалга оширади, ваҳоланки, инсоннинг фикрлаш жараёни амалда ирода, эмоциялар, интуиция, орзу, фантазия ва ҳоказолардир. Инсон ички дунёсининг бойлиги унинг ижтимоий алоқалари бойлиги ва серқирралигининг маҳсули ҳисобланади. Айни шу сабабли, инсон онги, унинг структураси ва барча функцияларини тўлиқ моделлаштириш учун мия структурасининг ўзинигина гавдалантириш кифоя қилмайди. Бунинг учун инсон ривожланишининг бутун тарихий йўлини гавдалантириш, уни барча эҳтиёжлар билан, шу жумладан сиёсий, ахлоқий ва эстетик эҳтиёжлар билан таъминлаш талаб этилади. Буларнинг барчаси билишнинг мураккаб вазифаларини ечишда замонавий кибернетик қурилмаларнинг имкониятлари чекланганлигидан далолат беради. Улар аслида интеллектуал фаолиятнинг ахборотни қайта ишлаш қоидалари билан боғлиқ бўлган томонларини механизациялаштириш ва автоматизациялаштириш воситаларидан бошқа нарса эмас.

Фикрловчи одамнинг ўзига хос хусусияти шундаки, у ўз онги ёрдамида ўзини, ўзи яшаётган муҳитни таҳлил қилиб, ўз «Мени» ҳақида тасаввур ҳосил қилади ва ўзини бу борликдан ажратиб, шу тариқа ўзлигини шакллантиради. Эмоцияларга бой бўлган ва қадриятларга қараб мўлжал олувчи инсон онги фаол асос сифатида амал қилади, чунки у борлиқнинг пассив инъикоси эмас, балки фикрлаш

фаолиятининг изчил, назорат қилинадиган ва бошқариладиган жараёни ҳисобланади. Шу маънода у ижодий фаолият сифатида ҳам намоён бўлади, зеро у нафақат борлиқни акс эттиради, балки уни ўзгартириб, борлиқнинг янги шаклларини яратади.

Бу ерда ҳар қандай ижодкор фаолиятининг негизи, шунингдек инсон яратган ва яратаётган «иккиламчи» табиатнинг пайдо бўлиш асослари мужассамлашади. *Айнан инсон онгининг фаол ва ижодий хусусияти уни сунъий интеллект манбалари – «ақлли», «фикрловчи» машиналар билан бир қаторга қўйиш имконини бермайди.* Гарчи улар ахборотга ишлов бериш борасида инсондан анча устун ва ҳатто уларнинг ишида «ижод» унсурлари ҳам намоён бўлса-да, лекин улар машиналар бўлиб қолади. Уларнинг иши маънавиятдан маҳрум ва умуман олганда одамларнинг онгли фаолияти билан тенглаша олмайди. Бу фаолият олдиндан белгиланган ҳар қандай дастурдан бойроқ, зеро маданий жараёндан унинг фаол асоси сифатида ўрин олган ва асосан маданият билан белгиланади.

Онг табиатини тушунишга нисбатан ёндашувлар. Фалсафада онг табиатини тушунишга нисбатан иккки хил ёндашув фарқланади. *Биринчи ёндашув француз рационалист файласуфи Рене Декарт номи билан боғлиқ. У онгни инсоннинг сезгилар, идрок, хотира, эмоциялар, ирода, фикрлар, мулоҳазалар, тилни, шунингдек нарсаларнинг образларини ўзида мужассамлаштирувчи берк ички дунёси деб тушунишни таклиф қилган.* Айтиб ўтилган элементлар онг структурасини ташкил этади. Фикрлаш жараёнининг тадрижийлиги онг фаолиятининг бош шакли деб эътироф этилади. Декартнинг «cogito ergo sum» (мен фикрлаяпман, демак, мавжудман) ибораси инсоннинг барча ҳаракатларини то унинг мавжудлигига қадар онгга бўйсундиради.

Ушбу ёндашувга таяниб, фан онг ичига «сафар қилиш»ни, яъни мия механизмларини ўрганишни таклиф қилади. Бироқ нейрофизиологлар мия структуралари ва фаолиятини ўрганиш йўли билан онг ҳақида тўла ахборот олиш мумкинлигига шубҳа билан қарайдилар. Онгнинг ижтимоий табиати, унинг муайян тарихий ва ижодий хусусияти билан боғлиқ кўп сонли муаммолар юзага келади.

Иккинчи ёндашув онгнинг моҳиятини унинг ўзидан эмас, балки ташқи дунё, ижтимоий амалиётдан қидиришни назарда тутади. Бу ёндашувга биноан онг образлари фаолият жараёнида, инсонга атроф борлиқнинг таъсири натижасида юзага келади. Инсон ўзаро таъсирга киришувчи нарсалар доираси қанча кенг, субъектнинг ўзи қанча фаол бўлса, тафаккур ва онг шунча баркамол бўлади. Бу ёндашув хулосалари: «онгни борлиқ белгилайди», «онг – моддий дунёнинг субъектив образи», «онг – борлиқнинг инъикоси», «онг – жамоавий олинган билим» - онг ташқи борлиққа боғлиқлигини, онгнинг ижтимоий табиатини тасдиқлайди. Шу нуқтаи назардан онг шахсий ва индивидуал хосса, сир ва жумбоқ сифатида эмас, балки бутун инсоният қавмининг универсал ва шаклланувчи хусусияти сифатида намоён бўлади. Онг ҳодисаси оқилона англаб етилувчи ва оқилона белгиланувчи ҳодиса сифатида талқин қилинади. Зеро *ўз борлиғи усулига* кўра онг мия хоссасидир, бунда бош миянинг нерв жараёнлари онгнинг моддий ифодачилари бўлиб хизмат қилади.

Онг таҳлилига нисбатан учинчи интеграл ёндашувнинг асосий тамойиллари онг дунёни акс эттириши ва айни пайтда уни яратишини назарда тутади. Онг, биринчидан, ўзини воқеликда предметлаштиради ва шу боис онгнинг сифат жиҳатидан интенсивлашуви ҳақида инсон фаолиятининг барча (оддий ва мураккаб) маҳсулотларига қараб ҳукм чиқариш мумкин. Иккинчидан, онг таркибий элементлари: сезгилар, идрок, тасаввурлар, эмоциялар, хотира, тасаввур, нутқ, ирода ва бошқалар теран маънавий мотивлар ва эҳтиёжлар таъсирида воқеликни соф индивидуал муносабатнинг ранг-баранг кўринишлари билан бойитади. Бу эса онгнинг теран қатламларини англаб етиш учун инсоннинг предметлаштирилган теран кучлари дунёси ёки унинг вербал (тилдаги) ифодасигина кифоя қилмаслигини, аксарият ҳолларда умум эътироф этилган меъёрлар билан ўзини ниқобловчи интим кечинмаларнинг «кўрсатувлари» ҳам муҳим эканлигини англатади.

Назарий фалсафада мавжуд нуқтаи назарларни умумлаштириб, онгни тушунишнинг қуйидаги асосий жиҳатларини ажратиш мумкин:

Онтологик жиҳат- ўз борлиғи усулига кўра онг мия хоссаси бўлиб, бош мия нерв жараёнлари онгнинг моддий ташувчилари бўлиб хизмат қилади. Инсон онги ва тафаккури, улар қай даражада таъсирчан бўлмасин, моддий орган – мия маҳсули ҳисобланади. *Гносеологик жиҳат - мазмун жиҳатидан онг объектив борлиқнинг инъикоси, ташқи дунё ва ўзи ҳақидаги ахборотнинг ифодачиси, ҳаракатларни олдиндан фикран тузувчи ва уларнинг натижаларини башорат қилувчидир.*

Генетик жиҳат - ўзининг *юзага келиш усулига кўра онг материя ҳаракати биологик ва ижтимоий шаклларининг маҳсулидир*; инсоннинг ижтимоий-моддий фаолияти онгнинг тарихий шаклланиш омилидир.

Функционал жиҳат - ўз *фаолият мақсадига кўра онг – инсон хулқ-атвори ва фаолиятини бошқариш омили, борлиқнинг нисбий-изчил инъикоси ва уни асосли-ижодий ўзгартириш воситаси, мантиқий фикрлаш шаклларининг шаклланиш омилидир.*

Онг ҳодисасининг моҳиятини фалсафий-илмий тушуниб етиш истиқболлари мавжуд ёндашувларни бирлаштиришдан ташқари, энергия-ахборот алоқаларини ва онгнинг кенг имкониятларини ҳисобга олишни тақозо этади.

Тил ва онг. *Онг нафақат инсоннинг меҳнат фаолияти, балки одамлар ўзаро алоқаси ва мулоқотининг универсал воситаси – тил билан ҳам узвий боғлиқдир.* Аниқ, тушунарли нутқнинг пайдо бўлиши, нафақат ижтимоий муносабатлар, балки инсоннинг ўзи, унинг онги ривожланишининг бутунлай янги ва қудратли воситасига айланди, чунки биологик омил (ирсият)дан ташқари одамларда тил ёрдамида янада қудратлироқ омил – тажриба ва муҳим ахборот беришнинг ижтимоий усули пайдо бўлди. Бу турли авлодлар ва тарихий даврларнинг билимлари, анъаналари, маданиятларининг ворисийлигини таъминлади, сўнгги зикр этилган ҳол эса, ўз навбатида, тилнинг янада ривожланиши ва такомиллашувига туртки берди ва замин ҳозирлади.

Шундай қилиб, меҳнат, онг ва тил бир-бири билан шу даражада узвий боғландики, улардан ҳар бирининг келиб чиқиши ва тарихий

ривожланишини бир-биридан алоҳида тасаввур қилиш мумкин эмас. Бунда тил инсоннинг фикрлаш фаолияти амалга ошувчи муҳим шакл ҳисобланади, меҳнат эса, ўз навбатида, тилни ривожлантиради ва бойитади.

Хуллас, индивиднинг онги ижтимоий белгилангандир, яъни у фақат жамиятда шаклланади ва ундан ташқарида пайдо бўлиши мумкин эмас. У нафақат келиб чиқишига кўра, балки борлиқ усули жиҳатидан ҳам ижтимоий ҳодиса ҳисобланади, чунки одамларнинг хулқ-атвори, ҳаракатларида намоён бўлади, уларнинг фаолият йўналишини белгилайди.

Онгсизликнинг табиати. Онг инсоннинг ички дунёси сифатида ўз структурасига эга. Уни ўрганишдан олдин қуйидаги ҳолатга эътиборни қаратиш лозим. Баъзан «онг» тушунчаси «инсон руҳияти» тушунчаси билан айнийлаштирилади. Бу нотўғри. *Руҳият – онгга қараганда мураккаброқ тузилма бўлиб, у акс эттиришнинг икки соҳаси – онг ва онгсизликни ўз ичига олади.* Руҳий ҳаёт инсон онгини барча томонлардан қуршаб ва қамраб олади. Руҳий фаолиятда онг иштироки унча катта эмас. Унинг ортида оддий равшан онг иштироки, сўнгра минимал даражада равшан онг иштироки ва ниҳоят, онгсизлик соҳаси жойлашган. *Руҳият онгдан кенгроқ тушунча. Инсон руҳий фаолияти онг диққат марказида бўлиши мумкин, баъзан у онг даражасига кўтарилмайди (илк онг ҳолати, масалан чақалоқда) ёки онг бўсағасидан пастга тушади (онг ости соҳаси).* Онг инсоннинг ҳар қандай ҳолатида ҳам ўзининг максимал даражада мужассамлашуви ва шаффофлик билан тавсифланавермайди. Кучли мастлик, стресс ҳолатидаги одамда у тарқоқ бўлади, уйқу ҳолатида, гипнотик таъсир кўрсатиш натижасида, айрим тоифадаги руҳий касалларда у мавжуд бўлмайди.

Онгсизликнинг умумий ғояси эски тарихий-фалсафий анъанага эга. У ўзига хос виждон ва олий авторитет сифатидаги ўз ички овозига доимо қулоқ солувчи Сократ деймониясига бориб тақалади. Платон таълимотида онгсизлик муаммоси хотира сифатидаги билиш мавзуси билан боғлиқ. Платон фалсафасининг «анамнесис» деган термини нариги дунёда кўрган нарсаларни бу дунёда

мотида онгсизлик ғояси жонда субъектнинг ўзи хаёлига ҳам келтирмайдиган яширин билимлар мавжудлиги билан боғланади.

Турли тарихий шароитларда онгсизлик муаммосига муносабат ҳам турлича бўлган. XVII–XVIII асрларда руҳий фаолиятнинг англаш мумкин бўлмаган шакллари ҳақидаги тасаввурлар теология чегарасидан ташқарига чиқади ва файласуфлар муҳокамаси предметига айланади. Декарт ва Локк «англаш мумкин бўлмаган руҳият» ғоясини қатъиян рад этади, чунки онг ва руҳиятдан ташқарида фақат кўламлик ва соф физиология мавжуд бўлиши мумкин. Бу уларга кўп сонли англашилмовчиликларни четлаб ўтиш имконини беради.

Лейбниц «сезиш мумкин бўлмаган идроклар» концепциясида, шунингдек Кант, қоронғи тасаввурлар соҳаси («dunkler Vorstellungen») мавжудлигини тан олиб, мантиқий қийинчиликларга қарши боришни маъқул кўрадилар. Лейбниц онгли тасаввурлар бўсағасидан ташқарида ётувчи маънавий фаолиятнинг энг тубан шакли сифатидаги онгсизлик концепциясини анча аниқ таърифлашга муваффақ бўлади. Биз ўзимизда муайян тасаввур мавжудлигига, ҳатто амалда уни англамасак ҳам, билвосита ишонч ҳосил қилишимиз мумкин, деб таъкидлайди у. Лейбницнинг «Монадология» асарида онгсиз идроклар – «кичик перцепциялар» ҳақидаги таълимот руҳий ҳаётнинг узлуксизлигини ва дунёда юз бераётган жараёнларнинг умумий ўзаро алоқасини асослаш учун қўлланилади. Айни шу ўзаро алоқа туфайли ҳар қандай жисмсиз субстанция – монада Коинот кўзгуси сифатида амал қилади.

XIX аср ўрталарида онгсизликни талқин қилишга нисбатан икки хил ёндашув вужудга келади. Биринчи ёндашувга кўра, онгсизлик – муайян сабабларга кўра англаш қобилиятини йўқотган мия ишини ифодаловчи соф салбий ҳодиса. Бу «рудиментар, тубанлашган руҳий фаолият» бўлиб, уни фақат физиологик нуқтаи назардан ўрганиш талаб этилади. *Иккинчи ёндашувга кўра, онгсизлик – руҳий ҳаётнинг ижобий томони, атроф борлиққа муносабатнинг англанаётган пайтдаги руҳий фаоллик асосида амалга ошириш мумкин бўлмаган*

кўриниши. Онгсизлик муаммосига нисбатан ёндашувда мавжуд бўлган бундай икки ёкламаликни немис идеалист-файласуфи, физиолог ва психолог **В.Вундт** (1832–1920) қайд этади.

Олимлар инсонда онглилик ва онгсизликнинг ўзаро нисбати тўғрисида сўз юритар эканлар, баъзан уларни океандаги музтоққа ўхшатадилар. Бу музтоғнинг сув устидаги кўзга кўринадиган қисми онгга қиёсланади, сув остидаги кўринмайдиган қисми эса онгсизликка ўхшатиладики, унинг миқёси, шакли, тузилиши ва мазмуни ҳақида биз билвосита белгиларга кўра фақат тахмин қилишимиз мумкин. *Онгсизлик соҳаси – бу ақлдан ташқаридаги руҳий ҳодисалар, ҳолатлар ва ҳаракатлар мажмуи*, деб ҳисоблаш одат тусини олган. Бу соҳага, энг аввало, *инстинктлар* – инсон хулқ-атворининг узоқ тадрижий ривожланиш жараёнида ҳосил бўладиган ва ҳар бир мавжудотнинг ҳаёт функцияларини, умуман унинг мавжудлигини таъминлашга қаратилган туғма ҳаракатлари мажмуи киритилади. Онгсизлик тушунчаси билан инсон онгида акс этмаган, ақл-идрок соҳасидан ташқарида ётган, бошқариш мумкин бўлмаган руҳий ҳодисалар, ҳолатлар ва ҳаракатлар мажмуи қамраб олинади[1]. Онгсизлик ўз-ўзидан, рефлексли тарзда бажариладиган ҳаракат сифатида талқин қилинади. Психологик адабиётларда «онгсизлик» атамаси кўпинча руҳиятнинг мазмуни инстинктлар билан белгиланадиган ва онг билан идрок этиш мумкин бўлмаган майллар, интилишлар ва мотивларни ўзида мужассамлаштирувчи алоҳида соҳани ифодалаш учун ишлатилади. Онгсизлик ва онг инсон ягона руҳий борлиғининг нисбатан мустақил бўлган икки томони ҳисобланади; уларнинг ўртасида тез-тез зиддиятлар, баъзан конфликтлар юзага келади, лекин улар бир-бири билан боғланган, бир-бири билан ўзаро алоқа қилади ва уйғун бирликка эришишга қодир. Онгсизлик соҳасида инсон ҳаёт фаолиятини, айниқса субъектнинг ижодий фаолиятини оқилоналаштириш учун кенг имкониятлар мавжуд. Бу ҳол иррационалистик фалсафий таълимотларнинг шаклланиши учун асос бўлиб хизмат қилади. Уларда

[1] Қаранг: Спиркин А.Г. Сознание и самосознание. – М., 1972. – 171-б.

кабилар инсон хулқ-атворининг салмоқли ёки ҳатто ҳал қилувчи кучи ҳисобланади. Иррационализмнинг таниқли намояндалари орасида *Артур Шопенгауэр* (Германия), *Сёрен Кьеркегор* (Дания), *Фридрих Ницше* (Германия), *Эдуард Гартман* (Германия), *Анри Бергсон* (Франция), *Зигмунд Фрейд* (Австрия), *Мартин Хайдеггер* (Германия) кабилар онгсизлик муаммосини таҳлил қилганлар..

Онгсизлик – руҳиятнинг теран пойдевори. У турли-туман ва ранг-баранг кўринишларда, чунончи: мўлжал, майл, сезги, интуиция, туш, аффект ҳолати ва ҳоказоларда намоён бўлади. «Онгсизлик» атамаси мақсадлари ва ҳаракатлари жараён иштирокчилари томонидан англанмайдиган индивидуал ёки жамоа хулқ-атворини тавсифлаш учун ишлатилади. К.Г.Юнг (1875-1961) жамоа онгсизлик образлари – «архетиплар»ни атрофлича тадқиқ этган. Улар ижтимоий-маданий меъёрлар сифатида эълон қилинмайдиган, расмий мулоқот каналлари юзасида ётмайдиган, бироқ одамзот руҳий ҳаётининг теран қатламларидан чиқадиган туғма дастурлар ва мўлжаллар, типик реакциялар тизимини ўзида ифодалайди.

Уруғ жамоа ҳаётининг авлоддан-авлодга мерос бўлиб ўтувчи якуни сифатида тушуниладиган жамоа онгсизлик инсон ва жамият хулқ-атворини тушунтириш модели бўлиб хизмат қилиши мумкин. Агар онг архетиплар тажрибасини идрок этмаса ва узлуксиз энергия алмашинуви жараёни юз берадиган ўз-ўзидан ташкил топувчи тизим элементи сифатида амал қилишдан бош тортса, руҳиятга онг содда кўринишлардаги онгсизлик суқилиб кириши мумкин. Бу эса, Юнг фикрига кўра, индивидуал ва оммавий психозларга, сохта башоратгўйликларга, ғалаёнлар ва урушларга олиб келади. «Одобли ва ақлли мавжудот маньякка ва ёввойи ҳайвонга айланиши мумкин»[1]. Онг билан алоқани йўқотар экан, онгсизлик ўзини билвосита қарор топтиради. Онгимизга бостириб кириб у шахс ижтимоий борлиғининг оқилона руҳий структураларини қамраб олади ва уларни фалажлик ҳолатига келтиради.

---

[1] Қаранг: Юнг К. Архетип и символ. – М., 1991. – 140-б.

Юнг онгсизликни эътиборга олмаслик хавфидан огоҳлантиради. Онгсизлик онгнинг зиддигина эмас, у онгнинг «модификацияловчи рақиби-шериги» ҳамдир. Онгсизлик стихияли-спонтан ҳаёт оқимидан келиб чиқади, яхшилик ва ёмонлик мезонлари, ижтимоий меъёрлар қаричи билан ўлчаш мумкин бўлмаган ахборотни ўзида мужассамлаштиради.

Ривожланишнинг ҳозирги босқичида онгсизликни ҳаёт фаолиятига заррача таъсир кўрсатмайдиган мистика деб эълон қилиш тўғри бўлмайди. Физиологик нуқтаи назардан онгсизлик жараёнларининг мақсадга мувофиқ жиҳатлари ҳам йўқ эмас. Улар мияни доимий зўриқишлардан халос қилиш орқали *муҳофаза* функциясини бажаради. Хотирада сақланаётган ахборотнинг тўлиқ ҳажми ҳақида одамлар ҳатто тахмин ҳам қилмайдилар. *Онгсизлик инсон ҳаракатларини автоматизациялаш функциясини бажаради.* Агар инсон ҳаёт фаолиятининг барча элементлари англаш ва бошқаришни бир вақтнинг ўзида талаб қилганда, инсон ўйлашга ҳам, ҳаракат қилишга ҳам қодир бўлмас эди.

Онгсизликнинг ўрни ва аҳамиятини аниқлашда австриялик психиатр, психологик ва невропатолог Зигмунд Фрейд (1856–1939) концепцияси алоҳида аҳамият касб этади. *З.Фрейд фикрича онгсизлик онг фаолиятининг зидди, қудратли иррационал куч. Айни пайтда у инсон ўзи англамайдиган майллар психоанализ техникаси ёрдамида аниқланиши ва онг назорати остига олиниши мумкин.* Фрейд инсон руҳиятининг теран онгсизлик қатлами ҳақидаги тасаввурга таянади. Унинг фикрича, бу ерда ҳали лозим даражада ўрганилмаган, бироқ онг учун анча муҳим бўлган алоҳида ҳаёт мавжуд.

Фрейд концепциясининг марказий тушунчаси «либидо»дир. Фрейднинг илк асарларида «либидо» деганда жинсий майл энергияси тушунилади. Кейинчалик Фрейд «либидо»ни Платоннинг «Эроси» билан боғлайди, уни «муҳаббат» сўзи билан қамраб олинадиган ҳодисалар – жинсий муҳаббат, ота-она ва фарзандларга муҳаббат, умуман одамларга муҳаббат энергияси билан айнийлаштиради. Юнг «либидо» тушунчасининг ҳаёт жараёнида намоён

бўлувчи руҳий энергия сифатидаги кенг талқинини илгари суради. Унинг фикрича, бу витал-руҳий энергия оқими бўлиб, онгли ва онгсиз ҳаёт феноменларининг барчаси либидо яхлит ва ягона энергиясининг айрим кўринишларидир. Зигмунд Фрейд яратган инсон хулқ-атвори моделининг замирида инсон руҳиятида жинсий майлларнинг ҳукмронлиги ҳақидаги тасаввурда мазкур майллар онг билан тўқнашади ва натижада уни ўзига бўйсундиради. Аммо фалсафий мактабларнинг аксарияти ўзгача нуқтаи назарни илгари суради. Улар инсон руҳиятида етакчи асос онг бўлиб, у онгсизлик соҳасини «озиқлантириш» ва уни кўп жиҳатдан шакллантириш орқали умуман олганда уни бошқаришга, шунингдек инсон хулқ-атворининг умумий стратегиясини белгилашга қодир, деб ҳисоблайди.

XX асрда Фрейд ва Юнг билан баҳсга файласуф, социолог ва психолог Эрих Фромм (1900–1980) киришади. Жум ладан, Фрейд фикрига кўра, *онгсизлик – асосан инсон руҳиятининг туб-тубида яширинб ётадиган, унинг маданияти ва ташқи ўзлиги (эгоси) талаблари билан мувофиқ келмайдиган ҳодиса.* Юнг таълимотида *онгсизлик ваҳий манбаига, динда Худо деб аталувчи субстрат тимсолига айланади.* Фромм иккала концепцияни ҳам бир ёқлама деб ҳисоблайди. Унинг фикрича, *онгсизлик – инсон ўзлигининг онг воситасида бошқариладиган Эгодан ташқаридаги қисми. У ижобий ва салбий, олий ва тубан унсурлардан таркиб топади.* Биз онгсизликка сиғиниш талаб этиладиган Худо сифатида ёки ўлдириш лозим бўлган аждар сифатида эмас, балки хотиржам, чуқур ҳазил ҳисси билан ёндашишимиз, ўзимизнинг мазкур бошқача қисмимизни даҳшатга тушмасдан, бироқ унга тавозе ҳам қилмасдан, асл ҳолича қабул қилишимиз керак[1].

Ҳар хил тушлар, галлюцинациялар, хаёлдан кетмайдиган ғоялар, интуиция ва шу кабилар онгсизликнинг намоён бўлиш шаклларига мисол бўлиши мумкин. Улар одамлар руҳияти ва хулқ-атворига кучли

[1] Қаранг: Ницше Ф., Фрейд З., Фромм Э., Камю А., Сартр Ж.П. Сумерки богов. – М., 1989. – 206-б.

таъсир кўрсатади, лекин айни вақтда бу жараёнларни бошқариш нуқтаи назаридан уларга бўйсунмайди. Шу сабабли *онгсизлик онгнинг муайян лаҳзада онг билан бошқаришга қодир бўлмаган парчаси, дейиш мумкин*[1].

Онгсизлик структурасига онг соҳасида вужудга келиши ва вақт ўтиши билан онгсизлик соҳасига кириши мумкин бўлган интуиция ва автоматизмлар ҳам киради. *Интуиция* – бу олиш йўллари ва шартларини англамасдан, бевосита ҳиссий кузатиш ёки мушоҳада юритиш йўли билан олинадиган билим. *Автоматизмлар* – бу аввал онг назорати остида пайдо бўлиб, узоқ машқ қилиш ва кўп карра такрорлаш натижасида онгсиз ҳаракатлар хусусиятини касб этувчи инсоннинг мураккаб ҳаракатлари. Туш, гипноз ҳолати, сомнамбулизм ҳодисалари, ҳушсизлик ҳолатлари ҳам онгсиз ҳаракатлар ҳисобланади.

Руҳий фаолиятга онгсиз ҳаракатларнинг қўшилиши натижасида онгга тушувчи юк камаяди, бу эса, ўз навбатида, инсоннинг ижодий имкониятлари майдонини кенгайтиради. Ҳозирги замон фани *онг ости соҳаси* тушунчаси билан ҳам иш кўради. Бу онгсизлик соҳасининг алоҳида қатлами ёки даражасидир. Унга фаолият амалларининг онг даражасидан автоматизм даражасига ўтиши билан боғлиқ руҳий ҳодисалар киритилади.

Антроп тамойил. *Антроп тамойилида инсон амалда мавжуд бўлиши мумкин бўлган ҳар қандай дунёда эмас, балки унинг хусусиятларини белгиловчи физик константаларнинг ўта аниқ мажмуи билан тавсифланувчи дунёдагина пайдо бўлиши мумкин бўлган, деган маъно келиб чиқади.* Бу бизнинг Коинот айнан унда инсоннинг мавжудлиги учун зарур бўлган тарзда тузилганини англатади. Агар у ўзгача бўлганида, унда биз мавжуд бўлмас эдик. Бошқа Коинотлар (агар улар мавжуд бўлса) бизга мос келмайди: уларда бизга ўхшаган ақлли жонзотлар мавжуд бўлиши мумкин эмас. Шундай қилиб, онтологик жиҳатдан ўзгача дунёлар инсоннинг «уйи», унинг яшаш жойи бўлиши мумкин эмас.

---

[1] Қаранг: Шрейдер Ю.А. Загадочная притягательность философии (субъективнке заметки) // Вопросқ философии. 1996. №7. – С.168.

XX асрнинг сўнгги ўн йилликларида астрономиянинг ривожланиши Ердан ташқарида цивилизациялар мавжудлигига бўлган шубҳани янада кучайтирди.

Биринчидан, астрономик маълумотларга аниқлик киритилиши оқибатида ҳаёт мавжуд бўлиши мумкин деб тахмин қилиш мумкин бўлган космик объектлар сони сурункали қисқаришига олиб келади.

Иккинчидан, юқорида кўриб чиқилган, ривожланган цивилизацияларгина амалга оширишга қодир бўлган космосни ўзлаштириш имкониятлари билан Ердан ташқаридаги цивилизациялар фаолиятининг амалда кузатилувчи бирон-бир кўринишлари умуман мавжуд эмаслиги ўртасида зиддият вужудга келади[1]. Бу зиддият *«астросоциологик жумбоқ»* деб аталади. Ердан ташқаридаги цивилизациялар (SETI)нинг радиосигналларини ва уларнинг космосдаги фаолияти натижасида қолган бирон-бир изларни қидириш ҳозирча ҳеч қандай самара бергани йўқ. «Космос сукути» айниқса ғалати, зеро техника тараққиётининг ҳозирги даражаси ўзга цивилизациянинг радиосигналини пайқаш учун етарлидир.

Коинот миқёсида сезиларли фаоллик кўрсатувчи цивилизациялар Галактикада ҳам, Андромеда туманлигига ўхшаш қўшни сайёралар системаларида ҳам мавжуд эмас, деган фараз «астросоциологик жумбоқ»нинг энг табиий ечими бўлса керак. Ҳамонки Ерга ўхшаш цивилизациялар космик экспансия йўлига кириши лозимлиги муқаррар экан, бизнинг Галактикани ҳам ўз ичига олган галакатикалар тизимида улар жуда оз ёки умуман мавжуд эмас, деб тахмин қилиш мумкин. Нима бўлганда ҳам инсоният Коинотда ёлғиз эканлигининг эҳтимоли кўпроқ.

Юқорида баён этилган фикр-мулоҳазалардан бизнинг давримизда инсоннинг Коинотдаги алоҳида ўрни ҳақидаги қадимги тасаввурларга ўзига хос қайтиш юз бермоқда, деган хулосага келиш мумкин.

Ўз-ўзидан равшанки, бу ерда гап дунё ва инсонга доир қадимги содда қарашларга қайтиш ҳақида кетаётгани йўқ. Бу қадимги

---

[1] Гиндилес Л.М. Астросоциологический парадокс в проблеме SETE// Астрономия и современная картина мира.-М.:1996. –С.76.

гояларни тиклаш уларни тубдан қайта ишлаш ва билимларнинг бутунлай янги даражасида талқин қилиш билан боғлиқ. Эски муаммо бутунлай янгича тарзда қўйилади ва уни ечишга нисбатан ҳозирги ёндашув қадимги давр билан таққослагаида ўта чуқур асосларга таянади.

Қадимги одамлар Оламни инсонсиз тасаввур қила олмаганлар. Инсонсиз «бўш» космос бўлиши мумкинлиги уларнинг тасаввурига ҳам сиғмаган. Бундай тасаввур фаннинг ривожланиши билан пайдо бўлган. Юз йил муқаддам дунёнинг манзараси физика ва астрономияда гўё унда инсон мавжуд эмасдек тасвирланган. Фан дунёда инсоннинг мавжудлигига муҳтож бўлмаган. Коинотда инсон борми, йўқми – бу унинг тузилишини тушунтириш учун мутлако аҳамиятсиз бўлган. Коинот ўзича, инсон – ўзича мавжуддек таассурот туғилган. Дин уларни умумий яратувчига ишора қилиш йўли билан бирлаштирган. Аммо фанда инсон табиатга муқаррар бўлмаган қандайдир «илова» ва ўз қаршисида намоён бўлган дунёни кузатувчи сифатидагина муносабат шаклланган.

Ҳозирги даврда инсон фан ва фалсафада яна табиатнинг *ажралмас қисми* сифатида талқин қилинмоқда. Биз яна, қадимги юнонлар каби, инсон ва космоснинг ягона эканлигига ишонч ҳосил қилмоқдамиз, тўғри, бу ягоналикни биз янада теранроқ тушунамиз. *Коинотни фақат унда инсоннинг мавжудлиги ҳисобга олинган ҳолдагина тушунтириш мумкинлигига ишонч ҳосил қилинмоқда (антроп тамойил). Бизнинг Коинотимиз – бу чиндан ҳам инсоннинг Ерда яшаш ва камол топиш имкониятига эга бўлиши учун мослаштирилган уйидир.*

Қадимги антропоцентризм ғояси янгича асосда тикланмоқда. Инсон яна Коинот марказига ёки ҳеч бўлмаса материя ривожланишининг «марказий йўли»га қўйилмоқда. Бу ерда у дунёни қайта қуришга қодир бўлган қудратли куч сифатида намоён бўлмоқда. Инсон тафаккури дунёдаги эволюция жараёнининг эҳтимол тутилган омили сифатида тушунила бошламоқда.

Инсониятнинг келажаги олдиндан белгиланмаган – бу ерда вариантлар бўлиши мумкин. Фаннинг вазифаси уларни аниқлаш ва

уларнинг энг мақбулларини рўёбга чиқариш йўлларини топишдан иборат бўлса, фалсафанинг вазифаси уларга (фалсафа иштирокида шаклланадиган) инсон идеаллари нуқтаи назаридан баҳо бериш ва шу тариқа уларнинг энг мақбулларини танлашга кўмаклашишдан иборат.

Ўзликни англашда антропосоциогенезнинг роли. Ўзликни англаш муаммоси одатда инсон ва кишилик жамиятининг вужудга келиши тўғрисидаги масала – антропосоциогенез муаммоси билан боғлиқ. Гарчи инсоннинг келиб чиқиши асрлар қаърига бориб тақаладиган мураккаб муаммо саналса-да, авлодлар алмашуви ғоят жараёни одамзотнинг ягона ва яхлитлигидан далолат беради. «Биринчи одам» - бу муқаррар тарзда кўп сонли кишилар, уларнинг гуруҳлари, меҳнат фаолияти, нутқи ва ҳоказолардир.

Кўп жиҳатдан гипотетик хусусиятга эга бўлган *антропосоциогенез меҳнат назариясининг* кенг тарқалганлиги у археологик далилларга таянган ҳолда асосланганлиги ва ривожланиш эволюцион назариясига мувофиқлиги билан изоҳланади. Антропосоциогенез меҳнат назариясига мувофиқ, бундан олдинги эволюция жараёнида инсон ва инсоний онг вужудга келишига замин яратувчи омиллар таърифланган. Бу ерда гап *инсоний онг генезисини белгиловчи қуйидаги уч омил ҳақида боради: олий ҳайвонларнинг мураккаб руҳий фаолияти (1); меҳнат қуролларига асосланган фаолият куртаклари, одамсимон аждодларнинг инстинктив меҳнати (2); олий ҳайвонларнинг пода бўлиб яшаши (3).*

Юқорида зикр этилган омиллардан ҳар бири вақт ўтиши билан янгича сифат касб этади. Масалан, олий ҳайвонларнинг соф биологик конуниятлар билан белгиланган мураккаб руҳий фаолияти уларнинг адаптив (мослашиш) хулқ-атворини тартибга солиш воситаси бўлиб хизмат қилади. Ҳайвон ўз турига хос бўлган хулқ-атвор тарзига тугма мойиллик билан тавсифланади. Инсонга эса хулқ-атворнинг индивидуал вариативлиги хосдир. Ҳайвонлардан фарқли ўлароқ, у ўзини ҳар қандай тур мезонига мувофиқ тутиши мумкин. Табиий чекланганлик хулқ-атворнинг вариабеллигига имкон бермаган жойда эса инсон сунъий воситачилар – меҳнат қуролларини ясайди ва улардан фойдаланади.

Ҳайвоннинг инсонга айланиши бир лаҳзада ёки тез юз бериши ҳақида гап бўлиши ҳам мумкин эмас. Ҳозирги тадқиқотларнинг маълумотларига қараганда, антропосоциогенез жараёни 3–3,5 млн. йил мобайнида давом этган, бу вақтнинг 95% аниқ инсоний хусусиятларга эга бўлган илк жамоаларнинг шаклланишига кетган. Юксак даражада уюшган ҳайвонлар орасида инсон энг уюшган мавжудотдир деган эволюцион мантиқни антропосоциогенезнинг тушунтирувчи модели сифатида қабул килинса, унинг олдинги турларга ўхшаш жиҳатларини ва улардан фарқини қайд этиш керак бўлади.

Организм ва табиат ўртасида моддалар алмашинуви ҳар қандай органик мавжудликнинг умумий шарти ҳисобланади. Бу жиҳатдан инсон ҳам, хайвон ҳам моддий муҳит билан табиий-моддий ришталар воситасида боғланади. Табиий муҳитдан зарурий моддий энергияни олиш бош вазифага айланади. Аммо табиий неъматларни ўзлаштириш усулларига кўра инсон ҳайвонлардан сезиларли даражада фарқ қилади.

Биринчидан, ҳайвонлар ва ўсимликлар дунёсида организмлар ва табиат ўртасида моддалар алмашинуви *бевосита* юз беради. Ҳайвон табиат ферментларини айнан қабул қилади. Ҳайвонлар табиий неъматларнинг истеъмолчилари ҳисобланадилар ёки ўзлари бошқа организмлар учун истеъмол объектлари бўлиб хизмат қиладилар. Истеъмол қилинадиган объектларни яратишда улар иштирок этмайдилар ва тайёр озиқ-овқат заҳираларини еб битириш билангина кифояланадилар.

Иккинчидан, бевосита истеъмол қилиш муносабати жараённи табиий-биологик чегарадан ҳеч қачон четга чиқармайди. Ҳар бир янги истеъмол акти сифат жиҳатидан айни бир жараённи такрорлайди. Мазкур жараён такрорланганда табиатнинг ўзидаги табиий ўзгаришлар (ўсиш, биологик турнинг кўпайиши, табиий муҳитнинг стихияли ўзгаришлари)дан бошқа ҳеч нарса юз бермайди. Ушбу истеъмол актининг охирида дастлабки муносабатнинг икки иштирокчиси – муайян биологик тур ва табиий муҳит ўртасида бирон-бир янги воқелик юзага келмайди. Жараён айни бир маконда, табиий-биологик муносабат доирасида айланади.

Одамларнинг табиий муҳитга бўлган муносабати бутунлай бошқача хусусиятга эга. Аммо бу янги муносабат юзага келиши ва табиий-биологик истеъмол чегараси бузилиши учун ривожланиш жараёнида сакраш юз бериши лозим. Антрополог олимлар мазкур жараённи тадқиқ этган ва археология маълумотларига таянган ҳолда икки сакраш назариясини яратганлар ва шу тариқа «етишмаётган бўғин» муаммосининг ўз ечимини таклиф қилганлар. *Икки сакраш назарияси* антропосоциогенезнинг боши ва охирига мос келади.

Биринчи сакраш меҳнат қуролларини ясашга киришиш, ҳайвонлар босқичидан шаклланаётган одамлар босқичига ўтиш, ижтимоий қонуниятларнинг куртаклари пайдо бўлиши билан, иккинчи сакраш эса – Homo sapiens (ақлли инсон) вужудга келиши, шунингдек ижтимоий қонуниятлар ўрнатилиши ва одамлар ҳаётига ўз ҳукмини ўтказиши билан боғлиқ.

Шундай қилиб, биринчи босқичдаёқ гап ишлаб чиқариш фаолияти ҳақида боради. Аслида, бу ерда ишлаб чиқариш фаолияти табиатда тайёр ҳолда мавжуд бўлмаган меҳнат қуролларини ясашни, моддий ижод эса идеал, маънавий ижод, тафаккур ва нутқни назарда тутади.

Инсон ва табиат ўртасида моддалар алмашинуви ҳайвонлар дунёсидаги каби тўғридан-тўғри ва бевосита эмас, балки бир қанча боғловчи бўғинлар орқали юз беради. Мазкур бўғинлар ижтимоий хусусиятга эга бўлган янги муносабатларнинг бутун бир дунёсини, шу жумладан тақсимлаш ва айирбошлаш муносабатларини, янада ривожланган шаклларда эса – хўжалик ва ҳуқуқий муносабатлар мажмуини яратади. Истеъмол занжирда охирги бўғинга айланади. Ундан олдин қуйидагилар келади: *а) ишлаб чиқариш жараёни, бунда табиат маҳсулотлари инсон эҳтиёжларига мослаштирилади; б) тақсимлаш жараёни: у маҳсулотларни ижтимоий қонунларга мувофиқ тақсимлайди; в) айирбошлаш: у ҳар кимга айнан унга зарур бўлган объектларни етказиб беради; г) истеъмол қилиш: у маҳсулотни ижтимоий айланма ҳаракатдан чиқаради.*

Ҳозирги замон фалсафаси онг вужудга келиши замирида ҳайвоний организмнинг органик танасида қайд этилмаган эҳтиёжни

хайвонлардан онг, дин ва бошқа белгиларга кўра ажратиш мумкин, уларнинг ўзлари эса, ўзларига керак бўлган тирикчилик воситаларини ярата бошлаганлари заҳоти, ўзларини ҳайвонлардан ажрата бошлайдилар, деган тезис фалсафада ўзига хос мезон аҳамиятини касб этади.

Ўз-ўзидан ташкил топиш назарияси – синергетика инсон онгининг вужудга келиши муаммосининг янгича ва ноанъанавий талқинини таклиф қилади. Ҳозирги синергетик ёндашув жаҳон тараққиётининг асосий мазмунига анча барқарор бўлган, бир-бири ва атроф муҳит билан бир қанча белгиларга кўра мувофиқлаштирилган *янги ташкилий шаклларни* яратишни киритади. Ҳар қандай ўз-ўзидан ташкил топиш жараёни табиатда мавжуд имкониятларнигина рўёбга чиқаришга қодир. Антропосоциогенез жараёнини синергетика нуқтаи назаридан талқин қиладиган бўлсак, приматлардан Инсонга ўтиш, яъни бутунлай янги ҳаёт шаклининг вужудга келиши бифуркациянинг одатдаги натижасидир. Бифуркация нуқтаси янги структураларга ўтишни назарда тутувчи «эволюция йўлаги» чегарасини англатади. Эволюция босқичларининг бифуркция нуқталари юзага келувчи чорраҳасида ривожланиш хусусияти бутунлай ўзгаради. Бифуркация ҳеч бўлмаса тармоқлар мавжудлигини, тизим эволюцияси йўналишларининг икки векторлилигини назарда тутади. Бошқа траекторияга ўтиш кўп сонли тасодифий таъсирлар – флуктуацияларга боғлиқ бўлади. Бифуркациянинг мазкур чегаравий ҳолати тахминий хусусиятга эга бўлгани боис, у аниқ йўналишли ва орқага қайтариб бўлмайдиган тус олади. Бошқача қилиб айтганда, бундай воқеанинг такрорланиш эҳтимоли нолга тенг бўлади.

Бифуркация механизмларининг мавжудлиги тармоқларидан бири инсон пайдо бўлишига олиб келган эволюция «дарахти»нинг тикланиши умумий манзарасига муайян тузатишлар киритишга мажбур қилади. Зеро ривожланиш жараёнини Дарвин айтган «турларнинг аста-секин, босқичма-босқич такомиллашуви»гина эмас, балки қайта қуриш жараёнлари ҳам белгилайди. Мослашиш

мезонлари ҳам, дифуркация алгоритмлари ҳам модданинг ўз-ўзидан ташкил топишини амалга оширувчи механизмларнинг одатдаги туркумларини ташкил қилади[1].

Муайян шароитларга оқилона мослашиш имконини берувчи гомеостазисни сақлаб қолишга интилиш шикастли тор ихтисослашув юз беришига олиб келади. Ташқи шароитларнинг аҳамиятсиз ўзгариши тор ихтисослашган бундай шаклларнинг ҳалокатига сабаб бўлади. Антропогенез жараёнининг дастлабки босқичларини тавсифловчи эволюция тезлиги мисли кўрилмаган даражада юдамлик билан тавсифланади. Одамлар ўртасидаги табиий танланишда интеллект куртаклари алоҳида аҳамият касб этади. Илк аждодимиз нимжон ҳайвондан етук ақл ва чидамли нерв системасига эга бўлган кучли ҳайвонга айланади. У ўз ихтиёрида мавжуд бўлган содда предметлардан фойдаланиш билан бир қаторда, янги меҳнат қуролларини яратиш, ўт ёқишни ҳам ўрганишга муваффақ бўлади.

Антропогенезнинг якунловчи босқичида эволюция тезлиги сезиларли даражада пасаяди. 30–40 минг йил мукаддам инсоннинг биологик тур сифатида ривожланиш жараёни деярли тўхтайди. Барча инсонларнинг умумий аждоди – кроманьонлик[2] одам ҳозирги жисмоний типга мансуб одамдан деярли фарқ қилмаган.

Шу даврдан бошлаб инсониятнинг ривожланиш жараёни индивидуал белгиларни эмас, балки ижтимоий белгиларни ўзлаштиришга таянган ҳолда давом этади. Дарвин «триадаси» элементлари – *ўзгарувчанлик, ирсият* ва *танланиш* амал қилишда давом этади. Аждодларимиз ўзаро рақобатлашиш жараёнида ўша даврдаги яшаш шароитларига камроқ даражада мослашган қабиладошларини сиқиб чиқарадилар, мазкур шароитларга яхшироқ мослашганларнинг ташкилий ва меҳнат кўникмаларини эса ўзлаштирадилар. Аммо танланиш янги даражага – ижтимоий ҳаёт ташкилоти даражасига кўтарилади. Ривожланиш суръатлари бутунлай бошқа –

---

[1] Қаранг: Моисеев Н. Человек и ноосфера. – М., 1990. – 47-б.

[2] Кроманьон – Франциядаги гор бўлиб, бу ерда одам суяклари биринчи марта топилган.

цивилизацион асосда жадаллашиб боради. Шу тариқа синергетика қуйидаги компонентлардан таркиб топган антропосоциогенез моделини асослайди: *биологик эволюция – бифуркация – ижтимоий ривожланиш.*

Л.Мэмфорд таклиф қилган бошқача ёндашув ҳам мавжуд бўлиб, унда антропогенез ривожида одатлар етакчи роль ўйнаган, деган фикр илгари сурилади. Унинг фикрича, интеллектнинг фаоллигини белгилаш учун техник кўникмаларнинг ўзи кифоя қилмайди. Айнан маросимларни ўтказиш негизида шаклланган муайян амалларни аниқ бажариш одати инсонда қўл меҳнати учун зарурий кўникмалар ҳосил бўлишига олиб келган. М.Маклюэн антропосоциогенезнинг бош омили сифатида алоқа ва мулоқотга эътиборни каратади. Антропосоциогенез муаммосининг муайян ечимини таклиф қилувчи ёндашувлар мажмуи юқорида зикр этилган концепциялардангина иборат эмас. Мазкур феноменни мантиқий англаб етишдаги қийинчиликлар ва муаммолар шу даражада улкан, аниқ ва рашанки, ҳозирги замон антропологик тафаккури унинг «Антропосоциогенез жумбоқлари» деган баландпарвоз ва парадоксал номи билан муросага келган.

Ўзликни англаш ва инсон экологияси уйғунлиги. Персоналистларда жуда қизиқарли бир афоризм бор: «Психологияни ўрганиш – self ни ўрганиш демак. Self ни ўрганиш – self ни унутиш демак. Self ни унутиш – ҳамма нарсани унутиш демак».

Бинобарин, биз ўз манфаатларимиз соҳасини ўрганишимизга қараб, асосан шахсий мўлжалларимиз чегарасидан четга чиқамиз ва ўзимиздан бошқа нарсаларни, бизни қуршаган муҳитни кўра бошлаймиз.

Инсон экологияси тўғрисида сўз юритганда, инсон популяцияларининг реал турмуш тарзини ўрганишни назарда тутиш лозим. Бу ерда нафақат инсоннинг жисмонийлиги ва у яшайдиган моддий муҳит, балки маънавият ҳам муҳимдир. Аммо, руҳга ҳаёт бахш этиш учун танани ҳам ҳаёт билан таъминлаш керак. Руҳ ва тананинг бир-бирини тақозо этиши ва айни вақтда бир-бирини инкор этиши, ҳар сафар янги ва янги куч билан намоён бўлувчи қарама-қаршилик

сифатида, ўз ечимини фақатгина маънавий ва фақатгина жисмоний бўлмаган бошқа бир нарса воситасида топишни тақозо этади. Шу маънода ўз қобилиятларини рўёбга чиқариш муаммоси доим инсон экологиясининг бош муаммоси бўлиб келган. М.Монтень ўз вақтида: «Дунёда энг муҳими ўзликни сақлашдир», деб ёзган эди.

Янги атама – *экософия шахс хулқ-атворини белгилаб, унга ўзликни сақлаш қувончини бахшида этувчи қадриятлар шахсий кодекси ва дунёқарашни англатади.*

Экософиянинг категориялар тизимига ўз қобилиятларини рўёбга чиқариш ва қадриятлар тизимидан ташқари, ўз-ўзини тинимсиз сўроқлаш императиви ҳам киради. Унинг энг етук рефлексив шаклини И.Кантнинг машҳур саволларида кўриш мумкин: «Мен нимани билишим мумкин? Мен нимага умид қила оламан? Мен нима қилишим керак? Инсон нима?». Булар умумий умуминсоний муаммолар рўйхатига киритилган оламшумул саволлардир. Аммо яшаш жараёнида вазиятга қараб муайян саволлар туғилиши ҳам мумкин. Бу ерда ментал ва этник хусусиятлар муҳим аҳамият касб этади.

Менталлик шахсни фикрлаш, сезиш ва муайян тарзда ҳаракат қилишга мажбур этувчи «вақт руҳи»ни тавсифлайди. Ментал таъсир механизмлари анча мураккабдир. Одам боласи дунёни идрок этишнинг шундай бир хусусиятларини она сути билан ҳазм қилади, дастлабки ижтимоийлашув жараёнида жамият ҳаётида мўлжал олишнинг шундай бир ўзига хос кўникмаларини ўзлаштирадики, улар энг ноқулай вазиятда ўзидан нишона бериб қолиши мумкин. Менталлик оқилоналикнинг ялпи назоратига бўйсунмайди, у оқилоналикдан устун ва уни ғоявий жиҳатдан йўқ қилиб бўлмайди.

Мақсадни теран англаш инсоннинг ижобий хислатларини янада кучайтиради, деган тезис эзотеризмнинг дунё ва ўз-ўзи билан уйғун ҳаёт кечириш усули сифатидаги экософия муаммоларига ойдинлик киритувчи энг диққатга сазовор ғоясидир. У.Колин фикрига кўра, кучли истеъдод соҳиби ва оддий одам ўртасидаги фарқ шунда намоён бўладики, истеъдод соҳиби ўз мақсадларини теран англайди, оддий одам эса, мақсадлар тизгинини тинимсиз йўқотади, уларни ҳар соат,

деярли ҳар дақиқада ўзгартиради[1]. *Мақсадни теран англаш – ҳаётни ўзгартириш, чуқур ўрнашиб қолган одатлар ва феъл-атвор хусусиятларига барҳам беришга қодир кучли дастак.* Муайян мақсадга эришишга йўналтирилган онгнинг тўлиқ ўзгариши тўғрисида сўз юритиш мумкин.

Онглилик илмий анъанада ҳам, фалсафий анъанада ҳам, эзотеризм анъанасида ҳам шахс ҳаёт фаолиятининг муҳим унсури сифатида қайд этилади. Эзотеризм анъанасида, шу билан бирга, тозаланган, тубан психизмлардан холи онгга эга бўлиш нақадар муҳимлиги анча ишонарли далиллар билан кўрсатиб берилган. Онг янги имкониятларни идрок этиш, ижод қилиш ва камол топиш учун очиқ. Оддий онг хира чироқ билан ёритилган расмлар кўргазмасига ўхшатилади. Идрок этиш жараёни фаоллашган лаҳзалар, қуёш нури каби, тоза онгда барча рангларни янгича кўз билан кўриш имконини беради. Онглилик тиниқ шуур, фикрнинг ойдинлиги, зийраклик ва оқиллик сифатида талқин қилинади. Онглилик йўл танлаш, уни ўзгартириш ва ўз тақдирини ўзи белгилаш қобилиятини назарда тутади. Эзотериклар окилона онгга бизни атрофимиздаги ҳақиқий ҳаётнинг тўлиқ таъсиридан асровчи клапан тури сифатида қарайдилар[2].

Психологик жамият асосчиларидан бири Г.В.Х.Мейер онгга спектр сифатида қарашни таклиф қилади. Спектр ўртасида бизга маълум қобилиятлар: кўриш, эшитиш, ҳид билиш, тери орқали сезиш қобилиятлари жойлашган. Спектрнинг қизил четидан пастроқда биз онг иштирокисиз муайян даражада назорат қилишимиз мумкин бўлган органик жараёнлар жойлашган. Спектрнинг бинафшаранг ҳалқаси устида биз деярли тўлиқ инкор этувчи бошқа олий қобилиятлар ётади. Инсон улардан фойдаланишга ҳаракат қилмайди ва шу боис уларга ишонмайди. Аммо оккульт қобилиятлар ҳар бир одамда яширин тарзда мавжуд ва сидқидилдан хоҳлаган одам уларни ривожлантириши мумкин.

---

[1] Қаранг: Калин У. Оккультизм. – М., 1994. – 50–52-б.

[2] Ўша ерда. – 67-б.

Инсон ҳар сафар ўз аҳамиятини теран ҳис этганида, у бинафшаранг ҳалқа устида ётган қобилиятларни фаоллаштиради. Инсон моҳияти бефарқлик ҳолатида бўлганида эса (инсон кўпинча бу ҳолатни ўзи хоҳлаган ҳолат сифатида қабул қилади), онгнинг барча имкониятларидан фойдаланилмайди. Ҳар қандай танглик ёки мушкул муаммо соат бонги сифатида янграб, одамни мудроқ уйқудан уйғотади. Инсоннинг «ухлаб ётган» психик қобилиятларини «уйғотиш» муҳим вазифадир. Кўпгина одамлар «ўз ичидаги прожекторни ёқишни ўрганади».

Иродаси кучли одам – сеҳргар образининг прототипи. Сеҳргарлар ва медиаторлар онг остидаги истакни рўёбга чиқариш мумкинлигини англаб етган одамлардир. Мистик – мақсадни топган одам. Унинг вазифаси – ақлнинг фаол ишлашига эришиш ва бунда одатдаги энергия сарфига йўл қўймасликдир.

Ўз қобилиятларини мумкин қадар кенгайтириш учун зарур концентрация даражасига эриша олмаслик инсоннинг асосий муаммоси ҳисобланади. Бунга монелик қилувчи ҳолатлар сифатида онгнинг бўғиқлиги, ҳардамхаёллик, вибрациялар, яъни ички зўриқиш қайд этилади. Бунда оддий, психосоматик (кучли руҳий ҳаяжонланиш билан боғлиқ), нотривиал (кучли таассурот билан боғлиқ) вибрациялар фарқланади. Сократ таъкидлаганидек "Ўз даражисига етолмаслик жоҳиллик, ўз даражасидан ўтиш эса донишмандлик"дир. Бу инсоннинг доимий равишда ўзининг потенциал имкониятларидан фойдаланиш зарурлигига ишорадир.

Медитация (лот. meditatio – фикрлаш) методи онгни тозалаш воситаси бўлиб хизмат қилади. В.Налимов «Онгнинг спонтанлиги» монографиясида медитацияга бир неча таъриф берган. Медитация – бу ички тажрибамизни кенгайтириш воситаси, ўз-ўзини гипноз қилиш шакли, шахснинг очиқлигини кучайтириш усули, онгни семантик бўғиқликдан халос этиш, спонтанликни озод қилишдир.

С.Гроф медитация ҳолатидаги онг имкониятларини тизимга солиб, қуйидагиларни фарқлашни таклиф қилди:

- онгнинг вақтда кенгайиши. У чегараларни сезиш, инкарнациядан кейинги тажриба, эволюцион тажрибани ўз ичига олади;

- онгнинг маконда кенгайиши. У бошқа шахслар билан идентификация қилиш, ўсимликлар ва ҳайвонлар билан идентификация қилиш, дунёни англаш, ноорганик материяни англашни ўз ичига олади;

- онгнинг маконда торайиши – айрим орган даражасигача;

- «объектив борлиқ» чегараларидан четга чиқувчи борлиқни ҳис қилиш. У бошқа оламларни сезиш тажрибаси ва уларнинг аҳолиси билан учрашувни, мураккаб мифологик сюжетларни идрок этишни, мураккаб рамзларни интуитив тушунишни, универсум Ақлининг онгини идрок этишни, космосдан юқори ва метакосмик бўшлиқни идрок этишни ўз ичига олади.

Майл туғилишининг ақлга мувофиқлигини англаб етиш имконияти қобилиятларни ривожлантиришнинг иккинчи воситаси ҳисобланади.

Ниҳоят, учинчи омил – бу ўзини мойиллик ҳолатига келтириш қобилиятидир.

Эзотеризмга оид адабиётларда инсон хусусиятларининг қуйидаги тўрт таркибий қисмдан иборат деб кўрсатилган:

1. Майл (хоҳиш-ирода) – инсоннинг асосий моҳиятини белгиловчи туйғу.

2. Ниқоб – инсон ўз атрофидагиларга кўрсатиш учун яратувчи ва кўпинча унинг асл моҳиятига зид бўлган юз (қиёфа).

3. Бунёдкор тафаккур – табиий ижодий мойиллик.

4. Само қонунлари томонидан инсон пешонасига ёзиб қўйган тақдир танаси.

Ниқоб ҳам, бунёдкор негиз ҳам икки имкониятга эга. Улар ҳаққоний ёки яширин ифодаланиши мумкин.

Инсон эволюцияси муаммоси унинг қобилиятларини кенгайтириш ва ахлоқий қадриятларини такомиллаштириш соҳасига татбиқан ҳал қилинади. Инсон ўз ички бирлиги, доимий Эгосини англаб етиши лозим. Эволюция йўлидаги биринчи қадам – ўз-ўзини ўрганиш. Бунда салбий эмоцияларга қарши курашиш муҳим аҳамият касб этади. Мазкур кураш жараёнида «инсон ўз ғам-андуҳларини қурбон келтириши керак». Зеро, токи инсонда салбий

эмоциялар мавжуд экан, унинг бирлиги, онги, иродаси ривожлана олмайди. Ўз-ўзини ривожлантириш учун инсон ўзини кузатишни, ўзининг фойдали ва зарарли жиҳатларини фарқлашни ўрганиши лозим. Шахсда юзага келувчи қизиқишлар, худди магнетик марказ каби, инсоннинг ривожланишини йўлга солади ва назорат қилади.

Эзотерикага оид адабиётларда инсон ўз ривожланишининг мазкур босқичида Олам Ибодатхонасининг ғишти сифатида баҳоланади. Моддий тана руҳ учун лаборатория вазифасини бажаради. Бу ерда жон маънавий ўсиш тажрибаларини ўзлаштиради. Етишмаётган билимни олиб, уни руҳий энергия кўринишида ўз ҳужайраларига жойлаштиргач, инсон космик билимлардаги маънавиятнинг навбатдаги босқичига кўтарилади. Ўз планетар ривожланишининг эволюциясини якунлагач, инсон жони дунёвий ҳаёт борлиғининг барча зарур тажрибаларини ўзлаштирган юксак маънавиятли жонзотга айланади. Инсон манманлик, ҳасадгўйлик, жоҳиллик, газабгўйлик, рашк, ёлғончилик каби ва бошқа иллатлардан халос бўлиши керак. Одамзот хайрихоҳлик, меҳрибонлик, бағрикенглик, кечиримлилик, хушчақчақлик каби маънавий фазилатларни ўзига сингдиришга ҳаракат қилиши лозим[1].

Экософия муаммолари доирасига ўлимни енгиш муаммоси ҳам киради. У шахс негизини номуайян узоқ муддатга сақлаб қолиш муаммоси сифатида қайта талқин қилинган. Олимларда ҳам, эзотерикларда ҳам катта қизиқиш уйғотиб келаётган бу муаммо ҳозирги илмий мунозараларда ўзининг янги ечимларини топмоқда.

Экософияни анча ёш фан – эниологиянинг энг янги хулосалари ҳам тўлдирмоқда. Энергия-ахборот ўзаро таъсирларининг ҳозирги тизимида ёзилмаган қонунлар мақомига эга бўлган бир қанча қоидалар мавжуд:

1. Энергия-ахборот (ЭА) ўзаро таъсирларининг барча техникалари мутлақ эмас, балки нисбий хусусиятга эга, улар ЭА қобилиятларига эга бўлган, профессионал жиҳатдан яхши тайёрланган, маънавий масъулият ва психик барқарорлик даражаси юқори бўлган одамлар томонидан амалга оширилиши мумкин.

---

[1] Қаранг: Древние и современные легенды. – Сочи, 1991. – 67-б.

2. Энергия-ахборот ўзаро таъсирларининг амалга ошиш имконияти юз фоиз эмас. У оператор ҳолатига ва Инсон – Ер – Космос системаларидаги ташқи шароитга боғлиқ.

3. ЭА техникалари инсон онги билан боғлиқ бўлгани сабабли, бу онгни деструктив таъсирлардан ҳимоя қилиш зарур. Муҳаббат, эзгулик, меҳрибонлик ҳақидаги гап-сўзлар ўз ҳолича шахс ва жамият психосферасини унинг «табиблари» вайрон этишидан сақлай олмайди. Фақат амалий фаолият, табобат соҳасида эса – узоқ муддатли натижалар шахс ва жамият онги ишончли ҳимояланишини кафолатлаш имконини беради[1].

Хулосалар. Онгга сунъий таъсир кўрсатишнинг барча шакллари ахлоқий ва экологик жиҳатдан рад этилади. Оммавий ахборот воситалари, зўравонликнинг деструктив дастурларидан фойдаланишнинг салбий жиҳати биоэнергия-ахборот ўзаро таъсирларида шахс ва жамият онгини бузишнинг энг хавфли манбаи ҳисобланади. Одатда улардан давлат амалдорлари ёки фуқаролар орасидаги ахлоқсиз шахсларнинг гуруҳлари ўз ғаразли манфаатлари йўлида фойдаланишга ҳаракат қилади.

Фан каби, фалсафа ҳам дунё ва инсон ҳақида «узил-кесил» билим бермайди. Фалсафий тамойиллар узил-кесил ҳақиқат сифатида қабул қилиниши лозим бўлган аксиомалар сифатида қаралиши мумкин эмас. Уларнинг ҳақиқийлиги, умуман инсоннинг ҳар қандай билими каби, пировард натижада амалиёт синовидан ўтиши лозим.

Борлиқ ҳақидаги фалсафий тасаввурларни амалда бевосита текшириш мумкин бўлмаса-да, улар амалиёт синовидан билвосита – инсон билими ва инсон фаолиятининг ривожланишида уларнинг методологик ва эвристик ролини аниқлаш йўли билан ўтказилади.

---

[1] Қаранг: Волченко В.Н. Неизбежность, реальность и постижение тонкого мира // Сознание и физическая реальность. – М., 1996. №1-2. – 6-б.


Тажрибавий амалий матнлар

Жон, гиллозоизм, психея, тана, экзистенциализм, Къеркегор, индивидуал руҳий олам, тириклик, инсон, индивид, шахс, индивидуал борлиқ, онг, индивидуал онг, жон, онгсизлик, галлюцинация, иррационализм, эмержентистик материализм, инъикос, тил, ўзликни англаш, антроп тамойил, ўзликни англаш, экософия, энергия ахборот, Мэмфорд таълимоти, оммавий ахборот воситалари, энергия ахборот, эзотеризм

Қўшимча ва тушунтирувчи матнлар







Мустақил ишлаш учун савол ва топшириқлар

1.Жон нима?

2. С.Керъкегорнинг жон ҳақидаги таълимотини биласизми?

3. Ўрта асрларда жон ҳақидаги таълимотни тавсифланг.

4. Гилозоизм таълимотинниг моҳиятини тушунтиринг.

5. Фалсафада онгни тушунишга нисбатан қандай асосий ёндашувлар вужудга келган?

6. Онгнинг фалсафий ва табиий-илмий талқини ўртасидаги фарқ нимада?

7. Онгнинг пайдо бўлишини материалистик фалсафа қандай тушунтиради?

8. Антроп тамойилнинг моҳияти нимада?

Реферат мавзулари

1. З.Фрейд ижодида онгсизлик муаммосининг талқини.
2. К.Юнг ижодиа онг ва онгсизлик масаласи
3. Ибн Синонинг жон ҳақидаги таълимоти
4. Ж. Ламетрининг жон ҳақидаги таълимоти
5. Қадимги мутафаккирлар ижодида жон масаласи

Билим ва кўникмаларни баҳолаш материаллари

1. Волтер ўзининг "Жон ҳақида" деб номланган рисоласида жон тушунчаси ҳақида қандай фаразни илгари суради?

A. Инсон миясининг хосаси
B. Руҳий инкоснинг даслабки шакли
C. Хинд Брахманларнинг тафаккури махсули
D. Енгил шабада, хавога ўхшаган нарса.

2. "Метем психоз" нима?

A. Жоннинг бир танадан бошқа танага ўтиши.
B. Хаётнинг чексиз туғилиши ва ўлиши ҳақидаги таълимот.
C. Инсон томонидан ўраб турган дунёни қандай бўлса шундайлигича билиш, мумкинлигини тан олиш.
D. Билишда ҳеч қандай шубхага ўрин қолдирмайдиган аниқлик ва яқолликка еришиш.

3. Одамлар, хайвонлар хаёти, нарсалар ва ходисаларга жон ва рухлар таъсир кўрсатиши ҳақидаги илк диний эътиқод башарият тарихида қандай аталган?

A. Тотимизм
B. Фетишизм
C. Анимизм
D. Магия

4. Платон рухий ходисаларни қай тарзда ажиратган?

A. Туйғулар дунёси ва интеллектга
B. Ақил ва идрокка

C. Сезги ва таъсаввурга
D. Ғоя ва идеалликка

1. Гомердан сўнг ўзларини "Муаллимлар" деб атаган мутафаккирлар жон тўғрисида келган қарорлари оқибатида жон 3 таркибий қисмдан иборат моҳиятга айланган. Улар қайсилар?

A. Пневма, фантом, манна
B. Хаётбахш нафас ўсимлик жони, псюхе, нмс
C. Кивинтессенция, сансара, карма
D. Псюхе, фантом, нус

2. Платоннинг қайси асрида жон таркибий қисмларининг ирархияси келтирилади?

A. Тимей
B. Теэтет
C. Давлат
D. Менон

3. Платон фикрига "Эмоционал-қахрли жон" инсон танасининг қайси қисмида жойлашган?

A. Бош
B. Кўкрак
C. Қорин бўшлиғи
D. Товон

4. "Жон инсонни актуаллаштиради, унинг асл моҳиятини белгилайди" деган фикрни ким илгари сурган?

A. Ф. Аквинский
B. У. Оккам
C. Р. Декон
D. П. Абеляр

5. Жон имкониятларни Ф. Аквинский нима деб атайди?

A. Пневма
B. Симпатия

C. Фантом
D. Патенция

6. Ф. Аквинский таълимотида жон имкониятлари неча хил бўлади?
A. 5
B. 3
C. 4
D. 7

7. Қандай ғоя черков мулозимлари томонидан тақиқланади?
A. Жоннинг ўлмаслиги
B. Жоннинг моддийлиги
C. Жоннинг кўчиши
D. Халоватсиз жон.

8. Ўрта асрлар фалсафасида жон ҳақида қандай таъсавур шаклланган?
A. Жон хайвон, инсон ва ўсимлик танасида яшайдиган ва уни уйку пайтида ёки ўлимдан сўнг тарк этадиган алоҳида куч сифатида намоён бўлган.
B. Жон дунёвий ва илохий фаолият ўртасидабоғловчи бўғин деганумумий тасаввур шаклланган.

9. "Жон барча маънавий асослар яратиладиган ва шаклланадиган вақт оралиғини белгилайди" деб ким таъкидлаган?
A. С. Кьеркигор
B. Б. Паскаль
C. Ж. Ламетри
D. К. Юнг

10. Бюхнер, Фохт, Молешотт кабий файласуфлар унга қандай нуқтаи назар билан ёндашади?
A. Дуализм
B. Идеализм

C. Вулгар материализм
D. Писихоаналитк

11. Ўз изланишлари натижасида жонни танлаш мумкин ва бу хар кимнинг ўз хохиш истакига боғлиқ, деган мухим хулосага келган файласиф ким?

A. С. Кьеркигор
B. Б. Паскаль
C. Ж. Ламетри
D. К. Юнг

12. Онг муаммосини ечишга нисбатан янгича ёндашувлар хозрги замон фалсафасинииг қайси оқимларига мансуб?

A. Рационалистик
B. Иррационалистик
C. Герменевтик
D. Тўғри жавоб йўқ.

13. Онгнинг табиати қуйида қайси фан доирасида ўрганилмайди?

A. Психология
B. Сациология
C. Кибернетика
D. Хамма жавоблар тўғри

14. Қайси жавобда онгга вулгар материализм иуқтаи назаридан ёндашилган?

A. Индивидуал онгга бутун ривожланиш негизи саналган мутлоқ ғоянинг првард шаклларидан бири сифатида ёндашилади.

B. Онгни соф моддий жараён сифатида талқин қилиш ва унинг мазмуни эса инсон ейдиган озиқ овқат махсулотларининг кимёвий таркиби билан боғлаш.

C. Онгни тафаккур билан тенглаштирилиб, уни мустақил еркин фикрловчи субстанция деб хсобловчи ёндашув.

D. Онгни тарихан белгиланган фаол асос сифатида тушуниш.

15. Қуйида индивидуал рухият ва онгнинг евалюцион келиб чиқиши ғоясини химоя қилиб рухий ходисаларнинг жисмоний ходисаларга боғлашга қарши чуқувчи фалсафий йўналишни топинг?

A. Вулгар материализм

B. Эмержентистик материализм

C. Субъектив идеализм

D. Объектив идеализм

16. Объектнинг яхлитлигини ва хар ҳил ташқи ва ички ўзгаришлар шароитида ўзига ўзи мувофиқлигини таминловчи унинг барқарор алоқалари мажмуини ифодаловчи тушунча нима деб аталади?

A. Система

B. Сифат

C. Структура

D. Мохият

17. Қуйида қайси жавобда идрокка тўғри таъриф берилган.

A. Онг структурасинингдастлабки элементи энг содда бўлинмас ва структурасиз билиш ходисаси

B. Сезгилар тўпламидан иборат структуравий образ

C. Нарса ва ҳодисаларга хос махсус томонлар, хусусиятлар бирлиги

D. Кишиларда воқеликни абстракт-фикрий акс эттира оладиган кобилият асосида пайдо бўладиган ҳамда ривожланадиган инъикоснинг дастлабки ва етакчи шакли

18. Қуйида қайси жавобда сезгига тўғри таъриф берилган.

A. Онг структурасинингдастлабки элементи энг содда бўлинмас ва структурасиз билиш ходисаси

B. Сезгилар тўпламидан иборат структуравий образ

C. Нарса ва ҳодисаларга хос махсус томонлар, хусусиятлар бирлиги

кобилият асосида пайдо бўладиган ҳамда ривожланадиган инъикоснинг дастлабки ва етакчи шакли

19. Қуйидаги фикр муаллифи ким: «Инсон барча нарсалар мезонидир: у мавжуд нарсаларнинг мавжудлигини, йўқ нарсаларнинг эса йўқлигини белгилайди»?

A. Протогор
B. Суқрот
C. Фалес
D. Демокрит

20. Миқдорий ифодалаш, сезиш ёки кузатиш мумкин бўлмаган, массаси ҳам, энергияси ҳам йўқ, моддий объектлар каби муайян шакл-шамойилга ҳам эга бўлмаган фалсафий қатегория, бу –

A. Онг
B. Сезги
C. Ҳаракат
D. Моҳият

21. Оловни оқил ва олижаноб, сувни – тубан асос деб ҳисоблаган файласуфни топинг?

A. Гераклит
B. Анаксимен
C. Анаксагор
D. Зенон

22. Онг ва онг ости ҳодисаларини илк бор муфассал ўрганган файласуф – психоаналитик ким?

A. З.Фрейд
B. К. Юнг
C. Э.Фромм
D. Н.Вернадский

идрок этилиши, тавсифланиши ва баҳоланишини акс эттирувчи ижтимоий ҳодиса бу -...

A. Шахс
B. Ўзликни англаш
C. Онг
D. Ижтимоий онг

24. Онг структурасининг бош таркибий элементи унинг ўзаги, мавжудлик воситаси бу....?

A. Идрок
B. Сезги
C. Билим
D. Тушунча

25. Қуйидаги таъриф онг структурасининг ыайси элементтига берилган. Инсон рухий фаолиятининг муайян объектларига қараб мўлжал олишда намоён бўлувчи шакли?

A. Идрок
B. Эмоция
C. Тафаккур
D. Эътибор

1. Ушбу фикр муаллифини тонинг: «Инсон барча нарсалар мезонидир: у мавжуд нарсаларнинг мавжудлигиии, йўқ нарсаларнинг эса йўқлигини белгилайди»?

A. Протогор
Б. Суқрот
B. Фалес
Г. Демокрит

2. Миқдорий ифодалаш, сезиш ёки кузатиш мумкин бўлмаган, массаси ҳам, энергияси ҳам йўқ, моддий объектлар каби муайян шакл-шамойилга ҳам эга бўлмаган фалсафий категория, бу –

Б. Сезги
В. Ҳаракат
Г. Моҳият

3. Қайси олим оловни оқил ва олижаноб, сувни – тубан асос деб ҳисоблаган?
А. Гераклит
Б. Анаксимен
В. Анаксагор
Г. Зенон

4. Илк бор муфассал онг ва онг ости ҳодисаларини ким ўрганган?
А. З.Фрейд
Б. К. Юнг
В. Э.Фромм
Г. Н.Вернадский

1. Ижтимоий онг нима?
А. Инсон уни қуршаган бошқа одамлар томонидан ижтимоий идрок этилиши.
В. Инсоннинг тавсифланиши ва баҳоланишини
С. Ижтимоий ҳодиса
D. Барча эавоблар тўғри

6. Ушбу фикр муаллифни топинг: Инсон ўз жони фаолиятини бошқара олади, шу бонс дунёни тушуниш йўли ўз-ўзини билиш орқали ўтади, деб ҳисоблайди.
А. Платон
Б. Сукрот
В. Фалес
Г. Демокрит

16. Айрим инсон онги эса, қайси файласуф фикрига кўра, унинг жони билан бевосита боғланади?

А. Платон

Б. Суқрот

В. Фалес

Г. Демокрит

17.Аристотелнинг қайси рисоласини қадимги юнон файласуфларининг онг ҳақидаги фалсафий мулоҳазаларининг муайян якуни деб ҳисоблаш мумкин?

А. «Жон ҳақида»

Б. «Дин ҳақида»

В. «Рух ҳақида»

Г. Бврча жавоблар тўғри.

18.Ўрта асрлар Европа фалсафаси нимага айланиб, онг ҳақидаги масалага бутунлай ўзгача нуқтаи назар билан ёндашди – уни абадий мавжуд бўлган дунёни, шу жумладан инсон ва унинг жонини йўқликдан яратган Худонинг ягоиа дунёвий асос сифатидаги талқини билан боғлади?

А. «Дин чўриси»

Б. «Ақл чўриси»

В. «Фалсафа дунёси»

Г. «Дин дунёси»

19. Қайси файласуф онгни тафаккур билан тенглаштириб, уни умумийроқ тусдаги «руҳият» тушунчасидан ажратди ва онгни мустақил, эркин фикрловчи субстанция деб ҳисоблаб, ёнма-ён жойлашган бошқа – кўламли, фикрламайдиган, моддий субстанцияга қарши қўйди?

А. Платон

Б. Суқрот

В. Фалес

Г. Р.Декарт

20. Гегель индивидуал онгга бутун ривожланиш негизи саналган мутлақ ғоянинг пировард шаклларидан бири сифатида ёндашди. Бу ерда онг тарихан белгиланган фаол асос сифатида тушунилади. Мазкур асосда унинг тузилиши даражалари, қандай даражаларда фарқланади?

А. Ҳиссий, мантиқий, индивидуал ва ижтимоий даражалар

Б. Мантиқий, индивидуал ва ижтимоий даражалар

В. Индивидуал ва ижтимоий даражалар

Г. Ҳиссий, мантиқий, иқтисодий, маънавий ва ижтимоий даражалар

21. Бюхнер, Фохт, Молешотт каби файласуфлар онгга қандай нуқтаи назаридан ёндашади?

А. «Вульгар неофрейдизм »

Б. «Вульгар материализм»

В. « Иррационализм »

Г. Барча жавоблар тўғри.

22. Онгсизликни (онг ости) тушуниш, унинг мавжудлиги а қайси олим томонидан XX аср бошида аниқлаган?

А. З.Фрейд.

Б. Суқрот

В. Фалес

Г. Р.Декарт

23. Иррационализм сўзнинг луғавий маноси?

А. Irrationalis – ноокилона, онгсиз.

Б. Irrationalis – оқилона, онгли

В. Irrationalis – ақили, тафаккури бой

Г. Б ва В жавоблар

24. Неофрейдизмнинг атоқли намояндаларидан бири..... онгни илмий воситалар билан билиш мумкин эмас, деб ҳисоблаган ва унга таъриф беришга уринишлардан бутунлай

7..... биринчи бўлиб жон ҳақидаги яхлит таълимотни яратди. У одамлар жонининг қандайлигига қараб уларни ҳар хил типларга ажратди.

А. Платон

Б. Сукрот

В. Фалес

Г. Демокрит

8. Қуйидаги сўзлар муаллифини топинг: «Мавжуд барча нарсалар орасида энг ишончлиси ва бизга кўпроқ маълум бўлгани, ҳеч шубҳасиз, бизнинг ўз мавжудлигимиздир, зеро бизда бошқа нарсалар ҳақида мавжуд тушунчаларни сиртқи ва юзаки деб ҳисоблаш мумкин, ҳолбуки ўз-ўзини билиш ички, теран билишдир».

А. Бергсон

Б. Сукрот

В. Фалес

Г. Демокрит

9. Онг муаммосини ечишга нисбатан янгича ёндашувлар ҳозирги замон фалсафасининг қайси мансуб?

А. Иррационалистик

Б. Иррационализм

В. Экзистенциализм

Г. Неопозитивизм.

10..... - одамлар, ҳайвонлар ҳаёти, нарсалар ва ҳодисаларга жон ва руҳлар таъсир кўрсатишига бўлган эътиқод.

А. Анимизм

Б. Татимизм

В. Фитишизм

Г. Будивизм

11.Гераклит қандай ғояни илгари суради?

А. жон (психея) олов ёки сувдан иборат бўлади,

Б. Жон (психея) олов ёки хаводан иборат бўлади,

В. Жон олов ёки тупроқдан иборат бўлади,

Г. Жон олов, ер ёки хаводан иборат бўлади,

12.Гераклит энг оқил ва мақбул деб қанда жони ҳисоблайди.

А. Олов кўпроқ бўлган «қуруқ» жонни

Б. Ер кўпроқ бўлган «иссиқ» жони

В. Сув кўпроқ бўлган «совуқ» жонни

А. Хаво кўпроқ бўлган «хўл» жонни

13. Ўз навбатида айрим кишиларнинг жонлари бутун дунёнинг биринчи сабаби ҳисобланадиган ва уни бошқарадига дунёвий ақл олови –нима билан боғлиқ?

А. Тафаккур

Б. Ақл

В. Фан

Г. Барча жавоблар тўғри.

14. Суқрот ва Платон қандай ҳодисаларни фарқлаган?

А. Идеал ва маънавий

Б. Моддий ва иқтисодий

В. Моддий ва идеал

Г. Иқтисодий ва идеал

15. Европа фалсафий анъанасида идеал асосни қайд этибгин қолмасдан, балки ундан моддий асосни ҳам келтириб чиқарга биринчи файласуф тўгри кўрсатилган жавобни топинг?

А. Платон

Б. Суқрот

В. Фалес

Г. Демокрит

ости кечиб, уни расмлар ва метафоралар ёрдамида тавсифлаш билангина кифояланишни таклиф қилган.

А. З.Фрейд.

Б. Сукрот

В. Р.Декарт

Г..Г.Юнг

25. 70-йилларда АҚШ ва Канадада қандай фалсафий йўналиш шаклланди?

А. «Вульгар материализм»

Б. « Иррационализм материализм»

В. «Эмержентистик материализм»

Г. « Иррационалистик материализм»

26. Инъикос - бу?

А. нарса ва ҳодисаларнинг ўзаро таъсирлашуви асосида ҳосил бўладиган субъектни ифодалайди.

А. Нарса ва ҳодисаларнинг ўзаро таъсирлашуви асосида ҳосил бўладиган объектни ифодалайди.

В. Барча жавоблар тўғри.

А. нарса ва ҳодисаларнинг ўзаро таъсирлашуви асосида ҳосил бўладиган ҳодиса, ҳолат, жараён ва ўзгаришларни ифодалайди.

27. Антик фалсафада инсонни ҳудолар ҳукмидан халос этиш ва оламда унга бош ролни бериш тенденцияси вужудга келади. Бу ғоя Протагор (милоддан аввалги 480-410 йиллар)нинг қайси машҳур иборасида ўзининг аниқ ифодасини топган?

А. «Инсон хаёт мезонидир: у мавжуд нарсаларнинг мавжуд эмаслигини, мавжуд бўлмаган нарсаларнинг мавжудлигини белгилайди».

Б. «Инсон дунёнинг асосини ташкил қилади, ақл мезонидир».

В. «Инсон ҳамма нарсалар мезонидир: у мавжуд нарсаларнинг мавжудлигини, мавжуд бўлмаган нарсаларнинг мавжуд эмаслигини белгилайди».

Г. «Инсон дунёнинг яратувчисидир: у хамма нарсани кашф қилишга қодир».

28. Кишилик тарихи учинчи минг йиллигининг бошида инсониятнинг Коинотдаги имкониятларига баҳо беришда таяниш мумкин бўлган баъзи бир муҳим шартлари тўғри кўрсатилган жавобни топинг?

А. Кишилик жамиятининг тарихий жараёни унинг ривожланиши асосий кўрсаткичларининг экспоненциал ўсиши билан тавсифланади. Кишилик жамияти атроф муҳитга таъсир кўрсатишнинг воситаларини яратади.

Б. Ночизиқ диссипатив системалар эволюциясининг синергетикада аниқланган қонуниятларидан муайян шароитда кичик локал флуктуациялар бутун системада оламшумул ўзгаришлар ясайди деган хулоса келиб чиқади.

В. Барча жавоблар тўғри.

Г. Астрофизик ва космологик тадқиқотларнинг натижалари Коинотимиз (Метагалактика)нинг фундаментал физик константалари бир-бири билан муштарак эканлигидан далолат беради.

29. ..... тамойилидан инсон амалда мавжуд бўлиши мумкин бўлган ҳар қандай дунёда эмас, балки унинг хусусиятларини белгиловчи физик константаларнинг ўта аниқ мажмуи билан тавсифланувчи дунёдагина пайдо бўлиши мумкин бўлган, деган маъно келиб чиқади.

А. Антроп

Б. Иррационализм

В. Экзистенциализм

Г. Неопозитивизм.

30. Ривожланган цивилизацияларгина амалга оширишга қодир бўлган космосни ўзлаштириш имкониятлари билан Ердан ташқаридаги цивилизациялар фаолиятининг амалда кузатилувчи бирон-бир кўринишлари умуман мавжуд эмаслиги ўртасида зиддият вужудга келади. Бу зиддият нима деб аталади?

А. «Антропологик жумбоқ »

Б.«Социологик зиддият»

В. «Астросоциологик жумбоқ»

Г. Тўғри жавоб йўқ.

1. Онг структурасииинг олий элементи нима ?

A. Тафаккур

B. Идрок

C. Ирода

D. Эмоция

1. Қуйидагилардан қайси бири хотиранинг асосий элементларига кирмайди?

A. Эслаб қолиш, сақлаш

B. Гавдалантириш

C. Унитиш

D. Барча жавоблар тўғри

2. Тафаккурнинг унга ўз фаолият шаклларини тахмин қилиш ва англаб етишга кўмаклашувчи тамойил сифатида қайси тушунча тавсифланади.

A. Интуиция

B. Рефлекция

C. Инстинкт

D. Эмоция

3. Ўзликни англаш шахснинг дунё қараш қобилятлар, фел атвор, қизиқишлар каби маънавий элементлари билан бир қаторда қандай жараён таъсирида шаклланади?

A. Реал воқеа-ходиса

B. Сийёсий муҳит

C. Ижтимоий мухитси

D. Сиёсий фаолик

5. Онгнинг қайси функцияси биринчи даражали ҳамият касб этади?

A. Ориентацион

B. Аксиологик

C. Камуникатив

D. Акс эттириш

2. Инсон ташқи дунё ҳақида маълумотлар олиш билан бир вақтда уларни ўз эхтиёжлари ва манфаатлари нуқтаи назарида баҳолайди. Ушбу тариф онгнинг қайси фуикциясига тегишли?

A. Аксиологик

B. Ориентацион

C. Каменикатив

D. Акс эттириш

3. Ривожланган цивилизациларгина амалга оширишга қодир бўлган космосни ўзлаштириш имкониятлари билан Ердан ташқаридаги цивилизациялар фаолиятининг амалда кузатилувчи бирон бир кўринишлари умуман мавжуд эмаслиги ўртасида вужудга келган зиддият нима деб аталади?

A. Космос сукути

B. Астросоциологик жумбоқ

C. Бўш космос

D. Астрологик бахс

4. Инсон ва кишилик жамиятининг вужудга келиши тўғрисидаги масала фанда қандай аталади?

A. Анропология

B. Биогенетика

C. Антропосоциогенез

D. Антропогенез

5. Антрополог олимлар одамларнинг табиий мухитга бўлган муносабати жараёнини тадқиқ этиш натижасида қандай назария яратганлар?

A. Ўз-ўзидан ташкил топиш назарияси

B. Мослашиш назарияси

C. Табиий танланиш назарияси

D. Икки сакраш назарияси

17. "Ўз даражасига етолмаслик жохиллик, ўз даражасидан ўтиш эса донишмандлик", деган фикрни қайси файласуф айтган?

A. Платон
B. Арасту
C. Кант
D. Сукрот

18. Қайси метод онгни тозалаш воситаси бўлиб ҳизмат қилади?

Психосоматик
A. Медитация
B. Нотривиал
C. Семантик

19. Эзотерикага оид адабиётларда инсон ўз ривожланиш босқичида қандай баҳолаиади?

A. Эзгу қадрият сифатида
B. Олам ибодатхонасининг ғишти сифатида
C. Хаёт омили сифатида
D. Эволюцион босқич сифатида

20. "Дунёда энг мухими ўзликни сақлашдир", деб ким ёзган эди?

A. М.Монтен
B. Л. Мемфорд
C. С. Гроф
D. Х. Мейер

23. Инсонни ўзини ўзи тинимсиз камол топтиришнинг мухим шарти бу...?

A. Ўзликни англаш
B. Жисмоний баркамоллик
C. Руҳий зўриқиш
D. Тўғри жавоб йўқ

24 Инсон популяцияларининг реал турмуш тарзини ўрганишни назарда тутувчи йўналиш?

A. Инсон физиологияси

B. Инсон психологияси

C. Инсон экологияси

D. Инсон антропологияси

25. Онгсиз идроклар-"кичик перцепциялар" ҳақидаги таълимот қайси файласуф ижодида учрайди?

B. Вундт

K. Юнг

Ф. Ницше

Лейбниц

26 Платон фалсафасида "анамнесис" тушунчаси нимани англатади?

Нариги дунёда кўрган нарсаларни бу дунёда эслаётган инсон руҳияти холати

A. Жонда субъектнинг ўзи хаёлига ҳам келтирмайдиган яширин билимлар мавжудлиги

B. Инсон хулқ-атвори ва фаолиятини бошқариш омили

C. Хаёлот ёрдамида яратилган образлар

1. Ўзининг юзага келиш усулига кўра онг материя ҳаракати биологик ва ижтимоий шаклларининг махсулидир.Ушбу таъриф онгни тушунишнинг қайси жиҳатига мос келади?

A. Онтологик жиҳат

B. Генетик жиҳат

C. Функционал жиҳат

D. Тўғри жавоб йўқ

2. Онгни тушунишнинг асосий жиҳатларига қуйидагилардан қайси бири кирмайди?

A. Онтологик жиҳат

B. Генетик жиҳат

6. Қандай одам сехргар образи прототипи ҳисобланади?

A. Иродаси кучли одам

B. Зийрак одам

C. Иқтидарли одам

D. Сезги аъзолари кучли одам

7. Онгга спектр сифатида қарашни таклиф қилган психологик жамият асосчиларидан бири?

A. Х. Мейер

B. С. Гроф

C. У. Колин

D. М. Монтень

12. Шахснинг хулқ-атворини белгилаб унга ўзликни сақлаш қувончини бахшида этувчи қадриятлар шахсий кодекси ва дунёқарашни англатувчи тушунча?

A. Бифуркация

B. Экософия

C. Инсон экологияси

D. Флуктуация

13. М. Маклюэн антропосоциогенезнинг бош омили сифатида нималарга эътиборни қаратади?

A. Муайян амалларни аниқ бажариш

B. Алоқа ва мулоқот

C. Ирсият ва ўзгарувчанлик

D. Ирсият ва танланиш

14. Антропосоциогенез жараёни неча йил мобайнида давом этган?

A. 3-3,5 млн. йил

B. 2-2,5 млн. йил

C. 3,5-4 млн. йил

D. 1,5-2 млн. йил

15. Бифуркация нуқтасида бошқа траекторияга ўтиш қандай таъсирларга боғлиқ бўлади?

A. Адаптация

B. Аттрактор

C. Флуктуация

D. Ижтимоий

16. Антропосоциогенез жараёни синергетика нуқтаи назаридан қандай талқин қилинади?

A. Ҳар бир янги истеъмол акти сифат жихатидан айни бир жараённи такрорлайди

B. Организм ва табиат ўртасида моддалар алмашинуви ҳар қандай органик мавжудликнинг умумий шарти ҳисобланади

C. Приматлардан инсонга ўтиш яъни бутунлай янги ҳаёт шаклининг вужудга келиши бифуркациянинг одатдаги натижасидир

D. Инсон ва табиат ўртасидаги моддалар алмашинуви тўғридан тўғри бевосита эмас, балки бир қанча боғловчи бўғинлар орқали юз беради

17. Инсонни биологик тур сифатида ривожланиш жараёни бундан неча минг йил муқаддам тўхтаган?

A. Бундан 20-25 минг й

B. Бундан 50-60 минг й

C. Бундан 40-50 минг й

D. Бундан 30-40 минг й

18. Бифуркация нуқтаси нима?

A. Янги структураларга ўтишни назарда тутувчи "эволюция йўлаги" чегарасини англатади

B. Инсон ва кишилик жамиятининг вужудга келиши тўғрисидаги масала

C. Нарса ва ҳодисаларнинг ўзаро таъсирлашуви асосида хосил бўладиган ҳодиса

D. Инсон ўзлигининг онг воситасида бошкариладиган Эгодан ташқаридаги қисми

C. Функционал жиҳат
D. Юқоридаги ҳамма жиҳат киради

3. Онг структурасининг олий элементи бу...?
A. Тафаккур
B. Сезги
C. Идрок
D. Интуиция

4. Онг дунёни акс эттириш билан бир қаторда уни яратади ҳам деган машҳур тезис онгнинг қайси фукциясини ўзида ифодалайди?
A. Ориентацион функция
B. Аксиологик функция
C. Ўзгартириш функцияси
D. Коммуникатив функция

ИНСОН МАВЖУДЛИГИНИНГ КОСМИК ДАРАЖАСИ

1. Маърузани олиб бориш технологияси

Талабалар сони:	*Вақти:* 4 соат
Машғулот шакли	Кириш мавзу бўйича маъруза
Маъруза режаси	**1-маъруза режаси** 1. Инсон муаммосининг ўзига хос хусусияти. 2. «Гомо космикус» концепцияси. 3. Инсоннинг креативистик модели. Инсон – Коинот голограммаси **2-маъруза режаси** 1. Инсон ва космоснинг ягоналиги ғояси. 2. Инсоннинг космосдаги борлиғининг тўрт асосий босқичи 3. Тейяр де Шарден эсхатологияси.
Машғулотнинг мақсади: Дарс ўтиш шакллари ҳақида умумназарий тасаввурлар,инсон ҳақида толерантлик ва ижодий ёндошув,талабаларда илмий ва фалсафий дунёқарашнинг шаклланишида инсон фалсафанинг аҳамияти ҳақида тушунча ҳосил қилиш.	
Педагогик вазифалар	*Ўқув фаолияти натижалари:*
Инсоннинг корпускуляр-тўлқинли табиати. Коинотда инсон ўрни масалалари талқини	Инсон фалсафанинг азалий муаммосининг талқини
«Гомо космикус» концепцияси масаласи	Инсоннинг корпускуляр-тўлқинли табиати муаммоси
Инсоннинг креативистик модели. Инсон – Коинот голограммаси масаласи	Инсон ҳақидаги микро тасаввурлар талқини
Ўқитиш усуллари ва техника	Маъруза, «ақлий ҳужум», Т-схема, мунозара, муаммоли вазиятлар усули.
Ўқитиш воситалари	Маъруза матни, тарқатма материаллар, слайдлар, проектор.
Ўқитиш шакллари	Жамоа, тўғридан-тўғри ва гуруҳларда ишлаш.
Ўқитиш шарт-шароити	Техник воситалар билан таъминланган аудитория.
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки назорат, савол-жавоб, ўз-ўзини назорат қилиш, рейтинг тизими асосида баҳолаш.

2. Маърузанинг технологик картаси

Иш жараёнлари вақти	*Фаолиятнинг мазмуни*	
	ўқитувчи	*Талаба*
I-босқич. Курсга ва мавзуга кириш. (20 минут)	1.1. Мавзу номини айтиб, мавзу доирасида дастлабки умумий тасаввурни беради ҳамда услубий ва ташкилий томонлари билан таништиради.	Тинглайдилар.
	1.2. Мавзу якунида қўйиладиган рейтинг баҳолаш мезонлари билан таништиради	ЎУМ га қарайдилар.
	1.3. Мавзуни ўзлаштиришда фойдаланиш учун зарур бўлган адабиётлар рўйхати билан таништиради.	ЎУМ га қарайдилар.
	1.4. Ўқув машғулоти мавзуси билан таништиради ва унинг мақсади, ўқув фаолияти натижаларини баён қилади.	Мавзу номини ёзиб оладилар.
	1.5. Мавзу юзасидан ақлий ҳужум қоидаси асосида дарс ўтказишни таклиф этади. Доскага «Гомокосмикус назарияси» деб ёзади. Талабалар томонидан айтилган фикрларни ёзиб боради ва умумлаштиради.	Тушунчаларни эркин фикр орқали билдиради.
II-босқич. Асосий (50 минут)	2.1. Мавзу режаси ва таянч тушунчалар билан таништиради.	Тинглайдилар.
	2.2. Маърузани режа бўйича тушунтиради, ҳар бир режани ниҳоясида умумлаштиради. Жараён компьютер слайдларини намойиш қилиш билан олиб борилади	Тинглайдилар. Слайдга эътибор қаратади, уни ўзига ёзиб олади ва саволлар беради.
	2.3. Ҳар бир режани мустаҳкамлаш учун қуйидагича саволлар беради: **1.** Инсонинг корпускуляр тўлқинли табиати **2.** Капранинг “Физика даоси” китобининг моҳиятини тушунтиринг	Саволларга жавоб берадилар, эркин баҳс-мунозара юритадилар.
	2.4. Таянч ибораларга қайтилади. Талабалар иштирокида улар яна бир бор такрорланади.	Ҳар бир таянч тушунча ва ибораларни муҳокама қиладилар. Конспект қиладилар.

III-босқич. Якуний босқич. (10 минут)	3.1. Т-схема техникасидан фойдаланилган ҳолда жуфт-жуфт бўлиб ишлаш учун тингловчиларга: “инсон онгли мавжудот” деган савол ёзилган тарқатма материаллар тарқатади. Ушбу техника орқали мавзу бўйича якунловчи хулоса қилади	Мустақил Т-схемани тўлдирадилар. Эркин фикрини баён этади.
	3.2. Талабаларнинг фаолиятига баҳо қўйилади ва рағбатлантирилади.	Эшитади.
	3.3. Келгуси машғулотга тайёргарлик кўриш учун топшириклар ва фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати берилади.	Эшитади ва ЎУМ га қарайдилар.

Инсон муаммосининг ўзига хос хусусияти. Маълумки, инсон муаммоси фалсафанинг азалий муаммоларидан бири ҳисобланади. Юз йилча муқаддам инсон ҳаёти қандай ташкил этилиши лозим, деган савол кун тартибига қўйилади. Тарихийлик, маданий антропология ва эволюционизм тамойиллари асосида амалга оширилган тадқиқотлар натижасида кўлга киритилган ютуқлар билан инсон муаммосига нисбатан анъанавий ёндашувга қақшатқич зарба берилади. Инсон табиати ғоясидан инсоният тарихида кўплаб адолатсизликлар ва шафқатсизликларни оқлаш учун фойдаланилгани ҳам бунга ўз таъсирини кўрсатади. Турли сиёсий, мафкуравий ва бошқа хил воситалар билан «янги инсон»ни яратиш йўлидаги кўп сонли изланишлар ва вайронкор экспериментлар инсон буюм ёки ўзидан ташқаридаги мақсадларга эришиш воситаси эмаслигини амалда намойиш қилди. Табиат мисли кўрилмаган даражада эксплуатация қилинаётган ҳозирги индустриал жамиятда инсон табиати ҳақидаги тасаввур айниқса мураккаб тус олади. Бундай жамиятда (ва шаклланаётган постиндустриал социумда) инсон ўзини муайян кучлар қўлида ўйинчоқ ҳис қилади. Буларнинг барчаси инсоннинг ўз-ўзига бўлган қизиқиши ортишига, инсон табиатига бўлган эътиборнинг кучайишига олиб келади. Шунинг самараси ўлароқ, бугунги кунда инсонни ўрганувчи фанлар жадал суръатларда ривожланмоқда. Хусусан, одам анатомияси чуқур ўрганилиши, жарроҳлар маҳорати юксак даражага кўтарилиши натижасида инсоннинг айрим аъзоларини сунъий йўл билан яратиш ва кўчириб ўтказиш имконияти пайдо бўлди.

Инсон руҳияти, айниқса руҳий ва физиологик ҳолатларнинг ўзаро алоқаси ҳақида кўп сонли маълумотлар олинди. Индивидларнинг ижтимоий ҳолатини ўрганиш, шунингдек уларнинг маданий ва тарихий дифференциациясини аниқлаш борасида улкан ютуқларга эришилди. Ҳайвонлар ва инсон хулқ-атворидаги ўхшаш жиҳатлар ва фарқлар ўрганилди. Шунга қарамай ҳозирда мавжуд бўлган илмий билим инсон ҳақида тўла-тўкис тасаввур ҳосил қилиш имконини бермайди, зеро индивидларнинг экзистенциал ва маънавий эҳтиёжларини кондира олмайди. Тўпланган билим қаршисида инсоннинг ўз табиатини аниқлашга, ўз мавжудлигининг мазмунини англаб етишга бўлган интилиши кучайди. Айрим тадқиқотчилар инсон ҳаётининг мазмунини Коинот мавжудлигининг мазмуни билан боғламоқдалар. Натижада инсонни муайян универсум сифатида ёки бутун Коинотни, унинг барча даражаларини ўзида акс эттирган монада сифатида тасаввур қилиш билан боғлиқ бўлган масалалар вужудга келмоқда.

Ҳозирги замон фани қўлга киритган ютуқлар инсоннинг озми-кўпми аниқ образини яратиш, унинг табиати ҳақидаги тўғри тасаввурга яқинлашиш учун мистик ва диний тажриба натижаларидан фойдаланиш зарурлигини кўрсатади. Улар қуйидаги эски, бироқ ўта муҳим масалаларга янгича кўз билан қараш имконини беради: «Инсон онгининг табиати қандай?», «Инсон табиатини тушунишда мистик ва диний тажриба қандай роль ўйнайди?», «Бизга маълум бўлган Коинотда инсон қандай ўрин эгаллайди?». Ф.Капра, Ж.Зукав, Д.Постл, В.Томпсон каби олимлар ўз тадқиқотларида ҳозирги замон физикаси ва шарқ фалсафаси ўртасидаги яқин алоқаларни ўрганиб, юқорида зикр этилган саволларга жавоб топишга ҳаракат қиладилар[1]. Масалан, Ф.Капра шарқ тафаккурининг бир нечта йўналишлари (индуизм, буддизм, даосизм ва дзэн) билан янги физиканинг ажойиб кашфиётлари ўртасидаги ўзаро алоқани аниқлади. Номлари зикр этилган олимларнинг ҳар бири

[1] Қаранг: Капра Ф. Дао физики. – СПб., 1994; Zukav G. The dancing \Vu Li masters. N.Y. 1979; Postle D.Fabric of the Univers. N.Y.,1976.

физикадаги янги кашфиётлар Коинот табиати ва унинг инсон билан муносабати тўғрисида хулосалар чиқариш имкониятини беришини бу хулосалар шарқнинг қадимги фалсафий ва диний таълимотлари билан уйғун эканлигини намойиш қилади.

Ушбу тадқиқотлар ҳозирги инсон ҳақидаги микротасаввурга кўрсатадиган таъсир уларнинг чегарасидан четга чиқади. Буни Ф.Капра ўзининг «Физика даоси» китобида қўйидагича таърифлайди: "Ҳозирги замон физикаси жамият ҳаётининг деярли барча томонларига таъсир кўрсатади... Ишлаб чиқариш соҳасидан ташқари, бу таъсир инсон маданияти ва фикрлаш услубида, хусусан унинг Коинот хусусидаги қарашлари ва унга бўлган муносабатининг ўзгаришида ҳам сезилади... Масалан, субатом физикасидаги материя тушунчаси классик физикасидаги моддий субстанция ҳақидаги одатдаги тасаввурларга мутлақо зид. Айни шу гапни макон, вақт, сабаб ва оқибат тушунчалари ҳақида ҳам айтиш мумкин. Нима бўлганда ҳам, бизнинг дунёқарашимиз замирида айни шу тушунчалар ётади ва улар бутунлай қайта кўрилган тақдирда бизнинг дунё ҳақидаги тасаввуримиз ҳам ўзгара бошлайди»[1].

Инсон ўз концептуал аппаратини қайта кўриши лозимлиги ҳақидаги бу тасаввурлар ҳозирги замон фани билан Шарқ ва ғарбнинг қадимги мистик ва диний ҳақиқатлари ўртасидаги умумий муносабатни ўрганиш жараёнида юзага келувчи ғоялар билан мувофиқ келади[2]. Макродунё ҳодисалари қобиғидан ташқаридаги универсал борлиқни намоён этувчи квант назарияси инсайтлари бунинг ёркин далилларидан бири ҳисобланади. Ф.Капра бу ҳақда шундай деб ёзади: «Квант назарияси оламнинг фундаментал яхлитлигидан далолат беради ва биз дунёни алоҳида «қурилиш ғиштлари»га ажратишимиз мумкин эмаслигини намойиш қилади. Моддани ўрганар эканмиз, биз мустақил таркибий элементларни эмас, балки яхлит бир бутун нарсанинг турли қисмлари ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг мураккаб тизимини кузатишимиз мумкин.

---

[1] Капра Ф. Дао физики. – СПб., 1994. – 12-б.

[2] Қаранг: Needleman J.A sense of cosmos. N.Y., 1965.

Кузатувчи инсон кузатиш жараёнлари занжирида охирги бўғин ҳисобланади. Атомлардан таркиб топган воқеликни ўрганишда дунё ва шахс, кузатувчи ва кузатилаётган объектнинг картезианча таснифига амал қилиш ўринли бўлмайди. Атом физикасида табиат ҳақидаги ахборотни маълум қилиш ва айни пайтда ундаи четда қолиш мумкин эмас»[1]. Демак, воқеликни кузатиш ва айни пайтда уни ўзгартирмаслик мумкин эмас. Маълумки, Шарқнинг қадимги мутафаккирлари кузатувчи ва кузатилувчининг фундаментал яхлитлигини, инсон табиатни ўрганиши жараёнида уни ўзгартириши муқаррар эканлигини қайд этганлар.

Дунё замирида Гейзенбергнинг номуайянлик тамойили ётувчи квант назарияси доирасида тавсифланганида барча элементлар, шу жумладан инсон корпускуляр-тўлқинли дуализмга эга бўлади. Бинобарин, инсоннинг корпускуляр-тўлқинли табиати тўғрисида сўз юритиш мумкин, зеро инсон Коинотдан алоҳида мавжуд бўлмайди. Коинот эса инсондан алоҳида мавжуд бўлмайди. Ф.Капра ушбу ягоналикни яна бир карра эслатади: «Биз субмикродунёга теран назар ташлар эканмиз, ҳозирги замон физиги шарқ мистиги каби дунёга бир-бири билан ўзаро таъсирга киришувчи ва тинимсиз ҳаракат қилувчи ажралмас элементлардан таркиб топган тизим сифатида қараши лозимлигига ишонч ҳосил қиламиз. Бунда кузатувчининг ўзи ҳам мазкур тизимнинг ажралмас қисми ҳисобланади»[2]. Бу ҳолда дунё (Коинот) қаршимизда инсон интеграл таркибий элементи ҳисобланувчи тизим сифатида гавдаланади. Табиат «тўлқинлари» ва «квантлари»дан биз «кузатувчи» ва унинг «онги» сари ҳаракатлансак, «физика психологиянинг тармоғига айланади»[3]. Ушбу фикр замирида А.Эддингтон, С.Сирагнинг табиат пойдевори ақлдир, деган ғояси ётади.

Декартнинг бир кўниккан инсон образидан фарқли ўлароқ, инсоннинг корпускуляр-тўлқинли табиати образи анъанавий психологияда қўлланилмайди. Бунинг қадимда машҳур бўлган ва ҳозирги

---

[1] Капра Ф. Дао физики. – СПб., 1994. – 60-б.

[2] Ўша ерда. – 20-б.

[3] Zukav G. The dancing \Vu Li masters. N.Y. 1979. – 56-б.

замон фанида олинган кўп сонли далиллари мавжуд. Патанжали ўзининг машҳур (тахминан милоддан аввалги 200 йилда яратилган) «Йога Сутра» асарида инсон ақлидан ўтувчи тафаккур тўлқинларининг узлуксиз оқими (ҳозирги психологлар уни ақл «ассоциациялари» оқими деб атайдилар) муаммосини ўрганган. *Шарқ фалсафий таълимотида тафаккур тўлқинлари инсон руҳияти тўлқинлари, яъни материя ва энергия каби Коинот билан узвий бўлган «универсал тўлқинлар» ҳисобланади.* Шуни қайд этиш лозимки, бу ерда гап руҳиятнинг аниқ мўлжалли хусусияти ҳақида боради: Шарқ тафаккури йўналишларининг аксариятида медитация ягона универсумнинг ақлини «ягона чексизлик»ка ёки руҳиятнинг соф мўлжалига киритиш учун концепцияни ривожлантириш воситаси сифатида қаралади. Дарҳақиқат, Патанжалининг ўзи ҳам йогани «ақлда тафаккур тўлқинларини бошқариш» сифатида тавсифлайди[1].

Шу нуқтаи назардан олиб қараганда, сўнгги йилларда инсон индивидининг «корпускуляр-тўлқинли» табиатини ўрганиш билан шуғулланувчи релятивистик квант психологияси вужудга келгани табиий бир ҳолдир. *Квант психологияси назариясига кўра, инсон хулқ-атвори ва тафаккури (дунёнинг лапласча классик манзарасидаги каби) олдиндан аниқ белгиланмайди, балки эҳтимолий хусусиятга эга бўлган қонуниятларга бўйсунади.* Сўнгги зикр этилган омил инсон табиатининг «руҳий», «тўлқинли» томони билан боғлиқ, яъни эҳтимол тутилган ҳаракатга мойиллик замирида инсоннинг «тўлқинлар кучи билан йўлга солинадиган машқ қилиш қобилияти»[2] (медитация амалиёти). Бу инсон хулқ-атворини ва тафаккурини олдиндан аниқ башорат қилиш мумкин эмаслигини, унга тўлқинли табиат хос эканлигини англатади. Айни пайтда инсон табиатининг «тўлқинли» ва «корпускуляр» томонларини инобатга олувчи релятивистик квант психологияси индивидни соф нисбий атамаларда ўрганиши лозимлиги назарда тутилади (хусусан, эркак

[1] Қаранг: The metaphors of Consciousness. – N.Y., 1981. – 430-б.
[2] Ўша ерда. – 432-б.

ва аёлни ажратиш, эркаклар ва аёллар тафаккурини бир-биридан фарқлаш мумкин эмас).

Сўнгги йилларда ўтказилган тадқиқотларнинг натижалари мия фаолияти квант қонунларига мувофиқ амалга оширилишини кўрсатади. Бундай имконият таҳлили миянинг онгли фаолияти иккинчи даражали хусусиятга эга эканлиги ва одатдаги мантиққа бўйсунишидан, унинг онгсиз фаолияти эса асосий бўлиб, квантча мантиққа мувофиқ амалга оширилишидан далолат беради. Онгда туғиладиган турли фикрлар ва тасаввурлар мия фаолиятини аниқ акс эттирмайди. «Онг ишга тушганида хулосалар ва қарорларда муайян тартибсизлик юзага келади ва у квант механикаси ўлчовларидаги тартибсизликни эслатади»[1].

Е.Уокер мия ишининг таҳлили учун квант механикаси тамойилларидан фойдаланишга ҳаракат қилади. Миядаги асосий квант-механик жараёнлардан бири сифатида у таъсирланишларнинг синапслар бўйлаб нейроннинг таянч нуқталарига ўтишини ажратади. Синапснинг аниқ физик шароитларини ўрганар экан, Е.Уокер таъсирланишларнинг синапсга ўтиши квант механикасининг «туннель эффекти»га ўхшаш бўлиши лозим, деган ғояни илгари суради. У амалга оширган ҳисоб-китоблар ҳам мазкур гипотеза фойдасига ўтади[2].

Аммо айрим синапслар фаолиятнинг бундай квант-механик талқини яхлит мия ишини тушунтириб бера олмайди, у ёки бу синапс иши тўғрисида ахборот узатишни қайси омил амалга оширади, деган саволга жавоб бериш учун имконият яратмайди. Тадқиқотчи синаптик узатиш тизимини бошқаришни таъминловчи информацион таъсирнинг физик асосини топиш йўлида изланиш олиб боради. Унинг таҳлили синапсларда турли хил ахборот узатишни таъминловчи иккита жараён мавжуд бўлиши лозим, деган хулосага келиш имконини беради. Бу жараёнлардан бири

---

[1] Электромагнитные поля в биосфере. Под ред. Красногорской. – М., 1984. Т. 2. – 175–176-б.

[2] Қаранг: Walker H. The nature of Consciousness // Mathematical bio-sciences. – N.Y., 1970. – 131–178-б.

яқин масофага (тахминан 200 А) ахборот узатиш билан боғлиқ; у синаптик «туннель эффекти» таъсирида юз беради. Иккинчи жараён ўз мияси доирасида ахборот узатишни таъминлайди. Е.Уокер инсон онгли фаолиятининг вужудга келиши ва яхлит хусусиятини айни шу бошқарувчи омил билан боғлайди.

Синапслар фаолиятини, яъни яқин масофага ахборот узатишни таъминловчи жараёнлар анча аниқ моделлаштирилган. Бошқарувнинг иккинчи, янада юксакроқ даражаси ишини таъминлаш учун масъул бўлган физик жараёнларга келсак, Е.Уокер ушбу даража муаммосини туннель эффектини узоқ масофаларга (тахминан 100 мм) модификациялаш йўли билан ечишга ҳаракат қилади. Ушбу тасаввурга кўра, ахборот узатиш учун бутун мия бўйлаб тақсимланган, ахборотни бир синапсдан бошқасига узатишга хизмат қиладиган оралиқ молекулалар (РНК)дан фойдаланилади. Мия ишини моделлаштиришга нисбатан бундай ёндашув Е.Уокерга миянинг беш аниқ параметрини ҳисоблаш имкониятини беради. Ушбу ҳисоб-китоб натижалари экспериментал ўлчашларнинг натижалари билан мувофиқ келади. Аммо Е.Уокер назарияси унинг бош мақсади – онг моделини яратиш имкониятини бергани йўқ. У онг функциясини амалда кузатиш мумкин бўлмаган ва шу туфайли ҳам онгли фаолиятнинг физик моделини яратиш учун асос функциясини бажара олмайдиган баъзи бир «яширин параметрлар»га юклаш билан кифояланди. Амалда Е.Уокер мияда юз берувчи айрим биологик жараёнлар моделини яратди. Е.Уокер моделини аниқ текшириш унинг ёрдамида мия баъзи бир параметрларининг ҳолатини башорат қилиш мумкинлигини аниқлаш имконини берди. Бу мияда квант-механик жараёнлар юз беришидан ва инсон табиати таҳлилига тўлқинли ёндашув реал асосга эга эканлигидан далолат беради.

Биологик объектларни ўрганишнинг радиоэлектрон методлари қўлланиладиган лабораторияларда ўтказилган экспериментал тадқиқотлар ҳам инсоннинг корпускуляр-тўлқинли табиатига ишора қилади. Ушбу тадқиқотларнинг натижалари ҳар қандай биологик объект атрофида унинг ҳаёт фаолияти таъсирида биологик тизим

ҳақида ахборот берувчи физик майдонларнинг мураккаб манзараси ҳосил бўлишини кўрсатади. Бундай майдонлар саккиз хил бўлади:

- электромагнит тўлқинларнинг инфрақизил диапазонида иссиқлик тарқалиши, атмосферанинг «шаффофлик дарчаси» орқали унинг ўтиши;

- ички аъзоларнинг температураси ва вақт ритмлари ҳақида ахборот берувчи радиоиссиқлик тарқалиши;

- тебранишлар частотаси секундига нолдан мингтагача бўлган, тана ҳужайралари билан тўсиладиган паст частотали электр майдонлар;

- айни шу частоталардаги магнит майдонлар, улардан мия фаолиятини ўрганиш учун фойдаланилади;

- ички аъзолар, мушаклар ва ҳоказолар инфратовуш диапазонида фаолият кўрсатганида пайдо бўлувчи акустик сигналлар;

- молекулалар ва ҳужайралар даражасида мавжуд манбалар билан боғлиқ бўлган юқори частотали шовқинсимон акустик сигналлар;

- организмдаги биокимёвий реакциялар таъсирида электромагнит тўлқинлар оптик спектрининг яқин инфрақизил ва яқин ультрабинафша диапазонларида пайдо бўлувчи биолюминесценция сигналлари;

- инсон ҳаракатланганида уни қуршаган муҳит ва организм ўртасида моддалар алмашинуви таъсирида юз берувчи мазкур муҳит таркиби ва физик-кимёвий хусусиятларининг ўзгариши[1].

Жисмдан ташқаридаги бу ва бошқа майдонларнинг барчаси сезиларли даражада ностационардир. Улар инсоннинг психофизиологик ҳолатларига қараб вақтда тез ўзгаради. Ушбу майдонларни ўрганишда организм ўзини ўзи бошқариши ҳамда биологик, геофизик ва бошқача хусусиятга эга бўлган ташқи таъсирлар билан ҳисоблашиш талаб этилади. Буларнинг барчаси индивид-шахс физик тузилиши, унинг табиий хоссаларининг фундаментал асосларини намойиш этади.

---

[1] Қаранг: Вестник АН СССР. 1983. № 8.

Шундай қилиб, инсон (бошқа ҳар қандай биологик тизим каби) корпускуляр-тўлқинли табиатга эга. У икки қисмдан, аниқроқ айтганда, атом-молекуляр структурани ўзида ифодаловчи анатомо-геометрик компонент ва (назарий даражада) бутун Коинот бўйлаб тарқалган майдонлардан иборат. Ушбу тасаввур инсоннинг тўлқинли хусусиятига янгича кўз билан қараш имкониятини беради. Инсоннинг корпускуляр-тўлқинли табиати инсон жони ҳақидаги тасаввурлар тарихига бутунлай янгича нуқтаи назар билан ёндашиш, инсонни ҳамиша ташвишга солиб келган, инсоннинг космик мезонига қараб мўлжал олувчи дин ва фандан ўрин олган ўлим ва умрбоқийлик муаммосининг янгича талқинини илгари суриш учун имконият яратади.

«Гомо космикус назарияси». XXI аср бошида инсон феноменини «Мен ва Коинот» фундаментал ижтимоий ва ахлоқий муаммоси контекстидан ташқарида тушуниш мумкин эмас. Айни ҳол давримизнинг оламшумул муаммоларини ечиш зарурияти ҳамда инсон мавжудлигининг деярли барча соҳаларини қамраб олган космизация жараёни билан боғлиқ. Юқорида зикр этилган муаммонинг долзарб тус олишида атоқли олим К.Циолковскийнинг «космик фалсафаси» ҳам улкан роль ўйнайди. Унинг илмий мероси фан-техника тараққиётининг етакчи йўналишларидан бирининг назарий пойдевори ҳисобланади ва айни пайтда космосни ўзлаштиришнинг бир қатор ижтимоий-фалсафий, ахлоқий ва дунёқарашга доир муаммоларини кўтаради.

Шу нарса диққатга сазоворки, олим ўз асарларида ньютонча механика чегарасидан четга чиқмасдан, уларда улкан ижодий имкониятларни мужассамлаштиришга муваффақ бўлган. Буни фалсафанинг «абадий» муаммоларига нисбатан К.Циолковскийнинг ноанъанавий ёндашуви билан изоҳлаш мумкин. Ушбу ёндашув К.Циолковскийга ғояларни техникада гавдалантиришнинг самарали усулларини кашф қилиш имконини беради. Шу маънода баъзи бир олимларнинг К.Циолковский «космик фалсафаси» ҳозирги илмий тасаввурлар билан мувофиқ келмайди[1], деган фикрига қўшилиш мушкул. Дунёнинг илмий манзараси ўзгариши мумкин ва лозим.

---

[1] Қаранг: Семенова Г.С. Вступительная статья «Русский космизм» // Русский космизм: Антология философской мысли. – М., 1992. – 28-б.

Энг янги фанда инсоннинг Коинотдаги ўрнини ёритувчи ва космосда ҳаёт ва ақлнинг турли шакллари мавжудлиги ҳақидаги фаразларга муайян муносабатни акс эттирувчи антроп космологик тамойилдан фойдаланилади. Бу тамойилни К.Циолковский космобиолог А.Чижевский билан суҳбатда илгари сурган эди[1]. Таниқли физик олимлар С.Хокинг ва Ж.Уилер Коинотни «лойиҳалаш»да инсоннинг роли ҳақидаги ўз мулоҳазалари учун таянч нуқтаси сифатида айнан антроп космологик тамойилни танлайдилар (ушбу мулоҳазалар Коинот ва инсониятнинг ривожланиш имкониятларини таҳлил қилишда яхши самара беради). Ўз-ўзидан ривожланувчи тизимларнинг (Коинот шундай тизимларга киради) хусусияти шу билан белгиланадики, уларда вужудга келувчи янги структуравий даражалар ўзидан олдинги даражаларни бошқара бошлайди, икки томонлама алоқа тамойилига мувофиқ уларни фаол ўзгартиради. Бинобарин, космик цивилизациялар (К.Циолковский таъбири билан айтганда «янги космик одам») ўз амалий фаолиятида Коинотнинг у ёки бу хоссаларини «лойиҳалаш»да ўз мақсадлари ва эҳтиёжларидан келиб чиқиб иштирок этиши мумкин. Табиийки, бу тахминлар қай даражада тўғри эканлигини фақат келажак кўрсатади.

Шуни қайд этиш лозимки, К.Циолковскийнинг «космик фалсафаси»га асосланган прогнозлар ҳозирги замон одамининг маънавий дунёсига маълум даражада таъсир кўрсатади, унинг тафаккури ва хулқ-атворини йўлга солади. Барча космик дастурлар замирида К.Циолковскийнинг ракета техникасига доир асарлари ётади, аммо бу асарлар фалсафий-ахлоқий дастурда баён этилган фалсафий ғояларни рўёбга чиқариш йўлларини топишга хизмат қилади. Ушбу дастур таркибидан К.Циолковскийнинг космоснинг космик цивилизациялар мавжудлик соҳаси, уларнинг билиш фаолияти ва амалиёти майдони сифатидаги «мазмуни», инсоннинг космосдаги ўрни тўғрисида; тарих ва инсон ҳаётининг мазмуни ва мақсадлари, бахтли келажакни яратиш йўллари, инсон ахлоқининг мазмуни

[1] Қаранг: Чижевский А.Л. Теория космических эр // Гиренок Ф.И. Русские космисты. – М., 1990.

ва асослари тўғрисида каби асосий фалсафий муаммоларга доир мулоҳазалари ўрин олган.

К. Циолковский концепциясининг ўзига хос жиҳати шундаки, у космосга қараб мўлжал олади: «Инсоният тақдири Коинот тақдири билан боғлиқ. Шу сабабли ҳар бир ақлли жонзот Коинот тарихи билан ҳамнафас бўлиши лозим. Бундай кенг дунёқараш боши берк кўчага олиб кириши мумкин»[1]. Ушбу нуқтаи назар XIX ва XX асрлар чегарасида жаҳон фалсафий тафаккурида илгари сурилган эди (бунда А.Умовнинг инсоният – нега космосдаги энтропия омили, деган тавсифи ёки В.Вернадскийнинг ноосфера тўғрисидаги таълимоти мисол бўлиши мумкин). Аммо энг мукаммал ва ҳар томонлама ишлаб чиқилган «космик фалсафа» тизимини айнан К.Циолковский яратган. Мазкур фалсафадан инсоннинг бевосита космик фаолияти даврида пайдо бўлган бир қатор ғоялар, муаммолар ва концепцияларни ечишда фойдаланилиши мумкин.

К.Циолковский дунёни табиий ва ғайритабиий соҳаларга ажратишга асосланган ҳар қандай диний тасаввурларга қарши чиқувчи монистик дунёқарашни қўллаб-қувватлайди. У «космик фалсафа» фундаментал қоидаларининг материалистик хусусиятига урғу беради: «Мен – соф материалистман, материядан бошқа ҳеч нарсани тан олмайман»[2]. Дарҳақиқат, К.Циолковский Коинотда мавжуд битта субстанция ва битта куч – материяни тан олган. «Ушбу синтез ва таҳлил ҳодисалари таъсирида материянинг абадий айланма ҳаракати юз беради»[3]. К.Циолковский космосни чексиз ва мураккаб механизм деб ҳисоблайди. Унинг фикрига кўра, физика, кимё ва биология моҳият эътибори билан механикани ўзида ифодалайди. Бироқ Циолковскийнинг тасаввурларини сўзма-сўз тушуниш ва соф механистик руҳда талқин қилиш ярамайди. Гап шундаки, унинг фалсафаси баъзи ҳолларда унча аниқ

---

[1] Циолковский К.Э. Необходимость космической точки зрения. 1934 //Архив АН СССР.

[2] Циолковский К.Э. Монизм Вселенной // Русский космизм: Антология философской мысли. – М., 1992. – 264-б.

[3] Циолковский К.Э. Научная этика. – Калуга, 1930. – 15-б.

ифодаланмаган кўп сонли ғоялар ва таклифларни ўз ичига олади. Боз устига, К.Циолковский Коинотнинг «мазмуни» нимада, деган саволга жавобнинг йўқлигини эски, механистик материализмнинг камчилиги деб ҳисоблайди ва уни баъзан панпсихизм, гилозоизм ва буддизм ғоялари ёрдамида бартараф этишга ҳаракат қилади. Унинг айрим асарларида теософик ва ҳатто мистик хусусиятга эга бўлган фикр-мулоҳазаларга ҳам дуч келиш мумкин. Хуллас, К.Циолковскийнинг «космик фалсафаси» ўта мураккаб ва зиддиятларга тўла таълимотдир.

Инсон ва космоснинг ягоналиги ғояси К.Циолковский концепциясининг ўзагини ташкил қилади. Унинг ўзига хослиги шу билан белгиланадики, олим инсон ва космоснинг ягоналиги ҳақида гапирар экан, ҳар доим ушбу ғоянинг ижтимоий-ахлоқий ва гуманистик жиҳатларини назарда тутади. Мазкур ғояни фалсафий даражага кўтарар экан, К.Циолковский ҳаёт ва ақл моддий дунёнинг фундаментал атрибутларини ўзида ифодалайди, деб ҳисоблайди. Унинг фикрича, космик эволюция жараёнлари ижтимоий ақлли жонзотлар турли даражада мукаммал кўринишда пайдо бўлишини тақозо қилган. Ижтимоий организмларнинг чексиз жараёни жамиятнинг ҳар бир аъзоси умрини сезиларли даражада узайтириш имконияти билан белгиланади: у тасаввур қилиб бўлмайдиган даражада узоқ бўлиши мумкин[1].

Инсон ва космоснинг ягоналиги ғоясининг муҳим жиҳати К.Циолковскийнинг космоснинг «сабаби» ва «мазмуни» тўғрисидаги мулоҳазаларида намоён бўлади. «Дунё ҳар доим мавжуд бўлган, мавжуд ва бундан буён ҳам мавжуд бўлади, десак ва бундан уёғига ўтишни истамасак, нима учун ҳамма нарса айнан шундай кўринишда намоён бўлади, нима учун табиатнинг айнан шундай қонунлари мавжуд, деган саволлардан қочиб қутула олмаймиз... Бунинг бирон-бир сабаби бўлиши керак, умуман дунёнинг ҳам ўз сабаби бўлиши лозим»[2]. Гарчи К.Циолковский ўзининг илк

---

[1] Қаранг: Циолковский К.Э. Космическая философия // Русский космизм: Антология философской мысли. – М., 1992. – 238-б.

[2] Циолковский К.Э. Этика и естественные основы нравстенности. 1902– 1903// Архив АН СССР. – 93-б.

асарларида ушбу биринчи сабабни Худо билан айнишлаштирган бўлса-да, кейинчалик мазкур муаммони у бутунлай бошқача талқин қилган, аниқроқ айтганда, «космоснинг яратилиши» ғоясидан бутунлай воз кечган ва биринчи сабабни пантеизм руҳида тушунган.

К.Циолковский нима учун дунё айнан шундай, деган саволга қуйидагича жавоб беради: *ҳамонки инсоннинг мавжудлиги тасодифий эмас, балки космос билан узвий экан, биз биладиган бу космос бошқача бўлиши мумкин эмас*[1]. Умуман олганда, бу тезис юқорида айтиб ўтилган антроп космологик тамойилнинг мазмунини ташкил этади. Айни пайтда К.Циолковский ҳаёт ва ақлнинг бошқача шаклларини яратишга қодир бўлган ўзга «дунёлар» мавжудлиги ҳам эҳтимолдан холи эмас деб ҳисоблайди. Унинг фикрича, бундай дунёларга ҳам, агар улар мавжуд бўлса, ўз космоси билан узвийлик хосдир. К.Циолковский космоснинг «маъноси» тўғрисида мулоҳаза юритар экан, агар Коинот органик, ақлли ва ҳис қилувчи жонзотларга тўла бўлмаса, у қандай маънога эга бўлар эди, деган саволни ўртага ташлайди ва унга ўзи бу «маъно» космоснинг структурасига ва унда юз бераётган эволюция жараёнларига таъсир кўрсатишга қодир бўлган ўта ривожланган цивилизацияларнинг пайдо бўлиши билан белгиланади[2], деб жавоб беради.

Инсон ва космоснинг ягоналиги муаммосининг бошқа бир муҳим жиҳатини К.Циолковский ўзининг эволюцион ғоялари билан боғлайди. Унинг фикрича, моддий Коинотнинг тадрижий ривожланувчи объектлари ўзига хос хусусиятларга эга бўлган атомлардан иборатдир. Бир томондан, атом чексиз кичик моддий заррани ўзида ифодалайди, бошқа томондан эса – сезиш қобилиятига эга бўлади: «Материянинг ҳар қандай атоми ўзини қуршаган муҳитга мос равишда сезади. Юксак даражада уюшган мавжудотлардан ўрин олар экан, у айни шу мавжудотлар ҳаёти билан яшайди, ёқимли ва ёқимсиз нарсаларни ҳис қилади, ноорганик дунёга тушиб қолганда

---

[1] Циолковский К.Э. Простые мысли о вечности материи и чувства. – М., 1933. – 13-б.

[2] Қаранг: Урсул А.Д., Школенко Ю.А. Социально-философские проблемы освоения космоса // Философия, естествознание, современность. – М., 1982. – 23-б.

ъса, у гўё уйқуда, ҳушсизлик ҳолатида, йўқликда бўлади»[1]. Умуман олганда, *бутун Коинот жонли структура ҳисобланади ва шу боис у ғоссий идрок этиш қобилиятига эгадир.*

Эволюция жараёнида материя инсонни яратар экан, бундан ўз ривожланиш жараёнининг юксак даражасига кўтарилишнигина эмас, балки инсон ёрдамида ўзини ўзи англаб етишни ҳам кўзлайди. Коинот ўз мақсадига эришиш – фикрлаш ва сезиш қобилиятлари чексиз бўлган инсонни яратиш йўлида изчил ҳаракат қилади. Ушбу мақсадга эришиш учун табиат модданинг молекуляр структурасидаги ўзининг улкан имкониятларини ишга солади. Бир неча миллиард йил давом этган бу жараён ақлни лол қолдирадиган қобилиятлари сон-саноқсиз ҳужайралар фаолияти билан боғлиқ бўлган инсон миясининг пайдо бўлиши билан тугайди. Нега, нима учун қабилидаги саволларни бериш инсон миясининг энг ғаройиб қобилиятларидан бири ҳисобланади. Бошқача қилиб айтганда, инсон шакл-шамойилидаги материя ўз мавжудлигининг маъно ва мазмуни тўғрисидаги саволни ўртага ташлайди ва унга жавоб олишга ҳаракат қилади. Дунё ҳақида тўлақонли тасаввур ҳосил қилиш учун инсон файласуфлар, ёзувчилар, шоирлар, рассомлар, олимлар, коҳинлар, илоҳиётчилар ва бошқаларнинг асарларини ўз ичига олган билимларни жамлагач, у эволюция жараёнининг космик босқичига қадам қўяди.

К.Циолковский фикрига кўра, инсоннинг космосда борлиғи тўрт асосий босқичдан ўтади:

- яқин орада бошланадиган ва бир неча миллиард йилга чўзиладиган **туғилиш босқичи**;

- инсоният бутун космос бўйлаб тарқалиб, ундан қўним топадиган **шаклланиш босқичи**. Бу босқич бир неча юз миллиард йил давом этади;

- **инсониятнинг таназзул босқичи.** Ушбу босқич ҳам бир неча юз миллиард йил давом этади;

---

[1] Циолковский К.Э. Монизм Вселенной // Русский космизм: Антология философской мысли. – М., 1992. – 266-б.

- **терминал босқич,** бир неча ўн миллиард йил давом этади. Бу даврда инсоният «нима учун» деган саволга жавоб топади ва мавжудликнинг моддий, корпускуляр шаклидан борлиқнинг тўлқинли – «нурсимон» шаклига ўтади.

Орадан жуда кўп миллиард йиллар ўтгач, нурсимон космос босқичи ўрнини аввалгидан юксакроқ даражадаги корпускуляр космос даври эгаллайди ва яна ўша цикл бошланади: туманликлар, юлдузлар ва сайёралар вужудга келади, эволюция жараёнида космос айланма ҳаракатининг олдинги циклидагидан ҳам баркамолроқ инсон пайдо бўлади. Юксак даражадаги босқичларнинг барчасидан ўтгач, инсоният тағин янада юксакроқ даражадаги нурсимон ҳолатга ўтади. Ушбу космик цикларнинг алмашуви ҳамма нарсани биладиган «ўта янги» инсон пайдо бўлгунга қадар давом этади. Натижада космос буюк баркамолликни ўзида ифодалайди ва «гомо космикус» Коинот билан бир жону бир тан бўлиб бирикади.

Ахлоқ муаммоси К.Циолковский фалсафий изланишларининг таянч нуқтаси ҳисобланади. Бунда у дунёвий ахлоқни космик ахлоқ даражасига кўтаради, зеро дунёвий ахлоқ тамойиллари ва қоидалари унинг таълимотида умумкосмик аҳамият касб этади[1]. К.Циолковский илгари сурган космик ахлоқ тизими бахт-саодат ва баркамолликка интилиш Коинотда яшовчи барча жонзотларнинг асосий ва узвий хусусияти ҳисобланишидан келиб чиқади. Унинг оқилона ғоялари космик фаолият шароитида инсонлараро муносабатларнинг шаклланишига таъсир кўрсатмоқда. Шуни қайд этиш лозимки, бундай космик ахлоқ абстракт хусусиятга эга эмас, у маданиятнинг космос даражасига кўтарилиши жараёнига ўз ҳиссасини қўшади. Бунга яна шуни ҳам қўшимча қилиш лозимки, К.Циолковскийнинг барча инсоний ақллар ва иродаларнинг ягона фаол қудратли ақлга бирикуви ҳақидаги фикри кейинчалик француз палеонтологи ва теологи Тейяр де Шарден яратган айрим индивидлар онгининг коллектив ақл – Омега нуқтасига бирикуви тўғрисидаги таълимотга асос бўлади.

---

[1] Қаранг: Циолковский К.Э. Органический мир Вселенной //Собр. соч. Т. 4. – 93-б.

Тейяр де Шарден эсхатологияси. Тейяр де Шарден инсон мавжудлигининг космик даражасини талқин қилишда бошқача фалсафий нуқтаи назарини «Инсон феномени» китобида атрофлича баён қилган. Бу китобда инсон мавжудлигининг мазмуни ва мақсади тўғрисидаги абадий саволга ўзига хос жавоб берилган: *инсон «эволюция ўқи ва чўққиси сифатида бутун материяга азалдан хос бўлган имкониятларни намоён этади, яъни инсон космоснинг барча имкониятларини ўзида мужассамлаштирган мураккаб, кенг «микрокосмос»дир*. Инсон эволюция жараёнини теран англаб етиш ва унинг илдизларидаги ижодий кучларни кўришга қодир; бу кучлар ихчам кўринишда бўлади ва космик эволюция жараёнида аста-секин атрофга тарқалади. Натижада бу эволюция инсон кўринишида ўзининг олий нуқтасига етади ва конвергенция жараёни бошланади, яъни Коинот олий синтез – Омега нуқтасига қараб изчил ҳаракатланади. Ривожланишнинг мазкур схемаси – ягоналик, дифференциация ва синтез Гегель томонидан таърифланган ва В.Соловьёв томонидан очиб берилган эди[1]. Бироқ Тейяр бу схемага биологик тус беради, зеро табиатшунослик уни амалда тасдиқлайди.

Шу нарса диққатга сазоворки, Тейяр схемасида дунёнинг биринчи асоси муаммоси деярли мавжуд эмас. Буни Тейяр фақат «феноменал» гипотезалар таҳлили билан чекланишга ҳаракат қилгани билан изоҳлаш мумкин бўлса керак. У фалсафа билан ҳам, спиритуализм билан ҳам келишмайди ва уларни бирлаштиришни лозим деб топади. «Спиритуалистлар инсон қолган табиатга нисбатан маълум даражада трансцендентдир, деганда, мутлақо ҳақ эдилар. Бироқ олимларнинг инсон – тирик жонзотлар қаторидаги аъзолардан бири, холос, деган фикри ҳам мутлақо тўғри. Бу ерда икки тезис ўртасидаги зиддият ривожланиш жараёнида ўз ечимини топади. Бу жараёнда мутлақо табиий ҳодиса – «ҳолатнинг ўзгариши» биринчи даражали аҳамият касб этади»[2].

---

[1] Қаранг: Соловьев В.С. Философские начала цельного знания // Собр. соч. – СПб., 1911, Т. 1. – 250–406-б.

[2] Қаранг: Тейяр де Шарден П. Феномен человека. – М., 1987. – 139-б.

Дарҳақиқат, Тейяр илгари сурган материя ҳақидаги гипотеза олим томонидан ҳам, спиритуалист томонидан ҳам қабул қилиниши мумкин. Тейяр ўз тадқиқотида панпсихик таърифлардан ҳам, эволюция жараёнининг эмпирик омиллари тўпламидан ҳам фойдаланади. У сайёрамизда илк биологик структуралардан тўсатдан шаклланиш натижасида пайдо бўлган ҳаёт ва инсон космик жараёнлар, материянинг мураккаблашуви билан узвий боғлиқ, деб ҳисоблайди. Тейяр «ички» дунёга эга бўлган инсонни тадқиқотнинг таянч нуқтаси сифатида олади ва шунга ўхшаш «ички» томон ҳайвонлар, ўсимликлар ва жонсиз табиатда ҳам бўлса керак, деган изчил хулосага келади. «Ички» дунёнинг асоси сифатида Тейяр материянинг мураккаблашувига, замин яратувчи «радиал энергия» ҳақидаги тасаввурни танлайди. Бу ерда у илмий билимнинг ривожланишини белгиловчи муҳим омилни қайд этади – эндиликда материяга хос бўлган ривожланиш ва мураккаблашишга мойиллик ҳақидаги гипотеза кўпгина илмий концепцияларга асос бўлган фактга айланган. Тейяр бу мойилликни дунё генезиси ҳақидаги диний тасаввур нуқтаи назаридан талқин қилади; у илоҳий ижодий куч билан яқинлашади.

Космоснинг эволюцияси замирида айнан «радиал энергия» ётади. Шундан келиб чиқиб Тейяр жонсиз материя босқичини «илк ҳаёт» деб атайди. У дунёнинг келиб чиқиши муаммоси билан шуғулланмаса-да, катта портлаш ва кенгайиб бораётган Коинот назариясини қабул қилади. Унинг фикрича, катта портлаш элементар материянинг барқарор бирликлари ҳосил бўлишига олиб келади. «Илк ҳаёт», яширин, «радиал» энергия дунёни мураккаблашиш йўлидан ҳаракатлантиради, яъни эволюция тирик организмлар пайдо бўлиши ва ривожланишидан анча олдин бошланади. Универсум ҳужайраси ички (руҳий) ва ташқи (моддий) омилларни ўзида мувофиқлаштиради, у элементларнинг бир-бирига табиий ўтишини, алоқаларнинг жонли тизимини ўзида ифодалайди.

Универсумнинг бу ҳужайраси тинимсиз эволюцион ҳаракатда бўлади ва натижада инсон вужудга келади. У дунёвий ҳаёт эволюциясида юз берган сакраш, муттасил эволюцион ривожланиш жараё-

нининг чўққиси ва айни пайтда муайян йўналишдаги эволюция жараёнининг ибтидоси ҳисобланади. Эволюция жараёни Омега нуқтаси – дунёвий онг, дунёнинг маънавий ўзаги сари тинимсиз интилади. Ушбу жараён космик экспансияда эмас, балки бизнинг сайёрамиз доирасида юз беради. Биз учун муҳими шундаки, бу ерда Тейяр ҳозирги замон фанида яратилган дунё манзарасида инсон ўзининг муносиб ўрнини ҳанузгача эгалламаганига эътиборни қаратади. Коинот ҳақидаги фан – космология инсонни ўрганмайди, мавжуд инсон ҳақидаги фанлар эса табиатшуносликда иккинчи даражали аҳамиятга эга: инсон мавжудлигини ҳам ўз ичига олувчи космология йўқ. «Соф позитивистик нуқтаи назардан инсон – фаннинг энг сирли ва тадқиқотчиларни чалғитувчи объекти. Дарҳақиқат, универсумнинг фанда яратилган манзараларида инсонга ўрин ажратилмаган. Физика атом дунёсининг шакл-шамойилини чизишга, биология ҳаёт конструкцияларида муайян тартиб ўрнатишга муваффақ бўлган. Физика ва биологияга таянган ҳолда, антропология ўз навбатида инсон танасининг структурасини ва унинг физиологияси баъзи бир механизмларини тушунтиришга ҳаракат қилади. Аммо бу чизғиларнинг барчаси бирлаштирилганида ҳосил бўладиган манзара воқелик билан мувофиқ келмайди»[1].

Тейяр фикрига кўра, Коинотнинг шаклланаётган, янгиланаётган манзарасини диний дунёқараш билан уйғунлаштириш талаб этилади. Ўз-ўзидан равшанки, дунёнинг шаклланаётган бу манзараси инсонни ўз ичига олиши лозим. Натижада космик кўламга кўника бошлаган тафаккур инсон (инсоният) ривожланишининг бутунлай бошқача образини кашф этади. Ушбу образ эсхатология руҳи билан суғорилган; бу ҳақда Тейяр шундай деб ёзади: «Ҳозирги замон антропологиясига мувофиқ, одамзот бир ерда жамланган элементларнинг статик мажмуини ўзида ифодаламайди, балки глобал ривожланиш қонунига бўйсунадиган қудратли организмни ҳосил қилади. Бутун тириклик каби, инсон ҳам индивид сифатидагина эмас, балки тур сифатида ҳам вужудга келган. Бинобарин,

[1] Тейяр де Шарден П. Феномен человека. – М., 1987. – 135-б.

унинг индивидуал циклидан ташқари тур сифатидаги циклини ҳам тан олиш ва ўрганиш ўринли бўлади.

Олимлар бу олий циклнинг алоҳида табиати тўғрисидаги масал юзасидан ҳали бир тўхтамга келганлари йўқ. Бироқ инсониятд ҳозир юз бераётган биологик жараённинг энг муҳим мазмун коллектив инсоний онгнинг изчил шаклланиши билан белги ланади, десак, асло адашмаймиз. Биокимёвий даражада ҳаётнин умумий феномени молекуляр жиҳатдан ўта мураккаб бирикма ларнинг изчил шаклланиши билан боғланмоқда. Ўзининг жонл қисми билан Коинот ўта мураккаблик, қудратли онг томонга би пайтнинг ўзида ва бир маромда ҳаракатланмоқда»[1]. Бу ерда Тейя эсхатологиясининг мазмуни намоён бўлади - қудратли онг аслид индивидлар онгини умумлаштирувчи ва айни пайтда кўп сонл инсоний элементлар онгининг индивидуаллигини сақлаб колувч Омега нуқтасидир.

Тейяр фикрига кўра, Омега (планетар онг, ноосфера) онгнин бошқа ўчоқлари, бошқа Омегалар билан алоқа ўрната олади Бир қанча ноосфераларнинг учрашуви ва бойиши юз беради пировардида планетар онглар синтези амалга ошади. «Ноогене истиқболларида вақт ва макон амалда инсонийлашади, аникро айтганда, ўта қудратли инсон шакл-шамойилини касб этади, деб ёзади Тейяр. – Универсум ва шахс бир-бирини асло истисно қилмаган ҳолда, айни бир йўналишда ривожланади ва бир пайтнин ўзида бир-бирида кульминацияга эришади»[2].

Шундай қилиб, келажакда универсум Омега нуқтасида ўт қудратли инсонга айланади ва инсоният Коинотни бошқариш рулини ўз қўлига олади.

Инсоннинг креативистик модели. Х.Ортега-и-Гассет XX аср бошида инсон феноменини тушунишга муайян ҳисса қўшувч инсоннинг креативистик моделини таклиф қилади. Инсон билим муқаррар тарзда селекция билан боғланади – бунда олинадига

[1] Тейяр де Шарден П. Божественная среда. – М., 1992. – 185–186-б.

[2] Тейяр де Шарден П. Феномен человека. – М., 1987. – 205-б.

воқелик образи ҳар доим соддалаштирилган ва деформацияланган кўринишда бўлади. Бироқ (билиш фаолияти натижаларининг экспликатив-прогностик самарадорлиги мезони нуқтаи назаридан) фойдали деформациялар ҳам мавжуд, зеро улар ўрганилаётган объектнинг тасодифий ва аҳамиятсиз жиҳатларини мавҳумлаштириш орқали унинг энг муҳим хусусиятларини ажратиш имкониятини беради. Х.Ортега-и-Гассет таклиф қилган инсон модели ана шундай фойдали деформациялардан бири ҳисобланади. Х.Ортега-и-Гассетнинг ушбу модели ҳозирги даврнинг асосий жиҳатларини ўзида мужассамлаштирган фалсафий таълимотдир. Унниг фикрича - ҳаёт («инсон ҳаёти» маъносида) такрор ва такрор «радикал воқелик» деб аталади, бу ерда «радикал» сўзи фундаментал, қатъий, туб, ўзак деган маънони англатади[1]. Инсон ва унинг ҳаёти Х.Ортега-и-Гассет ижодининг пойдевори ҳисобланади.

Х.Ортега-и-Гассет моделининг фундаментал қоидаларидан бири қуйидагича янграйди: «Мен ўз дунём билан бирга ва ўз дунёмда яшайман»[2]. Хўш, бу қисқача таъриф нимани англатади? Инсон ўзи яшаётган муҳит (дунё) билан узвий боғлиқ; инсон ўзлигида уни қуршаган воқелик мужассамлашади. Фалсафий анъана «инсон ким?» деган саволга жавоб бериш йўлидаги кўп сонли уринишларга бой. Х.Ортега-и-Гассет фикрига кўра, уларнинг барчаси умумий жиҳатга эга: инсон-субъектни уни қуршаган дунё билан қарама-қарши қўяди. Бироқ (ўз вақтида Декарт таклиф қилган) бундай ажратишда англашилмовчилик мавжуд. Субъектни объектдан ажратиш онтологик жиҳатдан ҳам, методологик жиҳатдан ҳам мумкин эмас; бу йўлдаги уринишлар инсон хусусияти йўқолишига олиб келади. Инсон жисм ҳам (жисм – бу энг аввало объект), руҳият ёки онг ҳам (улар фақат инсон организми муайян структурасининг фаолият усули ҳисобланади), жон ёки руҳ ҳам (агар улар Платон ғоялари руҳида мавжуд бўлса, объектлар «предметлар» ҳисобланади) эмас. Инсоннинг анъанавий образига кирувчи бу

[1] Ortega y Gasset J. Historia como sistema // Obras Completas Revista de Occidente. T. VI. Madrid., 1947-1969. VI.

[2] Ортега-и-Гассет Х. Что такое философия? – М., 1991. – 161-б.

элементларнинг барчаси инсонга ўз борлиғини амалга ошириш, яъ
яшаш имкониятини берувчи воситаларни ўзида ифодалайди. Бир
кийим-кечак, озиқ-овқат, турар-жой, техника, маданият ва цивил
зациянинг барча ютуқлари ҳамда ҳар бир инсон ҳаётига таъс
кўрсатувчи ва уни шакллантирувчи сон-саноқсиз омиллар ҳам ай
шундай воситалар ҳисобланади. Ҳаёт космик феноменининг (худ
шунингдек конкрет шаклдаги ҳар бир инсон индивиди ҳаётини
мавжудлиги учун зарур бўлган ушбу омиллар мажмуини Х.Орте
и-Гассет дунё ёки муҳит деб атайди.

Инсон ўзлиги ва у яшаётган муҳитнинг ўзаро алоқаси шахсни
муҳит билан, ҳаётнинг – яшаш шароитлари билан, инсоннинг –
яшаётган дунё билан узвийлигидан далолат беради. Натижада антр
поцентризм тамойили билан бир қаторда муносабатлар онтол
гияси ҳам шаклланади. Унда инсон ҳаётининг субъекти фақат ўзи
қуршаган дунё билан муносабатлар таъсирида мавжуд бўлади. Ай
пайтда индивид фаолиятига таъсир кўрсатувчи омиллар иерархия
ҳам фарқланади. Инсон ва унинг муҳити ўртасидаги ўзаро ало
тўғрисида Х.Ортега-и-Гассет яратган перспективизм назарияси
гап боради[1]. Ушбу назарияга мувофиқ билаётган субъект реал ду
билан учрашар экан, ўз фаолияти билан ўзини қуршаган муҳит
юқори даражада бир бири билан боғлиқ структура сифати
ташкиллаштиради. Ушбу структуранинг биринчи даражаси инсон
бевосита таъсир кўрсатади, унинг ортида эса воқеликнинг инс
назари тушмаган қатламлари ётади. Шу тариқа инсон ўзи
қуршаган дунё билан бирикади.

Х.Ортега-и-Гассет таклиф қилган инсон моделининг бош
бир фундаментал қоидаси қуйидагича янграйди: *«Инсон табиат
эга эмас, у... тарихга эга»*[2]. Ушбу қоиданинг биринчи қисми инс
инвариант табиатга эга эмаслигини, унда фақат унинг ўзи ў
учун яратадиган табиат мавжуд бўлишини англатади. Бошқа
қилиб айтганда, инсонга мавҳум даражада хос бўлган мутл

[1] Қаранг: Ортега-и-Гассет Х. Размышления о «Дон Кихоте» // Эстети
философия культуры. – М., 1991.

[2] Ortega y Gasset J. Historia como sistema. T. VII. Madrid., 1947-1969. – 41-б.

хусусиятлар мавжуд эмас. Инсон ҳақидаги ҳар қандай онгли фикр ҳар бир конкрет «Мен»нинг индивидуал шахсиятини муҳит (ёки дунё) билан боғлашни талаб этади. Инсон ҳақидаги ҳар қандай билим пировард натижада уни дунё билан боғловчи муносабатлар ҳақидаги билимдир. Инсон реляцион мавжудот ҳисобланади – унинг мавжудлиги у яшаётган (физик, биологик, ижтимоий, маданий, тарихий, техникавий ва ҳ.к.) муҳит билан белгиланади[1]. Инсон ўз табиатини ўзи яратади, зеро билиш, лойиҳалаш, қарорлар қабул қилиш, ижод билан шуғулланиш ва ўзини қуршаган муҳитни ўзгартириш жараёнида у ўзини ўзи лойиҳалайди, бунёд этади ва ўзгартиради. Ҳаётда бирорта ҳам статик инвариант омил йўқ, у муттасил ҳаракат ва ўзгаришдан, ўзгараётган муҳит билан янги муносабатлар ўрнатишдан иборат. Ўзгаришлар жараёнининг баркарорлиги ҳаётнинг бирдан-бир инварианти ҳисобланади. Бу баркарорлик ўтмишнинг ҳозирги замон асосида келажак билан «самарали мавжудлиги»дир.

Айни пайтда инсон тарихан белгиланган мавжудот ҳисобланади. Ҳар бир инсон ўз турининг ўтмиши таъсирида шаклланади. Айни шу сабабли Х.Ортега-и-Гассет ўз фалсафасида ҳозирги замон одами образини яратар экан, унинг ибтидосини Одам Ато билан боғлайди. «Жаннатда Одам Ато пайдо бўлиши билан ҳаёт ҳам пайдо бўлади, - деб ёзади файласуф. – Одам Ато буни тушунган биринчи мавжудот ҳисобланади. Одам Ато учун ҳаёт муаммо сифатида мавжуд бўлган... Жаннатда яшаётган Одам Ато соф ҳаёт, чексиз ҳаёт муаммоси учун таянч нуқтаси ҳисобланади... Одам Атонинг юраги – оламнинг маркази, демак бутун олам Одам Атонинг юрагидан ўрин олади. Шу маънода инсон ҳаёт муаммоси ҳисобланади»[2]. Одам Атонинг ушбу рамзий образи инсоннинг Коинотдан кўчирилган «нусха» сифатидаги, «микрокоинот» сифатидаги, бутун Коинотни ўзида акс эттирувчи монада сифатидаги талқинини белгилайди. Абадий ҳаракат ва ўзгариш Коинотнинг бирдан-бир инварианти саналгани

---

[1] Қаранг: Ортега-и-Гассет Х. Восстание масс // Дегуманизация искусства и другие работы. – М., 1991.

[2] Ortega J. Dehumanizacja szutki i inne esseje. – V., 1980. – 55-б.

боис, инсоннинг табиати тарихий хусусият касб этади. Бу инсоннин
ўзига хос хусусияти ҳам глобал тарихий, эволюцион жараён, ҳам
ҳаёт тажрибасининг шахсий, индивидуал кечинмалари йиғиндиси
билан белгиланишини англатади. Шундай қилиб, Х.Ортега-и
Гассет таклиф қилган инсон моделига индивид тарихий ўтмиш
билан белгиланиши тўғрисидаги қоида хосдир.

Айни пайтда яшамоқ - ўзини қуршаган дунё билан иш кўриш
у билан ўзаро алоқага киришиш, у билан шуғулланиш демакдир
Инсон «жонли субъект» сифатида ўзини қуршаган муҳитга қараб
мўлжал олади ва бу муҳитни билиш жараёнида ўз-ўзини ҳам
англаб етади. Тубан мавжудотлардан инсон ўз-ўзини англаб етиш
ва мустақил иш кўриш қобилиятига эга эканлиги билан ажралиб
туради. Ҳайвонлар фаоллиги аслида атроф муҳит таъсирига бир
лаҳзали муносабатдан бошқа нарса эмас. Шу туфайли ҳам у ўз
ҳаракатларини режалаштириш имкониятига эга эмас. Ақлга ва
башорат қилиш қобилиятига эга бўлган инсон жуда катта фаолият
эркинлигига эгалиги билан ажралиб туради. Унинг ўзини қуршаган
муҳит таъсирларига муносабати ўзининг дунёга бўлган муноса
батини оқилоналаштиришга, муҳитни интеллектуал талқин
қилишга ва эҳтимол тутилган хулқ-атвор вариантларига асосланади
Бундай вазият тирик мавжудотлар дунёсида инсон устивор мавқега
эга бўлишини белгилайди. Зеро ҳаёт унга тайёр ҳолда берилмайди
аксинча, унга нимаики берилган бўлса, соф потенциалликни ўзида
ифодалайди. Ҳар бир инсон ўзини ўзи яратади: у ўз келажаги билан
белгиланади.

Х.Ортега-и-Гассет таклиф қилган инсоннинг креативистик
модели «омма қўзғолони»ни инсон экзистенциясининг Европа
цивилизациясидаги чуқур инқироз билан белгиланган патоло-
гияси сифатида тушунтириш имкониятини беради. Унинг «Омма
қўзғолони» деб номланган машҳур асарида инқироз аждодлар
қадриятлари дунёсининг вайрон бўлишидан иборат эканлиги
қайд этилади. Аниқроқ айтганда, янги авлод бу қадриятларни
қабул қилмайди ва инсон қўққисдан ҳаётда мўлжални йўқотади
Европа цивилизацияси инқирозига қўйилган «ташхис» қуйидагича

янграйди: бу омма қўзғолонидир, бунда омма деганда чакана инсон ёки «инсон-омма» тушунилади. У маданият меъёрларига қараб мўлжал олувчи шахс – «инсон-индивидуаллик» билан тўқнашади. «Меъёрлар бўлмаган жойда маданият ҳам бўлмайди, - деб таъкидлайди Х.Ортега-и-Гассет. - Қонунийлик асослари бўлмаган жойда ҳам маданият мавжуд эмас. Низоларни ҳал қилишда ақлнинг асосий тамойиллари назар-писанд қилинмайдиган жойда ҳам маданият йўқ... Ким баҳсда ҳақиқатнинг тагига етишга ҳаракат қилмаса, у ақлий шаккокдир»[1].

«Инсон-омма» патологияси шахсни белгиловчи элементлар – «жон» билан муайян «экзистенциал структура»ни ҳосил қилувчи омиллар ўртасида мувозанатнинг бузилиши билан боғлиқ. Бунинг натижасида ижтимоий ҳаётнинг стандартлашуви, маданиятнинг «оммавийлашуви» юз беради, бу эса ўз навбатида тоталитаризмга ва зўравонликнинг кучайишига олиб келади. Инсон-омма маданият ва ахлоқнинг одатдаги меъёрлари ва қадриятларини четга чиқариб ташлайди, бироқ уларни янги, яхшироқ меъёрлар ва қадриятлар билан алмаштирмайди; у маданият ва ахлоқ доирасидан ташқарида яшаш ва иш кўришга ҳаракат қилади, у – XXI аср варваридир.

Инсон – Коннот голограммаси. Юқорида баён этилган инсон моделларида инсон экзистенциясининг космик даражаси қайд этилади, зеро биз индивидни космик руҳий-ижтимоий яхлитлик сифатида тушунишдан келиб чиқамиз. Шуни эътиборга олиш лозимки, ушбу моделлар ҳозирги замон илмий билими структурасига кирмайди. Шу нуқтаи назардан инсоннинг Коинот голограммаси сифатидаги талқини диққатга сазовордир. Ушбу тасаввур корпускуляр-тўлқинли дуализм билан боғлиқ.

Маълумки, ўрта аср файласуфлари мажозни илмий тафаккурнинг тушунарсиз нарсалар ва ҳодисаларни тушунарли нарсалар ва ҳодисалар билан боғлаш имкониятини берувчи муҳим элементи деб ҳисоблаганлар. Жан Жак Руссо, токи олим тадқиқот предмети

---

[1] Ортега-и-Гассет Х. Восстание масс// Дегуманизация искусства и другие работы. – М., 1991.

ҳақида етарли билимга эга эмас экан, у кузатилаётган ҳодисаларни моҳиятини тушунтириш учун фаннинг бошқа соҳаларидан олинг мажозлар ва тимсоллардан фойдаланишга мажбур, деб таъки лаган. Инсон ҳақидаги ягона фан ҳали яратилмаган экан, кўпги муаммоларни мажозлар даражасида муҳокама қилишга тўғ келади. Махсус илмий ва фалсафий адабиётларда биологик турл эволюцияси назариясига асосланган *«инсон – бу ҳайвон»* деган инсон билан турли техника мосламалари хулқ-атворидаги юза ўхшашликдан келиб чиқувчи *«инсон – бу машина»* деган мажоз иборалардан фойдаланилади. *«Инсон – бу Коинот голограммас* деган ибора ҳам шунга ўхшаш мажоз хусусиятига эга, зотан инс марказий нерв системаси, айниқса бош мия фаолияти голограф парадигма билан мувофиқ келади.

Дарҳақиқат, мия ишини ҳозирги замон физикасининг тўлқин жараёнлар соҳасидаги ютуқларидан келиб чиқиб таҳлил қили йўлидаги ҳаракатлар муайян даражада диққатга сазовордир. Бунд ютуқлар қаторига энг аввало илк бор К.Прибрам ва Ф.Вестле тадқиқотларида таърифланган мия ишининг голографик моделин киритиш мумкин[1]. Нейрофизиологияда нейрофизиологик тармо ларнинг тақсимланиш хусусияти яхши маълум бўлиб, у икки кону билан тавсифланади:

- *оммавий ҳаракат қонунига* мувофиқ таълим олиш қобили тининг сусайиши бузилган кортикал ҳужайра миқдори (массас билан бевосита боғлиқ;

- *эквипотенциаллик қонунига* мувофиқ бу сусайиш шикастлани жойининг ўрнига боғлиқ бўлмайди.

Шундан келиб чиқиб Ф.Вестлейк замирида оптик голограф жараёнлар билан ўхшашлик ётувчи мия фаолияти моделини такли қилади. Голографик жараёнларга тақсимланиш хусусияти хосли аниқланган. Муайян турдаги голограммаларга хос бўлган

[1] Қаранг: Прибрам К. Языки мозга. – М., 1975; Вестлейк Ф.О. О возможно протекания нейроголографических процессов мозга // Кибернетические проблем бионики. – М., 1971. Т. 1.

хусусият шундаки, голограмманинг ҳар қандай кичик қисмига қараб унда қайд этилган бошланғич манзарани тўлиқ тиклаш мумкин[1].

Инсон миясида ташқи дунёнинг аниқ акс этишига сенсорли ахборотни «қисм бутунга ўриндош» тамойилига биноан кодлаш орқали эришилади. Дунёни символлар ёрдамида тасаввур қилиш жамирида айни шу тамойил ётади. Бунинг натижасида инсон хотирасида жуда катта ҳажмдаги ахборот қайд этилиши мумкин. Оптик голограммалар эндиликда кенг маълум, улар объектнинг яхлит кўламли тасвирини олиш имкониятини беради. Ушбу тасвирнинг фотосуратдан фарқи шундаки, у тасвирланган объектни ҳар томонлама кўздан кечириш учун имконият яратади. Оптик голограмма интерферланувчи когерент нурланишларнинг ўзаро алоқаси маҳсули ҳисобланади. Голограммани когерент ёритиш барқарор ёруғлик тўлқини ҳосил бўлишига олиб келади. Голографик жараёнлар пайдо бўлиши учун голограммани ҳосил қилувчи ўзаро алоқаларнинг тўлқинли хусусияти биринчи даражали аҳамият касб этади.

Мазкур физик жараён мия ишининг, бинобарин, билиш жараёнларининг нейроголографик моделини яратиш учун бошланғич нуқта бўлиб хизмат қилади. Бу ерда нерв ҳужайраларининг иш жараёнида юзага келувчи тўлқинли жараёнлар ва импульслар мия голографик ёзувини шакллантириш манбаи ҳисобланади, ахборот эса бир-бири билан ўзаро алоқага киришувчи нейронлар тўпламида кодланади. Голографик модель миянинг нейрон тармоқларида ахборотнинг тақсимланиш хусусиятларини яхши тавсифлайди. Ҳозирги вақтда ахборот майдонининг исталган нуқтасида ахборотнинг тақсимланишини голография математик аппарати даражасида аниқ кўрсатадиган бирорта ҳам метод мавжуд эмас.

Ахборотни голографик усулда кодлашнинг бошқа бир хусусияти унинг мисли кўрилмаган даражада самаралилигидир. Голограмма воситасида қайд этилиши мумкин бўлган ахборот

[1] Қаранг: Вестлейк Ф.О. О возможности протекания нейроголографических процессов мозга // Кибернетические проблемы бионики. – М., 1971. Т. 1. – 116-б.

миқдори билан айни шу ҳажмда ахборот сақлаш имкониятини берувчи мавжуд воситалардан бирортаси ҳам тенг кела олмайди. Голография ёрдамида ахборотни кодлашнинг самарадорлиги шу даражада каттаки, уни маълум маънода мия ҳужайраларида ахборот сақлашнинг самарадорлик даражаси билан тенглаштириш мумкин.

Ахборотни голографик усулда кодлашнинг учинчи хусусияти голография тамойилларига бош мия ярим паллаларининг билиш функциясини моделлаштиришнинг муайян асоси сифатида ёндашилганида айниқса бўртиб намоён бўлади. Голографиянинг тўлқинли тамойили мазкур тўлқинли жараён воситасида кодланган ахборотни у сақланаётган жойдан бир лаҳзада чиқаришга қодир бўлган механизмни тасаввур қилиш имкониятини беради. К.Прибрам голографик ёндашувнинг умумпсихологик аҳамиятига баҳо берар экан, детекция механизми ва нейронлар томонидан амалга оширилган белгилар таҳлили, агар уларга мантиқий операцияларни бажарувчи элементлар сифатида қараладиган бўлса, идрок этиш феноменларини тушунтириш учун етарли деб ҳисобланиши мумкин эмаслигини таъкидлайди. Перцептив жараёнларга турли нейронлар ўртасида динамик ҳаракатлар (фазавий муносабатларнинг суперпозициялари) хосдир. Шундан келиб чиқиб, образларни шакллантириш қобилияти замирида фазавий муносабатларнинг айни шу ўзаро алоқаси ётишини тахмин қилиш мумкин. Нейронли структуралар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг бундай тизими оптик ахборотга ишлов берувчи тизимларнинг хоссаларига ўхшаб кетади. Бошқача қилиб айтганда, образлар вужудга келишини таъминловчи тизимлар ўз механизмларига кўра голография механизмлари билан ўхшашдир[1], деган хулосага келади К.Прибрам.

Билиш жараёнларини голографик моделлаштиришнинг аҳамияти шу билан белгиланадики, бу ерда инсон томонидан ташқи дунё объектларини тўлқинли кодлаш тамойили амалга киритилади. Тўлқинли тил турли объектларнинг хусусиятларини дискрет (алифболи) тилга қараганда аниқроқ акс эттириш имкониятини

[1] Қаранг: Прибрам К. Языки мозга. – М., 1975.

беради. Объектларнинг ўзлари уларнинг кўламлилик хусусиятлари нуқтаи назаридан тўлқинли тавсифларнинг муайян тизимлари сифатида, амплитудаларнинг тақсимланиши сифатида қаралиши мумкин. Боз устига, дунёнинг (Коинотнинг) голографик моделлари ҳам амалда мавжуд. Бу моделларда дунё (Коинот) улкан голографик пластинкани ўзида ифодалайди[1]. Макрообъект сифатида инсон ҳам тўлқинли структура ҳисобланади. *Инсон ва Коинотнинг ягоналиги, одамзот Коинотнинг жажжи нусхаси ҳисобланиши тўғрисидаги таълимотдан келиб чиқиб, инсон Коинот голограммасидир, деб айтиш мумкин*. Дунёнинг голографик моделлари мавжудлиги инобатга олинса, айрим тадқиқотчиларнинг қуйидаги фикрига қўшилиш мумкин: «Мазкур физик назариялар дунёнинг тўлқинли тузилишини акс эттиришнинг энг самарали усули ушбу дунё объектларини тўлқинли тилда акс эттиришдир, деб фараз қилиш мумкин. Инсон муайян физик дунёда яшайди ва фаолият кўрсатади. Бинобарин, мазкур дунёнинг фундаментал хоссалари инсоннинг акс эттириш, руҳий фаолиятига ҳал қилувчи таъсир кўрсатмаслиги мумкин эмас...»[2]. Фаннинг ривожланиш жараёни ушбу фикрни тасдиқлади: бугунги кунда **«инсон – Коинот голограммаси»** мажозий ибораси инсоннинг ген инженериясида ҳам, борлиқнинг автомат-ҳужайрали талқинида ҳам ишлатилади. Дарҳақиқат, фан бугунги кунда ўз ривожланиш жараёнининг «постнокласс ик» босқичига қадам қўйишга тайёргарлик кўрмоқда. Бунинг муҳим белгиси шундаки, кўп даражали, иерархиявий, ўзини ўзи ташкил этувчи тизимларни билиш ва уларнинг эволюцияси сценарийларининг кўп вариантлилигини тушуниб етиш юз бераётир. Бу ерда соф динамик физик жараёнлар билан бир қаторда ўзини ўзи ташкил этувчи фаол тизимлар ёки муҳитларда символли ахборотга ишлов бериш, уни сақлаш, узатиш ва яратиш билан боғлиқ информацион-символик жараёнлар айниқса муҳим роль ўйнайди. Айни ҳолда гап табиатнинг ўзи яратган фаол тақсимланган ночизиқ муҳитлар

[1] Қаранг: Микляев И. Квантовая симфония. – Харьков, 1992. – 192-б.

[2] Қаранг: Пушкин В.Н. Моделирование познавательных процессов // Зарубежные исследования по психологии познания. – М., 1977. – 191-б.

ҳақида боради. Бундай муҳитларни ўрганиш билан яқинда вужудга келган синергетика шуғулланади. Ушба фан доирасида инқилобий кашфиётни ўзида ифодаловчи «детерминацияланган хаос» ҳақидаги тасаввурдан анча самарали фойдаланилади (у бизнинг Коинот ҳақидаги асосий тасаввуримизни бутунлай ўзгартиради).

Шу нуқтаи назардан синергетик борлиқнинг ягона автомат-ҳужайрали модели диққатга сазовордир. Ушбу модель ўз-ўзидан ташкил топувчи физик жараёнларга ҳам, шу жумладан руҳий фаолият билан боғлиқ бўлган информацион жараёнларга ҳам тенг даражада татбиқ этилиши мумкин[1]. Автомат-ҳужайрали борлиқ ҳақидаги тасаввур доирасида квант механикасининг кўпгина парадоксал хусусиятлари, энг аввало **«тўлқин – зарра»** дуализми ўзининг табиий талқинини топади, инсон мияси фаолиятининг эҳтимол тутилган механизми ўзига хос тарзда тушунтирилади. С.Я.Беркович таклиф қилган бу модель замирида анчайин содда информацион структура – ўзаро боғланган циклик ҳисоблагич «панжараси» ва ўзгартиришни амалга оширишнинг анча содда ва табиий қоидаси ётади: навбатдаги босқичда ҳисоблагичнинг кўрсатувлари унга қўшни ҳисоблагичлар кўрсатувларининг ўртача қиймати билан белгиланади. Ҳужайрали автоматлар модели «моддий формацияларни ўзига хос тарзда тарқалувчи тўлқинли ечимлар сифатида»[2] тавсифлайди. Боз устига тақсимланган ҳужайрали автоматлар тармоғи тез тарқалувчи диффузион фаолликларни вужудга келтиради. Бу фаолликлар ахборотга ишлов бериш жараёнларида, шу жумладан голографик тамойиллар асосида иштирок этиши мумкин.

Мазкур моделда инсон мияси ҳисоблаш машинаси сифатида қаралади, унинг ахборот процессори сифатидаги имкониятлари таҳлил қилинади. Бу унинг мисли кўрилмаган қобилиятларининг барчаси учун ягона операцион механизмни аниқлашни талаб қилади. Кўрсатилган қобилиятлар қаторига процессорнинг улкан қуввати, чексиз виртуал хотира, нуқсонларга мисли кўрилмаган

---

[1] Қаранг: Беркович С.Я. Клеточные автоматы как модель реальности: поиски новых представлений физических и информационных процессов. – М., 1993.

[2] Ўша ерда. – 91-б.

даражада чидамлилик ва мустаҳкамлик, функцияларнинг ранг-баранглиги, марказлаштирилган ва марказлаштиришдан чиқарилган бошқарувнинг уйғунлигини киритиш мумкин[1]. Бир марта олинган ахборот мияда абадий қайд этилади, зеро образлар вақт ўтиши билан хиралашмайди ва орадан кўп йиллар ўтганидан кейин ҳам онгда акс этиши мумкин.

Аммо энг қизиғи шундаки, мазкур модель доирасида голографик ёндашув қуйидаги хулосага келиш имкониятини беради: «Билиш функциясини бажаришга кўмаклашувчи ахборот процессори миядан ташқарида мавжуд бўлиши, голографик муҳит сифатида физик дунёнинг автомат-ҳужайрали фонидан фойдаланиши мумкин»[2].

Хулоса. Демак, асосий фикрлаш жараёнлари инсон миясида эмас, балки ундан ташқарида, мияни қуршаган фаол автомат-ҳужайрали муҳитда юз беради. «Инсон – Коинот голограммаси», деган мажозий ибора айни шу хулосага келиш имконини беради.

Тажрибавий амалий матнлар


Инсон фалсафанинг азалий муаммоси. Инсоннинг корпускуляр-тўлқинли табиати. Коинотда инсон ўрни. Инсон ҳақидаги микротасаввурлар. Мия фаолияти, квант қонунлари. Мия ишини моделлаштириш. Инсон ички аъзоларнинг температураси, вақт ритмлари. радиоиссиқлик. «Гомо космикус» концепцияси. Инсон ва космоснинг ягоналиги ғояси. Инсоннинг космосдаги борлиғи. Тейяр де Шарден эсхатологияси. Инсоннинг креативистик модели. Инсон – Коинот голограммаси.


---


[1] Қаранг: Neumann J. von. The computrer and brain. – L., 1979.

[2] Беркович С.Я. Клеточные автоматы как модель реальности: поиски новых представлений физических и информационных процессов. – М., 1993. – 91-б.

Қўшимча ва тушунтирувчи матнлар






Квант назарияси
Ф.Капра
Гейзенберг
Квант назарияси оламнинг фундаментал яхлитлигидан далолат беради ва бит дунёни алоҳида «қурилиш тошлари»га ажратишимиз мумкин эмаслигини намойиш қилади.
Номуайянлик тамойили ётувчи квант назарияси доирасида тавсифланганида барча элементлар, шу жумладан инсон корпускуляр-тўлқинли дуализмга эга бўлади.
Инсон Коинотдан алоҳида мавжуд бўлмайди. Коинот эса инсондан алоҳида мавжуд бўлмайди.
Инсоннинг корпускуляр – тўлқинли табиати
Патанжали

«Йога Сутра»

Инсон ақлидан ўтувчи тафаккур тўлқинларининг узлуксиз оқими (ҳозирги психологлар уни акл «ассоциациялари» оқими деб атайдилар) муаммосини мухокама қилган эди.

Е.Уикер таҳлили синапсларда турли хил ахборот узатишни таъминловчи иккита жараён

Якин масофага (тахминан 200 А) ахборот узатиш билан боғлиқ; у синаптик «тунель эффекти» таъсирида юз беради.

Ўз мияси доирасида ахборот узатишни таъминлайди.

Физик майдонлар

Электромагнит тўлқинларнинг инфрақизил диапазонида иссиқлик тарқалиши, атмосферанинг «шаффоғлик дарчаси» орқали унинг ўтиши;

Ички аъзоларнинг температураси ва вақт ритмлари ҳақида ахборот берувчи радиоиссиқлик тарқалиши;

Тебранишлар частотаси секундига неллан минггагача бўлган, тана ҳужайралари билан тўсиладиган паст частотали электр майдонлар;


Айни шу частоталардаги магнит майдонлар, улардан мия фаолиятини ўрганиш учун фойдаланилади;


Ички аъзолар, мушаклар ва ҳоказолар инфратовуш диапазонида фаолият кўрсатганида пайдо бўлувчи акустик сигналлар;


Молекулалар ва ҳужайралар даражасида мавжуд манбалар билан боғлиқ бўлган юкори частотали шовқинсимон акустик сигналлар;

Организмдаги биокимёвий реакциялар таъсирида электромагнит тўлқинлар оптик спектрининг якин инфрақизил ва якин ультрабинафша диапазонларида пайдо бўлувчи биолюминесценция сигналлари;

Инсон ҳаракатланганида уни қуршаган мухит ва организм ўртасида моддалар алмашинуви таъсирида юз берувчи мазкур мухит таркиби ва физик—кимёвий хусусиятларининг ўзгариши.


К.Циолковский гомо космикус концепцияси
Космоснинг космик цивилизацияларнинг мавжудлик соҳаси, уларнинг билиш фаолияти ва амалиёти майдони сифатидаги «мазмуни», инсоннинг космосдаги ўрни
Тарих ва инсон хаётининг мазмуни ва мақсадлари, бахтли келажакни яратиш йўллари, инсон ахлоқининг мазмуни ва асослари
«космик фалсафа» тизими
Инсоннинг космосда борлиги ўрта асосий босқичи
туғилиш
ўлим
инсониятнинг таназзули
термиал
Тейяр де Шарден эсхатологияси
Тейяр де Шарден
«Инсон феномени» китоби
инсон «эволюция ўқи ва чўққиси сифатида бутун материяга аввалдан хос бўлган имкониятларни намоён этади. яъни инсон космоснинг барча имкониятларини ўзида мужассамлаштирган мураккаб, кенг «микрокосмос»дир.


Биологик турлар эволюция назарияси
«инсон – бу ҳайвон»
«инсон – бу машина»
«Инсон бу Коинот голограммаси»
Инсон ва Коинотнинг ягоналиги. одамзот Коинотнинг жажжи нусхаси хисобланиши тўгрисидаги таълимот


Нейрофизиологияда нейрофизиологик тармоқларнинг таксимланиш қонуи
оммавий ҳаракат қонунига
эквипотенц иаллик конунига

Ҳужайрали автоматлар модели

моддий формацияларни ўзига хос тарзда тарқалувчи тўлқинли ечимлар сифатида тавсифлайди.

инсон мияси ҳисоблаш машинаси сифатида қаралади, унинг ахборот процессори сифатидаги имкониятлари таҳлил қилинади.

голографик ёндашув

Билиш функциясини бажаришга кўмаклашувчи ахборот процессори миядан ташқарида мавжуд бўлиши, голографик муҳит сифатида физик дунёнинг автомат-ҳужайрали фонидан фойдаланиши мумкин.

Мустақил ишлаш учун савол ва топшириқлар

1. Инсоннинг корпускуляр-тўлқинли табиатини тушунтиринг
2. Гомо космикус» концепциясининг муаллифи ким?
3. Инсоннинг креативистик моделини асосланг.
4. Инсон ва космоснинг ягоналиги ғояси тўғрилигини асосланг
5. Инсоннинг космосдаги борлиғининг тўрт асосий босқичлари қайсилар?
6. Тейяр де Шарден эсхатологиясининг моҳитини биласизми?

Реферат мавзулари

1. Инсон фалсафанинг азалий муаммоси.
2. Инсоннинг корпускуляр-тўлқинли табиати.
3. Инсон ҳақидаги микротасаввурлар.
4. Фалсафий антропология: муаммо ва ечимлар
5. Психонализ ва психотрапия, дескурсив тажрибанинг таҳлили

Билим ва кўникмаларни баҳолаш материаллари

1. Инсон муаммосига нисбатан анъанавий ёндашувга зарба беришда қайси тамойиллардан фойдаланилди?

А. Тарихийлик, маданий антропология ва эволюционизм тамойиллари

Б. изчиллик, давомийлик, тарихийлик тамойиллари

Д. давомийлик, тарихийлик эволюционизм тамойиллари

В. Тарихийлик, маданий эволюционизм тамойиллари

2. «Инсон онгининг табиати қандай?», «Инсон табиатини тушунишда мистик ва диний тажриба қандай роль ўйнайди?» «Бизга маълум бўлган Коинотда инсон қандай ўрин эгаллайди?» юқорида зикр этилган саволларга жавоб топишга ҳаракат қилган олимлар қайси

А. Ф.Капра, Ж.Зукав, Д.Постл, В.Томпсон
Б. Давронов, Имомалиева,
Д. Кант, Гегель
В. Сократ, Платон

3. Шарқ тафаккурининг йўналишлари (индуизм, буддизм, даосизм ва дзэн) билан янги физиканинг ажойиб кашфиётлари ўртасида мулоқотни бошлаган олим ким
А. Капра
Б. Раматов.
Д. Абилов
В. Давронов

4. «Физика даоси» китобининг муаллифи ким?
А. Ф.Капра
Б. Степин
Д. Чумаков
В. Королев

5. Табиат пойдевори ақлдир, деган ғояни ким илгари сурган?
А. А.Эддингтон
Б. Лешкевич
Д. Гусейнов
В. Билалов

6. «Йога Сутра» асари муаллифи ким?
А. Патанжали
Б. Конфуций
Д. Лао цзи
В. Дао

7. Ақл «ассоциациялари» оқими бу?
А. инсон ақлидан ўтувчи тафаккур тўлқинларининг узлуксиз оқими
Б. дунёга билан ўзаро таъсирга киришиш
Д. ахборотни маълум қилиш ва олиш
В. инсон табиатни ўрганиши жараёнидаги ҳаракат

8. Материя ва энергия каби Коинот билан узвий бўлга «универсал тўлқинлар» қайси?

А. тафаккур тўлқинлари, инсон руҳияти тўлқинлари

Б. инсон маданияти ва фикрлаш услуби

Д. Табиат «тўлқинлари» ва «квантлари»

В. Макродунё ҳодисалари қобиғидан ташқаридаги универса борлиқни намоён этувчи квант назарияси

9. Қайси олим йогани «ақлда тафаккур тўлқинларини бошқариш» сифатида тавсифлайди?

А. Патанжали

Б. Кун

Д. Поппер

В. Лакатос

10. Қайси олим мия ишининг таҳлили учун квант механикаси тамойилларидан фойдаланишга ҳаракат қилган ?

А. Е.Уокер

Б.Тулмин

Д. Мах

В. Милл

11. Е.Уокерning фикрига кўра инсон онгли фаолиятинин вужудга келиши ва яхлит хусусиятини бошқарувчи омил нима?

А. «туннель эффекти»

Б. «ассоциациялар»

Д. «корпускулалар»

В. Йога

12. Ҳар қандай биологик объект атрофидаги физик майдонлар неча хил бўлади?

А. 8 хил

Б. 9 хил

Д. 10 хил

В. 11 хил

13. Инсон табиати қандай тизимга эга?

А. корпускуляр-тўлқинли

Б. универсал

Д. туннель

В. тафаккур

14. Корпускуляр-тўлқинли табиат қисмлари қайсилар ?

А. атом-молекуляр структурани ўзида ифодаловчи анатомо-геометрик компонент ва бутун Коннот бўйлаб тарқалган майдонлар

Б. ички аъзоларнинг температураси;

Д. инфратовуш диапазони;

В. молекулалар ва ҳужайралар даражаси;

15. С.Хокинг ва Ж.Уилер Коинотни «лойиҳалаш»да инсонинг моҳиятини аниқлашда қайси тамойилни танлайдилар?

А. антроп космологик

Б. космик фалсафаси

Д. абадий Коинот

В. Мен ва Коинот

16. К.Циолковскийнинг асосий фалсафий муаммоларга доир мулоҳазаларини топинг?

А. космос космик цивилизациялар мавжудлик соҳаси,

Б. Инсоннинг корпускуляр-тўлқинли табиати

Д. инсон ҳаракатланганида уни куршаган муҳит ва организм

В. ахборот берувчи физик майдонлар

17. *Ҳамонки инсоннинг мавжудлиги тасодифий эмас, балки космос билан узвий экан, биз биладиган бу космос бошқача бўлиши мумкин эмас деган фикр кимга тегишли?*

А. К.Циолковский

Б. Аристотель

Д. Платон

В. Сократ

18. К.Циолковский фикрича, моддий Коинотнинг тадрижий ривожланувчи объектлари ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб у нимадан иборат?

А. атомлардан

Б. универсал тўлқин

Д. корпускуляр-тўлқин

В. руҳий-тўлқин

19. К.Циолковский фикрига кўра, инсоннинг космосда борлиғи тўрт асосий босқичдан ўтади. Бу қайсилар?

А. тугилиш, шаклланиш, инсониятнинг таназзул босқичи. терминал босқич

Б. яшариш, янгиланиш, уйғониш, қариш

Д. қайта тикланиш, ухлаш, дам олиш, қўшиқ айтиш

В. ўқиш, ишлаш, ухлаш, дам олиш,

20. К.Циолковский фалсафий изланишларининг таянч нуқтаси муаммосини топинг?

А. Ахлоқ муаммоси

Б. инсон муаммоси

Д. космос муаммоси

В. «гомо космикус» муаммоси

21. «Инсон феномени» китоби муаллифи ким?

А. Тейяр де Шарден

Б. Гегель

Д. Шеллер

В. Гобс

22. Коинот олий синтез – Омега нуқтасига қараб изчил ҳаракатланади. Эволюция жараёни Омега нуқтаси нимага интилади?

А. дунёвий онг, дунёнинг маънавий ўзаги

Б. «радиал энергия» va «илк ҳаёт» босқичига

Д. Инсон феноменига

В. «гомо космикус»га

23. Соф позитивистик нуқтаи назардан фаннинг энг сирли ва тадқиқотчиларни чалғитувчи объекти бу?

А. Инсон

Б. биология

Д. физика

В. химия

24. XXI аср бошида инсон феноменини тушунишга муайян ҳисса қўшувчи инсоннинг креативистик модели қайси олимга тегишли?

А. Х.Ортега-и-Гассет

Б. Тейяр де Шарден

Д. В.Вернадский

В. С.Хокинг

25. «Мен ўз дунём билан бирга ва ўз дунёмда яшайман» бу қисқача таъриф қайси файласуфга тегишли?

А. Х.Ортега-и-Гассет

Б. Гегель

Д. К.Циолковский

В. В.Вернадский

26. Х.Ортега-и-Гассет таклиф қилган инсон моделининг фундаментал қоидасини топинг?

А. *«Инсон табиатга эга эмас, у... тарихга эга»*

Б. инсоннинг мавжудлиги тасодифий эмас,

Д. «Мен ўз дунём билан бирга ва ўз дунёмда яшайман»

В. келажакда универсум Омега нуқтасида ўта қудратли инсонга айланади

27. Х.Ортега-и-Гассет fikriga kora оламнинг маркази нима?

А. Одам Атонинг юраги

Б. Омега нуқтаси

Д. Инсон

В. космос

28. Нейрофизиологияда нейрофизиологик тармоқларнинг тақсимланиш хусусияти икки қонун билан тавсифланади. Булар қайси ?

А. оммавий ҳаракат қонуни эквипотенциаллик қонуни

В. туғилиш, шаклланиш

Д. таназзул терминал

В. тўғри жавоб йўқ

ИНСОН МАВЖУДЛИГИНИНГ БИОЛОГИК ДАРАЖАСИ

1. Маърузани олиб бориш технологияси

Талабалар сони:	*Вақти:* 4 соат
Машғулот шакли	Кириш мавзу бўйича маъруза
Маъруза режаси	**1- маъруза режаси** 1. Инсон биосфера эволюциясининг зарури босқичи. 2. Инсон – Гея элементи. 3. В.И.Вернадский «инсониятнинг геологик роли» ҳақида. **2 - маъруза режаси** 1. Табиий экологик тизимларда инсоннинг ўрни ва аҳамияти. 2. Технологик тараққиёт жараёнини оқилона бошқаришнинг биологик муҳитни асрашдаги роли. 3. Гўзаллик туйғусининг биологик асослари.
Машғулотнинг мақсади: Дарс ўтиш шакллари ҳақида умумназарий тасаввурлар,инсон ҳақида толерантлик ва ижодий ёндошув,талабаларда илмий ва фалсафий дунёқарашнинг шаклланишида инсон фалсафанинг аҳамияти ҳақида тушунча ҳосил қилиш.	
Педагогик вазифалар	*Укув фаолияти натижалари:*
Инсон биосфера эволюциясининг зарурий босқичини ўрганиш.	Технологик тараккиёт жараёнини оқилона бошқаришнинг биологик муҳитни асрашдаги роли.
Инсон – Гея элементини очиб бериш	Биологик сиёсатни амалга ошириш-нинг зарурияти.
В.И.Вернадский «инсониятнинг геологик роли» ҳақида тушунчасини ёритиб бериш	Ж.Лавлок моделини ўрганиш.
Ўқитиш усуллари ва техника	Маъруза, «ақлий ҳужум», Т-схема, мунозара, муаммоли вазиятлар усули.
Ўқитиш воситалари	Маъруза матни, тарқатма материаллар, слайдлар, проектор.
Ўқитиш шакллари	Жамоа, тўғридан-тўғри ва гуруҳларда ишлаш.
Ўқитиш шарт-шароити	Техник воситалар билан таъминланган аудитория.
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки назорат, савол-жавоб, ўз-ўзини назорат қилиш, рейтинг тизими асосида баҳолаш.

2. Маърузанинг технологик картаси

Иш жараёнлари вақти	*Фаолиятнинг мазмуни*	
	ўқитувчи	*Талаба*
I-босқич. Курсга ва мавзуга кириш. (20 минут)	1.1. Мавзунинг номини айтиб, унинг доирасида дастлабки умумий тасаввурни беради ҳамда услубий ва ташкилий томонлари билан таништиради.	Тинглайдилар.
	1.2. Мавзунинг моҳиятини тушунтиради, уларнинг узвийлиги ҳақида қисқача маълумот беради.	Тинглайдилар.
	1.3. Мавзу якунида қўйиладиган рейтинг баҳолаш мезонлари билан таништиради	ЎУМ га қарайдилар.
	1.4. Мавзуни ўзлаштиришда фойдаланиш учун зарур бўлган адабиётлар рўйхати билан таништиради.	ЎУМ га қарайдилар.
	1.5. Машғулот мавзуси билан таништиради ва унинг мақсади, ўқув фаолияти натижаларини баён қилади.	Мавзу номини ёзиб оладилар.
	1.6. Мавзу юзасидан ақлий ҳужум қоидаси асосида дарс ўтказишни таклиф этади. Доскага « Инсон биологик мавжудот » деб ёзади. Талабалар томонидан айтилган фикрларни ёзиб боради ва умумлаштиради	Тушунчаларни эркин фикр орқали билдиради.
II-босқич. Асосий (50 минут)	2.1. Мавзу режаси ва таянч тушунчалар билан таништиради.	Тинглайдилар.
	2.2. Маърузани режа бўйича тушун-тиради, ҳар бир режани ниҳоясида умумлаштиради. Жараён компьютер слайдларини намойиш қилиш билан олиб борилади	Тинглайдилар. Слайдга эътибор қаратади, уни ўзига ёзиб олади ва саволлар беради.
	2.3. Ҳар бир режани мустаҳкамлаш учун қуйидагича саволлар беради. **1.** Ген технологияси ва инсоннинг жисмоний олами. **2.** Гўзаллик туйғусининг биологик асослари. **3.** Инсон – Гея элементи.	Саволларга жавоб берадилар, эркин баҳс-мунозара юритадилар.
	2.4. Таянч ибораларга қайтилади. Талабалар иштирокида улар яна бир бор такрорланади.	Ҳар бир таянч тушунча ва ибораларни муҳокама қиладилар. Конспект қиладилар.

III-босқич. Якуний босқич. (10 минут)	3.1. Т-схема техникасидан фойдаланил-ган ҳолда жуфт-жуфт бўлиб ишлаш учун тингловчиларга: “Инсон ва табиат”деган савол ёзилган тарқатма материаллар тарқатади. Ушбу техника орқали мавзу бўйича якунловчи хулоса қилади	Мустақил Т-схемани тўлдирадилар. Эркин фикрини баён этади.
	3.2. Талабаларнинг фаолиятига баҳо қўйилади ва рағбатлантирилади.	Эшитади.
	3.3. Келгуси машғулотга тайёргарлик кўриш учун топшириқлар ва фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати берилади.	Эшитади ва ЎУМ га қарайдилар.

Инсон биосфера эволюциясининг зарурий босқичи. XXI аср бошида инсон феноменини ўрганиш инсоннинг жисмоний асосларига дахл қилувчи ген инженериясининг ривожланишига сабаб бўлган биологиядаги инқилоб билан тавсифланувчи янги вазиятни эътиборга олишни тақозо қилади. Инсон биосфера эволюциясининг зарурий босқичи ҳисобланади; бинобарин, инсониятнинг биосферага оид функцияси ҳақида ва жамиятнинг экологик жавобгарлиги тўғрисида сўз юритиш мумкин. Зотан В.И.Вернадский томонидан илгари сурилган ва асосланган биосферанинг бошқа эволюцион ҳолат – **ноосферага** ўтиши ҳақидаги ғояси бошқариладиган ривожланиш даври бошланаётганини англатади. Ўз навбатида бу энг аввало экология ва биотехнологиянинг «қайноқ» нуқталарига қараб мўлжал олувчи бир қатор фалсафий ва ахлоқий муаммоларни кун тартибига қўяди.

Сўнгги йилларда илгари сурилган «янги экологик тартиб» концепцияси цивилизациянинг ўзликни англаш туйғусини шакллантиришни назарда тутади. Бу туйғу инсоннинг табиатга бўлган оптимал муносабатининг таянч нуқтаси ҳисобланади. Шу муносабат билан экологиянинг икки фалсафий муаммоси атрофида қизғин баҳс-мунозара кетмоқда. **Биринчи** муаммо табиатнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги мулоҳазаларни ўзида ифодалайди: *табиат ўз-ўзича қимматга эгами ва унинг моҳияти нимада*. **Иккинчи** муаммо *экология ва ҳозирги дунё ўртасидаги муносабатларни аниқлаш билан боғлиқ*. Бу ерда табиат билан ўзаро алоқа жараёнида инсон фаоллик, мураккаблик, ночизиклик, ношаффофлик, ишончли

эмаслик, олдиндан айтиб бўлмаслик, тасодифийлик каби кўр
кичлар билан тавсифланадиган (инсон, иктисодиёт, техника тиз
ларига ўхшаш) экологик тизимлар билан тўқнаш келади. Билишн
эволюцион назариясига мувофиқ, инсон мияси ўз функциял
айниқса унинг когнитив қобилиятлари билан энг аввало макрод
даражасида юз бераётган биологик эволюция маҳсули ҳисоблан
Инсон хулқ-атворига ижтимоий-маданий тизимлар фаолиятин
хусусиятлари ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Пировардида ин
экологик тизимларга нисбатан хатоларга йўл қўяди. Бу хато
чизиқли фикрлаш, чизиқли экстраполяция, экологик муаммола
ечишдан ўзини олиб қочишга (жавобгарликдан бўйин товлаш
мойиллик ва ҳоказолар билан белгиланади.

Мутахассислар ва кенг жамоатчилик эътиборини биоэт
муаммолари ўзига тортмоқда, зеро ген инженерияси методлари
фойдаланиш инсонга илгари унга маълум бўлмаган соҳала
кириш ва уларнинг тизгинини ўз қўлига олиш имкониятини бер
Бундай соҳалар жумласига генетик кодни, ирсиятни назорат
модификация қилиш, инсон ақлини махсус тиббий техника ёрдам
бошқариш имконияти ва ҳоказолар киради. Фан қаршис
инсон шахсиятини модификация қилиш, индивиднинг жисмо
асосларини ўзгартириш борасидаги фаолиятнинг чексиз майд
очилди. Илмий ютуқлардан ғайриинсоний мақсадларда фойдала
лишидан инсониятни асраш учун маънавий-ахлоқий категория
биринчи ўринга чиқаётгани ҳам тасодифий бир ҳол эмас. Айни
сабабли ушбу бобда асосий эътибор молекуляр эволюция ҳа
инсоннинг атроф муҳит билан ўзаро алоқаси билан боғлиқ бўл
геном муаммоларига қаратилади.

Инсон – Гея элементи. Ҳозирги замон одами феном
сайёралар ва жамият ўз эволюциясининг бутунлай янги босқич
киргани муносабати билан англаб етишни тақозо қил
Маълумки, бу фактга биринчи бўлиб табиатшунос олим
эътиборни қаратганлар – В.И.Вернадский «инсониятнинг геоло
роли»га эътиборни қаратган[1], сўнгра Ле Руа ва Тейяр де Шар

[1] Қаранг: Вернадский В.И. Философские мысли натуралиста. – М., 1988. –

биосфера» атамасини илмий муомалага киритган ва ҳ.к. Натижада шундай бир вазият юзага келадики, «инсон фаолиятининг атроф муҳитга кучли таъсири унинг эволюциясини белгиловчи омилга айланиш билан бир вақтда, шу даражада илдам ўсиб борадики, биосферанинг қандайдир мувозанати ҳақида ва айни пайтда homo sapiens турининг гомеостазини сақлаб қолиш ҳақида гапириш имконини бермайди»[1]. Бундан ташқари, ўз экологик бўғинида монополиячи бўлган биологик турлардан бирортаси ҳам экологик инқирозни четлаб ўтиши мумкин эмас, деган тезисни ҳам инобатга олиш лозим. Бу ерда фақат икки йўл бор: *турнинг деградацияси бошланади ёки тегишли ўзгариш жараёнида* (бунда хулқ-атвор стандартлари ва табиат билан ўзаро муносабатлар ўзгаради) *янги экологик бўғин вужудга келади*. Маълумки, инсоният ана шундай монополиячи ҳисобланади.

Бугунги кунда инсоният глобал экологик инқироз ҳодисалари билан тўқнаш келмоқда. У табиат билан ягона тур сифатида ўзаро алоқага киришади. Инсоният деградациясининг олдини олиш машаққатли йўл – янги экологик бўғинни топиш йўлида тинимсиз изланишни тақозо қилади. Ҳозирги замон фанида биосфера ва жамият коэволюцияси сайёрада инсон сақланиб қолишининг мутлақо зарурий шартидир, деган фикр илгари сурилган. Бу ёндашувга кўра, ноосфера босқичи фақат жамият ва табиатнинг квазимувозанати амалга ошгандан кейин бошланади. Шу туфайли ҳам «табиат ва жамиятнинг бундай нисбатини юзага келтириш мумкинлиги тўғрисидаги масала, яъни биосфера элементи сифатидаги инсоният деградациясининг олдини олиш тўғрисидаги масала моҳият эътибори билан янги цивилизациянинг (ёки янги цивилизацияларнинг) шаклланишига бориб тақалади»[2]. Бу масала очиқ қолаётган бўлса-да, жамият ва биосферанинг ўзаро нисбатида кучайиб бораётган номутаносиблик инсон ва табиат феноменини

[1] Моисеев Н.Н. Современный антропогенез и цивилизационные разломы // Вопросы философии. 1995. № 1. – 4-б.

[2] Ўша ерда.

тушунишга нисбатан янгича ёндашувни талаб қилиши шак-шубҳасиздир.

И.Пригожин юзага келган вазиятни тавсифлар экан, шундай деб ёзади: «Янги кузатиш воситалари – изотоплардан сунъий йўлдошларгача – экологик тизимларнинг беқарорлигини бизга намойиш этди; айни пайтда ночизиқ динамика бизга бундай тизимларда юзага келиши мумкин бўлган флуктуациялар ва бифуркацияларнинг ўсишини назарий жиҳатдан тавсифлаш имконини берди. Экологик тизимларнинг беқарорлиги сабабларини ва сайёрамиз истиқболларини ўрганиш вазифаси биринчи ўринга чиқди. Маълумки, бир неча ўн минг йил муқаддам сайёрамизда оптимал иқлим ҳукм сурган, ҳатто Гоби чўлида ва Саҳрои Кабирда ҳам цивилизациялар мавжуд бўлган эди. Ҳеч бўлмаса ўша замонларни қайтариш ҳақида орзу қилиш мумкин-ку»[1]. Юқорида баён этилганлар табиатга янгича кўз билан қарашни ва инсоннинг ундаги ўрнига қайта баҳо беришни талаб қилади.

Табиий экологик тизимларда инсоннинг ўрни ва аҳамиятига қайта баҳо бериш аллақачон бошланган ва буни шу жумладан Л.Ферринг «Янги экологик тартиб» китоби ҳам тасдиқлайди. Ушбу китобда табиатга қадрият сифатида ёндашиш муаммолари муҳокама қилинади, бунда табиат ҳуқуқлари муаммоси биринчи ўринга қўйилади[2]. Ҳозирги замон экологиясида табиат ҳуқуқлари хусусида уч нуқтаи назар мавжуд.

Биринчи нуқтаи назарга кўра, *табиатнинг ҳеч қандай ҳуқуқлари йўқ, у бирон-бир ички қимматга эга эмас*. Табиатни асраш ва муҳоказа қилиш зарур, чунки у инсон мавжудлиги учун зарур бўлган муҳит ҳисобланади. Бу ерда инсон биринчи ўринда туради, табиат эса иккинчи даражали аҳамият касб этади. Фақат инсон ҳуқуқ субъекти ҳисобланади (фалсафа тилида бу инсон – бирдан-бир мақсад, деганидир). АҚШда мазкур нуқтаи назарни энвайронменталистик ёндашув деб атайдилар – табиат юридик

[1] Пригожин И. Новый союз науки и культуры // Курьер ЮНЕСКО. 1988. Июнь. – 11-б.

[2] Қаранг: Интервью Л. Ферри // Курьер ЮНЕСКО. 1993. Июнь.

мақомга эга бўлиши мумкин эмас ва у мустақил қимматга эга бўлган яхлит объект ҳисобланмайди.

Иккинчи нуқтаи назар *табиат муайян ҳуқуқларга эга эканлигини тан олади.* Утилитаристлар илгари сурган бу ёндашув ҳуқуқ эгалари қаторига лаззатланиш ёки азоб чекишга қодир бўлганларнинг барчасини киритади. Утилитаризм таълимотининг асосий тамойили Коинотда фаровонлик кенг миқёсда ҳукм суришига, азоб-уқубутлар эса мумкин қадар кам бўлишига эришишни назарда тутади. Бу ахлоқий ва юридик ҳуқуқлар доирасида ҳайвонларни ҳам киритишни тақозо қилади. Утилитаристлар мавқеи АқШда ва Австралияда айниқса кучли, уларнинг сони 120 млн.дан ортиқ, улар ҳайвонларни асраш ва уларнинг хавфсизлигини таъминлаш йўлида кураш олиб борадилар.

Учинчи нуқтаи назар гуманистик анъанада ҳукм сураётган тартибни ўзгартиришни талаб қилувчи «чуқур экология» тарафдорлари томонидан илгари сурилган. Одатда бу тартиб қуйидаги кўринишга эга: инсон – ҳайвон – ўсимликлар ва минераллар. *«Чуқур экологиячилар» бу борада бошқача тартибни таклиф қиладилар: биосфера (ёки Ер) – бутун тириклик – инсоният.* Бу ерда инсон мазкур тартибнинг салбий элементи сифатида намоён бўлади, зеро фақат у табиатни йўқ қилиб ташлаши мумкин. Айнан инсон зоти табиатга душманлик кўзи билан қарайди, айнан у табиатни ифослайди. «Чуқур экологиячилар» сафида файласуфлар Х.Йонас (АқШ) ва М.Серр (Франция) ҳам бор. Улар 1789 йилги «Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари декларацияси» билан асос солинган кишилар ўртасидаги ижтимоий шартномага зид ўлароқ табиат билан шартнома тузиш зарур, деб ҳисоблайдилар. Бу ерда эколог Ж.Лавлокни ҳам эслаш ўринли бўлади. У ўзининг «Гея» деб номланган китобида Ерни тирик мавжудот сифатида, биосферани эса бирдан-бир ҳуқуқ субъекти сифатида тавсифлайди. Унинг фикрига ўз китобига «Дарахт, ҳайвон, инсон» деган кичик сарлавҳа қўйган Л.Ферри ҳам қўшилади, зеро янги экологик тартиб биринчи даражали омилларнинг шундай кетма-кетлигини талаб қилади.

Ҳозирги вақтда биологик сиёсатни амалга ошириш масалаларига алоҳида эътибор берилмоқда. Бу масалаларни ечиш йўлидаги

ҳаракатларни мувофиқлаштириш учун **«Биологик сиёсат халқаро ташкилоти»** тузилган. Технологик тараққиёт жараёнини оқилона бошқариш биологик муҳитда уйғун мавжудлик ҳукм суришига олиб келиши мумкин. Бунга эришиш учун барча ижтимоий институтларни янги ғоялар – биологик сиёсат ғоялари билан бойитиш зарур. Инсон билимлари уфқи кенгайишидан фойда олиш учун энг аввало бу ғоялар таълим дастурларида мужассамлаштирилиши лозим. Технологик тараққиёт ҳозирги замон таълим тизимининг ўта ихтисослашувига олиб келди. XXI аср бошида университет талабаларида яхлит дунёқарашни шакллантириш зарур, бу эса устуворликлар ва қадриятларни янгидан белгилашни талаб қилади.

«Биологик сиёсат халқаро ташкилоти»нинг асосий вазифаси биосни ва уни асраш йўлларини яхшироқ тушунишга кўмаклашувчи қадриятларнинг «универсал» тўпламини яратишдан иборат[1]. Айнан турли илмий фанларда ва турли мамлакатларнинг илмий даврларида яратилган асосий тушунчалар, қадриятлар ва мўлжаллардан таркиб топтирилган тизим ҳаётнинг ҳар қандай кўринишларига ҳурмат ва табиий муҳитни асраш учун масъулият туйғуларини одамзот онгига сингдириш имкониятини бериши мумкин. Дунё ҳақида яхлит тасаввур биосни асраш учун муҳим бўлган ғоялар ва қадриятларнинг барчасини ўз ичига олган биологик тузилманинг глобал модели асосида ҳосил қилинади. Биологик сиёсат глобаллик билан тавсифланади – локал экологик ҳалокатлар чегараларни бир лаҳзада кесиб ўтади ва интернационал тус олади (бунга ишонч ҳосил қилиш учун Чернобиль АЭСдаги аварияни эслашнинг ўзи кифоя қилса керак). Таълимни ислоҳ қилиш антропоцентризмдан биоцентризмга ўтишни, технологияларга биологик баҳо бериш халқаро миқёсда қўлланишини назарда тутади. «Биологик сиёсат халқаро ташкилоти» асосчиси ва президенти А.Арванитис шундан келиб чиқиб инсоният биологик тур сифатида ягона эканлигини, жаҳон ҳамжамияти миллардлаб ҳужайралар ўзаро боғланган ва

[1] Қаранг: Локтионов Д.В. Биополитика и ее программные цели // Вопрсы философии. 1993. №7.

айни пайтда алоҳида хусусиятга эга бўлган ягона вужуд сифатида қаралиши лозимлигини таъкидлайди[1].

Биологик сиёсатни амалга оширишга нисбатан бундай ёндашув долзарб аҳамият касб этади, бироқ жаҳон ҳамжамияти яқинлашиб келаётган экологик инқироз хавфини ҳали тўла англаб етганича йўқ. Тўғри, бу йўлда муайян қадамлар ташланди – 1992 йилда Рио-де-Жанейрода ҳукуматлар даражасида экологик конгресс ташкил этилди, бироқ у, Н.Моисеев фикрига кўра, муайян иллюзиялар, шу жумладан барқарор тартибга солиш иллюзияси пайдо бўлишига олиб келди[2]. Бунинг ҳайрон бўладиган жойи йўқ, зеро мутахассислар орасида глобал экологик муаммо ва уни ечиш йўллари хусусида ягона нуқтаи назар ҳанузгача мавжуд эмас.

Айрим экологлар сайёрамиз биосферасини ўз-ўзини тартибга солувчи тизим деб ҳисоблайдилар. Буни Ж.Лавлокнинг «Гея даври: бизнинг тирик Еримиз биографияси» китобида баён этилган гипотезаси ҳам тасдиқлайди. Ушбу гипотезага мувофиқ *Ердаги ҳаёт эволюция жараёнида атроф муҳит шароитларига Дарвин назариясида кўрсатилганидек мослашиш билан бир вақтда, кимёвий элементларнинг инерт мажмуини ўз-ўзини тартибга солувчи улкан тирик организмга айлантирган*[3].

Мазкур гипотеза учун бошланғич асос бўлиб шак-шубҳасиз факт хизмат қилади – литосферанинг устки қатламида, сайёра гидросфераси ва атмосферасида улкан ўзгаришлар айнан жонли модда пайдо бўлиши натижасида юз берган. Миллиардлаб йиллар муқаддам кислородсиз муҳитда ўсимликлар қуёш энергиясидан фотосинтез йўли билан фойдалана бошлаганлар, бунинг қўшимча маҳсули ўлароқ кислород пайдо бўлган, ўсимликлар массасининг кўпайиши эса сон-саноқсиз янги биологик турлардан иборат атмосфера ҳосил бўлишига олиб келган. Шундан бери ўтган бир

---

[1] Ўша ерда. – 186-б.

[2] Қаранг: Моисеев Н.Н. Современный антропогенез и цивилизационные разломы // Вопросы философии. 1995. № 1. – 5-б.

[3] Қаранг: Каули Дж. Наша Земля – единая система // Америка. 1989. № 397.

неча юз миллион йиллар мобайнида қуёш энергиясидан фотосинтез йўли билан фойдаланувчи организмлар атмосферада кислород миқдорини ўзгармас даражада сақлаб келмоқдалар.

Жонли модда Ер иқлимига ҳам ўта самарали таъсир кўрсатади. Ж.Лавлок ва унинг ходимлари денгизда яшайдиган энг майда организмлар – планктонлар сайёрамиз температурасини тартибга солишда иштирок этишларининг далилларини келтирдилар. Бундай организмлардан айримлари диметилсульфид (ДМС) моддасини ишлаб чиқаради. Мазкур модда океанларда жамланади ва аста-секин атмосферага тарқалади. Ҳавода ДМС оксидланади ва булутлар ҳосил қилувчи сув буғларининг «конденсация ўзаклари» бўлиб хизмат қиладиган сульфат зарраларини ажратади. Бинобарин, планктон ишлаб чиқарадиган ДМС миқдори иссикликни қайтарувчи булутлар пардасининг зичлигига таъсир кўрсатади ва шу тариқа ер юзасининг температурасини тартибга солади. Биосфера жонли моддасининг барча жараёнларга (ёғингарчиликлардан тортиб океанлардаги сув шўрлигининг ўзгаришигача) таъсирини аксарият олимлар инкор этмаса-да, Ж.Лавлокнинг жонли организмлар ўзлари яшайдиган муҳитга таъсир кўрсатиш билан бир вақтда ўзлари учун оптимал шароитларни биргаликда қувватлайдилар, деган тезиси илмий давраларда қизғин баҳс-мунозараларга сабаб бўлди. Хўш, жонли организмлар глобал миқёсда зарурий натижаларга эришиш учун ўз шароитларини қандай қилиб мувофиқлаштиришлари мумкин? Ж.Лавлок сиртдан ўзига хос ва оқилона глобал тизими табиий танланиш жараёнида ўз-ўзидан вужудга келиши мумкинлигини компьютер ёрдамида кўрсатиб берди[1]. Гея фаол тизим ҳисобланади, у ўзини геологик давр мобайнида ўзининг барча кимёвий ва физик кўрсаткичларини оптималлаштирувчи ягона мураккаб жонли организм каби тутади. Ж.Лавлок гипотезаси бугунги кунда илмий анжуманларда қизғин муҳокама қилинмоқда; у ўзининг романтик хусусияти, бошқа гипотетик ғоялар билан боғланиши билан эътиборни тортади.

---

[1] Қаранг: Каули Дж. Наша Земля – единая система // Америка. 1989. № 397.. – 36-б.

Ж.Лавлок моделида ўта ранг-баранг экологик тизимлар айниқса барқарор ҳисобланади. «Менинг сайёрамда биологик турлар қанча кўп бўлса, у шунча барқарорлашади»[1], дейди олим. Гея гипотезаси табиатни муҳофаза қилиш тарафдорлари томонидан қабул қилинганлигига қарамай, Ж.Лавлокнинг ўзи табиий жараёнларга (Гея элементи ҳисобланадиган) инсоннинг аралашуви хусусида ташвиш билдиради. Дарҳақиқат, инсон ўз фаолияти жараёнида сайёрамиздан ўзинигина эмас, балки кўп сонли биологик турларни ҳам супуриб ташлаши мумкин. Масалан, Ерда температура оз миқдорда кўтарилиши ҳам инсоният ва бошқа кўплаб жонли организмлар учун ҳалокатли бўлиши мумкин. Маълумки, сайёрамизда мавжуд бўлган биологик турларнинг 99% бутунлай қирилиб кетган. Аммо юзага келган оғир экологик вазиятдан чиқиш йўли бор ва уни ретрогнозга асосланган прогноз тасдиқлайди. Инсониятнинг ўсиб бораётган техник имкониятлари унинг экологик маданияти билан янада кучлироқ тўқнашаётгани боис, Ернинг ва инсониятнинг ўтмишдаги ривожланиш қонуниятларини билиш асосида келажакни башорат қилиш ва таъсирчан чоралар кўриш мумкин. Инсоният тарихида бурилиш ясаган икки муҳим босқич қайд этилган: палеолит даврида амалга киритилган табу тизими биологик-ижтимоий қонунларнинг амал қилишини чеклаган ва homo sapiens ривожланиш жараёнини биологик йўналишдан ижтимоий йўналишга ўтказган, неолит даврида эса, экологик бўғиннинг кенгайиши натижасида инсоният ишлаб чиқарувчи хўжаликка ўтган. Бу қайта қуришлар натижасида инсон биологик эволюциясининг кескин сусайиши ва ҳозирги экологик бўғиннинг қарор топиши юз берган. Н.Моисеев инсоният тарихида учинчи бурилиш зарурлиги ҳақида шундай деб ёзади: «Инсоният учинчи улкан қайта қуриш бўсағасида турганига ишончим комил. Бошқача қилиб айтганда, бизни янги, кенгроқ экологик бўғинни топиш заруриятигина эмас, балки антропогенез жараёнини қайта қуриш, шу жумладан цивилизациянинг мазмунини, унинг мақсадларини, табиат билан ўзаро алоқаларини,

[1] Қаранг: Каули Дж. Наша Земля – единая система // Америка. 1989. № 397.

кишиларнинг ўзаро муносабатларини ўзгартириш кутмоқда»[1]. Бу эса экологик хулқ-атвор инсон онгининг теран қатламларига кириши ва унинг эволюцияси жараёнида янги босқични белгилаши, лўнда қилиб айтганда, инсон янги социум шароитида фаолият кўрсатаётган биологик тур сифатида намоён бўлиши лозимлигини англатади.

Инсон ва биосферанинг квант-тўлқинли алоқаси. Инсоният тарихи homo sapiens ўзининг билиш қобилиятларини энг аввало бу дунёда яшаб қолиш учун ривожлантиришини намойиш этади. Немис олими Г.Фольмер бу қобилиятлар биологик омиллар билан белгиланишини таъкидлайди: «Биологик белгиланган когнитив структуралар атроф муҳит билан (имконият даражасида) мувофиқ келади, чунки улар мазкур реал дунёга мослашиш жараёнида шаклланган. Тегишли равишда билиш эволюцион назарияси мияни энг аввало билиш органи сифатида эмас, балки яшаб қолишни таъминловчи орган сифатида тушунтиради»[2].

«Экологик бўғин»га (реал дунёнинг у идрок этиш ва ҳаракатланиш йўли билан ўзлаштириши мумкин бўлган муайян қисмига) мослашган организм каби, инсон дунёнинг маълум соҳасини англаб етади, ўз онгида гавдалантиради ва индентификация килади. У муайян ***«когнитив бўғин»да ёки «мезокосма»да*** яшайди. «Мезокосм – бу ўртача кенгликлар дунёси: ўртача масофалар, вақтлар, ўлчовлар, температуралар дунёси, кичик тезликлар, тезланишлар, кучлар дунёси, шунингдек мўътадил мураккаблик дунёсидир. Бизнинг билиш структураларимизни шу космос яратган, улар айни шу космосга мослаштирилган, унинг учун ва унинг ёрдамида танлаб олинган, унда синовдан ўтказилган ва ўзининг ишончлилигини намойиш этган»[3]. Мезокосм чегараси аниқ эмас, у турли индивидларда ҳар хил. *Мезокосм – бу реал дунёнинг бир бўлаги бўлиб, ундан ташқарида ўта кичик, ўта йирик ва ўта мураккаб тизимлар жойлашган.* Инсоннинг билиш аппарати

[1] Моисеев Н.Н. Современный антропогенез и цивилизационные разломы // Вопросы философии. 1995. № 1. – 9-б.

[2] Фольмер Г. По разные стороны мезокосма // Человек. 1993. № 2. – 7–8-б.

[3] Фольмер Г. По разные стороны мезокосма // Человек. 1993. № 2. – 8-б.

(сезги органлари, марказий нерв системаси ва мия) энг аввало шу мезокосм билан ўзаро алоқага киришади, бироқ инсон дунёни экспериментал ўрганиш ва назарий билиш йўли билан мезокосм чегарасидан ҳеч четга чиқади.

Номуайянлик, эҳтимоллик ва ночизиқлик билан тавсифланувчи квант-тўлқинли ҳодисалар дунёси ҳам мезокосмдан ташқарида жойлашган. Инсон бу дунёни турли гипотезаларни илгари суриш ва мажозлардан фойдаланиш йўли билан англаб етишга қодир. Биринчи бобда кўриб чиқилган «инсон – Коинот голограммаси» деган қоида ҳам ана шундай мажозий иборалардан бири ҳисобланади. Бу кенг эвристик имкониятларга эга бўлган қоидадир. Инсон муайян физик дунёда ҳаракат қилади. Бинобарин, бу дунёнинг хоссалари, теран қатламлари инсоннинг билиш ва амалий фаолияти шаклларига таъсир кўрсатмаслиги мумкин эмас. «Коинот – улкан голографик ва квант-механик тизим бўлса, инсон ва ҳайвонлар хулқ-атворини бошқарувчи руҳият квант-тўлқинли табиатга эга бўлган голография элементларини ўз ичига олиши лозим»[1], деб таъкидлайди И.Микляев.

Д.Бом ва К.Прибрам фикрига кўра, биологик тизимлар, сайёрамизнинг жонли моддаси ва атроф муҳит Ер яқинидаги ягона улкан «голограмма»га ўхшаб кетадиган ягона физик тизим сифатида тавсифланиши мумкин[2]. Бу «голографик» тизимда биологик структуралар, шу жумладан инсон, унинг руҳий функциялари Коинот миқёсидаги улкан «хотира»нинг таркибий қисмлари сифатида намоён бўлади. Мазкур ахборот майдонида биосферанинг жонли моддаси ўртасида алоқаларнинг янги йўллари очилиши мумкин. Бу ерда инсон ўз асабий-руҳий ва ижтимоий фаолияти билан алоҳида ўрин эгаллайди.

Юқорида баён этилган асосида олимлар В.П.Казначеев ва Л.П.Михайлова илгари сурган гипотезага кўра, инсоннинг образли

---

[1] Микляев И. Квазиоптика жизни. – Харьков, 1993. – 185-б.

[2] Қаранг: Bohm D. Quantum theory as an indication of new order in physics // Foundations Phys. 1971. – 139–168-б.; Pribram K. Problem concerning the structure of Consciousness // Consciousness and the Brain. – N.Y., 1976. – 83–120-б.

ва айниқса вербал фикрлаш услуби меҳнат фаолияти ва тўпланган тажриба маҳсули ҳисобланади, у коллектив ва индивидуал фаолиятни тартибга солади ва тегишли макон – ахборот муҳитини ташкиллаштириш жараёнини ўз ичига олади. Инсон организмидан ташқарида жойлашган ахборот майдони кишиларнинг бир-бири билан ва табиат, шу жумладан биосфера билан ўзаро алоқалари жараёнида ташкиллаштирилади. Ички муҳит (инсон организми) ҳам шундай ташкилий тузилишга эга бўлса керак. Лўнда қилиб айтганда, инсон организми мураккаб майдон тузилишига эга бўлади. Бу майдонда асосий ролни электромагнит майдон квантлари ёки биофотонлар ўйнайди. Айни пайтда мазкур майдон структураси инсон онгининг фаол соҳасига кирмайди[1].

Ушбу ёндашувда асосий эътибор руҳиятнинг ҳамда табиат (биосфера) ва инсон ўртасидаги алоқанинг квант-тўлқинли хусусиятига қаратилади. В.П.Казначеев ва унинг ходимлари узоқ йиллар мобайнида ўтказган тадқиқотлар жараёнида ҳужайраларараро дистанцион ўзаро алоқалар феномени аниқланди. Бу ўзаро алоқалар электромагнит информацион алоқа универсал хусусиятга эга эканлигидан, бунда тирик ҳужайраларда ахборот узатиш электромагнит каналидан кенг фойдаланилишидан далолат беради. Бир томондан, жонли система ўз тузилишининг муайян кўрсаткичлари ҳақидаги ахборотни муҳитга узатади, бошқа томондан эса – у ўз мавжудлиги ва ўзгармас номутаносиб ташқи муҳитни таъминлаш учун зарур бўлган информацион «излар»ни шу даражада изчил идрок этади.

Шу нақтаи назардан инсон жонли биологик тизим сифатида тафаккур тўлқинларининг алоҳида туркумини ўзида ифодаловчи хотирага эга бўлади. Бу хотира биосфера билан электромагнит канал орқали боғланади. Маълумки, биосферанинг ўзи ҳам хотирага («экологик тил»га) эга, унинг ранг-баранг компонентлари – турли хил ўсимликлар, ҳайвонлар, инсон ахборотни жамлайди ва ўзини

[1] Қаранг: Казначеев В.П., Михайлова Л.П. Биоинформационная функция естественных электромагнитных полей. – Новосибирск, 1985. – 186-б.

курилаган дунё манзарасини қайд этади. Электромагнит тўлқинлар дунё ҳақида бу ахборотни кодланган кўринишда биосфера доирасида тарқатадики, бу инсоннинг биосфера билан ўзаро алоқасини изоҳлайди.

В.Казначеевнинг экспериментал тадқиқотлари ва назарий қоидалари тирикликнинг энг аввало биологик тизимлардаги квант жараёнлари билан боғлиқ бўлган сирли хусусиятига ойдинлик киритиш имкониятини беради. Организмнинг ўсиши ва фаолият кўрсатиши, унинг бошқа организмлар билан алоқаси айнан ахборотни электромагнит квантлар билан кодлаш асосида амалга ошади. Ўсимликлар ва инсон ўртасидаги алоқа фактларини намойиш қилган психолого-ботаник экспериментлар айни шу натижалар билан изоҳланади. Улар энг аввало *нерв системасига эга бўлмаган ўсимлик инсоннинг нерв системасида юз бераётган жараёнларга ўз таъсирини кўрсатишидан* далолат беради[1]. Психолого-ботаник экспериментлар инсонда (ва ҳайвонларда) руҳият ва нерв системасининг генези ҳақидаги, улар ўсимликлар ҳужайраларининг ахборот тизимларидан келиб чиққани ҳақидаги фаразларни илгари суриш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Мазкур фаразлар таҳлили руҳиятни кодлаш ҳужайралар ва молекулалар даражасида эмас, балки янада теранроқ даражада юз беради, деган хулосага келиш имконини беради. «Шу муносабат билан информацион молекулаларнинг ички муҳити ёрдамида юз берувчи теран квант жараёнлари ғояси вужудга келади. Айнан шундай махсус психологик физика руҳий ҳодисаларни динамик кодлаш учун имконият яратади»[2].

«Инсон – ўсимлик» квант алоқасини ўрганишга бағишланган психолого-ботаник экспериментлар руҳият моддий асосининг ушбу субмолекуляр физик гипотезаси фойдасига гувоҳлик беради. Махсус физик тадқиқотлар мияга квант-механик ҳодисалар хос эканлигини намойиш этди. Бинобарин, тўлқинли жараёнлар таъсирида инсон

[1] Қаранг: Микляев И. Квазиоптика жизни. – Харьков, 1993. – 215–217-б.
[2] Ўша ерда.

мияси ўсимликлар билан ва умуман ҳар қандай биологик тизимлар билан узоқда туриб ўзаро алоқага киришади. Тирикликнинг бундай ялпи информацион бирлиги ўз вақтида В.И.Вернадский айтиб ўтган биосфера бирлигининг муқаррар шарти ҳисобланади.

Фанда мавжуд бўлган яна бир ўзига хос концепция инсон ва биосферанинг квант-тўлқинли алоқасидан келиб чиқади; бу **торсион майдон** концепциясидир. Унинг доирасида инсон мураккаб спинли тизимлардан бири сифатида қаралади. «Инсон кўламли-частотали торсион майдонининг мураккаблиги унинг организмидаги кимёвий моддаларнинг улкан тўплами ва уларнинг организмда тақсимланиши, шунингдек алмашинув жараёнида биокимёвий ўзгаришларнинг мураккаб динамикаси билан белгиланади. Ҳар бир инсон индивидуал торсион майдон манбаи (генератори) сифатида қаралиши мумкин»[1]. Унинг торсион майдони атроф муҳитда спинли қутблашув юз беришига сабаб бўлади, у муҳит ҳақидаги ахборотни ўзида акс эттиради ва кийимда ҳам, физик бўшлиқда ҳам ўз изини (спинли репликани) қолдиради.

Шу ўринда торсион майдон ва унинг хоссалари ҳақида қисқача тўхталиб ўтамиз. 1913 йилда таниқли олим Э.Картан фундаментал физик концепцияни таърифлади: *табиатда айланиш бурчак моментининг зичлигини шакллантирувчи майдонлар мавжуд бўлиши лозим*. 20-йилларда А.Эйнштейн ҳам ушбу концепцияга нисбатан ўз ёндашувини таклиф қилди; натижада 70-йилларга келиб физиканинг янги соҳаси – торсион майдонлар назариясининг бир қисмини ўзида ифодаловчи Эйнштейн-Картан назарияси вужудга келди. Ҳозирги тасаввурларга кўра, электромагнит майдонлар заряд таъсирида, гравитацион майдонлар – масса таъсирида, торсион майдонлар эса – спин ёки айланиш бурчак моменти таъсирида вужудга келади. Массага эга бўлган ҳар қандай объект гравитацион майдонни яратганидек, айланадиган ҳар қандай объект торсион майдонни яратади.

Торсион майдонлар бир қатор ноёб хоссалар билан тавсифланади. Улар ўз-ўзидан пайдо бўлиши ҳам, электромагнит майдонлар

[1] Акимов А.Б. Что нас ждет в торсионном поле? // Человек. 1994. № 5. – 43-б.

таъсирида вужудга келиши ҳам мумкин. Торсион нурланишлар ўта ўтувчанлиги билан ажралиб туради, яъни уларни табиий материаллар билан тўсиш мумкин эмас. Торсион тўлқинлар тезлиги ёруғлик тезлигидан бир неча баравар катта. Спинли қутблашган муҳитлар ва физик бўшлиқ торсион майдон таъсирида ўта барқарор спинли масофалар ҳосил қилади[1].

Торсион парадигманинг муҳим йўналишларидан бири ўз илдизлари билан космос тарихига бориб тақалувчи инсон ва биосферанинг бирлиги билан боғлиқ. Тадқиқотлар одамзот вакилларининг аксарияти ўнг торсион майдонга эга эканлигини кўрсатади (чап торсион майдон ҳар миллион кишидан бирида мавжуд). Фикрлаш актлари натижасида уларга йўлдош бўлган биокимёвий жараёнлар молекуляр структураларни пайдо қилади. Бу структуралар торсион майдон манбалари – спинли тизимлар ҳисобланади. Уларнинг кўламли-частотали структураси фикрлаш актларини аниқ акс эттиради. Ташқи торсион майдон таъсирида мияда айни шу майдоннинг кўламли-частотали структурасини такрорловчи спинли структуралар вужудга келади. Улар онг даражасида образлар ёки сезгилар сифатида ёинки муайян физиологик функцияларни бошқариш сигналлари сифатида акс этади. Шу нарса диққатга сазоворки, торсион майдон модели биологик тизимлар, шу жумладан инсон мияси ва космос тарихининг бирлиги қирраларидан бирини амалда қайд этади[2]. Умуман олганда торсион майдоннинг юқорида келтирилган модели улкан эвристик имкониятларга эга ва инсон билан биосферанинг квант-тўлқинли алоқасини англаб етишга кўмаклашувчи омиллардан бири ҳисобланади.

Геном голографик компьютер сифатида. Инсон танаси (ва руҳияти)нинг реал дунё, энг аввало биосфера билан фундаментал алоқаси Ердаги жонли модда тарихини ўзида акс эттирувчи ҳужайра орқали амалга ошади. Дарҳақиқат, инсон танаси кўп ҳужайрали

---

[1] Акимов А.Б. Что нас ждет в торсионном поле? // Человек. 1994. № 5. – 40-б.

[2] Қаранг: Самполинский Х. Статистическая механика нейронных сетей // Физика за рубежом. Сер. А.М. 1991.

организм ҳисобланади. «Ҳар қандай тирик ҳужайра унинг аждодлари миллард йил мобайнида ўтказган эксперимент тажрибасини ўзида мужассамлаштиради»[1]. Оқсиллар ва ДНК тирик ҳужайранинг муҳим таркибий элементлари ҳисобланади. Унинг «қўш спирали» қайноқ Коинотнинг совуши жараёнида вужудга келган, деб тахмин қилинади. Ҳозирги вақтда олимлар ДНКда шифрланган ахборотни ноллар ва бирлар кўринишидаги компьютер коди билан ифодалашга ҳаракат қилмоқдалар. «Информатиклар» иши биологларга ўрганилаётган объектларнинг моҳиятини англаб етиш ва янги алоқаларни топиш учун имконият яратади. Бу борада қўлга киритилган дастлабки ютуқлар энг мушкул вазифа – биологлар ва компьютер дастурларини яратувчилар ўртасидаги тафовутни қисқартириш ҳал этилишига умид қилиш имконини беради[2].

Яқин вақтгача геном организмнинг энг барқарор структураси ҳисобланади, зеро у ирсий аломатларни авлоддан-авлодга ўтказиш имконини беради, деган тасаввур ҳукм сурар эди. Аммо бу барқарорлик беқарорлик билан ажабтовур тарзда бирикиши аниқланди[3]. Геном организмнинг барча даражаларида ҳаракатчанлик билан тавсифланади. Шу пайтгача олинган маълумотлар ҳозирда умум эътироф этилган ДНКнинг моддий генетик хоссалари ҳақидаги тасаввурлар етарли эмаслигидан далолат беради. Шундан келиб чиқиб бир гуруҳ олимлар экспериментал иш асосида инсон геноми билан боғлиқ ҳодисаларни тушунтириш учун голография тамойилларидан фойдаланиш зарур, деган хулосага келадилар[4]. Кўп ҳужайралилар геноми ассоциатив-голографик хотирасининг назарий-биологик таҳлили унинг таъсирида ривожланаётган биологик тизимнинг макон ва вақти шаклланишини кўрсатади. Бунда голографик коднинг бирламчи субстати сифатида айнан

---

[1] На пути к теоретической биологии. – М., 1970. – 49-б.

[2] Қаранг: Эриксон Д. Разрезание генома // В мире науки. 1992. № 6. – 80-б.

[3] Қаранг: Хесин Р.Б. Непостоянство генома. – М., 1984.

[4] Қаранг: Гаряев П.П., Васильев А.А., Березин А.А. Геном как голографический компьютер // Гипотеза. 1991. №1. – 24–43-б.

хромосомалар олинади, зеро улар организм маконининг мерос бўлиб ўтадиган қисми – унинг биологик шаклини акс эттиради.

Хромосомали «голографик биокомпьютер» фаолиятининг умумий тамойилларини қуйидаги қоидалар билан ифодалаш мумкин:

- у морфогенезнинг майдон векторларини шакллантириш, биологик тизим синтезлаган морфологик структураларни уларнинг голографик образлари билан бирга таниб олиш, у ёки бу майдон структураларини шакллантириш тўғрисида қарор қабул қилиш каби режимларда фаолият кўрсатади;

- уни тартибга солиш икки томонлама алоқалар тизими ёрдамида амалга оширилади, мазкур алоқалар голографик панжараларнинг модификаторлари, репрессорлари ва депрессорлари билан ўтаашади, бунда модификаторлар, репрессорлар ва депрессорлар сифатида геномнинг турли ҳаракатчан элементлари амал қилиши мумкин;

- хромосомали голографик биокомпьютер фаолиятининг бошланиши ҳар қандай ҳужайрадан ўсиб етук организмга айланувчи тўқиманинг муайян «критик массаси» билан белгиланади;

- хромосомалар континууми хромосомали голографик биокомпьютернинг асосий структуравий-функционал субстрати сифатида бир-бирини истисно қилувчи икки жараён – муайян финал морфоструктураларни кодловчи статик голограммаларнинг тўпламларини ҳосил қилиш ва ривожланаётган биологик тизимни унинг динамик макони ва вақтини кодловчи динамик голограммалар реестрлари билан таъминлашни шакллантиради[1].

Айни шу қарама-қаршилик биологик тизимнинг ривожланишини ҳаракатлантирувчи кучлардан бири ҳисобланади. Бу ерда яна шуни ҳам эътиборга олиш лозимки, биологик тизимлар ривожланиш жараёнининг динамизми хромосомали голографик панжаралар инъикосларининг фракталлик хусусияти билан

[1] Қаранг: Гаряев П.П., Васильев А.А., Березин А.А. Геном как голографический компьютер // Гипотеза. 1991. №1. – 30–31-б.

боғлиқ: «Натижада биологик тизимнинг потенциал структурасини тавсифловчи майдонли образлар (фантомлар) тизими ҳосил бўлади. Бу олий биологик тизимлар турли диапазонларда когерент майдонларга эга эканлигини кўрсатади»[1]. Уларсиз хромосомали голографик биокомпьютер фаолият кўрсатиши мумкин эмас (бу инсонни модда ва майдоннинг органик бирлиги сифатида тушуниш фойдасига яна бир далил бўлиб хизмат қилади).

Геномнинг голографик модели (фантом эффекти билан бир қаторда) яна бир асос – ташқи космогелиофизик майдонларга эга. Бундай майдонлар бўлмаса, биологик тизимлар ўз фаолиятини тўхтатади. Масалан, юмшоқ рентген майдони кўп ҳужайрали биологик тизимлар морфогенезида муайян роль ўйнаши мумкин. Бу роль асосан биоголограмманинг ахборотни ўқиш функцияларида намоён бўлади. Агар хромосомали голографик биокомпьютер голограммалари ўқилмаса ёки тўғри ўқилмаса (биологик тизимнинг ички нурланишлари бунинг учун етарли бўлмаса), организм, тўқималар ва ҳужайралар ҳалок бўлади. Биологик тизимнинг ички ва ташқи майдонлари муайян синергизмда фаолият кўрсатади, деб ҳисоблаш мумкин. Ахборотни ўқиш майдонлар томонидан амалга оширилади (бунда улар ички ёки ташқи эканлиги аҳамиятга эга эмас), айни ҳолда геном-голограмма ёзиш юз берган частоталарни танлаб олувчи спектрал фильтр ролини ўйнайди. «Организм структурасига оид ахборотни ёзиш – ўқиш биологик тизим майдонларининг сигналлари тўпламида юз беради. Ушбу сигналлар биологик тизим билан ўзаро алоқага киришиш натижасида жонли модда субстратларининг топологик тилларига айланади ва шу тариқа ўз-ўзидан ташкил топувчи ички тизим шакл-шамойилини касб этади. Булар эпигенетик тиллардир. Генетик тил ДНК нуклеотидлари кетма-кетлигини ўзида ифодалайди. Хромосомаларнинг бошқа, шу жумладан голографик информацион кўрсаткичлари организмнинг эпигенетик тиллари тўплами ҳисобланади. Ирсиятнинг хромосомалар ва ДНК

[1] Қаранг: Гаряев П.П., Васильев А.А., Березин А.А. Геном как голографический компьютер // Гипотеза. 1991. №1. – 31-б.

сифатидаги моддий манбаларини тан оладиган бўлсак, уларнинг ДНК-субстратлар билан узвий бўлган тўлқинли кўринишлари мавжудлигини ҳам тан олишга мажбурмиз»[1]. Туғма хоссаларнинг ўтишида майдон ҳодисалари авлодлар алмашувида организмларнинг барқарорлиги хусусиятларини тушунтириш имконини беради.

Хромосомалардан ўқиладиган ва хромосомаларга ёзиладиган майдонли тузилмалар биологик тизимлар ўз-ўзидан ташкил топиш жараёнининг асосий элементлари ҳисобланади. Бу элементлар ДНК ва бошқа ҳужайрали компонентларнинг алоҳида тебраниш ва квант-механик хоссаларига боғлиқ бўлади. Мазкур тебранишларнинг хусусияти уларнинг когерентлиги билан белгиланадики, бу организмда лазерсимон жараёнлар мавжудлигини англатади. Бошқача қилиб айтганда, биологик тизимлар ўз лазерларига эга бўлади. Ушбу лазерларнинг майдондаги ҳаракатлари ***«фантом эффекти»***да намоён бўлади. Биологик тизимларнинг когерент майдонлари амалда интерферланмаслиги мумкин эмас ва бу, умуман олганда, голографик жараён ҳисобланади. Улар ўзларини яратган, организмнинг кўп даражали структураси ҳақида ахборот берадиган биологик тизим билан ўзаро алоқага киришиши ва бу ахборотдан олий биологик тизимларнинг ўз-ўзидан ташкил топиш жараёнларида фойдаланиши муқаррардир.

Айни пайтда биологик тизимнинг майдонлари ҳақидаги тасаввурни уларнинг биологик функциялари нуқтаи назаридан мутлақлаштириш ҳам ярамайди: «Чигирткалар, балиқлар, қуртларнинг ялтираши, қушларнинг сайраши, ниҳоят, инсоннинг сўзлаши – биологик тизимларнинг бу физик майдонлари биоголография доирасига сиғмайди. Инсон, ҳайвонлар, ўсимликларнинг ўз майдонлари ёрдамида ўзини ўзи бошқариш механизмлари кенгроқ ва майдон-символлар, майдон-белгилар структураларининг плюрализмини ўз ичига оладики, уларда голографик майдонлар бутуннинг бир қисми ҳисобланади, холос»[2]. Бу биз таҳлил қилаётган муаммолар контекстида «инсон – Коинот

[1] Гаряев П.П., Васильев А.А., Березин А.А. Геном как голографический компьютер // Гипотеза. 1991. №1. – 41–42-б.

[2] Journal Theor. Biol. 1988. № 32. – 121–124-б.

голограммаси» деган тасаввур маълум даражада мажозий ҳисобланишини англатади.

Шу нуқтаи назардан генетик коднинг ўзлаштирилган, сунъий, экзобиологик симметриялари ҳам диққатга сазовордир. Экзобиологик ахборотнинг асосий қисми геномнинг спейсерли, интрон ва мобил соҳаларида жамланади. Айни пайтда унда ўз дастурларига эга бўлган хромосомали голографик биокомпьютер мавжудлиги ҳам тахмин қилинади. Экзобиологик ахборот жонли модда эволюция жараёнининг аввалида абиоген шаклланган полимерга ДНК ва РНКни киритган бўлиши, у авлоддан-авлодга ўтувчи ахборотни шакллантириши ҳам эҳтимолдан холи эмас.

Биологик тизимларнинг ривожланиш жараёни фракталлик, яъни ўз-ўзига ўхшашлик, ўз-ўзини такрорлаш хусусияти билан ҳам тавсифланади. Ўз вақтида Г.Лейбниц ўзининг монадалар ҳақидаги таълимотида амалда фракталлар тўғрисида мулоҳаза юритган эди. Унинг «Монадология» асарида қуйидаги сўзларни ўқиш мумкин: «...материянинг энг кичик қисмида мавжудотлар, тирик жонзотлар, ҳайвонлар, энтелехиялар, жонларнинг бутун бир дунёси мавжуд... Материянинг ҳар қандай қисмини ўсимликларга тўла боғ ва балиқларга тўла кўл сифатида тасаввур қилиш мумкин. Аммо ўсимликнинг ҳар бир новдаси, ҳайвоннинг ҳар бир аъзоси, унинг шарбатлари ҳар бир томчиси ҳам айни шундай боғ ёки шундай кўлдир»[1]. У яратган метафизика замирида айни шу тамойил ётади. Бу метафизикада монада микрокосм (Коинотнинг жажжи кўриниши) ҳисобланади.

Фан Лейбницга эргашгани йўқ, у ўлчамларнинг ҳар бир шкаласи ўз чегарасига эга бўлган атомизм таълимотини танлади. Эндиликда эса фрактал ёндашув илмий тадқиқотларда тобора кенг қўлланилмоқда. Фрактал тушунчасидан математика ўз билимларини табиатшуносликка татбиқ қилишда самарали фойдаланмоқда. «Фрактал математик тушунчаси турли хил кўламга эга бўлган структуралардан иборат объектларни ажратади ва шу тариқа ташкил қилиш

[1] Лейбниц Г.В. Сочинения. – М., 1982. Т.1. – 425-б.

иерархиявий тамойилини акс эттиради. Мазкур тушунча замирида воқеликни идеаллаштириш ётади: фрактал объектлар ўз-ўзига ўхшашдир... Бу идеаллаштириш... табиатга берилган математик тавсифнинг теранлик даражасини сезиларли даражада оширади»[1]. Фрактал – кўлам чексиз даражада ўзгарганда ҳам ўз-ўзига ўхшашликни сақлаб қолувчи ночизиқ структура. Бу ерда сақланиб қолувчи ночизиқлик хусусияти биринчи даражали аҳамият касб этади; фракталлар дунёга ва инсонга янгича ёндашиш имкониятини беради. Шу нуқтаи назардан «инсон – Коинот голограммаси» мажозий ибораси реал дунёнинг муайян жиҳатини ифодалайди. Коинот ночизиқдир, монада сифатида инсон ҳам голографик компьютер сифатидаги геном «ўрнатилган» ночизиқ биологик тизимни ўзида ифодалайди. Бу инсоннинг жисмоний оламига биотехнология усуллари билан аралашишга ҳам бошқача кўз билан қараш имконини беради.

Ген технологияси ва инсоннинг жисмоний олами. Ҳозирги замон одами феноменини тушунишда биологик фанлар тизими асосида вужудга келган ген технологияси (ёки ген инженерияси) анча катта роль ўйнайди. У инсоннинг жисмоний оламини ўзгартиришга, генетик материал билан манипуляцияларни амалга оширишга қасд қиладики, бу атом ва ядро энергиясини ишга солишдан ҳам самаралироқ бўлиши мумкин. Эндиликда ген инженерияси келажакнинг бутунлай янги, энг муҳим технологияси сифатида қаралади. Бунда ген инженерияси деганда тирик организмларнинг ирсий материалини изчил ўзгартириш тушунилади. Айни ҳолда гап фақат генлар алмашинуви ҳақида ёки янги генларни киритиш ҳақида бориши мумкин (бу организм илгари маълум бўлган ва онгли равишда киритилган янги хусусиятларни касб этишини англатади)[2]. Ген технологиясининг фундаментал тадқиқотларда билимлар олиш методи сифатида ривожланиши юз беради, у табиат ва инсонга изчил таъсир кўрсатишнинг мустақил кучига айланади.

---

[1] Пайтген Х.-О., Рихтер П.Х. Красота фракталов. – М., 1993.

[2] Қаранг: Die Herstellung der Natur. Bonn., 1985. – 146-б.

Ген технологияси ривожланишининг ижтимоий-мадани оқибатлари ҳақида мулоҳаза юритганда илмий-техника тараққи ётини башорат қилиш муаммоси билан ҳисоблашиш зарур. Фаннин неопозитивистик талқинида (Поппер, Кун ва бошқалар) фаннин бўлғуси натижалари башорат қилиб бўлмайдиган ҳодисала сифатида қаралади, бироқ улар фан (ва техника) тараққиётин белгилайди. Бу фикр ген технологиясига ҳам тегишли, бироқ унин қўлланиш соҳаларини баҳолаш имконияти мавжуд. Шу маънода ге технологияси «бошқа фанларга қараганда яхшироқ прогнозланиш мумкин бўлган фан»[1] сифатида тавсифланиши мумкин ва инсоннин жисмоний оламига ген инженерияси методларининг кириши била боғлиқ муаммолар мажмуини ўрганишда буни эътиборга олиш зарур.

Ген технологияси инсоният қаршисида мисли кўрилмага имкониятларни очади. Хусусан, у тиббиётнинг таъсирчанли даражасини кучайтиради (гормонал препаратлар, ферментлар моноклонал аксилжисмлар ва ҳоказоларни олиш имкониятин беради), оқсил ишлаб чиқариш, атроф муҳитни муҳофаза қилиш учун янги имкониятлар яратади (саноат чиқиндиларини микроор ганизмлар ёрдамида зарарсизлантириш ва ш.к.). Яқин келажакд ген инженерияси олдиндан берилган янги хусусиятларга эг бўлган ўсимликлар ва ҳайвонларни олиш имкониятини берадики бу инсон учун улкан аҳамият касб этади. Ген технологиясинин инсон табиатига аралашуви эса унга туғма нуқсонлар, бепуштли ва ҳоказолардан халос бўлиш имконини беради.

Аммо ген технологияси яратадиган имкониятлар икки ёқлам хусусиятга эга. Улкан илмий ва иқтисодий имкониятлар яратиш билан бир қаторда у инсон ва инсониятга потенциал таҳдид солади Шу туфайли ҳам илмий давралар ген технологияси соҳасида иш олиб боришда эҳтиёт чораларини кўришни, хусусан янги яратилга организмларни лабораториядан чиқармаслик имконини берувч биологик ва физик тўсиқлар яратишни талаб қилади. Бундан ташқари

[1] Қаранг: Die Herstellung der Natur. Bonn., 1985. – 15-б.

мазкур соҳада илмий тадқиқотларни фақат хавфсизлик тўғрисидаги кўрсатмалар ва йўл-йўриқларга риоя этган ҳолда ўтказиш тавсия этилади (бундай йўриқномалар 1976 йил АқШ ва Буюк Британияда, 1978 йил – ГФРда эълон қилинган). Бироқ бу йўриқномалар қонун кучини касб этгани йўқ ва айни ҳол ГФРда баҳс-мунозараларга сабаб бўлди; ген технологияси хавфидан ҳимоя қилиш тўғрисида қонун қабул қилиш йўлидаги уринишлар самара бермади. Ген технологиясидан фойдаланиш умидида иқтисодий ва бошқа манфаатлар билан бирлашган манфаатдор шахслар (тадбиркорлар, саноат корчалонлари, илмий ходимлар)нинг гуруҳлари ташкил этилмоқда. Ген технологиясининг қўлланиш соҳасида кўнгилсиз оқибатлар хавфи кучаймоқда (бунга Япониядаги илмий лабораторияларнинг биридан ген инженерияси методлари билан ўтказилаётган тадқиқотларнинг объектлари бўлган балиқлар океанга чиқиб кетгани мисол бўлиши мумкин). Ген технологиясининг ривожланиши устидан давлат назоратини ўрнатиш билан бир қаторда, «ген технологиясини жамоатчилик томонидан бошқариш»ни[1] ташкил этиш ва ривожлантириш зарур, чунки бозор иқтисодиёти механизми унга фақат даромаддорлик нуқтаи назаридан баҳо беради, унинг жамият ва инсон учун оқибатларини эса ҳатто хаёлига ҳам келтирмайди.

Технологияларнинг оқибатларига баҳо бериш концепцияси АҚШда ўтган асрнинг 60-йилларидан ривожлана бошлади. Бундай баҳо бериш деганда «технологиядан фойдаланишнинг барча иқтисодий, ижтимоий ва экологик кўнгилсиз оқибатларини аниқлаш, идентификация ва таҳлил қилиш»ни тушунадилар[2]. Баҳо беришдан мақсад – технологияни сиёсат ёрдамида муаммони очиқ муҳокама қилиш орқали оқилоналаштириш. Бунинг учун ГФРда «Ген технологиясининг имкониятлари ва хавфи» масаласи бўйича Комиссия тузилган. Бу фаннинг янги тармоғини парламент асосида демократик бошқаришни ташкил этиш йўлидаги илк уринишлардан бири ҳисобланади. Мазкур комиссиянинг вазифалари қуйидаги-

[1] Қаранг: Die Herstellung der Natur. Bonn., 1985. – 39-б.
[2] Ўша ерда.

лардир: илмий манфаатлар эркинлиги ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ўртасида чиқиши мумкин бўлган конфликтларни ўрганиш; ген технологиясининг янги методларини инсонга қўллаш имконияти чегарасини белгилаш учун мезонларни, мазкур технологиядан саноатда фойдаланишда риоя этилиши лозим бўлган йўриқномалар ва хавфсизлик қоидаларини ишлаб чиқиш; ген технологияси соҳасида илмий тадқиқотларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ҳажмларини белгилаш.

Ген технологияси инсонга табиий муҳитни изчиллик билан ва жадал суръатларда ўзгартириш имкониятини беради (табиатга бунинг учун миллионлаб йиллар талаб этилади). Микроэлектроникада биринчи ўринга **«инсон – машина»** муаммоси қўйилса, ген технологиясида **«инсон – инсон»** муаммоси биринчи даражали аҳамият касб этади. Инсон ўз ҳокимиятини табиат ва техника билан муомалада бўлишнинг янгича ахлоқига мувофиқ тасарруф эта ʻоладими? Ген инженерияси индустриал жамият муаммоларини ечишга қодирми? У инсониятни жар ёқасига олиб келиб қўйгани йўқми? Бу саволлар биолог олим Х.Б.Нордхофнинг диққат марказида туради; у таърифлаган ўн тезис қуйидагича янграйди:

биринчидан, ген технологияси – универсал восита эмас, балки биотехнология, ҳужайралар биологияси ва генетикада қўлланилиши мумкин бўлган метод;

иккинчидан, ген технологияси ёрдамида инсоният табиатни ўзлаштириш учун унинг сирлари тагига етиши мумкин;

учинчидан, бу билимлар келажакда инсон ирсияти асосларини яхшилаш имконини беради;

тўртинчидан, улар энергия ва иш вақтини тежаши, касалликларни енгиши, лўнда қилиб айтганда, биотехнологияларни амалга кенг татбиқ этиш индустриал жамиятнинг инсонпарварлашуви омили сифатида майдонга чиқиши мумкин;

бешинчидан, бу имкониятлардан фақат ген технологияси ёрдамида олинган билимларнинг тиббий, экологик, сиёсий ва ижтимоий билимлар билан ўзаро нисбати аниқланганидан кейин фойдаланилиши мумкин, айни пайтда ген технологиясини амалга

жорий этиш яшаш шароитларини яхшилаш концепциясига мувофиқ бўлиши талаб этилади;

олтинчидан, ген технологиясининг тури ва қўлланиш соҳаси бўлғуси сиёсий ва жамоатчилик ўртасидаги мунозаралар жараёнида аниқланади;

еттинчидан, ген технологиясида янги билимнинг пайдо бўлиш тезлиги ортади ва бундан унинг самаралилиги келиб чиқади;

саккизинчидан, биологик билимнинг ўсиши у билан суиистеъмол қилиш ҳолларига олиб келиши мумкин эмас;

тўққизинчидан, янги билим инсон устидан генетик назорат ўрнатиш учун янги имкониятлар очади, бироқ «нуқсонли» генлар сифатидаги балласт ҳажмлари ҳақидаги билим ижтимоий ва касбий камситишларга, оғир руҳий окибатларга олиб келиши мумкин;

ўнинчидан, ген технологиясига нисбатан икки хил нуқтаи назар пайдо бўлди – бу ерда скептик муносабат мунозараларда иштирок этган озчиликка, оптимистик муносабат эса – кўпчиликка тегишли[1].

Кўпгина мутахассислар фикрига кўра, биотехнологиянинг қўлланиши сўнгги йилларда айниқса ривожланган мамлакатларда яхши самара бераётир. Бироқ, шунга қарамай, ген технологияси ахлоқий муаммоларининг долзарблик даражаси ошиб бормоқда. Ушбу муаммолар (улар жамулжам ҳолда фанда янги йўналиш – биоэтикани ҳосил қилади) миллий муассасаларда ва ноҳукумат ташкилотларида муҳокама қилинмоқда. Бу ерда илмий-техника тараққиёти ва ахлоқ нормалари ўртасида тўқнашув айниқса бўртиб намоён бўлади. Ф.Сарагоса бу хусусда шундай деб ёзади: «Фан билан виждон, техника билан ахлоқ ўртасидаги тўқнашув ҳеч қачон ҳозиргидек кенг тус олмаган, бутун дунёга таҳдидга айланмаган эди. Молекуляр генетика ва ядро энергияси – сон-саноқсиз мисоллардан иккитаси – одамлар ҳукмига биноан мўъжиза яратиши ҳам, ҳалокатга сабаб бўлиши ҳам мумкин. Ҳамма гап илмий билимлардан қандай фойдаланилишида»[2].

---

[1] Қаранг: Die Herstellung der Natur. Bonn., 1985. – 79–80-б.

[2] Сарагоса Ф.М. На пути к новой этике // Курьер ЮНЕСКО. 1988. Июнь. – 4-б.

Биоэтиканинг аҳамияти инсоннинг генетик харитасини яратиш имкониятини берувчи «инсон геноми» лойиҳасининг ишлаб чиқилиши билан ҳам белгиланади. «Инсон геноми харитасини яратишдан улкан мақсадлар кўзланаётир, – деб таъкидлайди Ф.Майор. – Инсоннинг ўзи илк бор авайлаб асраш зарур бўлган бутунжаҳон меросининг бир қисми сифатида қаралади»[1]. Биология ва ген технологияси соҳасидаги тадқиқотлар бундай фикр-мулоҳазалар учун асос беради. Ҳозирги вақтда Дарвин ғояси ва ДНК асосидаги ирсият концепциясининг бирикмасини ўзида ифодаловчи эволюция синтетик назариясини ривожлантиришга эътибор қаратилмоқда. Акс ҳолда биологияда ва умуман фанда мия фаолияти ва унинг идрок этиш, хотира, эмоциялар ва ўзликни англаш каби қобилиятлари билан боғлиқ бўлган йирик муаммоларни ечиш мумкин эмас. Мазкур «тутқич бермас нерв феноменлари»ни белгиловчи физик механизмлар охир-оқибат ёритиб берилишига кўпгина олимлар, шу жумладан Ф.Крик (ДНК структурасини кашф қилганлардан бири)нинг ишончи комил[2].

Шуни қайд этиш лозимки, биологик тадқиқотларни ген технологияси методлари ёрдамида ривожлантириш жараёнлари биохимиклар дарвинча эволюцияни молекуляр даражада амалга оширишларига олиб келди. Дарвин назарияси табиатда кузатиладиган эволюция билан мувофиқ келади; ҳозирги вақтда олимлар эволюция жараёнини лабораторияда макромолекулалар билан ўтказилаётган тадқиқотлар жараёнида гавдалантиришга ҳаракат қилмоқдалар. Бу турдаги экспериментлар мақбул хоссаларга эга бўлган молекулаларни олиш имконини беради. Дарвин назариясига мувофиқ, эволюция муттасил такрорланувчи жараёнлар – танланиш, амплификация ва мутация билан ўзаро алоқада амалга ошади. Амплификация – мерос бўлиб ўтган генлардан нусха кўчириш демак; табиатда у танланиш билан боғлиқ: организмлар

---

[1] Майор Ф. Комментарий ЮНЕСКО и геном человека // Курьер ЮНЕСКО. 1993. Июнь. – 47-б.

[2] Қаранг: Хорган Дж. Рубежи современной науки // В мире науки 1993. № 2-3. – 9-б.

насл қолдириш учун ўзига жуфт танлайди ва ушбу жараён ота-она гени уларнинг авлодларига ўтишига олиб келади.

Олимлар энди молекуляр эволюция билан лаборатория шароитида шуғулланмоқдалар. «Табиий эволюциядан фарқли ўлароқ, лабораториядаги эволюцияни қўл билан ушлаб кўриш мумкин, - деб ёзади Ж.Жойс. – Рекомбинатив ДНК технологияси асосидаги замонавий методлар тўлиқ нуклеотид кетма-кетликни аниқлаш ва каталитик хоссаларни аниқ баҳолаш учун ҳар қандай авлоддан индивидуал молекулаларни ажратиш имконини беради. Молекуляр эволюция жараёнини тўлиқ реконструкция қилиш мумкин. Ҳатто эволюция тарихининг исталган лаҳзасида орқага қайтиш ва танланишнинг аввалги ёки янги мезонларидан фойдаланиб, жараённи қайтадан бошлаш мумкин»[1].

Гарчи дарвинча эволюция (селектив амплификация стратегик такрорланувчи рандомизация билан уйғунликда) ҳозирча фақат ДНК ва РНК билан амалга оширилаётган бўлса-да, оқсиллар ва бошқа хил макромолекулаларнинг йўналтирилган эволюциясини таъминловчи тизимларни яратиш устида олиб борилаётган ишлар охирига етиб колди. «Йўналтирилган эволюция биохимикларга табиат билан унинг коидаларига мувофиқ ўйнаш усулини беради. Лабораторияда яратилган янги молекулалар табиий молекулалар билан ўзига хос тарзда боғланиши мумкин»[2]. Янги катализаторларни ишлаб чиқиш йўналтирилган эволюцияни қўллаш мўлжалланаётган муҳим соҳалардан биридир. Бу ерда макромолекулаларнинг ўз репликациясини катализация қилиш қобилияти айниқса диққатга сазовор; бундай макромолекулалар эволюцияси ўз-ўзини қувватловчи бўлиши лозим. Маълумки, айни шу хосса эгалари сайёрамиздаги ҳаётга асос солган. «Ўз-ўзини қувватловчи молекулалар биокимёвий нуқтаи назардан тирик молекулалар ҳисобланади. Даставвал ҳаётни имитация қилишга уринишдан бошқа нарса

[1] Қаранг: Хорган Дж. Рубежи современной науки // В мире науки 1993. № 2-3. – 39-40-б.

[2] Қаранг: Хорган Дж. Рубежи современной науки // В мире науки 1993. № 2-3. – 40-б.

бўлмаган йўналтирилган эволюция уни янгидан кашф қилиш усулига айланиши ҳеч гап эмас»[1]. Агар бу прогноз амалга ошса, ҳар қандай организмни, шу жумладан инсон организмини ҳам лабораторияда яратиш имконияти пайдо бўлади.

Инсон ген технологиясидан фойдаланишнинг ижтимоий-маданий оқибатлари, айниқса инсон табиатига аралашишнинг ижобий ва салбий жиҳатлари ҳозирги замон фалсафий тафаккурининг долзарб муаммоларидан бирига айлангани тасодифий бир ҳол эмас. Ахир инсон маънавий ва жисмоний омиллар бирлигини ўзида ифодалайди, организм инсон шахсиятининг асоси ҳисобланади. Айни шу сабабли инсоннинг жисмоний оламига ген технологиясининг аралашуви муаммосини ўрганишда қуйидаги қоидаларни эътиборга олиш талаб этилади:

- генетик материал билан манипуляция қилиш ҳоллари инсоннинг қудратини ва айни пайтда унинг ожизлигини намойиш қилади;

- инсон биоэволюцияси суръатларини ген технологияси методлари ёрдамида сезиларли даражада жадаллаштириш инсониятнинг ривожланишида туб ўзгаришлар юз беришига олиб келади;

- инсон табиатини ўзгартириш натижалари улар қайси ахлоқ тизимида амалга оширилишига боглиқ бўлади, яъни ахлоқий кодексларнинг кўп сонлилиги омили ҳисобга олиниши лозим;

- инсон табиатини ўзгартириш масалаларига ноархимед вақти концепциясига мувофиқ ёндашиш талаб этилади (бу ерда вақт модели тартибга солинган ва тартибсиз тўпламлардан таркиб топади), бу эса «пост-гомо» пайдо бўлиши мумкин, деган хулосага келиш имконини беради;

- ген технологиясининг ижтимоий-маданий оқибатларини диалектиканинг уч элементлилиги ғоясидан келиб чиқиб прогноз қилиш зарур;

- инсоннинг ахлоқий хулқ-атвори фаннинг кичик тармоғини ўзида ифодаловчи технология этикаси (биоэтика) билан ҳам белгиланади;

---

[1] Джойс Дж.Ф. Направленная молекулярная эволюция // В мире науки. № 2-3. – 39-б.

- инсониятнинг биосфера функцияси ва жамиятнинг экологик масъулияти асосида классик талқиндаги инсонийлик тамойилини бутун тирикликнинг ўзига тўқлиги ҳақидаги ғоя билан тўлдириш зарур.

Шу нуқтаи назардан олиб қараганда, биолог А.Олескин: «Сунъий биотехнология тирикликнинг табиий «конструкторлик фаолияти», табиий биотехнология билан мувофиқ ҳолатга келтирилиши лозим... Биотехнология доирасида инсонийлик жонли табиат ёрдамчиси вазифасини инсон ўз зиммасига олишини англатади»[1], деганида, бизнингча, тўла ҳақ эди. Бошқача қилиб айтганда, бу ерда гап биотехнология (ва ген технологияси)нинг «юмшоқ» методлари ҳақида боради. Бугунги кунда Осиё, Европа ва Американинг турли мамлакатларида ген технологияси муаммоларини (қадимги Шарк тафаккурида яратилган) мазкур технологиянинг оғир вазифаларини табиий-илмий ва гуманитар ёндашувларни бирлаштириш йўли билан ҳал қилувчи фанлараро ижодий жамоа ғояси асосида ўрганишга ҳаракат қилмоқдалар. Фақат шундагина инсоннинг жисмоний оламига ген технологиясининг аралашуви муаммосининг оқилона ечимини топиш ва бу билан боғлиқ масалалар тўпламини ечиш мумкин.

Гўзаллик туйғусининг биологик асослари. XXI аср бошида инсон феноменини тушунишда гўзаллик туйғусининг биологик асосларини аниқлаш биринчи даражали аҳамият касб этади. Зотан гўзаллик туйғусисиз инсон сўзнинг том маъносида инсон бўлиши мумкин эмас. Ҳозирда юз бераётган ахборот инқилоби шароитида мазкур муаммо алоҳида долзарб аҳамият касб этади, зеро янги ахборот технологиялари эстетик тасаввурлар тарихига, индивиднинг ижодий имкониятларини ривожлантириш масалаларига бошқача кўз билан қарашга мажбур этади. Шу жумладан гўзалликни ҳам ўрганувчи эстетиканинг ижтимоий ва тирихий жиҳатлари анча муфассал тавсифланган ва тадқиқ этилган. Аммо муаммонинг эволюцион-биологик томони кам ёритилган, зеро: «Нима учун

[1] Олескин А.В. Голограмма мира // Человек. 1990. № 3. – 38-б.

табиий танланиш гўзаллик туйғусини ривожлантирган?», деган саволга тўлиқ жавоб ҳали олинганича йўқ. Таниқли генетик олим В.П.Эфроимсон бу муаммога эволюцион-генетик нуқтаи назардан ёндашар экан, шундай деб ёзади: «Муаммонинг ушбу томони мавжудми? Ўз-ўзидан равшанки, бизнинг Нефертити боши, Гомер гекзаметрлари, Софокл ва Эсхилл драмалари, Исландия халқ достонларидан махсус тайёргарликсиз ҳайратланиш қобилиятимиз *вақт, тарих ва синфийлик мезонларига бўйсунмайдиган, лўнда қилиб айтганда умуминсоний аҳамиятга молик эстетика омили мавжудлигидан дарак беради*»[1].

Ҳозирги вақтда инсон табиатини англаб етиш жараёнида эстетиканинг айни шу умуминсоний омили ёки гўзаллик туйғусининг биологик асослари биринчи даражали аҳамият касб этмоқда. Америкада нашр этиладиган "Scientific observer" журнали 1995 йилнинг баҳорида «Компьютер Мауглиси» деб номланган экспериментнинг катта шов-шувга сабаб бўлган натижаларини эълон қилди. Ушбу эксперимент ғояси янги эмас – у ўтган асрнинг 30-йилларида фантаст ёзувчи А.Беляевнинг «Профессор Дуэлнинг боши» романида илгари сурилган эди. ғоянинг моҳияти анча содда: инсон миясидан унинг ўлимидан кейин фойдаланиш. Машҳур фантаст ёзувчи ва мутафаккир С.Лемнинг «Технологиялар йиғиндиси» деб номланган фалсафий асарида ҳам гап мазкур ғояни рўёбга чиқариш ҳақида боради. Хусусан, бу ерда янги ахборот технологиялари воситасида шахснинг ички дунёсини тўлиқ «ёзиб олиш» ва электрон «жаннат»да унинг «умрбокийлиги»ни таъминлаш имкониятлари ҳақида баҳс юритилади[2]. «Компьютер Мауглиси» деб номланган эксперимент доирасида америкалик олимлар ўлимга маҳкум бўлган чақалоқ Сиднинг миясини кластерлардан, яъни АқШдаги барча персонал компьютерлар тармоғидан таркиб топган суперкомпьютерга киритдилар ва унинг ривожланиш жараёнини уч йил мобайнида ўргандилар.

Инсон мияси Коинотдаги энг мураккаб тузилма ҳисобланади; у юз миллиардга яқин нейронлардан иборат[3]. Баъзан инсон мияси

---

[1] Эфроимсон В.П. Генетика этики и эстетики. – СПб., 1995. – 107-б.

[2] Lem S. Summa technologiae. – Lublin, 1984.

[3] Қаранг: Мозг. – М., 1984. – 10-б.

ҳар секундда 10 млрд.тагача ҳисоблаш амалларини бажарувчи ҳисоблаш-ечиш мосламаси сифатида қаралади. Америкалик тадқиқотчилар мия электрик потенциалларининг тахминан 60% ни ментал сканерлаш йўли билан олдилар, уларни рақамлар билан кодладилар ва виртуал кластерли компьютерга киритдилар. Шу тарика Сиднинг моделлаштирилган мияси «компьютер Мауглиси»га айланди ва ўз ҳаётини касб этди. Боланинг ота-онаси уни тан олдилар ва мультимедиа системалари, виртуал воқелик воситалари билан жиҳозланган персонал компьютер воситасида у билан муомала қила бошладилар. Аввалига улар фақат экранда ўз фарзандининг тасвирини кўрар эдилар, кейинчалик голографик қурилмалар унинг ҳажмли тасвирини акс эттира бошлади.

«Компьютер Мауглиси» билан ўтказилган эксперимент маълумотларини баён этар экан, А.Валентинов шундай деб ёзади: «Чақалоқ тасвирини экранга чиқаришдан осони йўқ. Аммо унинг тасвири вақт ўтиши билан «улғаядими»? Бу саволга аниқ жавоб йўқ, худди шунингдек бошқа кўпгина саволларга ҳам жавоб мавжуд эмас. Чунончи: Сид ва унинг ота-онаси ўртасида муайян маънавий алоқа ўрнатилганми? У ота-онаси билан мулоқот қилиш жараёнида уларнинг меҳрини ҳис қиладими? Жин ва Надин уни ўзларининг «табиий» ўғли деб ҳисоблашлари тасодифий бир ҳол бўлмаса керак. Балки компьютерда оддий дастур эмас, балки қандайдир жонзот яшар? Албатта, бу савол ғайритабиий янграйди, аммо ушбу воқеанинг ўзи ҳам ғайритабиий эмасми?»[1].

Аммо қаршимизда – инсон миясининг ривожланиш қонунларини ўрганишга бағишланган реал эксперимент. Айни ҳолда инсонга ўзининг асл моҳиятини намоён этиш имкониятини берувчи гўзаллик туйғуси муаммоси биринчи даражали аҳамият касб этади. Шу маънода «инсон – космобиопсихоижтимоий бирлик»[2], деган фикрга қўшилиш мумкин. Бошқача қилиб айтганда, «инсон табиати унинг эстетик диди ва тасаввурлари бўлиши мумкинлигидан дарак

[1] Валентинов А. Жизнь после смерти в компьютере? // Российская газета. 1995. 10 июня.

[2] Поликарпов В.С. Время и культура. – Харьков, 1987.

беради. Инсонни куршаган муҳит мазкур имкониятнинг воқеликка айланишини белгилайди: у мазкур ижтимоий одам айни шу эстетик дид ва тасаввурларга эга эканлигини, бошқача эстетик дид ва тасаввурлар унда бўлиши мумкин эмаслигини тушунтиради»[1]. Айни пайтда, эстетик эмоцияларнинг биологик асослари билан ҳам ҳисоблашиш талаб этилади. «Эстетик эмоциялар биологик асосларининг пайдо бўлиши муаммосини ўрганиш жараёнида биз мазкур эмоцияларнинг ривожланиши табиий танланиш натижасида аждодларимизда бошланган бўлиши мумкинлигининг энг муҳим уч сабабини аниқладик.

1. Умумий эстетик эмоциялар жамоани жипслаштиради ва шу тариқа у ўзига ёт бўлган табиат қўйнида ва бошқа ҳамжамиятлар даврасида яшаб қолишига кўмаклашади (ушбу қоиданинг тўғрилигини исботловчи примитив далиллар сифатида бахшилар, скальдлар, афсоналар, қўшиқлар, ривоятлар, ниҳоят, ҳарбий мусиқа ва оркестрлар, мардлик ва қўрқоклик ҳақида китобларнинг мавжудлигини келтириш мумкин).

2. Бадиий таъсирчанлик дунёни, таъбир жоиз бўлса, «экспресс-метод» ёрдамида англаб етиш имкониятини беради.

3. Бадиий таъсирчанлик яхшилик ва ёмонликнинг моддий тимсолларини теран англаб етиш имконини беради ва шу тариқа ўзининг эволюцион-генетик ривожланиш жараёнида ўзаро альтруизмнинг эволюцион-генетик ривожланиш жараёни билан узвий бирикади»[2]. Бошқача қилиб айтганда, гўзаллик туйғусисиз «компьютер Мауглиси» ҳеч қачон homo sapiens бўла олмайди.

Эстетик таъсирчанлик (гўзаллик туйғуси) инсонда биологик, ижтимоий ва тарихий омиллар билан белгиланади. Инсоният тарихида кузатиладиган эстетик дидлар ва тасаввурларнинг ранг-баранглигини маълум даражада шу билан изоҳлаш мумкин. Гўзаллик моддий шаклларининг ранг-баранглиги, турли-туман эстетик тасаввурлар ва дидлар гўзаллик туйғусининг умумий биологик

---

[1] Плеханов Г.В. Искусство. – М., 1922. – 46-б.

[2] Эфроимсон В.П. Генетика этики и эстетики. - СПб., 1995. – 107–108-б.

илдизларига асосланади. Гўзаллик туйғуси эстетик тасаввурларда умуминсоний омилнинг асосий элементи ҳисобланади. Унинг ички имкониятлари эволюцион-генетик ривожланиш ва биологик жиҳатдан туғма гетерогенлик билан белгиланади. Ҳозирги замон фанида биокимёвий эстетикани ривожлантириш зарурлиги ғояси илгари сурилаётгани тасодифий бир ҳол эмас. Россиялик биолог С.Шноль ферментларнинг тебраниш частоталари ва морфогенез геометрик масаласини ечиш учун жавоб берувчи товушли майдонларнинг ўзаро алоқасини ўрганар экан, шундай деб ёзади: «Шу нарса ойдек равшанки, гап фақат узунлиги ҳужайра ўлчамлари даражасида бўлган тўлқинлар ҳақида, яъни тахминан 1-100 мм бўлган товушли тўлқинлар ҳақида бориши мумкин; товушнинг нормал тезлигида уларнинг частоталари тахминан 10^7-10^9 Гц бўлади. Бироқ желесимон протоплазматик структураларда асосан силжиш тўлқинлари тарқалади. А.П.Сарвазян ўз ходимлари билан ўтказган тадқиқотлар бундай тўлқинлар тезлиги тахминан 1 м/ с бўлишини кўрсатади. Тегишли равишда, тўлқинларнинг зарурий узунлиги тахминан 104-106 Гц частоталарда олиниши мумкин. Частоталарнинг бу диапазони биокимёвий жиҳатдан реалдир – бундай частоталарда асосий ферментлар ишлайди... Ҳозир эса аксарият ферментларнинг айланишлари сони частоталарнинг эшитиш мумкин бўлган диапазони билан мувофиқ келишини қайд этишнинг ўзи кифоя қилади. Бу эшитиш қобилиятининг табиати, мусиқани идрок этиш қобилиятининг келиб чиқиши ва ҳоказолар ҳақида мулоҳаза юритишга туртки беради. Аммо бу мулоҳазалар морфогенез биокимёси соҳасига эмас, балки биокимёвий эстетика соҳасига тегишлидир»[1]. Маълум бўлишича, инсон организмининг мавжудлиги ва фаолияти учун амалда жавобгар бўлган ферментларсиз мусиқани идрок этиш мумкин эмас экан.

Айнан мусиқани идрок этиш жараёнида вужудга келадиган гўзаллик туйғуси мисолида унинг биологик асослари, фунда-

[1] Шноль С.Э. Физико-химические факторы биологической эволюции. – М., 1979. – 160-б.

ментал, ярим инстинктив хусусияти айниқса бўртиб намоён бўлад
Маълумки, мусиқа универсал тил ҳисобланади, зеро деярли бар
индивидлар оҳанглар ва ритмлар тизимларига таъсирчандирла
Умуман олганда, бундай таъсирчанлик одамзотга хос ва у би
инсон миясида юз бераётган тамойилиал жараёнларни тушуниш
ёрдам беради. Тадқиқотлар мусиқани идрок этиш қобилияти
белгиловчи соҳалар бош мия чап ярим палласи пўстлоғида жойла
ганлигини кўрсатади. Мусиқа билан алоҳида алоқа қилувчи соҳал
эса чакка қисмида, эшитиш фаолияти учун жавобгар бўлг
бўғинлар яқинида жойлашган[1]. Мусиқанинг фундаменталлиги
билан белгиланадики, у коди қисман генлар даражасида даст
лаштирилган ва инсон организмидан ўрин олган, қисман мадани
билан белгиланадиган санъат ҳисобланади. Айни пайтда муси
вақт модели сифатида ҳам намоён бўлади. Зеро мусиқа ритми инс
экзистенциясининг муҳим кўрсаткичи – вақт табиати ҳақида
ғояларни акс эттиради.

Маълумки, гўзаллик туйғусини алоҳида биологик тиз
сифатидаги инсоннинг психофизик жараёнларисиз тасаввур қили
мумкин эмас. Бу қоида инсоннинг ўз қобилиятларини ўзи рўёб
чиқариш имкониятларига тобора кўпроқ эътибор берилаётг
ҳозирги давр шароитида айниқса долзарб аҳамият касб этад
Айни пайтда космосни ўзлаштириш жараёни ҳам эстетик қадри
сифатидаги табиат ҳақидаги тасаввурларга тузатишлар киритмоқ
Дунёвий тажрибага ва Коинотни ўрганиш амалиётига асосланг
космизм ғоялари илгари маълум бўлмаган, одамзотнинг биологик
маънавий имкониятлари билан боғлиқ бўлган «эстетик эффектла
учун замин яратмоқда[2]. Ҳозирги вақтда рамзлари инсонни
Коинот билан алоқасини ифодаловчи япон боғларига қизиқи
кучайгани тасодифий бир ҳол эмас. Дзэн қонунларига хос бўлг
насиҳатгўйлик услуби япон боғлари санъати билан бирикади. Дз
қонунлари медитация, экстаз, транс ва бошқа психофизик усулл

[1] Қаранг: Young J. Programy mozgu. – Warszava, 1984. – 346–347-б.
[2] Хацкевич Д.Х. Природа как эстетическая ценность. – М., 1987. – 31-б.

билан бир қаторда инсонга Коннот билан бевосита алоқа қилишга имконият яратувчи онгнинг ўзгартирилган ҳолатига эришиш имконини беради[1].

Бугунги кунда инсон ижодида гўзаллик туйғусининг аҳамиятига эътибор ҳам кучайиб бормоқда. Сўнгги ўн йилликлар мобайнида ижодий психофизик жиҳатларини ўрганиш бағишланган тадқиқотлар айниқса фаоллашди. Инсонга реал макон-вақт структурасидан чиқиш имкониятини берувчи «архитектуравий машиналар»ни яратиш мазкур тадқиқотларнинг йўналишларидан бири ҳисобланади. Бунда «архитектуравий машина»нинг алоҳида усулда ташкиллаштирилган кўламли структураси инсонда ижод учун зарур бўлган янги образлар ва ассоциациялар пайдо бўлишига кўмаклашиши тахмин қилинади. Изланишларнинг мазкур йўналиши электрон оммавий ахборот воситаларининг ривожланиши билан боғлиқ. «Инсонни ҳақиқий борликдан ажратадиган, уни бошқариладиган иллюзион эффектлар дунёсига жойлаштирадиган «хусусий муҳит» энг янги аудиовизуал техника ёрдамида яратилди»[2]. Масалан, архитекторлар П.Кук, Д.Кромптон, Р.Херрон яратган «хаёлий шаҳарлар» лойиҳаларида электроника турли хил проекциялар ва голографик эффектлар, ранг, чироқ ва товушли дастурлар ёрдамида урбанистик пейзаж хаёлий манзарасини яратади. «Видеомаданият» феномени ҳам улкан имкониятларга эга бўлиб, бунда ўз уйидаги «ялпи видеомуҳит» ҳар қандай тасаввурдан кучли бўлган видеовизуал эффектларни яратиш имкониятини берувчи синтезаторлар билан тўлдирилади. «Бундай тизимни биологик алоқа мосламаларига улаб, ўз кечинмалари, тушларини визуал гавдалантириш ва эшитиш мумкин. «Медиатектура» соҳасидаги экспериментлар инсон тасаввурини «ўта таъсирчан майдонлар»га кўчирувчи товушли оптик образларни яратиш ва инсоннинг одатдаги сезги-

---

[1] Қаранг: Николаева Н. Японские сады. – М., 1975. – 97–98-б.; Штейнер Е.С. Иккю Содзюн. – М., 1987. – 73–76-б.

[2] Рябушин А., Дворжак К. Прогностика в архитектуре и градостроительстве. – М., 1983. – 50–51-б.

ларини бутунлай янги сенсорли «интерперсонал» психологик реакциялар билан алмаштириш имконини беради»[1].

Хулоса. Шундай қилиб, гўзаллик туйғуси замирида ўзи ҳам реал дунёнинг гўзаллиги таъсирида шаклланган биологик пойдевор ётади. Реал дунё гўзаллиги математик шаклда ифодаланиши мумкин. Ҳозирги вақтда ушбу шаклдан компьютер графикасида, инсоннинг компьютер билан ўзаро алоқасида, виртуал борликни яратишда самарали фойдаланилмоқда.

Таянч сўз ва иборалар

Инсон феномени, ген инженерияси, Инсон биосфера эволюциясининг зарурий босқичи, инсониятнинг биосферага оид функцияси ,янги экологик тартиб, ноосфера, homo sapiens, Дарахт, ҳайвон, инсон, Мезокосм – бу ўртача кенгликлар дунёси, Мезокосм – бу реал дунёнинг бир бўлаги, Коинот – улкан голографик ва квант-механик тизим, Инсон – ўсимлик, голографик биокомпьютер,инсон – Коинот голограммаси, Биоэтиканинг аҳамияти, Дарвин назарияси, конструкторлик фаолияти, Эстетик таъсирчанлик, инсон ижодида гўзаллик туйғусининг аҳамияти.

[1] Рябушин А., Дворжак К. Прогностика в архитектуре и градостроительстве. – М., 1983. – 51-б.


ИНСОННИНГ БИОЛОГИК ДАРАЖАСИ
Инсон биосфера эволюциясининг зарурий босқичи.
инсон феномени
ген инженерияси
ноосфера
биосфера
Инсон — Гея элементи.
Янги экологик тартиб
чуқур экология
Фрактал –
инсон – Коинот
Инсон ва биосферанинг квант–тўлқинли алоқаси.
торсион майдон
голографик биокомпьютер
критик массаси
Геномнинг голографик модели
Геном голографик компьютер сифатида.
ДНК нуклеотидлари
генетик код
Фрактал
конструкторлик
Ген технологияси ва инсоннинг жисмоний олами.
инсон – машина
Ген технологияси
Компьютер Мажлиси
конструкторлик фаолияти
Гўзаллик туйғусининг биологик асослари.
Инсон миясн Коинотдаги энг мураккаб
инсон – космобиопсихожитмоий
Амплификация –
Эстетик эмоциялар
Хулоса
гўзаллик туйғуси замирида биологик пойдевор ётади.
Реал дунё гўзаллиги математик шаклда ифодаланиши

Мустақил ишлаш учун савол ва топшириқлар

1. Инсон биосфера эволюциясининг зарурий босқичи.
2. Ген технологияси ва инсоннинг жисмоний олами.
3. Инсон ва биосферанинг квант-тўлқинли алоқаси.
4. Геном голографик компьютер сифатида.
5. Инсон – Гея элементи.
6. Гўзаллик туйғусининг биологик асослари.

Реферат мавзулари

1. Инсон фалсафанинг азалий муаммоси.
2. Инсоннинг корпускуляр-тўлқинли табиати.
3. Коинотда инсон ўрни.
4. Инсон ҳақидаги микротасаввурлар.
5. Мия фаолияти квант қонунларига мувофиқ амалга оширилиши.
6. Мия ишини моделлаштиришнинг аҳамияти.

Билим ва кўникмаларни баҳолаш материаллари

1. Япон маданияти шаклланишига кучли таъсир ўтказган диний оқим қайси?

А) Буддизм
Б) Даосизм
С) Конфуций таълимоти
Д) Буддизм, Конфуций таълимоти

2. Рицарлик унсурларини ўзида мужассамлаштирган маданият қайси қаторда тўғри берилган?

А) араб
Б) япон
С) А ва Б
Д) форс

3. Ҳинд санъати ютуқларининг асосий қисми кимлар томонидан вайрон қилинган эди?

А) гуннлар

Б) ислом

С) фанатиклари

Д) Барча жавоблар тўғри.

4. «Дзэн-буддизм самурайларда тарбиялаган фанатизм ва ўзини ўзи қурбон қилишга тайёрлик нариги дунёда мукофот кутиб ўлимнинг юзига тик караган ислом аскарларининг фанатизмидан фарқ қилади. Нариги дунёда абадий роҳат-фароғатда яшаш концепцияси синтоизмда ҳам, буддизмда ҳам мавжуд эмас. Ўлимни бўйнига олган самурайлар нариги дунёда роҳат-фароғатда яшаш ҳақида эмас, балки муносиб ўлим топиш ва тириклар хотирасида юксак ўрин эгаллаш ҳақида ўйлаганлар» қуйидаги фикрлар муаллифи ким?

А) Л.С.Васильев

Б) А.Кинг ва В.Шнайдер

С) К.Ясперс

Д) М.Эймар

5. Самурайларнинг ахлоқ кодекси қандай номланган?

А) бусидо

Б) буси

С) А ва Б

Д) бусико

6. Самурайларнинг ахлоқ кодекси ҳисобланган бусидо сўзининг маъноси қайси қаторда тўғри берилган?

А) аскар йўли

Б) бурчга содиқлик

С) шаън

Д) аскар шаъни

7. Самурайлар кодексининг шаклланишига шунингдек японлар хулқ-атвори психологиясига, уларнинг ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг ахлоқий принципларига таъсир кўрсатган таълимотлар қайси қаторда тўғри берилган?

А) Юқоридагиларнинг барчаси.

Б) буддизм

С) синтоизм

Д) конфуцийчилик

8. Бу қадимги дин Японияда Хитой билан боғлиқ бўлмаган ҳолда вужудга келган ва ривожланган, қадимги мифологиянинг бир тури ҳисобланади, зеро буддизм пайдо бўлишидан олдинги илк синтоизмда гап ғайритабиий дунё – японлар азалдан сиғиниб келган худолар ва руҳлар дунёси (ками) ҳақида боради. Юқорида қайси дин ҳақида гап боряпти?

А) синто

Б) буддизм

С) Юқоридагиларнинг барчаси.

Д) конфуцийчилик

9. Синтоизмнинг муқаддас китоби.....ҳисобланади

А) Кодзики

Б) бусидо

С) Юқоридагиларнинг барчаси.

Д) микадо

10. «Кодзики» («қадимги битиклар», 712 йил) синтоизмнинг муқаддас китоби ҳисобланади. Таниқли шарқшунос олим ушбу китобдан японча миллий руҳ уфуриб туришини қайд этади. Унинг фикрича, «Кодзики» Японияни ва японларни англаб етиш учун йўл очади[1]. Ушбу фикр муаллифи қайси қаторда тўғри берилган?

А) Н.И.Конрад

Б) Л.С.Васильев

С) К.Ясперс

Д) М.Эймар

---

[1] Қаранг: Конрад Н.И. Избранные труды. Литература и театр. – М., 1978. – 150-б.

11. Японларнинг нарсалар дунёси ва табиат ҳақидаги тасаввурлари шаклланишида синтоизм улкан роль ўйнаган. Унинг замирида нечта концепция ётади?

А) 5
Б) 4
С) 7
Д) 11

12. Нечанчи асрда император саройида синто ишлари бўйича махсус департамент ташкил этилади?

А) VIII аср бошида
Б) VIII аср охирида
С) X аср бошида
Д) X аср охирида

13. X асрда синто худолари рўйхати тузилади. Ушбу рўйхатга кўра синто пантеони нечта худони ўз ичига олган, кейинчалик уларнинг сони анча кўпайган.

А) 3132
Б) 3134
С) 7313
Д) 3111

14. Япония подшоси Иэзясу Токугава ҳаётининг сўнгги йилларида қадимги қўлёзмаларни тўплашни одат қилади ва уларни ўрганишни рағбатлантиради. Шу туфайли ҳам 1644 йилда япон мифалогиясининг 2 манбаси қайта нашр этилади, улар қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

А)«Кодзики» ва «Нихонги»
Б) «Кодзики» ва Бусидо
С) « Бусидо ва «Нихонги»
Д) «Кодзики» ва«Кодзики-дэн»

15. XVIII асрдаги тадқиқотлар синтоизм бегона таъсирлар ва шарҳларсиз ҳам ягона, ўзига тўқ яхлитлик ҳисобланишини англаб етишларига олиб келади. Хитойча таъсирлардан холи бўлган соф

ҳолатдаги «қадимиятга қайтиш» (фукко) шиори пайдо бўлади ва «синтони тиклаш» (фукко-синто) жараёнини бошлаб беради[1]. Бу ҳаракатнинг биринчи йирик раҳбари ким?

А) Камо Мабуци
Б) Иэзясу Токугава
С) Мотоори Норинаги
Д) Хирата Атсутане

16. 44 жилддан иборат «Кодзики-дэн» («Кодзикига шарҳлар») асарини ким ёзади, унда мазкур қадимги асар фалсафаси ва мифологияси замонавий тилда ва янги давр талабларига мувофиқ тушунтирилади?

А) Мотоори Норинаги
Б) Иэзясу Токугава
С) Камо Мабуци
Д) Хирата Атсутане

17. У ўзининг "Тарихнинг маъноси ва вазифаси" асарида тарих ва инсониятнинг ягоналигини исботлаш учун "дунёвий вақт ўқи" концепциясидан самарали фойдаланган файласуф номи қайси қаторда тўғри берилган?

А) К.Ясперс
Б) А.Кинг
С) В.Шнайдер
Д) Мотоори Норинаги

18. Йогани "аклда тафаккур тўлқинларини бошқариш" сифатида тавсифлаган файласуф қайси жавобда келтирилган?

А) Патанжали
Б) Эддингтон
С) Декарт
Д) Кант

[1] Қаранг: Kotariski W. Religie Japonii Religie Azji, Afryki, Ameriki, Australii i Oceanii. – Warszawa, 1980. – 192-б.

19. Қуйидагилардан қайси файласуф мия ишининг тахлили учун кван механикаси тамойилларидан фойдаланади?

А) Е.Уокер

Б) Ж.Уилер

С) К. Циолковский

Д) С. Хакинг

20. Е.Уокер назариясининг бош мақсади қайси жавобда тўғри берилган?

А) онг моделини яратиш

Б) тил моделини яратиш

С) фан моделини яратиш

Д) тафаккур моделини яратиш

21. Дзэн оқими реформаторлик хусусиятига эга. У тарғиб қилган медитациянинг мақсади нимадан иборат эди?

А) Б ва С жавоблари тўғри

Б) Буддани ақлнинг равшанлиги ҳолати (сатори)га эришиш

С) саторини мустақил интилиш йўли билан англаб етиш

Д) абстракт мушоҳида юритиш

22. Қачон Хитойда конфуцийчилик Чжу Си мактабида жонланади?

А) XII асрда

Б) XIII асрда

С) XI асрда

Д) X аср охирида

23. Қайси кодексда вассалнинг сеньорга содиқлиги асосий фазилат сифатида белгиланади?.

А) Бусидо

Б) Нихонги

С) Кодзики

Д) микадо

24. Самурай энг олий бурчи нима ҳисобланади?

А) Ватанга ўз жонини қурбон қилиш

Б) вассалнинг сеньорга содиқлиги

С) Анъанавий маданиятни асраш

Д) Ватанга ўз жонини қурбон қилиш, Анъанавий маданиятни асраш

25. Японлар анъанавий тарзда нима билан шуғулланишган зеро у шахсни камол топтириш воситаси ҳисобланган боис, унинг қайсидир тури билан деярли ҳар бир япон шуғулланади?

А) Санъатнинг бирон бир тури билан

Б) Спортнинг бирон бир тури билан

С) Йога билан

Д) Фаннинг бирон бир тури билан

26. Конфуцийчиликка ижобий ёндашган япон подшолари қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

А) Б ва С жавоблар тўғри

Б) Иэзясу Токугава

С) Тоётоми Хидэёси

Д) Хирата Атсутане

27. Камикадзелар ҳаракатининг асосчиси ва ғоявий раҳнамоси ким эди.

А) адмирал Ониси

Б) япон подшоси Иэзясу Токугава

С) япон подшоси Тоётоми Хидэёси

Д) Хирата Атсутане

28. Камикадзелар ҳаракатининг асосчиси ва ғоявий раҳнамоси адмирал Ониси эди. Нечанчи йилнинг кузида у Филиппинда «камикадзе» эскадрильясини ташкил қилади?

А) 1944 йилда

Б) 1945 йилда

С) 1943 йилда

Д) 1946 йилда

29. Япон иқтисодчиси «Нима учун капитализм айнан Японияда айниқса ривожланган?», деган саволга жавоб берар экан, ушбу жараёнда конфуцийчиликнинг ролига ишора қилади. Унинг фикрича, япон капитализми – бу конфуцийча капитализм, унинг вужудга келиши ва ривожланиши японча андозадаги конфуцийчиликнинг миллатчилик ва милитаристик кўриниши билан боғлиқ. Айнан конфуцийчиликнинг миллий шакли нисбатан қисқа вақт – тахминан 20 йил ичида миллатни бирлаштириш имконини берди- деган япон иқтисодчисини топинг?

А) Митио Морисима

Б) Иэзясу Токугава

С) Тоётоми Хидэёси

Д) Хирата Атсутане

30. «Кичик аждарлар» тўртлигига қайси давлатлар киради?

А) Жанубий Корея, Тайвань, Гонконг ва Сингапур

Б) Жанубий Корея, Тайвань, Гонконг ва Шимолий Корея

С) Тайвань, Гонконг ва Сингапур ва Украина

Д) Жанубий Корея, Тайвань, Гонконг ва Ўзбекистон

31. Исломда шахсни камол топтириш андозаси қуйидаги қайси бир омил билан белгиланади?

А) Қуръони каримнинг таъсирчан хусусияти ва афсонавий структураси билан;

Б) диний расм-русумлар ва қуръони каримда баён этилган насиҳатларнинг руҳлантирувчи ва таъсирлантирувчи кучи билан;

С) ҳақиқий дин қўриқчиси бўлган, ўз қонунларини қуръони карим қоидалари асосида шакллантирган марказлашган давлатнинг фаолияти билан; ислом динининг шаклланиш босқичида (610–632 йиллар) вужудга келган, индивидуал ва коллектив хулқ-атворнинг ўзаро алоқасини белгилайдиган сиёсий ва диний тасаввурлар мажмуи билан

Д) Юқоридагиларнинг барчаси.

32. Ислом сўзининг луғавий маъноси қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

А) бўйсуниш

Б) итоат этиш

С) ўзини Аллоҳ иродасига топшириш

Д) Юқоридагиларнинг барчаси.

33. Аллоҳнинг расули (элчиси) Макка шаҳрида дунёга келган Муҳаммад (с.а.в.-саллаллоҳу алайҳи васаллам) бинни Абдуллоҳ яшаган даврлари тўғри берилган қторни кўрсатинг?

А) 570-632

Б) 610-632

С) 570-610

Д) 570-633

. 34. Қуръонни китоб ҳолида жамлаган халифа номи қайси қаторда берилган?

А) Усмон

Б) Умар

С) Абу Бакр

Д) Али

35. "Мовароуннахр"сўзи арбчадан қандай маънони нглатади?

А) дарёнинг нариги томони

Б) икки дарё оралиғи

С) тоғнинг нариги томони

Д) денгизнинг нариги томони

36. Қуръон 114 сурадан иборат, суралар асосан қаерда яратилган?

А) 90 таси Маккада ва 24таси Мадинада

Б) 24 таси Маккада ва 90таси Мадинада

С) 90та Ҳижозда ва 24таси Маккада

Д) Ҳаммаси Маккада яратилган.

ИНСОН МАВЖУДЛИГИНИНГ ИЖТИМОИЙ МАҚОМИ

Маърузани олиб бориш технологияси

Талабалар сони:	*Вақти:* 2 соат
Машғулот шакли	Маъруза
Маъруза режаси	**1 - маъруза режаси** Инсон феноменининг ижтимоий омиллари Инсоннинг ҳулқ атворига нисбатан иқтисодий ёндашув Л. Карсавиннинг "симфоник шахс" концепцияси В. Налимовнинг гипериндивидуллик концепцияси Тоталитар ва демократик тизимларда инсон мақоми

Машғулотнинг мақсади: Инсоннинг ижтимоий мақоми ҳақида, инсон ҳулқ атворига ёндашувлар тўғрисида, инсон билан боғлиқ турли хил концепциялар тўғрисида талабаларда илмий билим ва фалсафий дунёқарашни шакллантириш.

Педагогик вазифалар	*Ўқув фаолияти натижалари:*
Инсон феноменининг ижтимоий омиллари	Инсон феноменининг ижтимоий омиллари тўғрисида умумий маълумот оладилар.
Инсоннинг ҳулқ атворига нисбатан иқтисодий ёндашув	Иқтисодий муносабатлар инсон ҳулқ атворига қандай таъсир этиши ҳақида маълумот оладилар.
Л. Карсавиннинг "симфоник шахс" концепцияси	"Симфоник шахс" концепциясининг мазмуни бўйича маълумотга эга бўлишади.
В. Налимовнинг гипериндивидуллик концепцияси	Гипериндивидуллик концепцияси билан танишишади.
Тоталитар ва демократик тизимларда инсон мақоми	Бир-бирига зид бўлган тоталитар ва демократик тизимларда инсонга бўлган муносабат тўғрисида маълумот олишади ва уни таққослашади.
Ўқитиш усуллари ва техника	Маъруза, «ақлий ҳужум», Т-схема, мунозара, муаммоли вазиятлар усули.
Ўқитиш воситалари	Маъруза матни, тарқатма материаллар, слайдлар, проектор.
Ўқитиш шакллари	Жамоа, тўғридан-тўғри ва гуруҳларда ишлаш.
Ўқитиш шарт-шароити	Техник воситалар билан таъминланган аудитория.
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки назорат, савол-жавоб, ўз-ўзини назорат қилиш, рейтинг тизими асосида баҳолаш.

Маърузанинг технологик картаси

Иш жараёнлари вақти	*Фаолиятнинг мазмуни*	
	ўқитувчи	*Талаба*

I-босқич. Курсга ва мавзуга кириш. (20 минут)	1.1. Мавзу номини айтиб, мавзу доирасида дастлабки умумий тасаввурни беради. Машғулотнинг мақсади, ўқув фаолияти натижаларини баён қилади	Мавзуни номини ёзиб олишади. Тинглашади.
	1.2. Мавзуни ўзлаштиришда фойдаланиш учун зарур бўлган адабиётлар рўйхати билан таништиради.	Ёзишади.
	1.3. Ушбу мавзу юзасидан ақлий ҳужум қоидаси асосида дарс ўтказишни таклиф этади. Доскага «Инсоннинг ижтимоий мақоми» деб ёзади. Талабалар томонидан айтилган фикрларни ёзиб боради ва умумлаштиради	Ўз фикрларини билдиришади. Тинглашади.
II-босқич. Асосий (50 минут)	2.1. Мавзу режаси ва таянч тушунчалар билан таништиради	Режани ёзишади ва тинглашади..
	2.2. Маърузани режа бўйича тушунтиради, ҳар бир режани ниҳоясида умумлаштиради. Жараён компьютер слайдларини намойиш қилиш билан олиб борилади	Тинглайдилар. Слайдга эътибор қаратади, уни ўзи ёзиб олади ва савол лар беради.
	2.3. Ҳар бир режани мустаҳкамлаш учун қуйидагича саволлар беради Инсон феноменига эътибор қаратилишига сабаблар нима эди?. Инсон хулқ атворида ўзгаришлар содир бўлиши қандай жараёнлар билан боғлиқ? Симфоник шахс деганда нимани тушунасиз? Гипершахс нима? Қандай тузумда инсоннинг ижтимоий мақомига бўлган қараш ҳақиқатга яқинроқ деб ўйлайсиз?	Саволларга жавоб берадилар, эркин баҳс-мунозара юритадилар.
	2.4. Таянч ибораларга қайтилади. Талабалар иштирокида улар яна бир бор такрорланади.	Ҳар бир таянч тушунча ва ибораларни муҳокама қиладилар. Конспект қиладилар.

III-босқич. Якуний босқич. (10 минут)	3.1. Т-схема техникасидан фойдаланилган ҳолда жуфт-жуфт бўлиб ишлаш учун тингловчиларга: “Инсон шахс сифатида” деган савол ёзилган тарқатма материаллар тарқатади. Ушбу техника орқали мавзу бўйича якунловчи хулоса қилади	Мустақил Т-схемани тўлдирадилар. Эркин фикрини баён этади.
	3.2. Талабаларнинг фаолиятига баҳо қўйилади ва рағбатлантирилади.	Эшитади.
	3.3. Келгуси машғулотга тайёргарлик кўриш учун топшириқлар ва фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати берилади.	Эшитади ва ЎУМ га қарайдилар.

Инсон феноменининг ижтимоий омиллари. XXI аср бошида инсон феномени улкан ижтимоий ўзгаришлар фонида бўртиб намоён бўлмоқда. Ҳозирги социологик ва сиёсий назариялар бу илдам ўзгаришлар ортидан қувиб ета олаётгани йўқ. Айни ҳол бу назарияларнинг аксарияти XVIII асрда вужудга келган дунёнинг илмий манзараси асосий қоидаларига таяниши билан белгиланади. Ваҳоланки, ҳозирда шарқона ва ғарбона тасаввурлар синтезига, изчил оқилона билишга ва ижодий тасаввур парвозига асосланган дунёнинг янги манзараси шаклланмоқда. Чизиқли дунёқарашга асосланган лапласча механик детерминизм ўрнини мураккаблик, ноаниқлик ва ночизиқлик ҳукм сурувчи дунёнинг стохастик манзараси эгалламоқда.

Ҳозирги замон социологияси учун инсонни ўзини қуршаган социум билан боғлиқ бўлмаган универсал мавжудот сифатида ўрганиш муҳимдир. Бунда асосий эътибор инсон ва универсумнинг, макрокосмос ва микрокосмоснинг ўзаро алоқасига қаратилади. Бу инсон ва жамият ўзаро алоқасининг моҳияти инсон ижтимоий-табиий феноменида намоён бўлишини англатади. Эндиликда инсон феномени тарих саҳнасига чиқмоқда, айни шу сабабли у ҳам мутахассислар, ҳам оддий одамлар эътиборини ўзига тортмоқда. Инсон – умумийликнинг айрим кўриниши ёки монада, деган ғоя жамият онгидан тобора мустаҳкам ўрин олмоқда.

Ҳозирги давр воқелиги инсон табиатини энг янги ижтимоий ва табиий фанларнинг билимларини ҳисобга олган ҳолда ўрганишни тақозо қилади. «Инсон – универсум» («монада») муаммосига ижтимоий нуқтаи назардан ёндашиш кўп сонли масалаларни, чунончи: янги ижтимоий тузум шаклланаётган шароитда инсоннинг иқтисодий хулқ-атворини, тарихий-фалсафий анъана доирасида вужудга келган симфоник шахс ҳақидаги тасаввурни, тоталитар ва демократик тизимларда инсон макоми, унинг гипериндивидуаллиги муаммосини ўрганишни талаб қилади. Буларнинг барчаси мазкур боб мазмунини ташкил этади.

Инсон хулқ-атворига нисбатан иқтисодий ёндашув. XXI аср бошида инсон феноменини тушуниш учун энг аввало унинг хулқ-атворини иқтисодий нуқтаи назардан ўрганиш талаб этилади. Бу ерда жиддий келишмовчиликлар билан тавсифланувчи иқтисодий назариянинг ҳолати муҳим роль ўйнайди. Айрим назариячи-иқтисодчилар ҳозирги замон неоклассик назариясининг ўз тамойиллари универсалдир, деган фикрни асослашга ҳаракат қиладилар (Г.Беккер ва бошқалар, баъзи олимлар эса иқтисодий назариянинг тор талқинини ҳимоя қиладилар (Р.Хайлбронер ва бошқалар)[1]. Бироқ инсон хулқ-атворига нисбатан иқтисодий ёндашув амалда мавжуд, фақат у турли иқтисодий назарияларда турлича талқин қилинади.

Ҳозирги замон неоклассик назарияси вакили Г.Беккер «Иқтисодий таҳлил ва инсон хулқ-атвори» асарида шундай деб ёзади: «Мен иқтисодий ёндашув кенг кўламли эканлигига, уни инсоннинг ҳар қандай хулқ-атворига татбиқ этиш мумкинлигига ишонч ҳосил қилдим»[2]. Бу ерда *«иқтисодий фан – ижтимоий фанлар маликаси»*, деган таниш ибора беихтиёр ёдга келади. Далиллар келтириш услубининг изчиллиги, математик аппарат қўлланилиши, таърифларнинг ихчамлиги ва мантиқнинг аниқлиги иқтисодий назарияни юксак даражага кўтарди ва нисбатан «эркин»

[1] Қаранг: Беккер Г. Экономический анализ и человеческое поведение; Хайлбронер Р. Экономическая теория как универсальная наука // Thesis. Теория и история экономических и социальных институтов и систем. – М., 1993. № 1.

[2] Беккер Г. Экономический анализ и человеческое поведение. – 29-б.

ижтимоий фанлар унга тенглаша бошладилар, деган фикр мавжуд. «Иқтисодий назария ижтимоий фанларнинг барчасига кириб боради, худди шунингдек ижтимоий фанлар ҳам иқтисодий назарияга кириб боради... Иқтисодий назариянинг бегона ҳудудларни эгаллаш имкониятлари шу билан белгиланадики, у фойдаланувчи аналитик категориялар – ресурсларнинг чекланганлиги, харажатлар, афзалликлар, йўл танлаш – буларнинг барчаси ўз қўлланиш соҳасига кўра том маънода универсал ҳисобланади... **Иқтисодий назария – ижтимоий фанларнинг том маънода универсал грамматикасидир**»[1].

Шу ўринда табиий бир савол туғилади: иқтисодий назария уни бошқа ижтимоий фанлар (социология, антропология, психология ва бошқалар)дан юқори қўядиган муайян фундаментал атрибутларга чиндан ҳам эгами? Г.Беккер: «Иқтисодий ёндашув ўз қудратига кўра бетакрордир, чунки у инсон хулқ-атворининг кўп сонли ранг-баранг шаклларини бирлаштиришга қодир»[2], деб ҳисоблайди. Иқтисодий ёндашув инсон хулқ-атворига бошқа ёндашувларга қараганда кенгроқ ёндашиши умум эътироф этилган. Бундан ташқари, иқтисодий ёндашув ўзаро келишилган хулқ-атворга эришиш учун турли иштирокчилар (индивидуумлар, фирмалар ва миллатлар) нинг ҳаракатларини турли даражада мувофиқлаштирувчи бозорлар мавжудлигидан келиб чиқади. Ниҳоят, иқтисодий ёндашув вақт ўтиши билан сезиларли даражада ўзгармайдиган афзалликлар бойлар ва камбағалларда, шунингдек турли жамиятлар ва маданиятларга мансуб бўлган шахсларда унча фарқ қилмайди.

Ҳозирги замон биологияси доирасида яратилган иқтисодий ёндашув ва табиий танланиш назарияси бир-бири билан узвий боғлиқ ва ягона, янада фундаментал назариянинг турли томонларини ўзида ифодаласа керак. Г.Беккер иқтисодий ёндашувни фақат моддий неъматлар ва эҳтиёжлар, ҳатто бозор иқтисодиёти билан ҳам чеклаш тўғри бўлмайди, деб ҳисоблайди. Инсон

---

[1] Hirsleifer J. The expanded Domain of Economics // American Economic Review. 1985. Vol. 75. – 53-б.

[2] Беккер Г. Экономический анализ и человеческое поведение. – 26-б.

хулқ-атворига нисбатан иқтисодий ёндашув янги эмас, у бозор иқтисодий тизимига ҳам қўлланилиши мумкин. Шуни қайд этиш лозимки, А.Смит сиёсий хулқ-атворни тушунтиришда, И.Бентам инсон лаззатлари ва азоб-уқубатларини ҳисоблаш учун иқтисодий ёндашувдан фойдаланган эди.

Иқтисодий ёндашувдан кенг фойдаланиш мумкинлиги ҳақидаги тасаввур ўтган асрнинг сўнгги чорагида пайдо бўлган кўп сонли илмий адабиётларда қўллаб-қувватланади. Уларда иқтисодий ёндашувдан кўп сонли, ранг-баранг муаммоларни, чунончи тилнинг ривожланиш жараёнини (Ж.Маршак), черковларга қатнаш даражасини (К.Эззи ва Р.Эренберг), сиёсий фаолиятни (Ж.Буханан ва Ж.Туллок), ҳуқуқий тизимни (Р.Познер), ҳайвонларнинг қирилишини (Д.Хамермеш ва Н.Сосс), шунингдек никоҳ, туғилиш ва ажрашишлар даражасини (Т.Шульц, В.Лэндс ва Р.Микаел) таҳлил қилиш учун фойдаланилади[1]. Шундай қилиб, ***иқтисодий ёндашув инсон хулқ-атворини тушунтиришнинг унумли схемасини ўзида ифодалайди.*** Айни пайтда социология, социобиология, психология, тарих, антропология, ҳуқуқшунослик ва бошқа фанлар ўрганувчи ранг-баранг ноиқтисодий кўрсаткичларни ҳам ҳисобга олиш талаб этилади.

Бироқ ижтимоий фанлар тизимида иқтисодий назариянинг ўрни хусусида бошқача нуқтаи назар ҳам мавжуд. Р.Хайлбронер фикрига кўра, иқтисодий назарияни ижтимоий фанларнинг «маликаси» деб ҳисоблаш тўғри бўлмайди. У амалга оширган ижтимоий формациялар таҳлили инсоният тарихида ўтган жамиятларнинг аксариятида иқтисодиёт мавжуд бўлмаганини кўрсатади[2]. Шундан келиб чиқиб Р.Хайлбронер иқтисодиётни меҳнатни ижтимоий ташкил этиш фундаментал тамойилидан излаш лозим, деб ҳисоблайди. Зотан ҳар қандай жамият ўзининг моддий таъминоти ҳақида ўйлаши лозим экан, бу муайян даражада ривожланган меҳнат тақсимотини

---

[1] Масалан, қаранг: Lands W. Fear of Flying: An Economic Study of US. – N.Y., 1987.

[2] Қаранг: Хайлбронер Р. Экономическая теория как универсальная наука. – 42-б.

ва жамият аъзолари куч-ғайратини мувофиқлаштиришни талаб қилади. Шу маънода иқтисодий фан меҳнатни жамият хизматига қўйиш усулларини ўрганиш ёки тушунтириш воситаси сифатида майдонга чиқади[1].

Мазкур ёндашув нуқтаи назаридан иқтисодий фан бозор иқтисодиёти тизимини ўрганиш учун амалда улкан аҳамият касб этади, зеро инсон хулқ-атворини бошқаришда ижтимоийлашув механизмлари ва буйруқларга бўйсуниш унда биринчи ўринда турмайди. Бозор иқтисодиётига асосланган жамиятда янги этос ҳамда меҳнатни ташкил этишнинг соф «иқтисодий» усулини имкониятдан воқеликка айлантирган янги институционал динамика амал қилади.

Биз ўрганаётган муаммо нуқтаи назаридан Р.Хайлбронернинг иқтисодиёт илдизларини ижтимоий институтлардан излаш керак, деган фикри диққатга сазовордир. Умуман олганда инсоннинг кўп даражали экзистенциясини фақат унинг иқтисодий хулқ-атвори билан боғлаш тўғри бўлмайди – «иқтисодий одам»ни мутлақлаштириш инсон табиатининг деформацияланишига ва охир-оқибат унинг инкор этилишига олиб келади. Бошқа томондан, «иқтисодий одам» ўз қобилиятлари ва имкониятларини айнан бозор иқтисодиётига асосланган жамият доирасида айниқса тўлиқ рўёбга чиқаргани ҳам ҳеч кимга сир эмас. М.Вебернинг «Протестантча ахлоқ ва капитализм руҳи», В.Зомбартнинг «Буржуа. Ҳозирги замон иқтисодий одамининг маънавий ривожланиш тарихидан этюдлар» асарлари айни шу масалага бағишланган. Бу асарларда буржуа жамияти пайдо бўлиши билан ижтимоий этоснинг ўзгариши кўрсатиб берилган. Хусусан, В.Зомбарт ҳозирги замон иқтисодий одамига хос бўлган умумий жиҳатларни санаб ўтади:

биринчидан, у ўз ҳаётида мўлжал оладиган асосий қадриятлар – бу мўмай даромад ва бизнесдир;

иккинчидан, у қўлга киритиши, ташкиллаштириши, музокаралар олиб бориши, спекуляция ва калькуляция қилиши лозим;

учинчидан, унинг фаолияти ўз фаоллигини мутлақо оқилоналаштириш ва кенгайтириш тамойилларига тўла бўйсунади;

[1] Ўша ерда. – 46-б.

тўртинчидан, тиришқоқлик, тежамкорлик ва фаровонлик каби хусусиятлар амалий механизмнинг таркибий қисмларига айланди[1].

Айни пайтда, америкалик таниқли тадқиқотчи П.Бергер индустриал капитализм инсоният тарихида мисли кўрилмаган ишлаб чиқариш кучларини яратганини, бу кучлар жамиятни демократлаштириш асоси бўлиб хизмат қилганини таъкидлайди ва айнан замонавий маърифатли муносабатларнинг ривожланиши жамият барча қатламларининг моддий фаровонлигини таъминлайди, индивид ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолатларини яратади, деган хулосага келади. Шуни эътиборга олиш лозимки, унинг «Капиталистик инқилоб» деб номланган тадқиқоти турли гипотезалар тўпламини ўзида ифодалайди, зеро «ижтимоий фандан бундан ортиғини кутиш мумкин эмас»[2]. Албатта, гипотезалар илмий билимни ривожлантиришнинг зарурий омили ҳисобланади, бироқ фан ўз моҳиятига кўра башорат қилиш аппарати ҳисобланади. Агар у ўзининг ушбу муҳим функциясини бажармаса, у фан деб аталишга ҳақли эмас.

Ҳозирги дунё воқелиги, унинг ривожланиш жараёнлари бозор иқтисодиётининг мазмуни ва шакл-шамойили ўзгаргани ҳақида гапириш учун асос беради. Энди инсон фақат қорин тўйдириш учун ишлашни истамайди. «Тўқчилик» асосий мақсад сифатида аллақачон эришилган Япония, АҚШ, Швеция каби илғор мамлакатларда бу айниқса бўртиб намоён бўлади. Бу ерда одамлар фақат тўқчилик учун ишлашни истамайдилар. Натижада меҳнатга рағбатлантиришнинг ишлаб чиқаришни бошқаришда иштирок этиш «сифат тўгараклари», «инсоний муносабатлар», даромадда иштирок этиш каби ноанъанавий омиллари пайдо бўлади[3]. Бошқача қилиб айтганда, иқтисодий одам XXI аср бошида инсон феноменининг қирраларидан фақат биттасини ўзида ифодалайди.

---

[1] Қаранг: Зомбарт В. Буржуа. Этюды по истории духовного развития современного экономического человека. – М., 1994. – 128–145-б.

[2] Бергер П. Капиталистическая революция. – М., 1994. – 24-б.

[3] Қаранг: Мареев С.Н. Введение в пострыночную экономику. – М., 1993. – 50-б

Л.Карсавиннинг «симфоник шахс» концепцияси. Шахс муаммоси давримизнинг энг долзарб маънавий муаммоларидан бири ҳисобланади. Л.Карсавин томонидан яратилган шахс концепцияси айни шу муаммони ечиш йўлидаги кўп сонли уринишлардан биридир. Олимнинг «Шахс ҳақида» асарида у ишлаб чиққан тизим ўзининг узил-кесил шакл-шамойилини касб этади. Ушбу асар замирида қуйидаги ғоя ётади: уч элементдан иборат бирлик (воқелик динамикасини тавсифловчи тамойил) – универсал бирлик (воқелик статикасини тавсифловчи бирлик) онтологик структураси борлиқнинг шахсий образида гавдаланади, шахснинг тузилиши ва ҳаётини тавсифлайди. «Шундай қилиб, шахс ўзини борлиқдан ажратмайди ва ўзини унга қарши қўймайди. У ўзини ягона ва бирдан-бир борлиқ сифатида англаб етади. Бироқ шу билан бирга у борлиқнинг алоҳида образи ҳам ҳисобланади ва ўз-ўзини мазкур алоҳида образда намоён бўлувчи ва мужассамлашувчи борлиқ сифатида тушуниб етади»[1], деб таъкидлайди Л.Карсавин. Мазкур ғоя таъсирида универсаллик метафизикаси шахс концепциясини биринчи ўринга қўяди.

Симфоник шахс ҳақидаги таълимот Л.Карсавин ижтимоий концепцияларининг ўзагини ташкил қилади. У универсаллик иерархиявий конструкциясини ижтимоий борлиққа тўғридан-тўғри татбиқ этиш маҳсулидир. Инсон индивидуаллиги ўзини қуршаган дунё билан ўзаро алоқага киришар экан, унда муайян динамик, ҳаракатчан бирлик вужудга келади. У шахси эндигина шакллана-ётган, номукаммал тузилишга эга бўлган инсоннинг бошланғич индивидуаллигини ва у ўзлаштираётган борлиқни қамраб олади. Индивидни ўз ичига олган бундай «шахсий тузилма»ни Л.Карсавин «симфоник шахс» деб атайди. Коинот инсон ўзаро алоқа қиладиган иерархиявий тузилишга эга бўлгани боис, симфоник шахсларнинг ҳам тегишли иерархияси мавжуд. Симфоник шахсларга дунёнинг исталган қисмида дуч келиш мумкин: улар бир-бири билан ўзаро

[1] Карсавин Л.О. Личности // Религиозно-философские сочинения. – М., 1992. Т. 1. – 30-б.

алоқа қилиш ва бирикиш, бир-бирига ўтиш орқали иерархиявий структуралар ҳосил қилишлари мумкин. Бинобарин, қуйи ва юқори даражадаги симфоник шахслар мавжуд бўлади, улар бошқаларнинг омиллари ҳисобланади ёки, аксинча, уларни омил сифатида ўз ичига олади. «Ўз вақти ва маконида ягона бўлган дунё ўзининг шахсий борлиғини ҳеч бўлмаса инсониятда рўёбга чиқаради. У, ҳеч шубҳасиз, универсал симфоник шахс ёки турли даражадаги симфоник шахслар тўпламининг иерархиявий бирлигидир... Биз яшаётган дунё шахсий борлиқсиз бўлиши мумкин эмас, зеро бундай борлиқ унда мавжуд. Бироқ, ўз-ўзидан равшанки, симфоник шахс муайян шахсиятларда рўёбга чиқарилган тақдирда ўзининг баркамол ҳолатига яқин бўлади ,ва ўз табиатини яхшироқ намоён этади»[1].

Ижтимоий борлиқ (социум) ҳам турли даражадаги симфоник шахслар тўпламининг иерархиявий бирлиги ҳисобланади. *Турли хил кишилик ҳамжамиятлари – бутун инсоният, миллатлар, ижтимоий гуруҳлар, конфессионал бирлашмалар ва ҳоказолар симфоник шахслар сифатида намоён бўлади.* Бундай шахслардан ҳар бири муайян иерархия доирасида мавжуд бўлади, ўзида муайян олий шахсларни актуаллаштиради ва ўзи ҳам қуйи даражадаги муайян шахсларда актуаллашади. Мазкур алоқа қадрият аҳамиятини касб этади. Симфоник шахснинг шаклланиши баркамолликка интилиш билан ҳамоҳангдир. Бунда баркамоллик йўли ва мезони иерархиявий модель билан белгиланади: ҳар қандай шахс учун камолотга етиш олий симфоник шахсларни ўзида актуаллаштиришнинг олий даражасига эришишдан иборатдир; камолотга етиш учун «ҳар қандай шахс ўзини олий даражадаги шахсиятнинг эркин рўёбга чиқарилиши сифатида англаб етиши лозим»[2].

Л.Карсавин ижтимоий фалсафасида изчил «социоцентризм», коллективликнинг индивидуалликдан устунлиги биз учун биринчи даражали аҳамият касб этади. Индивидуал шахс сифатидаги инсон

---

[1] Ўша ерда. – 98–99-б.

[2] Церковь, государство и личность. – П., 1927. – 6-б.

бу фалсафада қуйи даражадаги симфоник шахс сифатида, бутун ижтимоий иерархиявий пирамиданинг асоси сифатида майдонга чиқади. Л.Карсавин иерархияни атрофлича тадқиқ этади, қуйи даража элементларининг юқори даража элементларига бўйсуниши масалаларини синчиклаб ўрганади, бироқ иерархиянинг асоси ҳақида моҳият эътибори билан ҳеч нарса демайди. Индивидуал мавжудлик категорияларига у кам эътибор бериши, индивиднинг вазифаси олий шахсларни ўзида актуаллаштиришдан иборат, деб ҳисоблаши тасодифий бир ҳол эмас. Карсавиннинг универсаллик метафизикаси – бу коллектив шахс, ҳаттоки, таъбир жоиз бўлса, глобал шахс фалсафасидир. *Ушбу фалсафада индивиднинг иккиламчилиги, юқорироқ даражадаги коллективга унинг бўйсуниши ғояси илгари сурилади, бу эса индивидда ўз моҳияти ва ҳақиқий экзистенция мавжудлиги инкор этилишига олиб келади.*

Иерархиявий тузилишга эга бўлган ижтимоий пирамидада инсоннинг «тубан» мавқеи техникавий-структуравий маънодагина эмас, балки аксиологик маънода ҳам тушунилади. Инсон симфоник шахсга (коллективга, давлатга ва ҳоказоларга) нисбатан ўз моҳиятига кўра ҳам иккиламчидир, чунки у мазкур шахснинг имкониятларини рўёбга чиқариш учун зарур. У фақат симфоник шахс қўлида қурол бўлиб хизмат қилади. Н.Бердяев ўз китобларидан бирида бунга эътиборни қаратиб, жумладан шундай деган эди: «*Симфоник шахс ҳақидаги таълимот аслида қулликни метафизик нуқтаи назардан асослашдан бошқа нарса эмас*»[1]. қизиғи шундаки, христианча онтологияда инсоннинг Л.Карсавин таклиф қилган талқини учун асослар мавжуд эмас. Ҳатто маънавий иерархиявийлик ҳам христианча онг учун шак-шубҳасиз эмас, чунки у ўз илдизлари билан дунёнинг христианча манзарасига эмас, балки неоплатонча манзарага бориб тақалади. Л.Карсавин концепциясида маънавий иерархия ўрнини моддий иерархия эгаллайди ва семантик силжиш юз беради, зеро ижтимоий борлиқ иерархиясида олий шахслар

[1] Бердяев Н. О рабстве и свободе человека. – Париж, 1972. – 30-б.

амалда «олий» эмас, балки фақат «нисбатан йирикроқ», «сон ёки ҳажм жиҳатидан каттароқ» ҳисобланади. Миқдор, ҳажм, массанинг бундай устунлиги учун христианлик маънавиятида асос мавжуд эмас. Л.Карсавин яратган изчил социоцентрик конструкцияда ган Россия ҳақида боради. Бу мамлакат мутафаккир учун жонли бирлик сифатида, шахс сифатида амал қилади.

В.Налимовнинг гипериндивидуаллик концепцияси. XXI аср бошида инсон феномени ҳақидаги тасаввурга, маънавият муаммоларини ечишга уларнинг талқинидаги қадимги цивилизациялар ғоялари билан ҳамоҳанг бўлган янгича ёндашувлар ўз таъсирини кўрсата бошлайди. Инсон табиати кўп даражали ҳисобланади, бизни эса шахсда намоён бўлувчи ижтимоий мезонлар қизиқтиради. Эндиликда шахс қиёфаси унинг шахслараро муносабатлар тизимидаги алоқаларига боғлиқ эканлиги ҳеч кимда шубҳа уйғотмайди. Япон олими К.Ямамото шундай деб ёзади: «Бошқа шахсларнинг гуруҳлари таъсири остида бўлмаган ва айни пайтда ўзи ҳам бу шахслар гуруҳларига таъсир кўрсатмаган айрим шахс дунёда топилмаса керак. Бу эса, биз одамларнинг гуруҳларига индивидуалликлардан алоҳида ёндашишимиз мумкин эмаслигини англатади»[1].

Мазкур қоидадан келиб чиқиб, В.Налимов шахслараро муносабатларга шахслараро структура – гипершахс ҳосил бўлишига олиб келувчи жараён сифатида қарайди: «Энг оддий ҳолда гипершахс – бу икки даражали тақсимлаш функциясидир. Бу ерда алоҳида-алоҳида мавжуд бўлган, алоҳида тақсимлаш функциялари билан тавсифланган икки шахс тахминий бериладиган, эндиликда бир пайтнинг ўзида икки жисмда мавжуд бўладиган битта шахсга бирикади»[2]. Бошқача қилиб айтганда, *энг оддий ҳолда гипершахс икки индивидуал жисмлар ўртасида тақсимланган шахслараро структурани ўзида ифодалайди. Мураккаброқ ҳолларда гипершахс кўп сонли шахслардан ҳосил бўлиши мумкин.*

---

[1] Yamamoto K. My Problems in Uderstanding Human Beings // Journal of Humanistic Psychology. 1984. №4. – 67-б.

[2] Налимов В.В. Спонтанность сознания. – М., 1989. – 198-б.

Гипершахс ҳақидаги тасаввурнинг ўринлилиги фойдасига бир қанча омиллар гувоҳлик беради. В.Налимов шундай омиллардан бири сифатида муҳаббатни келтиради – у ўз туйғулари кучи билан гипершахсни ҳатто икки шахснинг тахминан берилган структуралари ўртасидаги боғланиш (корреляция) коэффициенти нолга яқин ёки тенг бўлган ҳолда ҳам яратиши мумкин. «Аммо бундай гипершахс барқарор эмас, - деб ёзади олим. – Барқарорлик фақат туйгулар кучи гипершахсни шундай қайта қуриш учун етарли бўлган ҳолда вужудга келиши мумкинки, бунда корреляция коэффициенти аҳамиятга молик қиймат касб этади, ҳатто бирга яқинлаша бошлаши ҳам мумкин»[1].

Ҳамма гап шундаки, цивилизация тараққиётининг ҳозирги босқичида муҳаббат аксарият ҳолларда инсоннинг ўзи севган мавжудот билан қўшилишга азалий интилишини қаноатлантиришга қодир эмас. «Эркак ва аёл, агар уларга алоҳида-алоҳида қарайдиган бўлсак, бутуннинг қисмлари, мутлақ ҳақиқатнинг охирига етказилмаган моҳияти, холос, - деб ёзади Ж.Бейнс. – Ботиний даражада эркак ва аёлдан иборат жуфтлик айнан шундай яхлит структурани яратишга интилади. Бироқ воқелик уларнинг фантазиялари хом хаёл эканлигини тасдиқлайди»[2]. Маданият тарихида маънавий баркамол жуфтлик (гипершахс)ни яратиш усуллари маълум. Улар Қадимги Миср, Қадимги Юнонистон, Қадимги Шарқ ибодатхоналарида маънавий таълим бериш жараёнида қўлланилган. Бунинг учун эзотерик тусдаги махсус таълимотлар яратилган. Бундай таълимотларга, масалан, сексуал энергия ёрдамида эркак ва аёлни бир космик жуфтликка бирлаштиришни назарда тутувчи **тантризм** киради. Ушбу таълимот доирасида инсоннинг жисмоний, маънавий ва руҳий соҳаларига таъсир кўрсатувчи удум хусусиятини касб этган қадимги техника қўлланилади. Айни ҳолда шахсий семантик капсулизациянинг сусайиши юз беради ва шахс бошқа шахс билан эркин ўзаро алоқага киришиш имкониятига эга бўлади; натижада икки даражали гипершахс вужудга келади.

---

[1] Ўша ерда.

[2] Бейнс Дж. Наука о любви. – М., 1994. – 12-б.

Бошқа бир омил қадимдан фойдаланиладиган **гипн**
ҳисобланади. Маълумки, гипноз жараёнида гипноз қилинаётг
шахснинг тасаввурлари тизими гипноз қилувчининг онгида а
этади. Бу ерда индивид эътибори тўлалигича гипноз қилувчини
сўзларига қаратилади, бунда уларга қаттиқ ишонч билан қаралад
Гипнотик ҳолатда гипноз қилинувчи ва гипноз қилувчи ўртаси
яқин алоқа ўрнатилади, таъсирчанлик даражаси кучайиб боради
ҳатто алоҳида гипертаъсирчанлик даражасига кўтарилиши мумки
Гипноз йўли билан онгга сингдирилган фикрлар ўз-ўзидан эътиқ
мақомини касб этади. Онг уларга танқидий ёндашишга ҳам, улар
бошқаришга ҳам қодир бўлмайди. Икки жисмоний капсула
жойлашган икки шахсдан ўзига хос «ягона семантик доминанта»
(В.Налимов) эга бўлган битта гипершахс вужудга келади.

Қизиғи шундаки, кўп сонли тадқиқотлар ҳозиргача гипн
ҳолатига ишора қилувчи физиологик белгини аниқлаш имконияти
бергани йўқ. Таниқли психотерапевт Л.Шерток гипнозни «органи
мнинг психологик реактивлигини маълум даражада ўзгартириш
назарда тутувчи онгнинг алоҳида ҳолати» сифатида тавсифлайди[2]

Шу ўринда ўзаро гипноз алоҳида қизиқиш уйғотади. Бунда
шахс В шахсни гипноз қилади, В шахс эса, гипноз ҳолатида бў
туриб, ўз навбатида А шахсни гипноз қилади. Ушбу амал цикл
хусусият касб этади ва шу туфайли ҳам чуқурлашиб боради. Натижа
мазкур амал иштирокчиларининг бир-бири билан тўла бирикуви
эришилиши мумкин. Бу уларда кучли таассурот қолдиради ва ай
пайтда уларни ваҳимага солади. Америкалик тадқиқотчи Ч.Та
бу ҳақда шундай деб ёзади: «Бу қисман шахсларнинг бирикувин
қисман МЕН ва СЕН ўртасида фарқнинг йўқолишини эслатад
Мазкур лаҳзаларда пациентларга бу ёқимли бўлиб туюлади, бир
кейинчалик улар буни ўз эркига таҳдид сифатида идрок эта бошла
дилар»[3]. Сунъий йўл билан яратилган мазкур гипершахсни вайр

---

[1] Қаранг: Овчинникова О.В., Насиновская Е.Е., Иткин Н.Г. Гипноз
экспериментальном исследовании личности. – М., 1989. – 35-б.

[2] Шерток Л. Непознанное в психике человека. – М., 1989. – 106-б.

[3] Tart C.T. Psychedelic Experiments Associated with a Novel Hypnotic Procedure
Altered States of Consciousness. – N.Y., 1969. – 306-б.

қилиш учун кучли гипнозчининг ҳаракатлари талаб этилади. Ч.Тарт бир-бири билан бирикиш ва индивидуалликни йўқотишнинг шунга ўхшаш натижаси эр-хотин ЛСД қабул қилиши оқибатида юз берган ҳолатни ҳам келтиради.

Баъзан оёққа турган оломон хулқ-атворини ҳам яхлит бир бутун организм ҳаракатлари сифатида тавсифлайдилар. Ҳозирги замон психологияси онг ости феноменининг физиологиядан ҳам, олий нерв фаолиятидан ҳам устунлигидан келиб чиқади. Омма билан қоришиш жараёнида бўлган индивид онг ости даражасида агрессивлик импульсларини тарқатишни тўхтатади. Инсоннинг онг ости соҳасида шундай бир генотип борки, у «аждодлар қолдирган ва бутун бир ирқнинг маънавий дунёсини яратиш учун конструктив материал бўлиб хизмат қиладиган излар мажмуи»ни ўзида ифодалайди[1]. Омма сафидаги индивидга кучли сенсорли сатурация (жунбушга келган туйғулар) таъсир кўрсатади ва уни фикрлаш қобилиятидан маҳрум қилади. У умумий ҳаракатга эргашади ва омма, яъни гипершахс структурасининг элементларидан бирига айланади.

В.Налимов ривожлантирган тасаввурлар тизимида ҳам гап гипершахсни яратиш ҳақида боради. Бунинг фойдасига трансперсонал даволаш билан бир қаторда психоанализ амалиёти ҳам гувоҳлик беради. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун З.Фрейд кашф қилган **трансфер феноменини** эслашнинг ўзи кифоядир. Ушбу феномен тамойили бир-биридан ҳеч қачон ажралмасликни, ҳар доим бир-бири билан бириккан ҳолатда бўлиш ва шу тариқа ягона мавжудотни ҳосил қилишни назарда тутади[2]. Шу нарса диққатга сазоворки, гипершахсни психоанализ методи билан яратиш учун зарур вақт тинимсиз кўпайиб бормоқда ва эндиликда ўн йилни ташкил қилади.

Шу ўринда **тушни гипноз билан таққослаш** ҳам ҳеч бўлмаса соф эвристик нуқтаи назардан диққатга сазовордир. Бундай таққослаш

---

[1] Вельдер Р.К. К вопросу о феномене подсознательной агрессивности // Обх. науки и современность. 1993. № 3. – 184-б.

[2] Қаранг: Шерток Л. Непознанное в психике человека. – М., 1989. – 182-б.

туш кўриш санъатидан кўп даражали гипершахсни яратиш учун фойдаланиш имкониятини беради. К.Кастанеда ўзининг «Туш кўриш санъати» деб номланган китобида тушнинг кучи ёрдамида инсоннинг маънавий дунёсини кашф қилиш усулини баён қилади. Унинг устози дон Хуан аввал унга туш кўриш санъати тамойилларини ўргатади, сўнгра унга амалий усулларни намойиш этади. Бунинг учун дон Хуан туш кўриш санъати сирларини шогирд билан ўртоқлашиш учун алоҳида магик муҳитни яратади. К.Кастанеда ушбу сирлар билан танишиш жараёнида ўзлаштирган тажриба инсон руҳияти ўта мураккаб феномен эканлигини кўрсатади. Ушбу тажриба инсон руҳиятининг теран қатламларига назар ташлаш ва туш кўриш жараёнини бошқариш учун гипершахсларни яратиш имкониятини беради.

Туш кўриш жараёнини бошқариш инсонга шахслараро муносабатларда юзага келувчи кўпгина муаммоларни ечиш имконини беради. Ҳозирда тадқиқотчилар қадимги маданиятларда, шунингдек ҳиндуларнинг маданиятларида мавжуд бўлган, ижтимоий муносабаларни уйғунлаштириш имкониятини берадиган туш кўриш жараёнини бошқаришнинг аҳамиятига эътиборни қаратмоқдалар. П.Гарфильд бу хусусда шундай деб ёзади: «Ҳиндуларнинг маданиятлари тушлардан ҳаётнинг турли соҳаларида фойдаланган. Баъзан улар диний қарашларнинг таркибий қисми ҳисобланган, инсонга ғайритабиий кучлар билан мулоқот қилиш имкониятини таъминлаган. Туш таъбирини айтувчилар ижтимоий тизимда махсус мақомга эга бўлган. Тушлардан кўпинча келажакни башорат қилиш учун фойдаланилган, ёмон тушлар махсус маросимлар ўтказиш йўли билан ҳайдалган, яхши тушлар эса, аксинча, қўллаб-қувватланган. Баъзан улар худди руҳий даволаш усули каби шахсий муаммоларни ечишга хизмат қилган, муайян шифобахш расм-русумларни ўз ичига олган. Ҳар бир қабила тушлардан фойдаланишнинг ўз усулини айниқса муҳим деб ҳисоблаган»[1]. Шундай қилиб, тушлар у ёки бу муаммоларни ҳал қилиш учун гипершах-

[1] Гарфильд П., Ринпоче Т.Т. Управление сновидениями. – М., 1994. – 50-б.

сларни яратиш имкониятини беради. Буни этнографлар ва қадимги маданиятларнинг бошқа тадқиқотчилари ҳам тасдиқлайдилар.

Шуни қайд этиш лозимки, гипершахс ҳақидаги тасаввурларга қадимги мифларда ҳам дуч келиш мумкин. Уларда гипершахс, бир томондан, муайян яхлитлик сифатида намоён бўлади, бошқа томондан эса – бир-бири билан корреляцион боғланган қисмларнинг ҳар бири ўз индивидуал қиёфасига эга. Масалан, олий асоснинг уч қиёфалилиги ҳақидаги тасаввур *платонизм, иудаизм, буддизмга* (Будда, Драхма, Сангха), *индуизмга* (Тримурти), *христианликка* (Троица) хосдир. Ҳозир аксарият ҳолларда мифология «либоси»га бурканган қадимги билимларнинг жонланиши жараёнлари бутун дунёда кузатилмоқда. Бизнинг давримизда гипершахс шахслараро муносабатларнинг теран даражасида намоён бўлаётир (юзаки даража – бу маданиятимизга хос бўлган ташқи муносабатлар даражаси). Индивидлар ўзаро алоқасининг трансперсонал даражаси айниқса мураккаб ва самаралидир: «Гипершахснинг вужудга келиши нозик жараён бўлиши ҳам мумкин – айни ҳолда шахс унга тўла сингиб кетмайди, балки у билан ўзининг кўп сонли таркибий элементлари орқали бирикади. Аммо бунинг учун бошланғич шахс ўз ичида кўп сонли шахсиятни яратиш қобилиятига эга бўлиши лозим»[1]. Шундай қилиб, гипершахс ҳақидаги тасаввур XXI аср бошида инсон табиатини тушунишга ўз ҳиссасини қўшаётир.

Тоталитар ва демократик тизимларда инсон мақоми. XXI аср бошида инсон феноменини тушуниш учун тоталитар ва демократик тизимларда тўпланган тажриба билан ҳисоблашиш талаб этилади. Шуни эътиборга олиб уларда инсон мақоми муаммосига батафсилроқ тўхталамиз. Демократия муҳитида ўсиб улғайган индивидлар давлатнинг тоталитар ҳукмронлиги шароитида яшаш нималигини билмайдилар. Тоталитар тизимлар ёки экстремистик давлат формацияларида бутунлай бошқача вазиятни кузатиш мумкин. В.М.Кайтуков ўзининг «Мустабидлик эволюцияси» деб номланган монографиясида бундай тизимларнинг асосий хусусият-

[1] Қаранг: Налимов В.В. Спонтанность сознания. – М., 1989. – 202-б.

ларини санаб ўтади: «Экстремистик давлат формациялари тазйиқ ўтказиш усуллари, воситалари ва қуролларидан кенг фойдаланишга асосланган давлат тузумини ўзида ифодалайди. Тазйиқ доирасига социумнинг барча қатламлари, шу жумладан мустабид тузум сиёсатини амалга оширувчиларнинг ўзлари ҳам киради. Тазйиқ ўтказиш аппарати ўз фаолиятида бюрократияга, полицияга, махсус хизматларга, армияга ва мафкуравий аппаратга таянади»[1].

Экстремистик давлат формацияларининг яна бир хусусияти шундаки, улар узоқ яшамайди. Айни ҳол ўз яхлитлигини сақлаб қолувчи ва айни пайтда маданиятдаги ўзгаришларга таъсирчанлиги билан ажралиб турувчи инсон табиати билан белгиланади[2]. Одамлар, айтайлик, тоталитар тизим шароитларига мослашишлари мумкин, бироқ бу унинг инсон табиати билан мувофиқ келишини англатмайди. Аксинча, тоталитар тизим инсон табиатига зид ва шу туфайли ҳам у узоқ яшамайди.

XX асрда бундай экстремистик давлат формациялари тоталитар тизимлар деган ном олди; уларга энг аввало Сталин режимини ва нацистик сиёсий режимларни киритадилар. «Тоталитар» режимларнинг энг муҳим жиҳатлари хусусида социологлар ва сиёсатшунослар орасида ягона фикр мавжуд эмас. Аммо уларга алоҳида мафкуралар – бундай режимларнинг (тизимларнинг) мавжудликка бўлган ҳуқуқини қонунлаштирувчи ғоялар мажмуи хос, деган фикрга барча олимлар қўшиладилар. Мазкур мафкураларнинг ўзи ҳам тоталитардир, зеро улар ижтимоий ва шахсий ҳаётнинг барча жабҳаларини қамраб олишга ҳаракат қилади, ҳамма учун мажбурий ҳисобланади. Улар эски қадриятлар тизимларини улоқтириб ташлаш ва уларни *«ёруғ келажак»* ёки *«минг йиллик рейх»ни* барпо этишга қаратилган янги қадриятлар тизимлари билан алмаштириш ғоясини илгари суради, жамиятни ялпи қайта қуришни, *«янги инсон»ни* ҳамда индивид манфаатлари ва эркинлиги жамият манфаатларига бўйсундирилган *«янги жамият»ни* яратишни эълон қилади.

---

[1] Катуков В.М. Эволюция диктата. – М., 1992. – 55-б.

[2] Қаранг: Гуревич П.С. Человек: венец или ошибка природы? // Наука в России. 1993. № 2. – 33-б.

Тоталитаризм тизими фақат зўравонлик муҳитида фаолият кўрсатиши мумкин – унда инсон ва ижтимоий гуруҳларга нисбатан террор ички сиёсат воситаси сифатида қўлланилади. Бундай тизимга жамиятнинг ҳарбийлашуви, яъни инсон улкан ҳарбий механизм унсурига айланиши ҳам хосдир[1]. Кези келганда яна шуни ҳам қайд этиб ўтиш лозимки, амалда мавжуд бўлган тоталитар режимларда тоталитаризм тамойиллари амалда тўлиқ татбиқ этилгани йўқ: оила, дин, санъат, фан ва маданий анъана умуман олганда йўқ бўлиб кетмади, тотал тизимга бўйсунмади. Аммо бизни қизиқтираётган масалада муҳими шуки, тоталитар тизим инсонга (ўз-ўзидан равшанки, ижтимоий гуруҳларга ҳам, бутун жамиятга ҳам, зеро улар индивидлардан таркиб топади) тазйиқ ўтказиш учун усуллар ва воситаларнинг бутун бир мажмуидан фойдаланади.

Тоталитар тизимга ялпи қўрқув муҳити хосдир. Инсон ва жамият устидан қаттиқ полиция назоратининг ўрнатилиши шахснинг ўзига хос дунёси ривожланишига тўсқинлик қилади, индивидни мавжуд сиёсий зўравонлик воқелигига мослашишга, виждонли инсонга муносиб бўлмаган хатти-ҳаракатлар содир этишга мажбур қилади. Тоталитар тизимда қўрқув ялпи хусусият касб этади, қарши ҳаракат қилиш ҳақидаги фикр ҳатто инсоннинг хаёлига келишига ҳам имкон бермайди. Бундай қўрқув исканжасида инсон «соқов» бўлиб қолади ва ўзига ҳар қандай жабр-зулм кўрсатилишига йўл қўйиб беради.

Нацистлар Германияси иккинчи жаҳон урушида мағлубиятга учраган (ГФРда ғарб демократияси қадриятларини ўзлаштирган янги авлод вояга етган) бўлса, Совет Иттифоқида коммунистик эксперимент натижасида инсоннинг тоталитар тизим хусусияти билан белгиланган муайян мақоми вужудга келди. Бу хусусият қуйидагилар билан белгиланади:

биринчидан, индивид ва давлат ўртасида боғловчи бўғин – группавий идентификациялар мавжуд эмас эди: «Тоталитар давлат ва якка индивид ўртасида озгина бўлса ҳам муҳим ўринни

[1] Қаранг: 50/50: Опыт словаря нового мышления. – М., 1989. – 371-б.

эгаллаган, касб-кор, машғулотлар, манфаатлар ва ҳоказолар билан боғлиқ бўлган бирон-бир ижтимоий-психологик бирлик йўқ эди»[1];

иккинчидан, шўро (коммунистик) жамияти индивидлардан эмас, балки коммуналардан таркиб топган эди. Шу туфайли ҳам шахсий асос манбаи сифатида айнан инсонга давлат билан ўзаро муносабатларга киришиш имкониятини берувчи кишиларнинг яхлит жамоаси амал қилади;

учинчидан, шўро давлати ўз моҳиятига кўра жамият ҳаётининг криминоген ва ҳуқуқни бузувчи омили ҳисобланар, бу инсон ҳуқуқлари соҳасида ўзининг аниқ ифодасини топган эди.

XXI аср бошида Ўзбекистонда иқтисодиёт ва сиёсат соҳасида таркибий ўзгаришлар юз бераётган, ҳуқуқий давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш бош вазифа сифатида белгиланган ҳозирги шароитда демократия ҳамда инсон ва давлатнинг ўзаро муносабатлари сиёсий ва ҳуқуқий масалаларини ечишда унинг имкониятлари муаммоси алоҳида долзарб аҳамият касб этади. Аммо ўзимизни қизиқтирган муаммо таҳлилига бевосита киришишдан олдин демократия тушунчасининг мазмуни ва унинг ижтимоий тизимдаги ўрни масаласига қисқача тўхталиб ўтамиз.

Ҳозирги замон илмий адабиётларида демократияни ва жамиятнинг ривожланиш жараёнида унинг ўрни ва аҳамиятини талқин қилишга нисбатан турли хил ёндашувларга дуч келиш мумкин. Масалан, К.Лефор демократиянинг табиати тушунчасининг мазмунига ойдинлик киритар экан, демократиянинг халқ ҳокимиятига асосланган тузум сифатидаги талқини мукаммал эмаслигини таъкидлайди. «Ҳозирги замон демократиясининг табиати антик демократия табиатига умуман ўхшамайди. Уни жамоатчилик фикрига асосланган зўравонликда, ҳукуматларнинг беқарорлигида ва «сарой фитналари»да айблаш мумкин. Аммо, нима бўлганда ҳам, уни қонунсизлик режими деб айтиш мумкин эмас. Халқ суверенитети бу ерда конституцияда белгиланган доирада оғишмай

[1] Қаранг: Советский простой человек: опыт социального портрета на рубеже 90-х годов. – М., 1993. – 14-б.

амалга оширилади. Ҳар ким бирон-бир гуруҳ ёки мавжуд ҳокимиятнинг таҳдиди ёки тазйиқидан қўрқмасдан ўз фикрини билдириш ҳуқуқига эга бўлади»[1].

Тоталитар режимдан фарқли ўлароқ, ҳозирги замон демократик тизимида янгича сиёсий мантиқ «ишлайди», яъни ҳукумат ва вакиллик органлари фаолияти тортишув тамойилларига мувофиқ амалга оширилади. Умуман олганда, демократиянинг ҳозирги идеаллари қадимги юнон (милоддан аввалги IV аср) демократиясининг идеалларидан деярли фарқ қилмайди. Фақат бугунги кунда айрим шахс алоҳида қадрланади. қадимги юнон демократияси идеаллари вакиллик демократиясига эмас, балки тўғридан-тўғри демократияга киради.

Айни ҳолда индивиднинг ҳуқуқ ва эркинликларини амалга ошириш учун фуқаролик жамиятининг давлат билан ўзаро алоқаси биринчи даражали аҳамият касб этишини эътиборга олиш лозим. Ҳозирги замон назарий тафаккури негизида шаклланган тасаввурларга кўра[2], фуқаролик жамияти қуйидагиларни ўз ичига олади:

- одамларнинг ихтиёрийлик асосида, спонтан тарзда шаклланган ўзини ўзи бошқарувчи бошланғич бирликлари (оила, кооперациялар, ассоциациялар, хўжалик корпорациялари, жамоат ташкилотлари, касаба уюшмалари, ижодий, спорт, этник, конфессионал ва бошқа хил бирлашмалар)ни;

- нодавлат (носиёсий) иқтисодий, социал, маънавий, ахлоқий ва бошқа хил ижтимоий муносабатлар мажмуини;

- кишиларнинг ишлаб чиқариш фаолияти ва шахсий ҳаётини, уларнинг одатлари, анъаналари ва хулқ-атворини;

- эркин индивидлар ва уларнинг ташкилотларининг давлат ҳокимияти ва сиёсатнинг тўғридан-тўғри аралашувидан қонун билан муҳофаза этилган ўзини ўзи бошқариш соҳасини.

---

[1] 50/50: Опыт словаря нового мышления. – М., 1989. – 464-б.

[2] Масалан, қаранг: Дмитриев Ю.А. Соотношение понятий политической и государственной власти в условиях формирования гражданского обҳества // Государство и право. 1994. № 7. – 30-б.

Юқорида баён этилганлар фуқаролик жамияти турли белгиларга кўра бирлашган фуқароларнинг улар индивидуал эҳтиёжларини қондириш, потенциал имкониятларини ҳамма ва ҳар кимнинг равнақи йўлида рўёбга чиқариш мақсадларига хизмат қилувчи муайян нодавлат уюшмасини ўзида ифодалайди, деган хулосага келиш имкониятини беради.

Фуқаролик жамиятининг ривожланиш қонуниятлари таҳлили ҳозирги вақтда Гегелнинг мазкур жамият ва давлатнинг бир-бирига ўтиши ҳақидаги башорати рўёбга чиқаётганидан далолат беради. XX асрнинг иккинчи ярмида ижтимоий бозор иқтисодиёти концепцияси амалга оширила бошлади. Мазкур иқтисодиёт шароитида иқтисодий эркинлик ва ижтимоий адолат тамойилларининг бирикуви юз беради. Бу давлат ўз-ўзига ёрдам беришга қодир бўлмаган ва ўз инсоний қадр-қимматини сақлаб қолишни истаган кишиларга ижтимоий ҳимояни таъминлаш учун бозордаги иқтисодий кучлар ўйинига қўшилишини англатади.

Инсон нуқтаи назаридан демократик тизимда бозор иқтисодиётини давлат томонидан тартибга солиш ижтимоий функцияси улкан аҳамият касб этади. Биринчидан, жамиятнинг барча аъзолари ҳақида ғамхўрлик қилиш зарурлиги тўғрисидаги ғоя рўёбга чиқарилади. Ҳамонки бозор иқтисодий фаровонликка эришишнинг ижтимоий воситаси сифатида амал қилар экан, ижтимоий адолатни қарор топтириш учун аҳолининг кам таъминланган ёки ночор қатламларини таъминлашга маблағлар ажратилиши лозим. «Даромадни иккинчи марта тақсимлаш» тарзидаги қайта тақсимлаш тамойилининг моҳияти айнан шунда намоён бўлади. Иккинчидан, демократик кучлар давлатни ишлаб чиқариш муносабатларини инсонийлаштиришга, чексиз рақобат оқибатларини енгиллаштиришга, инсофли ташаббус ва ижтимоий масъулиятни ҳар томонлама ривожлантириш тамойилларини амалга оширишга мажбур қилдилар. Учинчидан, аҳолининг кам таъминланган қатламларига нисбатан адолатни қарор топтириш учун социал-либераллар олиб борган кураш норозилик даражасини ва инқилобий салоҳиятни сезиларли даражада пасайтирди. Шуни унутмаслик

керакки, иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг ижтимоий функцияси замирида демократияни инқилобдан ҳимоя қилишга интилиш ётади[1]. Демократик тизимда давлат ижтимоий функцияни амалга ошириши уни умумий фаровонлик давлати деб номлаш учун асос берди.

Бироқ ижтимоий тизим ривожланиш жараёнини бошдан кечирмоқда. Бугунги кунда умумий фаровонлик давлати ғарб мамлакатларида юз берган вакиллик демократияси инқирози таъсирида перманент ўзгаришлар босқичига кирди. «Сиёсий шакл сифатидаги демократияга нима таҳдид солмоқда?», деган саволни ўртага ташлайди Ж.Сартори[2]. Элита бошқарувими? Йўқ, зеро ҳозирги вақтда демократик ҳукуматларнинг барчаси аввалги обрўси пасайган, бажариш мушкул бўлган сон-саноқсиз талаблар қўйилган шароитда иш олиб бораётгани ҳеч кимга сир эмас. Ҳақиқий демократия ҳар доим кучли босим остида бўлади, бошқариш қобилиятининг пастлиги билан тавсифланади. Шу тариқа либерализм ғарбда вакиллик демократияси инқирозини қайд этади.

Амалда сиёсий демократия қадриятлари инсон ва омма эътиборини ўзига тортишда давом этаётир. Сўнгги йилларда сиёсий демократияга бўлган қизиқиш айниқса кучайди. «ғарб демократик жамоатчилиги сиёсий демократия механизмларига узлуксиз ишлайдиган, кишиларнинг ижтимоий мақомига таъсир кўрсатадиган тус бериш йўлларини изламоқда, - деб таъкидлайди А.С.Панарин. – Жамоатчиликнинг норозилиги сайловлар оралиғидаги даврда фуқаролик жамиятининг мажбурий сиёсий ҳаракатсизлигига сабаб бўлаётир. Ижтимоий муаммоларнинг йиғилиши ҳокимият тепасидаги партияларнинг алмашиши ва депутатлар ваколатларининг тугашидан илдамроқ юз бераётир»[3]. Яна шуни ҳам эътиборга олиш лозимки, сиёсий вакиллик тизими турли (катта ва кичик) ижтимоий гуруҳлар манфаатларининг эволюцияси ва ранг-баранглигига тўла мослашишга қодир эмас. Буларнинг барчаси сиёсий

[1] Қаранг: Шлезингер А.М. Циклы американской истории. – М., 1992.

[2] Сартори Дж. Вертикальная демократия // Полис. 1993. № 2. – 87-б.

[3] Россия: Опыт национально-государственной идеологии. – М., 1994. – 125-б.

тизимни фуқароларнинг тўғридан-тўғри иштироки ва вақтинчалик бирлашмаларини уларни қизиқтираётган у ёки бу муаммони ечиш учун сиёсий ва ҳуқуқий институционаллаштириш йўналишида ўзгартиришни талаб қилади.

Ҳозирги замон ғарб назарий тафаккурида плюралистик демократия назариясидан иштирокчилик демократияси назарияси сари силжиш кузатилаётгани табиий бир ҳолдир. Иштирокчилик демократияси назариясида миллий даражадаги вакиллик демократияси элементларини шаҳар ва қишлоқ жамоалари даражасидаги сиёсий жараёнларда фуқароларнинг тўғридан-тўғри иштироки билан бириктириш зарурлиги тан олинади. Демократия жамиятни ташкил этиш усулигина эмас, балки мақсади ҳамдир, деган тасаввурга қайтилиши сабабини айни шу ҳол билан изоҳлаш мумкин[1]. Эндиликда демократик тизим (ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти) фаолиятининг марказига инсон, унинг эҳтиёжлари ва манфаатлари қўйилаётгани ҳам айни шу омил билан боғлиқ.

«Гомо креатор»га эришиш йўлида. Ҳозирги вақтда инсон феноменини тушуниш диққат марказида синф ёки ижтимоий қатлам эмас, балки айнан индивид туришини теран англаб етишни тақозо қилади. Назарий даражада инсон бутун дунёда энг олий қадрият деб қаралади, бироқ амалда бу тамойилга ҳамма жойда ҳам риоя этилавермайди. Ҳар қалай, ғарб жамиятида айрим индивиднинг эҳтиёжларини унинг қобилиятларига мос равишда қондиришга интилиш кузатилади. ғарб жамияти доирасида вужудга келган **«гипериндивидуализм»** концепцияси инсон жамоадан ажралгани, ўз ҳолига ташлаб қўйилгани ва ўзига ўхшашлар билан ўзаро алоқага киришишини англатади. ғарб цивилизациясининг индивидуал автономияси замирида эркин иқтисодий кучлар «ўйини» ётади, зеро тадбиркорнинг эҳтиёжлари амалда шахс ҳуқукларига, айрим шахс эҳтиёжлари эса – тадбиркорнинг ҳуқуқларига айланди. Индивиднинг коллектив бирдамликдан бундай халос бўлишини Дюркгейм **«аномия»** деб номлаган эди. Индивиднинг мазкур

[1] Қаранг: Каменская Г.В. Генезис идей демократии // Социс. 1994. №4. – 39-б.

эркинлиги юридик санкциялар аҳамиятининг ошиши, **«шартномага асосланган жамият»** вужудга келиши билан мувозанатга солинади.

Гипериндивидуализм ва «шартномага асосланган жамият» индустриал капитализмнинг ривожланиш маҳсули деб айтиш мумкин. Аммо уларнинг индустриал капитализм билан алоқаси оддий алоқа эмас, боз устига, Д.Белл фикрига кўра, у «маданий зиддият»ни ўзида ифодалайди[1]. Бу ғарб капитализми индивидуал тадбиркорликка асослаганини, уни ҳаракатга келтирувчи куч бўлиб инновациялар ва мобиллик хизмат қилишини англатади. Айни пайтда тадбиркорлик мустақил иш кўрувчи индивидларнинг ҳуқуқлари ва бурчларини тартибга солувчи қонунларнинг фундаментал тўпламисиз ривожлана олмайди. Бинобарин, ҳуқуқий нормалар тизими амалда бошқача шаклда мавжуд бўлган ва қонунларда кодекслаштирилган коллектив структура ҳисобланади. Назарий жиҳатдан олиб қараганда, бу қарама-қаршиликлар фаолияти ғарб цивилизациясини вайрон қилиши лозим эди, бироқ амалда бундай бўлгани йўқ. Айни шу ҳол П.Бергерга қуйидаги фикрни таърифлаш имкониятини беради: «Эмпирик воқелик ғарб жамиятларида мувозанатга солувчи қудратли кучлар чиндан ҳам мавжудлигини кўрсатади. Индивидуал эркинлик тарихан ҳар доим эркинлик ва жавобгарлик ўртасидаги, жамоа тизгинларидан халос бўлиш ва коллектив доирасида хавфсизлик ўртасидаги омонат мувозанатга асосланган. Мазкур мувозанат тасодифий бир ҳол эмас, балки қонун йўли билан мустаҳкамланган воқелик ҳисобланади»[2]. Жамиятда шартномага асосланган «совуқ» муносабатларни мувозанатга солувчи бундай кучлар сифатида анъанавий ижтимоий институтлар – **оила, дин ва индивидлар бирлашмаси** амал қилади. ғарб мамлакатларининг барчасида оила диний қадриятлар ёрдамида қонунийлаштирилган. Айни шу сабабли либерал тафаккур намояндалари ижтимоий институтларга баҳо беришда «ўзининг пировард мақсади сифатидаги индивид эркинлигидан ёки бўлмаса оила эркинлигидан келиб чиқади»[3].

---

[1] Bell D. The Culture Contradictions of Capitalism. – N.Y., 1976.

[2] Бергер П. Капиталистическая революция. – М., 1994. – 144-б.

[3] Фридман М. О свободе // Открытая политика. 1995. № 1. – 50-б.

Оила ва дин қадриятлари буржуа маданиятининг ажралмас таркибий қисми ҳисобланади ва жамоат бирлашмалари воситасида мувозанатга солиш функциясини бажаради. Буларнинг барчаси индивидга эркинлик чегарасини белгилаш ва ноаниқлик билан тавсифланувчи тадбиркорлик соҳасида ўз фаолияти учун ижтимоий базани таъминлаш имкониятини беради[1]. Шундан келиб чикиб П.Бергер қуйидаги хулосага келади: «Капитализм индивидуал эркинликнинг шахссизлаштирилган жиҳатларини ва жамоавий бирдамликни мувозанатга солувчи ижтимоий институтларга муҳтождир. Бундай институтлар орасида оида ва дин биринчи даражали аҳамият касб этади»[2]. Шундай қилиб, буржуа оиласи ва диний қадриятларига таҳдид солувчи омилларнинг барчаси индустриал капитализмнинг ижтимоий муҳитига путур етказади (тадбиркорликка қараб мўлжал олган шахссиз у фаолият кўрсата олмайди). Айни пайтда ғарб бозор иқтисодиёти шахсий эркинликларни кенг ривожлантириш, оила ва дин ўз функцияларини самарали бажариши учун асос бўлиб хизмат қилади.

Умуман олганда, ғарб цивилизацияси доирасида инсон эркинлиги ва унинг индивидуализми мазкур цивилизациянинг икки томонини ўзида ифодалайди. «ғарбда капитализм байроқ қилиб кўтарган шахс эркинлиги жамият структурасидан уйғун ўрин олиши лозим, акс ҳолда у ё гипериндивидуализм анархияси орқали, ё тийиб турувчи ҳуқуқий нормаларнинг бутун бир тўплами ёрдамида ўзини ўзи тугатади»[3], деб ёзади П.Бергер. Индивид жамият структурасидан уйғун ўрин олганлиги амалда индивидуализм ва коллективизмнинг узвийлигини англатади. Давлатнинг ҳукмронлигидан инсоннинг устунлигига ўтиш жараёнида мулкни хусусийлаштириш бош омил бўлиб хизмат қилади. Бунинг бир қанча сабаблари бор:

биринчидан, давлат компанияларининг даромаддорлик даражаси йилдан-йилга пасайиб бормоқда;

---

[1] Қаранг: Бурстин Д. Американцы. Демократический опыт. – М., 1993.

[2] Бергер П. Капиталистическая революция. – М., 1994. – 146-б.

[3] Ўша ерда.

иккинчидан, аксарият ҳукуматлар нақд пул маблағларига кучли эҳтиёж сезади ва давлат корхоналарини сотиш оркали улар акцияларни сотишдан даромад олади ва хусусийлаштирилган компаниялардан солиқлар ундиради;

учинчидан, ҳукумат зарарга ишлайдиган хусусий компанияларни субсидияламайди.

Инсон ва давлатнинг ўзаро муносабатларида устунлик индивид томонга ўтиши кенгроқ маънода қуйидагиларни англатади:

– давлатга қарашли бўлган турар жойлардан унга хусусий эгалик қилишга ўтишни;

– давлат тиббий таъминотидан хусусий дастурларга ўтишни;

– иқтисодиётни давлат томонидан бошқаришдан бозор механизмларига ўтишни;

– коллективизмдан индивидуализмга ўтишни;

– давлат монополиясидан рақобатга асосланган муносабатларга ўтишни;

– давлат компанияларидан хусусий компанияларга ўтишни;

– давлат мулкидан меҳнат жамоалари мулкига ўтишни;

– давлат ижтимоий суғурта дастурларидан хусусий суғурталаш ва инвестициялар тизимига ўтишни;

– солиқларнинг ўсишидан уларнинг пасайишига ўтишни.

Бундай дастур инсон ва давлат ўзаро алоқаси яхлит тизимининг «умумий фаровонлик давлати ўрнига келадиган» янги моделини яратиш зарурлиги давлат томонидан теран англаб етилганлигини англатади[1].

Шу нуқтаи назардан умумий фаровонлик давлати скандинавияча моделининг ривожланиш имкониятлари диққатга сазовордир. Норвегиялик таниқли сиёсатшунос С.Кюнле фикрига кўра, ушбу модель «ҳозирги замон давлатлари орасида айниқса жалб қилувчан» ҳисобланади[2]. Мазкур модель амалда эришган ютуқларига қарамай, маълум даражада янгилашга муҳтождир. Гап шундаки, «мазкур

[1] Нэсбитт Дж., Эбурдин П. Что нас ждет в 90-е годы? – М., 1992. – 202-б.

[2] Кюнле С. Государство всеобщего благоденствия. – М., 1994. – 239-б.

давлат берадиган афзалликлар инсоннинг асосий эҳтиёжларини қондира олгани йўқ»[1]. У инсоннинг ижтимоий ва иқтисодий ҳимояга бўлган асосий эҳтиёжини қондиришга муваффақ бўлди, жамиятда имкониятлар структурасини маълум даражада яхшилади ва тенглаштирди. Аммо бир қатор муаммолар (гиёҳвандлик, ёшлар жиноятчилиги, оила барқарорлиги ва ш.к.) ҳанузгача ўз ечимини топгани йўқ ва бу давлатнинг мазкур моделини такомиллаштиришни талаб қилади.

Умумий давлат фаровонлигини янада ривожлантириш имкониятлари «сегментар» жамият сари ҳаракат билан боғлиқ. Ушбу модель аралаш иқтисодиётнинг икки сектори билан бир қаторда «учинчи» сектор – жамият фаоллигини рағбатлантирувчи, этник маданият анъаналари, меъёрлари ва кадриятларини қўллаб-қувватловчи, ижтимоий таъминот давлат органлари билан ҳамкорликка кўмаклашувчи ва демократияни ривожлантирувчи жамоат ташкилотлари мажмуи пайдо бўлишини назарда тутади. Мазкур сектор ҳозирги босқичда фаолият кўрсатиш учун зарур шарт-шароитларга эга. Жамоат ташкилотлари давлатнинг тегишли мадади билан қуйидаги йўналишларда ўз самарадорлигини ошириши мумкин: ижтимоий ёрдам кўрсатиш, атроф муҳитни муҳофаза қилиш, турар жойга бўлган ҳуқуқларни ҳимоя қилиш ва ҳ.к. Ўз-ўзидан равшанки, Скандинавия мамлакатларида «сегментлашган» жамият сари ҳаракат йўлида умумий фаровонликка эришиш учун зарур ресурслар мавжуд.

Умумий фаровонлик давлати скандинавияча моделининг мазкур эволюцияси миллий макон билан чекланмасдан, бутун Европа бўйлаб кенг тарқалса, ажаб эмас. Зоган, «ягоналик туйғуси европаликларда қитъа даражасида умумий фаровонлик давлат тизимини яратишнинг шарти ҳисобланади»[2]. Умумий фаровонлик давлати, шак-шубҳасиз, перманент ривожланиш жараёнини бошдан кечирмоқда ва унинг тадрижий ривожланиш йўлига назар ташлаш

[1] Ўша ерда. – 150-б.
[2] Ўша ерда. – 232-б.

инсон ва жамият ўзаро алоқаси яхлит тизими шаклланаётганини кўрсатади.

Инсон ҳуқуқлари учун ҳаракатда иштирок этаётган индивидлар сони йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Бундан кўзланаётган мақсад пировард натижада фундаментал ҳуқуқлардан бирини амалга ошириш – ўз имкониятларини рўёбга чиқариш учун ижтимоий шарт-шароитларга эга бўлишдир. Инсон ҳуқуқлари учун ҳаракатнинг биринчи босқичида унинг иштирокчилари иерархиявий уюшган жамиятнинг сиёсий соҳасида ҳукмронликка қарши курашга отландилар. «Бугунги кунда куч ишлатишга асосланган ҳукмронлик анъаналарига қарши курашга отланган одамлар сони тобора кўпайиб бормоқда»[1]. Бу сиёсатнинг ахлоқийлиги ёки «сиёсий ахлоқ» ғояси индивид ва омма онгида ўзига йўл очаётганидан дарак беради.

Сиёсатда ахлоқий асоснинг аҳамияти амалда ҳанузгача мавжуд бўлмаган аёллар ва эркаклар тенг ҳуқуқлилигини назарда тутади. Сиёсат соҳасида узоқ йиллардан бери мавжуд бўлган ҳукмронлик пирамидаси эркакларга тегишли бўлиб, айни ҳол хотин-қизлар ўз ҳуқуқ ва эркинликларини қўлга киритишларига монелик қилаётир. Бугунги кунда хотин-қизларнинг ҳуқуқларини инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ҳамкорликнинг янги моделига киритиш учун хусусий ва оммавий соҳаларни тўлиқ бирлаштириш талаб этилади. Бу янги моделни яратиш учун асослар амалда йўқ эмас – кўп сонли конвенциялар ва декларацияларда, қолаверса, БМТ Низомида ирқи, диний эътиқоди ва жинсидан қатъий назар, барча инсонларнинг тенг ҳуқуқлилигини тасдиқловчи қоидалар мустаҳкамланган. Масалан, БМТнинг 1979 йилда қабул қилинган «Хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида»ги конвенциясида хотин-қизларнинг ҳуқуқларини инсон ҳуқуқлари назариясига ҳам, уларни ҳимоя қилиш амалиётига ҳам киритиш зарурлиги таъкидланган. Бундан ташқари, мазкур конвенция тарихда илк бор оммавий ва хусусий соҳаларни сунъий ажратиш чегарасидан четга

[1] Права человека накануне XXI века. – М., 1994. – 384-б.

чиқади. Хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларисиз инсон ва жамият ўзаро алоқаси яхлит тизимини яратиш мумкин эмас.

Инсон ва жамиятнинг ўзаро муносабатларида устунлик индивид томонга ўтиши амалда муҳим воқеа ҳисобланади. Эски коллективизм ва эски индивидуализм ўз аҳамиятини йўқотмоқда, глобаллашув босқичи билан бирга шахс биринчи ўринга чиқмоқда. Бу эркин инсон умумий ишга ўз ҳиссасини қўшиш учун ҳамжамият қуриши мумкинлигини англатади. Эркин уюшма фаолияти натижасида индивид яхлитлик касб этиш ва ўз қобилиятларини намоён этиш имкониятини қўлга киритади, яъни коллектив индивидуаллашув ҳақида гапириш мумкин. Бу ерда дунё миқёсида бирлашиш жараёнида иштирок этаётган инсоннинг онгли фаоллиги яна коллектив даражага қайтади. Энди индивид индивидуализм босқичида бўлганидек ижтимоий дунёдан ажралиб қолмайди, балки ўз имкониятларидан фойдаланиш ва уларни тўла рўёбга чиқаришга қодир бўлган етук шахсга айланади.

Муҳими шундаки, мазкур тенденцияда инсоният тараққиётининг барча босқичларида мавжуд бўлган **«гомо креатор»**, яъни ўз тақдири бунёдкори саналган, бироқ ўзбошимчалик билан эмас, балки муайян шароитларда ва уларга мувофиқ иш кўрадиган, айни пайтда ўз олдида турган муқобиллар доирасида йўл танлашда эркин бўлган инсон кузатилади. Зотан индустриал ривожланган мамлакатларда «иккинчи саноат инқилоби» (аниқроғи, информацион инқилоб) оламшумул ўзгаришларга сабаб бўлади.

Биринчидан, постиндустриал цивилизацияда пролетариат когнитариатга айланади, зеро энди меҳнатнинг асосий шакллари илмий тадқиқотлар, иқтисодий таҳлил ва дастурлаштириш ҳисобланади. Бу янги инсон – гомо креаторни, яъни ташаббускорлик, ўқимишлилик ва омилкорликни ўзида бирлаштирган ижодкор шахсни талаб қилади.

Иккинчидан, постиндустриал цивилизациянинг иккинчи асоси сифатида биотехнология амал қилади. У биологик тизимларга аралашади ва уларнинг ривожланиш жараёнларида иштирок этади. Биотехнология ўз куч-қудратига кўра ядро энергиясидан устун

туради ва инсонни жонли табиатнинг чинакам бунёкдорига айлантиради.

Учинчидан, барча аъзолари (шу жумладан таркибий ишсизлик четлаб ўтмаган кишилар ҳам) бой ва фаровон бўлган жамият вужудга келади.

Тўртинчидан, инсоннинг дунё ҳақидаги билимлари мисли кўрилмаган даражага кўтарилади.

Гомо креатор – табиат қонунлари билан бир қаторда ижтимоий ривожланиш қонуниятларига ҳам бўйсунувчи инсон. У постиндустриал цивилизация шароитида ўз моддий эҳтиёжларини қондириш учун кўп куч-ғайрат сарфлаши шарт эмас. Постиндустриал жамият бахтли ҳаёт учун замин яратади, зеро шу пайтгача аксарият индивидлар турмуш сифати пастлигининг бош сабабчиси бўлган омил – муҳтожликни кун тартибидан чиқаради. У инсонни оғир жисмоний меҳнатдан халос қилиш, унга камол топиш учун етарли бўлган бўш вақтни таъминлаш орқали ўз шахсиятини амалда тўла намоён этиш учун имконият яратади.


Хулоса. *Шундай қилиб, жамият ўз ривожланиш жараёнида гомо креаторга эришиш йўлида ҳаракатланмоқда ва ушбу мақсадга эришгач, инсон худонинг чинакам тимсолига айланади* (исихастик анъанада «инсон Худога ўхшатиб яратилган» деган тезис инсонда Худонинг ижодий функцияси мужассамлашганини англатиши тасодифий бир ҳол эмас).


Таянч сўз ва иборалар


Инсон феномени, ижтимоий омиллар. Инсон хулқ-атворига нисбатан иқтисодий ёндашув. Симфоник шахс концепцияси.


Ижтимоий борлиқ (социум) ҳам турли даражадаги симфоник шахслар тўпламининг иерархиявий бирлиги. Л.Карсавин ижтимоий фалсафасида изчил «социоцентризм», Гипериндивидуаллик концепцияси. Гипершахс ҳақидаги тасаввурнинг ўринлилиги учун З.Фрейд кашф килган трансфер феномени. Тоталитар ва демократик тизимларда инсон мақоми. Тоталитар тизимга ялпи қўрқув муҳити хослиги. «Гомо креатор»га эришиш йўлида.

Қўшимча ва тушунтирувчи матнлар




В.Зомбарт санаб ўтган ҳозирги замон иқтисодий одамига хос бўлган умумий жиҳатлар
У ўз ҳаётида мўлжал оладиган асосий кадриятлар – бу мўмай даромад ва бизнесдир
У кўлга киритиши, ташкиллаштириши, музокаралар олиб бориши, спекуляция ва калькуляция килиши лозим
Унинг фаолияти ўз фаолигини мутлако окилоналаштириш ва кенгайтириш тамойилларига тўла бўйсунади
Тиришкоклик, тежамкорлик ва фаровонлик каби хусусиятлар амалий механизмнинг таркибий кисмларига айланди


Инсон манфаати биринчи ўринда
Демократик давлат белгилари
Гоявий плюрализмнинг мавжудлиги
Инсонлар ҳуқуқлари кафолатланади
Фукароларнинг давлатни бошқаришда иштирок этишлари
Инсонларга кенг имкониятлар яратилиб берилади



Мустақил ишлаш учун савол ва топшириқлар

1. Инсон хулқ атворига иқтисодий ёндашув нима?
2. Иқтисодий ёндашувнинг ютуқлари ва камчиликлари нималардан иборат?
3. “Симфоник шахс” деганда нимани тушунасиз?
4. Шахс ва инсон тушунчаларини ёритинг!
5. Гипершахс деганда нимани тушунасиз?
6. Гипершахс ҳақидаги қарашларга сизнинг муносабатингиз қандай?
7. Тотолитар жамиятнинг белгиларини санаб беринг!
8. Тотолитар жамитяда инсонга муносабат қандай бўлади?

9. Демократик жамиятнинг авзалликлари нимада?

10. Демократик жамиятда инсон мақомини қисқача тушунтиринг!

Реферат мавзулари

1. Инсоннинг ижтимоий мақомига турли хил қарашлар.
2. Иқтисодий тизимларнинг инсон ҳулқ атворига таъсири.
3. "Симфоник шахс" концепцияси.
4. Гипершахс тушунчасига танқидий ёндашув.
5. Тотолитар ва демократик жамитяларда инсонга муносабат ва уларни ўзаро тахлили

Билим ва кўникмаларни баҳолаш материаллари

1. "Иқтисодий таҳлил ва инсон хулқ–атвори" асарини муаллифи ким?

А. Г. Беккер.
В. И. Кант.
С. О. Конт
Д. К. Поппер.

2. «Иқтисодий ёндашув ўз қудратига кўра бетакрордир, чунки у инсон хулқ-атворининг кўп сонли ранг-баранг шаклларини бирлаштиришга қодир». Ушбу жумла муаллифи ким?

А. Г. Спенсер.
В. Г. Беккр.
С. Ж.С. Милл.
Д. Бентам.

3. Сиёсий хулқ-атворни тушунтиришда иқтисодий ёндашувдан фойдаланган мутафаккирни белгиланг.

А. И.Бентам
В. Деррида
С. А. Смит
Д. Сартр

4. Инсон лаззатлари ва азоб-уқубатларини ҳисоблаш учун иқтисодий ёндашувдан фойдаланган шахсни тўғри кўрсатинг.

A. Будда
B. О. Конт
C. М. Фуко
Д. Бентам

5. Иқтисодий ёндашувдан келиб чиқиб черковга қатнаш муоммосини тахлил қилган шахсларни кўрсатинг.

A. Эззи ва Эренберг
B. Буханин ва Туллок
C. Хамермеш ва Сосс
Д. Шульц ва Лендс

6. Иқтисодий ёндашувдан келиб чиқиб сиёсий фаолиятни тахлил қилган шахсларни кўрсатинг.

A. Эззи ва Эренберг
B. Буханин ва Туллок
C. Хамермеш ва Сосс
Д. Шульц ва Лендс

7. Иқтисодий ёндашувдан келиб чиқиб ҳайвонларни қирилиш муоммосини тахлил қилган шахсларни кўрсатинг.

A. Эззи ва Эренберг
B. Буханин ва Туллок
C. Хамермеш ва Сосс
Д. Шульц ва Лендс

8. Иқтисодий ёндашувдан келиб чиқиб никоҳ, туғилиш ва ажрашишлар муоммосини тахлил қилган шахсларни кўрсатинг.

A. Эззи ва Эренберг
B. Буханин ва Туллок
C. Хамермеш ва Сосс
Д. Шульц ва Лендс

9. Кимнинг фикрига кўра, иқтисодий назарияни ижтимоий фанларнинг «маликаси» деб ҳисоблаш тўғри бўлмайди?

А. Р. Хайлбронер

В. М. Хайдеггер

С. Харрис

Д. Форд Харрисон.

10. Р.Хайлбронернинг фикрича иқтисодиёт илдизларини нимадан излаш керак?

А. Ишлаб чиқаришдан.

В. Ижтимоий институтлардан

С. Моддий ва маънавий қадриятлардан.

Д. Қонунлардан.

11. «Протестантча ахлоқ ва капитализм руҳи» асарини муаллифини топинг!

А. Фома Аквинский

В. Сартр

С. М. Вебер

Д. В.Зомбарт

12. «Буржуа. Ҳозирги замон иқтисодий одамининг маънавий ривожланиш тарихидан этюдлар» номли асар айнан мана шу шахсга тегишли.

А. Фома Аквинский

В. Сартр

С. М. Вебер

Д. В.Зомбарт

13. В.Зомбарт ҳозирги замон иқтисодий одамига хос бўлган умумий жиҳатларни санаб ўтади. Улар нечта эди?

А. 4 та

В. 5 та

С. 6 та

Д. 7 та

14. “Симфоник шахс” концепцияси кимга тегишли?

A. Гуссерл

B. Карсавин

C. Винер

Д. Вебер

15. Карсавин концепцияси қандай муаммони ечишга қаратилган?

A. Онг муаммосини.

B. Хотира муаммосини.

C. Шахс муаммосини.

Д. Жамият муаммосини.

16. Л.Карсавин томонидан яратилган шахс концепцияси олимнинг қайси асарида ишлаб чиқилган?

A. “Инсон ва инсонийлик”

B. “Шахс ва Инсон”

C. “Инсон ҳақида”

Д. “Шахс ҳақида”

17. Л. Карсавиннинг “симфоник шахс” концепциясида шахс ва борлиқ муносабатига қай тарзда ёндашилган?

A. Шахс ўзини борликдан ажратмайди.

B. Шахс борликдан алоҳида, батомом мустақил.

C. Шахс ва борлиқ битта нарса.

Д. Шахс борликдан устун.

18. Л.Карсавин ижтимоий фалсафасига хос хусусиятни белгиланг!

A. Инсон бурчларининг чексизлиги.

B. Коллективликнинг индивидуалликдан устунлиги.

C. Индивидуалликнинг коллективликдан устунлиги.

Д. Инсон ҳуқуқларининг чексизлиги.

19. Карсавиннинг Глобал шахс фалсафасида экзистенция...?
А. Юқори ўринга қўйилади.
В. Борлиқ билан бирлаштирилади.
С. Мавжудлиги инкор этилади.
Д. Биринчи даражали ўрганиш объектига айланади.

20. «Симфоник шахс ҳақидаги таълимот аслида қулликни метафизик нуқтаи назардан асослашдан бошқа нарса эмас» ушбу жумла кимга тегишли.
А. Соловёв
В. Мосин
С. Флоренский
Д. Бердяев

21. Л.Карсавин концепциясида маънавий иерархия ўрнини нима эгаллаган?
А. Моддий иерархия.
В. Шахс иерархияси.
С. Борлиқ иерархияси.
Д. Жамият ва шахс иерархияси.

22. Гипериндивидуллик концепцияси кимга тегишли?
А. В. Нахимов.
В. В. Налимов
С. В. Насимов
Д. В. Наримов

23. «Бошқа шахсларнинг гуруҳлари таъсири остида бўлмаган ва айни пайтда ўзи ҳам бу шахслар гуруҳларига таъсир кўрсатмаган айрим шахс дунёда топилмаса керак. Бу эса, биз одамларнинг гуруҳларига индивидуалликлардан алоҳида ёндашишимиз мумкин эмаслигини англатади» ушбу жумлани айтган япон олимини белгиланг.
А. А. Курасава.
В. Я. Кавабату.
С. К. Ямамота.
Д. М. Фуко.

24. В. Налимовга кўра содда қилиб айтадиган бўлсак икки даражали таксимлаш функцияси бу – ?

А. Супермен.

В. Комил инсон.

С. Юқори инсон.

Д. Гипершахс.

26. Сексуал энергия ёрдамида эркак ва аёлни бир космик жуфтликка бирлаштиришни назарда тутувчи таълимот бу - ?

А. Дуализм

В. Тантризм

С. Уранизм

Д. Марсовенерологизм.

27. трансфер феноменини ким яратган?

А. К. Юнг

В. Рорти

С. Фрейд

Д. Бергсон.

28. Трансфер феномен нимани билдиради?

А. Ахборотни бошқа объектга етказиш.

В. Янги мавжудотга ахборот қолдириш.

С. Ажралиш.

Д. Бир-биридан ҳеч қачон ажралмасликни, ҳар доим бир-бири билан бириккан ҳолатда бўлиш ва шу тариқа ягона мавжудотни ҳосил қилиш.

29. «Туш кўриш санъати» деб номланган китоб муаллифини кўрсатинг.

А. К. Кастанеда.

В. З. Фрейд.

С. К. Юнг.

Д. Ясперс.

30. «Мустабидлик эволюцияси» деб номланган монография кимга тегишли?

А. Кейнс

В. Кайтуков

С. Колиман

Д. Пастернак.

ИНСОННИНГ МАДАНИЙ ОМИЛИ

Маърузани олиб бориш технологияси

Талабалар сони:	*Вақти:* 2 соат
Машғулот шакли	Маъруза
Маъруза режаси	1. Инсон ва ҳокимият: янги аср ижтимоий-маданий контексти. 2. **«Шарқ - ғарб»** оппозицияси. 3. Инсон ижоди ва санъат символизми. 4. Цивилизацияларнинг ўзгариши даврида инсон.
Машғулотнинг мақсади: **«Шарқ - ғарб»** тушунчасининг келиб чиқиши, Инсон ва ҳокимият: янги аср ижтимоий-маданий контексти ва таҳлили, Инсон ижоди ва санъат символизми, Цивилизацияларнинг ўзгариши даврида инсон.	
Педагогик вазифалар	*Ўқув фаолияти натижалари:*
Шарқ - ғарб» оппозицияси нинг келиб чиқиши.	Талабалар **«Шарқ - ғарб»** оппозицияси нинг келиб чиқиши ва унинг фаолияти ҳақида маълумот оладилар.
Инсон ва ҳокимият: янги аср ижтимоий-маданий контексти.	Талабалар инсон ва ҳокимият: янги аср ижтимоий-маданий контексти ҳақида маълумот оладилар.
Инсон ижоди ва санъат символизми.	Инсон ижоди ва санъат символизми ҳақида маъумот оладилар.
Ўқитиш усуллари ва техника	Маъруза, «ақлий ҳужум», Т-схема, мунозара, муаммоли вазиятлар усули.
Ўқитиш воситалари	Маърузалар матни, тарқатма материаллар, слайдлар, проектор.
Ўқитиш шакллари	Жамоа, тўғридан-тўғри ва гуруҳларда ишлаш.
Ўқитиш шарт-шароити	Техник воситалар билан таъминланган аудитория.
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки назорат, тест назорати, савол-жавоб, ўз-ўзини назорат қилиш, рейтинг тизими асосида баҳолаш.

2. Маърузанинг технологик картаси

Иш жараёнлари вақти	*Фаолиятнинг мазмуни*	
	ўқитувчи	*Талаба*
I-босқич. Курсга ва мавзуга кириш. (20 минут)	1.1Мавзу номини айтиб, унинг доирасида дастлабки умумий тасаввурни беради ҳамда услубий ва ташкилий томонлари билан таништиради.	Тинглайдилар.
1.2. Мавзунинг моҳияти билан таништиради, унинг бошқа мавзулар билан узвийлиги ҳақида кискача маълумот беради.	Тинглайдилар.	
1.3. Мавзу якунида талабалар рейтинг назорати мезонлари асосида баҳоланади	ЎУМ га қарайдилар.	
1.4. Фанни ўзлаштиришда фойдаланиш учун зарур бўлган адабиётлар рўйхати билан таништиради.	ЎУМ га қарайдилар.	
1.5. Ўқув машғулоти мавзуси билан таништиради ва унинг мақсади, ўқув фаолияти натижаларини баён қилади.	Мавзу номини ёзиб оладилар.	
1.6. Мавзу юзасидан ақлий ҳужум қоидаси асосида дарс ўтказишни таклиф этади. Доскага ««**Шарқ - ғарб**» оппозицияси?» деб ёзади. Талабалар томонидан айтилган фикрларни ёзиб боради ва умумлаштиради	Тушунчаларни эркин фикр орқали билдиради.	
2.1. Мавзу режаси ва таянч тушунчалар билан таништиради.	Тинглайдилар.	
2.2. Мавзунини режа бўйича таҳлил қилади, ҳар бир режани ниҳоясида умумлаштиради. Жараён компьютер слайдларини намойиш қилиш билан олиб борилади	Тинглайдилар. Слайдга эътибор қаратади, уни ўзига ёзиб олади ва саволлар беради.	

2.3. Ҳар бир режани мустаҳкамлаш учун қуйидагича саволлар беради: 1. Инсон ва ҳокимият: янги аср ижтимоий-маданий контексти. 2. **«Шарқ - ғарб»** оппозицияси. 3. Инсон ижоди ва санъат символизми. 4. Цивилизациялар нинг ўзгариши даврида инсон.	Саволларга жавоб берадилар, эркин баҳс-мунозара юритадилар.	
2.4. Таянч ибораларга қайтилади. Талабалар иштирокида улар яна бир бор такрорланади.	Ҳар бир таянч тушунча ва ибо-раларни муҳо-кама қиладилар. Конспект қила-дилар.	
3.1. Т-схема техникасидан фойдаланил-ган ҳолда жуфт-жуфт бўлиб ишлаш учун тингловчиларга: **««Шарқ - ғарб»** оппозицияси нима? Инсон ижоди ва санъат символизми нима?»,деган савол ёзилган тарқатма материаллар тарқатади. Ушбу техника орқали мавзу бўйича якунловчи хулоса қилади	Мустақил Т-схемани тўлдирадилар. Эркин фикрини баён этади.	
3.2. Талабаларнинг фаолиятига баҳо қўйилади ва рағбатлантирилади.	Эшитади.	
3.3. Келгуси машғулотга тайёргарлик кўриш учун топшириқлар ва фойдалани-ладиган адабиётлар рўйхати берилади.	Эшитади ва ЎУМ га қарайдилар.	

1. Маърузани олиб бориш технологияси

Талабалар сони:	*Вақти:* 4 соат
Машғулот шакли	Кириш мавзу бўйича маъруза

Маъруза режаси	**1 - маъруза режаси** Инсон ва ҳокимият: янги аср ижтимоий-маданий контексти. Ижтимоий мегамашинанинг тикланиш жараёнини уч босқичи: Янги ижтимоий мегамашина - ҳокимиятга ташналик. **2 - маъруза режаси** Инсон ижоди ва санъат символизми. Санъат асарларида гавдалантирилган трансцендент Қадриятларнинг индивиднинг ижтимоийлашувига таъсири.
Машғулотнинг мақсади: Дарс ўтиш шакллари ҳақида умумназарий тасаввурлар,инсон ҳақида толерантлик ва ижодий ёндошув,талабаларда илмий ва фалсафий дунёқарашнинг шаклланишида инсон фалсафанинг аҳамияти ҳақида тушунча ҳосил қилиш.	
Педагогик вазифалар	*Ўқув фаолияти натижалари:*
Инсон ва ҳокимият: янги аср ижтимоий-маданий контексти.	Инсон ва ҳокимият: янги аср ижтимоий-маданий контексти. ижтимоий мегамашинанинг тикланиш жараёнини уч босқичи.
Ижтимоий мегамашинанинг тикланиш жараёнини уч босқичи:	Янги ижтимоий мегамашина - ҳокимиятга ташналик.
Янги ижтимоий мегамашина - ҳокимиятга ташналик.	Инсон ижоди ва санъат символизми.

Ўқитиш усуллари ва техника	Маъруза, «ақлий ҳужум», Т-схема, мунозара, муаммоли вазиятлар усули.
Ўқитиш воситалари	Маъруза матни, тарқатма материаллар, слайдлар, проектор.
Ўқитиш шакллари	Жамоа, тўғридан-тўғри ва гуруҳларда ишлаш.
Ўқитиш шарт-шароити	Техник воситалар билан таъминланган аудитория.
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки назорат, савол-жавоб, ўз-ўзини назорат қилиш, рейтинг тизими асосида баҳолаш.

2. Маърузанинг технологик картаси

Иш жараёнлари вақти	*Фаолиятнинг мазмуни*	
	ўқитувчи	*Талаба*
I-босқич. Курсга ва мавзуга кириш. (20 минут)	1.1. Ўқув курси номини айтиб, курс доирасида дастлабки умумий тасаввурни беради ҳамда услубий ва ташкилий томонлари билан таништиради.	Тинглайдилар.
	1.2. Курс бўйича ўтиладиган барча мавзулар билан таништиради, уларнинг узвийлиги ҳақида қисқача маълумот беради.	Тинглайдилар.
	1.3. Курс якунида қўйиладиган рейтинг баҳолаш мезонлари билан таништиради	ЎУМ га қарайдилар.
	1.4. Курсни ўзлаштиришда фойдаланиш учун зарур бўлган адабиётлар рўйхати билан таништиради.	ЎУМ га қарайдилар.
	1.5. Биринчи ўқув машғулоти мавзуси билан таништиради ва унинг мақсади: ўқув фаолияти натижаларини баён қилади.	Мавзу номини ёзиб оладилар.
	1.6. Биринчи мавзу юзасидан ақлий ҳужум қоидаси асосида дарс ўтказишни таклиф этади. Доскага «Инсон омиллари» деб ёзади. Талабалар томонидан айтилган фикрларни ёзиб боради ва умумлаштиради	Тушунчаларни эркин фикр орқали билдиради.

II-босқич. Асосий (50 минут)	2.1. Мавзу режаси ва таянч тушунчалар билан таништиради.	Тинглайдилар.
	2.2. Маърузани режа бўйича тушунтиради, ҳар бир режани ниҳоясида умумлаштиради. Жараён компьютер слайдларини намойиш қилиш билан олиб борилади	Тинглайдилар. Слайдга эътибор қаратади, уни ўзига ёзиб олади ва саволлар беради.
	2.3. Ҳар бир режани мустаҳкамлаш учун қуйидагича саволлар беради Санъат асарларида гавдалантирилган трансцендент қадриятларнинг индивиднинг ижтимоийлашувига таъсири. Мусиқа шахснинг уйғун ривожланиши ва унинг зўравонликда намоён бўлувчи деструкцияси билан узвий боғлиқлиги. Инсон ва виртуал воқелик.	Саволларга жавоб берадилар, эркин баҳс-мунозара юритадилар.
	2.4. Таянч ибораларга қайтилади. Талабалар иштирокида улар яна бир бор такрорланади.	Ҳар бир таянч тушунча ва ибораларни муҳокама қиладилар. Конспект қиладилар.
III-босқич. Якуний босқич. (10 минут)	3.1. Т-схема техникасидан фойдаланилган ҳолда жуфт-жуфт бўлиб ишлаш учун тингловчиларга: "Инсоннинг яратувчанлик роли" деган савол ёзилган тарқатма материаллар тарқатади. Ушбу техника орқали мавзу бўйича якунловчи хулоса қилади	Мустақил Т-схемани тўлдирадилар. Эркин фикрини баён этади.
	3.2. Талабаларнинг фаолиятига баҳо қўйилади ва рағбатлантирилади.	Эшитади.
	3.3. Келгуси машғулотга тайёргарлик кўриш учун топшириқлар ва фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати берилади.	Эшитади ва ЎУМ га қарайдилар.

XX асрда кузатилган интеграция жараёнлари кишилик ҳамжамиятида теран сифат ўзгаришларини башорат қилиш учун асос беради. Баъзи бир олимлар XXI асрда янги қадриятлар тизимини ўз ичига олган, ҳатто коллектив **АҚЛ, Хотира ва Маънавий**

дунёга эга бўлган ягона планетар цивилизация пайдо бўлади, деб ҳисоблайдилар. Айрим олимлар фикрига кўра эса, ўзига хос цивилизацион-маданий «умумий махраж» сифатидаги метацивилизация вужудга келади, бунда миллий ва минтақавий цивилизациялар ютиб юборилмайди ёки сиқиб чиқарилмайди, балки ушбу метацивилизация таркибидан ўрин олади. Инсон феноменини тушуниш нуқтаи назаридан айнан цивилизацияларнинг ўзгариши сифатида тавсифланадиган туб ўзгаришлар муҳимдир, зеро инсон цивилизация ва маданиятнинг ўзаги ҳисобланади.

Юз бераётган цивилизацион ўзгаришлар янги қадриятлар тизими вужудга келишида намоён бўлади (шуни унутмаслик керакки, аксиологик нуқтаи назардан маданият қадриятлар тизимини ўзида ифодалайди). Ушбу ўзгаришлар ахборот жамиятининг шаклланишида ҳам кузатилади. Мазкур жамиятнинг индустриал цивилизациядан фарқи шу билан белгиланадики, унда нарсаларни бошқариш эмас, балки уларни ишлаб чиқариш масаласи биринчи ўринга чиқади: ***«Билим – бу ҳокимиятдир, деган эски гоянинг куни битди. Ҳозирги вақтда ҳокимиятга эришиш учун билимлар ҳақида билимга эга бўлиш зарур»*** (О.Тоффлер). Инсон ўз ижодий қобилиятларини рўёбга чиқариш учун кенг имкониятларга эга бўлади, ўзини ўзи бошқариш учун тайёргарлик даражаси ҳам ортади. Ахборот цивилизацияси ривожланиши билан бир вақтда сиёсий муаммолар ҳам йиғилиб боради, уларни анъанавий усуллар ҳамда оз сонли ҳукмрон элита кучлари билан ечиш мумкин эмас. Келажак сиёсий элиталари кўп сонли ва очиқ бўлади, бу эса шахснинг кратик (юнонча *kratos* – «ҳокимият» сўзидан) хулқ-атворига, яъни унинг ҳокимиятга интилиши ва унга бўйсуниш кўникмасига ўз таъсирини кўрсатади. Ўз-ўзидан равшанки, индивидларнинг асосий оммаси сиёсий соҳада ўз кўламига кўра унча катта бўлмаган кундалик қарорларни қабул қилиш билан шуғулланади.

Ахборот цивилизациясида маданият соҳасига компьютер сезиларли даражада таъсир кўрсатади (ҳозирнинг ўзидаёқ кўрсатмоқда). Бугунги кунда инсонга виртуал воқеликка «шўнғиш» имкониятини берувчи виртуал технологиялар жадал суръатларда

ривожланаётгани тасодифий бир ҳол эмас. Аслини олганда, санъат ҳам ўзига хос виртуал воқеликдир. Табиийки, цивилизациялар ўзгараётган даврда этномаданий ва гуманистик муаммолар ҳам янада долзарб аҳамият касб этади. Шуни эътиборга олиб қуйида ижтимоий-маданий дунёда инсоннинг кратик хулқ-атвори, гўзалликнинг жамулжам ифодаси сифатидаги санъат, инсон ва компьютернинг ўзаро алоқаси маҳсули сифатида вужудга келувчи виртуал воқелик муаммоларига батафсилроқ тўхталамиз. Бунда шуни назарда тутиш лозимки, жамият табиат таъсирида, бироқ маданият асосида вужудга келган, маданият социумнинг «бошқа» томони ҳисобланади.

Инсон ва ҳокимият: янги аср ижтимоий-маданий контексти. Инсон феноменининг мазмун ва моҳиятини ёритишда индивиднинг ҳокимиятга интилиши ва унга бўйсуниши масалалари биринчи даражали аҳамият касб этади. Давлат қурилишининг турли моделлари фаолият кўрсатаётган янги аср ижтимоий-маданий контекстида инсоннинг кратик хулқ-атвори алоҳида диққатга сазовордир. Айни шу (монархик, тоталитар ва демократик) давлат қурилишлари доирасида инсоннинг кратик хулқ-атвори ижтимоий-руҳий ва ижтимоий-маданий омиллар мажмуи билан белгиланади. Бу ерда ҳокимият феноменини ўрганишда «Шарқ - ғарб» анъанавий оппозициясини четлаб ўтиш мумкин эмас, зеро у индивиднинг кратик хулқ-атвори ҳақида янада аниқроқ тасаввур ҳосил қилишга ёрдам беради.

«Шарқ – ғарб» оппозициясини икки ғоя синтези доирасида англаб етиш мумкин. Биринчи ғоя Шарқ тафаккури доирасида яратилган бўлиб, «Мен»нинг аҳамиятини инкор этишдан иборат. Конфуцийчилик мафкурасига асосланган Хитойнинг минг йиллик тарихи мазкур ғоянинг амалга оширилишига ёрқин мисол бўлади. «Конфуцийчилар ва легистлар таълимоти хитой жамиятига ичдан хос бўлган жиҳатларни, анъаналарга риоя қилишга ва айни пайтда ялпи назоратга мойилликни, шунингдек давлат аппарати фаолиятида ҳуқуқий одат ва ёзилган қонундан фойдаланишни акс эттиради...

Легизм эмас, балки конфуцийчилик ташкил топган марказлаштирилган бюрократик империянинг расмий мафкурасига айланди»[1].

Табиийки, конфуцийчиликнинг инсон, жамият ва давлат ҳақидаги таълимоти давр талабларига ва у ёки бу мутафаккир ёки жамоат арбоби (консерватив бюрократлар ёки ислоҳотчилар ва инқилобчилар)нинг ижтимоий-сиёсий симпатияларига қараб турлича талқин қилинган. Кимдир айрим шахс давлатга тўла бўйсуниши тўғрисидаги ғояни ўз ичига олган анъанавий маданиятни сақлаб қолишга ҳаракат қилган, кимдир **«катта Мен»** (*давлат*) нинг **«кичик Мен»** (*шахс*) устидан ҳукмронлигини рад этувчи янги маданиятни яратиш талаби билан чиққан. Энг янги тадқиқотлар тарихий-маданий нуқтаи назардан ижтимоий воқелик конфуцийчилик таълимоти билан мувофиқ эмаслиги туфайли фожеий иккиланишни ҳис қилган амалдор-олим шахсини тан олади[2].

Ғарб тафаккурида «Мен»нинг қиммати тўғридан-тўғри назарда тутилган. Етук мавжудот сифатидаги инсон шарқона идеали субъектнинг объектлар дунёси билан узвийлигини англатади, ғарбда қабул қилинган етук индивид идеали эса асосий эътиборни объектив дунёнинг руҳий таъсиридан уни мумкин қадар ҳимоя қилишга қаратади[3]. Индивиднинг етуклиги унинг ижтимоийлашувини, маданиятини, уни объектив ва субъектив воқелик нуқтаи назаридан тавсифлашни назарда тутади. Шу нуқтаи назардан индивид европаликнинг кўз ўнгида эстетик феномен сифатида гавдаланади, деярли тўлиқ санъат соҳасига мансуб бўлади ва амалий борлиққа қарши туради.

Иккинчи анъанавий ғояни Ф.Нортроп ўз вақтида қуйидагича таърифлаган эди: Шарқ эстетик, ғарб эса – назарий феномендир[4]. Аммо Шарқ ва ғарбни муқобил цивилизациялар (ёки тизимли тузилмалар) сифатида ажратиш йўлида ҳал қилувчи қадамни ташлагани

---

[1] Политические учения: история и современность. – М., 1976. – 173-б.

[2] Қаранг: Личность в традиционном Китае. – М., 1992. – 19-б.

[3] Қаранг: Ицхокин А. «Евразия»: между идеологией и метафорой // Обхественные науки и современность. 1993. № 1. – 101-б.

[4] Nortrop F.C.S. The Meeting of East and West. – N.Y., 1966.

йўқ. ғарбда эстетик омиллар билан амалий омиллар ўртасида қарама-қаршилик мавжуд бўлса, Шарқда (айниқса хитойлар ва японларда) эстетик омиллар окилоналик асоси сифатида эътироф этилади, натижада ижтимоий ўзаро алоқа иштирокчиларининг мотивацион тил топишига эришилади ва «тизим» қурилади[1].

«Тизим»ни яратишда энг муҳим элементлардан бири **ҳокимият феномени** ҳисобланади: у ғарб (назарий) ва шарқ (эстетик) цивилизациялари доирасида турлича шакл-шамойил касб этади. Маълумки, ҳокимиятнинг эмоционал аҳамиятини тавсифлаш учун «харизма» тушунчаси ишлатилади. Теологик ва социологик (веберча) талқинда бу тушунча соф ғарбий ҳисобланади ва ҳокимиятга бўлган даъвони қонунлаштиришни назарда тутади. Шарқда ҳокимиятни тан олишнинг маданий (руҳий) омили – бу қонунлаштириш эмас, балки подшо шахсига эстетик тус беришдир. қонунлаштириш норматив ғоялар билан боғлиқ. Айни шу ғоялар ғарб цивилизациясининг мотивацион структураси ёки тизимли моҳиятини тавсифлайди. Бошқача қилиб айтганда, гап инсон норматив ғоялар билан ўзининг боғлиқлигини англаб етиши ҳақида боради. Синтоистик миф императорнинг ҳокимиятга бўлган ҳуқуқларини исботлаш учун норматив импликацияларга эга эмас. У подшо шахсини эртакнамо воситалар ёрдамида мадҳ қилади, унга нисбатан ҳар қандай танқидий муносабатни эътибордан соқит этади. Инсоннинг кратик хулқ-атворини тушуниш учун юқорида айтиб ўтилганлар билан бир қаторда ғарб ижтимоий тартиби эгалитар, шарқ ижтимоий тартиби эса – иерархиявий эканлиги ҳам муҳимдир.

Ижтимоий-маданий (ва ижтимоий-руҳий) омиллар ўз вақтида айнан Шарқда, Қадимги Мисрда, Шумерда ва бошқа сакрал цивилизацияларда ижтимоий мегамашинани яратган эди. Унга давлат ҳокимияти соҳасида подшодан бошқа ҳамманинг ўзлигига паст назар билан қараш хосдир. Л.Мэмфорд айни шу механик тизимнинг фаолияти натижасида шахсни подшо даражасида илоҳийлаштириш

[1] Қаранг: Ицхокин А. «Евразия»: между идеологией и метафорой // Обҳественные науки и современность. 1993. № 1. – 102-б.

юз берганини таъкидлайди: «Ҳокимият монополияси муайян тарзда шахс монополияси вужудга келишига сабаб бўлди, зеро шахснинг барча атрибутларига фақат подшо эга эди....Мазкур босқичда шахс ва ҳокимият узвий деб қаралади: уларнинг иккаласи ҳам подшода мужассамлашади. Зеро фақат суверен қарорлар қабул қилиши... ва илгари тасаввур қилиш ҳам мумкин бўлмаган коллектив ютуқларга эришиши мумкин эди»[1]. Ўзини ўзи мадҳ этиш А.Гитлер ва И.Сталин кабилидаги «доҳийлар»га ҳам хосдир, зеро ижтимоий «мегамашина» Янги даврда қайта тикланди.

Л.Мэмфорд янги мегамашинанинг пайдо бўлишига илк ишора биринчи жаҳон урушидан кейин қайд этилганини таъкидлайди. Унинг фикрича, Россия ва Италияда тоталитар давлатларнинг вужудга келиши ана шундай ишора бўлган[2]. «Доҳий» бошчилигидаги инқилобий «хунта»нинг бир партияли ташкилоти фашистик ва коммунистик диктатуралар шакли ҳисобланган.

Л.Мэмфорд фикрига кўра, ижтимоий мегамашинанинг тикланиш жараёнини уч босқичга ажратиш мумкин:

- Биринчи босқич 1789 йилги француз инқилоби билан боғлиқ. Гарчи бу инқилоб анъанавий монархияни тугатган бўлса-да, унинг абстракт эгизаги – миллий давлатнинг янада улканроқ ҳокимиятини тиклади. Ушбу давлат руссоча сохта демократик шартнома назариясига мувофиқ қироллар ҳам ҳавас қилса арзийдиган даражада ҳокимиятга эга эди.

- Иккинчи босқич асосан биринчи жаҳон „уруши даврига тўғри келади. Аммо бу йўлда дастлабки қадамлар Наполеон Бонапарт томонидан ташланган ва 1870 йилги Франция-Пруссия урушидан кейин Бисмарк бошчилигидаги прусс ҳарбий автократияси томонидан давом эттирилган эди. Мазкур босқич давлат армиясида талабалар ва олимларнинг ихтиёрий хизматини, ишчилар синфини умумий сайлов ҳуқуқи, бошланғич халқ таълими, қарилик пенсияси билан ўзига оғдиришни ўз ичига олади.

---

[1] Мэмфорд Л. Социальная мегамашина // Утопия и утопическое мышление. – М., 1990. – 96-б.

[2] The Lewis Mumford reader. – N.Y., 1986. – 333-б.

Иккинчи жаҳон уруши арафасида янги мегамашинанинг асосий хусусиятлари амалда бўртиб намоён бўлади. Ҳатто сиёсий эркинлик соҳасида Англия ва АқШ каби йирик ютуқларга эришган миллатлар ҳам ҳарбий мажбурият жорий этадилар, олимлар эса янада вайронкор ва ҳалокатли қурол-аслаҳа – тринитро-толуол бомбалари, заҳарловчи газларни яратиш устида иш олиб борадилар. Коллектив ҳокимият ҳали ҳеч қачон бундай қудратга эга бўлмаган эди, зеро у техника ютуқларидан оммага информацион таъсир кўрсатиш учун фойдаланарди (радио матбуот билан бир каторда давлатга анча самарали хизмат қилар эди). Умуман олганда буларнинг барчаси моддий куч ва ҳарбий интизомга эга бўлган мегамашинанинг қудратини янада оширди.

- Ижтимоий мегамашинани тиклашнинг учинчи босқичи иккинчи жаҳон уруши йилларини камраб олади. Бунга мутлақ ҳарбий диктатура сифатидаги дастлабки (кадимги Миср эҳромлари давридаги) механизмнинг тикланиши имконият яратади. Ушбу мегамашина ўзининг классик шакл-шамойилини Россия ва Германияда касб этади, унинг баъзи бир унсурлари Италия, Туркия, Греция ҳамда Лотин Америкасидаги айрим давлатларнинг фашистик диктатураларида ҳам учрайди. Тангридан мандат олган илоҳийлаштирилган монархлар ўрнига бу ерда энди вульгар «эгизак» - қийноқлар қўллайдиган, одамларни оммавий қирғин қилишдан тап тортмайдиган иблисона ҳокимият пайдо бўлади[1].

Янги ижтимоий мегамашина ҳокимиятга ташналик инсонда бойликка интилишдан ҳам кучлироқ майл ҳисобланишини амалда намойиш этади (ушбу тезисни ҳозирги антропологик тадқикотларнинг натижалари ҳам тасдиқлайди). Бинобарин, ҳокимият мафкураси ҳам мавжуд ва у ҳокимиятга интилишни асослашга, кўп сонли индивидларнинг у билан боғлиқ бўлган азоб-укубатларини оқлашга ҳаракат қилади. XX аср ижтимоий мегамашинаси замирида ҳокимиятда тенгсизликнинг мавжудлиги ётади. Мазкур мегамашинанинг фаолият тажрибаси (нацистларнинг лагерлари ва Гулаг)

[1] Қаранг: The Lewis Mumford reader. – N.Y., 1986. – 334–335-б.

унинг мавжудлиги амалда мулкий тенгсизликка қараганда кучлироқ хавф туғдиришини кўрсатади. Айни шу сабабли назоратсиз олий ҳокимиятга ташна шахслар «дунёвий жаннат» ҳақидаги утопияни байроқ қилиб олганлар.

Мазкур утопик мафкуралар ортида ҳокимиятнинг ўз-ўзини ривожлантириш ва ҳокимиятдаги тенгсизлик механизми яшириниб ётади. «Бу механизм ҳокимиятнинг бўлиниши маърифатли тамойилларини, шу жумладан маънавий ва сиёсий ҳокимиятнинг бўлиниши қадимги тамойилини оёқости қилди. Большевизм ва фашизм подшолик, табарруклик ва пайғамбарликнинг ягоналиги архаик тамойилини тиклади. Ушбу тамойилга мувофиқ доҳий ҳам сиёсий ҳокимиятнинг энг олий манбаи, ҳам коҳин, ҳам доҳиёна ғоянинг бош назариячиси ҳисобланади. Мазкур теократик тамойил Гавротдаёқ эскилик сарқити сифатида тавсифланган эди»[1]. Ушбу механизм индивиднинг кратик хулқ-атворини ҳам белгилайди. XX аср демократик жамиятининг ижтимоий-маданий ва ижтимоий-руҳий шароитларида бундай хулқ-атвор ўзгача шакл-шамойил касб этади. Бу ерда индивидлар сиёсий режимнинг фаолият кўрсатиш механизмини одатда биладилар. Француз социологи Р.Арон ўзининг «Демократия ва тоталитаризм» китобида: «Агар фуқаролар мамлакатдаги режим қайси қоидаларга мувофиқ иш кўришини билмасалар, Францияда мавжуд бўлган демократия шароитида биз яшай олмаган бўлардик»[2], деб таъкидлайди. Ҳозирги замон демократик жамияти анча мураккаб, унда ижтимоий жараёнларни бошқаришда инсон иштирокининг кенгайиши кузатилади.

XXI аср бошида инсон кратик хулқ-атворининг янги хусусиятлари ахборот жамиятининг шаклланиши билан боғлиқ. Зеро мазкур жамият ҳокимиятнинг иерархиявий структурасидан воз кечишни талаб қилади. Ж.Нэсбитт фикрига кўра, иерархиявий структура информацион цивилизация учун ярамайди, чунки у ахборот оқимининг тезлигини пасайтиради. Шу туфайли ҳам

---

[1] Философия власти. – М., 1993. – 125-б.

[2] Арон Р. Демократия и тоталитаризм. – М., 1993. – 23-б.

марказлашган институтлар бир-бири билан норасмий муносабатлар ва структуралар орқали боғланган марказлаштиришдан чиқарилган институтларга ўрин бўшатиши лозим. Иерархиялар ижтимоий муаммоларни ечишга қодир эмаслиги кишиларни бошқача структура ҳақида ўйлашга мажбур қилади – шу тариқа «бўғинлар» ғояси вужудга келади. Хотин-қизлар, экологлар ва пацифистлар ҳаракати бундай структуранинг классик андозасини беради. «Бўғинлар ўз-ўзига ёрдамни мустаҳкамлаш, ахборот айирбошлаш, меҳнат унумдорлигини ошириш ва унинг шароитларини яхшилаш мақсадида ресурсларни бирлаштириш учун тузилади, - деб қайд этади Ж.Нэсбитт. – Бўғинлар структураси ахборот оқимини жадаллаштириши, жавобгарликни кучайтириши ва энергия самарадорлигини ошириши лозим»[1].

Ж.Нэсбитт кенг миқёсда яратилаётган турли-туман бўғинлар жамиятнинг анъанавий бўғинлари – оила, черков ва қўшнилар жамоаси ўзининг аввалги мавқеини тиклашига кўмаклашиши лозим, деб ҳисоблайди. Келажакда менежмент бўғинларни бир-бири билан боғловчи ўзига хос бир занжирга айланади. Ушбу бўғинлар ўртасидаги алоқа субординацияни истисно қилади. Бунга ярим ўтказгичлар ишлаб чиқариш соҳасида етакчи корхона – «Интел-корпорейшн» компанияси мисол бўлиши мумкин. Ушбу компания иерархиявий структурага эга эмас. Бу ерда ходимлар бир нечта бошлиқларга эга бўлиши мумкин; маҳсулотни сотиш ва сифатни назорат қилиш функцияларини ҳайъат амалга оширади; компанияга олий даражадаги уч бошқарувчи – ташқи директор, узоқ муддатли режалаштириш бўйича мутахассис ва компания манфаатларини ифода этувчи директорни ўз ичига олган ягона орган раҳбарлик қилади. Гарчи қарорларни мазкур орган қабул қилса-да, уларнинг муҳокамасида барча ходимлар тенг даражада иштирок этадилар. Бундай структурага эга бўлган ташкилотда истеъдодли кишиларнинг унча катта бўлмаган гуруҳлари ўз ишига ўзлари

[1] Naisbitt J. Megatrends: Ten new directions transforming our lives. – N.Y., 1982. – 192-б.

раҳбарлик қилишлари ва юксак натижаларга эришишлари мумкин. Уларнинг муваффақиятида инсон омили, ходимларнинг манфаатларига қараб мўлжал олувчи нисбатан эркинроқ иш режими ва ҳоказолар биринчи даражали аҳамият касб этади. Аммо бундай норасмий иш услуби харажатлар, маҳсулот сифати ва ҳоказолар устидан қаттиқ назорат ўрнатишни тақозо қилади. Мазкур назорат компьютерлар томонидан амалга оширилади. Натижада менежерлар бор эътиборни одамларга қаратиш имкониятига эга бўладилар ва компания юқори малакали ходимларга муҳтожлик сезмайди.

Юқорида зикр этилганга ўхшаш бўғинлар шахсга ўз ижодий имкониятларини рўёбга чиқаришга кўмаклашади. Ж.Нэсбитт бу ҳақда шундай деб ёзади: «Шахс даражасида ҳамжамият, айрим кишиларнинг эркин уюшмасини ташкил этиш мумкин. Ҳамжамиятда ҳам яшириниш учун жой йўқ. Умум ишига ким ҳисса қўшаётганини ва ким бир чеккада қўл қовуштириб турганини ҳар ким билади. Айрим шахслар ҳамжамиятга қўшилишга интиладилар; масъулиятни ўз зиммасига олишни истамаганлар эса кўпинча жамоа «пинжи»га яширинадилар»[1]. Шундай қилиб, муаммоларнинг ечишнинг анъанавий усуллари индивидлар ўртасидаги **«ҳукмронлик – бўйсуниш»** муносабатларига янгича ёндашувга аста-секин ўрин бўшатади. Бошқача қилиб айтганда, инсоннинг кратик ҳудқ-атвори информацион цивилизациянинг шаклланиш жараёни билан белгиланади ва ижтимоий-маданий контекст билан бирга ўзгаради.

Инсон ижоди ва санъат символизми. XXI аср бошида инсон феноменини ўрганишда индивиднинг ижодий қобилиятларини рағбатлантириш воситаси сифатида талқин қилинувчи санъат улкан роль ўйнайди. Америкалик таниқли эстетик олим ва санъат психологи Р.Арнхейм демократиянинг ривожланиши натижасида инсон ҳаёт фаолиятида санъатнинг аҳамияти тўғрисидаги ғоя вужудга келганини таъкидлайди: *«Ижодий фаолият руҳий ёрдамга муҳтож бўлган инсонни руҳлантиришга ва илгари фақат санъат-*

[1] Нэсбитт Дж., Эбурдин П. Что нас ждет в 90-е годы? – М., 1992. – 344-б.

корлар имтиёзи ҳисобланган усуллар билан уни рағбатлантиришга қодир»[1]. Санъатнинг фойдаси ҳақидаги бундай тасаввур айнан фойдасизлик ҳар қандай санъатга хос хусусият ҳисобланишини назарда тутувчи эстетик анъанага зиддир. Аммо мазкур анъана эндиликда ишларнинг ҳақиқий ҳолати билан мувофиқ келмайди, зеро фактлар бунинг аксидан далолат беради.

Инсон мияси системалари бизни санъат асарларини тинимсиз томоша қилиш, тинглаш, тасаввур қилиш, изланиш, уларни яратиш ва улардан лаззатланишга мажбур этади. Фаолликнинг айни шу шакллари инсонни инсон қилган омиллар ҳисобланади (бу санъат ва фанда айниқса бўртиб намоён бўлади). Ижод ва эстетик лаззатланиш инсон ҳаётининг энг муҳим жиҳатлари ҳисобланади, десак, асло адашмаган бўламиз. Бундай фаоллик пайтида инсон мияси одатдаги фаолият жараёнидаги каби, бироқ анча қизғинроқ ишлайди. Кўриш ёки эшитиш фақат сезги органлари етказувчи ахборотни саралашга асосланади, деган тасаввур воқелик билан мувофиқ келмайди. Инсоннинг перцептив фаоллиги тўлалигича сезги органлари етказиб берувчи оз сонли маълумотлардан фойдаланишда образларни гавдалантиришга асосланади. ***Шу маънода санъат асарлари инсон ижодий фаолиятининг тимсоллари сифатида намоён бўлади.***

Мия символлар билан тинимсиз ишлашини англаш орқали биз санъат асарларини тушунишга йўл топамиз. Санъат асарлари инсон миясининг символлар коди билан муайян усулда ўзаро алоқага киришувчи сўзлар, тасвир ёки товушлар билан ифодаланган символлар тўплами ҳисобланади. Ушбу код қисман туғма хусусият касб этади, қисман маданий омиллар билан белгиланади. Худди шунингдек санъат асарларига нисбатан бизнинг айрим реакцияларимиз бевосита ва умумий ҳисобланади, бироқ умуман олганда улар санъаткор фойдаланган кодни билишни назарда тутади. Санъаткорнинг коди ва символлар тўплами бизнинг миямизда юз бераётган жараёнлар билан ҳамоҳанг бўлиши лозим. Тасвирий санъат, адабий

[1] Арнхейм Р. Новые очерки по психологии искусства. – М., 1994. – 273-б.

асар, мусиқа ва ҳоказоларнинг тимсоллари амалда символлар ҳисобланади, чунки миянинг руҳий эҳтиёжлар билан узвий боғлиқ бўлган дастурлари воситасида реципиентда қизиқиш уйғотади.

Санъат инсонга Шопенгауэр айтган *«азалий ёлғизлик»*дан халос бўлишга ёрдам беради, зеро у дунёнинг теран аналоги ҳисобланади. Яратиш акти бадиий ижоднинг синоними ҳисобланади, чунки санъат ўз ички табиатига кўра дунёни англаб етиш имконини беради. Кучли экстаз, ўта таъсирчан интуиция лаҳзаларида инсон ҳодисалар мағзини чақади. Санъат гўзалликни акс эттириш воситаси сифатида дунё ҳақидаги минг йиллик билимлар ва тажрибани ўзида қайд этади. Айни пайтда дунёвий санъат космик санъатнинг теран аналоги ҳисобланади[1].

Санъатнинг аҳамияти яна шу билан белгиланадики, биз кундан-кунга янги ва янги шаклларни яратамиз; санъаткор бизга кузатишда ёрдам беради. У атроф муҳитни тасаввур қилишнинг янгича усулларини бизга таклиф қилади; санъат асарлари дунёсини ўзлаштирар экан, инсон дунёни санъаткорнинг кўзи билан кўра бошлайди. «Биз фақат икки воқеликни – ўзимиз яшаётган ва ўзимизда яшаётган воқеликни биламиз, - деб таъкидлайди Р.Гюйо. – Биринчи воқелик Коинот, иккинчи воқелик эса – руҳий ҳаётдир. Сиртдаги воқелик маконда, ички воқелик – вақтда содир бўлади, санъат эса уларни бир ерда жамлайди. Санъат асари қандайдир безак эмас... у Борлиқ сирларини ўзида мужассамлаштиради»[2]. Нима бўлганда ҳам, санъат ҳақиқий воқеликни кўзгу янглиғ акс эттирмайди: у инсоннинг ички дунёсини чексиз Коинотнинг ранг-баранг дунёси билан бирлаштиради ва ҳам инсон ҳаёти, ҳам Коинот мазмунини англаб етиш билан боғлиқ бўлган экзистенция сирларининг тагига етишга ҳаракат қилади. Шу маънода санъат динга анча яқин туради: дарҳақиқат, бу икки феномен ўзининг кўпгина функциялари ва индивид руҳиятига таъсири билан амалда ўхшашдир. Санъат асарларида гавдалантирилган трансцендент

[1] Қаранг: Блок А. Новые материалы и исследования. – М., 1980. Кн. 2.

[2] Huyghe R. Introduction // In Art and the Creative Consciousness. – N.Y., 1972. – IX–XII б.

қадриятлар индивиднинг ижтимоийлашувига салмоқли ҳисса қўшади, унинг хулқ-атворига таъсир кўрсатади. Бадиий тимсоллар ё инсонда яхлитликни ва ижодга интилишни шакллантириши, ё дунёни ва ўз-ўзини вайрон қилиш истагини уйғотиши мумкин.

Бу турли цивилизациялар маданиятида ва у ёки бу типдаги шахснинг шаклланишида муҳим ўрин эгаллаган мусиқада айниқса бўртиб намоён бўлади. Мусиқа соф акустик феномен сифатида физиологик ва психологик таъсир кўрсатади. Буни бир қатор илмий тадқиқотлар ҳам тасдиқлайди. Масалан, айрим ритмлар ва муайян частоталар организмда моддалар алмашинуви жараёнини жадаллаштириши ёки аксинча – секинлаштириши, гипнотик ҳолатларга сабаб бўлиши мумкин. Биҳевиорал физиология соҳасидаги мутахассис Ж.Даймонд мусиқанинг хусусиятига қараб тинловчида мускуллар кучи ўзгаришини аниқлади. Классик мусиқанинг инсон биоритмлари билан мувофиқ келувчи баъзи бир турлари кайфиятни яхшилайди, инсонга кўтаринки руҳ бахш этади ва шифобахш хусусиятга эга.

Мусиқа шахснинг уйғун ривожланиши билан ҳам (бу ижод учун зарур), унинг зўравонликда намоён бўлувчи деструкцияси билан ҳам узвий боғлиқ. Мусиқа ва зўравонликнинг алоқаси рок-мусиқада айниқса бўртиб намоён бўлади: унинг таъсирида инсонда ўз атрофидаги ҳамма нарсани бузиш, вайрон қилиш истаги жунбуш уради. Зўрлик ишлатишга мойиллик рэпда, жазда, поп-мусиқада ҳам намоён бўлади, у классик мусиқа асарларида ҳам зоҳирдир. «Рок, рэп, жаз, регги уларни яратган маданиятга хос бўлган зўравонликни ифодалайди. Аммо инсон ва муҳит бир-бири билан узвийдир: инсоннинг пинҳона нафрати жамиятга таъсир кўрсатади, жамиятдаги деструктив омиллар эса, аксинча, инсонга ўз таъсирини кўрсатади. Ҳамонки мусиқа мазкур жамият менталитетини, унинг укладини акс эттирар экан, у мусиқачининг туйғуларини ҳам ифодалайди»[1].

---

[1] Леймари И. Опасные силы // Курьер ЮНЕСКО. 1993. Апрель. – 38-б.

Мусиқа, агар у баркамолликка яқин бўлса, «хаосдан тартиб яратади»[1]. Хитой мутафаккири Чжуанцзи таъбири билан айтганда, «мусиқа инсонга содда, бокира ва самимий бўлиб қолиш ва ўзининг бошланғич ҳолатига қайтиш имконини беради». Дунёнинг умумий манзарасида санъат-ижоднинг ўрни шу билан белгиланадики, у давом этувчи дунёқараш ҳисобланади: ижод энг аввало мусиқий борлиқ, яъни билиш объектидир[2].

Назарий жиҳатдан олиб қараганда, сигналли системалар инсондагина эмас, балки инсониятда, уни қуршаган дунёвий ва космик муҳитда ҳам локаллашиши мумкин. Бу ерда айрим инсон эмас, балки локал, минтақавий ёки глобал социум борлиғи ва онги ҳақидаги теран ғояларга; қадимги ҳинд мутафаккирларининг универсал космик Ақл ҳақидаги диний-фалсафий тасаввурларига; голографик энерго-информацион манзара (Д.Бом ва И.Пригожин) ва диалектик-монистик континуал логос – дунё ҳақидаги ғояларга; архитектор И.П.Шмелевнинг учинчи сигналли система – инсонга нисбатан ўзига хос тарзда структуралашган, ахборот узатиш канали вазифасини бажаришга қодир бўлган архитектуравий муҳит ҳақидаги ғоясига дуч келиш мумкин[3].

Ўтган аср охирида санъат рамзий, мажозий дунёсида айрим инновациялар таъсирида туб ўзгаришлар юз берди. Шундай ўзгаришлардан бири мазкур дунёга **голография** (ва лазерлар)нинг кириши билан боғлиқ. Кино фотографияга ҳаракатни олиб кирган бўлса, голография унга учинчи даражани олиб кирди. Голограмма асло геометрик иллюзия эмас, балки уч даражали реал манзарадир. Голограмма кўламни акс эттирмайди, унинг ўзи кўламлидир, бунда у акс эттираётган саҳна томошабиннинг ҳар бир ҳаракатига мос равишда ўзгаради. Бу ерда голограммани акс эттириш учун зарур бўлган ёруғлик муҳим роль ўйнайди; лазерли ёритиш воситалари томошабинлар даврасида ажабтовур муҳитни яратади. Лазер

---

[1] Ўша ерда. – 39-б.

[2] Қаранг: Холопов Ю.Н. О формах постижения музыкального бытия // Вопросы философии. 1993. № 4. – 40-б.

[3] Ўша ерда. – 91-б.

найчасига қандай газ тўлдирилганидан қатъи назар, голограммалар ранглар ва тусларни ўзгартириши, манзаранинг турли фрагментларини ажратиб кўрсатиши мумкин.

Янги экспрессия воситасининг ноёб хоссаларини дзэн, айкидо ва классик фалсафа нуқтаи назаридан талқин қилиш ўзига хос хулосаларга келиш имконини беради. Пировардида голография ўзининг амалий имкониятлари нуқтаи назаридан ҳозирги давр санъати даражасига кўтарилади. У инсоннинг воқелик ҳақидаги икки минг йиллик мантиқий тасаввурини лол қолдирувчи метафора сифатида намоён бўлади. Голография классик просцениум чегарасидан четга чиқади, у ғарб дунёсида Эйнштейндан олдин ўтган Аристотель, Ньютон каби ва бошқа фалсафа қироллари ўрнатган тафаккур категорияларининг тор андозасига сиғмайди. Айнан Эйнштейн нисбий назариясининг аҳамиятини амалда намойиш қилган эди; гарчи физика модда ҳақидаги тасаввурдан воз кечган бўлмаса-да, энг майда элементар зарралар муносабатлар ёки ўзаро алоқалар тизими сифатида талқин қилина бошлади. Голографик ёзувда юзага келувчи интерференцион нақшлар барча нарсалар ва тафаккурнинг интерференцион (тўлқинли) табиатини амалда намойиш қилади.

Голограмма воқеликнинг янгича тавсифини яратади. Бу тавсифни *«яхлит тартиб»* (Д.Бом) деб номлаш мумкин. У инсон миясининг тузилиши ва фаолиятини, хусусан кўриш ва эшитиш системалари мураккаб тўлқинли шаклларни таркибий элементларга ажратишга мажбур бўлиши сабабларини тушунтиради. Санъатда фойдаланиладиган дунёнинг бу янгича тавсифи гўзаллик ҳақидаги шарқона тасаввур билан ҳамоҳангдир (маълумки, санъат гўзалликнинг жамулжам ифодаси ҳисобланади). Лўнда қилиб айтганда, айнан тасаввурлар ва эстетик қадриятлар синтези инсонга дунёга янгича кўз билан қараш ва шунга мос равишда ҳаракат қилиш имконини беради.

Яна бир инновация гўзаллик ҳақида янгича тасаввурни ва умуман янгича дунёқарашни пайдо қилувчи компьютер графикасининг кенг қўлланилиши билан боғлиқ. Бундай санъат асарлари физик ўлчаш мумкин бўлган айрим математик катталикларнинг

теран ўзгаришларини ўзида мужассамлаштиради (компьютерда яратилган санъат асарлари ўта нафис нақшларни ўзида ифодалайди). «Бу ўзгаришлар табиат қонунларига ўхшаб кетадиган содда ва аниқ қоидаларга мувофиқ юз беради, - деб таъкидлайди Г.Айленбергер. – Ушбу нақшларнинг нафис структураси ҳаракат бошидаги аҳамиятсиз оғишлар ҳам улкан фарқларга олиб келиши мумкинлигини ифодалайди»[1]. Бу кичик сабаблар улкан оқибатларга олиб келиши мумкинлигини англатади.

Компьютер графикаси белгиланган хаосни акс эттиради; унинг гўзаллиги хаос билан боғлиқ. Бу гўзаллик ночизиқ табиий тизимлар замирида ётувчи эркинликни компьютер нақшларида (фракталларда) акс эттиради (ночизиқ тизимларда тасодиф омили мавжуд эмас, зеро бу ерда гап белгиланган хаос ҳақида боради). «Бизнинг гўзаллик ҳақидаги тасаввуримиз табиат объектлари – булутлар, дарахтлар, тоғ тизмалари ёки қор доналаридаги тартиб ва тартибсизликнинг уйғунлиги таъсирида вужудга келади»[2]. Бинобарин, гўзаллик ҳақидаги бундай тасаввур инсоннинг монада сифатидаги талқини билан узвий боғлиқ. Бошқача қилиб айтганда, санъат ўз символлари билан индивид ижодига улкан ҳисса қўшади ва унинг янги қирраларини намойиш этади.

Инсон ва виртуал воқелик. Индивидуализм ва эгоцентризмга асосланган ҳаётдан шахсий ва ижтимоий қутблар бирлашадиган ҳаётга ўтиш ҳозирги инсоннинг ривожланиш жараёнида бурилиш ясовчи босқич ҳисобланади. Шахсий ва ижтимоий ҳаётнинг уйғунлиги индивидга яхлитлик касб этиш ва ўзини дунёга намоён этиш имкониятини беради. Бу ҳар бир индивид дунёда ўз ўрнини топиш ва ўзини тенглар орасида тенг деб эътироф этиш имкониятига эга бўлишини, айни ҳол инсон имкониятлари доираси янада кенгайишига йўл очишини англатади.

Ҳозирги замон фанида инсон имкониятлари чегарасини ўрганишга қизиқиш кучлилигини мавжудлик ҳақидаги анъанавий табиий-илмий тасаввурлардаги уч муҳим кашфиёт ҳам тасдиқлайди.

---

[1] Пайтген Х.О., Рихтер Л.Х. Красота фракталов. – М., 1993. – 156-б.

[2] Ўша ерда. – 159-б.

- **Биринчидан,** элементар зарралар физикасида фақат ўзаро алоқа актида вужудга келадиган ва мавжуд бўладиган эфемер ёки виртуал зарралар аниқланди. Бу зарраларнинг хусусияти шу билан белгиланадики, улар бошқа зарраларда потенциал мавжуд бўлмайди, бироқ физик ўзаро алоқа жараёнида улар пайдо бўлади. Виртуал зарралар фақат «шу ерда» ва «ҳозир» мавжуд бўлади, бошқа зарраларнинг интерацияси ва метаморфозалари жараёнида ўз функцияларини бажаради; улар экспериментнинг бошланғич ва пировард шартларида ҳеч қачон мавжуд бўлмайди[1];

- **Иккинчидан,** компьютер техникасида ажабтовур бир феномен қайд этилди. Агар компьютерга бир нечта ҳар хил дастурлар киритилса, у мутлақо ҳар хил функцияларни бажариши ёки бир-бирига ўхшамайдиган объектлар: ёзув машинаси, калькулятор, экспериментал стенд ёки ўйин автомати сифатида амал қилиши мумкин. Компьютер инсоннинг мақсадларига қараб у билан ўзаро алоқада алоҳида, виртуал объектни ҳосил қилади. Калькулятор ёки ўйин автоматининг ўзи компьютерга киритилмаган – улар компьютердан фойдаланаётган инсоннинг фаоллиги жараёнида вужудга келади ва фақат «ўзаро алоқа» пайтидагина мавжуд бўлади.

- **Учинчидан,** электрон ҳисоблаш машиналарининг ишлаб чиқилган янги авлодлари ва дастурлаштиришнинг янги тамойиллари **«виртуал воқелик»ни** моделлаштириш имкониятини беради[2]. Виртуал воқелик объектларини кузатувчи амалда мавжуд объектлар сифатида идрок этади. Бундай моделлаштириш тизимларидан бири алоҳида шлем ва «қўлқоп» бўлиб, уларнинг датчиклари тасвирни бошқаради. Бошқарувчи таъсирлар нутқ, кўз, қўл, бош ёки тана ҳаракати билан тартибга солинадиган тренажёрлар ҳам бор. Баъзан тананинг турли қисмларига датчиклар маҳкамланади ва улар инсонга виртуал объект билан ўзаро алоқа жараёнини ботиний ҳис қилиш имкониятини беради. Айни ҳолда индивид объект билан юз бераётган ўзгаришларни жисмонан ҳис қилади.

---

[1] Қаранг: Фейнман Р. КЭД – странная теория света и вещества. – М., 1988.

[2] Қаранг: Lumier I. Interviev // Computer grafics // World. 1992.V.15. № 4.

Янги технологиялар ёрдамида бир нечта индивидлар учун ягона виртуал маконни яратиш ва ҳар қандай ҳақиқий ёки хаёлий вазиятларни моделлаштириш мумкин. Виртуал маконда кузатувчи ўз нуқтаи назарини ўзгартириш имкониятига эга бўлади. Масалан, автомобиль тренажёрида бўлиш вақтида автомобиль ўриндиғида «ўтириш», унинг атрофида парвоз қилиш, ғилдирак ичига ўрнашиб, тинимсиз айланиш, ўзини автомашинанинг исталган қисми билан айнийлаштириш мумкин. «Янги воқеликнинг кашф қилиниши амалда бутунлай янги ахлоқий муаммоларни кун тартибига қўяди, - деб таъкидлайди Н.А.Носов. – Бу муаммоларни ечиш сунъий «ҳаёт»да ўзини тутиш ва сунъий «одамлар» билан ўзаро алоқа қилиш тамойилларини белгилашни, сунъий инсонга таъсир кўрсатиш эркинлиги шароитида хулқ-атвор меъёрлари қандай бўлиши керак, виртуал воқелик билан ўзаро алоқага киришишнинг у ёки бу усуллари инсон руҳияти ва ижтимоий оламига қандай таъсир кўрсатади, деган саволларга жавоб топишни назарда тутади»[1]. Бу масалалар таърифланаётган ва англаб етилаётган бир пайтда, виртуал технологияларнинг қўлланиш доираси шитоб билан кенгайиб бормокда, мультипликация, кинематограф, театр, фан, таълим, авиация ва ҳоказоларни қамраб олаётир.

- Тўртинчидан, «инсон-машина» системалари билан иш кўрувчи эргономика у ёки бу вазифани тизимли ечиш проекциясида алоҳида объектлар пайдо бўлиши ва вазифа ечилганидан сўнг улар ғойиб бўлишини аниқлади. Масалан, олий пилотаж амалларини бажариш чоғида учувчи самолётни фақат ортиқча зўриқиш ҳолатидан чиқариш лозим бўлган аэродинамик объект сифатида идрок этади. Ҳам жисмоний, ҳам руҳий жиҳатдан ўта кескин вазият юзага келади ва у ортиқча зўриқиш ҳолатидан чиқилганидан кейингина нормал ҳолатга қайтади. Шундай қилиб, инсон ва техник система бирлашганида виртуал объектлар ёки виртуал воқеликлар вужудга келади. Бу ерда инсоннинг *консустал* (одатдаги) ва *виртуал* ҳолатларини ажратиш мумкин. Бунда виртуал ҳолат консустал ҳолатга нисбатан

[1] Носов Н.А. Реальные нереальности // Человек. 1993. № 1. – 35–36-б.

ғайриоддий хусусиятга эга бўлади. Виртуал ҳолатнинг ўзи ё кучли энергия – *гратуал* билан (инсон эркинликни, ижодий юксалишни ҳис қилади), ё ижодий тушкунлик – *ингратуал* билан тавсифланади.

Виртуал воқелик алоҳида турдаги воқелик ҳисобланади; уни ўзлаштириш ҳозирги замон одами ва социумга кучли таъсир кўрсатади. Виртуал воқелик махсус фалсафий, маданиятшуносликка оид, социологик ва психологик таҳлилни талаб қилади[1]. Сўнгги йилларда ўтказилган методологик тадқиқотларнинг эълон қилинган натижаларида виртуал воқеликнинг қуйидаги хусусиятлари санаб ўтилади: у фақат «шу ерда» ва «ҳозир» мавжуд бўлади (виртуал воқеликда бўлган одам учун ўтмиш ва келажак мавжуд эмас); индивид ўзини виртуал воқелик жараёнларининг бевосита иштирокчиси сифатида ҳис қилади; виртуални кузатиш имкониятлари ҳар доим инсон билан боғлиқ бўлади (у ҳамма нарсани ўз нуқтаи назаридан кўради); виртуал воқелик компьютер ёки инсон фаоллиги маҳсули ҳисобланади[2]. *қизиғи шундаки, виртуал воқелик хоссалари нимаси биландир тушни эслатади.*

Виртуал воқеликда ички дунё образлари ташқи муҳит образларидан асло фарқ қилмайди. Турли маданиятлар виртуал ҳолатнинг айни бир хусусиятларидан фойдаланиб, турли хил виртуал воқеликларни яратадилар. Масалан, хитой маданиятида инсоннинг жисмоний ва руҳий аралашувисиз спонтан фаолликка эришиш усуллари ишлаб чиқилган. Ҳар қандай ўй-хаёллардан холилик ёки «беҳушлик» даосизм таълимотининг ўзаги сифатида эътироф этилиши тасодифий бир ҳол эмас. «Беҳушлик – бу сўзнинг объективлашуви таъсирида кўздан яширилган, пинҳона воқеликдир. Аммо воқеликни кашф қилиш – ҳар қандай субъектив овозни унутиш демакдир»[3].

Ғарбий Европа мистицизмида ҳам астролог диққат марказида виртуалнинг айни шу хоссаси туради: «У бошқарувчи космик кучлар ҳаммага ва ҳар кимга таъсир кўрсатишини, фақат юлдузлар

---

[1] Қаранг: Paris D. Artificial reality // Golem. 1992. V.2. N1.

[2] Қаранг: Носов Н.А. Реальные нереальности // Человек. 1993. № 1. – 40–41-б.

[3] Малявин В.В. Чжуан-цзы. – М., 1985. – 88-б.

овозини эшитиш қобилиятига эга бўлиш талаб этилишини билади. Аммо бу овозни эшитиш учун ўз овозини жим бўлишга мажбур қилиш, тушунчаларга доир чеклашлар энг содда ҳаракатлар ўзини намоён этиши учун имконият яратиши талаб этилади. Шу мақсадда у ўзига мурожаат қилган кишида онгнинг очиқ-ойдин назоратини тўхтатиб туришга ҳаракат қилади...»[1]. Виртуалнинг айни шу хоссаси каратэда ҳам ҳаракатсизлик тамойили сифатида белгиланади: «Рақиб билан юзма-юз келганингда, хаёлинг ҳамма нарсадан холи бўлиши лозим. Ақлинг уйқуга кетиши лозим, ўзинг эса борликдан ажралган ҳолатга киришинг шарт. Юзинг фақат нафрат ҳиссини ва ғалабанинг муқаррарлигини ифодалаши лозим. Фақат шу ҳолда оёқларинг ва қўлларинг ўз-ўзидан – енгил ва эркин ҳаракат қилади»[2]. Виртуал образлар бадиий ижодни эслатади; улар постиндустриал цивилизация одамининг руҳиятида туб ўзгариш ясашга улкан ҳисса қўшади.

Виртуал технологиялар инсонга қадимги адаптив-генетик дастурларни нисбатан осон тиклаш имкониятини беради. қизиғи шундаки, мазкур жараён инсон бир ҳудуддан бошқа ҳудудга кўчганида айниқса бўртиб намоён бўлади. Янги шароитлар организмда мудроқ ҳолатда бўлган адаптив-генетик дастурлардан бирини уйғотади. Масалан, янги ерларни кашф қилган ва шу ерда ўрнашиб қолган рус казаклари шимол халқларига хос бўлган хусусиятларни касб этганлар, яъни ҳам руҳий, ҳам жисмоний жиҳатдан ўзгарганлар. Америкалик олим М.Мэрфи бундай дастурни амалга ошириш бўйича эксперимент ўтказди. Муайян интеллектуал ва жисмоний қобилиятларга эга бўлган минглаб кишиларни ўрганиб, у даволаш дастурларини тузди. Унинг методи инсонда яшириниб ётган қобилиятларни рўёбга чиқариш ва шу тариқа уни касалликдан халос қилишни назарда тутар эди. Бир неча ойга чўзилган «муолажа» жараёнида кутилмаган натижалар қайд этилди: мусиқа соҳасида маълумотга эга бўлмаган одам мусиқа ёзиб, уни ўзи оркестр билан

[1] Гарэн Э. Проблемы итальянского Возрождения. – М., 1986. – 341-б.

[2] Пронников В.А., Ладанов И.Д. Японцы. – М., 1983. – 179-б.

бирга ижро эта бошлади; тасвирий санъат соҳасида укув ва кўникмаларга эга бўлмаган одам расм чиза бошлади; шоирлик, боғбонлик ва бошқа қобилиятларнинг кутилмаганда намоён бўлиши ҳоллари ҳам кузатилди. Шундай қилиб, инсоннинг «уйғонган» пинҳона қобилиятлари унда мавжуд касалликларни самарали даволаш имконини берди.

Постиндустриал цивилизация одами виртуал технологиялар ёрдамида ўз руҳиятининг маълум ва номаълум «маконлари»ни ўзлаштириши мумкин. Америкалик тадқиқотчи Ж.Лилли ҳаёт мазмунини аниқлаш йўлидаги ярим асрлик изланишлар жараёнида «гомо сапиенс» имкониятларининг чексизлигини ўзида ҳис қилди. «Онгнинг юксак ҳолатлари тажрибаси инсон тур сифатида яшаб қолиши учун зарурлигига менинг ишончим комил, - деб ёзади у. – Мистик адабиётларда тавсифи келтирилган Сатори, Самадхи ёки Нирвана онгнинг сўз билан тавсифлаш мумкин бўлмаган ҳолатларини кенг қамраб олади. Юксак даражадаги тажрибаларнинг ҳар бири инсон ўзлигининг ва Коинотнинг чексизлигига ишонч ҳосил қилиш имконини беради... Агар бизнинг ҳар биримиз ҳеч бўлмаса Саторининг тубан даражаларини ўзида ҳис қилишга муваффақ бўлса, биз ўз сайёрамизни портлатиб юборишни ёки бирон-бир бошқача усулда ҳаётни йўқ қилиб ташлашни истамаслигимизга умид бор»[1].

Виртуал воқеликлар инсон ўз қобилиятларини ўзи рўёбга чиқаришида унга ёрдам бериш имкониятларига эга. Аниқроқ айтганда, улар инсон тажрибасининг янги қирраларини, онгнинг янги хоссаларини намоён этиш имконини беради. Инсон онгини дунёвий борлиқни идрок этишга мослаштирилган радарга қиёслаш мумкин. Аммо онгнинг ўзгартирилган ҳолатлари ёки виртуал дунёларнинг мавжудлиги уни қайта мослаштириш мумкинлигидан далолат беради. Виртуал технологиялар инсон онгини мудроқ ҳолатдан чиқаради, унинг «радари»ни ғайриоддий кўринишда қайта мослаштиради. «Компьютер анимацияси ва видеоўйинларнинг

[1] Лилли Дж. Центр циклона. – Киев, 1993. – 23–24-б.

жадал суръатларда ривожланиши сўнгги йилларда юз берган кучли технологик турткилардан бири ҳисобланади, - деб таъкидлайди А.Орлов. – Компьютер образлари эстетикаси (кенгроқ олганда – умуман виртуал компьютер муҳити) бугунги кунда бизга онгнинг руҳият эволюцияси нуқтаи назаридан экзистенциал аҳамиятга эга бўлган айрим ўзгартирилган ҳолатларини акс эттириш учун қизиқарли ва кўп жиҳатдан ноёб материал беради»[1]. Бу ғалати ва ғайриоддий образлардан инсонга эстетик таъсир кўрсатиш мақсадида бадиий эффектларни яратиш учун фойдаланилади. Виртуал дунёлар – электрон образлар ва онг даражалари дунёлари ҳозирги даврда инсон феноменининг янги томонларини намоён этади.

Цивилизацияларнинг ўзгариши даврида инсон. Инсоният янги даврга ёки ўз ривожланиш жараёнининг янги босқичига қадам қўймоқда; мутахассислар буни цивилизацияларнинг ўзгариши даври сифатида тавсифлайдилар. Айни пайтда, янги босқичнинг хусусияти хусусида улар бир тўхтамга келганлари йўқ: кимдир жамият «янги Ўрта асрлар»га кирмоқда деб ҳисоблайди (У.Эко), кимдир унда «машғулотлар» цивилизациясини кўради (А.Шафф), кимдир постиндустриал жамиятдан фарқ қиладиган ахборот жамияти тўғрисида сўз юритади (Н.Н.Моисеев) ва ҳ.к. Шуни қайд этиш лозимки, ҳозирги вақтда жамиятни ривожлантиришнинг ғарбона бўлмаган моделлари ҳам илгари сурилмоқда. Лўнда қилиб айтганда, XXI аср бошида юзага келган вазият ғарбдан ҳозирги дунёга мослашишни талаб қилади. Дунёнинг ички ресурслари ва яширин механизмлари ноевропача маданиятларнинг анъаналари ва мўлжалларидан тинимсиз баҳра олиб тургани боис, ғарб уларнинг устидан назоратни йўқота бошламоқда. Яқин келажакда ғарб Осиё назорати остига тушиб қолса ва унинг гипериндивидуализм қадриятлари тизими бутунлай ўзгарса, ажаб эмас[2]. У ўзига ёт интеллектуал ёндашувлар билан ҳисоблашишга ва ўзини яна кишилик

[1] Орлов А.М. Духи компьютерной анимации. – М., 1993. Ч. 1. – 5-б.

[2] Қаранг: Elegant R. Asia Inside. – L., 1990. – 511-б.

ҳамжамиятининг кўп сонли элементларидан бири сифатида ҳис этишга мажбур бўлади[1].

Бизнингча, кишилик жамиятининг келажаги тараққиётнинг технологик томонини мутлақлаштирувчи технотрон жамият билан эмас, балки инсон ўзини билимларга интилувчи эркин мавжудот деб ҳис қиладиган гуманистик жамият билан боғлиқ. Бу гуманистик муносабатлар маданият соҳасидагина эмас, балки жамиятнинг қолган барча соҳалари ва тузилмаларида ҳам амалга ошириладиган ижтимоий гуманизм жамияти бўлади.

Том маънода баркамол шахс гуманистик цивилизациянинг асл мақсади ва асосига айланади. У ўзига хос микрокосмни ўзида ифодаловчи ҳақиқий ижодий индивидуаллик сифатида майдонга чиқади. Инсон – Коинотнинг рефлектив монадаси, шу туфайли ҳам у олий мавжудот ва қадриятдир. Индивид фикрловчи «атом» сифатида дунёни билишга, унинг сирлари тагига етишга ҳаракат қилади. Табиийки, Коинот ўзини билмайдиган инсон орқали ўз-ўзини англаб етиши мумкин эмас. Дунё ва инсоннинг ундаги роли ҳақидаги кенг билимлар гуманистик цивилизациянинг баркамол шахсини шакллантириш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Гуманистик жамиятнинг у ҳақда муайян тасаввур ҳосил қилиш имконини берувчи асосий хусусиятларига қисқача тўхталиб ўтамиз.

Биринчи – гуманистик жамиятда юзага келадиган ва ривожланадиган барча муносабатлар замирида инсон эркинлиги ва унинг қадр-қимматига риоя қилиш ётиши лозим.

Инсоннинг қадр-қиммати унинг насл-насаби, моддий фаровонлиги даражаси билан эмас, балки ўз умри мобайнида у ўзлаштирган билимлар билан белгиланади. Бундай билимлар инсоннинг энг ноёб маънавий бойлиги ҳисобланади.

Иккинчи – гуманистик жамиятда *шахс маънавий ва моддий бойликларининг уйғун бирлиги тамойилига* риоя этилиши лозим. Ўз-ўзидан равшанки, бунда инсон ўз-ўзини маънавий камол

[1] Қаранг: Хуссейн М. Единые основания гуманизма // Курьер ЮНЕСКО. 1992. Октябрь. – 19-б.

топтириши биринчи даражали аҳамият касб этмоғи даркор. Бундан ташқари, маънавий бойлик интеллектуал хусусий мулк ёрдамида моддий фаровонликка эришишнинг асосига айланиши лозим. Маънавий ва моддий жиҳатдан бой шахс гуманистик мафкура идеали ҳисобланади.

Учинчи – бўлғуси жамиятда инсоннинг маънавий бойлиги эстетик такаббурлик ва бошқа ғайриинсоний хусусиятлар (манманлик, баттоллик, душманлик ва ш.к.)га барҳам беришнинг асосига айланади. Инсоннинг шахсий қадр-қиммат туйғуси ва бошқа индивидларнинг қадр-қимматига нисбатан ҳурмат ҳисси ёвузлик жамиятини эзгулик ва адолат жамиятига айлантиришнинг маънавий воситаси бўлиб хизмат қилади. Ўз-ўзидан ёвузликни сиқиб чиқариш инсонийликнинг асосий ахлоқий тамойилларидан бири ҳисобланади. Агар инсон ўзининг ёмон майлларини ўзи тийишга одатланган бўлмаса, жамият уни ёмон йўлдан аввалига яхшилик билан, бу самара бермаган тақдирда эса – куч ишлатиш йўли билан қайтаришга мажбур бўлади[1]. қонунлар яхши ва одил одамларни ҳимоя қилиши, ёмон одамларни эса жазолаши лозим. Билим куч сифатида жоҳил одамларнинг юрагига қўрқув солиши керак, зеро, И.Гёте таъкидлаганидек, дунёда фаол жоҳилликдан даҳшатлироқ ёвузлик йўқдир.

Тўртинчи – табиатан тенг бўлмаган кишилар ўртасидаги муносабатларда қуллар ва хожалар муносабатлари эмас, балки меҳрибонлик ва инсонпарварлик ҳукм суриши лозим. Кишиларни элита вакиллари, «қўли узун» одамлар ва оломонга ажратиш инсонийликка зиддир. Исо Масиҳ ва Ф.Ницше янги ахлоқни яратганлар, бироқ христианча ахлоқ инсоний, ницшеча ахлоқ эса – ғайриинсонийдир. Янги гуманистик жамиятда инсониятнинг гуманистик анъаналарига асосланган янгича ахлоқ ҳукм суради. У ницшеча ахлоқ каби яхшилик ва ёмонликнинг нариги томонида турмайди ва христианча ахлоқ каби инсоннинг роли ва қадр-қимматини Худо олдида камситмайди. Мазкур ахлоқ яхшилик ва

[1] Қаранг: Ильин И.А. О сопротивлении злу силою // Путь к очевидности. – М., 1993.

ёмонликнинг бу томонида туради ва инсон қадр-қимматини олий қадрият даражасига кўтаради. Инсонийлик «худонинг бандалари» мафкурасига эмас, балки жаҳоннинг эркин ва муносиб фуқаролари мафкурасига айланади.

Бешинчи – гуманистик жамият шахсининг виждонлилиги тамойили инсон қадр-қиммати билан узвий боғлиқ. Янги шахснинг (Ницше таъбири билан айтганда, ўта қудратли инсоннинг) виждонлилиги у гуманистик мазмун билан бойитилган тақдирдагина маъно касб этади. Маънавий қадриятлар замирида инсоннинг оқилона хулқ-атвори ҳақидаги билимлар ётади. Виждон инсон хулқ-атворининг ички мезони сифатида айнан индивид ўз умри мобайнида ўзлаштирган ички билимлар билан белгиланади.

Олтинчи – юқорида кўрсатилганлардан ташқари бўлғуси жамиятда индивидлар, гуруҳлар, партиялар, миллатлар ва мамлакатлар ўртасида ялпи муросаи мадора тамойили амал қилиши лозим. Айни шу тамойил азалий муаммо – «индивид – жамият» муаммосини ечишнинг фундаментал асоси бўлиб хизмат қилади. У инсон фаолиятининг барча соҳаларини қамраб олиши лозим. Бинобарин, бўлғуси гуманистик жамият маданияти ҳам муросаи мадора манбаига айланади. Зеро маданиятсиз жамият парчаланиб кетади, қадриятлар ва мақсадлардан айрилади. қадриятлар, мақсадлар ва мўлжалларнинг муштарак эмаслиги индивидларнинг руҳий ва жисмоний азоб-уқубатларига сабаб бўлади. Шу туфайли ҳам келишилган маданият, когерент жамиятга эришиш талаб этилади[1]. Шундагина инсон ҳар қандай зўравонликдан холи бўлган, спонтан тарзда юзага келадиган ижодий эркинликни қўлга киритади.

Еттинчи – айни шу сабабли инсоннинг ижодий эркинлиги тамойили гуманистик цивилизациянинг энг муҳим тамойилига айланади. Жамият дастлабки босқичда ҳамма учун тенг яшаш шароитларини таъминлайди, кейинги босқичларда эса инсон ҳаётининг фаровонлиги унинг қобилиятларига, меҳнатсевар-

[1] Қаранг: Бом Д. Наука и духовность: необходимость изменений в культуре // Человек. 1992. № 2. – 17-б.

лигига, эркин меҳнат ва ижодий фаолият жараёнида инсоннинг потенциал имкониятларига боғлиқ бўлади. Эркин ижодий меҳнат учун инсонни меҳнатга рағбатлантирувчи омиллар мавжуд бўлиши лозим. Меҳнатга муносиб ҳақ тўлаш ана шундай омиллардан бири ҳисобланади. Бунда меҳнат қанча ижодий бўлса, у шунча қиммат туриши, инсон ва жамият учун аҳамияти ҳам шунча юксак бўлиши лозим. Янги илмий билимларни яратиш борасидаги меҳнат ижодий меҳнатнинг чўққиси ҳисобланади. Гуманистик жамият амалда эришишга ҳаракат қиладиган идеал вариант – ҳар бир инсонга ўз қобилиятларини ривожлантириш имконини бериш, у қайси фаолият соҳасида ижодий меҳнат билан шуғулланиш ва ўз шахсиятини намойиш этишга қодир бўлса, шу соҳада ўз истеъдодлари ва манфаатларини рўёбга чиқариш учун унга имконият яратиб беришдир.

Саккизинчи – гуманистик жамиятда унинг *мафкураси* энг муҳим ва ҳал қилувчи тамойилга айланади. Мазкур жамият мафкурасининг замирида янги цивилизациянинг дунё ва инсоннинг ундаги роли ҳақидаги билимлар негизида, яъни фалсафий, илмий, бадиий, ахлоқий, ҳуқуқий, сиёсий, иқтисодий ва экологик билимларнинг бирлиги асосида шаклланиши ва ривожланишини белгилайдиган таълимот ётади. Инсонийлик мафкураси қадриятлар ва мўлжаллар, жамият ҳаётини ташкил этиш ва бошқариш тамойиллари, ҳаракат идеаллари, мафкуравий туйғулар ва эътиқодлар тизими ҳамдир. Инсонийлик мафкурасининг бирлаштирувчи роли шундаки, у иқтисодиёт, сиёсат ва маданият бир ёқлама эмас, балки уйғун, яъни яхлит ривожланиши учун имконият яратади.

Янги жамиятнинг олий мақсади комил инсонни шакллантириш ва ривожлантиришдан иборат бўлгани, инсоннинг моҳияти эса шахссиз ижтимоий муносабатлар мажмуи билан эмас, балки индивид ҳаётда ўзлаштирган билимлар йиғиндиси билан белгиланган боис, гуманистик жамиятнинг шаклланиш жараёнида асосий эътиборни моддий неъматлар ишлаб чиқаришдан маънавий қадриятларни яратишга қаратиш юз беради[1]. Билимлар яратишни

[1] Қаранг: Моисеев Н.Н. Идеи естествознания в гуманитарной науке // Человек. 1992. № 2. – 16-б.

кенг миқёсда йўлга қўйиш жамият ва давлатнинг бош вазифасига, моддий неъматлар ишлаб чиқариш эса – билимлар яратиш жараёнининг маҳсулига айланади. Гуманистик жамиятнинг ҳозирги ғарб ва постсоциалистик жамиятидан фарқи ҳам асосан шунда намоён бўлади. Гуманистик жамият билимлар жамияти бўлади, бунда инсоннинг маънавий билимлари ва қадриятлари биринчи даражали аҳамият касб этади.

Тўққизинчи – этник маданиятларнинг ранг-баранглиги ҳам ижтимоий гуманизм жамиятининг муҳим хусусиятларидан бири ҳисобланади. «Яқин келажакда жамият ўзининг ранг-баранглигини, турфа хил миллий маданиятлар, диний эътиқодлар ва сиёсий таълимотлар мажмуини сақлаб қолади. Иқтисодий интеграция жараёнлари қай даражада кучли бўлмасин, жаҳон, ҳар қалай яқин ўн йилликлар мобайнида, тарқоқ ва турли-туман зиддиятларга тўла бўлиб қолади. Аммо бу шахс ўз ижодий қобилиятларини мумкин қадар тўла намоён этишини таъминлашга интилувчи «янги индивидуализм» дунёси бўлади. Буни қайси ижтимоий тузилмалар таъминлай олади – бу ҳақда ҳозир аниқ бир нарса дейиш қийин»[1].

Ўнинчи – ўз-ўзидан равшанки, гуманистик цивилизацияда экологик императивга қатъий риоя этилади. Ушбу тенденция ўз-ўзидан шахс эркинлиги маълум даражада чекланишига ва айрим янги ахлоқий асосларнинг яратилишига олиб келади. «Бундай оқилона жамиятни яратиш яшаб қолишнинг зарурий шарти ҳисобланади»[2].

Бўлғуси гуманистик жамиятнинг юқорида баён этилган абстракт модели ўз ривожланишининг конкрет-тарихий шаклларига, яъни ҳар бир мамлакатда ўз хусусиятлари билан тавсифланадиган миллий моделларга эга бўлади. Гуманистик жамият асослари ҳозирги вақтда жаҳоннинг тараққий этган посткапиталистик мамлакатларида шаклланмоқда[3]. Шундай қилиб, инсоният келажагини техника жамияти, ҳатто ялпи истеъмол жамияти ҳам эмас, балки ижтимоий гуманизм жамияти белгилайди.

---

[1] Ўша ерда.

[2] Ўша ерда.

[3] Қаранг: Дьяконов И.М. Пути истории. – М., 1994.

Инсон ўйин-кулги, гап-гаштак ва сайр-томошалар дунёсида. Турли ўйинлар ва томошаларни ўз ичига олган воқелик инсон экзистенциясининг узвий жиҳатларидан бири ҳисобланади. Ўйин муайян образлар билан бажариладиган амаллар мажмуини ўзида ифодалайди. Мазкур образлар инсонга воқеликни «ўзгартириш» имконини беради. Бошқача қилиб айтганда, ўйин образлари муайян қимматга ва аҳамиятга эга бўлади, улар ўйинни маданий даражага кўтаради. Ўйиннинг ўзи инсон экзистенциясининг ажралмас таркибий элементи ҳисобланади, воқеликни уйдирмага айлантириш йўли билан индивидга завқланиш имкониятини беради. Шуни қайд этиш лозимки, фанда кўп сонли назариялар, шу жумладан ядро, гравитация, электромагнетизм, биологик ривожланиш, кимёвий эволюция назарияси мавжуд бўлса-да, ўйин назарияси ҳанузгача яратилгани йўқ. Бизнингча, бу ҳолни ўйиннинг фундаментал ва иррационал табиати билан изоҳлаш мумкин бўлса керак. Нима бўлганда ҳам, инсон фаолиятининг энг муҳим турлари (масалан, тил, миф, урф-одатлар ва ҳ.к.) азалдан ҳазил-мутойиба, ўйин-кулги, сайр-томоша билан тавсифланади. Ўйин фаолиятининг маданий мезони энг аввало маданий антропология, этнология ва этнография соҳасидаги мутахассислар томонидан қайд этилган. Улар бир қатор маданиятлардаги ўзгаришлар жараёнларини ўйинлар ва томошалар нуқтаи назаридан кузатганлар. Таниқли тадқиқотчилар Э.Тайлор ва Ж.Фрезер ўйинлар ва томошаларнинг тарқалиши қандай қилиб маданиятларнинг бир-бирига таъсири ва бир-бирига ўтиши кўрсаткичига айланишини кўрсатиб берганлар[1]. Аммо махсус социологик адабиётларнинг саҳифаларидан ташқарида пайдо бўлган биринчи муаммо маданиятлар ўртасида ўйинлар ва томошалар диффузияси феномени эмас, балки ўйин ва томоша билан муайян маданиятнинг умумий модели ўртасидаги алоқалар ва ўтишларни аниқлаш вазифаси ҳисобланади.

Давримизнинг кўпгина ўйинлари ва томошалари ўз илдизлари билан узоқ мозийга бориб тақалади. Баъзи бир ўйинларнинг

[1] Қаранг: Тайлор Э. Первобытная культура. – М., 1989; Фрэзер Дж. Золотая ветвь. – М., 1984.

мотивлари минг йилликлар ва асрлар оша сақланиб келаётир. Ёзма манбаларда ўйинлар қадим замонлардан бошлаб одамларнинг вақтихушлик қилиш воситаларига айланганлиги қайд этилади. Масалан, Гомер қадимги юнон аскарларининг ўйинларини тилга олади, Овидий тўп ўйини билан қаторда ҳалқа отиш ўйинини эслайди, Гораций эса отларда пойга тавсифини келтиради. Олимпия гояларининг куртаклари маълум, испан корридаси қайсидир маънода Рим томошаларининг давоми ҳисобланади. Бундан ташқари, сатурналияларнинг карнавал анъанаси ҳам маълум[1].

Тарихий фаолият реликти ёки унинг ўзгарган шакли бўлган ўйинлар ва томошалар айни пайтда конкрет маданий андозанинг жонли инъикоси ҳам ҳисобланади. Қадимги халқлардан мерос қолган ўйинлар ва томошалар амалда бир халқдан бошқа халққа ўтса-да, ҳар бир маданият уларнинг ўртасида муайян саралашни амалга оширади ва ҳар доим уларни ўз даври эҳтиёжларига мослаштиради. У ёки бу жамиятда қабул қилинган ўйин-кулги, гап-гаштак ва сайр-томошаларнинг турлари анча барқарор, одамлар орасида маълум ва машҳур бўлиб, деярли ўзгаришларсиз амалга оширилади. Ўйинга доир хулқ-атворнинг институционаллашуви нуқтаи назаридан улар муайян маданият одамларининг менталитети, урф-одатлари ва эҳтиёжлари билан мувофиқ келиши, айни пайтда мазкур менталитетнинг аста-секин ўзгаришига маълум даражада таъсир кўрсатиши лозим. Поляк тадқиқотчиси Б.Сулковский фикрига кўра, бундай кузатишлар асосида ҳар бир жамиятнинг ўйин-кулги, гап-гаштак ва сайр-томошалари маданий жиҳатдан экспрессив ҳисобланади, муайян маданият қадриятлари эса уларда янада бўртиброқ намоён бўлади, деган хулосага келиш мумкин[2].

Америкалик антрополог олимлар Ж.Робертс, М.Арт ва Р.Буш бир юзу элликтага яқин ибтидоий жамоаларда ўйин фаолияти усулларини ўргандилар[3]. Уларнинг фикрига кўра, ўйинлар мадани-

---

[1] Қаранг: Bett H. The games of children. – L., 1928; Тайлор Э. Первобытная культура. – М., 1989.

[2] Қаранг: Sulkowski B. Zabava. Studium sociologichny. – Warszawa, 1984. – 47-б.

[3] Қаранг: Roberts J.M., Arth M.J., Bush R.R. Games in Culture // American Antropologist. 1959. №4.

ятнинг табиатини акс эттиради, зеро муҳим фаоллик моделлари ҳисобланади. Спорт беллашувлари умуман олганда кураш ва овни тасвирлайди, стихия ва стратегия ўйинлари кишилар ўртасидаги шахсий муносабатлар тизимларини ҳосил қилади, бошқа хил ўйинлар ва томошалар эса муайян маърифий муаммолар синтезини ўзида ифодалайди. Ушбу ҳолдан келиб чиқиб, муаллифлар у ёки бу ўйинлар ва томошаларнинг мавжудлиги ёки йўқлигини умуман олганда ибтидоий маданиятларнинг муайян типлари билан боғлайдилар. Масалан, стратегик ўйинлар индивидлар ўртасидаги муносабатларнинг моделлари ҳисобланган боис, вақтихушлик тадбирларининг мазкур типи ижтимоий мақомларни ажратишга мойиллик айниқса кучли бўлган жамиятларда кўпроқ учрайди. Шундан сўнг муаллифлар қуръа ташлашга асосланган ўйинларни диний эътиқодларнинг хусусияти билан қарама-қарши қўядилар. Ибтидоий динларда худолар некбин бўлса, бу ҳол қуръа ташлашга асосланган ўйинлар кенг тарқалишига имконият яратади, худоларнинг агрессив табиати ҳақидаги тасаввурларнинг кучлилиги эса бу турдаги ўйинлар тарқалиш доирасининг торлигига сабаб бўлади. Муаллифлар ўйинлар ва жамиятнинг асосий маданий конфигурацияси ўртасидаги статистик алоқалар муаммоларининг қиёсий таҳлилини ҳам амалга оширадилар. Олинган натижалар шуни кўрсатадики, ишлаб чиқариш техникаси ва технологияси унча мураккаб бўлмаган, ижтимоий стратификация ва ҳуқуқ тизими ривожланмаган, нисбатан содда маданиятларда жисмоний куч ишлатишга асосланган ўйинлар етакчилик қилади, одамлар ов ва балиқ овидан лаззат оладилар. Маданий конфигурациянинг мураккаблашишига қараб қуръа ташлашга асосланган ўйинлар, стратегик ўйинлар пайдо бўлади. Ниҳоят, ҳозирги ривожланган жамиятда бу ўйинларнинг барчаси биргаликда амал қилади. Тадқиқотчилар фикрига кўра, ўйинлар ёш авлоднинг ижтимоийлашуви усули ва ҳаётдаги бўлғуси ролларни ўзлаштириш воситаси ҳисобланади. Шу туфайли ҳам шахс ва ўйинлар ўртасидаги алоқаларни маданиятда статистик жиҳатдан ифодалаш мумкинлиги табиий бир ҳолдир[1].

---

[1] Қаранг: The Study of Games / Red. E.M.Azedon, B.Sutton-Smith. – N.Y., 1971. – 433-б.

Келтирилган мисол ривожланган жамиятларнинг ҳозирги тадқиқотларида олимлар ўйин-кулги, гап-гаштак ва сайр-томоша турларининг ягона мажмуидан келиб чиқишларини кўрсатади. Антропологик тадқиқотларда статистик методдан фойдаланиш, бир томондан, турли ижтимоий гуруҳлар ва қатламларнинг маданий андозаларидаги фарқларни ажратиш имконини беради, бошқа томондан эса, турли хил ўйинлар ва томошалар бир маданиятдан бошқа маданиятга ўтиши ва бир-бири билан қоришиши жараёнини кузатиш учун имконият яратади. Чет эллик таниқли тадқиқотчи Р.Кэлуа ҳар бир жамиятда ўйинлар ва томошаларнинг тўрт аналитик тушунчасини ажратади. Унинг фикрича, инсон ўзининг ўйинларга бўлган эҳтиёжларини **кураш ва ўзаро ёрдам** – agon йўли билан, **қуръа ташлашга асосланган ўйинлар** – alea ёрдамида, **тақлидчилик ва масхарабозлик** – mimicry воситасида ёки **экстаз ва ҳайрат** омилини излаш – ilinx орқали қондиради[1]. Табиийки, амалда конкрет ўйинлар ва томошаларни ушбу категорияларга мувофиқ ажратиш анча мушкул иш; улар кўпинча жуфт-жуфт бўлиб келади, масалан: agon – alea (қарта), alea – ilinx (қимор), agon – mimicry (спорт томошаси) ва ҳ.к. Конкрет маданият мазкур тўрт категория билан белгиланувчи интенцияларнинг яхлит тизимларида, уларнинг конфигурацияларида «ўйнайди» ва шу тариқа ўзининг алоҳида табиатини намоён этади.

Ушбу таснифни ўйинлар ва томошалар ижтимоий ҳаёт қонуниятларини акс эттириши ёки уларни рад этиши мумкин, деган фикр билан тўлдириш зарур[2], деб таъкидлайди Б.Сулковский. Бошқача қилиб айтганда, ўйин-кулги, гап-гаштак ва сайр-томошалар жамиятнинг қадриятлар тизимини улар ҳаёт билан мувофиқ келган ҳолда ҳам, мувозанат тамойили амал қилган ҳолда ҳам (бунда ўйинлар ва томошалар индивидга у ҳаётдан олишга муваффақ бўлмаган нарсани беради) намойиш этади. Ўйинлар ва томошалар ҳар доим конкрет маданият руҳини акс эттиради, баъзан хавфсизлик

---

[1] Қаранг: Callois R. Zywiol i lad. – Warszava, 1973. – 363–376-б.

[2] Қаранг: Sulkowski B. Zabava. Studium sociologichny. – Warszawa, 1984. – 51-б.

«клапани» вазифасини бажаради ва инсонни жамиятда ҳукм сураётган конформизмдан халос қилади, баъзан эса бўш вақтни тўлдириш воситаси бўлиб хизмат қилади (бунга оммавий маданият мисол бўлиши мумкин).

Юқорида баён этилганлардан келиб чиқиб, XXI аср бошида инсоннинг ўйин-кулги, гап-гаштак ва сайр-томошалар дунёсидаги ўрнида қандай ўзгаришлар юз берганлигига назар ташлаймиз. Бу ўзгаришлар энг аввало радио, телевидение, шахсий компьютерлар ва мультимедиани ўз ичига олувчи оммавий ахборот ва коммуникация воситаларининг кенг тарқалиши билан боғлиқ[1]. Шуни қайд этиш лозимки, баъзан (айниқса у ёки бу байрам пайтида) расм-русум хусусиятини касб этувчи анъанавий томошадан фарқли ўлароқ, электрон кўнгилочар воситалар (ўйинлар ва томошалар) аксарият ҳолларда санъат билан чегарадош бўлади. Зеро улар электрон образларни тасаввур билан бойитишни ва ҳаракатга интеллектуал фаоллик бахш этишни талаб қилади. Айни пайтда электрон ўйинлар ва томошалар айрим индивидларда пассив позиция шаклланишига сабаб бўлиши мумкин. Ҳолбуки, ҳақиқий ўйин ёки томошада индивид ўзига ўхшаш тирик одамлар билан ўзаро алоқага киришади, ўзининг жисмоний ва маънавий имкониятларини ривожлантиради.

«Электрон халоскорлар пири» М.Макклюэн гап ўйинлар ва томошалар ҳақида борганида оммавий ахборот воситаларининг камчилигини афзалликка айлантиради. «Ҳатто телевидениедаги ўқитувчи ҳам ўқувчилар кўз ўнгида уларнинг бевосита алоқадан келиб чиқувчи туйғуларидан кучлироқ бўлган харизматик ёки мифик хусусиятлар касб этади. Бунда телевизион таъсир визуал восита сифатида эмас, балки сезиш-эшитиш воситаси сифатида амал қилади, ҳис-туйғуларимизни теран ўзаро алоқаларга киришишга мажбур этади. Телевизион тажрибанинг бу синестезияси матбуот нашри ёки фотосуратдан олинадиган визуал тажрибага кўниккан одамларни қуюшқондан чиқаради... Телевидение томошабин-

[1] Қаранг: Hardison O.B. Disappearing Ihrough the Skylight. Culture and Technology in the Twentieth Century. – N.Y., 1989; Пайтген Х.О., Рихтер Л.Х. Красота фракталов. – М., 1993.

лардан энг аввало иштирокчилик ижодий реакциясини талаб қилади... Телевидение бизнинг туйғуларимизга таъсир кўрсатади, бироқ томошабинда эмоциялар ўйғотмайди, уни тарғиб қилмайди ва ҳаракатларга даъват этмайди. Бу барча шаклдаги теран кечинмаларнинг умумий жиҳати бўлса, ажаб эмас»[1]. Гарчи электрон ўйинлар ва томошалар мифологиясининг «жодуси» М.Макклюэнни ҳам мафтун қилган бўлса-да, у инсонга мазкур феноменлар таъсирининг ижодий жиҳатларини топишга ҳаракат қилади.

Компьютер анимацияси билан боғлиқ ўйинлар ва томошалар таъсирига хос бўлган яна бир янги жиҳат **«зомби эффекти»** деб аталади. Илгари томошабин фильмларда уларнинг мазмунидан келиб чиқиб дунёга нисбатан антропологик ёндашувни идрок этган бўлсалар, эндиликда виртуал объектларни математик моделлаштириш асосида яратилган компьютер кадри «зомби эффекти»ни ҳосил қилади, яъни бировнинг онги билан бошқариладиган тирик мурда ҳаракатларини яратади. Шундай қилиб, «компьютер анимацияси тириклар ва ўликлар дунёси ўртасидаги, жонли ва жонсиз нарсалар ўртасидаги, бу дунё ва «нариги» дунё ўртасидаги чегарани олиб ташлади ва уларнинг бирини иккинчиси билан бирлаштирди»[2].

XXI аср бошида ўйинлар ва томошаларнинг яна бир янги жиҳати **«инсон – компьютер» комплекслари фаолияти** билан боғлиқ. Бунда индивидга виртуал воқеликларга «кириш» имкониятини берувчи ахборот технологияларидан фойдаланилади. Масалан, инсон ҳар қандай спорт ўйинларида, барча замонлар ва халқларнинг турли хил ўйинлари ва томошаларида иштирок этиши мумкин. Бунинг учун тегишли дастурлар ўрнатилган шахсий компьютерга уланишнинг ўзи кифоя қилади. Янги ахборот технологиялари «плазмаланган» образлардан иборат компьютер фильмларини яратиш имкониятини беради. Бундай фильмларда кўз ўнгимизда дунёвий шароитларда мавжуд бўлмаган хоссаларни ўзида мужассамлаштирган алоҳида яхлит воқелик образи

[1] McLuhan M. Wybor pism. – Warszava, 1975. – 193; 313–314-б.

[2] Орлов А.М. Духи компьютерной анимации. – М., 1993. Ч. 1. – 14-б.

намоён бўлади. Бу органика ва ноорганика, темир ва жонли вужуд, ўсимликлар ва ҳайвонлар, оқувчан ва қаттиқ жисмлар бир-бирига ўтувчи плазма «образи»дир. «Бу фильмларнинг образлари жисмлар ва предметлар эмас, балки алоҳида табиатли, кўпинча тинимсиз ўзгарувчи, эластиклик ва «ҳаёт инерцияси» хусусиятларига эга бўлган эманациялардан иборат муҳитдир. Ушбу дунёда одатдаги кўламлар йўқолади ва тасаввурни ҳам макрокосм, ҳам микрокосмга «ростлаш» имконияти пайдо бўлади»[1].

Хулоса. Ўз-ўзидан равшанки, плазмаланган образлардан иборат фильмлар томошабин онгига уни трансцендент эстетика билан ошно этиш орқали жуда кучли таъсир кўрсатади. Ўйин-кулги, гап-гаштак ва сайр-томошалар дунёсида инсоннинг янги ўрнини тавсифловчи мазкур хусусиятлар юз бераётган цивилизацион силжишдан ва ўта мураккаб дунёда индивиднинг янги мақоми шаклланаётганидан далолат беради.

Тажрибавий амалий матнлар

«зомби эффекти», agon – alea (қарта), alea – ilinx (қимор), agon – mimicry (спорт томошаси), гомо сапиенс, виртуал воқелик, гратуал, ингратуал, голография

[1] Ўша ерда. – 16-б.

Мустақил ишлаш учун савол ва топшириқлар

1. XXI асрда янги қадриятлар тизимини ўз ичига олган **Маънавий дунёга** эга бўлган ягона планетар цивилизация даври қандай босқични босиб ўтди?

2. Давлат қурилишининг турли моделлари (монархик, тоталитар ва демократик) ҳақида нималарни билиб олжингиз?

3. **«Шарқ - ғарб»** оппозициясини нечта ғоя синтези доирасида англаб етиш мумкин?

4. Л.Мэмфорд фикрига кўра, ижтимоий мегамашинанинг тикланиш жараёнини неча босқичга ажратиш мумкин?

5. Ж.Нэсбитт бўғинлар структурасини қандай изоҳлайди?

6. Виртуал воқеликнинг хоссалари нималада намоён бўлади?

7. Шопенгауэр Санъат инсонга *«азалий ёлғизлик»*дан халос бўлишга ёрдам беради-деганида нимани назарда тутган эди?

8. Гуманистик жамиятнинг у ҳақда муайян тасаввур ҳосил қилиш имконини берувчи асосий тамойиллар нималардан иборат?

9. «инсон-машина» системалари билан иш кўрувчи эргономика фанда нимани аниқлади?

10. Шарқ тафаккури ва Ғарб тафаккур доираси пайдо бўлишидаги ўхшашлик ва фарқли жиҳатлар нималарда намоён бўлади?

11. Конфуций таълимотининг Шарқ маданий дунёсига таъсири.

12. Шарқ “мен”и ва Ғарб “мен”и ўртасида қандай тафовут бор?

13. XXI аср бошида ўйинлар ва томошаларнинг яна бир янги жиҳати **«инсон – компьютер» комплекслари фаолияти** билан боғлиқлигини қандай изоҳлайсиз?

14. **«зомби эффекти»** нима?

Реферат мавзулари:

1. Инсон ва ҳокимият: янги аср ижтимоий-маданий контексти.
2. **«Шарқ - ғарб»** оппозицияси.
3. Инсон ижоди ва санъат символизми.

4. Цивилизацияларнинг ўзгариши даврида инсон.
5. Инсоннинг маданий омили.
6. Инсон ўйин-кулги, гап-гаштак ва сайр-томошалар дунёсида.
7. Гуманистик жамиятнинг асосий хусусиятлари.
8. Инсон ва виртуал воқелик.

Билим ва кўникмаларни баҳолаш материаллари

1. «Билим – бу ҳокимиятдир, деган эски ғоянинг куни битди. Ҳозирги вақтда ҳокимиятга эришиш учун билимлар ҳақида билимга эга бўлиш зарур» – деган фикр муаллифини топинг.

А) О.Тоффлер
Б) В.Шнайдер
С) А.Кинг
Д) К.Ясперс

2. Келажак сиёсий элиталари кўп сонли ва очиқ бўлади, бу эса шахснинг кратик хулқ-атворига, яъни унинг ҳокимиятга интилиши ва унга бўйсуниш кўникмасига ўз таъсирини кўрсатади. Тагига чизилган сўзнинг маъноси қайси қаторда тўғри берилган?

А) Юнча *kratos* – «ҳокимият» сўзидан
Б) Лтча *kratos* – «ҳокимият» сўзидан
С) Юнча *kratos* – «ҳоким» сўзидан
Д) Лтча *kratos* – «ҳоким» сўзидан

3. «Шарқ - ғарб» оппозициясини икки ғоя синтези доирасида англаб етиш мумкин. Иккинчи анъанавий ғояни ким ўз вақтида қуйидагича таърифлаган эди: Шарқ эстетик, ғарб эса – назарий феномендир.

А) А.Кинг
Б) В.Шнайдер
С) Ф.Нортроп
Д) К.Ясперс

4. Шарқ ва ғарбни муқобил цивилизациялар (ёки тизимли тузилмалар) сифатида ажратиш йўлида ҳал қилувчи қадамни ташлагани йўқ. ғарбда эстетик омиллар билан амалий омиллар ўртасида карама-каршилик мавжуд бўлса, Шарқда эстетик омиллар оқилоналик асоси сифатида эътироф этилади, натижада ижтимоий ўзаро алоқа иштирокчиларининг мотивацион тил топишига эришилади ва «тизим» қурилади. Шарқда асосан қайси ҳудудларда эстетик омиллар оқилоналик асоси сифатида эътироф этилади.

А) Хитой ва Марказий Осиёда
Б) Япония ва Шимолий Кореяда
С) Япония ва Хитойда
Д) Хитой ва Кореяда

5. «Тизим»ни яратишда энг муҳим элементлардан бири ҳокимият феномени ҳисобланади: у ғарб да------- ва шарқда ------- цивилизациялари доирасида турлича шакл-шамойил касб этади.Нуқталар ўрнини тўлдиринг?

А) назарий ва амалий
Б) назарий ва эстетик
С) назарий ва бюрократик
Д) назарий ва демократик

6. Маълумки, ҳокимиятнинг эмоционал аҳамиятини тавсифлаш учун «-----» тушунчаси ишлатилади. Теологик ва социологик (веберча) талқинда бу тушунча соф ғарбий ҳисобланади ва ҳокимиятга бўлган даъвони қонунлаштиришни назарда тутади. Бу қайси тушунча?

А) кратос
Б) харизма
С) демократия
Д) тизим

7. Л.Мэмфорд ижтимоий мегамашинанинг тикланиш жараёнини неча босқичга ажратиб ўрганган.

А) 3 босқичга
Б) 4 босқичга
С) 5 босқичга
Д) 6 босқичга

8. Л.Мэмфорд фикрига кўра, ижтимоий мегамашинанинг тикланиш жараёнини уч босқичга ажратиш мумкин. Қуйида берилган жавоблардан қайси бири шу осқичга киради?

А) 1789 йилги француз инқилоби билан боғлиқ

Б) биринчи жаҳон уруши даврига тўғри келади

С) иккинчи жаҳон уруши йилларини қамраб олади

Д) А, Б, С жавоблари тўғри

9. Франция-Пруссия уруши нечанчи йилда бўлиб ўтган?

А) 1780 йилда

Б) 1871 йилда

С) 1860 йилда

Д) 1870 йилда

10. Ким ўзининг «Демократия ва тоталитаризм» китобида: «Агар фуқаролар мамлакатдаги режим қайси қоидаларга мувофиқ иш кўришини билмасалар, Францияда мавжуд бўлган демократия шароитида биз яшай олмаган бўлардик»[1], деб таъкидлайди.

А) К.Ясперс

Б) В.Шнайдер

С) А.Кинг

Д) Р.Арон

11. Иерархиялар ижтимоий муаммоларни ечишга қодир эмаслиги кишиларни бошқача структура ҳақида ўйлашга мажбур қилади – шу тариқа ҳокимятда қандай ғоя вужудга келади.

А) тизим

Б) бўғин

С) вульгар

Д) эгизак

12. «Шахс даражасида ҳамжамият, айрим кишиларнинг эркин уюшмасини ташкил этиш мумкин. Ҳамжамиятда ҳам яшириниш учун жой йўқ. Умум ишига ким ҳисса қўшаётганини ва ким бир чеккада қўл қовуштириб турганини ҳар ким билади. Айрим шахслар

1 Арон Р. Демократия и тоталитаризм. – М., 1993. – 23-б.

ҳамжамиятга қўшилишга интиладилар; масъулиятни ўз зиммасига олишни истамаганлар эса кўпинча жамоа «пинжи»га яширинадилар». Қуйидаги фикр муаллифини топинг?

А) Р.Арон
Б) В.Шнайдер
С) Ж.Нэсбитт
Д) К.Ясперс

13. Қуйидаги фикрлардан қайси бири Америкалик таниқли эстетик олим ва санъат психологи Р.Арнхеймнинг мулоҳазаси.

А) Ижодий фаолият руҳий ёрдамга муҳтож бўлган инсонни руҳлантиришга ва илгари фақат санъаткорлар имтиёзи ҳисобланган усуллар билан уни рағбатлантиришга қодир.

Б) Шахс даражасида ҳамжамият, айрим кишиларнинг эркин уюшмасини ташкил этиш мумкин. Ҳамжамиятда ҳам яшириниш учун жой йўқ. Умум ишига ким ҳисса қўшаётганини ва ким бир чеккада қўл қовуштириб турганини ҳар ким билади. Айрим шахслар ҳамжамиятга қўшилишга интиладилар; масъулиятни ўз зиммасига олишни истамаганлар эса кўпинча жамоа «пинжи»га яширинадилар

С) Ривожланиши натижасида инсон ҳаёт фаолиятида санъатнинг аҳамияти тўғрисидаги ғоя вужудга келган.

Д) Тўғри жавоб А ва С

14. Санъат инсонга *«азалий ёлғизлик»*дан халос бўлишга ёрдам беради, зеро у дунёнинг теран аналоги ҳисобланади-деган олимни топинг?

А) Ж.Нэсбитт
Б) В.Шнайдер
С) Шопенгауэр
Д) К.Ясперс

15. «Биз фақат икки воқеликни – ўзимиз яшаётган ва ўзимизда яшаётган воқеликни биламиз, – деб таъкидлайди Р.Гюйо. – Биринчи воқелик Коинот, иккинчи воқелик эса – удир. У нима ?

А) руҳий олам
Б) Руҳий ҳаёт
С) тафаккур олами
Д) хотира

16. «Биз фақат икки воқеликни – ўзимиз яшаётган ва ўзимизда яшаётган воқеликни биламиз,. – Биринчи воқелик Коинот, иккинчи воқелик эса – руҳий хаётдир. Сиртдаги воқелик маконда, ички воқелик – вақтда содир бўлади, санъат эса уларни бир ерда жамлайди. Санъат асари қандайдир безак эмас... у Борлиқ сирларини ўзида мужассамлаштиради- деб таъкидлаган ким?

А) Шопенгауэр
Б) В.Шнайдер
С) Ж.Нэсбитт
Д) Р.Гюйо

17. Мусиқанинг хусусиятига қараб тинловчида мускуллар кучи ўзгаришини аниқлаган олим ким?

А) Шопенгауэр
Б) В.Шнайдер
С) Р.Гюйо
Д) Ж.Даймонд

18. «мусиқа инсонга содда, бокира ва самимий бўлиб қолиш ва ўзининг бошланғич ҳолатига қайтиш имконини беради». Фикр муаллифини топинг?

А) Чжуанцзи
Б) В.Шнайдер
С) Р.Гюйо
Д) Шопенгауэр

19. Голограмма воқеликнинг янгича тавсифини яратади. Бу тавсифни Д.Бомқандай номлаган.

А) яхлит борлиқ
Б) яхлит интизом
С) яхлит тартиб
Д) мутлақ тартиб

20. «Янги вокеликнинг кашф қилиниши амалда бутунлай янги ахлоқий муаммоларни кун тартибига қўяди, - деб таъкидлаган файласуф?

А) Н.А.Носов

Б) В.Шнайдер

С) Ж.Нэсбитт

Д) К.Ясперс

21. кимдир жамият «янги Ўрта асрлар»га кирмоқда деб ҳисоблайди кимдир унда «машғулотлар» цивилизациясини кўради, кимдир постиндустриал жамиятдан фарқ қиладиган ахборот жамияти тўғрисида сўз юритади. Қуйидаги фаразлар муаллифлари кетмакетли тўғри берилган қаторни топинг?

А) У.Эко, А.Шафф, Н.Н.Моисеев

Б) А.Шафф, Н.Н.Моисеев, У.Эко

С) Н.Н.Моисеев, У.Эко, А.Шафф

Д) А.Шафф, Н.Н.Моисеев,Ж.Нэсбитт

22. Таниқли тадқиқотчилар ўйинлар ва томошаларнинг тарқалиши қандай қилиб маданиятларнинг бир-бирига таъсири ва бир-бирига ўтиши кўрсаткичига айланишини кўрсатиб берганлар. Улар кимлар эди?

А) Э.Тайлор ва Н.Н.Моисеев

Б) А.Шафф ва Н.Н.Моисеев

С) Ж.Фрезер ва Э.Тайлор

Д) Ж.Нэсбитт ва Ж.Фрезер

23. Қадимги юнон аскарларининг ўйинларини ўз асарларида тилга олган мутафккир?

А) Суқрот

Б) Овидий

С) Гораций

Д) Гомер

24. Америкалик антрополог олимлар Ж.Робертс, М.Арт ва Р.Буш жами қанча ибтидоий жамоаларда ўйин фаолияти усулларини ўргандилар?

А) 150 дан ортиқ

Б) 155 та

С) 150 га яқин

Д) 145 та

25. Бир юзу элликтага яқин ибтидоий жамоаларда ўйин фаолияти усулларини ўрганган Америкалик олимлар кимлар эди?

А) Ж.Робертс, М.Арт, Р.Буш

Б) А.Шафф, Н.Н.Моисеев, Р.Буш

С) Н.Н.Моисеев, Ж.Робертс, М.Арт

Д) Ж.Робертс, М.Арт,Ж.Нэсбитт

26. Чет эллик таниқли тадқиқотчи Р.Кэлуа ҳар бир жамиятда ўйинлар ва томошаларнинг тўрт аналитик тушунчасини ажратади. Унинг фикрича, инсон ўзининг ўйинларга бўлган эҳтиёжларини

1) кураш ва ўзаро ёрдам –..... йўли билан,

2) қурьа ташлашга асосланган ўйинлар –.....ёрдамида,

3) тақлидчилик ва масхарабозлик –..... воситасида ёки

4) экстаз ва ҳайрат омилини излаш –.....орқали кондиради. Р.Кэлуа уларни қандай номлаган нукталар ўрнига муносибини танлаб тўлдиринг?

А) agon, alea, mimicry, ilinx

Б) alea, mimicry,ilinx,agon

С) alea, mimicry, agon, ilinx

Д) mimicry, agon, ilinx, alea

27. XXI аср бошида ўйинлар ва томошаларнинг янги жиҳатлари нималарда намоён бўлмоқда?

А) Зомби эффекти

Б) «Инсон – компьютер» комплекслари фаолияти

С) Индивид виртуал воқеликларга «кириш» имкониятини берувчи ахборот технологияларидан фойдаланади

Д) Барча жавоблар тўғри

28. Илгари томошабин фильмларда уларнинг мазмунидан келиб чиқиб дунёга нисбатан антропологик ёндашувни идрок этган бўлсалар, эндиликда виртуал объектларни математик моделлаштириш асосида яратилган компьютер кадри.....ни ҳосил қилади, яъни бировнинг онги билан бошқариладиган тирик мурда ҳаракатларини яратади.Жумлани тўлдиринг.

А) Зомби эффекти

Б) «Инсон – компьютер» комплекслари фаолияти

С) Индивид виртуал воқеликларга «кириш» имкониятини

Д) Барча жавоблар тўғри

29. Ҳинд санъати ютуқларининг асосий қисми кимлар томонидан вайрон қилинган эди?

А) Гуннлар

Б) Ислом

С) Фанатиклари

Д) Барча жавоблар тўғри.

30. У ўзининг “Тарихнинг маъноси ва вазифаси” асарида тарих ва инсониятнинг ягоналигини исботлаш учун “дунёвий вақт ўқи” концепциясидан самарали фойдаланган файласуф номи қайси қаторда тўғри берилган?

А) К.Ясперс

Б) А.Кинг

С) В.Шнайдер

Д) Мотоори Норинаги

ИНСОННИНГ ПСИХОЛОГИК ОМИЛИ

1. Маърузани олиб бориш технологияси

Талабалар сони:	*Вақти:* 4 соат
Машғулот шакли	Кириш мавзу бўйича маъруза
Маъруза режаси	**1-маъруза режаси** Инсон руҳиятидаги инқилоб. Шахсни соматологик идентификация қилиш концепцияси Инсон қуркувининг янги образлари. **2-маъруза режаси** XX аср қўрқув манбаи – ислом ақидапарастлари терроризмининг пайдо бўлиши Қўрқувнинг янги тури – экологик ҳалокат хавфи. Психотрон уруш хавфи
Машғулотнинг мақсади: Дарс ўтиш шакллари ҳақида умумназарий тасаввурлар,инсон ҳақида толерантлик ва ижодий ёндошув,талабаларда илмий ва фалсафий дунёқарашнинг шаклланишида инсон фалсафанинг аҳамияти ҳақида тушунча ҳосил қилиш.	
Педагогик вазифалар	*Ўқув фаолияти натижалари:*
Инсон руҳиятидаги инқилоб.	Биотехнология методларидан фойдаланиш хавфи
Шахсни соматологик идентификация килиш концепцияси	Бир вужудда «Мен»нинг кўп сонлилиги.
Инсон қуркувининг янги образлари.	«Мен» полицентрик модели.
Ўқитиш усуллари ва техника	Маъруза, «ақлий ҳужум», Т-схема, мунозара, муаммоли вазиятлар усули.
Ўқитиш воситалари	Маъруза матни, тарқатма материаллар, слайдлар, проектор.
Ўқитиш шакллари	Жамоа, тўғридан-тўғри ва гуруҳларда ишлаш.
Ўқитиш шарт-шароити	Техник воситалар билан таъминланган аудитория.
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки назорат, савол-жавоб, ўз-ўзини назорат қилиш, рейтинг тизими асосида баҳолаш.

Маърузанинг технологик картаси

Иш жараёнлари вақти	*Фаолиятнинг мазмуни*	
	ўқитувчи	*Талаба*
I-боскич. Курсга ва мавзуга кириш. (20 минут)	1.1. Ўқув курси номини айтиб, курс доирасида дастлабки умумий тасаввурни беради ҳамда услубий ва ташкилий томонлари билан таништиради.	Тинглайдилар.
	1.2. Курс бўйича ўтиладиган барча мавзулар билан таништиради, уларнинг узвийлиги ҳақида қисқача маълумот беради.	Тинглайдилар.
	1.3. Курс якунида қўйиладиган рейтинг баҳолаш мезонлари билан таништиради	ЎУМ га қарайдилар.
	1.4. Курсни ўзлаштиришда фойдаланиш учун зарур бўлган адабиётлар рўйхати билан таништиради.	ЎУМ га қарайдилар.
	1.5. Биринчи ўқув машғулоти мавзуси билан таништиради ва унинг мақсади, ўқув фаолияти натижаларини баён қилади.	Мавзу номини ёзиб оладилар.
	1.6. Биринчи мавзу юзасидан ақлий хужум қоидаси асосида дарс ўтказишни таклиф этади. Доскага «Инсон психологияси» деб ёзади. Талабалар томонидан айтилган фикрларни ёзиб боради ва умумлаштиради	Тушунчаларни эркин фикр орқали билдиради.

II-босқич. Асосий (50 минут)	2.1. Мавзу режаси ва таянч тушунчалар билан таништиради.	Тинглайдилар.
	2.2. Маърузани режа бўйича тушунтиради, ҳар бир режани ниҳоясида умумлаштиради. Жараён компьютер слайдларини намойиш қилиш билан олиб борилади	Тинглайдилар. Слайдга эътибор қаратади, уни ўзига ёзиб олади ва саволлар беради.
	2.3. Ҳар бир режани мустаҳкамлаш учун қуйидагича саволлар беради: XX аср кўрқув манбаи – ислом ақидапарастлари терроризмининг пайдо бўлиши XXI аср бошида «онг – материя» фалсафий муаммоси. Менталитет, рационал эмоционал ва тана-амалиётининг мураккаб тўқиммаси сифатида.	Саволларга жавоб берадилар, эркин баҳс-мунозара юритадилар.
	2.4. Таянч ибораларга қайтилади. Талабалар иштирокида улар яна бир бор такрорланади.	Ҳар бир таянч тушунча ва ибораларни муҳокама қиладилар. Конспект қиладилар.
III-босқич. Якуний босқич. (10 минут)	3.1. Т-схема техникасидан фойдаланилган ҳолда жуфт-жуфт бўлиб ишлаш учун тингловчиларга “Инсоннинг хиссий ҳолатлари.” деган савол ёзилган тарқатма материаллар тарқатади. Ушбу техника орқали мавзу бўйича якунловчи хулоса қилади	Мустақил Т-схемани тўлдирадилар. Эркин фикрини баён этади.
	3.2. Талабаларнинг фаолиятига баҳо қўйилади ва рағбатлантирилади.	Эшитади.
	3.3. Келгуси машғулотга тайёргарлик кўриш учун топшириқлар ва фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати берилади.	Эшитади ва ЎУМ га қарайдилар.

XXI аср бошида инсон феноменини янги типдаги цивилизациянинг туғилиши юз бераётган янги давр контекстидан ташқарида тушуниш мумкин эмас. Бу ерда ривожланаётган инсоният тарихида

юз бераётган мазкур бурилиш босқичини талқин қилишга нисбатан турлича ёндашувлар мавжуд. Айрим олимлар техноген цивилизация антропоген цивилизацияга ўрин бўшатяпти, деб ҳисоблайдилар (Г.Г.Дилигенский), баъзи бир мутафаккирлар эса «тарих ўз интиҳосига яқинлашди» (Ф.Фукуяма), яъни «посттарихий» босқич бошланди, дея таъкидлайдилар. Нима бўлганда ҳам индустриал цивилизация ўрнини постиндустриал цивилизация эгаллаётгани, бу эса кўп даражали инсоннинг туғилишини англатиши (Г.Маркузе индустриал жамият одамини бир даражали инсон сифатида тавсифлаган эди) шак-шубҳасиздир. Айни ҳолда XXI аср бошида инсон руҳиятида содир бўлаётган инқилоб ҳақида гапириш мумкин. Ўтган аср бошида Р.Бекк бу ҳақда сўз юритар экан, инсониятни уч инқилоб: **илмий-техникавий** (унинг таъбири билан айтганда, «моддий»), **ижтимоий** ва **руҳий** инқилоб кутаётганини, хусусан руҳий инқилоб натижасида инсон руҳида тўнтариш юз бериши ва дин инсоният устидан тўла ҳукмронликни қўлга киритишини таъкидлаган эди.

Ушбу башорат ўнгидан кела бошламоқда. Бинобарин, ҳозирги замон ғарб илмий тадқиқот методологияси шарқ маданиятларининг диний ва мистик тажрибасига таянган ҳолда, фан ва мистицизмни бирлаштиришга ҳаракат қилаётгани, шарқ психологияси ёндашувлари ғарб психологиясига кириб келаётгани тасодифий бир ҳол эмас. Айни ҳол трансперсонал (инсондан ташқаридаги маънавий) воқеликнинг мавжудлигини асослашга эҳтиёж билан белгиланадики, бу постиндиустриал цивилизация шароитида инсоннинг кўп даражали дунёси шаклланаётганидан далолат беради.

Ҳозирги вақтда онгнинг дискретлиги ва узлуксизлиги, инсон мияси ва руҳияти фаолияти ҳамда уларнинг ўзаро муносабатлари муаммоларини ўрганишга нисбатан яхлит ёндашув талаб этилади. Бу фундаментал муаммони ечиш учун бир қанча тушунчалар ишлаб чиқилган. Чунончи:

– «тугма ғоялар» (Р.Декарт);

– «космик онгсизлик» (Судзуки);

– «космик онг» (Э.Фромм);
– «коллектив тасаввурлар» (Э.Дюркгейм ва Л.Леви-Брюль);
– «онгсиз структуралар» (К.Леви-Стросс ва М.Фуко);
– «онгсизлик бировнинг нутқи сифатида» (Ж.Лакан);
– «коллектив онгсизлик архетиплари» (К.Юнг).

Шу туфайли ҳам ушбу бобда биз инсон руҳиятидаги инқилоб, инсон қўрқувининг янги образлари, бир вужудда «Мен»нинг кўп сонлилиги, «Мен» полицентрик модели, руҳиятнинг космик асослари ва ҳоказолар билан боғлиқ масалаларга батафсилроқ тўхталамиз.

Инсон руҳиятидаги инқилоб. Бир қатор тадқиқотлар XXI юз йиллик **«Онг асри»** (П.Рассел) бўлиши ҳақидаги тахминни тасдиқламоқда. Маълумки, У.Жемс, К.Юнг, А.Маслоу ва бошқалар шахслараро муносабатлар, «онгнинг ёришиши» ҳолатига олиб келувчи диний тажриба руҳий соғломлик кўрсаткичи ҳисобланиши ва анча кўп учрашини таъкидлаган эдилар. *Дуолар, медитация* ва шу кабилар бундай ҳолатга эришиш усуллари ҳисобланади. Бу ерда гап мазкур техникани кенг тарқатиш, уни кундалик ҳаётга киритиш, яъни **«психотехнология»** ҳақида боради. Яқин ўн йилликлар ичида у «онгнинг ёришиши» тажрибасини чуқурлаштириш, индивид ўз имкониятларини ўзи рўёбга чиқариши ва маънавий камол топиши жараёнларини жадаллаштириш учун зарур бўлган илмий тадқиқотларнинг бош майдонига айланиши тахмин қилинаётир[1]. Психотехнологиянинг пировард мақсади эволюцион ўзгаришлар учун имконият яратишдан иборат. Зеро айнан маънавий янгиланиш, онгни буюк мистиклар ва файласуфлар кашф этган усулда ўзгартириш «дунёни ўта теран асосларда ўзгартиришга ёрдам беради»[2], чунки эволюция жараёнининг муҳим қисми – онгнинг юксак ҳолатларини янада ривожлантиришда иштирок этади.

Дарҳақиқат, инсон ва унинг онги космобиологик ва психосоциал эволюциянинг узоқ давом этган ўзаро алоқаси маҳсули ҳисобланади.

---

[1] Қаранг: Russel P. The Global Brain: Speculation on the Evolutonary Leap to Planetary Consciousness. – Los Angeles, 1983. – 158-б.

[2] Ўша ерда. – 159-б.

Инсон ва унинг руҳияти табиатига, шунингдек юнгча, трансперсонал ва гуманистик психологиялар, онгни медитацион ўрганишга бағишланган тадқиқотлар, архаик диний тизимлар (шаманизм ва бошқалар), эзотерика амалиёти (буддавийлик психологияси ва ш.к.) тўплаган тажрибага айни шу нуқтаи назардан ёндашиш ўринли бўлади. «Буддавий мутафаккирлар руҳий ҳолатларнинг мураккаб иерархиясига тавсиф берганлар, инсон руҳиятини бошқариш йўлларини излаганлар. қадимги буддавийларнинг бой психологик тажрибаси буддавийлик маданиятининг муҳим таркибий қисми сифатида, ҳеч шубҳасиз, бугунги кунда илмий-экспериментал ўрганиш объектига айланиши лозим»[1]. Зотан, онг теран жараёнлари аристотелча мантиқ қоидаларига бўйсунмайди: уларни компьютерлаштириш мумкин эмас ва фақат буддавийлик мантиқи ёрдамида маълум даражада тавсифлаш мумкин.

Бундан ташқари яна шуни ҳам ҳисобга олиш лозимки, ҳозирги замон психологиясининг фундаментал тасаввурлари дунё ҳақидаги ньютонча тасаввур даражасидан юқорига кўтарилгани йўқ (ҳозирги вақтда гап дунё ҳақидаги постноклассик тасаввур ҳақида боради). Мазкур тасаввурга кўра физик дунё мутлақ макон ва вақтдаги айрим моддий жисмлар йиғиндиси ҳисобланади. Жисмлар ўртасидаги ўзаро алоқалар узоққа ҳаракат тамойилига бўйсунади. Психологияда ҳам шундай: «Инсон онги бўш – ньютонча маконга жойлаштирилган физик жисмда капсулалаштирилган»[2]. Онг ўзини ўзи намоён этувчи психологик (семантик) макон мавжуд эмаслиги туфайли, жисмда капсулалаштирилган онгни ўрганишни физик макондаги жисмлар хулқ-атвори асосида ўтказишга тўғри келади. **Бихевиоризм** ҳамда компьютер метафорасини ўз ичига олган **когнитив психология** айни шундай тадқиқотлар билан боғлиқ[3].

Шахсни соматологик идентификация қилиш концепциясининг илдизлари қадимги мифларга бориб тақалади. Унинг

---

[1] Қаранг: Психологические аспекты буддизма. – Новосибирск, 1986. – 6-б.

[2] Налимов В.В., Дрогалина Ж.А. Как возможно построение модели бессознательного // Бессознательное. – Тбилиси, 1984. Т. 4. – 86-б.

[3] Қаранг: Гроф С. Путешествие в поисках себя. – М., 1994.

куртакларига Қадимги Миср мифологик антропологиясидаёқ дуч келиш мумкин. Бу ғоя креационизм тамойилидан келиб чиқувчи стук христианликда янада ривожлантирилади; христианча мифологияда жисмда капсулалашган шахснинг мутлақ ноёблиги ҳақидаги таълимот вужудга келади. Бошқача қилиб айтганда, *шахс жисм билан узвий, руҳият моддий капсулада жойлашган.* «Мазкур тасаввур орқали христианликнинг содда материализми ғарб илмий тафаккури парадигмасига киради ва бугунги кунда шахснинг генотипик белгиланганлигини ёки енгилроқ кўринишда – генотип ва муҳитнинг ўзаро алоқасини аниқлаш йўлидаги изланишларга айланади»[1].

Эллинча тафаккур мазкур ёндашув билан тўқнашади: орфиклар ва пифагорчилар таълимотига кўра, жон олий асос эманацияси ҳисобланади; бу жон ҳаётнинг умумий айланма ҳаракатига қўшилиб, турли мавжудотлар ва буюмлар ичига кириб жойлашади. Мазкур ғоялар мажмуи кейинчалик Платон ва неоплатонизм таълимотидан, илк христианлик патристикасидан ўрин олди. Ушбу ёндашув оқилона асосдан холи эмас, чунки у картезианча дуализм нарсалар ва ҳодисаларнинг ҳақиқий ҳолати билан мувофиқ келмаслигини намойиш этади (картезианчилар фикрига кўра руҳий ва трансруҳий, ички ва ташқи ҳодисалар, субъект ва объект ўртасида аниқ чегара мавжуд)[2]. Аммо онгнинг «дискретлиги – узлуксизлиги» фундаментал муаммосини ўрганиш учун яхлит ёндашув талаб этилади. Бундай яхлит ёндашув, масалан, „К.Юнгнинг «теран психологияси»га хос. Унинг фикрича, «ўта шахсий» онгсизлик мавжудлиги ҳақидаги фараз фақат назарий тафаккур маҳсули эмас. Унга клиник амалиёт ҳам асос бўлган. Хусусан, у мазкур амалиёт жараёнида пациентлар ўз тушларида реал ҳаётда ўзлари ҳеч қачон дуч келмаган, кўп жиҳатдан инсон маданияти тадқиқотчиларига маълум бўлган мифологик сюжетларни эслатадиган манзаралар ва образларни кўришларини аниқлаган. Ер куррасининг турли

[1] Налимов В.В., Дрогалина Ж.А. Кўрсатилган асар. – 190-б.

[2] Қаранг: Швырков В.Б. Нейрофизиологическое изучение структуры психики // Мозг и психическая деятельность. – М., 1985. – 5-б.

бурчакларидаги турли халкларда пациентлар шифокорларга ёрдам сўраб мурожаат этар эканлар, бир-бири билан кўп жиҳатдан мос келувчи тушларни тавсифлашлари аён бўлган. Масалан, саводсиз, бинобарин, Европа маданияти билан таниш бўлмаган ҳабашнинг тушига юнон мифологияси образлари кириши, шарқ мистикларининг ғоялари билан таниш бўлмаган европаликнинг тушларида эса қадимги ҳинд ва қадимги хитой трактатларида баён этилган манзаралар ёки образлар пайдо бўлиши аниқланган.

К.Юнг қадимги ғарб ва шарқ маданиятлари соҳасида кенг билимларга эга эди. Шу туфайли ҳам у турли пациентларнинг тушларидаги манзаралар ва қадимги санъат ёдгорликлари ўртасидаги алоқаларни осонгина аниқлаган. Шунга ўхшаш боғланишни у тушлардагина эмас, балки руҳий касалларнинг фантазиялари ва галлюцинацияларида ҳам кашф қилган. Шу тариқа у жоннинг «коллектив онгсизлик» образлари жамланган «орқа плани» ёки «тунги ярми» ҳақидаги қоидани таърифлаган. «Жоннинг «тунги ярми»дан хабарлар бизга аҳён-аҳёндагина келади, зеро икки дунёни боғловчи кўприклар бузиб ташланган»[1].

Жамоа онгсизлигининг бундай архетиплари дунё эволюцияси тажрибасини ўзида тўла мужассамлаштиради. Инсон руҳияти ранг-баранг «архетиплар»ни ўз ичига олади, бироқ уларнинг барчаси, К.Юнг фикрига кўра, архаик хусусият касб этади ва фақат интуиция ёрдамида идрок этиш мумкин бўлган, инсон фантазиясининг онгсиз фаолияти натижасида турли рўёлар ва диний тасаввурлар кўринишида юзага чиқадиган образларнинг кантча «ноуменлари» ҳисобланади.

«Архетиплар» ҳақидаги бу қоида ҳозиргизамон одамининг онгига кирувчи ва унинг руҳиятида инқилобга замин яратувчи мистицизм феноменологиясини тушуниш учун ўзига хос «калит» бўлиб хизмат қилади. К.Юнгнинг ўзи тушларни уларнинг прогностик фаолияти нуқтаи назаридан баҳолайди. Унинг назариясида тушлар келажакни башорат қилиш воситаси сифатида намоён бўлади. Юнг талқинида

[1] Юнг К. Психоз и его содержание. – СПб., 1909. – 32-б.

тушлар ривоят, насиҳат, йўл-йўриқ аҳамиятини касб этади. Пировард натижада туш телепатик хоссалар касб этади. Мазкур талқинга кўра инсон иккита руҳга эга бўлади – улардан бири индивиднинг ҳозирги ҳолатини акс эттиради, иккинчиси эса инсоннинг миллион йиллар муқаддам содир бўлган ўтмишини ифодалайди.

Шуни ҳисобга олиш лозимки, Юнгнинг «теран психологияси» асосан (коллектив ва индивидуал) онг хусусиятларини англаб етишга қаратилган шарқ донишмандлигининг асосий мотивларини ўз ичига олади. Маълумки, буддавийлик инсонга ўз ички дунёсига теран назар ташлашни ўргатади ва шу тариқа у кўздан яширин руҳий кучларни англаб етишига кўмаклашади. Тибет ламаси А.Говинда шундай деб ёзади: «Буддизмда оғирлик маркази индивидуумнинг ўзида, унинг ўз кечинмаларида ётади»[1]. Дзэн-буддизм ўз-ўзини англаб етишга ҳаракат қилаётган индивидлар учун «битмас-туганмас манба»дир (К.Юнг). Кўпгина европаликлар инсон руҳиятининг теран қатламларида эндигина кашф қилаётган ҳодисалар қадимги ҳинд ва қадимги хитой динларида аллақачон кашф қилинган. Масалан, буддавийларнинг «карма» тушунчаси «архетип табиатини теран тушуниш учун» (К.Юнг) жуда муҳимдир.

К.Юнгнинг «теран психологияси»да жамоа онгсизлик фаолиятини белгиловчи омиллар қайд этилган. Бу ерда гап шахслар тасаввур қиладиган ва индивидлар ўз фаолиятида рўёбга чиқарадиган «онг ниқоблари» ҳақида боради. Коллектив онгсизликка нисбатан Юнг таклиф қилган ёндашув «шахсни индивидуаллаштириш» методологиясига асосланади ва постиндустриал цивилизациянинг вужудга келиши билан боғлиқ бўлган инсон руҳиятидаги инқилобнинг ўзига хос даракчиси ҳисобланади. Америкалик тадқиқотчилар Х. ва М.Аргуэлес ҳозирги замон одамининг ривожланиш жараёнида юз берадиган бурилишга эътиборни қаратади. Бу бурилиш Мандала қонунига мувофиқ яшашга ўтиш билан боғлиқ. «Мандала қонунига мувофиқ яшаш – бу шундай бир жараёнки, унинг воситасида шахс

[1] Говинда А. Психология раннего буддизма. Основы тибетского мистицизма. – СПб., 1993. – 38-б.

ва жамият манфаатлари қутблари бирлашиб, ажралмас иттифоқ тузади. Индивид онгли микрокосм сифатида нарсалар ва ҳодисаларни англаб етувчи марказга айланади. Унинг таъсирчан кучи индивид атрофида югурдаклар гуруҳини тўпламайди, балки мазкур тасаввурни бошқалар онгига ҳам аста-секин сингдиради ва барча индивидлар онгли марказлар сифатида баҳамжиҳат иш кўришларига замин яратади»[1]. Бундан хулоса шуки, охир-оқибат инсон ўз имкониятлари чегарасини ҳис қила бошлайди, бу эса индивид руҳиятида инқилоб юз беришига олиб келади.

Инсон қуркувининг янги образлари. XXI аср бошида инсон феноменини ўрганишда руҳиятдаги қўрқувни тушуниш ҳам муҳим аҳамият касб этади, зеро бусиз индивид хулқ-атворининг хусусиятларини ажратиш мумкин эмас. «Фалсафий энциклопедия»да «қўрқув (психологияда) – организм ҳаётига, шахсга, у ҳимоя қилаётган қадриятлар (идеаллар, мақсадлар, тамойиллар ва ҳ.к.)га таҳдид солаётган ҳақиқий ёки хаёлий хавф натижасида юзага келган салбий эмоция»[2], деб қайд этилган. Қўрқув феномени ижтимоий ва маданий омиллар билангина белгиланмайди, у дунёвий ҳаёт эволюцион йўлининг инсон миясидаги қайди билан ҳам боғлиқ. Қўрқув инсон табиатига хос хусусият, унинг шакллари ва турларигина ижтимоий-маданий эволюция жараёнида ўзгаради. Табиийки, цивилизацияларнинг ўзгариши даврида қўрқувнинг илгари маълум бўлмаган янги турлари (образлари) пайдо бўлди. Ҳозирги даврга хос бўлган қўрқув қуйидаги белгилар билан тавсифланади: «Ядро қуролининг тўпланиши, атом электростанциялари қурилиши, радиоактив чиқиндилар, турли хил заҳарли кимёвий моддаларнинг кўпайиши ва ҳоказо ва шунга ўхшашлар – буларнинг барчаси соат механизми ўрнатилган ички бомбалардир; соатнинг мили ҳалокат нуқтаси сари тўхтовсиз силжимоқда»[3].

---

[1] Аргуэлес Х. и М. Мандала. – М., 1993. – 102-б.

[2] Философская энциклопедия. – М., 1970. Т. 5. – 139-б.

[3] Скворцов Л.В. Проблема страха: Искусство жизни в «век смерти» // Человек: Образ и суҳность страха. – М., 1991. – 35-б.

XX асрда оммавий қирғин қуроли қўлланилиши натижасида инсоният ялпи қирилиб кетиши хавфи билан белгиланган мутлақ эмпирик қўрқув пайдо бўлди. Айнан атом ва ядро қуроли эндиликда инсон ва инсониятни тинимсиз таъқиб қилаётган «буюк қўрқув»ни пайдо қилди. Шунинг баробарида «қиёмат куни» ҳақидаги тасаввурлар ҳам жонланди. Вақт ўтиши билан «ядровий» қўрқув оммавий қирғин қуроли билан эмас, балки атом электростанциялари реакторларининг радиоактив чиқиндилари атроф муҳитни ифлослантириши билан боғлиқ бўлган янгича шакл-шамойил касб этди. Кўпчилик учун бу чиқиндилар саноатнинг ривожланиши билан боғлиқ бўлган барча хавф-хатарлардан даҳшатлироқ таҳдидга айланди. Янги қўрқув ернинг таҳқирланиши ва дунёда табиий мувозанатнинг бузилиши образлари билан бирикиб, янада кучлироқ тус олмоқда[1]. Сўнгги йилларда бутун дунёда ядро реакторини яратиш борасидаги ҳар қандай ҳаракат маҳаллий аҳолининг қаттиқ норозилигига учрамоқда.

XX асрда яна бир қўрқув манбаи – **ислом ақидапарастлари терроризми** пайдо бўлди. Ҳозирги дунёда ислом динининг сиёсийлашуви анча хавфли оқибатларга олиб келиши мумкин. Ҳозирги замон терроризмининг ҳар хил турлари орасида ислом ақидапарастларининг «муқаддас террори» анча чуқур илдизларга эга бўлган янги ҳодиса ҳисобланади[2]. У терроризмнинг бошқа турлари (шакллари)дан камида уч муҳим жиҳат билан ажралиб туради.

Биринчи – у ҳозирги мафкураларнинг барчасини рад этади ва ҳокимиятни ўз қўлига олиш ёки қўлда қурол билан ҳалок бўлишга интилади. Унинг тарафдорлари бошқа террористик ҳаракатлар билан ҳатто тактик мақсадларда ҳам алоқа қилмайдилар. Ислом ақидапарастлари ўзларини бутун дунёни қамраб олишга қодир бўлган ислом уйғониши ғоясининг ифодачилари деб ҳисоблайдилар[3]. Бошқача қилиб айтганда, бу ерда гап ягона ислом давлати –

---

[1] Қаранг: Weart S.P. Nuclear fear: A History of Images. – L., 1988. – 323-б.

[2] Қаранг: Тазери А. Свяҳенный террор // Средний Восток: зарево исламского фундаментализма. – М., 1990. – 166-б.

[3] Қаранг: Жданов Н.В., Игнатенко А.А. Ислам на пороге XXI века. – М., 1989.

халифаликни ташкил қилиш ва унинг таъсирини бутун дунёга тарқатиш ҳақида боради.

Иккинчи – ҳозирги вақтда ғарбда «ислом терроризми» деган ном олган ҳодиса «муқаддас уруш» - жиҳоднинг ўзига хос шакли сифатида илгари сурилмоқда ва амалга оширилмоқда. Бунда мазкур «уруш» фақат тўла ғалаба қозонилганидан кейингина тугаши мумкин. Бу урушда ислом ақидапарастлари музокаралар олиб бориш, муайян масалаларда ён бериш ва ҳатто сиёсий ҳокимиятни эгаллашга ҳам ҳаракат қилмайдилар. Улар душманни бутунлай тор-мор келтиришга интиладилар, ислом терроризми душман таслим бўлишининг бирон-бир шаклини тан олмайди.

Учинчи – ислом терроризми ҳам индивидуал хулқ-атвор, ҳам давлат сиёсати назарияси учун асос бўлиб хизмат қилади. «Кофирлар»ни икки йўлдан бирини – ё ислом динини қабул қилиш, ё ҳалок бўлишни танлашга мажбур қилиш ислом ақидапарастлари ўз олдига қўйган бош вазифадир. Шу туфайли ҳам ислом ақидапарастларининг ўтган аср охирида қўрқувнинг янги турини пайдо қилган «Муқаддас террор» ҳаракати билан ҳисоблашиш талаб этилади.

Қўрқувнинг яна бир янги тури – бу тинимсиз кучайиб бораётган **экологик ҳалокат** хавфидир. Ҳозирги замон цивилизациясининг табиат билан ўзаро алоқаси муаммоси (илгари мавжуд бўлмаган) қўрқув феномени билан узвий боғлиқ, зеро у инсониятнинг яшаб қолиши муаммосини ўзида ифодалайди. Бу муаммо инсоннинг биосферани ўзгартириши жараёни билан бевосита боғлиқ. Бу ерда табиий бир савол туғилади: мазкур жараён қайси йўналишда бормоқда? Етмиш йил олдин В.И.Вернадский биосфера олий босқичга ўтиб ноосферага айланишини қайд этган, қирқ йилча муқаддам Ж.Дорст сайёрадаги инсониятни олмага тушган қуртга ўхшатган эди. Хўш, уларнинг қайси бири ҳақ, инсон ноосферани бунёд этмоқдами ёки биосферани вайрон қилмоқдами?[1]

Дарҳақиқат, инсон янги табиий муҳитни бунёд этаётир ва шу билан бир қаторда биосферани вайрон қилаётир. Бунда вайрон-

---

[1] Қаранг: Баландин Р.К., Бондарев Л.Г. Природа и цивилизация. – М., 1988; Косов Ю.В. В поисках стратегии выживания. – СПб., 1991.

корлик фаолияти бунёдкорликка қараганда қизғинроқ кечаётир. Инсониятнинг мавжудлиги табиатга тушадиган юк меъёрига риоя этилиши билан боғлиқ. Биология мутахассислари қайд этишича, табиатда «10% қонуни» амал қилади – фавқулодда шароитда Ер табиати одатдагидан ўн баравар кучлироқ зўриқишга дош беришга қодир[1]. Ҳозирги вақтда инсоннинг бунёдкорлик фаолияти аксарият ҳолларда бу қоидани бузади, у биосферанинг рекреатив имкониятлари билан мувофиқ келмайди. Шу туфайли ҳам Ердаги ҳаёт таъминоти ресурслари (дарёлар системалари, сизот сувлар, тупроқ, фазо муҳити, жаҳон океани) цивилизациянинг кучли босимига дош беролмасдан таназзулга юз тутмоқда. Инсоният қаршисида экологик ҳалокат хавфи пайдо бўлди: айнан Ердаги ҳаётнинг қирилиб кетишидан қўркиш атроф муҳитни муҳофаза қилувчи кучли сиёсий ҳаракатлар пайдо бўлишига олиб келди.

XX асрда пайдо бўлган қўрқувнинг янги турларидан бири **психотрон уруш** хавфи билан боғлиқ. Ўттиз йил муқаддам АқШ Конгресси вакиллар палатасининг фан ва техника бўйича қўмитаси учун тайёрланган маърузада «онг физикаси» ва тиббиёт соҳасидаги тадқиқотларнинг мақсадга мувофиқлигига баҳо беришга бундан буён янада кучлироқ масъулият билан ёндашиш тавсия қилинган эди. Маърузада қайд этилишича, сўнгги йилларда ўтказилган экспериментлар бир одам миясининг бошқа одамлар мияси ҳамда материя билан «ўзаро боғлиқлиги» мавжуд, инсон ақли география ва вақт омилидан қатъи назар, ахборот олишга қодир, деб тахмин қилиш учун асос беради. Бинобарин, турли кишилар миясининг ўзаро боғлиқлиги нафақат айрим мамлакат, балки бутун дунё учун ҳам жиддий ижтимоий-сиёсий оқибатларга олиб келиши мумкин[2].

У ёки бу одам миясига таъсир кўрсатиш учун электрон воситалардан фойдаланиш замирида айни шу қоида ётади. Оммавий

---

[1] Қаранг: Олдак П.Г. Колокол тревоги: Пределы бесконтрольности и судьбы цивилизации. – М., 1990.

[2] Қаранг: Джан Р.Г. Нестареюҳий парадокс психофозических явлений: инженерный подход // ТР. ин. инженеров по электротехнике и радиоэлектронике. 1982. Т. 70. № 3. – 98-б.

ахборот воситаларида эълон қилинаётган психотрон уруш муаммоларига бағишланган материаллар сони кўпайиб бормоқда. Махфий лабораторияларда психотроника соҳасида ўтказилаётган экспериментлар тўғрисида ҳам маълумотлар бор[1]. Психотрониканинг ўзи эса қадимги магия ва шаманизм, шунингдек мистицизм фаолияти ҳақидаги маълумотлардан фойдаланади. Шу нарса аниққи, инсон онги, электроника, тиббиёт ва парапсихология соҳасидаги тадқиқотлар инсон мияси ва онгига муайян мақсадда уларни бошқариш мақсадида таъсир кўрсатиш имкониятини беради[2]. Ўз-ўзидан равшанки, психотрон қуролнинг қўлланиш хавфи таъсирида пайдо бўлувчи қўрқувдан сиёсатчилар айрим кишилар ва аҳоли гуруҳлари хулк-атворини бошқариш учун фойдаланишлари мумкин.

Биотехнология методларидан фойдаланиш хавфи ҳам қўрқувнинг янги тури ҳисобланади, зеро у салбий ижтимоий оқибатларга олиб келиши мумкин. Бу хавф энг аввало кишилик ҳамжамияти ва умуман экологик тизимлар учун хавфли бўлган микроорганизмларнинг атроф муҳитга тарқалиш таҳдиди билан боғлиқ. Масалан, «ичак таёқчаси» ва бошқа хил бактериялар тадкикотчиларнинг назорати остидан чиқиши ва янги номаълум касалликларнинг қўзғатувчиларига айланиши хавфи мавжуд. Оммавий ахборот воситаларида берилган хабарларга кўра, ғарбий Европа мамлакатларида инсоннинг иммун системасини бузувчи «одамхўр бактерия» пайдо бўлган. Агар тананинг зарарланган қисми ўз вақтида кесиб ташланмаса, одам вафот этади (бу бактерия бир неча ўн кишининг ёстиғини қуритган). қизиғи шундаки, олимлар ушбу «одамхўр бактерия»ни стрептококк мутанти бўлса керак, деб тахмин қилмоқдалар.

Инсон эмбриони билан ўтказилаётган тадқиқотлар ҳам амалда шикастли оқибатларга олиб келиши мумкин. Оқсил биосинтезида тирик организмларнинг барчаси айни бир генетик кодга эга

---

[1] Қаранг: Гримак Л.П. Магия биополя. – М., 1994. – 383–384-б.

[2] Қаранг: Винокуров И., Гуртовой Г. Психотронная воина. – М., 1993. – 342-б.

бўлади, бу эса турли организмлар (масалан, ўсимликлар, инсон ёки ҳайвонлар) ДНК зарраларини бир-бири билан чатиштириш имкониятини беради. Ҳаётнинг мазкур элементар даражасида инсонга қарши қаратилган чатиштиришлар, масалан ҳарбий эҳтиёжларни қондириш учун мўлжалланган сунъий гибридларни етиштириш амалга оширилиши, бу эса мисли кўрилмаган ижтимоий кулфатларга олиб келиши мумкин. Шундай қилиб, биотехнология ҳозирги замон одамининг руҳиятига таъсир кўрсатувчи янги қўрқув манбаи бўлиб хизмат қилади.

Умуман олганда, XX асрда инсон юрагига қутқу солувчи қўрқув ва таҳликанинг янги ва янги турлари пайдо бўлди. Ўз-ўзидан равшанки, қўрқувнинг юқорида кўриб чиқилган янги образларидан ҳар бири инсоннинг руҳий ҳолатига турли даражада таъсир кўрсатади ва айни пайтда унинг хулқ-атворини ҳам маълум даражада белгилайди.

Бир вужудда «Мен»нинг кўп сонлилиги. «Мен»нинг кўп сонлилиги муаммоси XXI аср бошида ўта мураккаб инсон феноменининг қирраларидан бирини акс эттиради. Бу муаммо қарор қабул қилиш жараёни ва инсон хулқ-атворининг оқилона ва индивидуал хусусиятини тушунтириш йўлидаги ҳаракатлардан бевосита келиб чиқади. Айни пайтда у бир қанча илмий фанлар учун бош муаммо ҳисобланади, зеро у ёки бу қарор шахслараро муносабатларни, шу жумладан интерперсонал конфликтларни ўрганишда фойдаланиладиган тегишли концептуал воситаларни белгилайди.

«Мен»нинг кўп сонлилиги муаммосини инсон вужуди ва руҳияти дуализми билан боғлаш ўринли бўлади. Иудейча-христианча диний анъанага хос бўлган бу дуализм орфиклар мифологияси ва платонча метафизикадан келтириб чиқарилади. Инсон руҳи ва вужудининг қадимги юнонча талқинлари христиан динининг асоси ҳисобланмайди. Инжил матнида руҳ ва тананинг ягоналиги концепцияси илгари суриладики, у орфик мифология тамойилларига мутлақо зиддир. Кейинчалик руҳ тананинг асири ҳисобланади ва бутунлай бошқача табиатга эга бўлади, деган қоида қабул қилинади.

Қадимги иудейларнинг асосий эътиборни шахснинг соматик асосларига қаратувчи ғояси ҳозирги замон ғарб фалсафаси

қонунлари билан мувофиқ келувчи вужуд ва шахс концепциясига айланади. Масалан, Л.Витгенштейннинг: «Одам танаси инсон руҳининг энг яхши образидир»[1], деган сўзлари қадимги Якин Шарқ тафаккурига хос бўлган ғоя билан ҳамоҳангдир. Маълумки, инсонни жисмоний ва руҳий асослар бирлиги сифатида идрок этиш фикрлашнинг айни шу услубига хос эди. Айни пайтда инсонни Худо ўзига ўхшатиб яратганлиги ҳақидаги тасаввурни ҳам эътиборга олиш лозим. Инжилда бу тасаввур ҳаворий Павелнинг қуйидаги сўзларида ифодаланган: «Ўз вужудингиздаги Худони шарафланг». Каббала диний-мистик таълимотига кўра, ҳамонки инсон Худога ўхшаб яратилган экан, унинг камида учта жони бўлиши керак: руҳ – олий қисм; жоннинг ўзи – яхшилик ва ёмонлик макони; вужуд билан бевосита боғлиқ бўлган ва уни ҳаракатга келтирадиган «ҳаётбахш куч»[2].

Бир вужудда жонларнинг кўп сонлилиги ҳақидаги тасаввурлар ғарб олимлари ва теологлари эътиборини ўзига тортади. Ҳозирги вақтда файласуфлар, социологлар, психологлар ва илоҳиётчилар бир вужудда нечта «Мен» бор: у биттами ёки кўп сонлими, деган масалани муҳокама қилмоқдалар. Айрим олимлар «Мен» ягона, яъни шахс ва вужуд бир-бири билан узвийдир, деб ҳисоблайдилар. Масалан, америкалик теолог К.Браатен инсоннинг христианча концепцияси (ҳозирги талқини)га таянган ҳолда, инсон психосоматик жиҳатдан ягонадир, деган ғояни илгари суради[3].

«Меннинг кўп сонлилиги» гипотезаси руҳ билан узвий бўлган семантик майдон сифатидаги маданият билан боғлиқ. Руҳ ғояларни моддийлаштириш борасидаги фаолиятга хос бўлган фаоллик ҳолатини ўзида ифодалайди. Айни пайтда маданият яратувчи фаолиятнинг маънавий имкониятлари унинг индивидуал борлиққа маъно бахш этиш қобилияти билан белгиланади. Руҳ шахс билан

---

[1] Wittgenstein L. Philosophical Investigation. N.Y., P. IV. Section 178.

[2] Қаранг: Лайман М. Каббала. Тайное еврейское учение. – Новосибирск, 1993. Ч.3. – 38-б.

[3] Қаранг: Braaten C.E. Teologia i cialo Czlowiek i swiato-poglad. 1986. № 9. – 44–45-б.

боғлиқ ва унга кўп жиҳатдан ўхшаш, зеро у дунёдан келтириб чиқарилади ва айни пайтда алоҳида дунё сифатида намоён бўлади. Шахс ва руҳнинг бундай боғлиқлиги маънавиятни шакллантириш муаммосини шахснинг ички дунёсида «чексиз шахс»ни (Гегель) камол топтириш вазифаси сифатида ифодалаш имконини беради[1]. Шундай қилиб, «Меннинг кўп сонлилиги» гипотезаси XXI аср бошида инсон феномени муаммосига янгича кўз билан қараш имкониятини беради.

«Мен» полицентрик модели. Инсоннинг ички дунёси ўта мураккаб ва серқиррадир. У бир-бири билан узвий боглиқ бўлган кўп сонли «қаватлар» ёки даражаларни ўз ичига олади. Буни ҳозирги замон психологиясидаги янги йўналиш – топологик психология доирасида эришилган натижалар ҳам тасдиқлайди[2]. Топологик психологиянинг ривожланиши улкан қийинчиликлар билан боғлиқ. Бу қийинчиликлар инсон моделларининг барчаси инсон руҳиятининг теран қатламларига назар ташлаш имкониятини берувчи кўп даражали мураккаб тизимлар ҳисобланиши билан белгиланади. «Теран» ёки «аналитик» психология инсон руҳиятининг онгли, оқилона ва мантиқий даражаларини ўрганади. Олимлар томонидан онг ва онг ости соҳаларининг қуйидаги ўн даражаси ажратилган:

– жинсий майллар даражаси (З.Фрейд);

– бошчилик, етакчилик, ҳокимият даражаси (Ф.Ницше, А.Маслоу);

– онгнинг шаклланиш даражаси (Э.Нойман);

– идентификация (Э.Эриксон);

– ҳокимият «ижтимоий стандарти» (М.Фуко);

– миллий идентификация (Г.Д.Гачев, П.Безансон);

– тилнинг топологик талқини ва турли «тил ўйинлари» даражаси (Р.Тома, Л.Витгенштейн);

– мутлақо субъектсиз фан (Р.Декарт, И.Ньютон);

---

[1] Қаранг: Крымский С.В. Контуры духовности: Новые контексты идентификации // Вопросы философии. 1992. № 12. – 24-б.

[2] Қаранг: Акчурин И.А. Топология и идентификация личности // Вопросы философии. 1994. № 5.

– топологик жиҳатдан инсон билан узвий бўлган структуралар (П.А.Флоренский, М.Хайдеггер);

– санъат ва фан архетиплари (К.Юнг, В.Пауль).

Шундай қилиб, инсон руҳиятида (онг ости соҳасида) бир нечта қатламларни ажратиш мумкин. Инсон «Мени» кўп қаватли структурасининг турли даражаларидан турли потенциал ўзликлар ўрин олади. Бу эса, амалда кенг тарқалган «моноцентрик интеграция» модели билан бир қаторда, бойроқ ва мураккаброқ (моноцентрик моделга қараганда) структурага эга бўлган шахснинг полицентрик интеграцияси модели ҳам мавжудлигидан дарак беради. Сўнгги зикр этилган моделда ижодий изланишлар майдони бир шахсда фикрлар, сезгилар ва майлларни ўз атрофида жамловчи бир нечта турли марказлар ёки ўзликлар мавжудлигининг табиий маҳсули ҳисобланади.

Шахснинг шаклланиш маҳсули сифатида полицентрик структура кўпинча шахс ривожланишининг дастлабки босқичларида таркиб топган қатламларнинг тинимсиз фаоллиги натижасида вужудга келади. Шуни қайд этиб ўтиш лозимки, ўтган асрнинг 30-йилларида С.Фрич «руҳият қатламлари»нинг шаклланиш жараёнини ўрганувчи илмий фан – психопатологияни яратишга ҳаракат қилган[1]. «Инсон руҳияти геологияси қонунлари» ҳақидаги қизиқарли мулоҳазаларга Г.Олехновичнинг «Одамлар орасида илк қадамлар» деб номланган китобида дуч келиш мумкин[2]. Ривожланиши руҳиятнинг биринчи қатлами пайдо бўлганидан сўнг тўхтаган «бир қатламли» индивидлар ҳам мавжуд. Бундай бир қатламлик одатда шахснинг моноцентрик интеграцияси билан белгиланади. Полицентрик структура асосан кўп қатламли ҳисобланади, унда шаклланган охирги қатламнинг фаоллиги олдинроқ шаклланган қатламларнинг фаоллигига, шунингдек эндигина шаклланаётган қатламларнинг фаоллик даражасига боғлиқ бўлади.

Қатламлар ўртасидаги фарқ дунё ҳақидаги тасаввурлар ва сиёсий қарашларнинг ўзгариши, бошқача фикрлаш услубининг

---

[1] Қаранг: Frych S. Caloksztalt psychologii Psychometria.1934. Js. 3-4. – 32–36-б.

[2] Қаранг: Olechncnvicz H. Pienvsze kroki wsrod ludzi. – V., 1971. – 128–133-б.

қабул қилиниши ва тушунчалар аппаратининг такомиллашуви билан боғлиқ бўлиши мумкин. Инсон «Мени»нинг полицентрик структурасида янгича қарашлар ва тасаввурлар эски қарашлар ва тасаввурларни сиқиб чиқармайди, балки улар билан аутентик ички мулоқотга киришади. Нуқтаи назарнинг ўзгариши ўрнига айни бир предмет (объект)га бир пайтнинг ўзида турли нуқтаи назарлардан қараш қобилияти пайдо бўлади (инсоннинг мазкур қобилияти шарқ маданиятларида қадим замонлардаёқ шаклланган эди). Инсон «Мени»нинг полицентрик структураси ҳар бир предметни ҳар томонлама ўрганиш имкониятини берувчи методологик плюрализмнинг психологик асосига айланади.

«Мен» полицентрик моделининг эвристик имкониятлари анча кенг, зеро у инсон экзистенциясининг фундаментал муаммоларини ечиш имконини беради. Янги инсонни шакллантириш ёки яратиш айни шундай муаммолардан бири ҳисобланади. Масалан, америкалик мутахассис Б.Скиннер ўзининг «Уолден Икки» деб номланган китобида инсон хулқ-атворини хулқ-атвор ҳақидаги фанлар ёрдамида бошқариш имкониятлари тўғрисида сўз юритади[1]. Сўнгги йилларда мазкур фанлар доирасида инсон хулқ-атворини бошқаришда, олдиндан белгиланган хоссаларга эга бўлган биологик тизимларни яратишда жиддий ютуқларга эришилди. Бу ерда «Мен» полицентрик модели қатламларидан бирининг хоссаларидан фойдаланилади: қолган қатламлар таъсирини тўхтатиш йўли билан «бир қатламли» одамни яратиш мумкин. Айни пайтда хулқ-атворни бошқариш технологиялари ёрдамида инсонни зомбига айлантириш имконияти ҳам мавжуд. Масалан, ўтган асрнинг 90-йилларида «Тореадор» деб номланган телевизион кўрсатувда разведкачи (полковник Журов) дунё мамлакатларидан бирида у Жак исми билан иш олиб борганини, бу унинг тўртинчи «Мени» бўлганини маълум қилган эди. Айни ҳолда зомби методидан разведка мақсадларида ва анча самарали фойдаланилган[2].

---

[1] Қаранг: Skinner B.F. Walden Two. – N.Y., 1948. – 243-б.

[2] Қаранг: Поликарпов В.С., Поликарпова В.А. Феномен человека – вчера и завтра. – Ростов-на-Дону: Феникс, 1996. – 132-б.

Хулқ-атвор ҳақидаги фанлардан фойдаланишнинг яна бир йўли мавжуд ва у муайян қадриятлар тизими билан боғлиқ. Америкалик олим К.Рожерс бундай қадриятлар сифатида қуйидагиларни ажратади:

– инсон ўз потенциал имкониятлари тўла рўёбга чиқарилиши натижасида қадр-қиммат ва аҳамият касб этиши;

– индивид ўз-ўзини актуаллаштириши;

– ўзгараётган дунёга инсоннинг ижодий мослашиши;

– билимлар тараққиёти асосида дунё ҳақида янгича тасаввурнинг шаклланиши[1]. Шунда фан инсон ва инсониятга улар ўз жисмоний, руҳий ва ижтимоий эволюциясини (табиийки, маълум даражада) бошқариш имкониятига эга бўлишлари учун ёрдам бериши мумкин.

«Мен» полицентрик модели ҳозирги замон одамининг ижодий имкониятларини рўёбга чиқариш учун магик билимлардан фойдаланиш имконини беради. К.Кастанеда маг дон Хуаннинг ов шақидаги мулоҳазаларини келтирар экан, амалда онгсизлик соҳасидан ахборот олиш учун мос келувчи психологик муносабатнинг символик тавсифини беради[2]. Бунда овчи дунёга турли нуқтаи назарлардан ёндашади: у дунёга ўз «Мени» нуқтаи назаридан ёндашиш билан бир қаторда, унга вақтга бўйсунмайдиган руҳий борлик нуқтаи назаридан ҳам баҳо бериши мумкин. У ўз вазиятига ҳам онгли тарзда, ҳам «иккинчи шахс»ни ифодаловчи онгсизлик тили сифатидаги тушлар ва фантазиялар ёрдамида баҳо бериш имкониятига эга. Айни шу иккинчи шахс руҳиятдаги вақтсизликни ифодалайди, унинг онгли «Мен» билан мулоқоти индивидга ҳаётга ижодий ёндашиш ва борлиқнинг тўлиқлигига эришиш, яъни яхлит шахсга айланиш имконини беради.

Шундай қилиб, кўп даражали инсон полифундаментал табиатга эга – у ўзини янада муфассал ўрганишни талаб қилувчи «кўп моҳиятли» структурадир.

---

[1] Қаранг: Роджерс К.Р. Взгляд на психотерапию. Становление человека. – М., 1994. – 460-б.

[2] Қаранг: Кастанеда К. Путешествие в Икстлан. – Киев, 1992.

XXI аср бошида «онг – материя» фалсафий муаммоси. Ҳозирги вақтда инсон феномени ҳақидаги тасаввурларга маданият соҳасида юз бераётган улкан ўзгаришлар ҳам ўз таъсирини кўрсатаётир. қадим замонларда Афина, Иерусалим ва Римда вужудга келган маданият ўз мазмунларини ривожлантириш имкониятларидан тўлиқ фойдаланиб бўлди. Мазкур маданият бунёд этган цивилизациянинг умри ҳам поёнига етиб қолди – бутун инсониятни қамраб олган глобал инқироз бунинг далилидир. В.Налимов фикрига кўра, янги мазмунларни беришга дин ҳам, фалсафа ҳам қодир эмас: расмий конфессияларнинг барчаси узоқ ўтмишга муккасидан берилган ва инсон бутунлай ўзгаргани билан ҳисоблашмайди; фалсафада экзистенциализм ва фалсафий герменевтика ўз тадрижий якунига етган, позитивизм эса сезиларли даражада қашшоқлашган[1]. Агар фалсафа ва дин туташ нуқталарни топса, бу уларга янги мазмунларни аниқлаш имконини беради. Ҳозирги вақтда инсон ҳаёти мазмуни ва Коинот мавжудлиги мазмунининг бирикиши юз бераётир. Бу физикада (ва космологияда) **«онг – материя»** муаммоси биринчи ўринга чиқишига сабаб бўлаётир. Агар биологлардан бирортаси тириклик эволюциясини ижодий жараён деб эътироф этса, айни шу ҳол биологияда ҳам юз бериши мумкин. Маълумки, психологияда «трансперсонал ҳаракат» деб номланган фалсафий йўналиш аллақачон шаклланган.

«Онг – материя» фалсафий муаммоси бугунги кунда физик эксперимент билан бевосита тўқнашмоқда. Компьютер тизимига уланган маятник билан ўтказилган эксперимент инсон онгида механик маятник билан муайян тарзда (гипнотик алоқа воситасида) боғланган физик маятникнинг семантик аналоги мавжудлигини фараз қилиш имконини беради. Бунда матнларни ўқиш пайтида оператор эмоцияларининг ўзгариши семантик майдон метрикасини локал даражада ўзгартиради ва бу маятник узунлиги, бинобарин – тебранишлар даври ҳам ўзгаришига олиб келади. Шундан сўнг

[1] Қаранг: Налимов В.В. Размышления о путях развития философии // Вопросы философии. 1993. № 9. – 85–86-б.

ўйинга резонанс киришади. Бу ерда ҳамма нарса онг ҳолатининг семантик майдон метрикасини локал даражада ўзгартириш қобилиятига асосланади[1].

Мазкур фараз замирида инсон онги ва маятникнинг квазионги ўртасидаги ўзаро муносабатлар ҳақидаги тасаввур ётади. Бу ерда гап номеханистик онгнинг ҳамма жойда ҳозиру нозирлиги ҳақида боради. Ушбу тасаввур В.Налимов ва Ж.Дрогалина илгари сурган онгсизлик моделида акс эттирилган. Бунда муаллифлар инсон онги табиатшунослик билан қамраб олиш мумкин бўлмаган «семантик воқелик»ка «шўнғиши»дан келиб чиқадилар[2]. Шуни ҳисобга олиш лозимки, онгсизлик, гарчи унинг кўринишлари ранг-баранг ва серқирра бўлса-да, яхлит ҳодисадир. Аниқроқ айтганда, бу З.Фрейднинг «онг ости соҳаси», К.Юнгнинг «жамоа онгсизлиги», У.Жеймснинг «онг оқимлари», Р.Беккнинг «космик онги», А.Бергсоннинг «интуицияси», Э.Гуссерлнинг «трансцендент феноменологияси», А.Уайтхеднинг «боқий объектлар категорияси», К.Поппернинг «учинчи дунёси», Р.Ассажолининг «субперсоналлиги», Гегелнинг «ўз-ўзидан ривожланувчи руҳи», Платоннинг «ғоялар дунёси»дир. Онгсизликнинг бу турли кўринишларини психологик (семантик) майдоннинг кўп даражалилиги ҳақидаги тасаввур ёрдамида тавсифлаш мумкин. Семантик майдонлар (онгсизлик) нафақат ҳар бир инсон билан, балки бутун инсоният билан ҳам боғлиқдир. Натижада кўз ўнгимизда «семантик коинот» воқелиги ҳақида тасаввур пайдо бўлади[3].

Илмий тадқиқотлар ҳар бир инсоннинг ўз психологик вақти борлигини кўрсатади. Гипноз, аутотренинг, медитация, махсус нафас олиш машқлари, онгнинг ўзгарган ҳолатига эришиш имконини берувчи турли хил ритмик ҳаракатлар ўз руҳий вақтининг ўзгаришини ҳам акс эттиради. Тушлар ҳам онгсизлик билан маълум даражада боғлиқ,

---

[1] Ўша ерда. – 90-б.

[2] Қаранг: Налимов В.В., Дрогалина Ж.А. Вероятностная модель бессознательного. Бессознательное как проявление семантической вселенной // Психол. журн. 1984. Т.5. № 6. – 111–112-б.

[3] Ўша ерда. – 117–118-б.

руҳий касалликлар ҳам вақт ҳақида ўзгача тасаввур пайдо бўлишига олиб келади. Семантик коинот (онгсизлик дунёси) инсон онгидан образлар (айлана, учбурчак, хоч қабилидаги геометрик символлар) воситасида ўрин олади. Бу символлар табиий шакллар: дарахтларнинг япроқлари, гуллар, умуртқасиз ҳайвонларнинг шакллари ва ҳоказолларга хосдир. қадимги мутафаккирларга геометриянинг ибодатхоналар меморчилигида гавдалантирилган эзотеризми маълум бўлган. Тилимиз сўзлари онгсизликка кириш билан боғлиқ бўлган символик жиҳатга ва мантикий конструкцияларни яратиш имконини берувчи дискурсив жиҳатга, яъни онгнинг дискретлиги ва континуаллигини ифодаловчи жиҳатларга эга. Семантик коинот одатдаги макон-вақт муносабатларига бўйсунмайди. Буни тушларнинг тартибсизлиги, онгнинг ўзгарган ҳолатлари (реинкарнацион хотиралар), шунингдек «она қорнидаги ҳаёт хотиралари» ҳам тасдиқлайди. Семантик коинот архетипик хусусият касб этади, яъни бизнинг вақтимизда юз бераётган жараён билан айнийдир.

Шундай қилиб, В.Налимов ва Ж.Дрогалина семантик коинот ҳақида мулоҳаза юритиш орқали онгсизликнинг тахминий модели ҳақида ўз тасаввурини баён этади. Онгсизликнинг ушбу моделида ҳар бир инсоннинг индивидуаллиги барча одамлар учун умумий бўлган «белгилар майдони» устида тузилган тақсимлаш функцияси билан тавсифланади. Одамларнинг типларига қараб у «игнасимон», «ёйиқ» ёки «носимметрик» бўлиши мумкин. Мазкур моделнинг диққатга сазовор жиҳати шундаки, сўзларнинг «семантик майдонлари» маданиятимизнинг парадигматик тажрибасини эмас, балки маданиятимизда ўзининг аниқ ифодасини топмаган олис ўтмишни «англаш»ни ифодалайди, яъни гап қадимги символлар, ўтмиш мифларининг элементлари ва ҳоказолар ҳақида боради. Шундан келиб чиқиб муаллифлар маданият онг билан бир қаторда онгсизлик даражасига ҳам эга[1], деган хулосага келади.

Хулоса. Шарқ ва ғарб олимлари ва мутафаккирлари узоқ йиллар мобайнида жаҳон майдонининг ҳар қандай нуқтаси бутун Коинот ҳақида ахборотни ўзида ифодалайди, деб ҳисоблаганлар. Ҳозирги


[1] Ўша ерда. – 115–116-б.


замон тилида бу Коинот улкан голограммани ўзида ифодалайди. Коинотнинг ҳар бир нуқтаси эса информативлик жиҳатидан мазкур голограмма билан мувофиқ келади, деган маънони англатади. Мазкур ахборот голографик интерференцион (ёки шунга ўхшаш) микроструктураларда кодланган ҳолатда мавжуд бўлади. Табиийки, тирик организмнинг кўриш системаси мураккаб оптик голографик антенна сифатида амал қилар экан, нурли голографик коддан фойдаланади. Ахборот голографик кодлари аслида ранг-баранг ахборотни ўзида мужассамлаштирган коинот кодининг микроструктураларидир. Инсон мияси коинот кодини ахборотнинг кузатилаётган манзаралари кўринишида идрок этади. Буларни билиш телепатия, экстрасенсорика ва шу кабиларнинг эффектларини тушуниш, айни пайтда XXI аср бошида инсон феноменининг жиҳатларидан бири ҳақида тасаввур ҳосил қилиш имконини беради.


Тажрибавий амалий матнлар

Инсон руҳиятидаги инқилоб. Шахсни соматологик идентификация қилиш концепцияси Инсон қуркувининг янги образлари. XX аср қўрқув манбаи – ислом акидапарастлари терроризмининг пайдо бўлиши Қўркувнинг янги тури –экологик ҳалокат хавфи. Психотрон уруш хавфи.Биотехнология методларидан фойдаланиш хавфи Бир вужудда «Мен»нинг кўп сонлилиги. «Мен» полицентрик модели. XXI аср бошида «онг – материя» фалсафий муаммоси.

Қўшимча ва тушунтирувчи матнлар




«мукаддас террори» уч мухим жихати
у хозирги мафкураларнинг барчасини рад этади ва ҳокимиятни ўз қўлига олиш ёки қўлда қурол билан халок бўлишга интилади.
хозирги вактда гарбда «ислом терроризми» деган ном олган ходиса «мукаддас уруш» - жиходнинг ўзига хос шакли сифатида илгари сурилмокда ва амалга оширилмокда.
ислом терроризми ҳам индивидуал хулк-атвор, ҳам давлат сиёсати назарияси учун асос бўлиб хизмат килади.


Фундаментал муаммони тушунчалари
«тугма гоялар» (Р.Декарт)
«космик онгсизлик» (Судзуки)
«космик онг» (Э.Фромм)
«коллектив тасаввурлар» (Э.Дюркгейм ва Л.Леви-Брюль)
«онгсизлик бировнинг нутки сифатида» (Ж.Лакан)
«коллектив онгсизлик архетиплари» (К.Юнг).
«онгсиз структуралар» (К.Леви-Стросс ва М.Фуко)

Онг ва онг ости соҳаларининг ўн даражаси

Жинсий майллар даражаси (З.Фрейд);

Бошчилик, етакчилик, ҳокимият даражаси (Ф.Ницше, А.Маслоу);

Онгнинг шаклланиш даражаси (Э.Нойман);

Идентификация (Э.Эриксон);

Ҳокимият «ижтимоий стандарти» (М.Фуко);

Миллий идентификация (Г.Д.Гачев, П.Безансон);


Тилнинг топологик талқини ва турли «тил ўйинлари» даражаси (Р.Тома, Л.Витгенштейн);


Мутлақо субъектсиз фан (Р.Декарт, И.Ньютон);


Топологик жиҳатдан инсон билан узвий бўлган структуралар (П.А.Флоренский, М.Хайдеггер);

Санъат ва фан архетиплари (К.Юнг, В.Пауль).

К.Рожерс ҳулқ-атвор қадриятлари
инсон ўз потенциал имкониятлари тўла рўёбга чиқарилиши натижасида қадр-қиммат ва аҳамият касб этиши
индивид ўз-ўзини актуаллаштириши
ўзгараётган дунёга инсоннинг ижодий мослашиши
билимлар тараққиёти асосида дунё ҳақида янгича тасаввурнинг шаклланиши.


«онг – материя» фалсафий муаммоси.
Инсон ҳаёти мазмуни ва Коинот мавжудлиги мазмунининг бирикиши
Ҳозирги даврга хос бўлган кўрқув қуйидаги белгилари
Атом электростанциялари қурилиши
Ядро қуролининг тўпланиши
Радиоактив чиқиндилар тўпланиши
Турли хил заҳарли кимёвий моддаларнинг кўпайиши


Психология
Инсон ва унинг онги космобиологик ва психосоциал эволюциянинг узоқ давом этган ўзаро алоқаси маҳсули
К.Юнг
«Теран психология»
индивидуал
коллектив
онг хусусиятларини англаб етишга қаратилган шарқ донишмандлигининг асосий мотивларини ўз ичига олади.
кўркувнинг янги тури
XX асрда
психотрон уруш
инсон онги, электроника, тиббиёт ва парапсихология соҳасидаги тадқиқотлар инсон мияси ва онгига муайян мақсадда уларни бошқариш мақсадида таъсир кўрсатиш имкониятини беради.



Реферат мавзулари

1. Инсон руҳиятидаги инқилоб.
2. Шахсни соматологик идентификация қилиш концепцияси
3. Инсон қуркувининг янги образлари.
4. Қўркувнинг янги тури –экологик ҳалокат хавфи.
5. Психотрон уруш хавфи.
6. Биотехнология методларидан фойдаланиш хавфи
7. «Мен» полицентрик модели.

Билим ва кўникмаларни баҳолаш материаллари

1. Қайси олим техноген цивилизация антропоген цивилизацияга ўрин бўшатяпти, деб ҳисоблайди? Г.Г.Дилигенский

A. Г.Маркузе

B. Ф.Фукуяма

C. Барча жавоблар тўғри

2. Қайси олим «тарих ўз интихосига якинлашди», яъни «постта-рихий» босқич бошланди, дея таъкидлайди?

A. Ф.Фукуяма

B. Г.Г.Дилигенский

C. Г.Маркузе

D. A ва B жавоблар

3. Ўтган аср бошида Р. Беккнинг инсоният ҳақида уч инқилоби тўғри кўрсатилган жавобни топинг?

A. Илмий-техникавий, ижтимоий ва руҳий

B. Рухий, илмий ва ташкилий

C. Иқтисодий, ижтимоий ва маънавий

D. Маънавий, маданий ва иқтисодий

4. Трансперсонал – бу?

A. Инсондан ташқаридаги маънавий воқелик

B. Инсонининг ички воқелиги

C. Инсоннинг маданий ва маънавий олами

D. B ва C жавоблар

5. Ҳозирги вақтда онгнинг дискретлиги ва узлуксизлиги, инсон мияси ва руҳияти фаолияти ҳамда уларнинг ўзаро муносабатлари муаммоларини ўрганишга нисбатан яхлит ёндашув талаб этилади. Бу фундаментал муаммони ечиш учун қандай тушунчалар ишлаб чиқилган?

A. Барча жавоблар тўғри.

B. «Туғма ғоялар», «космик онгсизлик», «космик онг».

C. «Коллектив тасаввурлар», «онгсиз структуралар».

D. «Онгсизлик бировнинг нутқи сифатида», «коллектив онгсизлик архетиплари».

6. XXI юз йиллик «.....» (П.Рассел) бўлиши ҳақидаги тахминни тасдиқламоқда.

A. Онг асри

B. Маънавият асри

C. онгнинг ёришиши

D. Эволюцион даври

7. Шахсни соматологик идентификация қилиш концепциясининг илдизлари қайси даврга бориб тақалади?

A. Қадимги миф

B. Қадимги дин

C. A ва B жавоблар

D. Метафизика

8. Ушбу сўзлар муаллифини топинг: «Мазкур тасаввур орқали христианликнинг содда материализми ғарб илмий тафаккури парадигмасига киради ва бугунги кунда шахснинг генотипик белгиланганлигини ёки енгилроқ кўринишда – генотип ва мухитнинг ўзаро алоқасини аниқлаш йўлидаги изланишларга айланади».

A. Налимов В.В., Дрогалина Ж.А.

B. Г.Г.Дилигенский ва Ф.Фукуяма

C. Г.Маркузе

D. Ф.Фукуяма ва Дрогалина Ж.А

9. Эллинча тафаккур қандай ёндашув билан тўқнашади?

A. B ва C жавоблар

B. Орфиклар ва пифагорчилар таълимотига кўра, жон олий асос эманацияси

C. Жон ҳаётнинг умумий айланма ҳаракатига қўшилиб, турли мавжудотлар ва буюмлар ичига кириб жойлашади

D. Жон фақат илохий томондан берилиб, сўнг яна кайтиб олинади.

10. Қайси таълимот вакилларининг фикрига кўра руҳий ва трансруҳий, ички ва ташқи ҳодисалар, субъект ва объект ўртасида аниқ чегара мавжуд?

A. Картезианча

B. Эллинча

C. Дзэн-буддизм

D. Барча жавоблар тўғри.

11. «Теран психологияси» асари муаллифини топинг?

A. К.Юнг.

B. Г.Маркузе

C. Ф.Фукуяма

D. Дрогалина Ж.А

12. К.Юнг фикрига кўра, архаик хусусият касб этади ва фақат интуиция ёрдамида идрок этиш мумкин бўлган, инсон фантазиясининг онгсиз фаолияти натижасида турли рўёлар ва диний тасаввурлар кўринишида юзага чиқадиган образларнинг..... ҳисобланади.

A. Кантча «ноуменлари»

B. Архетиплари

C. Калит

D. Юнгнинг теран психологияси

13. «Архетиплари» ҳақидаги бу қоида ҳозирги замон одамининг онгига кирувчи ва унинг руҳиятида инкилобга замин яратувчи мистицизм феноменологиясини тушуниш қандай вазифани бажаражи?

A. Калит

B. Башорат

C. Насиҳат

D. Тўғри жавоб йўқ.

14. Ушбу фикр муаллифини топинг: «Буддизмда оғирлик маркази индивидуумнинг ўзида, унинг ўз кечинмаларида ётади».

A. А.Говинда.

B. Ф.Фукуяма

C. Дрогалина Ж.А

D. К.Юнг.

15. К.Юнгнинг фикрга кўра қайси манба ўз-ўзини англаб етишга ҳаракат қилаётган индивидлар учун «битмас-туганмас манба»дир?

A. Дзэн-буддизм

B.

C.

D.

16. В.Налимов ва Ж.Дрогалина семантик коинот ҳақида мулоҳаза юритиш оркали онгсизликнинг тахминий модели ҳақида ўз тасаввурини баён этади. Одамларнинг типларига қараб у қандай бўлишини тавсифлайди.

A. Барча жавоблар тўғри.

B. «Игнасимон» ва «ёйиқ»

C. «Ёйиқ» ёки «носимметрик».

D. «Игнасимон» ва «носимметрик».

17. Коллектив онгсизликка нисбатан Юнг таклиф қилган ёндашув «.....» методологиясига асосланади ва постиндустриал цивилизациянинг вужудга келиши билан боғлиқ бўлган инсон руҳиятидаги инқилобнинг ўзига хос даракчиси ҳисобланади.

A. Шахсни индивидуаллаштириш

B. Антропни ривожлантириш

C. Шахснинг инқилоби

D. Антроппологик принцип

18. «Қайси қонунига мувофиқ яшаш – бу шундай бир жараёнки, унинг воситасида шахс ва жамият манфаатлари қутблари бирлашиб,

ажралмас иттифоқ тузади. Индивид онгли микрокосм сифатида нарсалар ва ҳодисаларни англаб етувчи марказга айланади».

A. Мандала

B. Кодзики

C. Бусидо

D. Нихонги

19. Қўрқув феномени – бу?

A. Барча жавоблар тўғри.

B. Ижтимоий ва маданий омиллар билангина белгиланмайди.

C. Дунёвий ҳаёт эволюцион йўлининг инсон миясидаги қайди билан ҳам боғлиқ.

D. Қўрқув инсон табиатига хос хусусият, унинг шакллари ва турларигина ижтимоий-маданий эволюция жараёнида ўзгаради.

20. Ҳозирги даврга хос бўлган қўрқув қандай белгилар билан тавсифланади?

A. Барча жавоблар тўғри.

B. «Ядро қуролининг тўпланиши, атом электростанциялари қурилиши, радиоактив чиқиндилар.

C. Турли хил заҳарли кимёвий моддаларнинг кўпайиши ва ҳоказо ва шунга ўхшашлар – буларнинг барчаси соат механизми ўрнатилган ички бомбалардир.

D. Соатнинг мили ҳалокат нуқтаси сари тўхтовсиз силжимоқда.

21. Нечанчи асрда оммавий қирғин қуроли қўлланилиши натижасида инсоният ялпи қирилиб кетиши хавфи билан белгиланган мутлақ эмпирик қўрқув пайдо бўлди?

A. XX аср

B. XIX аср

C. XVIII аср

D. XVII – XIX аср

22. Ислом ақидапарастлари терроризми нечанчи асрда пайдо бўлди?

A. XX аср

B. XIX аср

C. XVIII аср

D. XVII – XIX аср

23. Ҳозирги замон терроризмининг ҳар хил турлари орасида ислом ақидапарастларининг «муқаддас террори» бошқа турлари (шакллари)дан қандай жиҳат билан ажралиб туради?

A. Барча жавоблар тўғри.

B. Ҳозирги мафкураларнинг барчасини рад этади ва ҳокимиятни ўз қўлига олиш ёки қўлда курол билан ҳалок бўлишга интилади.

C. Ҳозирги вақтда ғарбда «ислом терроризми» деган ном олган ҳодиса «муқаддас уруш» - жиҳоднинг ўзига хос шакли сифатида илгари сурилмоқда ва амалга оширилмоқда.

D. Ислом терроризми ҳам индивидуал хулқ-атвор, ҳам давлат сиёсати назарияси учун асос бўлиб хизмат қилади.

24. Қайси олим биосфера олий босқичга ўтиб ноосферага айланишини қайд этган?

A. В.И.Вернадский

B.

C.

25. Қирқ йилча муқаддам Ж.Дорст сайёрадаги инсониятни нимага ўхшатган эди?

A. Олмага тушган куртга

B. Хашакхор бактерияга

C. Янтоқ босган чўлга

26. Неча йил муқаддам АҚШ Конгресси вакиллар палатасининг фан ва техника бўйича қўмитаси учун тайёрланган маърузада «онг физикаси» ва тиббиёт соҳасидаги тадқиқотларнинг мақсадга

мувофиқлигига баҳо беришга бундан буён янада кучлироқ масъулият билан ёндашиш тавсия қилинган эди?

A. 30 йил

27. Л.Витгенштейннинг: «..... », деган сўзлари қадимги Якин Шарқ тафаккурига хос бўлган ғоя билан ҳамоҳангдир.

A. Одам танаси инсон руҳининг энг яхши образидир.

B. Ўз вужудингиздаги Худони шарафланг

28. Инжилда ҳаворий Павелнинг сўзлар тўғри кўрсатилган жавобни топинг?

A. Ўз вужудингиздаги Худони шарафланг

B. Одам танаси инсон руҳининг энг яхши образидир.

29. Каббала диний-мистик таълимотига кўра, ҳамонки инсон Худога ўхшаб яратилган экан, унинг камида учта жони бўлиши керак: булар?

A. Рух; жоннинг ўзи; «ҳаётбахш куч».

B. Тана, тафаккур, жон

C. Рух, тана ва жон

D. Барча жавоблар тўғри

30. Каббала диний-мистик таълимотига кўра олий қисм – бу?

A. Рух

B. Тана

C. тафаккур

D. жон

31. «Теран» ёки «аналитик» психология инсон руҳиятининг онгли, оқилона ва мантиқий даражаларини ўрганади. Олимлар томонидан онг ва онг ости соҳаларининг қуйидаги ўн даражаси тўғри кўрсатилган жавобни топинг?

A. Барча жавоблар тўғри.

B. Жинсий майллар даражаси (З.Фрейд); бошчилик, етакчилик,

ҳокимият даражаси (Ф.Ницше, А.Маслоу); онгнинг шаклланиш даражаси (Э.Нойман);

С. Дентификация (Э.Эриксон); Хокимият «ижтимоий стандарти» (М.Фуко); Миллий идентификация (Г.Д.Гачев, П.Безансон); Тилнинг топологик талкини ва турли «тил ўйинлари» даражаси (Р.Тома, Л.Витгенштейн); мутлақо субъектсиз фан (Р.Декарт, И.Ньютон);

D. Топологик жиҳатдан инсон билан узвий бўлган структуралар (П.А.Флоренский, М.Хайдеггер); санъат ва фан архетиплари (К.Юнг, В.Пауль).

32. Америкалик олим К.Рожерс инсон онгини қандай қадриятларга ажратади?

А. Барча жавоблар тўғри.

В. Инсон ўз потенциал имкониятлари тўла рўёбга чиқарилиши натижасида қадр-қиммат ва аҳамият касб этиши; Билимлар тараққиёти асосида дунё ҳақида янгича тасаввурнинг шаклланиши.

С. Инсоннинг ўз-ўзини ривожлантириши; Ўзгараётган дунёга инсоннинг ижодий мослашиши;

D. Индивид ўз-ўзини актуаллаштириши, Билимлар тараққиёти асосида дунё ҳақида янгича тасаввурнинг шаклланиши.

ИККИНЧИ ҚИСМ. ДИНИЙ ФАНАТИЗМ ФЕНОМЕНИ ДИНИЙ ФАНАТИЗМНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШИ, АСОСЛАРИ, МАЗМУНИ ШАКЛЛАРИ

1. Маърузани олиб бориш технологияси

Талабалар сони:	**Вақти: 4 соат**
Машғулот шакли	Кириш мавзу бўйича маъруза
Маъруза режаси	маъруза режаси Диний фанатизм табиатининг таҳлили «Fanus – fanaticus» тушунчаси. Диний туйғуларнинг ижтимоий роли. 2-маъруза режаси Диний фанатизм диндорлик даражасининг кўрсаткичи. Диний фанатизмнинг энг ёркин аналоги қадимги шаманизм. Гносеологлар ва диншунослар даврасида шаманизм ва магияни ўрганишга бўлган қизиқиш.
Машғулотнинг мақсади: Дарс ўтиш шакллари ҳақида умумназарий тасаввурлар,инсон ҳақида толерантлик ва ижодий ёндошув.талабаларда илмий ва фалсафий дунёқарашнинг шаклланишида инсон фалсафанинг аҳамияти ҳақида тушунча ҳосил қилиш.	
Педагогик вазифалар	*Ўқув фаолияти натижалари:*
Диний фанатизм диндорлик даражасининг кўрсаткичи.	Магик тотемизм ижтимоий муносабатлар норасолигининг мафкуравий ифодаси.
Диний фанатизмнинг энг ёркин аналоги қадимги шаманизм.	Шаман – бу шахс инқирозини бошдан кечирган, «онгнинг эврилиши»га эришиш имконини берган махсус тренинг жараёнидан ўтган одам.
Гносеологлар ва диншуносларр даврасида шаманизм ва магияни ўрганишга бўлган қизиқиш.	Магик универсум структурасини тушунишда магик сонлар.

Ўқитиш усуллари ва техника	Маъруза, «ақлий ҳужум», Т-схема, мунозара, муаммоли вазиятлар усули.
Ўқитиш воситалари	Маъруза матни, тарқатма материаллар, слайдлар, проектор.
Ўқитиш шакллари	Жамоа, тўғридан-тўғри ва гуруҳларда ишлаш.
Ўқитиш шарт-шароити	Техник воситалар билан таъминланган аудитория.
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки назорат, савол-жавоб, ўз-ўзини назорат қилиш, рейтинг тизими асосида баҳолаш.

2. Маърузанинг технологик картаси

Иш жараёнлари вақти	*Фаолиятнинг мазмуни*	
	ўқитувчи	*Талаба*
I-босқич. Курсга ва мавзуга кириш. (20 минут)	1.1. Ўқув курси номини айтиб, курс доирасида дастлабки умумий тасаввурни беради ҳамда услубий ва ташкилий томонлари билан таништиради.	Тинглайдилар.
	1.2. Курс бўйича ўтиладиган барча мавзулар билан таништиради, уларнинг узвийлиги ҳақида қисқача маълумот беради.	Тинглайдилар.
	1.3. Курс якунида қўйиладиган рейтинг баҳолаш мезонлари билан таништиради	ЎУМ га қарайдилар.
	1.4. Курсни ўзлаштиришда фойдаланиш учун зарур бўлган адабиётлар рўйхати билан таништиради.	ЎУМ га қарайдилар.
	1.5. Биринчи ўқув машғулоти мавзуси билан таништиради ва унинг максади, ўқув фаолияти натижаларини баён қилади.	Мавзу номини ёзиб оладилар.
	1.6. Биринчи мавзу юзасидан ақлий ҳужум қоидаси асосида дарс ўтказишни таклиф этади. Доскага «Инсон ва дин » деб ёзади. Талабалар томонидан айтилган фикрларни ёзиб боради ва умумлаштиради	Тушунчаларни эркин фикр орқали билдиради.

II-босқич. Асосий (50 минут)	2.1. Мавзу режаси ва таянч тушунчалар билан таништиради.	Тинглайдилар.
	2.2. Маърузани режа бўйича тушун-тиради, ҳар бир режани ниҳоясида умумлаштиради. Жараён компьютер слайдларини намойиш килиш билан олиб борилади	Тинглайдилар. Слайдга эътибор қаратади. уни ўзига ёзиб олади ва саволлар беради.
	2.3. Ҳар бир режани мустаҳкамлаш учун қуйидагича саволлар беради Шаман фаолияти доирасида паранормал ҳодисалар соҳаси. Диний фанатизм феноменини тушуниш зарурияти Диний экстремизмнинг сиёсий экстремизмдан фарқи.	Саволларга жавоб берадилар, эркин баҳс-мунозара юритадилар.
	2.4. Таянч ибораларга қайтилади. Талабалар иштирокида улар яна бир бор такрорланади.	Ҳар бир таянч тушунча ва ибо-раларни муҳо-кама киладилар. Конспект қила-дилар.
III-босқич. Якуний босқич. (10 минут)	3.1. Т-схема техникасидан фойдаланилган ҳолда жуфт-жуфт бўлиб ишлаш учун тингловчиларга: “Диний фанатизмнинг инсон онгига таъсири.” деган савол ёзилган тарқатма материаллар тарқатади. Ушбу техника орқали мавзу бўйича якунловчи хулоса килади	Мустақил Т-схемани тўлдирадилар. Эркин фикрини баён этади.
	3.2. Талабаларнинг фаолиятига баҳо қўйилади ва рағбатлантирилади.	Эшитади.
	3.3. Келгуси машғулотга тайёргарлик кўриш учун топшириқлар ва фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати берилади.	Эшитади ва ЎУМ га қарайдилар.

Диний фанатизм табиатининг таҳлилиғ **«Fanus – fanaticus».** Диний фанатизм табиатининг таҳлили энг аввало унинг асосларини аниқлашни тақозо этади. Бунга илоҳиёт, дин психологияси ва диншуносликда кенг фойдаланиладиган «диний туйғулар» тушунчасининг мазмунини аниқлаш орқали эришиш мумкин. Америкалик

файласуф ва психолог У.Жемс диний туйғулар инсоннинг бошқа туйғуларидан ўзининг ғайритабиий манбаи билан ажралиб туради[1], деб ҳисоблаган. Бунда у диний туйғулар деганда инсоннинг диний тусга эга бўлган қўрқув, муҳаббат, ҳайрат, иззат-икром, қувонч каби туйғуларини тушунган. Айни ҳолда бу туйғулар «Худодан қўрқиш», «Худога муҳаббат», «Худо билан мулоқот қувончи» ва ҳоказолар сифатида амал қилади. Инсоннинг диний туйғулари ғайритабиий объект мавжудлигига бўлган ишонч билан суғорилган туйғуларни ўзида ифодалайди. Диний туйғуларнинг ижтимоий роли айни шу омил билан белгиланади. «Жамият маҳсули» саналган диний туйғуларнинг пайдо бўлиши замирида муайян ижтимоий шароитлар ётади. Улар, худди дин каби, кишиларга уларнинг кундалик ҳаётида ўз ҳукмини ўтказувчи ғайритабиий кучлар дунёсининг ўзига хос инъикоси ҳисобланади. Инсоннинг диний туйғулари дунёси билан, диний-мистик дунёқараш билан узвий боғлиқ бўлган диний фанатизм диндорлик даражасининг кўрсаткичи сифатида майдонга чиқади.

Шуни қайд этиш лозимки, диний фанатизмнинг энг ёркин аналоги ва илк образига қадимги шаманизмда дуч келиш мумкин. Бугунги кунда ғарбда билим ва онгнинг ноилмий шакллари фалсафий тадқиқотларнинг диққат марказидан ўрин олган. Буни сциентизмга салбий муносабатнинг кучайиши ва дунёқарашга доир мўлжалларнинг муқобилларини топиш йўлидаги изланишлар билан изоҳлаш мумкин бўлса керак. Гносеологлар ва диншунослар даврасида шаманизм ва магияни ўрганишга бўлган қизиқиш кучайиб бормоқда. Бунда гносеолог олимлар шаманизм ва магияни билиш назариясида ноилмий фикрлаш унсурларини ҳамда инсон қизиқишлари ва қадриятлари изларини топиш орқали унга «инсоний тус» бериш мақсадида таҳлил қилсалар, диншунослар магияга оқилоналикнинг ўзига хос бир типи сифатида ёндашадилар. Энг янги ғарб фалсафасида фан ва дунёқараш ноилмий шаклларининг якинлашуви релятивистик тенденцияси кузатилади.

---

[1] Қаранг: Джемс У. Многообразие религиозного опыта. – М., 1910. – 23–24-б.

Масалан, инглиз олими У.Разерфорднинг «Шаманизм. Магия асослари» китобида шаман ҳаракатлари, унинг магик рақслари, экстаз ва транс ҳолатлари тавсифланади[1]. Гулхан атрофида тўпланган қабиладошлар шаманнинг руҳи унинг танасини гўёки тарк этиб, арши аълога сайр қилгани жўнашини «кузатадилар». Муаллиф бундай манзарани Африка шимолий қабилаларининг айримларида ҳозир ҳам кузатиш мумкинлигини таъкидлайди. Магия месопотамия цивилизацияси маданиятида, даоисизмда, зардуштийликда, исланд сагаларида, қадимги юнон мифларида, полинезияликларнинг қадимий ривоятларида, Акртикадан Австралияга қадар чўзилган маконда ўз изини қолдирган. Шаман «санъати», унинг табиблик маҳорати ва тажрибаси маҳаллий этник ва географик шароитларга боғлиқ. «Шаман» атамаси этимологик жиҳатдан индоевропа тилларидаги «билим» тушунчасига бориб тақалади: шаман – бу «биладиган одам». Антропологлар шаман «руҳлар ҳукмдори» деган маънони англатишини таъкидлайдилар, диншунослар эса шаманизмни ғайритабиийлик ғояси, анимизм ва тотемизм билан боғлайдилар[2].

Шу ўринда ибтидоий тафаккурга иррационализмнинг **магик тотемизм** ва **диний фетишизм** каби шакллари хос эканлигини ҳам таъкидлаб ўтиш лозим. Муҳими шундаки, ижтимоий онг ижтимоийлашган социал онгларнинг арифметик йиғиндиси билан айний эмас, у трансиндивидуал ва жамоадир. Ижтимоий онгнинг жамоа табиати охир-оқибат индивид руҳиятига боғлиқ бўлмайди, балки жамият моддий базисининг онтологик структураси билан белгиланади, боз устига, интеллектуал омил ижтимоий онг ривожланиш жараёнининг ҳар қандай босқичида эффектив-эмоционал ҳаракатларда мавжуд бўлади.

Шу нуқтаи назардан венгр олими Й.Сигетининг идеалистик дунёқарашга асосланган **«тотемизм мафкураси»** ижтимоий

---

[1] Қаранг: Rutherford W. Shamanism. The foundations of Magic. – Wellingborough, 1986.

[2] Қаранг: Тайлор Э.Б. Первобытная культура. – М., 1989; Токарев С.А. Религия в истории народов мира. – М., 1986; Фрэзэр Дж. Золотая ветвь. – М., 1984; Элиаде М. Космос и история. – М., 1987.

онгнинг биринчи шакли ҳисобланади[1], деган фикри диққатга сазовор. У қадимги жамоаларнинг ўз хаёлий қобиқларида оқилона ўзакни яширган ўзлигини ўзида ифодалайди. Француз этнографи ва психологи Л.Леви-Брюль илгари сурган ибтидоий тафаккурнинг илк мантиқий, ассоциатив хусусияти ҳақидаги концепция таҳлили ибтидоий одамлар муайян асосларга таянган ҳолда узил-кесил хулосалар чиқарганларида, мантиқий фикрлаганларини кўрсатади. Бироқ уларнинг тафаккури воқелик билан мувофиқ келмайди. Айни ҳол улар ўз хулосаларининг асосий қоидаларига нотанқидий ёндашганлари билан боғлиқ. Аммо аммо қадимги одамлар тафаккурининг бу нуқсони улар ижтимоий муносабатлари ривожланиш даражасининг пастлиги оқибати ҳисобланади. Хусусан, магиянинг социоморф ва антропоморф хусусияти айни шу омил билан белгиланади. Ибтидоий тафаккурнинг фундаментал хусусияти шундаки, у жамоа ва унинг аъзоларини емиш бўлиб хизмат қилувчи ҳайвон, тотем сифатидаги ҳайвон билан айнийлаштиради: «Тотемистик дунёқарашнинг ўз моҳиятига кўра ўта натуралистик бўлган **«инсоннинг мазмун ва моҳияти унинг емиши билан белгиланади»**, деган фундаментал қонуни тотемизм қонуни ҳисобланади»[2]. Шундан келиб чиқиб, мафкуравий жиҳатдан инсон тотем сифатидаги ҳайвон билан айнийлаштирилиши ибтидоий одамлар ҳайвонлар меҳнати объектининг иррационал хулқ-атворига меҳнат оқилона воситалари ёрдамида барҳам беришга амалда қодир бўлмаганларининг ифодаси ҳисобланади, шу туфайли ҳам улар бунга хаёлий-магик воситалар ёрдамида эришишга ҳаракат қилганлар, деб фараз қилиш мумкин. Мазкур идеалистик шаклнинг ўта натуралистик мазмуни қуйидагича янграйди: ҳайвоннинг инсонга айланиши ва кейинчалик унинг ўзи диний фетиш даражасига кўтарилиши.

Дарҳақиқат, магик тотемизм ижтимоий муносабатлар норасолигининг мафкуравий ифодаси сифатида, воқеликни ўзлаштиришнинг

---

[1] Қаранг: Поликарпов В.С. Эстетика, язык, обҳество // Философские науки. 1984. № 5. – 138–139-б.

[2] Ўша ерда. – 138-б.

хаёлий воситаси ва диннинг дастлабки босқичи ҳисобланади. Айни пайтда, магия дин эмас, у фаннинг ибтидосидир, деган фикрни илгари сурган Ж.Фрэзер концепциясининг таҳлили даставвал магик тотемизм ижтимоий онгнинг таркибий қисмларга бўлинмаган, ягона шаклини ўзида ифодалаган, фан билан бир қаторда ахлоқ ва сўз санъатини, шунингдек тасвир магиясини ҳам ўз ичига олган, кейинги босқичда эса, ижтимоий онгнинг нисбатан мустақил бўлган бир қанча шаклларида унинг мужассамлашуви юз берган, деган хулосага келиш имконини беради.

Ўз тарихий «фаолияти»ни ушбу ибтидоий шаклда бошлаган мафкуравий фетишизм ҳозирги замон жамиятида ҳам яшашда давом этмоқда. У идеалистик фалсафий тафаккурга анча кучли таъсир кўрсатаётир. Маҳдудлик кучайиб бораётган ҳозирги дунёда қадимги шаманизм ўзининг мистик мўлжаллари билан бирга тикланаётгани, ҳозирги замон иррационализмининг кўпгина шакллари, шу, жумладан диний фанатизм ҳам улардан баҳра олаётгани тасодифий бир ҳол эмас.

У.Разерфорд фикрига кўра, шаман – бу шахс инқирозини бошдан кечирган, «онгнинг эврилиши»га эришиш имконини берган махсус тренинг жараёнидан ўтган одам. Шаман «уммон туйғуси»ни ҳис килиш орқали «табиат билан мулоқот қилиш» қобилиятини касб этади (З.Фрейд). Ҳозирги замон маглари (Л.Грей, М.Харнер, К.Кастанеда ва бошқалар)нинг сўзларига қараганда, онгнинг «оддий» ва «ғайриоддий» ҳолатлари ўртасида фарқ мавжуд ва онгнинг ғайриоддий ҳолатигина дунё ҳақида тўғри тасаввур ҳосил қилиш имконини беради. Шу туфайли ҳам мистик дунёқарашга хос бўлган ***«воқеликни идрок этишнинг алоҳида усули»*** шаманизм тафаккурининг ўзагини ташкил қилади[1].

Шаман дунёқараши табиат ҳақидаги табиий тасаввурлар билан белгиланади. У табиатни тирик мавжудот – инсон танаси сифатида мажозий идрок этади. Шунга ўхшаш ғояларга индуистларнинг дхарма ҳақидаги таълимотида, даосизм фалсафасида, қадимги

[1] Қаранг: Rutherford W. Shamanism. The foundations of Magic. – Wellingborough, 1986. – 20-б.

юнонларнинг «космоси»да дуч келиш мумкин. «Коинот – бу космосдир, деган тасаввур шаман дунёқарашининг ўзаги ҳисобланади»[1]. Тартибга ва мувозанатга солинган яхлитлик сифатидаги космос эса ташкилот манбаини назарда тутади ва шу тариқа монотеизм йўлидаги биринчи қадам – «Буюк руҳ» ғояси вужудга келади. «Буюк руҳ» маҳзанига эришиш учун шаманга одамлар дунёси ва арши аълони бирлаштирувчи бўғин талаб этилади. Бундай бўғин сифатида мукаддас тоғ (Синай, Олимп, Месопотамия зиккуратлари, қадимги Миср эҳромлари, ацтекларнинг қуёш ибодатхоналари) ёки жаҳоний дарахт (скандинавларда Иггдразиль ва бошқалар) амал қилади.

Магик универсум структурасини тушунишда магик сонлар (масалан, «етти») улкан аҳамият касб этади. Улар юлдузларга, кечирилмас гуноҳларга, осмон жисмларига ёки дунё мўъжизаларига тегишли бўлиши мумкин. Айни пайтда магик космология одамлар дунёси ва руҳлар дунёсини ҳам бир-биридан ажратади. Бу дунёларни ажратишга одатда дарё (масалан, қадимги юнонларда Стикс), уларни бир-бири билан боғлашга эса мазкур дарё устига ташланган кўприк хизмат қилади. Ниҳоят, тана, руҳ ва жоннинг ўзаро нисбати, жонларнинг ўз қиёфасини ўзгартириш ва бошқа танага кўчиб ўтиш қобилияти (метемпсихоз) шаманизмда табиат ҳақидаги тасаввурни тавсифлайди.

Шаман фаолиятида магик транс методикаси алоҳида роль ўйнайди. Одатда ушбу руҳий ҳолатни ўз ҳукмига шаманни бўйсундирган иблиснинг амалларидан бири сифатида тушунганлар. Транс – бу шаман жонининг нариги дунёга «саёҳат қилиш» усули. У.Разерфорд трансда фақат ниқобланган алдовни ва жаҳолат белгисини кўриш нотўғри бўлган, деб ҳисоблайди. Ҳозирги вақтда магик трансни инсон мавжудлигининг ўзига хос бир шакли сифатида тушуниш имкониятини берувчи далиллар пайдо бўлди.

Биринчидан, АҚШда шаманлар мактабини ташкил қилган М.Харнернинг шогирдлари фикрига кўра, транс пайтида улар жон

[1] Ўша ерда. – 34-б.

ҳаётдан гўёки «холи» бўлган «нариги дунё»нинг кўркам манзараларини хаёлан кузатганлар.

Иккинчидан, айрим кишиларнинг улар (касаллик пайтида, дори-дармонлар, мусиқа ёки рақс таъсирида) «онгнинг бошқа ҳолатлари»га ўтишни бошдан кечирганлари ҳақида маълумотлари бор.

Учинчидан, паранормал ҳодисаларни ўрганиш билан шуғулланувчи тадқиқотчиларнинг ҳисоботлари мавжуд бўлиб, уларда айрим кишиларнинг телепатия, келажакни башорат қилиш, биолокация ва бошқа қобилиятлари тўғрисида кўп сонли фактлар келтирилади[1]. Шуни таъкидлаш лозимки, шаман дунёни экстрасенсорика усуллари ёрдамида идрок этишга қодир, унинг қобилиятлари ўта кенг ва ақлни лол колдирадиган даражада ривожланган.

Бугунги кунда расм бўлган шаманга «шизофреник» сифатида қараш замирида «шаман касаллиги» феномени ётади. «Шаман касаллиги»да руҳлар ўзлари «танлаган» одамни ботиний даражада (тушларда, галлюцинацияларда) эзотерик билим сирлари билан ошно этадилар. Баъзан руҳлар оддий одамни унинг тушида нариги дунёга олиб кетадилар ва бу ерда уни шаманга айлантирадилар: унинг бўлғуси «саёҳатлари» жойларини кўрсатадилар, руҳлар ва илоҳлар билан таништирадилар, ғайриоддий билимлар ва хусусиятлар билан ўртоқлашадилар[2]. Бундай «таълим» жараёнида бўлғуси шаман унга Ердан Осмонга ёки Ердан Арши аълога экстатик «саёҳатлар» қилиш имконини берувчи мистик тажриба орттиради. У архаик онгда ҳукм сурган «уч қаватли» Коинот ҳақидаги тасаввурга кўра, ушбу қаватлар – Осмон, Ер ва Арши аъло ўртасида ҳаракат қилиш сирларидан хабардор. Коинотнинг бу уч даражаси марказий ўқ билан ўзаро боғланади (бу ўқнинг образлари сифатида Осмоннинг устуни, дунёвий дарахт, кўприк, зинапоя ва ҳоказолар амал қилади). Коинотнинг барча даражалари ва минтақалари бўйлаб маънавий «саёҳат» қилиш, Арши аълода ёвуз кучлар ва иблислар билан курашиш, ўз қабиладошларининг ўтинчлари ва хайр-эҳсон-

---

[1] Бу ҳақда батафсилроқ қаранг: Поликарпов В.С. Наука и мистицизм в XX веке. – М., 1989.

[2] Қаранг: Басилов В.Н. Избранники духов. – М., 1984. – 55–68-б.

ларини Осмондаги худоларга етказиш қобилиятига фақат шаман эга бўлади.

Бу ерда муҳими шундаки, шаман космология, мифологияни ва ўз қабиласининг теологиясини улардан «ўзга» дунёларга мистик, экстатик «саёҳатлар»да ўзига хос хариталар сифатида фойдаланиш учун ўзлаштиради[1]. Ушбу «саёҳатлар»нинг натижалари қабилалар ҳаёт фаолиятига татбиқ этилади ва қабила мавжудлиги учун муҳим бўлган турли муаммоларни ечиш имконини беради. Илмий адабиётларда илгари сурилган концепцияга кўра, шаман бу муаммоларни тушунчалар ва сўзлар ёрдамида эмас, балки хотирадан ўрин олган образлар билан манипуляциялар қилиш орқали ечади[2]. Масалан, у қабиланинг тирикчилик манбаи ҳисобланган ёввойи буғулар подалари қаерга йўқолди, деган саволга жавоб бериши лозим бўлсин. Амалда бунга кўп сонли омиллар: яйловлардаги ўт-ўланлар ҳолати, шамол йўналиши ва кучи, об-ҳаво ва ҳоказолар таъсир кўрсатади. Бу ерда оддий одам мазкур саволга жавоб беришига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган номаълум сабаблар жуда кўп. Аммо баъзи бир «ўзгарувчилар»ни ҳатто қайд этиш ҳам мумкин эмас. Айни пайтда уларнинг барчаси онг ости даражасида образлар кўринишида мавжуд бўлади. Мистицизм мухлислари фақат шаман онг ости соҳасига «саёҳат» қилиш орқали бу образларни идрок этишга қодир, деб ҳисоблайдилар. Идрок этиш жараёнида образларни саралаш ва идентификация қилиш бир лаҳзада амалга оширилади, зеро бу вербал хотира эмас, балки образли хотирадир. Идрок этиш якунида шаман, айтайлик, қуйидаги интуитив хулосага келиши мумкин: «Буғуларни Шарқдаги водийда кўряпман».

Шаман воқеликни яхлит ҳодиса сифатида идрок этса, шизофреникнинг тасаввурида дунё тарқоқлик, тартибсизлик ва беқарорлик каби хусусиятлар билан тавсифланади. Шу туфайли ҳам шаманни психопатологик шахс билан айнийлаштириш ўринли бўлмайди. Шаман ўз фаолиятида архаик маданиятлар доирасида шаклланган

---

[1] Қаранг: Элиаде М. Космос и история. – М., 1987. – 151–152-б.

[2] Қаранг: Wasilewski J.S. Podroze do pielciek. – Warszawa, 1979. – 173–174-б.

яхлит дунё ҳақидаги тасаввурни гавдалантиради ва қадимги жамоаларга ўзини қуршаган дунёда мўлжал олиш, ўзининг кундалик муаммоларини ечиш имконини беради. «Одатда қабила қонунлари сифатидаги тартибга солиш механизмларини айнан шаман белгилайди. Бундай қонунларнинг бошланғич манбаи маслаҳат сўраш ваколати фақат шаманга берилган тотем ҳисобланади. Шу тариқа оғзаки анъана воситасида авлоддан-авлодга ўтувчи прецедентлар ва шарҳлар мажмуи аста-секин вужудга келади»[1]. Кўпинча шаман халқ афсоналари ва ривоятларини яхши билувчи, мусиқа асбобларини ихтиро қилувчи, расм чизувчи, куйчи ва қўшиқчи одам ҳисобланади. У тақвимни ҳам юритади ва дастлабки астрономик маълумотларни қайд этади.

Шаманизм, оловга сиғиниш ва металлга ишлов бериш ўртасида алоҳида алоқа мавжуд. Шаман фаолияти доирасига паранормал ҳодисалар соҳаси ҳам киради. Аксарият ҳолларда шаман экстрасенс қобилиятларига ҳам эга бўлади ва дунёни тасаввур қилишнинг ўзига хос услуби билан бир қаторда, кўзга кўринмай қолиш, учиш, ўзининг ташқи кўриниши ва физик параметрларини ўзгартириш, бир пайтнинг ўзида икки жойда бўлиш қобилиятига ҳам даъвогарлик қилади. Буларнинг барчаси шаман қабилада катта обрўга эга бўлишини таъминлайди, баъзи ҳолларда ҳатто унга шаман ва оқсоқол ҳокимиятини ўзида бирлаштириш имконини ҳам беради.

Умуман олганда, **шаманизм реал билимлар ва кўникмалар, фантазия, нотанқидий эътиқод, спонтан реакциялар, содда янглишишлар, кўзбоғлоғичлик, гипнозчилик маҳорати ва ҳоказолар йиғиндиси** ҳисобланади. Шаманизм жаҳоннинг кўпгина маданиятларидан фундаментал элементлардан бири сифатида ўрин олгани, бир томондан иудаизм, христианлик ва ислом дини, бошқа томондан эса – иудаизм, буддизм ва даосизм ўртасида уларнинг шаманизмга бўлган муносабатида ранг-баранг алоқалар мавжудлиги тасодифий бир ҳол эмас. Айнан архаик эътиқодлар тизими саналган

[1] Rutherford W. Shamanism. The foundations of Magic. – Wellingborough, 1986. – 61-б.

шаманизмга ғайритабиий кучларга кўр-кўрона ишонч хос бўлиб, бу ривожланган динларда диний фанатизмнинг амалда айниқса бўртиб намоён бўлувчи жиҳатларидан бири ҳисобланади.

Диний фанатизмнинг асослари ва манбалари таҳлилига ўтамиз. Улар энг аввало тарихий ривожланишнинг муайян босқичида ижтимоий гуруҳлар, қатламлар ва бутун жамиятнинг манфаатлари ва эҳтиёжларида мужассамлашади. Диний фанатизм манбаларини жамият ҳаётида, инсон борлиғининг ижтимоий-маданий ва биологик-руҳий вокелигида излаш ўринли бўлади. Диний фанатизм феномени асослари ва манбаларининг таҳлили жамият ва табиат алоқаларини тушунишни талаб қилади. Ноёб яхлитлик – инсон борлиғининг табиий ва ижтимоий даражалари моддий неъматлар ишлаб чиқариш соҳаси билан узвий боғлиқ. Меҳнат онг структуралари, тил каби элементлар билан бир қаторда инсон борлиғининг фундаментал бўғини ҳисобланади. Меҳнат фаолияти орқали инсон ўзини қуршаган дунёни англаб етади, у ҳақда тасаввур ҳосил қилади. Маданият дунёси, инсон онгининг турли структуралари ва уларни ифодалаш воситалари (символлар тизимлари, хаёлий структуралар ва тузилмалар мавжудлигининг символик шакллари) айнан меҳнат фаолияти асосида шаклланади ва ривожланади. Инсонни қуршаган дунё уни моддий-ҳиссий ўзлаштириш жараёнида «символлар дунёси», символик фаолият билан белгиланадики, ишлаб чиқариш кучлари ва ижтимоий муносабатлар ривожланиш даражасининг пастлиги туфайли улар жамият ривожланишининг турли босқичларида тотемизм, анимизм, магия, шаманизм ва дин кўринишларида намоён бўлади. Фалсафий тафаккур принциплари диний дунёқарашни, шу жумладан диний фанатизмни, унинг асослари ва манбаларини илмий тушунтириш имконини беради. Ушбу принципларга таянган ҳолда диний фанатизм асосларининг қуйидаги типологиясини тузиш мумкин: **1) ижтимоий-маданий асослар; 2) ижтимоий-психологик асослар; 3) биологик-руҳий асослар.**

Узоқ давом этган биологик ва ижтимоий эволюция жараёнлари ўзаро таъсирининг маҳсули сифатида маданият дунёсининг

вужудга келишини диний фанатизмнинг **ижтимоий-маданий асоси** деб номлаш мумкин. Бу ерда икки муҳим омилни қайд этиш мумкин:

биринчи – ижтимоий одамнинг маданиятни шакллантириш ва ривожлантириш қобилияти. Ушбу қобилият меҳнат қуроллари эволюциясини ҳам ўз ичига олувчи биологик ва ижтимоий эволюциянинг ўзаро алоқаси маҳсули ҳисобланади. Айни шу сабабли инсон маданиятни яратиш билан бир пайтда, ушбу жараёнда ўзи ҳам камол топади;

иккинчи – ноинсоний босқичдан инсоний босқичга ўтиш узоқ вақт мобайнида, аста-секин юз берган. Бошқача қилиб айтганда, маданиятнинг ривожланиш тарихи инсон зеҳнияти ва қобилиятларининг объективлашуви тарихи ҳиçобланади, зеҳният ва қобилиятларнинг ривожланиш тарихи эса маданиятнинг мазкур омиллар «ингредиенти»га айланиш тарихи сифатида намоён бўлади.

Маданият дунёси инсонпарварлашув жараёни билан, ҳайвондан инсонга ўтиш билан чамбарчас боғлиқ. Ҳайвон тажриба билан боғлиқ инстинктларга эга бўлиб, улар ҳайвоннинг хулқ-атворини ҳаётнинг ҳар бир лаҳзасида бошқаради. Этология соҳасидаги тадқиқотлар нисбатан барқарор ва ўзгармас муҳитда яшайдиган айрим ҳайвонлар хулқ-атвори асосан олдиндан дастурлаштирилгани ва муайян тартибга бўйсунишини, ўзгарувчан муҳит шароитида бошқа ҳайвонлар хулқ-атвори эса меъёрдан четга чиқишни ва хулқ-атворнинг бир нечта вариантларидан бирини танлашни талаб қилишини кўрсатади[1]. Айни ҳол ҳайвонларда идрок этиш дунёси ва ҳаракатлар (хулқ-атвор) дунёси бир-бири билан боғлиқ, деган хулосага келиш имконини беради. Инсонда бу икки дунё ижтимоий тарих билан билвосита белгиланади ва шу туфайли ҳам фақат инсон ўзи нима қилиши лозимлигини амалда билмайди.

Шундай қилиб, инсонда ишончли қарор қабул қилиш ва ушбу имкониятни аниқлашга эҳтиёж пайдо бўлади[2]. Моддий ва маънавий техниканинг ранг-баранг арсеналини ўз ичига олган маданият

---

[1] Қаранг: Мак-Фарлен Д. Поведение животных. – М., 1988.

[2] Forbes RJ. Man the Maker. – L., 1958.

(мифология, дин, санъат ва ҳ.к.) генезиси замирида айни шу эҳтиёж ётади. Бўлажак воқеаларни башорат қилишнинг турли стратегиялари асосида ўз келажагини қуриш имкониятини инсонга фақат маданият беради. Архаик маданиятларда тақлид ана шундай стратегиялардан бири ҳисобланади. Бунда келажакни башорат қилиш атроф борликнинг у ёки бу ҳодисалари хусусиятларига тақлид қилиш асосида амалга оширилади. Магия ва сеҳргарлик таомиллари ушбу стратегия билан уйғундир. Бунда башорат асосида келтирилган қурбонлик дарғазаб худоларни қаҳридан туширади ва уларни инсон ёки қабиланинг муайян илтимосини бажаришга мажбур этади[1]. Мазкур стратегия инсонда диний эътиқодни пайдо қилади ва бевосита қарор қабул қилиш вазиятидан уни халос этади. Диний тасаввурларни ақида сифатида нотанқидий идрок этиш охир-оқибат диний фанатизмга олиб келади.

Диний фанатизмнинг бошқа бир ижтимоий-маданий асоси *ҳокимиятни эгаллашга интилиш ва ҳокимият учун кураш* ҳисобланади. Ҳар бир инсон имкониятларининг ноаниқлиги маданий эволюцияга ўз ҳиссасини қўшади, зеро индивиднинг ноёблиги уни рақобатга ва ҳаётда ўз ўрнини топиш учун курашга ундайди. Бу эса бошқа индивидлар хулқ-атвори устидан назорат муаммоси билан, яъни ҳокимиятни эгаллаш ва ўз қўлида сақлаб қолиш муаммоси билан чамбарчас боғлиқ[2]. Инсоният тарихида ҳукм сурувчи ҳокимиятни сақлаб қолиш шаклларидан бири уни илоҳийлаштириш, тажовузлардан, диний табу, яъни тақиқлардан уни асраш ҳисобланади.

Табу қўйиш одати тотемизм билан бирга вужудга келган бўлиб, ижтимоий муносабатларни назорат қилиш ва тартибга солишнинг муҳим воситаси ҳисобланади. Масалан, жинсий балоғат ёшига доир табу билан жамоадаги жинсий муносабатлар тартибга солинган, озиқ-овқатга доир табу билан эса қабила оқсоқоли, аскарлар, аёллар ва болалар учун мўлжалланган озиқ-овқат маҳсулотларининг

---

[1] Қаранг: Клике Ф. Пробуждающееся мышление. – М., 1983. – 155–157-б.

[2] Қаранг: Кууси П. Этот человеческий мир. – М., 1988. – 64–67-б.

хусусияти белгиланган. Бошқа табулар турар жой ёки оила ўчоғининг дахлсизлиги билан, қабила айрим аъзоларининг ҳуқуқлари ва бурчлари билан боғлиқ бўлган. Баъзи бир буюмларга, шу жумладан қабила оқсоқолига қарашли бўлган озиқ-овқат маҳсулотларига ҳам табу қўйилган. Ж.Фрэзер, Л.С.Васильев каби тадқиқотчилар табуни бузиш ҳолларига қандай қаралганлигига мисоллар келтирадилар.

Янги Зеландиядаги қабилалардан бирининг олий мартабали ва рутбали оқсоқолларидан бири тушликдан ортган егуликларни йўл четида қолдиради. Қабила аъзоларидан бири бу егуликларни топиб олади ва тановвул қилади. Қабила оқсоқоли тушлигидан қолган таомларни истеъмол қилганидан хабар топгач, у қаттиқ азоб-уқубатларда жон беради. Адабиётларда бундай мисоллар жуда кўп ва уларнинг барчаси диний табунинг бузилиши уни бузган одамнинг ўлимига олиб келганидан далолат беради: «Илоҳий шахс ҳам ижобий амаллар, ҳам хавф-хатар манбаи ҳисобланади, уни асраб-авайлаш билан бир вақтда, ундан узоқроқ юриш ҳам зарур. Қабила оқсоқолининг илоҳий организми шу даражада нозикки, сиртдан арзимаган таъсир ҳам унинг хасталанишига сабаб бўлиши мумкин. Айни пайтда, бу организмда сеҳрли ва маънавий кучнинг шу даражада қудратли заряди мавжуд бўладики, унинг ишга солиниши у билан ўзаро таъсирга киришган ҳар ким учун ҳалокатли оқибатларга олиб келиши мумкин. Шу туфайли ҳам бундай табаррук зотлар одамлардан узоқда бўлишлари уларнинг шахсий хавфсизлиги учунгина эмас, балки бошқаларнинг хавфсизлиги учун ҳам зарур. Илоҳий шахс худди оловга ўхшайди. Тегишли тақиқларга риоя этилган ҳолда ундан кўп фойда олиш мумкин, бироқ тақиқнинг бузилиши уни бузган одамни ҳалокатга гирифтор этади. Айни шу сабабли табуни бузиш шикастли оқибатларга сабаб бўлади деб ҳисобланган»[1]. Қабила оқсоқолининг (ёки подшонинг) илоҳийлиги ҳақидаги диний ғояга бундай кўр-кўрона ишонч, амалда ва ҳаётда унга қатъий риоя этишга интилиш ҳам диний фанатизм вужудга келишига сабаб бўлади.

---

[1] Фрэзэр Дж. Золотая ветвь. – М., 1984. – 196–197-б.

Диний фанатизмнинг навбатдаги асоси – бу маданиятнинг сотилган (дунёвий) қатламига зид бўлган **сакрал (диний) қатлам**. Илмий тадқиқотларда маданият икки қатламининг ўзаро алоқасига тавсиф бериш учун «сакрализация» ва «десакрализация» атамалари ишлатилади: сакрализация – дин доирасидан ташқаридаги нарсалар, ҳодисалар ва шаклларга диний тус бериш, уларни илоҳийлаштириш; диндорлар томонидан давлат ҳокимияти, хусусий мулк принципи каби ижтимоий ҳодисаларга, ўз келиб чиқишига кўра дунёвий бўлган ахлоқий нормаларга илоҳий тус берилиши, уларнинг муқаддаслаштирилиши сакрализацияга мисол бўлиши мумкин; десакрализация, яъни диний деб ҳисобланган ҳодисаларга уларнинг дунёвий хусусиятини қайтариш сакрализациянинг зидди ҳисобланади.

Қизиғи шундаки, **fanaticus** атамаси (fanum – «муқаддас жой, ибодатхона» сўзидан) лотин тилида «риёкор», яъни ўзини ҳудожўй қилиб кўрсатувчи одам, «мунофиқ», «иккиюзламачи» сўзлари билан ўхшаш маънони англатган, кейинчалик эса «жазавали», «жоҳилона», «ўтакетган хурофий», баъзан – «руҳланган» деган маъноларда ишлатила бошлаган. Ушбу сифатдан ясалган «фанатизм» оти бирон-бир ғояга уни рўёбга чиқариш йўлида ўз жонини фидо қилишга тайёр бўлган даражада бўйсунишни ифодалай бошлаган. Шундай қилиб, диний фанатизм маданиятнинг сакрал соҳаси билан узвий боғлиқ.

XX аср этнографик ва маданий-антропологик тадқиқотлари қўш қарама-қаршиликлар коди мавжуд цивилизацияларнинг кўпчилиги учун воқеликни тавсифлаш усули бўлиб хизмат қилишини кўрсатади. Масалан, «чап» – «ўнг», «аёл» – «эркак», «диний» – «дунёвий» қабилидаги тушунчаларнинг жуфтликлари воқеликни тавсифлаш имконини берувчи категориялар тизимини ташкил қилади. Башарият миқёсида мазкур қарама-қаршиликлар **«Космос» - «Хаос»** жуфтлигида намоён бўлади. «Космос» - муайян қоидаларга мувофиқ фаолият кўрсатувчи одамларнинг тартибли дунёси; «Хаос» - тартибсиз ёт дунё. Кўпгина вазиятларга «Космос»ни икки қарама-қарши дунё: одамлар дунёси ва олий, сакрал дунёга ажратиш хосдир. Сакрал дунёда мистик қаҳрамонлар ва худолар

яшайди. Аслини олганда бу инсоннинг дунё ва унга нисбатан хулқ-атворнинг тегишли усуллари ҳақидаги тасаввурлари йиғиндисидан бошқа нарса эмас. У жамоа ҳаётини муайян меъёрлар ва андозаларга мувофиқ тартибга солувчи идеал модель ҳисобланади, бошқача қилиб айтганда, инсон ҳаётини сакрал кучлар бошқаради. «Сакраллаштирилган нарсалар ва ҳодисаларгина муҳимдир, – деб таъкидлайди В.Н.Топоров. – Амалда космоснинг таркибий қисми ҳисобланадиган, ундан келиб чиқадиган, унга дахлдор бўлган нарсалар ва ҳодисаларгина сакраллаштирилгандир»[1]. Бу сакрал цивилизациялар одамининг хулқ-атвори ва тафаккурига хос бўлган хусусиятларни тушунтиради.

Сакрал цивилизацияларда дин вертикал дунё модели сифатида амал қилган. Бу ерда одамлар тақдирини бошқарувчи кучлар сирли дунёда мавжуд бўлган ва инсонга бўйсунмаган. Диний-мифологик (сакрал) маданиятлар замирида айнан бир тарафлама вертикал боғланишлар дунёси ётади. Бу дунёда инсон ўз воқелиги субъекти ҳисобланмайди, одамлар яшаётган воқелик ғайритабиий, илоҳий дунёга боғлиқ бўлади. Фикрлаш, нарсалар ва ҳодисаларни тушунтириш усули ва тартиби дунёнинг айни шу тартиби билан белгиланади. Диний-мифологик тафаккур одамлар дунёсидаги нарсалар ва ҳодисаларни табиат қонунларига бўйсунмайдиган ғайритабиий борлиққа мурожаат этиш йўли билан «тушунтиради». Бошқача қилиб айтганда, турли диний ва мистик таълимотларнинг инсон сезгилари дунёсидан маънавий воқеликнинг устунлиги ҳақидаги фундаментал қоидаси мазкур тафаккурнинг ўзаги ҳисобланади.

Биз учун муҳими шундаки, сакрал цивилизацияларнинг ижтимоий структураларида ҳокимият вертикал тарзда ва фақат бир йўналишда – юқоридан пастга қараб татбиқ этилган. Шу туфайли ҳам худонинг ердаги сояси – подшо саройидан чиққан сўз ижтимоий аҳамиятга молик сўз сифатида эътироф этилган. Ушбу илоҳий чўққидан тарқалувчи сўзлар буйруқлар, ҳукмлар, фармой-

[1] Топоров В.Н. О космологических источниках раннеисторических описаний // Труды по знаковым системам. – Тарту, 1973. Т. 6. – 114-б.

ишлар ҳисобланган; улар ишларда гавдалантирилиши шарт бўлган. қуйи ижтимоий қатламларнинг сўзлари эса фақат кам аҳамиятли фикрларни ифодалаган. Подшодан чиқувчи илоҳий, «буюк» ҳақиқатлар танқиддан холи бўлган ва эътиқод сифатида идрок этилган. Диний фанатизм айни шу «ҳақиқатлар»дан баҳра олган. Ижтимоий ҳаёт структурасида туб ўзгаришлар юз бериб, табаалар ҳам ижтимоий фаолият ва қарорлар қабул қилиш субъектларига айлангач, янгича фикрлаш услуби пайдо бўлган ва «буюк» ҳақиқатларни «кичик» ҳақикатлардан келтириб чиқариш аста-секин одат тусини олган. Абстракт тафаккурнинг диний ақидалар қобиғига ўралган илоҳий менторлигига чекловлар ўрнатилган ва у эркин фуқароларнинг ижтимоий назорати остига олинган. Ушбу жараён қадимги юнон, демократик маданиятининг шаклланиш босқичига хосдир[1]. Мазкур демократиялашув жараёни интеллектуал нуқтаи назардан улкан аҳамият касб этади, зеро илгари ҳарбий аристократия ва диндорлар имтиёзи ҳисобланган маънавий дунё қадриятларидан оддий халқнинг баҳраманд бўлиши аста-секин улар дин ҳукми остидан чиқарилишига, яъни десакрализация жараёнига олиб келди.

Ниҳоят, диний фанатизм куртакларига универсал маданий ҳодиса ҳисобланган *аскеза ёки таркидунёчиликда* дуч келиш мумкин. Ўта архаик жамиятларда ўғил бола оғир жисмоний синовларни ўз ичига олган таълим жараёнидан ўтганидан кейингина анъанавий инициация йўли билан балоғат ёшига тўлган эркак мақомини олган. қадимги Ҳиндистонда қуйи табақаларнинг вакилларини аскезадан ўтказиш ман этилган, бу фақат олий браҳманлар табақасининг имтиёзи ҳисобланган. қадимги Спартада афсонавий Ликург томонидан жорий этилган низомлар ҳам фақат ҳарбий аристократия учун мажбурий саналган, эркин аҳолининг қолган қатламлари эса одатдаги ҳаёт билан яшаган. Аскеза ва ҳокимиятнинг шунга ўхшаш алоқаси Платоннинг «Давлат» асарида ҳам акс эттирилган. «Мураккаблаштирилган хулқ-атвор барча ҳолларда

[1] Қаранг: Вернан Ж.-П. Происхождение древнегреческой мысли. – М., 1988.

атрофдагилардан устунликни ва ижтимоий нуфузни намойиш этиш воситасига айланади...»[1]. Пировард натижада қадимги юнон маданияти доирасида амал килган аскеза инсоннинг ички дунёсини ўзгартиришга, ҳудо даражасига эришишга қараб мўлжал олган.

Илоҳий ҳолатни англаб етиш ва ҳис қилиш (яъни мистик экстаз ҳолатига эришиш) учун узоқ руҳий-жисмоний тайёргарликдан ўтиш талаб этилади. Аскеза айни шундай тайёргарликнинг муқаррар элементи ҳисобланади. Экстазда мистицизм мухлиси маънавий абсолют билан уйғун бирикади. Бундай ҳолатга эришиш усуллари доираси анча кенг (жазавали рақс тушишдан узлатнишин шароитда ўз суришгача). Аммо ҳар қандай ҳолда ҳам диний фанатизм замирида ётувчи мистик «тажриба»ни аскетизм психотехникаси ёрдамисиз ўзлаштириш мумкин эмас. Аскетизм психотехникаси инсонга ўзининг ички руҳий ва физиологик ҳолатларини бошқариш имконини беради. Мистик кечинмалар таъсирида инсонда дин билан боғлиқ бўлган савдойилик ҳолати вужудга келади. Мазкур ҳолат индивид ўзининг дунёвий тажрибасидан ва умуман ўз шахсиятидан узоқлашиши билан тавсифланади.

Айни пайтда ижтимоий сиёсат элементи сифатидаги аскетизм ва индивидуал яшаш услубининг тавсифи сифатидаги аскетизмни фарқлаш зарур[2]. Биринчи ҳолда индивидга кўпроқ мос келувчи яшаш услуби сифатидаги аскетизмга йўлни жамоат кўрсатади. Иккинчи ҳолда эса индивидуал яшаш услуби сифатидаги аскетизмни шахснинг ўзи танлайди. Бунга антик маданият доирасида анча кенг тарқалган ва инсоннинг ҳаёт фаолиятида икки вазифани бажарадиган аскетизм мисол бўлиши мумкин. Бир томондан, унинг мақсади индивиднинг ҳаётда ютуқларга эришиш учун зарур бўлган қобилиятларини мумкин қадар ривожлантиришдан иборат бўлган, мазкур қобилиятларни ривожлантириш эса кўрсатмалар ва тақиқлар ёрдамида амалга оширилган. Аскетлар, худди юксак

---

[1] Рабинович Е.Г. «Жизнь Аполлония Тианского» Флавия Филострата // Филострат Флавий. Жизнь Аполлония Тианского. – М., 1985. – 256-б.

[2] Қаранг: Ведин И.Ф. Бытие человека: деятельность и смысл. – Рига, 1987. – 145-б.

мартабали зотлар каби, муайян иерархия доирасида юксак мавкега шу йўл билан эришиш учун қўшимча қоидаларга риоя қилганлар[1]. Бошқа томондан, оғир яшаш тарзи антик полис (шаҳар-давлат) фуқаролари ўртасидаги ижтимоий табакаланишни бартараф этиш, уларни бир-бири билан яқинлаштириш, битта катта оилага уларни бирлаштириш имконини берган[2]. Аскетизмнинг мазкур идеали дабдабабозликка, ижтимоий тенгсизликка урғу беришга, турли табақа вакиллари ўртасидаги адоватга қарши қаратилган эди. У шаҳар-давлатнинг яхлитлигига, барча ижтимоий гуруҳлар ўртасида мувозанатни сақлашга кўмаклашарди.

Диний фанатизм асосларининг иккинчи гуруҳига ижтимоий-психологик асослар киради. Бу ерда гап инсон руҳиятининг ижтимоий жиҳати ҳақида гап боради. Аввалambор, синфий жамиятлар, айниқса тоталитар режимлар шароитида бундай асослар сифатида *ўлимдан қўрқиш ҳисси* ва *ҳаёт мазмунининг тагига етиш йўлидаги изланишлар* амал қилади. Бошқа тирик мавжудотлардан фарқли ўлароқ, инсон ўлим муқаррар эканлигини билади. Бу билимни у маданият туфайли ўзлаштирган. Айнан маданият ўлим ҳақидаги тасаввурни инсон онгида объективлаштириш орқали йўқлик қаршисида экзистенциал қўрқув манбаи сифатида майдонга чиқади. Маданият экзистенциал қўрқувни пайдо қилиш билан бир вақтда, уни нейтраллаштиришга ҳам ҳаракат қилади. Дунёни диний-мифологик тушуниш экзистенциал қўрқувни нейтраллаштириш воситаси ҳисобланади. Абадият тушунчаси ва балки унинг ёрдамида ўлимни сакрал нуқтаи назардан англаб етиш (унга мазмун бахш этиш) йўқлик қаршисидаги қўрқув ҳиссини тарқатишнинг асосий воситаларидир. Ҳар бир маданиятда дафн маросими ва абадий барҳаётлик ғояси мавжуд бўлиб, улар бир-бири билан боғланади. Айни ҳолда инсон ҳаёти кичик бир эпизод сифатида, дафн маросими эса – абадият дарчаси сифатида тавсифланади.

---

[1] Қаранг: Рабинович Е.Г. «Жизнь Аполлония Тианского» Флавия Филострата // Филострат Флавий. Жизнь Аполлония Тианского. – М., 1985. – 255-б.

[2] Қаранг: Вернан Ж.-П. Происхождение древнегреческой мысли. – М., 1988. – 84-б.

Инсон майитини дафн этишни сакрал маросимга айлантириш оркали маданият экзистенциал қўрқувни институаллаштиради, унга объектив тус беради. Ўлимиинг муқаррарлигини тушуниш, одатда, болаликдан бошланади. Ҳаёт структурасига ўлимнинг аста-секин кириб келиш жараёни айни пайтда йўқлик қаршисида қўркувнинг пайдо бўлиши сифатида ҳам намоён бўлади.

Археологик маълумотлар дафн маросимлари неандертал одамга ҳам ёт бўлмаганлигини кўрсатади. Бинобарин, ўлимдан кейинги мавжудлик ҳақида «ғам чекиш» ҳатто примитив одамга ҳам хос бўлган. Айни шу сабабли неандертал одам ўз мавжудлигига чеклилик ва абадият, яъни вақт нуқтаи назаридан ёндашган. Шу маънода инглиз диншуноси С.Бреңдоннинг дин инсон вақтни англаб етиши натижасида вужудга келган, унинг вақтга бўлган муносабати замирида идрок этишнинг ҳар хил типлари, шу жумладан вақтни илоҳийлаштириш ётади[1], деган фикрига қўшилиш мумкин. Зотан дин инсонга ўлим қаршисидаги қўркув ҳиссини енгишга ёрдам беради, вақтни орқага қайтариб бўлмаслигини тан олиш билан боғлиқ руҳий изтироблардан уни халос этади. Шундай қилиб, дин (ва ашаддий диндорлик сифатидаги диний фанатизм) инсонга «нариги» дунёда абадий ҳаётни таклиф қилиш орқали, ўлимни умрбоқийликка ўтиш сифатида тушунтиради, ҳаётга мазмун бахш этади ва шу тариқа тезоқар ҳаёт силсиласида хавфсизлик ҳиссини шакллантиради.

Инсоннинг вақтга ва ҳаёт мазмунига бўлган муносабати билан боғлиқ масалалар мифологиялар ва динлар, санъат ва фалсафа диққат марказида бўлгани тасодифий бир ҳол эмас. Турли цивилизациялар, тарихий даврлар ва ижтимоий қатламларда яратилган концепциялар, чунончи: абадий қайтиш ғояси, метемпсихозга (жоннинг бошқа танага кўчиб ўтиш қобилиятига) бўлган ишонч, индивидуал умрбоқийлик ҳақидаги тасаввурлар вақт ҳукмидан халос бўлишга қаратилган эди.

---

[1] Қаранг: Brandon S.G. Deification of Time // Studium Generale. 1970. Vol. 23. Fasc. 23. – 485–497-б.

Инсон ҳаёти мазмуни тушунчасининг ўзи кишилик жамияти ривожланиш жараёнининг анча юқори босқичида, аниқроқ айтганда, уруғдошлик алоқалари завол топа бошлаган, жамиятнинг синфларга ажралиши юз берган даврда пайдо бўлади. Археологик маълумотларга кўра, қарилик ва ўлимни четлаб ўтиш орзуси хитойларда милоддан аввалги VII–V асрларда шаклланади. Милоддан аввалги VII–VI асрларда қадимги юнон жамиятида индивиднинг ҳаёти жамоат манфаатларидан устун қўйила бошлайди, зеро эски стихияли коллективизм инқирозга юз тутган, инсон ўзини уруғдошлик жамоаси қонунлари билан боғлиқ деб ҳисобламай қўйган эди. У афсонавий аждодларнинг жасоратларидан кўра кўпроқ ўз ҳаёти билан қизиқа бошлайди. Мазкур психологик инқилоб шунда ўз ифодасини топадики, қаҳрамонлик эпоси бевосита инсоннинг ички дунёсини акс эттирувчи лирик поэзияга ўрин бўшатади. Колофонлик Мимнерм (милоддан аввалги VII аср) инсон ёшлигининг қисқалиги, қарилик азоби ҳақида ҳикоя қилувчи сентиментал лирика ижодкори ҳисобланади. Умуман олганда, инсон борлиғининг муайян шароитлари таъсирида вужудга келган дин ўз мухлисига ўлим қаршисидаги қўрқувни енгиш ва ҳаёт мазмунининг тагига ҳеч бўлмаса хаёлан етиш имконини беради. Бироқ инсонга ҳамма нарсага шубҳа кўзи билан қараш хосдир. Ўлим ва йўқлик қаршисидаги қўрқувни енгишга у доим ҳам муваффақ бўлавермайди. Инсон – тирик мавжудот. У ўз-ўзини асраш инстинктига эга. Инсон ўлишни истамайди, бироқ, шу билан бирга, жаҳоннинг барча хазиналари эвазига ҳам ўлимдан қутулиб қолиш мумкин эмаслигини у яхши англайди. Айнан шу ерда ўзининг энг юксак чўққисига кўтарилган диний эътиқод инсонда ўлимнинг ҳақлигига бўлган ишончни таг-томири билан қўпориб ташлайди, унда инсон руҳининг умрбоқийлиги ҳиссини қарор топтиради. Бундай кучли эътиқод ўлим қаршисидаги қўрқувни ва ҳатто ўлимнинг ўзини ҳам инкор этиш шакли – диний фанатизм сифатида майдонга чиқади.

У ёки бу жамоани бирлаштирувчи ва уни бошқа жамоа билан қарама-қарши қўювчи ижтимоий психологиянинг зиддиятларга тўлалиги ҳам диний фанатизмнинг ижтимоий-психологик асосла-

ридан бири ҳисобланади. Археология, антропология, этнография ва лингвистика маълумотлари башарият тарихининг тонгидаёқ жамоалар, қабилалар ва локал гуруҳлар «биз» ва «улар», «ўзиникилар» ва «бегоналар» ўртасидаги муносабатни сунъий воситалар (шевалардаги, меҳнат ва жанг қуролларидаги, турар жойлардаги, рўзғор буюмларидаги, тақинчоқлардаги, диний эътиқодлардаги фарқлар) ёрдамида сиртда ифодалаганлари ва руҳият даражасида мустаҳкамлаганларидан далолат беради. Буларнинг барчаси ўз шакл-шамойилини ўзгартирган ҳолатда ҳозиргача сақланиб қолган[1]. Бунинг далили сифатида турли этник гуруҳларга мансуб кишиларнинг ўзаро ҳазиллари ва пайровларини ёки бўлмаса этник келишмовчиликлар замирида содир бўлган тўқнашувларни келтиришнинг ўзи кифоя қилса керак.

Ўз жамоаси ёки қавмини бошқа жамоа ёки қавмга қарама-қарши қўйиш барча замонларда ўз этник ва диний фарқларини шакллантириш ва уларни мустаҳкамлашга кўмаклашган. Жамият ривожланишининг дастлабки босқичларида бу контагиозлик айниқса бўртиб намоён бўлади. Динлар тарихидан бизга маълумки, уруғдошлик жамоасининг шаклланиш жараёнида тотемга оид тасаввурлар улкан роль ўйнаган, аниқроқ айтганда, «ўзиникилар», яъни мазкур тотемга мансуб бўлган, мавжуд меъёрлар ва одатлар ҳимояси остига олинган кишилар ҳамда «бегоналар», яъни мазкур тотемга мансуб бўлмаган ва шу туфайли ҳам ушбу гуруҳда қабул қилинган меъёрлар ва одатлар доирасидан ташқарида бўлган одамлар ҳақида аниқ тасаввур пайдо бўлишига айнан улар кўпроқ даражада замин яратган[2]. Тотемизмнинг мазкур ижтимоий аҳамияти тотемистик тасаввурлар эволюциясининг хусусиятига ҳам ўз таъсирини кўрсатмай қолмаган: тотемли аждод, яқин қариндош сифатидаги тотем, инсоннинг ўз тотемли қариндоши билан никоҳ ришталари, реинкарнация, яъни инсон, шу жумладан вафот этган аждод руҳининг ўз тотемига ўрнашиши ҳақидаги тасаввурлар биринчи ўринга чиқа бошлаган.

---

[1] Қаранг: Поршнев Б.Ф. Социальная психология и история. – М., 1979. – 96–116-б.

[2] Қаранг: Васильев Л.С. История религий Востока. – М., 1988. – 32-б.

Буларнинг барчаси жамулжам ҳолда аждодлар руҳига сиғиниш ролининн ошишига, уларнинг гайритабиий имкониятларига бўлган ишончнинг кучайишига олиб келган. Мазкур ишонч ғайритабиий кучлар ҳақидаги эзотерик билимлардан қабила даражасида хуфёна информацион бошқариш учун фойдаланиш имкониятини берган (ва бу имкониятдан амалда фойдаланилган).

Умуман олганда, «ўзиникилар» ва «бегоналар»ни ажратиш қабиланинг ўзига ҳам хос бўлган, бу ички ажратиш ҳисобланган. Этнографик ва археологик маълумотлар турли халқларда қабила даражасида эзотерик хусусиятга эга бўлган яширин диний-магик уюшмалар тузилганини кўрсатади. Мазкур уюшмаларнинг аъзолари ихтиёрида мавжуд бўлган одамларни самарали бошқариш йўллари ҳақидаги ахборот уларга қабиланинг бошқа аъзоларида қўрқув уйғотиш ва уларни итоат этишга мажбурлаш имконини берган. Ўз аъзоларидан улар энг аввало яширин уюшма сирларини сақлашни ва мазкур уюшма сардорларига сўзсиз итоат этишни талаб қилганлар. Улар ўз фаолиятида фойдаланиш учун қабиланинг бошқа аъзоларига тушунарсиз бўлган махсус эзотерик тил (шифрнинг бир тури)ни ҳам яратганлар.

Сирларнинг тўсиқлари шу даражада самаралики, ҳатто яширин уюшмалар фаолиятини ўрганувчи ҳозирги олимлар ҳам улардан ошиб ўтишга қодир эмаслар. Масалан, Меланезияда хуфёна инициацияларни бунинг учун махсус мўлжалланган жойларда амалга оширувчи яширин уюшмалар мавжуд[1]. Мазкур расм-русумлар ва диний эътиқодлар мазмуни ҳанузгача ўрганилмаган, фақат тарқалган лишмишлардан уюшма фаолиятининг диний-мафкуравий мазмуни маълум. Шу нарса аниқки, диний-магик тусдаги бундай яширин уюшмалар ўзига хос ақидаларни ўз ичига олган икки даражали диний-мафкуравий тизимларни яратадилар. Мазкур тизимлардан бири қабиланинг оддий аъзоларини мафкуравий дастурлаштириш учун, иккинчиси эса – яширин уюшма аъзоларининг фаолиятини дастурлаштириш учун зарур.

[1] Қаранг: Токарев С.А. Религия в истории народов мира. – М., 1986. – 80–81-б.

Яширин уюшмага аъзо бўлганидан сўнг мухлис ички диний-маф куравий тизим сирларидан хабар топади, кишиларни самарали бошқаришнинг турли усуллари ва йўлларини ўзлаштиради. Мухлисни уюшмага қабул қилиш маросими одатда унинг ўлиши ва тирилиши рамзий саҳнасини ўз ичига олади. Яширин диний-магик уюшмаларнинг расм-русумлари асосан хаёлий руҳларнинг қўрқинчли либосларида, ниқобларда жазавали рақсларни ўзида ифодалайди. Бундай яширин уюшмаларнинг иштирокчилари баъзан мазкур расм-русумларни қабиланинг бошқа аъзоларини дўппослаш, уларга бошқача усулда тазйиқ ўтказиш йўли билан ошкора бажарадилар. Ўтган асрнинг 70-йилларида Африка мамлакатларида пайдо бўлган сиёсий тусдаги яширин уюшмалар ҳам ижтимоий жараёнларни бошқариш учун шунга ўхшаш социал технологиялардан (магия, психология, парапсихология, табобат соҳасидаги билимлардан) фойдаланадилар. Умуман олганда, бундай яширин диний уюшмалар қабиланинг айрим аъзолари бошқаларга ўз ҳукмини ўтказишлари учун магия, психология ва тиббиёт усуллари мажмуидан тўла фойдаланадилар, деб айтиш мумкин.

Жамият ривожланиш жараёнининг юксакроқ босқичларида яширин бошқариш тизими энг аввало сакрал цивилизациялар, чунончи: қадимги Миср, Ассирия, ацтеклар, инклар цивилизациялари доирасида ривожланади ва такомиллашиб боради. Уларда коҳинлардан иборат бўлган сакрал аппарат билан чатишган давлат ҳокимиятининг мураккаб механизми яратилади. қадимги коҳинлар ўз ҳокимиятини кучайтириш учун яширин билимлардан фаол фойдаланадилар, ўзлари инсон ва худолар ўртасида воситачи ҳисобланишлари, худоларга эҳсонлар келтириш йўли билан уларнинг илтифотига сазовор бўлиш мумкинлиги ҳақидаги фикрни одамлар онгига сингдирадилар. Шарқ, Марказий ва Жанубий Американинг сакрал цивилизацияларида коҳинлар қаршисида қўрқув одамларни қурбонлик келтириш йўли билан қўллаб-қувватланган. Худоларга одамларни қурбонлик келтириш ацтекларда айниқса расм бўлган; кўпинча ҳарбий асирларни, баъзан қулларни ва ҳатто ўз фарзандларини қурбонлик келтирганлар. Худоларга қурбонлик келтириш

жараёнининг узлуксизлигини таъминлаш учун ацтеклар қўшни қабилалар билан тез-тез уруш қилишга мажбур бўлганлар. Одатда курбонлик келтириш одамнинг кўксидан юрагини суғуриб олиб, худоларга туҳфа қилишдан иборат бўлган. Бироқ баъзи расм-русумлар бундан ҳам шафқатсизроқ бўлган, масалан Каипе-Тотек худосининг шарафига коҳинлар тирик одамдан терисини шилиб олганлар ва бир неча кун мобайнида унга бурканиб юрганлар. 1487 йил улкан ибодатхонани муқаддаслаштириш маросими чоғида йигирма минг киши худоларга қурбонлик келтирилган. Шу тариқа диний фанатизмга айниқса хос бўлган туйғу – «бегоналар»га ўта тоқатсизлик шаклланган.

Диний фанатизмнинг яна бир ижтимоий-психологик асоси сифатида *инсон ҳаёт фаолиятининг ижтимоий-маданий контекстига боғлиқликка бўлган ишонч ҳисси* амал қилиши мумкин. Психология соҳасидаги тадқиқотлар ишонч ҳисси, бирор нарсага эътиқод қилиш қобилияти инсон мияси фаолият дастурининг марказларидан бири ҳисобланишини, билим ишонч, эътиқодга таянишини, диний эътиқод эса, ҳар қандай ишонч ва эътиқоднинг айрим кўриниши ҳисобланишини кўрсатади[1]. Бизни диний фанатизмнинг муқаррар элементи ҳисобланувчи ўтакетган ёвуз, жоҳилона диний эътиқод қизиқтиради. Шу нуқтаи назардан бхайравлар (даҳшат уйғотувчилар)нинг тантрик амалиётида, айниқса Суматра ва Явадаги кўп сонли ибодатхоналарда ўтказилган Херуки илоҳининг руҳига сиғиниш маросимларида (XIII–XIV асрлар) медитация ва илоҳ билан экстатик бирикишга эришиш шакллари диққатга сазовордир.

Илоҳларга, шу жумладан Херукига сиғиниш маросимларини бхайравлар одатда тунда, мурдаларни ёқиш учун мўлжалланган майдончаларда ўтказганлар. Илоҳларга қурбонлик келтирилган одамларнинг таналари тутаб ётган бу майдончаларда маросимнинг асосий қисми – навбатдаги одамни қурбонлик келтириш ҳам амалга оширилган. Куяётган одам гўштининг ҳиди қанча кучли бўлса, сиғиниш объектига у шунча маъқул деб ҳисобланган. Табиийки,

[1] Қаранг: Поликарпов В.С. Наука и мистицизм в XX веке. – М., 1989.

тош деворга ўйиб ёзилган битиклардан бирида бу ҳид сон-саноқсиз гулларнинг янги туғилишлардан халос қилувчи атрига қиёсланади (қадимги ҳиндуларнинг айрим қабилаларида чексиз реинкарнация қурқув ҳиссини уйғотган, чунки янги ҳаёт касалликлар, азоб-уқубатлар ва ҳоказолар билан узвий боғлиқ бўлган). Бхайравларнинг оёқ-қўллари боғланган, кўкси ва қорни очилган қурбони осмонга қараб ётқизилган. Коҳин унинг қорнини пичоқ билан пастки қовурғаларигача ёрган ва талвасада жон таслим қилаётган тана устига ўтириб, унинг юрагини кесиб олган, бош чаноғини қонга тўлдирган ва уни бир симиришда бўшатган. Олий, самовий шароб ҳисобланган бу «ичимлик»дан у аста-секин маст бўлган, гулхан ёққан ва унинг атрофида зикр тушиб айланган (медитация билан шуғулланган). Ярим тунга яқин коҳин одатда бхайравнинг олий мақсади – мистик экстазга эришган[1].

Юқорида тавсифланган ҳолатда диний эътиқод диний фанатизмнинг асоси бўлиб хизмат қилади, зеро бу ерда у илоҳ дунёнинг кўзга кўринмас теран асосини ташкил қилишини назарда тутувчи тантрик инду-буддизмнинг ақидалар тизими билан боғлиқ. Моддийлик кишанларидан мухлиснинг халос бўлиши ва мазкур маънавий Абсолют билан бирикишига аскеза ҳамда ўзини Коинотда намоён этувчи илоҳ (макрокосм) ва унинг мухлиси (микрокосм)нинг айнийлиги ҳақидаги таълимотга асосланган йога амалиёти орқали эришилади. Экстазга илоҳнинг инсонда бевосита «мавжудлиги» туфайли эришилади, унга «Мен»нинг тўлиқ сингиб кетиши юз беради ва бу бўлғуси озодлик белгиси бўлиб хизмат қилади.

Диний фанатизмнинг ижтимоий-психологик асосларига турли *оргиастик расм-русумлар ва мистериялар* ҳам киради. Дин тарихида мазкур алоқага ишора қилувчи мисолларга кўплаб дуч келиш мумкин[2]. Масалан, ҳосилдорлик оргиастик расм-русумларига яланғоч юриш, «ақлсизлик», магия, сеҳргарликка мойиллик ва ҳоказолар хос. Бунга мисол тариқасида спарталикларнинг ҳар

---

[1] Қаранг: Брагинский В.И. Хамза Фансури. – М., 1988. – 66–67-б.

[2] Қаранг: Skrzypek M. Poganski «entuzjazm» a chrzescijanska heterodoksja // Czlowiek i swiatopoglad. 1986. № 7/8. – 118–136-б.

йили маъбуда Диана шарафига ўтказиладиган байрам пайтида унинг меҳроби қаршисида ёш йигитларни савалаш одатини келтириш мумкин. Шунга ўхшаш одат қадимги Мисрда Буюк илоҳа шарафига бағишлаб ўтказилган байрам маросимида ҳам мавжуд бўлган, бу ерда қурбонлик келтириш пайтида унинг мухлислари бир-бирларини хивчин билан савалаганлар. Апулейнинг «Метаморфозалар» асарида ўткир пичоқлар билан ўз танасини тилкалаган ва бир-бирини хивчин билан савалаган Сурия маъбудаси коҳинлари тўғрисида ҳам сўз юритилади. Бу ерда мазкур ҳаракатлар ва бичилган коҳинлар экстази ўртасидаги алоқа биринчи даражали аҳамият касб этади. Сурия маъбудасининг «хотинчалиш» коҳинлари галлар бўлган ва улар ўз эркаклик олатларини маъбудага қурбонлик сифатида келтирганлар. Айни ҳол уларнинг хулқ-атворида мазохизм аломатлари мавжудлигидан далолат беради.

Бу ерда ўзини ўзи ёки бир-бирини савалашнинг руҳий, айниқса сексуал таъсирланишлар билан алоқаси диққатга сазовор. Адабиётларда эркаклар савалаш таомилисиз жинсий алоқаларга киришишга қодир бўлмаган ҳолларга бир қанча мисоллар келтирилади. Улар жисмоний азоб-уқубатларни энг олий лаззат сифатида идрок этишлари таъкидланади. Ушбу ҳол «мазохизм» деб аталадиган сексуал бузуқлик механизмини тушунтиради. Айнан мазохизм (аксарият ҳолларда у садизм билан боғлиқ бўлади, зеро иккала ҳолда ҳам сексуал таъсирланиш азоб-уқубатлардан ва мутеликдан пайдо бўлади, фарқ фақат шунда кўринадики, мазохист объект бўлишни, садист эса – субъект бўлишни истайди) примитив диний экстазга олиб келади ёки унга йўлдош бўлади. Буни илк бор немис дин тарихчиси Ш.Мейнер ўзининг «Allgemeine Britische Geschich-te der Religionen» (1806-1807) асарида қайд этган. Ушбу муаммони XX аср бошида француз ёзувчиси, сиёсатчиси ва публицисти Б.Констан кўтариб чиқади ва ривожлантиради[1]. Ўзининг дин масалаларига бағишланган асарларида у бир-бирини диалектик тўлдирувчи сезувчанлик ва таркидунёчилик, эротизм ва жиноят элементларига эътиборни қаратади.

---

[1] Қаранг: Thompson P. La religion de Benjamin Constant. – Pisa, 1978. – 261-б.

Кези келганда яна шуни ҳам қайд этиб ўтиш лозимки, оргиастик расм-русумлар узоқ вақт мобайнида диний фанатизмга замин яратиб келган бўлса, кейинчалик улар муайян ижтимоий-маданий муҳит доирасида карнавал томошаси (масалан, Тентаклар байрами ва ш.к.)га айланади. Сексуал экстазнинг ўзи эса, кишилар ўртасидаги эротик алоқанинг чегаравий ифодаси сифатида, «ўзидан ташқарида» мавжудликни англаб етиш ва Коинот билан бирикиш ҳиссини туйиш имконини беради[1]. Бошқача қилиб айтганда, у абадият билан юзма-юз бўлиш учун имконият яратади. Ҳиндистон мистик маданиятларида муҳаббат иерархияси, шу жумладан трансцендент хусусиятга эга бўлган мистик экстаз мавжудлиги тасодифий бир ҳол эмас.

Сексуаллик маълум маънода инсон танасининг ўзига хос, психосоматик тили ҳисобланади. Биологик даражада у инсонга ўз индивидуаллиги қобиғидан чиқиш ва ўзини қуршаган дунё билан бирикиш имконини беради (акс ҳолда сексуал касалликлар юзага келади, одамлар ўртасида сексуал заминда конфликтлар содир бўлади). Психологик даражада сексуаллик жинсий муносабатларга киришаётган одамлар шахсиятига таъсир кўрсатади, уларнинг жамиятдаги хулқ-атворини белгилайди (бу ерда гап руҳий бирлик ҳақида боради). Эркак ва аёл ўртасидаги муҳаббат феномени маданият дунёсидагина эмас, балки инсон руҳияти соҳасида ҳам универсал ҳисобланади. Айни ҳол шу билан боғлиқки, муҳаббатга бўлган эҳтиёж инсоннинг асосий, энг муҳим эҳтиёжларидан бири ҳисобланади. Жаҳон маданиятларида мазкур эҳтиёжнинг универсаллиги муайян руҳий механизмлар билан ҳам боғлиқ; боланинг она билан алоқаси индивиднинг бошқа кишилар билан кейинги алоқалари «матрицаси» ҳисобланади[2]. Психосоматик нуқтаи назардан сексуаллик майл, меҳр-муҳаббат, ишонч, хавфсизлик ва қониқиш ҳиссини ифодалайди. Сексуалликнинг коммуникатив функцияси одамлар ўртасидаги алоқаларни ривожлантиришни ва уларни янада инсонийлаштиришни назарда тутади.

---

[1] Қаранг: Ильинский К. Сексология и сексопатология. – М., 1986. – 35-б.

[2] Қаранг: Lew-Starowicz Z. Seks w kulturach swiata. – Warszawa, 1987. – 19–21-б.

Диний фанатизмнинг ижтимоий-психологик асоси бўлиб гоминизация жараёнида пайдо бўлган *«ҳамма балога тўғаноқ одам» механизми* ҳам хизмат қилиши мумкин. Айни ҳолда француз мутафаккири Р.Жирарнинг «Дунё асосида яширин ашёлар» китобида баён этилган ғоялар диққатга сазовордир[1]. Ушбу китобда ижтимоий гуруҳларнинг ижтимоий-психологик конфликтларини ҳал қилишда «ҳамма балога тўғаноқ одам»ни ўлдиришнинг аҳамияти ҳақидаги тезис илгари сурилади. Мазкур алоҳида тезиснинг таърифланишига Р.Жирар мифлар, Таврот ва Инжил матнлари, ўрта асрларда ва ҳозирги даврда одамларни таъқиб қилишга доир ҳужжатларнинг қиёсий таҳлили натижасида чиқарган хулосалар замин яратади. Мазкур таҳлил кўрсатилган манбаларнинг барчасида гап ё айрим индивидга, ё этник ёки диний озчиликка нисбатан коллектив зўрлик ишлатишнинг муайян формуласи ҳақида боришини кўрсатади. Зўрлик ишлатилишига гўёки ижтимоий бўҳронлар, юқумли касалликлар ёки табиий офатлар юз беришига олиб келган бир қатор жиноятлар ва магияда айблаш сабаб бўлади. Турли ҳалокатларнинг эҳтимол тутилган сабабчилари айбдорлигига бўлган ишонч ижтимоий онгдан мустаҳкам ўрин олган бўлиб, бу инсоннинг содир этган ёмон қилмишлари учун жавобгарликни бошқаларга юклашга бўлган азалий мойиллигидан дарак беради. Бунда у ўз фикрини икки хил таърифлаши мумкин: бу қилмишни мен эмас, балки бошқа биров содир этган; буни жамоа орасида нимаси биландир ажралиб турувчи одам содир этган. Сўнгги зикр этилган «ўзгачалик» эътиқод, мафкура, ижтимоий мақом, ҳокимият ёки ожизликнинг ўзгачалиги билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Қадимги мифларда жамоани жипслаштирувчи ва тинчлантирувчи коллектив одам ўлдириш ҳақида тўғридан-тўғри сўз юритилади. Боз устига, жиноятга қўл урганлигини англамайдиган жамоа ўзи ўлдирган қурбонга нисбатан у ўз ўлими билан хайрли иш қилгани учун миннатдорлик ва ҳатто муҳаббат туйғуларини ҳис

[1] Guard R. Des choses cachees depuis la fondation du monde. – P., 1978.

этади. Шуни ҳисобга олиш лозимки, қурбоннинг ўлими коллектив онг нуқтаи назаридан мутлақ ўлим ҳисобланмаган, чунки қурбон муқаддас хусусият касб этган ва шу вақтдан эътиборан яхши ёки ёмон илоҳ сифатида эъзозланган. Яхши илоҳ сифатида – ўз ҳаёти эвазига жамоада тинчлик ва осойишталикни қарор топтиргани учун, ёмон илоҳ сифатида – жамоа бошига ҳар лаҳзада янги мусибатлар келтириши мумкинлиги учун.

Конфликт ва унинг сабабларини унутмаган жамоа рақобатга олиб келиши мумкин бўлган хатти-ҳаракатларга йўл қўймасликка интилган. Шу туфайли ҳам, Р.Жирар фикрига кўра, илк тақиқлар имитатив хулқ-атвор билан боғлиқ бўлган. Бундан ташқари, қотил-жамоанинг «ҳамма балога тўғаноқ одам»ни ўлдиришнинг барча ҳолатлари мазкур коллектив тажовуз актининг ижобий оқибатларига ўз таъсирини кўрсатишига бўлган қаттиқ ишончи доимий тақиқ ўрнатилишида ёки бутун воқеа дарҳол такрорланишида ўз аксини топган. Шунга таянган ҳолда, Р.Жирар коллектив қотиллик нафақат одамлар яратган динларнинг, балки улар илгари сурган барча фикр-мулоҳазаларнинг асоси ҳисобланади, зеро уларнинг ҳар бирида расм-русумлар, сакраллик ва мифларнинг изларига, бошқача қилиб айтганда, коллектив зўравонликни ё оқлаш, ё хаспўшлаш ҳолларига дуч келиш мумкин, деган хулосага келади.

Ўрта асрлардаги қирғинлар ва қатағонлар ҳақидаги маълумотлар онги мифик иллюзиялар билан заҳарланган оломон ҳар қандай жиноятни содир этишга қодир эканлигини тасдиқлайди. Унинг таъсир кучи пашшага озор бермайдиган индивидларнинг ҳам кўзини қонга тўлдириши мумкин. Бунга Исо Масиҳнинг хочга михланиши воқеаси мисол бўлиши мумкин. Биз таҳлил қилаётган ҳолатда тотемизм даврида пайдо бўлган «ҳамма балога тўғаноқ одам»ни излашнинг космогоник хусусияти[1] биринчи даражали аҳамият касб этади. У ўзининг сакрал хусусияти билан диний фанатизм феноменининг тегирмонига сув қуяди. Умуман олганда, «ҳамма балога тўғаноқ одам»ни излаш конкрет тарихий ҳолатлар

[1] Қаранг: Фрейденбег О.М. Миф и литература древности. – М., 1978. – 74-б.

билан белгиланган ижтимоий-психологик деформация шаклларидан бири ҳисобланади.

Ниҳоят, **диний фанатизм асосларининг учинчи гуруҳини биологик-руҳий омиллар ташкил қилади.** Ўз-ўзидан равшанки, фанатизмнинг ҳар қандай кўриниши каби, диний фанатизм ҳам энг аввало инсон кайфиятлари соҳаси билан боғлиқ. Маълум бўлишича, инсон руҳиятида хаёлдан кетмайдиган (ананкастик) ҳолатлар (актуал ёки потенциал даражада) мавжуд: «Ананкастик симптомлар соғлом одамларнинг кундалик ҳаётида пайдо бўлади, уларга муайян шаклларда жамият ҳаётида ҳам дуч келиш мумкин»[1]. Инсон чўнтагида чипта, калит ёки пул мавжудлигини кўп карра текшириши, бирор оҳанг, фикр ёки сўзнинг мияга қаттиқ ўрнашиб қолиши, муайян расм-русумлар ва одатлар кундалик ҳаётдан мустаҳкам ўрин олганлиги бунга энг содда мисоллар ҳисобланади. Айнан расм-русумлар ва одатлар ананкастик ҳолатларнинг кўринишлари сифатида ўзининг бир андозалилиги билан инсонни худо, бошқа одам ва ҳоказолар қаршисидаги қурқувдан ҳимоя қилади. Расм-русумлар ва одатлар унга илоҳий ёки дунёвий ҳоқон билан ўзаро алоқага киришиш магик қобилиятини беради. Расм-русумлар ва одатларнинг ўзгариши кишини ваҳимага солади. Айниқса диний расм-русумлар ва одатлар инсонни қўрқув ҳиссидан сирли равишда ҳимоя қилади. Диний фанатикнинг қўрқув билмаслиги, «ўтиб бўлмас тўсиқ қаршисида у параноикка айланиши»[2] сабабини айни шу омиллар билан тушунтириш мумкин бўлса керак.

Ҳозирги замон фармакологиясида ва мияни томографик ўрганиш соҳасида қўлга киритилган энг сўнгги ютуқлар хаёлдан кетмайдиган ҳолатлар биологик табиатга эга эканлигидан, бундай касалликларни фақат баъзи бир янги дори-дармонлар билан даволаш мумкинлигидан далолат беради[3]. Хаёлдан кетмайдиган ҳолат-

---

[1] Кемписки А. Психопатология неврозов. – Варшава, 1975. – 85-б.

[2] Ушаков Г.К. Пограничные нервно-психические расстройства. – М., 1987. – 251-б.

[3] Қаранг: Рапопорт Дж.Л. Биологическая природа навязчивых состояний // В мире науки. 1989. № 5. – 55–62-б.

ларнинг биологик субстрати ҳақидаги гипотеза замирида қуйидаги қоидалар ётади: эволюция жараёнида шаклланган хулқ-атвор схемалари сақланадиган базал ганглиялари (мия ярим палласи асосидаги нейронларнинг йирик тўпламлари) пешона қисми пастки бўлимлари функцияларининг бузилиши натижасида муайян даражада таъсирланса керак ва бу хулқ-атвор схемалари латент ҳолатдан актуал ҳолатга ўтишига олиб келади. Бундай ўтишга сабаб бўлувчи сигнал базал ганглияларига нерв йўллари орқали келади. Бу йўлларда нейромедиатор (нерв импульсини олиб ўтувчи биологик фаол модда) бўлиб **серотонин** хизмат қилади.

Инсон хулқ-атворида серотониннинг роли тўлиқ аниқланмаган, бироқ мавжуд маълумотларнинг ўзиёқ мазкур нейромедиатор инсон иштаҳасини, агрессивлик даражасини бошқаради ва суицидал хулқ-атвор (инсоннинг ўз жонига суиқасд қилишга уринишлари)га дахлдор, деган хулосага келиш имконини беради. Серотонин таъсирида ҳаракатга келадиган нейронлар (нерв ҳужайралари) бутун мия бўйлаб кенг тарқалган; улар миянинг пешона қисмида ҳам анча кўп, бироқ базал ганглияларида улар айниқса кўп миқдорда тўпланади. Бошқа нейромедиаторлар каби, серотонин ҳам икки нейрон ўртасидаги алоқа майдонлари – синапсларда ҳаракат қилади. Нерв импульси узатилган пайтда у пресинаптик нейрондан ажралиб, синоптик тирқишга (ҳужайраларни бир-биридан ажратувчи бўшлиққа) киради ва мазкур нейрон яна таъсирланиш имкониятига эга бўлгунга қадар нейромедиаторни синапсдан чиқариш талаб этиладики, бунга қайта сўрилиш йўли билан эришилади. *Кломипрамин, флувоксамин* ва *флуоксетин* каби дори препаратлари синапсда серотонин қайта сўрилишига имкон бермайди. Хаёлдан кетмайдиган ҳолатлар билан боғлиқ касалликларни даволашда мазкур дориларнинг эффектини айни шу омил билан изоҳлаш мумкин.

Хаёлдан кетмайдиган ҳолатларнинг биологик табиати ҳақидаги гипотеза ҳозирги замон фанининг **инсон мияси табиат асрлар мобайнида босиб ўтган йўлни ўзида акс эттиради**, деган фунда-

ментал қоидаси билан мувофиқ келади[1]. Нима бўлганда ҳам хаёлдан кетмайдиган ҳолатларнинг биологик субстрати ҳақидаги янгича тасаввурлар эволюция, ақл, расм-русумлар ва одатлар ҳақидаги тушунчалар мазмунини бутунлай қайта кўриш тўғрисидаги масалани кун тартибига қўяди. Биз учун муҳими шундаки, хаёлдан кетмайдиган ҳолатлар инсонга ўз хулқ-атворига воқелик билан мос равишда тузатиш киритиш имконини бермайди. Инсон миясидан мустаҳкам ўрин олган расм-русумлар ва одатларга мувофиқ хулқ-атвор замирида айни шу омил ётади[2]. Фантастик хулқ-атвор «мия схемаси»дан (К.Лоренц) мустаҳкам ўрин олган хулқ-атвор шаклларига асосланиши мумкин. Хаёлдан кетмайдиган ҳолатларнинг биологик табиати ҳақидаги гипотеза А.Кемпинский, Ф.Блум, А.Лейзерсон каби олимларнинг тадқиқотларида ҳам ўз тасдиғини топган[3].

Шу ўринда фанатизм диний ақидапарастлик сифатида намоён бўлувчи тафаккур соҳасига эътиборни қаратиш ҳам муҳимдир. Бу ерда диний ақидапарастлик нейрофизиологик асосга эга. Нейробиология соҳасидаги тадқиқотлар инсон мияси харитага ўхшашини кўрсатади. У сезги органларидан келувчи ахборотни ўзида жамлайди (бундай харитани тузиш учун позиторли эмиссион трансаксиал томография, қон йўлига радиактив изотопларни киритиш қўлланилади ва олинган маълумотларга компьютерда ишлов берилади)[4]. Агар у ёки бу рецептор (масалан, кўриш, эшитиш, таъм рецептори) тегишли стимулни идрок этса, мия нейронларининг аниқ бир ерда

---

[1] Қаранг: Ушаков Г.К. Пограничные нервно-психические расстройства. – М., 1987. – 245-б.

[2] Шу муносабат билан Ж.Рапопорт: «Хаёлдан кетмайдиган ҳолатлар неврозини ўрганиш шубҳалар ва ишонч-эътиқоднинг биологик табиати ҳақидаги тасаввурлар ривожланишига олиб келади», деб таъкидлайди. Қаранг: Рапопорт Дж.Л. Биологическая природа навязчивых состояний // В мире науки. 1989. № 5. – 62-б.

[3] Қаранг: Поликарпов В.С., Поликарпова В.А. Феномен человека – вчера и завтра. – Ростов-на-Дону: Феникс, 1996. – 168-б.

[4] Қаранг: Блум Ф., Лейзерсон А., Хофстедтер Л. Мозг, разум, поведение. – М., 1988.

жойлашган гуруҳида муайян реакция юзага келади. Ушбу харитани ташкил этиш замирида генетик дастур ётади, бироқ унинг деталлари мия ривожланишининг дастлабки даврида индивидуал тажриба таъсирида модификацияланиши ва вояга етган индивидда ҳам ўзгариши мумкин. Шу муносабат билан қайд этилган структуралашганлик ва мослашувчанликнинг уйғунлигига эришиш имконини берувчи харита элементларини бирлаштириш схемаси тўғрисидаги масала юзага келади.

Америкалик таниқли нейрофизиолог Ж.Эделмен илгари сурган **нейродарвинизм концепциясига** мувофиқ, мия потенциал даражада кўп сонли ранг-баранг стимулларни идрок этишга қодир, бироқ у мазкур индивид ўз ҳаёт амалиётида ҳис этган стимулларни танлайди[1]. Бундай танланиш, Ж.Эделман фикрига кўра, фақат мия пўстлоғида ҳаракатларни ташкил этишнинг асосий бирлиги бўлиб айрим нейронлар эмас, балки нейронлар гуруҳи хизмат қилган ҳолда юз бериши мумкин. У ёки бу гуруҳ нейронлари қайсидир рецептор ҳужайраларининг муайян соҳасини, таъбир жоиз бўлса ўзига хос «рецептив майдон»ни ифодалаш ҳақида ўзаро «келишадилар». Бундай нейронлар жуда кичкина (кўндаланг кесимда тахминан 50 мкм) бўлганлиги ва мавжуд методлар уларни ўрганиш имкониятини бермаслиги туфайли компьютерда моделлаштириш методидан фойдаланилди. Пировардида реал анатомик ва биокимёвий хоссаларга эга бўлган нейронлар тизимини нейронлар гуруҳи спонтан равишда ҳосил қилиши мумкинлиги аниқланди. Моделда одатда синоптик модификациялар қоидаси амал қилади. «Синоптик куч» (икки нейрон ўртасида сигналлар узатилишининг самарадорлик даражаси) тизимнинг фаоллигига боғлиқ бўлади. Муайян вазиятни такрорлаш маълум синапсларни кучайтиради ва муайян тусдаги нейронлар фаоллигини мустаҳкамлайди (бу ерда дионисийлар мистерияларининг экстатик рақслари, қадимги юнонларнинг орфик маросимлари, ҳинд мадҳиялари – киртанлар, сўфийлар зикри, католикларнинг минг карра такрорланувчи хитоблари ва ҳоказолар

[1] Қаранг: Нейродарвинизм // В мире науки. 1988. № 3. – 93–94-б.

ритмикаси беихтиёр ёдга тушади). Кириш сигнали бу синапсдагина эмас, балки айни шу ҳужайрадаги бошқа синапсларнинг аксарият ида ҳам юзага келса, мазкур синапснинг «кучи» кўпаяди. Моделлаштиришга киришишдан олдин ҳар сафар «синоптик кучлар» тасодифий тарзда берилади. Стимуллаштириш жараёнида ёнма-ён жойлашган рецепторлар мия пўстлоғининг муайян ҳужайраларига сигналлар узатади. Кириш сигналини олувчи ва бир-бири билан фаол боғлиқ бўлган бу ҳужайралар бир-бирига икки томонлама мусбат алоқа принципига мувофиқ таъсир кўрсатади. Ушбу таъсир кучайиб бориши натижасида бир-бири билан қаттиқ боғланган нейронларнинг гуруҳлари ҳосил бўлади.

«Руҳият мия фаолияти маҳсулидир»[1], деган қоидадан (бу ерда гап руҳият фаолиятининг биологик жиҳати ҳақида боради), яъни фикрлаш нейронлар гуруҳларининг баҳамжиҳат фаолияти натижасида амалга оширилишидан келиб чиқадиган бўлсак, у ёки бу диний тизим расм-русумларини сурункали бажариш жараёнида шаклланадиган диний ақидапарастлик ўз биологик-руҳий асосларига эгадир, деб айтишимиз мумкин. Айни шу сабабли диний тафаккур ақидалари ёки андозалари ўз табиатига кўра ҳар доим нисбатан барқарорлик, консерватизм ва схематизм билан тавсифланади. Бунга диний онгнинг ўта эмоционаллигини ҳам қўшимча қилиш ўринли бўлади, зеро бу унинг иррационаллигини изоҳлайди. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда, мантиқий далиллар диний фанатик онгига таъсир кўрсатмаслиги табиий бир ҳолдир, чунки бу ерда мантиқ ўрнини эмоциялар эгаллайди.

Инсон мияси катта ярим паллаларининг функционал асимметрияси ҳам диний фанатизмнинг биологик-руҳий асоси бўлиб хизмат қилиши мумкин. Дарҳақиқат, мия ҳар бири муайян вазифаларни бажарувчи икки ярим палладан таркиб топади. Миянинг

[1] Ушбу нуқтаи назар Ф.Блум, А.Лейзерсон ва Л.Хофстедтер томонидан изчил илгари сурилади. Қаранг: Блум Ф., Лейзерсон А., Хофстедтер Л. Мозг, разум, поведение. – М., 1988. Яна қаранг: Крушниский Л.В. Биологические основы рассудочной деятельности. – М., 1986; Симонов П.В. Мотивированный мозг. – М., 1987.

ўнг ярим палласи тананинг чап қисмини бошқаради, у интуитив, эмоционал, синтетик ва бадиий фаолият учун жавоб беради, рангни идрок этиш, мусиқий оҳанглар, куйлар ва новербал товушларни таниб олиш ҳам у билан боғлиқ. Голографик принцип мия ўнг ярим палласи фаолиятининг асосий принципи ҳисобланади. Миянинг чап ярим палласи тананинг ўнг қисмини бошқаради ва мантиқ, таҳлил каби интеллектуал функцияларни бажаради. Мия ярим паллалари қадриятларнинг турли мезонларига таянади ва турли хил мантиқлардан фойдаланади; ўнг ярим палла ўтмишга, чап ярим палла эса – келажакка қараб мўлжал олади[1].

Муҳими шундаки, мия ўнг ярим палласининг фаолияти билан магия, мифология, оккультизм, дин ва мистицизм ўртасида муайян алоқа мавжуд. Аввалambор шуни инобатга олиш лозимки, маданият, белгилар тизимлари ва инсон аждодлари миясининг эволюцияси натижаси ўлароқ, мия ярим палласи идрок этувчи образлар айрим тафсилотларнигина ўз ичига олувчи мантиқий схемаларни эмас, балки дунёнинг яхлит манзарасини қамраб олиш имконини берган[2]. Бу кишилик тарихи мобайнида инсон онгида жиддий ўзгаришлар юз берганлигини англатади.

Америкалик психолог Ж.Жейнс ҳам шунга ўхшаш хулосага келади: биз бугун онг деб атаётган нарса (ўзликни англаш) нисбатан яқинда, асосан охирги уч минг йил мобайнида, турли халқларда ҳар хил даражада вужудга келган. Унинг фикрича, қадимги одамлар ҳозирги замон кишилари даражасида интроспекцияга қодир бўлмаганлар. Улар бизнинг «фикрларимиз» ўрнига турли овозларни эшитганлар ва булар марҳум қабила оқсоқоллари ва қариндошларнинг овозлари бўлса керак, деб ўйлаганлар. Бу ерда Гомернинг «Илиада» достони таҳлили энг муҳим далил ҳисобланади. Ж.Жейнс бу достон ўзликни англашга ўтишдан олдинги босқичда яратилган

---

[1] Бу ҳақда батафсилроқ қаранг: Спрингер С., Дейч С. Левый мозг, правый мозг. – М., 1983; Брагина Н.Н., Доброхотова Т.А. Функциональные асимметрии человека. – М., 1988.

[2] Қаранг: Франкфорт Г., Франкфорт Г.А., Уилсон Дж., Якобсен Т. В преддверии философии. – М., 1984. – 15-б.

бўлса керак, деб тахмин қилади. У Гомернинг асарида «хотира» ёки «онг» каби сўзлар йўқлигига, қаҳрамонлар эса ҳозирги замон одамларига хос бўлган фикрлаш қобилиятига эга эмаслигига, уларнинг ўрнига бу вазифани «худолар» бажаришига (улар онг ўрнини босиши, Гомер қаҳрамонларига у ёки бу вазиятда қандай иш кўриш ҳақида маслаҳатлар беришига) эътиборни қаратади. Боз устига, кўпгина маданиятларда «худо» ва «марҳум» сўзлари айний янграйди. 1959 йил Эйнан (Галилея)да топилган (ўн бир минг йил олдин яшаган) подшо ёки қабила оқсоқоли қабрини ўрганиш асосида Ж.Жейнс бундай марҳум, ҳамонки унинг овози ва огоҳлантиришларини бошқалар эшитар экан, қандай қилиб иззат-икромга сазовор «худо»га айланган бўлиши мумкинлигини кўрсатиб беради[1]. Бу марҳум подшо ёки қабила оқсоқолини амалда яшаган илк «худолар»дан бири деб, унинг сағанасини эса – кейинчалик қурилган барча «худонинг уйлари», эҳромлар ва мақбараларнинг прототипи деб ҳисоблаш мумкин.

Шу ўринда Суқрот Афина судьялари қаршисида сўзлаган нутқни ҳам мисол тариқасида келтириш мумкин: «Болалик давримдан бошлаб ўзимда қандайдир илоҳий ва иблисона овозни эшитаман»[2]. Бу ерда иблис ёки даймоний овози илоҳий ҳукмни инсонга етказиш усулларидан бири сифатида намоён бўлади, унинг мистик асоси қадим замонлардаёқ кузатилган ранг-баранг ҳодисалар: шоир ёки коҳиннинг жазаваси, турли касалликлардан тузалиш, бўлғуси воқеаларни олдиндан ҳис этиш ва ҳоказолар билан айнийдир. Ниҳоят, шуни қайд этиш лозимки, *маънавий Абсолют билан экстатик бирикиш ҳолатига эришилганида мия чап ярим палласининг фаолияти вақтинчалик тўхташи диний ва мистик медитациялар турли техникаларининг муқаррар элементи ҳисобланади.* Шундай қилиб, инсон мияси ярим паллаларининг функционал асимметрияси муайян ижтимоий-маданий контекст доирасида диний фанатизмнинг биологик-руҳий асоси сифатида амал қилиши мумкин.

[1] Қаранг: Wilson J. Zicie po smierci. – Warszawa, 1988. – 32–35-б.

[2] Қаранг: Введенский А. Демониан Сократа. – М., 1893.

Аммо диний фанатизм биологик-руҳий асосларининг барчасини унинг ижтимоий-маданий ва ижтимоий-психологик асослари ва манбалари билан жамулжам ҳолда ҳисобга олиш лозим.

Диний фанатизм феноменини тушуниш зарурияти. Диний фанатизм асослари билан унинг **хусусияти** ҳамда индивид ва ижтимоий гуруҳлар ҳаёт фаолиятидаги **функциялари** муштаракдир. Диний фанатизм феноменининг табиатини тушуниш учун мазкур феномен вужудга келишига сабаб бўлувчи эҳтиёжлар мажмуини билиш талаб этилади. Бу ерда очиқ-ойдин кўриниб турувчи ва пинҳона қатламларни фарқлаш зарур. *Биринчи гуруҳга ижтимоий даражада диний фанатизмга бўлган эҳтиёж киради*: жамиятни қамраб олган инқироздан, чиқиш йўлларини кўрмаётган ва уни ғайриижтимоий куч (худо)га мурожаат этиш йўли билан ечишга ҳаракат қилаётган ижтимоий гуруҳлар ва қатламлар диний фанатизмга муҳтож бўладилар. Бу эҳтиёж жамиятда «қуткарувчилик», «халоскорлик» кайфиятларининг кучайишида намоён бўлади. Чунончи, ядро уруши ёки экологик ҳалокат натижасида инсониятнинг қирилиб кетиши хавфи, дунё миқёсидаги муаммоларнинг кескинлашуви (озиқ-овқат маҳсулотлари, тоза ичимлик суви танқислиги, ресурсларнинг камайиши муаммолари), ижобий натижалар билан бир қаторда салбий оқибатларга ҳам олиб келаётган жамиятни ахборотлаштириш жараёни, жамият фаолияти барча соҳаларининг иррационаллашуви, ниҳоят, турли диний ва мистик мазҳаблар ва гуруҳлар фаолиятининг кучайиши амалда диний фанатизмга эҳтиёж уйғотмоқда. 1978 йил 18 ноябрда тропик Гвиана (Жанубий Америка) чангалзорлари бағридаги яланглиқда юз берган фожиали воқеа бунга ёркин мисол бўлади. Диний секта раҳнамоси америкалик Ж.Жонс ўз атрофида мингга яқин издошларни тўплайди ва яшашдан маъно қолмаганлигига уларни ишонтира бошлайди. «Маъно касб этиш» учун у «инқилобий иш»ни амалга ошириш – заҳар ичиш ва бу дунёни тарк этишни таклиф қилади. Унинг фикрича, айнан нариги дунёда ҳар бир инсон гўёки бошқача кўринишда мавжуд бўлишда давом этади. Секта аъзолари ўз йўлбошчиларининг таклифларини қабул қиладилар.

Ижтимоий онг даражасида кундалик амалиёт инсон онги муқаддас нарсаларга қараб мўлжал олишини талаб қилади. Муқаддас нарсаларнинг мазмун ва моҳиятини англаб етишга интилиш инсон онги структурасидан уйғун ўрин олган (бу муқаддас нарса нафақат диний, балки дунёвий бўлиши ҳам мумкин). Муқаддас (сакрал) нарсалар ва ўлим, хаос, маъносизликни ажратиш ҳолларига архаик маданиятлардаёқ дуч келиш мумкин. Дюркгейм таъбири билан айтганда, дунёда ўз-ўзича муқаддас бўлган нарсанинг ўзи йўқ: «*Муқаддаслик – бу муайян нарсага инсон юклаган сифатдир*»[1]. Масалан, Махаяна мухлиси бўлган буддист онги тиниқлашган пайтда ҳар бир ёғоч бўлагида, тошда Будданинг моҳиятини сезади, рус князи Владимир эса христианликнинг византияча йўналишини унда гўзаллик ғояси муқаддас бир нарса сифатида ва муқаддаслик гўзаллик сифатида ифодалангани учун танлаган[2]. Муқаддаслик чегаравий ҳолатдаги воқелик билан муайян алоқа мавжуд бўлганида вужудга келади, дин эса инсоннинг мазкур чегаравий воқеликка бўлган муносабати рамзий модели ҳисобланади.

Ҳозирги замон илмий тафаккурида маданиятнинг муқаддас ёки сакрал қатлами (ёки, таъбир жоиз бўлса, сакрал маданият) йўқ бўлиб кетмаслиги, аксинча, унинг аҳамияти ошиб бориши ва у дунёвий маданият билан теран, диалектик алоқага киришиши таъкидланади. Бундай прогнозларга М.Элиаде, А.Шафф, Д.Танальский, Р.Белла каби диншунослар ва файласуфларнинг асарларида дуч келиш мумкин. Чунончи, Р.Белла шундай деб ёзади: «Постдуалистик дунёда дин шакли унча аниқ эмас, бироқ мазкур дин табиий фанларнинг ривожланиши натижасида табиат ва коинотда инсон ўрнининг релятивлашувига ҳамда тарих ва бошқа маданиятлар ҳақидаги билимларнинг кенгайиши туфайли маданиятда инсоннинг релятивлашувига элтувчи инсон билимининг мисли кўрилмаган даражада ўсишини эътиборга олиши лозим... Секуляризация

---

[1] Иқтибос қуйидаги манбадан олинди: Белла Р.Н. Социология религии: Американская социология. – М., 1972. – 267-б.

[2] Қаранг: Аверинцев С. Красота как святость // Курьер ЮНЕСКО, 1988, июль. 9–13-б.

жараёни диннинг тугатилишига эмас, балки унинг структураси ва роли ўзгаришига олиб келади. Бироқ биз буни тушуниб етишга эндигина яқинлашмоқдамиз»[1].

Мулоҳазалар мантиқи қуйидагича: индивид сифатидаги инсон сакрал дунё билан барча алоқаларни йўқотишини тасаввур қилиш ҳам мумкин эмас, ҳеч бўлмаса битта онгсиз алоқа сақланиб қолади, у ҳам бўлса тушдир. Тушларнинг сирли дунёсида макон ва вақт чегарасидан четга чиқиш амалга ошади, унда мифологик сиймолар пайдо бўлади ва диний символизм амал қилади. Тасаввур соҳасида, санъатда сакраллик унсурлари сақланиб қолиши муқаррардир. Ҳатто саргузашт қисса жанри ҳам аксарият ҳолларда диний структурани – яхшилик ва ёмонлик ўртасидаги қадимги конфликтнинг монийлик таълимотига хос бўлган структурасини назарда тутади. Маданиятнинг айнан сакрал жиҳати дунёнинг диний, хаёлий манзарасини яратиш орқали индивидлар мутлақ қадриятларга қараб мўлжал олишлари учун замин ҳозирлайди, бу эса хавфсизлик ва ишонч ҳиссининг шаклланишига кўмаклашади.

Гуруҳ даражасида турли (диний ва дунёвий) жамоалар ва секталарнинг диний фанатизми ижтимоий адолатсизлик ва хавф-хатар қаршисида группавий бирдамлик теран туйғусини ифодалайди. Жамиятнинг ривожланиши жараёнида турли ижтимоий гуруҳлар ва қатламларнинг стресс ҳолатидаги вакиллари воқеликдан диний эътиқодлар хаёлий дунёсига «қочиши»га йўл очувчи, диний идеаллар аҳамиятининг ошишини белгиловчи кўп сонли омиллар пайдо бўлади.

Индивид даражасидаги тафаккурда ва инсон фаолиятида оқилона ва руҳий, иррационал элементлар чатишади. Тегишли ижтимоий-маданий муҳитда иррационал элементлар етакчилик қилади, инсон хулқ-атворига ҳал қилувчи таъсир кўрсатади ва унда эсхатологик мақсадларга эришиш майли пайдо бўлишига сабаб бўлиши мумкин, бу эса, ўз навбатида, муайян даражадаги диний

---

[1] Белла Р.Н. Социология религии: Американская социология. – М., 1972. – 274-б.

фанатизмни назарда тутади. Вольтер шундай деб ёзган эди: «Мен авлиё Парижнинг мўъжизалари ҳақида ҳаяжонланиб гапираётган одамларни кўрганман; шу лаҳзада улар ўзларига қарши оғиз очишга журъат этган ҳар қандай одамни ўлдиришга тайёр эдилар»[1]. Бизга маълумки, диний фанатизм зиддиятларни бутунлай истисно этади.

Диний фанатизмда эҳтиёжларнинг иккинчи (ички) қатламини *сексуал (жинсий) эҳтиёжлар, умрбоқийликка эришишга бўлган эҳтиёж ва инсоннинг ўз ёлғизлигини енгишга бўлган эҳтиёжи* ташкил қилади. Бунда мистик экстаз ҳолатига ё экстазда сублимацияланувчи сексуал эҳтиёжни тийиш йўли билан, ё ижтимоий-маданий шароитларга қараб диний фанатизмни ўзида мужассамлаштириши мумкин бўлган оргиастик расм-русумларни бажариш натижасида эришилади. Умрбокийликка эришишга бўлган эҳтиёжнинг мавжудлигини вафот этган Ура шаҳри подшоси аъёнларининг ўзини-ўзи ўлдириши маросими тасдиқлайди[2]. Инсоннинг ўз ёлғизлигини енгишга бўлган эҳтиёжи ҳақида таниқли психоаналитик Э.Фромм шундай деб ёзади: «Ўз ёлғизлигини енгиш, ёлғизлик кишанларидан халос бўлиш инсоннинг теран эҳтиёжи ҳисобланади. Барча замонлар ва маданиятлар одами ўз-ўзига айни бир саволни беради: ёлғизликни енгиш, ягоналик туйғусини ҳис қилиш, ўз индивидуал ҳаёти чегарасидан чиқиш ва қаноат топиш учун нима қилиш керак? Бу саволни ўз олдига ибтидоий одам ҳам, ўз подасини боқаётган кўчманчи ҳам, мисрлик зироатчи ҳам, финикиялик савдогар ҳам, римлик легионер ҳам, ўрта асрлар монахи ҳам, япон самурайи ҳам, ҳозирги амалдор ва фабрика ишчиси ҳам қўяди»[3]. Ёлғизликни енгишнинг идеал шакли муҳаббат ҳисобланади.

Муҳаббатда инсон ўзини ўзга шахсга сингдириш ва шу тариқа ўз моҳиятини тўлақонли намоён этиш орқали қудратли маънавий салоҳиятни топади. Муҳаббат инсонни абадият билан ошно этади, чунки у беғараз ва муросасиздир. Фақат муҳаббат инсон мавжудлиги муаммосининг ечими ҳисобланади. Муҳаббат инсон ҳаётига мазмун

---

[1] Вольтер. Поэмы. Философские повести. Памфлеты. – Киев, 1989. – 461-б.

[2] Қаранг: Wilson J. Zicie po smierci. – Warszawa, 1988. – 5-б.

[3] Fromm E. O sztuce milosci. – Warszawa, 1971. – 22-б.

бахш этади; акс ҳолда «инсон ёлғизлигини англаш» уят ва айни пайтда айбдорлик ва безовталик ҳиссининг манбаига айланади[1].

Муҳаббат маънавият соҳасида дунёни ўзига хос тарзда тушунишни, ҳаракат соҳасида – ижодкорлик ва ўз қобилиятларини ўзи рўёбга чиқаришни, сезгилар соҳасида – бошқа киши, барча одамлар, табиат билан ягоналик туйғусини англатади. Муҳаббат инсон ўз шахсиятини тўла намоён этиши воситаси, инсоннинг дунёга бўлган муносабати усули ҳисобланади, бироқ муҳаббат ўзини рўёбга чиқаришнинг сохта, хаёлий шакл-шамойилларини ҳам касб этиши мумкин. Шулардан бири диндорнинг илоҳга (Будда, Херука, Исо Масиҳ ёки Оллоҳга) бўлган мистик муҳаббати ҳисобланади ва у диний фанатизмни вужудга келтириши мумкин. Диний фанатизм ва унинг функциялари хусусияти ранг-баранг эҳтиёжларнинг юқорида баён этилган мажмуи билан боғлиқ.

Диний фанатизмнинг хусусиятини аниқлаш учун фанатизмга ва унинг айрим кўринишларидан бири саналган диний фанатизмга таъриф берилган турли қомуслар ва луғатларга назар ташлаш ўринли бўлади деб ўйлаймиз. **«Гранат қомусий луғати»да** фанатизм қисқагина қилиб *«ўз моҳиятига кўра субъектив хусусиятга эга бўлган муайян эътиқодларни бошқа эътиқодларга тоқатсиз даражада тарғиб қилиш»*[2] сифатида таърифланган. **Брокгауз ва Эфроннинг қомусий луғатида** эса, фанатизм деганда *у ёки бу дин принциплари мутлақо ҳаққоний эканлигига сидқидилдан ишониш, уларга ҳар қандай шароитда содиқ қолиш, ҳатто уларни рўёбга чиқариш йўлида ўз ҳаётини қурбон қилишга тайёрлик* тушунилади. Бунда «фанатик ўз ақидалари билан мувофиқ келмайдиган ҳамма нарсага ахлоқсиз, инсон шаънига номуносиб, Илоҳни, ҳақиқат ва адолатни таҳқирловчи деб қарайди»[3]. Кейинги ўринларда қуйидаги сўзларни ўқишимиз мумкин: «Фанатизм диний бўлмаслиги ҳам мумкин, бироқ ҳаётнинг бошқа соҳаларидан фарқли ўлароқ, дин

---

[1] Қаранг: Ўша ерда.

[2] Энциклопедический словарь Гранат. – М., б.г. Т. 43. – 14-б.

[3] Энциклопедический словарь. Ф.А. Брокгауз и И.А. Ефрон. – СПб., 1902. Т. 69. – 291-б.

фанатизмнинг ривожланишига айниқса қулай имконият яратади. Турли динлар ва мазҳаблар – ва ҳатто айни бир динлар ва мазҳаблар, бироқ турли замонларда – ўз издошларини озми-кўпми даражада фанатикларга айлантиради. Фанатизм айниқса катта куч билан намоён бўлиши мумкин бўлган бошқа соҳа одатда сиёсат ҳисобланади»[1]. Буюк француз инқилоби давридаги якобинчилар сиёсий фанатикларга ёрқин мисол бўлишлари мумкин – улар ўзгаларнинг эътиқодларини ёлғонлиги ва жиноийлиги аён бўлган эътиқодлар сифатида ҳурмат қилмаганлар, фақат ўз фикрларини ҳаққоний деб ҳисоблаганлар. Фанатизм жамият ҳаётининг бошқа соҳаларида ҳам намоён бўлиши мумкин, у индифферентизмнинг зиддидир, уларнинг ўртасида оралиқ ҳолатни ўзгача фикрловчиларга нисбатан тоқатлилик эгаллайди.

Фанатизм тушунчасининг ўзида уни қоралаш, унинг торлиги ва чекланганлигини, кўпинча исбот қилиш мумкин бўлмаган принципларга кўр-кўрона ишонч билан боғлиқлигини тан олиш акс этади. Ўзини фанатик деб номлашга тайёр одам камдан-кам топилади, айни пайтда кўпчилик қарама-қарши эътиқодларнинг тарафдорлари пешонасига бу ёрлиқни бажонидил ёпиштиради. Шу маънода христианлар ўз динига содиқ қолган мажусийларда ашаддий фанатикларни кўрганлари табиий бир ҳолдир. Ўз навбатида, айни шу христианлар ўз эътиқоди йўлида азоб-уқубатларга ва ўлимга тайёр эканликларини намойиш этганларида, Рим маъмурлари уларни фанатиклар деб ҳисоблаган. Даҳрийларни қоралаган «муқаддас инквизиция» ҳам тарих саҳифаларидан ашаддий фанатиклар муассасаси сифатида ўрин олган.

Юқорида баён этилган ёндашув **«Оксфорд инглизча луғати»га** ҳам хос. Бу ерда фанатик *ҳаракатлари, хоссаларини айниқса дин ишларида сохта энтузиазм сифатида тавсифлаш мумкин бўлган, гаплари ва амаллари вужудида яширин илоҳ, иблис ёки фуриянинг намоён бўлиш шаклларидан бири ҳисобланган шахс сифатида* таърифланади. Фанатик авлиё, бемулоҳаза иш кўрувчи энтузиа-

[1] Ўша ерда.

стгина эмас, балки диний маньяк ҳамдир. Фанатизм эса айрим, шу жумладан диний муаммоларни ечишда ортиқча эҳтиросларга берилиш ва экстравагантликка мойиллик сифатида, ортиқча энтузиазм сифатида, ўйламасдан иш қилиш сифатида тавсифланади[1]. Амалда бу ерда фанатик тушунчаси замирида ҳам, инсон фаолиятининг диний соҳасидаги фанатизм тушунчаси замирида ҳам динга «инсоният неврози» сифатида қарашга асосланган фрейдча ёндашув ётади.

Польшада нашр этилган «Катта универсал энциклопедия»да фанатизм тушунчасининг бошқача талқини таклиф қилинади. У *муайян ғоянинг ҳақиқийлигига бўлган шак-шубҳасиз ва нотанқидий ишончда намоён бўлувчи ўта кучли иштиёқ, жаҳду жадал, жаҳолат сифатида* тавсифланади. У одатда ашаддий ақидапарастлик, диний, сиёсий ва этник масалаларда ўзгача қарашларга эга бўлган кишиларга тоқатсизлик ва уларни камситиш билан боғланади[2]. «Оксфорд луғати»дан ўрин олган мақоладан фарқли ўлароқ, бу ерда дин ва «инсоният неврози» ўртасида ўхшашлик мавжудлиги қайд этилмайди, аксинча, фанатизмнинг, шу жумладан диний фанатизмнинг ижтимоий-маданий жиҳати ажратилади. Мазкур ёндашувда фақат фанатизм битта қадриятлар тизимини тан олишда ва қолган барча тизимларга қарши курашишда намоён бўлиши таъкидланади. Ижтимоий тоқатсизликнинг ҳар қандай кўринишлари, миллатчилик, ирқчилик ва шовинизм коллектив фанатизмга мисол бўлади.

Ниҳоят, Югославияда нашр этилган **«Маърифат кичик энциклопедияси»да** фанатизм одатдагидек *муайян бир ғояга ёки диний ақидаларга ўта содиқлик, уларга кўр-кўрона ишонч сифатида* талқин қилинади. Шу билан бир қаторда диний фанатизм кўр-кўрона диний эътиқод инсон эс-ҳушини йўқотишига, ўзгача фикрловчиларга нисбатан ўта тоқатсизликка, баъзан ёвуз жиноятларга олиб келувчи ашаддий фанатизм сифатида тавсифланади[3]. Ушбу таъриф диний фанатизмнинг вольтерча талқинини ва унинг энтузиазмга

---

[1] The Oxford English Dictionary. – Oxford, 1933. Vol. IV. – 59–60-б.

[2] Wielka encyclopedia powszechna. – Warszawa, 1963. T. 3. – 579-б.

[3] Мала енциклопедиа Просвета. – Београд, 1978. Т. III. – 479-б.

қарама-қарши қўйилишини ўзида акс эттиради: «Тушни воқелик сифатида, фантазияларни эса – башорат сифатида идрок этувчи одам энтузиаст, ўзининг ақлсизлигини одам ўлдиришлар билан қувватловчи киши фанатикдир. Нюрнбергга бош олиб кетган Жан Диас папа Апокалипсис антихристи эканлигига ишончи комил эди: у энтузиаст бўлган. Римдан уни ўлдиргани келган, худога муҳаббат йўлида уни чиндан ҳам ҳаётдан жудо қилган ва буни ўзи учун муқаддас амал деб билган укаси – Бартоломео Диас эса ишаддий фанатик эди»[1]. Герцог Франсуа де Гизни, Оран шаҳзодаси Вильгельмни, қирол Генрих III ни, қирол Генрих IV ни ва бошқа кўплаб таникли зотларни ўлдирган кишилар диний фанатизм «вабоси»га чалинган одамлар бўлганлигидан далолат берувчи мисолларни тарихдан кўплаб келтириш мумкин.

Ўзбек "Фалсафа" комусий луғатида эса ушбу сўзнинг талқини берилмаган.

Диний фанатизм феноменига илмий адабиётларда берилган таърифларни умумлаштириш қуйидаги хулосага келиш имконини беради: *диний фанатизм муайян диний тасаввурларга бўлган кўр-кўрона ишончда, бошқа динга эътиқод қилувчиларга ва ўзгача фикрловчиларга ўта тоқатсизликда намоён бўлувчи ижтимоий нуқтаи назар ва психологик-маданий асосларни ўз ичига олган ижтимоий феноменни ўзида ифодалайди.* Диний фанатизмнинг ўзига хос хусусиятларига муайян диний қадриятларнинг мутлақо ҳаққонийлигига сидқидилдан ишонишни, мазкур қадриятларга ўта содиқликни, воқеликка эмоциялар даражасида иррационал муносабатни киритиш мумкин. Бу хусусиятлар кўпинча догматик фикрлаш услуби ва ҳаёт амалиётидаги деспотизм ёки авторитаризм асосида вужудга келади.

Бу ерда **«диний фанатизм»** ва **«диний экстремизм»** тушунчаларининг мазмуни ўртасидаги фарқни ҳисобга олиш талаб этилади, зеро ҳозирги замон воқелигининг ўзи шуни тақозо қилади. Хўш, феномен сифатидаги диний экстремизм ўзида нимани ифодалайди,

[1] Вольтер. Поэмы. Философские повести. Памфлеты. – Киев, 1989. – 460-б.

унинг моҳияти нимада? Адабиётларда илгари сурилган нуқтаи назарга кўра, диний экстремизм «диндан аксилижтимоий ва давлатга қарши мақсадларда қасддан фойдаланиш»ни ўзида ифодалайди, зеро «экстремист учун дин – жиноий фаолиятни яшириш учун ниқоб ва диндор кишиларга ўз ҳукмини ўтказиш воситаси»дир[1]. Мазкур ёндашув баъзи бир асосларга эга, чунки диний экстремизмнинг муайян кўринишларига маълум сиёсий мўлжаллар хосдир. Булар жумласига диндорларни чет мамлакатларга муҳожирликка чиқишга даъват этиш, ўз эътиқодига содиқлик учун кишиларни таъқиб қилиш ҳоллари тўғрисида провокацион баёнотлар бериш ва ҳоказоларни киритиш мумкин. Бундай эксцесслар юқорида баён этилган нуқтаи назар учун баъзи бир асосларни беради, бироқ нисбатан мураккаброқ ҳодиса саналган диний экстремизм феноменини сиёсий экстремизм билан айнийлаштириш ўринли бўлмайди.

Баъзи бир муаллифлар диний ва сиёсий экстремизм ўртасида фарқлар мавжудлигини, сиёсий экстремизм баъзан диний ниқоб остида иш кўриши мумкинлигини таъкидлайдилар[2]. Дарҳақиқат, сиёсий экстремизм деганда одатда ўз сиёсий мақсадларига террор, зўрлик ишлатиш, одам ўлдириш ва бошқа турдаги агрессив фаолият ёрдамида эришишга ҳаракат қилувчи сохта инқилобий ёки ўта ўнг ультрареакцион кучлар мафкураси ва амалиётини тушунадилар. Далиллар сиёсий экстремизм ўз мақсадларига қараб у ёки бу динларнинг хусусиятларидан уларни сунъий тарзда пуфлаб шишириш ёки хаспўшлаш йўли билан фойдаланиши мумкинлигидан далолат беради.

Диний экстремизмнинг сиёсий экстремизмдан фарқи шу билан белгиланадики, унда айрим конфессиялар доирасида асосан диний мақсадларни кўзлайдиган, уларга эришиш учун террор ва куч ишлатиш усулларини рад этадиган ўта консерватив ва фанатик даврларнинг манфаатлари ифодаланади. Бироқ бу диний фанатиклар «худо йўлида» агрессив ҳаракатлар содир этишлари мумкин бўлган

[1] Справочник атеиста. – Киев, 1986. – 383–384-б.

[2] Қаранг: Гальперин Б.И. Религиозный экстремизм: кто есть кто. – Киев, 1989. – 7–10-б.

вазиятларни истисно қилмайди, яъни диний экстремизмда сиёсий мазмунга деярли ҳар доим дуч келиш мумкин. *Диний экстремизм кучли диний иштиёқ ва жаҳду жадалда, қонунни бузишда, ҳокимият органларига бўйсунмасликда, дунёвий ва диний институтлар ўртасидаги муносабатларни қасддан кескинлаштиришда, ўз диний гуруҳига мансуб кишиларни бошқа диний гуруҳлардан ва нодиний муҳитдан ажратишга интилишда, ўз тасаввурларини кенг ёйиш ва тиш-тирноғи билан ҳимоя қилишда намоён бўлади.* Бу диний экстремизмнинг моҳияти «диний мақсадларга ғайриқонуний фаолиятнинг диндан ташқаридаги йўлларида эришишга ҳаракат қилишдан иборат»[1], деган хулосага келиш имконини беради.

Шунга қарамай, «диний экстремизм» ва «диний фанатизм» тушунчаларининг мазмунини бир-биридан аниқ ажратиш имконияти доим ҳам мавжуд эмас, чунки диний мақсадларга террор йўли билан ва қонунийлик доирасида эришиш имконини берувчи вазиятлар ҳам бор. Вольтер ўзларига эргашмаган ватандошларини ўлдириш, сўйиш, тошбўрон қилишга киришган парижлик буржуалар фанатизмига эътиборни қаратар экан, унга «фанатизмнинг ўта жирканча намунаси»[2], деб тавсиф беради. Совуққон фанатиклар – ўзга диний қадриятлар тизимини тарғиб қилувчи, бошқа диний ақидалар ёки атеистик дунёқараш доирасида фикрловчи кишиларни ўлимга ҳукм қилувчи ҳакамлар ҳақида-ку, гапиришнинг ҳам ҳожати бўлмаса керак. Умуман олганда, диний экстремизм дин мухлисларининг ҳаракатларини тавсифлайди, диний фанатизм эса кўпроқ уларнинг дунёқарашини акс эттиради, аммо бу тушунчалар ўртасидаги чегарани аниқ белгилаш имконияти доим ҳам мавжуд эмас, деб айтиш мумкин (бунга Ғарбий Украинада православлар ва католиклар ўртасидаги муносабатларнинг кескинлашуви мисол бўлиши мумкин).

Диний фанатизм феноменини ўрганишда унинг тарихий хусусиятини ҳисобга олиш лозим. Диннинг тадрижий ривожланиш

---

[1] Ўша ерда. – 11-б.

[2] Вольтер. Поэмы. Философские повести. Памфлеты. – Киев, 1989. – 460-б.

жараёнига назар ташлаш политеистик динлар босқичида бошқа динларнинг мухлислари ва ўзгача фикрловчиларга нисбатан диний фанатизм ашаддий тоқатсизлиги мавжуд бўлмаганлигини кузатиш имкониятини беради. Сўнгги йилларда тарих фанида илгари сурилаётган, қадимги даврни илк қадимият ва тугаб бораётган қадимият босқичларига ажратишни назарда тутувчи ёндашув ҳам буни тасдиқлайди[1]. Илк қадимият босқичининг муҳим хусусиятларидан бири ахлоқий муаммолар етакчи ўрин эгалламайдиган жамоалар политеистик ритуалистик динларининг мавжудлиги ҳисобланади.

Кенг тарқалган фикрга зид ўлароқ, илк қадимият даврида диний тоқатсизлик амалда мавжуд бўлмаган: «Бошқа динларга нисбатан тоқатлилик барча политеистик динларнинг умумий жиҳати ҳисобланади»[2]. Одамлар ўз жамоаларининг худоларига сиғинар эканлар, бошқа жамоаларнинг аъзолари ҳам ўз пантеонларига сиғинишларини билганлар. Кейинчалик бу кўп сонли худолар аслида айни бир худолардир, улар фақат исмлари билан фарқ қилади, деган тасаввур кенг тарқалган. Бу ўз синкретизми билан ажралиб турувчи қадимги Миср дини мисолида айниқса бўртиб намоён бўлади: «Миср пантеони илоҳнинг айрим кўринишлари йиғиндисини эмас, балки турли кўринишларда намоён бўлувчи илоҳий асосни ўзида ифодаларди, шу туфайли ҳам турли худолар ўхшаш функциялар ва қиёфага эга эди. Бироқ айни пайтда бир илоҳ турли функцияларни бажариши ва ҳар хил қиёфаларда мавжуд бўлиши мумкин эди. Конкрет худолар шахсий хусусиятларидан ташқари илоҳнинг барча атрибутларига ҳам эга эдилар»[3]. У ёки бу худолар «функциялари»нинг сезиларли даражада ўхшашлиги ёки айнийлиги ҳақидаги тасаввур ўзгаларнинг худоларига ёки босиб олинган халқларнинг худоларига ҳурмат кўзи билан қаралишига имконият яратарди.

---

[1] Қаранг: История древнего мира. Ранняя древность. – М., 1989. – 17-б.; Заболоцка Ю. История Ближнего Востока в древности (от первых поселений до персидского завоевания). – М., 1989. – 10-б.

[2] Cerny J. Religia starozytnych egipcjan. – Warszawa, 1974. – 114-б.

[3] Заболоцка Ю. История Ближнего Востока в древности (от первых поселений до персидского завоевания). – М., 1989. – 134–135-б.

қадимги мисрликлар ўзгаларнинг худоларига ҳам, ўзларининг мамлакатида яшаб қолиш истагини билдирган ҳар бир ажнабийга ҳам меҳмондўстлик билан муносабатда бўлганлари тасодифий бир ҳол эмасди.

Қизиғи шундаки, қадимги ва Ўрта подшоликлар даврида бу «меҳмондўстлик»дан фақат бир илоҳ – Нубия худоси Дедун (мушк-анбарлар худоси) фойдаланади. Бизнингча, бунинг сабабларини Нубия, Ливия, Синай яриморoли ва жанубий Фаластин динларидан излаш ўринли бўлади. Қадимги Миср билан чегарадош бўлган бу давлатлар мисрликларнинг худолари каби жалб қилувчан ва кучли худоларни таклиф қила олмасдилар. Бошқа архаик халқлардан фарқли ўлароқ, қадимги мисрликларга ўлимдан кейинги ҳаётга бўлган ишонч хос эди. Умуман олганда қадимги Миср цивилизациясига назар ташлаш мисрликлар фақат абадият ҳақида, умрбоқийлик ҳақида ўйлаган экан, деган хулосага келиш имконини беради. Аммо бу ишонч қадимги мисрликларга индивид учун мажбурий бўлган ахлоқий меъёрларни яратишга монелик қилмаган. Қадимги Мисрда ўта диндорлик муҳити инсонийлик мезонлари билан муштаракдир[1]. Қадимги манбалардан бири – «Фиръавн Мерикар учун фан» асаридаёқ гуноҳкор одамни нариги дунёда гуноҳига яраша жазо кутиши қайд этилади. Гуноҳсизларга нариги дунёда илоҳий ҳаёт ваъда қилинади. Қадимият босқичида таърифланган бу концепция Янги Подшолик даврида виждон тушунчаси яратилишига олиб келади. Доницмандлар уни инсон ичидаги худо деб атайдилар, уни кейинчалик рим императори – файласуф Марк Аврелий ёқтириб қолган гўзал сиймо сифатида тавсифлайдилар. Шундай қилиб, қадимги Мисрда кучли диндорлик муҳитида инсонпарварлик, инсонийлик тамойиллари вужудга келади.

Тугаб бораётган қадимият босқичида жамоа чегараси ва этник чегарадан четга чиқувчи догматик ахлоқий динлар, яъни «жаҳон»

---

[1] Қаранг: Симонов П.В., Ершов П.М., Вяземский Ю.П. Происхождение духовности. – М., 1989. – 82–83-б.

динлари пайдо бўлади ва дунё бўйлаб тарқала бошлайди. «Бирон-би
бошқа худога эътиқод қилишни истисно этувчи догматик динла
пайдо бўлганидан кейингина диний адоват вужудга келади ва ў
динига куч ишлатиш йўли билан киритиш одат тусини олади»
Биринчи догматик динлар қаторига Эронда зардуштийлик в
Фаластинда иудаизм киради. Бу ерда шуни алоҳида таъкидлаб ўти
лозимки, зардуштийлик ҳам, иудаизм ҳам монотеистик догмати
динларга айлангунга қадар узоқ ривожланиш йўлини босиб ўтади
Гарчи догматик динларда монотеизм сари ҳаракат ўз тадрижи
якунига етган бўлмаса-да (христианликда худонинг уч қиёфа
лилиги, иудаизм ва исломда «якка худо»нинг зидди сифатидаг
иблис ва шу кабилар ҳақидаги ақидалар ҳам буни тасдиқлайди
монотеистик динларнинг вужудга келиши диний тоқатсизлик пайд
бўлишига олиб келади ва у диний фанатизмга хос бўлган хусусият
лардан бирига айланади.

Нима бўлганда ҳам, монотеизмнинг қатъийлик даражаси
шунингдек жаҳон динларида расм-русумлар ва ақидаларнинг би
хиллаштирилиши уларнинг бошқа конфессионал тизимларга тоқат
лилик даражасига тескари пропорционалдир, деган фикрга қўшилиш
мумкин. Монотеистик динларда дунёқараш, расм-русумлар в
ақидалар тизимининг аниқ белгиланганлиги уларга бегона элемент
ларни киритиш имкониятини ҳам, мавжуд дунёқараш андозалар
доирасида уларни талқин қилишни ҳам қийинлаштиради. Ушб
фонда индуизм таълимоти алоҳида ажралиб туради. Бу динда умум
эътироф этилган қонун ва ҳамма учун ягона бўлган шахсий илоҳ йўқ
Диний амалиёт шакллари кўплигини ҳисобга олсак, ягоналикнин
ранг-баранглиқда намоён бўлиши принципи, жаҳоннинг турл
диний тизимлари мавжудлиги принципи айнан индуизмда ўзинин
энг олий ифодасини топади. Диний плюрализм таълимоти в
индуизмнинг толерантлиги ҳозирги даврда унга бўлган қизиқишн
кучайтирмоқда. Ғарбда мазкур динга кириш ижобий факт сифатид

---

[1] Заболоцка Ю. История Ближнего Востока в древности (от первых поселени
до персидского завоевания). – М., 1989. – 11-б.

қаралиши тасодифий бир ҳол эмас, зеро у анъанавий христианликнинг инқирози натижасида ҳосил бўлган маънавий бўшлиққа қарши курашишда қудратли восита ҳисобланади[1].

Албатта, индуизмнинг мафкуравий толерантлигини идеаллаштириш ҳам ярамайди, чунки ҳаёт амалиётида унга индуизм мухлиси ҳулқ-атворининг қаттиқ тартибга солиниши, турли табақалардан иборат жамиятнинг бошқа диний эътиқодлар тарафдорларидан муайян гуруҳларни шакллантириш қобилияти қарама-қарши турган. Шунга қарамай индуизмда мистицизм мавқеининг кучлилиги диний мажмуанинг ҳозирги онг учун абсурд саналган элементлари – ақидалар, мифология, расм-русумларнинг эскирган шакллари рад этилишига олиб келади. Шу тариқа инсонни «ташқи диндорлик»дан халос қилиш йўлида яна бир қадам ташланади – у инсоннинг «ички дунёси»га айланади. Боз устига дин ғайритабиийлик соҳаси сифатида, инсоннинг кам ўрганилган руҳияти билан боғланадики, бу турли хил спекуляциялар учун асос бўлиб хизмат қилади[2], бу эса, ўз навбатида, диний фанатизм «вабоси» тарқалишига олиб келиши мумкин. Шундай қилиб, **диний фанатизм феномени маданий-тарихий контекст доирасида, жамият ҳаётининг бошқа ҳодисаларига боғлаб ўрганилиши лозим.**

Шу нуқтаи назардан олиб қараганда, кишилик тарихидаги оламшумул маънавий тўнтариш – **Эллада, Ҳиндистон ва Хитойда фалсафанинг пайдо бўлиши** (милоддан аввалги I минг йилликнинг ўрталари) алоҳида диққатга сазовордир, зеро у диний фанатизм феноменига анча кучли таъсир кўрсатди. Маълумки, фалсафани пухта ишлаб чиқилган мантиқсиз тасаввур қилиш мумкин эмас, зотан у тўпланган билимларни тез ўзлаштириш билан бир қаторда, диний онг монополиясига путур етказувчи қарашларнинг изчил тизимини яратиш имконини беради. Диний фанатизмнинг фалсафа доирасида яратилган мантиққа боғлиқлигини тушуниш учун шу нарса муҳимки, мантиқ концепциялари ҳар доим замирида моддий

---

[1] Қаранг: Ткачева А.А. Индуистские мистические организации и диалог культур. – М., 1989. – 3-б.

[2] Қаранг: Поликарпов В.С. Наука и мистицизм в XX веке. – М., 1989.

неъматлар ишлаб чиқариш усули ётувчи маданиятга боғлиқ бўлади яъни мантиқий билимлар тизими анъана ва цивилизация ўрнатган чеклашлар билан белгиланади.

Фалсафа пайдо бўлишининг уч марказига мувофиқ мантиқнинг *эллинча, хиндча* ва *хитойча* анъаналари шаклланади. Бу анъаналарнинг ҳар бири ўз хусусиятига эга. **Антик Грецияда** назарий рефлексия ва мантиқнинг шаклланиш жараёни таҳлили унга сиёсий ва маданий ҳаётнинг десакрализацияси (антик даврга хос бўлган ҳодиса), юнон ҳарфли ёзувининг пайдо бўлиши, маънавий ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи кишилар томонидан тарғиб қилинган «беғараз кузатиш» идеали, ўта ривожланган юнон маданиятининг яратилиши, полис демократиясининг мавжудлиги каби омиллар таъсир кўрсатганлигини намойиш этади. Аксиоматик метод, исбот қилиш назарияси, аристотелча формал мантиқ асосларини антик социумдан қидириш ўринли бўлади. Бу ерда биз учун энг муҳим нарса шуки, классик формал мантиқ ўзининг истисно қилинган учинчи қонуни билан бирга христиан Европаси ва мусулмон Шарқи маданиятидан ўрин олди.

Қадимги Хитойнинг ижтимоий ва маданий тарихи алоҳида коҳинлар корпорациясининг йўқлиги, илмий тадқиқотлар амалдорлар бюрократик элитаси вакиллари томонидан бажарилиши, иероглифлар фетишизми, мистика, мантика ва ҳоказолар билан тавсифланади. Буларнинг барчаси мантиқий билимлар тизимининг догматик ва алгоритмик хусусиятини белгилайди. Унда исбот қилиш назарияси, мантиқ қонунлари йўқ, «иш» ва «исм» ўртасидаги фундамент ментал муносабат эса (у Европа маданияти доирасида яратилган «субъект – предикат» мантиқий муносабатидан фарқ қилади) амалда билишни исмлар воситасида қайд этадики, бу архаик маданий шаклларга хосдир.

Математик исботлаш анъанасидан келиб чиққан қадимги Грециянинг мантиқидан фарқли ўлароқ, **қадимги Ҳиндистон** мантиқи «турли мактаблар тарафдорларининг баҳс-мунозараларидан иборат бўлган интеллектуал ўйин негизида вужудга келган»[1]. Ҳиндча мантиқда

[1] Лионович М.Б. Очерк развития логических идей в культурно-историческом контексте. – Киев, 1979. – 95-б.

формал ўзгартириш ғояси мавжуд эмас, зеро у формал мантиқдан фарқли равишда бошқача принциплар асосида тузилган. Ҳиндча силлогистика «Кама-сутра»га шарҳлар тизимини ўзида ифодалайди, у реал нарсалар ва ҳодисалар мазмунини ёритишга қараб мўлжал олади. Ҳиндча мантиқ илмий ўрганиш реал жараёнидан келиб чиқади, бунда у ёки бу табиат феноменларини математик абстракциялар тилида тушунтириш айнан конкрет «шу ерда» ва «ҳозир» тушунтиришни ўзида ифодалайди. Формал исбот килиш назариясининг йўқлиги брахманча маданият оғзаки анъанага қараб мўлжал олиши билан изоҳланади.

Фалсафий инқилоб инсоният тарихида келтириб чиқарган оқибатлар зиддиятларга тўла. Бир томондан, жамиятнинг интеллектуал имкониятлари сезиларли даражада ошди, тарих янги циклининг пойдевори бунёд этилди. Кейинги даврлар маданияти ўз мумтоз манбаларидан баҳра олади. Бошқа томондан, янги фалсафий таълимотлар архаик, диний-мифологик маданият завол топганидан сўнг ҳосил бўлган маънавий бўшлиқни тўлиқ тўлдира олмади ва бу жамият қадриятлари ягона тизимининг вайрон бўлишига, сиёсий тизимлар барқарорлигига таҳдид солувчи ахлоқий бузуқликнинг кучайишига олиб келди.

Айни шу сабабли фалсафий таълимотларнинг ривожланиш жараёни билан бир қаторда барча динларни бирлаштирган дунёга руҳий, интуитив муносабатни, янги ахлоқий қонунни яратишга қодир бўлган халоскорни топиш йўлида изланишлар олиб борилди. Ўрта ер денгизи бўйидаги ҳудудларда, Ҳиндистон ва Хитойда синхрон тарзда юз берган бу жараён мафкуравий инқирозга барҳам берди ва жаҳон динларига, шу жумладан монотеистик динларга асос солди. Шу ерда эллинча, ҳиндча ва хитойча мантиқларнинг ўзига хос жиҳатлари жаҳон динларининг хусусиятида акс этди. Аниқроқ айтганда, хитойча ва ҳиндча мантиқларда истисно этилган учинчи қонуни йўқ, шу туфайли ҳам бу мамлакатларда политеизм ва монотеизм ўртасида танлашни амалга ошириш муаммоси мавжуд эмас. Айни шу сабабли хитой ва ҳинд динлари бошқа динларнинг мухлисларига нисбатан мафкуравий жиҳатдан кўпроқ даражада толерантлик билан тавсифланади. Хитой ва ҳинд маданий анъала-

рининг диний тасаввурларига кўра, олий ҳақиқатни (маънави абсолютни) инсоний тушунчалар тилида ифодалаб бўлмайди. Ушбу динларга кучли мистик мўлжаллар хослиги тасодифий бир ҳол эмас Эллинча мантиқ эса ўзининг истисно этилган учинчи қонуни билан бирга христиан ва ислом динлари тизимидан ўрин олди ва уларнинг монотеистик хусусияти кучайишига кўмаклашди. Ушбу динларда Исо Масиҳ (христианлар учун) ва Оллоҳ таоло (мусулмонлар учун энг олий ҳақиқатни ўзида мужассамлаштиради. Шарқона тусдаги политеистик динларга «юмшоқ» диний фанатизм хос бўлса, ғарб монотеистик динларига бошқа дин вакиллари ва ўзгача фикрлов чиларга нисбатан тоқатсизликни, баъзи ҳолларда эса ваҳшиёна шафқатсиз муносабатни ўз ичига олувчи ашаддий фанатизм хосдир.

Диний фанатизм феномени нафақат **ижтимоий-маданий даражага**, балки индивиднинг жисмоний борлиғи билан узвий боғлиқ бўлган **ижтимоий-психологик даражага** ҳам эга. Ижтимоий-психологик даражада диний фанатизм феномени тафаккур эмоциялар, туйғулар ва ҳоказоларни ўз ичига олган инсон руҳиятининг ҳолатларидан бири сифатида мавжуд бўлади. Бироқ инсон руҳияти ўз-ўзича моддий эмас ва бевосита идрок этилмайди. Масалан, бизнинг икки карра икки – тўрт, деган фикримиз бирон-бир моддий хоссага эга эмас. Бу ерда биз муқаррар тарзда ижтимоий символизм билан тўқнаш келамиз, яъни ўз фикримизни бошқа одамга билдириш ёки уни ўзимиздан ташқарида ифодалаш учун биз символлардан фойдаланишга мажбур бўламиз. Ички дунё ҳодисалари ўзликдан ташқарида намоён бўлишининг ҳар қандай кўриниши албатта символ бўлади. Бошқача қилиб айтганда, символ маънавий дунё белгисини ўзида ифодалайди. Инсон фаолиятида символлар тизимининг ўрни ва аҳамияти унинг ижтимоий мероси (ижтимоий хотира) механизми, маданиятни асраш ва авлодларга узатиш воситаси сифатидаги роли билан белгиланади.

Символлар фаолият субъекти томонидан қўйилган мақсадларга қараб дунё ҳақидаги тасаввурни ва дунёга бўлган муносабатни объективлаштиради. Шу муносабат билан одатда илмий, бадиий, мифологик, диний ва бошқа хил символлар фарқланади[1].

---

[1] Қаранг: Лосев А.Ф. Проблема символа и реалистическое искусство. – М. 1976. – 186–187-б.

Символ ўзининг диалектик зиддиятларга тўла табиати билан ажралиб туради. Символ ўзи пайдо бўлган ижтимоий дунё сценарийси сифатида, маданиятлар қатламидан ўтиб, ўзининг ягона моҳиятини сақлаб қолади, унга такрорланувчанлик хосдир. Маданият элементи сифатида символ бошқа маданий босқичлар ёки қадимга маданиятларга ишора қилади. Шу билан бир қаторда символ маданий контекст билан фаол ўзаро алоқаларга киришиши жараёнида уларнинг бир-бирига ўтиши юз беради. Бошқача қилиб айтганда, символнинг ягона моҳияти турли кўринишларда намоён бўлади. Вариантлилик хусусияти символга янги тажрибани тўплаш ва уюштириш имконини беради, яъни у ўзига хос хотира конденсатори сифатида амал қилади.

Символларнинг энг қадимги турлари саналган мифологик ва диний символлар ўз функцияларини расм-русумлар орқали бажарадилар. Расм-русумлар мифопоэтик ёки космологик даврда биринчи даражали аҳамият касб этади. Бу давр матнларида асосий эътибор тартибга солувчи космик асоснинг деструктив хаотик стихия билан курашига қаратилади[1]. Архаик тафаккурнинг космологик схемалари дунёнинг яралиши ҳақидаги мифнинг шумерча, бобилча, қадимги хитойча, полинезияча, сибирча вариантларида қайд этилган. Космологик даврнинг мифопоэтик дунёқарашига макрокосмос ва микрокосмосни, дунё ва инсонни айнийлаштириш хосдир.

Космологик даврда расм-русумлар инсон ижтимоий борлиғининг асосий шакли, унинг фаолият кўрсатиш қобилиятининг бош тимсоли ҳисобланади. Кейинчалик унинг негизида одамларнинг ишлаб чиқариш-иқтисодий, маънавий-диний ва ижтимоий фаолияти ривожланади. Айнан у борлиқнинг яхлитлигини ва у ҳақдаги билимларни идрок этиш имконини беради[2]. Расм-русумлар (символик фаолият) асосан мифни (символлар тизимини) ўзига бўйсундиради. Бу юз бермаган ҳолларда миф расм-русумлар замирида ётувчи ғояларни бошқача йўл билан ифодалайди. Бу символлар ижтимоий

---

[1] Қаранг: Топоров В.Н. О ритуале. Введение в проблематику // Архаический ритуал в фольклорных и раннеисторических памятниках. – М., 1988. – 9-б.

[2] Ўша ерда. – 16–17-б.

хотиранинг конкрет шакллари ҳисобланади. Инсоният ижтимоий-тарихий тажрибасининг барқарор схемалари, андозалари ва алгоритмлари инсон хотираси билан чамбарчас боғлиқ. Инсоният хотирасининг мавжудлиги замирида айнан инсон хотираси ётади, зеро айрим индивидлар миясининг хотирасисиз маданият тарихи ва тўпланган билимларни тасаввур қилиш ҳам мумкин эмас[1]. Инсон фаолиятига йўл кўрсатувчи онг унинг хотирасида қайд этилган билим ва тажрибадан фойдаланиш асосида фаолият кўрсатади, хотиранинг ўзи эса идрок этилаётган дунё билан боғликдир. Бинобарин, диний фанатизм феноменининг, кенгроқ маънода эса – диннинг таҳлили инсон хотирасининг ҳар хил турларини, айниқса руҳий хотирани ўрганишни талаб этади. Руҳий хотира инсон хулқ-атворига, унинг хатти-ҳаракатларига, кайфиятига ва бошқа индивидлар билан ўзаро муносабатларига сезиларли даражада таъсир кўрсатади. Руҳий хотира диний туйғуларнинг шаклланишида ҳам улкан роль ўйнайди. Руҳий хотира муайян руҳий ҳолатнинг ўзи ҳақидаги маълумотларнигина эмас, балки бу ҳолатнинг юзага келишини белгилаган вазият ҳақидаги маълумотларни ҳам ўз ичига олади[2]. Айни шу сабабли тегишли диний ақидалар билан чамбарчас боғлиқ бўлган турли расм-русумлар, одатлар ва маросимлар мазкур ақидалар хотирадан мустаҳкам ўрин олишини таъминлайди. Инсон ҳаёт фаолиятида руҳий хотира иштирокининг пинҳона шакллари мавжуд (аксарият ҳолларда руҳий хотира онгсизлик даражасида амал қилади). Ўзлаштирилган диний ақидалар инсон хулқ-атворини, айниқса диний фанатик хулқ-атворини ўз-ўзидан белгилайди. Шундай қилиб, инсон хотирасини ўрганиш жараёнида олинган маълумотлар дунёга диний ёндашувнинг, шу жумладан диний фанатизмнинг шаклланиш механизми ҳақида умумий тасаввур ҳосил қилиш имконини беради.

Диний фанатизмнинг хусусияти билан унинг **ижтимоий-психологик функциялари** ҳам узвий боғлиқ. Адабиётларда диний фанатизм муайян ижтимоий-психологик ва ижтимоий-дунёқарашга

---

[1] Қаранг: Механизмы памяти. – Л., 1987. – 3-б.

[2] Қаранг: Громова Е.А. Эмоциональная память и ее механизмы. – М., 1980. – 131-б.

доир функцияларни бажариши таъкидланади. Аниқроқ айтганда, диний фанатизмдан кишилар ўртасида диний адоват қўзғатиш, диний урушлар оловини ёқиш учун фойдаланилади. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун мусулмонларнинг кофирларга қарши «муқаддас уруши» - жиҳодни, «даҳрийлар», атеистлар ва ҳурфикрли олимларни таъқиб қилиш ва ўлдириш ҳолларини эслашнинг ўзи кифоя қилса керак. Бошқача қилиб айтганда, диний фанатизм инсоннинг социал хулқ-атворини, шу орқали барча ижтимоий муносабатларни тартибга солиш воситаси ҳисобланади.

Дарҳақиқат, бошқа индивидлар билан ўзаро муносабатларнинг муайян тизими доирасида инсон ўз ролини ўйнайди, алоҳида бир функцияни бажаради. У ижтимоий муносабатлар «ансамбли»даги (ижтимоий муносабатларнинг конкрет-локал тизимидаги) бу ролни лозим даражада ўзлаштиргач, ўз танасининг алоҳида ижтимоий функцияларни бажаришни физиологик ва психологик жиҳатдан таъминлайдиган аъзоларини тинимсиз машқ қилдиради. Табиийки, бу аъзолар нисбатан илдамроқ ривожланади ва пировардида ҳаттоки индивиднинг ташқи кўриниши ҳам у ҳаётда нима билан шуғулланишидан далолат бериши мумкин (масалан, зоҳидлар, тарки дунё қилган одамлар, иезуитлар ва шу кабиларнинг ташқи кўриниши)[1].

Диний фанатизм ижтимоий тизимнинг индивид бажарувчи алоҳида функцияларидан бирини ўзида ифодалайди. Бунда ижтимоий тизим ёки кенгроқ маънода ижтимоий муҳит ўз шакл-шамойилига эга бўлмаган, индивидлардан сиртдаги қандайдир механизм эмаслигини эътиборга олиш лозим. Амалда бу ҳар доим реал индивидлар ўртасидаги муносабатларнинг конкрет мажмуидир. Бинобарин, диний фанатизм муайян кишилар гуруҳи жамиятни бошқариш, ҳокимиятни амалга ошириш ва бойликларни эгаллаш учун фойдаланиши мумкин бўлган ижтимоий тизим функциясини бажаради.

Диний фанатизмнинг юқорида кўрсатилган функциялари конкрет ижтимоий-тарихий контекстга боғлиқ бўлади. Муайян

---

[1] Қаранг: Ильенков Э.В. Что же такое личность // С чего начинается личность. – М., 1979.

тарихий шароитларда диний фанатизм феодалларнинг халққа нисбатан чидаб бўлмас даражадаги жабр-зулмига қарши қаратилган, кучли миллий-диний ҳаракатларга йўлдош бўлган эди. Бунга ўрта асрлар Шарқида **мессионизм** (илоҳий халоскор келишига бўлган ишонч) ва **махдизм** (ислом мессионизми), ғарбий Европада эса – катарлар ҳаракати мисол бўлиши мумкин.

Катарлар («софлар») ҳаракати XII асрда Франция жанубида ва Шимолий Италиянинг бир қисмида кенг тарқалган эди. Уларнинг монийлик таълимоти ёмонликнинг дунёдаги ролини иблис амали сифатида мутлақлаштирар эди. Катарлар дунёвий ҳаёт чегарасидан ташқарида барча одамларнинг жонлари биродарларча муҳаббатда бирикишига ишонардилар. Шу туфайли ҳам улар ўзлари учун қуйидаги мақсадларни белгилаган эдилар: ҳаётнинг софлиги, маънавий баркамоллик, шаҳвоний майллар ва эҳтиросларни енгиш. Катарлар давлатни, жамоат тузилмалари, айниқса черковни рад этардилар, шу туфайли ҳам улар Инжилни халқ тилига ўгирдилар, расмий диний маросимлар ва расм-русумларнинг ҳар қандай шаклларидан воз кечдилар. Уларнинг жамоасига дунёвий эҳтиросларнинг барчасидан воз кечган кишилар раҳбарлик қилардилар. Уларнинг ваъзлари халқ муҳаббатини қозонган эди. Улар католик уламолар билан баҳсларда кўп карра ғолиб чиққан эдилар[1]. Катарлар ҳаётни ихтиёрий тарк этишни рағбатлантирардилар ва баъзан бу дунёни ўзларини ўзлари ўлдириш йўли билан тарк этардилар.

Дунёда ҳамма ёмон ишлар иблис амали ҳисобланишидан келиб чиқиб, катарлар эксплуатация, солиқлар ва ўлпонларга, ички нифоқлар ва урушларга, ижтимоий ва иқтисодий тенгсизликка, маълум даражада хусусий мулкка ҳам сабаб бўлган барча омилларни диний нуқтаи назардан қоралаганлар. Католик черков иблиснинг бундай амалларини муқаддас деб эълон қилгани боис, катарлар уни иблиснинг кучи деб эълон қилдилар. Шу туфайли ҳам католик черкови катарларга қарши шафқатсиз кураш бошлади, қирғин-

---

[1] Қаранг: Уколов В.И. Церковь и ереси в Западной Европе (V – XV вв.) // Научный атеизм, религия и современность. – Новосибирск, 1990.

барот «альбигой урушлари»га фатво берди ва фанатик муассаса – муқаддас инквизицияни ташкил этди.

Бошқа тарихий шароитларда диний фанатизмдан черков ва маъмурлар даҳрийларни жазолаш учунгина эмас, балки ўз ҳокимиятини кучайтириш учун ҳам фойдаланганлар. Мисол тариқасида католик черков диний фанатизмдан ўрта асрлар ғарбий Европасида ҳокимият учун курашда қандай фойдаланганлигини кўриб чиқамиз. Айни ҳолда диққатга сазовор нарса шуки, черков ўз мақсадларига эришиш йўлида «Исо Масиҳ салтанати»га кўр-кўрона ишонч, аскетизм ва таркидунёчиликдан фойдаланади. Ўрта асрлар католицизмида аскетик идеалларга мойиллик ва дунёвий ҳаётда черковнинг ҳукмронлигини ўрнатишга интилиш кузатилади. Аскетизм ва ҳукмронлик идеаллари мажусийликдан халос бўлиш ва черков рим давлати устидан ғалаба қозонган даврда христианликнинг кайфияти билан бевосита боғланади.

Рим папасининг теократик ҳокимияти бир-бирини истисно қилувчи икки принцип – **аскетизм** (таркидунёчилик) ва **бутун дунёга ўз ҳукмини ўтказишга** асосланади. Ўрта асрлар ғарбий Европа тарихи шу икки принципнинг ўзаро алоқасидан дарак беради: «Аслида дунёвий ҳаётга нафрат шиори ёзилган байроқ остида папалик ўзининг дунё устидан энг буюк ғалабаларини қўлга киритади; аскетик идеализм йўлида папалар черковни ўзгартирадилар ва унга дунё миқёсида улкан куч-қудратга эришиш имконини берган ташкилотни яратадилар; дунёвий ҳаётдан қайтган монахлар черковда ва дунёда папанинг жаҳоний ҳокимияти ғоясини тарғиб қилиш, унинг манфаатларини ҳимоя қилиш, уни мустаҳкамлаш ва кенгайтиришга кўмаклашиш учун дунёвий ҳаётга қайтариладилар; ўз монастирларини тарк этар эканлар, уларнинг ўзлари прелатлар ва папалар сифатида яккаҳокимлик ғоясини рўёбга чиқариш учун бутун дунёни забт этадилар»[1]. Шундай қилиб, аскетизм, таркидунёчилик ва худога сиғиниш католик черков қўлида ўз мақсадларига эришиш учун қудратли қурол бўлиб хизмат қилади.

---

[1] Прелат – католик ва англикан черковларида юқори мансабга эга бўлган руҳоний. Герье В. Западное монашество и папство. – М., 1913. – 2-б.

Бу қуролларнинг аксариятини христианлик ўтган замонлар ва маданиятлардан ўзлаштиради ва уларни папа ҳокимиятининг эҳтиёжлари билан мувофиқ ҳолатга келтиради. қадимги дунё дини ва фалсафаси аскетизм ва таркидунёчиликни тарғиб қилади. Христианлик эса худонинг салтанатини бу дунёдан айри деб эълон қилади; аскетизм, таркидунёчилик замирида Шарқда вужудга келган монийлик таълимоти (зардуштийлик, христианлик ва гностицизм синтези) ётади; аскетизм билан қадимги юнон фалсафаси неоплатонизмда якунланади. Авлиё Августин ўз асарлари устида ишлар экан, айни шу уч манбага (неоплатонизм, монийлик, христианликка) таянади, боз устига унинг ўзи ҳам аскетизмни тарғиб қилади ва ўз таълимотида уни юксак ўринга қўяди[1].

Ўрта асрлар Ғарбий Европа жамиятининг аскетик кайфияти ва рим-католик черковининг истилочилик ҳаракатлари ўртасидаги контраст ўрта асрлар тарихига хос хусусият ҳисобланади. Бу ерда биз «мавжуд талаблар ва шароитларга зид равишда воқеликни ўзгартиришга интилаётган монахлар ва папалар ҳамда мазкур ғояларни сиёсий қуролга айлантираётган сиёсатчилар билан қаторда дунё учун жон фидо қилаётган аскетларга ва дунёни ўз ноғорасига ўйнатиш учунгина монахлик интизомида тобланган фанатиклар»га дуч келамиз[2]. Аскетизм ва черков иерархиясини ёқловчилар дунёда теократия ҳукмронлигини ўрнатиш ва инсон ҳаёт фаолиятининг барча соҳалари – сиёсат, иқтисод, ҳуқуқ, адабиёт ва фанни ўрта асрлар дунёқарашига бўйсундириш учун тинимсиз кураш олиб борадилар.

Ўрта асрларда католик черковининг даромадлари ва мол-мулки кўпаяди. Ғарбда барқарор марказлашган ҳокимият йўқлиги шароитида католик черкови ғарбий Рим империяси ҳудудида вужудга келган варварлар қиролликларининг қироллари ташлаб кетган улкан бойликларни ўзлаштиради[3]. Диний фанатизм рим

---

[1] Қаранг: Августин. О благодати и свободном произволении. – М., 1987.

[2] Герье В. Западное монашество и папство. – М., 1913. – 4-б.

[3] Қаранг: Корсунский А.Р., Гюнтер Р. Упадок и гибель Западной Римской империи и возникновение германских королевств. – М., 1984.

папалари ўз бойликларини сақлаб қолишларигагина эмас, балки улар кўп карра кўпайишига ҳам кўмаклашади, зеро у черковнинг иерархиявий марказлашган ҳокимиятига таянади. Диний фанатизм рим-католик черковининг жамиятни тоталитар усуллар билан бошқариш йўлидаги интилишларини қўллаб-қувватлаш воситаларидан бири бўлиб хизмат қилади.

Диний фанатизмнинг кенг тарқалиши халқ урушларига сабаб бўлиши мумкин. Буни Хитойдаги тайпинлар қўзғолони (1850–1864 йиллар) мисолида кузатиш мумкин. Консерватив тусдаги халқ ҳаракатларининг айримларига (Хитойдаги ихэтуанлар қўзғолонидан Эрондаги ислом инқилобигача) ҳам диний фанатизм йўлдош бўлган. Рус дипломати И.Я.Коростовец Хитойдаги боксерлар қўзғолони ҳақида шундай деб ёзади: «Хитойдаги кўпгина халқ ҳаракатлари каби, бу ҳаракат ҳам ғайритабиийлик унсуридан холи эмас эди. Боксерларнинг раҳнамолари империяни ҳимоя қилиш ва ажнабийларни қувиб чиқаришни ўз шиорига айлантириб, умрбоқийлик ва бенуқсонлик ҳақидаги ваъдалар билан издошларни жалб қила бошлайдилар. Ҳақиқий боксер ўлиши мумкин эмас, ўлган тақдирда ҳам у тирилиши лозим, деган фикр пайдо бўлади. Ғайритабиийликнинг, магик кучнинг бу элементи шаҳарликларнигина эмас, балки ирим-чиримларга айниқса ишонувчан бўлган қишлоқ муҳитига мансуб кишиларни ҳам боксерлар сафларига торта бошлайди»[1]. Ихэтуанларнинг бундай иттифоқига намуна бўлиб ўғил болалар устозлар раҳбарлигида дао гимнастикаси билан шуғулланадиган, қиз болалар эса умрбоқийликни таъминловчи «фалсафа тоши»ни топиш йўлида изланадиган диний уюшмалар хизмат қилади.

Ихэтуанлар турли расм-русумларни фақат бир мақсадда – руҳни ёрдамга чақириш ва у сиғинаётган одамнинг танасига ўрнашиб, уни ғайритабиий куч билан тўлдиришига эришиш учун бажарар эдилар. Гавжум йиғилишларда ва ўз шиорларида ихэтуанлар барча

[1] Иқтибос қуйидаги манбадан олинди: Сндихменов В.Я. Маньчжурские правители Китая. – М., 1985. – 177-б.

хитойликларни ажнабийларга қарши бош кўтаришга чақирардилар, европаликларга қарашли уйларнинг айримларига қон билан белги қўярдиларки, бу уларга ўт қўйиш лозимлигини англатарди. Лўнда қилиб айтганда, ихэтуанлар аҳолида ажнабийларга нисбатан нафрат уйғотиш учун мавжуд имкониятларнинг барчасини ишга солишга ҳаракат қилардилар. Натижалар ўзини узоқ куттирмайди: ихэтуанлар ўз рақибларига мисли кўрилмаган даражада шафқатсизлик билан муносабатда бўладилар, жинси ва ёшидан қатъи назар, барча христианларни қириб ташлайдилар, улар яшайдиган мавзелар ёки қишлоқларни эса култепаларга айлантирадилар. Аёл император Циси олиб борган хиёнаткорона сиёсат натижасида аввал ихэтуанлардан ажнабийларни кириб ташлаш учун, кейин ажнабийлардан ихэтуанлардан қутулиш учун фойдаланадилар, қўзғолон умумхалқ тусини олмайди ва қонга ботирилади.

Энди ўтган асрнинг 70-йиллари охирида Эронда юз берган, ғарбда нашр этилган адабиётларда «ислом инқилоби» деган ном олган воқеага тўхталамиз. Инқилоб арафасида Эронда юзага келган вазият ҳақида тасаввур ҳосил қилиш учун шоҳ Муҳаммад Ризо Паҳлавийнинг «Буюк цивилизация сари» деб номланган китобини варақлаш ўринли бўлади деб ўйлаймиз. Ушбу китобда қуйидаги сўзларни ўқишимиз мумкин: «Бугун биз Ғарбни қувиб етиш учун узоқ йўлни босиб ўтишимиз керак. Аммо «қувиб етиш»нинг ўзи кифоя қилмайди. Мамлакатимиздаги шароит Ғарбда мавжуд бўлган шароитлардан сезиларли даражада фарқ қилади, шу туфайли ҳам биздан уларга мослашиш талаб этилади. Биз ғарб технологиясини ўз маданиятимизга, маданиятимизни эса технологияга мослаштиришимиз керак. Муаммони ечишнинг янги йўли шудир»[1]. Кўриб турганимиздек, амалда ғарбга хос бўлган ривожланиш йўлига қараб мўлжал олувчи «цивилизацияни яратиш»га нисбатан шоҳнинг ёндашуви соф дунёвий тусга эга, чунки у уламолардан холи бўлган ислом ҳақида сўз юритади. Шоҳ Муҳаммад Ризо Паҳлавий ўз китобида уламоларни намойишкорона эътибордан соқит этади.

[1] Иқтибос қуйидаги манбадан олинди: Иранская революция 1978-1979 гг.: Причины и уроки. – М., 1989. – 75-б.

Ўз-ўзидан равшанки, уламолар ҳам бунга қўл қовуштириб қараб турмайдилар: улар халқни шоҳ режимига қарши намойишларга олиб чиқадилар, масжидлардаги ваъзларида шоҳнинг империалистик давлатлар, айниқса АҚШ билан ҳамкорлигини аёвсиз танқид тиғи остига оладилар, мусулмонлар онгига фанатизм унсурларини изчил сингдирадилар. Натижада аъвом халқ оёққа туради ва серҳашам дўконларни талон-торож қилади, дабдабали автомобилларга ўт қўяди. Ўз-ўзидан равшанки, «стихияли» тарзда ташкил этилган бундай ҳаракатлар полиция ва армия отрядлари билан тўқнашув натижасида қурбонлар билан тугайди. Бундан ташқари, фанатикларнинг гуруҳлари кинотеатрлар ва ресторанларга, спиртли ичимликлар ва ғарб эстрадаси мусиқаси ёзувлари билан савдо қилувчи дўконларга, банкларнинг бўлимларига ва муллалар ўз ваъзларида «ширк» деб эълон қилган бошқа муассасаларнинг биноларига ўт қўядилар, уларни портлатадилар.

«Ислом инқилоби» содир бўлганидан сўнг Эрон уламолари доимий итоаткорликни қарор топтириш учун омма онгини ўз ҳукмига бўйсундириш зарурияти билан рўбарў бўладилар. Бунга эришиш воситаси сифатида жамият маънавий ҳаёти ва турмушининг барча соҳаларини исломийлаштириш танланади. Ўрта асрлар мусулмон жамияти атрибутлари билан бойитилган исломий «оммавий маданият»ни кенг ёйиш жараёни бошланади.

Бундай «маданий инқилоб» мамлакатни «ғарб ва худосизлар таъсиридан фориғ этиш»[1] учун давлат аппаратини сезиларли даражада янгилашни талаб қилар эди. Ҳумайнийчилар (Эрон уламолари раҳбари аятулла Ҳумайний тарафдорлари) «Оллоҳ душманлари» - буржуа либераллари ва сўл кучлар вакилларини йўқ қилиб ташлашга чақирадилар. Университетларнинг профессор-ўқитувчилар таркиби ва талабаларига, шунингдек Ғарбда маълумот олган зиёлиларга ҳам қақшатқич зарба берилади. 1980 йилнинг июнида олий ўқув юртларидан жами йигирма минг талаба ва икки минг ўқитувчи ҳайдалади. Кўчаларда муллалар ва исломий тартиб

[1] Қаранг: Иранская революция 1978-1979 гг.: Причины и уроки. – М., 1989. – 254-б.

қўриқчилари билан талабалар ва қитувчилар ўртасида юз берган тўқнашувлар натижасида бир неча юз талаба камоққа олинади, яраланади ва ҳалок бўлади[1]. Шундай қилиб, мамлакатнинг интеллектуал кучлари тор-мор келтирилади, бу эса мамлакат тараққиётини мисли кўрилмаган даражада катта зарар келтиради. Юқорида баён этилганлар диний фанатизм ғарб турмуш тарзига қарши, ҳозирги замон фани ва техникаси билан боғлиқ бўлган бегона қадриятларнинг олиб кирилишига қарши қудратли ҳужумга айланган инқилобга қандай қилиб консерватив тус берганлигига мисол бўлади.

Шарқ цивилизациялари минг йиллик диний анъаналарининг кенг қатламларидан чуқур ўрин олган **диний фанатизм** айрим шарқ мамлакатлари аҳолисининг онги, турмуш тарзи ва сиёсатига ҳали узоқ вақт жиддий таъсир кўрсатса керак. Таниқли шарқшунос олим Л.С.Васильев вазиятни тавсифлар экан, шундай деб ёзади: «Гарчи бугунги кунда ривожланиш суръатларининг сезиларли даражада жадаллашуви Шарқ цивилизацияси анъаналарини тинимсиз ўзгараётган вазиятга жадалроқ суръатлар билан, янгича ёндашишга мажбур қилаётган, бу консерватив анъаналарнинг янгиланишига, давлат структурасининг эркинлаштирилишига, цивилизациянинг ўзи аста-секин ўзгаришига олиб келиши лозим бўлса-да, бу жараёнларнинг барчаси ҳаддан ташқари илдам бўлиши мумкин эмас»[2]. Бинобарин, диний онг таркибидан ўрин олган фанатизмнинг шарқ цивилизацияларига таъсири ҳали-бери тўхтамаса керак.

Диний фанатизм асослари, хусусияти ва функцияларининг юқорида амалга оширилган таҳлили *диний фанатизм инсон ва ижтимоий гуруҳларнинг стихияли ижтимоий жараёнга, кишиларнинг онгли назорати билан қамраб олинмаган ижтимоий кучлар ҳаракатининг мажбурий хусусиятига, яъни ўз ижтимоий муносабатларининг бегоналашувига қарши ўзига хос қалқони ҳисобланади*, деган хулосага келиш имконини беради. Жамият

[1] Ўша ерда. – 255-б.

[2] Васильев Л.С. История религий Востока. – М., 1988. – 407-б.

стихияли кучларининг шикастли таъсири ҳам одамлар онгида «эгри» диний тасаввурлар пайдо бўлишига олиб келади. Диний фанатизмнинг вужудга келишига инсон эмоциялари - қўрқув, нафс, муҳаббат, нафрат ва ҳоказолар, шунингдек фетишистик фантазиялар ҳам анча кучли таъсир кўрсатади. Диний фанатизм феноменининг вужудга келишида қўрқув алоҳида ўрин эгаллайди. Ушбу туйғунинг кучлилик даражаси ва амалда намоён бўлиш шакллари кўп жиҳатдан инсон борлиғининг ижтимоий шароитлари билан белгиланади. Диний фанатизмнинг ўзи индивид ва гуруҳларнинг деформацияланган кўринишдаги диний қадриятлар тизимига бўлган муайян муносабати сифатида бегоналашиб кетган ижтимоий борлиқни акс эттиради. Ижтимоий борлиқ кўп вариантли, ўзгарувчан бўлгани боис, унинг деформацияланган инъикоси диний фанатизм шаклларининг ранг-баранглигида ўз ифодасини топади. Қуйида уларга батафсилроқ тўхталамиз.

Диний фанатизмнинг шакл-шамойиллари. Ижтимоий жараёнларни бошқариш кишилик тарихида барча замонларда ҳам долзарб аҳамият касб этган, у индивид онгининг фаоллиги, унинг изчил ижтимоий хулқ-атвори билан узвий боғлиқ. Н.Ф.Наумованинг «Изчил хулқ-атворнинг социологик ва психологик жиҳатлари» китобида индивидуал мавжудлик даражасида стратегик мақсадларни белгилаш механизми очиб берилган[1]. Ушбу механизм муқобиллик, антиномиялилик, мақсадни белгилашнинг асосий элементлари ўртасидаги алоқа, вақтнинг нооптималлиги ва уни структуралаштириш принципларига асосланади.[2] Биз учун вақт билан боғлиқ бўлган охирги принцип айниқса диққатга сазовордир, зеро у иррационал хулқ-атвор шаклларидан бири ҳисобланган диний фанатизмни оқилона тушунтиради.

Мақсадни белгилаш инсон фаолиятининг фундаментал хусусияти сифатида объектив ва субъектив вақт билан чамбарчас боғлиқ[2]. Вақт инсон дунёси мавжудлигининг объектив шаклигина эмас, балки

[1] Қаранг: Наумова Н.Ф. Социологические и психологические аспекты целенаправленного поведения. – М., 1988.

[2] Қаранг: Поликарпов В.С. Время и культура. – Харьков, 1987.

кишиларнинг изчил фаолияти воситаси ҳамдир. Шу туфайли ҳам вақтни структуралаштириш, вақтни ичдан ҳис қилиш билан боғлиқ қадриятларга қараб мўлжал олиш инсон ҳаётида биринчи даражали аҳамият касб этади. Вақт инсоннинг руҳий кечинмаларида муҳим роль ўйнайди, бунда мазкур кечинмалар усули унинг дунёга бўлган муносабатига ва турмуш тарзига сезиларли даражада таъсир кўрсатади. Инсон вақтга руҳан мослашувининг бир нечта йўллари маълум. Улардан келиб чиқиб, психологик дунёнинг тўрт типини ажратиш мумкин: 1) *гедонистик кечинмалар дунёси* (ҳозирги вақтга қараб мўлжал олиш); 2) *реалистик кечинмалар дунёси* (келажакка қараб мўлжал олиш); 3) *қадриятлар сифатидаги кечинмалар дунёси* (ички дунё абадият принципига бўйсунади); 4) *ижодий кечинмалар дунёси* (ўтмиш, келажак ва абадиятнинг ноаддитив синтези). Табиийки, бу кечинмалар дунёларини эмпирик даражада қайд этиш қийин, зеро реал индивид ҳаётида бир нечта усуллар бирикиши мумкин. Биз учун вақтни ҳис қилишнинг учинчи типи муҳим, чунки у ижтимоий тизимнинг алоҳида функцияларидан бири ҳисобланадиган ва инсон миясининг фаолият дастурлари орқали амалга ошириладиган диний фанатизм билан бевосита боғлиқ. Ижтимоий тизим ўз ичида реал индивидлар ўртасидаги муносабатларнинг турли локал «ансамбллари»га бўлинади. Диний фанатизм шаклларининг ранг-баранглиги ҳам айни шу омил билан белгиланади. Бу ерда диний фанатизмнинг диний *меъёрлар ва ақидаларга сўзсиз риоя қилиш* (монахлик), *таркидунёчилик* (аскетизм), *диний мутаассиблик, ўтакетган жаҳолатпарастлик* каби шаклларини ажратиш мумкин. Шунга мос равишда диний фанатикларнинг «типлари»ни ҳам (бир чеккада томошабин бўлиб кузатиб турувчи пассив диний фанатиклардан экстремистик ғоялар билан руҳланган диний фанатикларгача) ажратиш мумкин. Диний фанатизмнинг юқорида санаб ўтилган барча шакллари замирида вақтни абадият сифатида ҳис қилиш ётади.

Диний фанатизм шакллари ва уларга мос келувчи фанатиклар типларининг ранг-баранглиги соф психологик ҳодисалар билан бир қаторда эсхатологик, мессианистик омиллар, маданий анъаналар,

конкрет ижтимоий-тарихий шароитлар билан ҳам боғлиқ. Чунончи, католиклар ва православларнинг маънавий қадриятлари ўртасидаги фарқлар ўз илдизлари билан маданиятларнинг, цивилизацияларнинг ўтмишига бориб тақалади[1]. Христианлик доирасида асрлар мобайнида икки йўналиш шаклланган ва амал қилади: улардан бири Рим ва ғарб атрофида (католицизм), иккинчиси эса – янги Рим ёки Константинополь, шунингдек Греция атрофида (православие) мужассамлашади.

Биринчи йўналиш – католицизм диний таълимот ва черков ташкилоти сифатида 1054 йилда черковларнинг бўлинишидан кейин вужудга келади. Католицизм христианликнинг асосий ақида ва маросимларини эътироф этади. Айни вақтда унинг ўзига хос ақидалари ҳам бор. Католицизм муқаддас руҳ фақат худо-отадан эмас, балки худо ўғилдан ҳам пайдо бўлган, Рим папаси Исонинг ердаги ноиби, у дин ва ахлоқ ишларида гуноҳ қилмайди, унинг ҳокимияти жаҳон соборлари ҳокимиятидан юқори туради, деб ҳисоблайди. Католицизм фақат муқаддас битик (Библия)ни эмас, балки муқаддас ривоятни ҳам диний таълимотнинг манбаи деб билади. Православиедан фарқли ўлароқ, католицизмда муқаддас ривоятга католик черковлари жаҳон соборларининг қарорлари ва папанинг фикрлари ҳам қўшилган. Руҳонийларнинг уйланмаслиги, Биби Марям бокира бўла туриб Исони туғиши, унинг жисми осмонга кўтарилиб кетиши ақидасини эътироф этиш, эътиқод тимсолига аъроф ақидасини қўшиш католицизмга хос хусусиятдир[2].

Иккинчи йўналиш – православие дастлаб Византия империясининг давлат дини бўлганлиги учун унинг тарихий ривожланиш хусусиятларини ўзида акс эттиради. Православие оламнинг яратувчиси ва бошқарувчиси муқаддас учлик (троица)дан иборат ягона худо эканлиги, нариги дунё тўғрисидаги, дастлабки гуноҳ

---

[1] Қаранг: Braudel F., Coarelli F., Aymard M. Morze srodziemne. Region i jego dzije. – Gdansk, 1982. – 102–103-б.

[2] Қаранг: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 4-жилд. Зебуннисо – Конигил. Таҳрир ҳайъати: М.Аминов, Т.Даминов, Т.Долимов ва б. – Т.: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти, 2002. – 504-б.

туфайли азоб-укубатларга дучор қилинган инсоният нажот топишига имкон берувчи Исо Масиҳнинг халоскорлик миссияси ҳақидаги ақидаларини тан олади. Черковнинг худо ва одамлар ўртасидаги воситачилик ролига алоҳида эътибор беради. Православиеда христианларнинг етти сирли маросими асосий ўрин эгаллайди. Пасха ва постларга катта аҳамият берилади. Католицизмда қабул қилинган айрим ақидалар (муқаддас руҳнинг фақат ота худодангина эмас, балки ўғил худодан ҳам келиб чиқиши, покланиш макони) православиеда эътироф этилмайди. Баъзи сирли маросимлар бошқачароқ ўтказилади. Католицизмдан фарқ қиладиган яна бир жиҳати шундаки, православиеда ягона марказ, ягона бошлиқ йўқ, балки ўн бешта мустақил черков мавжуд[1].

Шуни қайд этиш лозимки, католицизм ва православиеда диний фанатизмнинг намоён бўлиш шакл-шамойиллари ҳам бир хил эмас. Католиклар дунёсида фанатизм агрессив хусусият касб этган, ўзгача фикрловчиларга қарши қаратилган, ҳокимият ва бойлик кўринишида «дивидендлар» келтирган. Ф.М.Достоевскийнинг «Телба» романи қаҳрамони: «Менимча, рим католицизми ҳатто дин ҳам эмас, балки Ғарбий Рим империясининг тадрижий давоми ва унда ҳамма нарса, диндан бошлаб, шу фикрга бўйсундирилган. Папа ерни, дунёвий тахтни ишғол қилди ва қўлига қилич олди; бу шундан бери давом этиб келади, фақат қиличга ёлғон-яшиқ, олғирлик, алдов, фанатизм, бидъат, ёвузлик қўшилган, халқнинг энг муқаддас, ҳаққоний, содда, оташин туйғулари билан ўйнашадилар, ҳамма, ҳамма нарсани пулга, тубан дунёвий ҳокимиятга алмаштириб юборганлар»[2], дейиши тасодифий бир ҳол эмас. Православиеда эса бошқа одамга қарши қаратилган бундай ашаддий фанатизм йўқ, чунки рус кишисига, яна ўша Ф.М.Достоевский таъбири билан айтганда, «*инсонда инсонни топишга интилиш*» хосдир. Бироқ крепостнойлик тартиби ҳукм сураётган Россиянинг ижтимоий воқелиги шароитида буни амалга

---

[1] Қаранг: Фалсафа: қомусий луғат (Тузувчи ва масъул муҳаррир Қ.Назаров). – Т.: "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти, 2004. – 334-б.

[2] Достоевский Ф.М. Собр. соч.: В 10-ти т. Т.6. – М., 1957. – 615-б.

ошириш мушкул иш эди. Ҳақиқий инсонни фақат «ўзга» дунё – илоҳий нур ва муҳаббат дунёсида излаш мумкин эди. Айни шу ҳол православ раскольниклари диний фанатизмга юз тутишларига – омма қаршисида ўзларига ўзлари ўт қўйишларига туртки берган омиллардан бири ҳисобланади[1].

Шу нуқтаи назардан олиб қараганда, француз мутафаккири Р.Жирарнинг *христиан гарбининг маданий ривожланиши замирида Исо Масиҳ ўлимини ўзини ўзи қурбон қилиш сифатида сохта тушуниш ётади, аслида эса Исо, ўз жонини фидо қилар экан, Худонинг одамларга бўлган чин муҳаббатини тасдиқлаган*, деган фикри диққатга сазовор. Бу фикрни у ўзининг «Гераклит логоси ва Иоанн логоси» асарида ривожлантиради. Бу ерда у эркин фуқароларнинг зўравонлигини ифодаловчи Гераклит логоси ва қулларни бўйсундиришга қаратилган зўрликни қайд этувчи Иоанн логосини бир-биридан ажратиш имконини берувчи белгиларни кўрсатади[2]. Бу асарда муаллиф Яҳёни шафқатсиз подшо хусусиятларига эга худога айланишига имкон берувчи пайғамбарлар фанатизми анъанасигагина эмас, балки иудаизм ва христианликни тўлалигича қуллар учун яратилган, қулларга хос бўлган тафаккур ифодаси сифатида тавсифловчи Ницше анъанасига[3] ҳам ишора қилади. Иудаизм ва христианликнинг ўн амри ушбу талқинда интериоризация қилинган жабр-зулмдан бошқа нарса эмас.

Энди диний фанатизмнинг турли шакллари ва фанатикларнинг уларга мос келувчи типлари таҳлилига ўтамиз. „Қадим замонларда Сурия-Фаластин минтақаси бўйлаб, шу жумладан яҳудийлар жамиятида кенг тарқалган пайғамбарлик диний фанатизмнинг шаклларидан бири ҳисобланади[4]. Аввалambор шуни қайд этиш лозимки, ўз табиатига кўра пайгамбарлик баъзи бир унсурларига

---

[1] Қаранг: Прошин Г. Черное воинство. – М., 1988. – 164-б.

[2] Қаранг: Girard R. Logos Heraciita i logos Jana // Studia filozoficzne, 1988, № 10. – 181–183-б.

[3] Қаранг: Ницше Фридрих. Антихристианин // Сумерки богов. – М., 1989. – 19–35-б.

[4] Батафсилроқ қаранг: Шифман И.Ш. Ветхий завет и его мир. – М., 1987.

деярли барча динларда дуч келиш мумкин бўлган шаманизмга ўхшаб кетади. Пайғамбарларнинг ваъзларига худо номидан гапириш хос бўлган. Бу ваъзлар ёзиб олинган ва кейинчалик пайғамбарларнинг ўзлари ва уларнинг шогирдлари томонидан қайта ишланган. Шу тариқа пайғамбарларнинг китоблари пайдо бўлган. Пайғамбарлар жамият ҳаётида муҳим роль ўйнаганлар, зеро Худонинг амрларини имо-ишора тарзида ифодалаш орқали улар жамият эркин аъзоларининг сиёсий фаоллигига таъсир кўрсатганлар.

Иудаизмдаги пайғамбарлик ҳаракатига мажусий кўп худолиликдан воз кечиш ва Яҳё яккахудолигининг қарор топиши, ёвузлик, адолатсизлик, ёлғон ва жабр-зулмга ўрин бўлмаган ижтимоий адолат салтанати сифатидаги бўлғуси жамият манзарасининг яратилиши хосдир. Бироқ бу жамият фақат мазкур халқ учун мўлжалланган. Вақт ўтиши билан инсон шахсиятини индивидуал камол топтиришни тарғиб қилиш асосида бутун жамиятни ўзгартириб бўлмаслиги, бу ижтимоий утопиядан бошқа нарса эмаслиги аён бўлади. Шу туфайли ҳам дунёни янги, одилона асосларда қайта қуришни амалга оширишга фақат халқининг барча гуноҳлари ва жиноятларини ўз азоб-уқубатлари билан ювувчи ва шу тариқа уни жазодан халос этувчи жафокаш (мессия) қодир, деган ғоя пайдо бўлади. Пировардида милоддан аввалги I минг йилликнинг биринчи ярмидаги пайғамбарлик ҳаракати иудаизм ўзгача фикрловчиларга ва бошқа динга эътиқод қилувчиларга тоқатсиз бўлган монотеистик динга айланишига олиб келади[1].

Кейинчалик Яҳёни бирдан-бир чин Худо, осмон ва ер бунёдкори деб биладиган, даставвал ўзига ёт бўлган жоннинг ўлмаслигини тан оладиган, ашаддий фанатизм билан тавсифланадиган иудаизм ўз ривожланиш йўлида замирида якка Худо ва жоннинг ўлмаслиги концепцияси ётувчи вульгарлашган юнон фалсафасига дуч келади. Юнон фалсафаси ва иудаизмнинг синтези натижасида диний фанатизмни ҳам қон-қонига сингдирган христианлик дини вужудга келади.

---

[1] Қаранг: Шифман И.Ш. Ветхий завет и его мир. – М., 1987. – 72-б.

Христианликда диний фанатизм шаклларидан бири *монастирларда амал қилувчи диний меъёрлар ва аҳдларга қатъий риоя этиш* ҳисобланади. Черков монахга Исо Масиҳ аскари сифатида қарайди. Аскар ўзига қуролни ишониб топширган давлатга садоқатини қасамёд келтириш йўли билан тасдиқласа, тарки дунё қилган одам монахлик рутбасини аҳд бериш орқали қабул қилади. Аскарнинг хулқ-атвори ҳарбий низомлар билан белгиланса, монах ўзи яшаётган монастирда амал қилувчи диний қоидаларга бўйсунади. Монахнинг машаққатларга тўла йўлидаги биринчи қадам итоатгўйлик ҳисобланади. Монахлик дунёқараши, иноклар аҳдлари ва монастир уставлари асосларини яратган Пахомийнинг фидойилиги итоатгўйликнинг олий намунаси бўлиб хизмат қилади[1].

Диний фанатизмнинг бошқа бир шакли «аскетик жасоратлар» ва итоатгўйлик билан узвий боғлиқ бўлган *зоҳидлик ёки дарвешлик* ҳисобланади. Диний ақидаларга мувофиқ инсондаги шахсий асосга илоҳий асос билан айнийлаштирилган муҳаббат қарама-қарши қўйилади. Ҳаворий Иоанн: «Худо севгидир. Севгини дилига жо қилган киши Худо билан бир тан бўлиб яшайди. Худо ҳам унинг вужудида яшайди» (1 Иоан. 4, 16), дейди. Салиб юришлар даврининг машҳур монахи Бернард Клервоский яратган монахлик ахлоқининг моҳияти илоҳий севгини муттасил мадҳ этишдан иборат, аскетизм эса севгида камол топиш воситаси ҳисобланади. Бу ерда аскетизмнинг бутунлай бошқача талқини намоён бўлади, зотан илгари фидойилик жисмоний азоб-уқубатларга дош бериш сифатида, руҳ ва ироданинг жисм устидан ғалабаси сифатида қаралар эди. Бернард Клервоский Худони севишни монах фидойилигининг чўққиси сифатида талқин қилади ва уни умуминсоний фазилатлар орасида ҳам энг юксак ўринга қўяди[2].

Диний фанатизмнинг ўзига хос шаклларидан бири *ўзига ўзи ўт қўйиш* ҳисобланади. Диний фанатизмнинг бу шакли асосан *рус православ раскольникларига* хос[3]. Ўзига ўзи ўт қўйиш деҳқонлар

---

[1] Бу ҳақда батафсилроқ қаранг: Прошин Г. Черное воинство. – М., 1988.

[2] Қаранг: Герье В. Западное монашество и папство. – М., 1913. – 41-б.

[3] Қаранг: Никольский Н.М. История русской церкви. – М., 1988; Прошин Г. Черное воинство. – М., 1988; Русское православие: вехи истории. – М., 1989.

орасида кенг тарқалган бўлиб, патриарх Никон томонидан ашаддий фанатизм билан ҳаётга татбиқ этилган «антихрист» мафкураси билан боғлиқ эди. Унинг фаолияти ва сиёсати черков оламий ҳокимиятни қўлга киритишига эришишга қаратилган эди. Ушбу иддаолар замирида XI асрда Киев митрополити Иларион томонидан яратилган, «Худонинг марҳамати ҳукм сурувчи салтанат», «Янги Исроил» сифатидаги Рус ҳақидаги қоида илгари сурилган «Қонун ва Худонинг марҳамати ҳақида сўз» ётарди. Патриарх Никон ерда Худодан кейин иккинчи бўлишни орзу қиларди, бунда подшо учинчи ўринга тушар эди. Черков ислоҳотлари натижасида дин аъёнлари ўртасида «раскол», яъни ихтилоф юз беради ва у ўнлаб ҳар хил йўналишлар ва оқимлар, кейинчалик эса – сектантлик пайдо бўлишига олиб келади. Патриарх Никонга старообрядчилик[1] раҳнамоси протопоп Аввакум қарши туради. Патриарх Никон тарафдорлари ва протопоп Аввакум издошлари ўртасидаги баҳслар ва мунозаралар амалда фожиали оқибатларга – оммавий ўзига ўзи ўт қўйишларга сабаб бўлади. Эски дин мухлислари ўзига ўзи ўт қўйишни ўз жонини сақлаб қолишнинг бирдан-бир йўли сифатида эътироф этадилар. Ўзига ўзи ўт қўйишлар XVII асрда бир неча ўн йилликлар мобайнида (уларда тўққиз мингга яқин киши ҳалок бўлади) ва XVIII асрда давом этади[2]. Умуман олганда, раскольникларнинг диний фанатизми икки ёқлама хусусият касб этади. Бир томондан, у раскол ҳаракатининг консерватив-диний ниятларини ифодалайди, бошқа томондан эса, унинг расмий черков ва феодал-крепостной давлат ҳокимиятига қарши ҳаракатларига кўмаклашади[3]. Табиийки, ўзига ўзи ўт қўйишга фақат ашаддий фанатиклар журъат этадилар, эски дин мухлисларининг асосий қисми эса овлоқ ўрмонларга бош олиб кетиш билан кифояланадилар.

Ниҳоят, ашаддий диний фанатизм шаклларидан бири *дин мухлиси томонидан ўзгача фикрловчилар ва бошқа дин вакилла-*

---

[1] Старообрядчилик – XVII асрда Россияда «раскол» натижасида юзага келган эски ақидаларга амал қилувчи мазҳабларни ўз ичига олган диний оқим.

[2] Қаранг: Никольский Н.М. История русской церкви. – М., 1988. – 171–172-б.

[3] Қаранг: Русское православие: вехи истории. – М., 1989. – 218–229-б.

рининг ўлдирилиши ҳисобланади. Диний фанатикнинг бу типини Вольтер шундай тавсифлайди: «Одатда фанатикларга аблаҳ одамлар раҳбарлик қилади, улар фанатикларнинг қўлига пичоқ тутқазади; улар нодон кишиларга ўзи айтган одамларни бориб ўлдирсалар, жаннат меваларидан баҳраманд бўлишларини ваъда қилган тоғлик қарияни эслатади»[1]. Бу ерда Вольтер ҳашшошийлар яширин ҳаракати асосчиси Ҳасан ибн Саббоҳ (XI аср охири – XII аср боши)ни назарда тутади. Саббоҳ ўз таълимотини тарғиб қилиш учун тузган бу ташкилот фидойилар (араб. – бирон мақсад йўлида ўзини қурбон қилишга тайёр шахслар) ва ташкилот сирлари билан ҳали ошно этилмаган мухлислардан иборат бўлган[2]. Ашаддий диний фанатиклар бўлган фидойилар террор йўли билан ташкилот қудратини тасдиқлаганлар; улар оқ либос ва қизил бошмоқ, белбоғ ва қалпоқ кийганлар. Фидойиларни тайёрлаш жараёни бир неча йилга чўзилган. Уларга таълим беришда ёш организмни тоблашнинг мураккаб тизими қўлланилган. Пировардида инсон ашаддий диний фанатикка, чидамли ва итоаткор қотилга айланган[3]. Яширин ҳашшошийлар ташкилоти ўрта асрларда ҳозирги Эрон, Сурия ва Ливан ҳудудларида фаолият кўрсатган.

Диний фанатизм конкрет шаклларининг таҳлили уларда онгнинг турли типлари (консерватив онг, радикал онг ва ҳ.к.) билан бир қаторда, у ёки бу дин фаолиятининг ижтимоий-маданий контекстини ифодаловчи муайян жиҳатлар ҳам акс этишини кўрсатади. Шу нуқтаи назардан *диний фанатизмнинг инсон табиати билан алоқаси* айниқса диққатга сазовор. Бу ерда инсон табиати деганда «инсон табиий кучлари ривожланишининг ўз хусусиятига кўра ижтимоий бўлган жараёни»[4] тушунилади. Ижтимоий тизимлар ва маданиятларнинг ранг-баранглиги инсон табиати ҳақидаги

---

[1] Вольтер. Поэмы. Философские повести. Памфлеты. – Киев, 1989. – 461-б.

[2] Қаранг: Строева Л.В. Государство исмаилитов в Иране. – М., 1978. – 124–127-б.

[3] Қаранг: The Cambridge Histori of Iran. – Cambridge, 1968. Vol. 5. – 453–454-б.

[4] Тиҳенко В.И. Природа человека и современная наука / Современная наука: познание человека. – М., 1988. – 85-б.

тасаввурларнинг ҳам кўп сонлилигини белгилайди. Ҳозирги замон технологик жамияти индивиднинг ўзидан кўра у эришган ютуқларни кўпрок қадрлайди, шарк жамиятларининг аксарияти эса шахснинг ички, руҳий камолот даражасини биринчи ўринга қўяди. Шимолий Америка ҳиндулари, Полинезия аҳолиси ва жамоа бўлиб яшайдиган бошқа халкларда жамоа доирасида индивидлар ўртасидаги ижтимоий алоқа кўпрок қадрланади. Технологик жамият асосий эътиборни индивиднинг дунёни руҳий ва жисмоний (айниқса жисмоний) бошқариш қобилиятига қаратади. Шундай жамиятлар ва маданиятлар ҳам борки, уларда инсон ўз руҳий имкониятларини моддий дунёни ақл-идрок билан тасаввур қилиш орқали намоён этади. Масалан, АҚШда протестантча субмаданиятларнинг аксарияти инсоннинг маънавий ютуқларини биринчи ўринга қўяди; ҳозирги замон ислом маданиятлари индивидда ўз ҳаётини давлат ижтимоий (кўпинча диний тусдаги) мифи билан мувофиқ ҳолатга келтириш эҳтиёжини шакллантиради.

Диний фанатикнинг дунёқараши – бу монотеистик дунёқарашдир. Унга кўра, Худо инсонни ўзига ўхшатиб яратган ва вафотидан сўнг инсон ўзини яратган Худо бағрига қайтиши лозим. Айни ҳолда услуб (когнитив ёки аффектив феноменларнинг намоён бўлиш усуллари) мажозий хусусият касб этади: воқелик образлари уларда мужассамлашган теран тасаввурлар (илоҳий ҳақиқатга ботиний интилиш ва ш.к.) нинг универсаллиги нуқтаи назаридан баҳоланади. У символлаштириш когнитив (билиш) жараёнлари билан боғлиқ (масалан, символларнинг сакрал тили). Ижтимоий қадриятлар билан боғлиқ бўлган бу услуб инсон ўзлигига социал мифнинг ўзига хос аниқ манифестацияси сифатида қараш имконини беради, бунда ижтимоий ва диний институтлар (монастирлар, тариқатлар ва ҳ.к.) инсонга ўз индивидуаллигини англаб етиш ва ҳис қилиш чегараларини таъминлайди. Индивид ички қадриятларга қараб мўлжал олган ҳолда эса, ўзлик унинг ахлоқий ва маънавий ютуқлари (мутлақ итоаткорлик, аскетизм ва ҳоказоларнинг идеаллари билан мувофиқлик) нуқтаи назаридан тушунилади. Натижада кўз ўнгимизда қуйидаги образ пайдо бўлади: *индивид ҳам моддий, ҳам маънавий дунёнинг таркибий қисмидир; унинг ўзлиги*

ва индивидуаллиги моддий дунё чегарасидан четга чиқиш маҳсули ҳисобланади, бунда ҳаётнинг мазмуни Худо билан бирикишдан иборат бўлади.

Бу ерда инсоннинг маданий эволюцияси хусусиятлари билан боғлиқ бўлган яна бир муҳим омилни ҳам ҳисобга олиш лозим. Одамлар турли гуруҳларга мансуб бўлганлари боис, улар маданий жиҳатдан ҳам фарқ қиладилар, яъни турли маданий ахборотга эга бўладилар («биз» ва «улар»ни ажратиш аслида шундан бошланган). Айни шу сабабли «инсоният ўзига ўхшашларни йўқ қилишни тақиқловчи қонунни рад этган»[1].

Хулоса. Диний-мифологик маданиятларда ёки сакрал қатламга эга бўлган маданиятларда бошқача маданий ахборот, бошқа дин, ўзга эътиқод билан ажралиб турувчи ўзига ўхшашларни йўқ қилиш қонуни ўзгача фикрловчилар ва бошқа динга эътиқод қилувчиларни йўқ қилишга ижозат беради, диний фанатик фаолиятини маъқуллаш мезони бўлиб хизмат қилади. Диний тоқатсизлик принципи конкрет тарихий шароитлар, маданий анъаналар ва мақсадлар билан белгиланувчи ўз заминига эга бўлгани боис, диний фанатик типлари ҳам ўзининг ранг-баранглиги билан тавсифланади. Умуман олганда, инсон табиатининг ўзи ижтимоий бегоналик муҳитида диний фанатизм феноменини пайдо қилади. Кишилик жамиятининг ижтимоий-маданий эволюцияси таъсирида диний фанатизмнинг ўзи ҳам ранг-баранг шакл-шамойиллар касб этади.

Тажрибавий амалий матнлар

Диний фанатизм табиатининг таҳлили **«Fanus - fanaticus» тушунчаси.** Диний туйғуларнинг ижтимоий роли. Диний фанатизм диндорлик даражасининг кўрсаткичи. Диний фанатизмнинг энг ёрқин аналоги қадимги шаманизм. Гносеологлар ва диншунослар даврасида шаманизм ва магияни ўрганишга бўлган қизиқиш. Магия месопотамия цивилизацияси маданиятида. Ибтидоий тафаккурга

[1] Кууси П. Этот человеческий мир. – М., 1988. – 66-б.

иррационализмнинг магик тотемизм ва диний фетишизм каби шакллари хослиги. «Тотемизм мафкураси» ижтимоий онгнинг биринчи шакли. Магик тотемизм ижтимоий муносабатлар норасолигининг мафкуравий ифодаси. Шаман – бу шахс инқирозини бошдан кечирган, «онгнинг эврилиши»га эришиш имконини берган махсус тренинг жараёнидан ўтган одам. Магик универсум структурасини тушунишда магик сонлар. Шаман фаолияти доирасида паранормал ҳодисалар соҳаси.

Қўшимча ва тушунтирувчи матнлар



Магик трансида инсон мавжудлигининг далиллари

АҚШда шаманлар мактабини ташкил қилган М.Харнернинг шогирдлари фикрига кўра, транс пайтида улар жон ҳаётдан гўёки «холи» бўлган «нариги дунё»нинг кўркам манзараларини хаёлан кузатганлар.

Айрим кишиларнинг улар (касаллик пайтида, дори-дармонлар, мусиқа ёки рақс таъсирида) «онгнинг бошқа ҳолатлари»га ўтишни бошдан кечирганлари ҳақида маълумотлари бор.

Паранормал ҳодисаларни ўрганиш билан шуғулланувчи тадқиқотчиларнинг хисоботлари мавжуд бўлиб, уларда айрим кишиларнинг телепатия, келажакни башорат қилиш, биолокация ва бошқа қобилиятлари тўғрисида кўп сонли фактлар келтирилади.

Диний фанатизм асосларининг типологияси

- Ижтимоий-маданий асослар
- Ижтимоий-психологик асослар
- Биологик-руҳий асослар.

Мустақил ишлаш учун савол ва топшириқлар

1. Магик универсум структурасини тушунишда магик сонлар.
2. Шаман фаолияти доирасида паранормал ҳодисалар соҳаси.
3. Диний фанатизмнинг асослари ва манбалари диний фанатизм асослари:
4. Диний фанатизм куртакларида универсал маданий ҳодиса ҳисобланган аскеза ёки таркидунёчилик.
5. Диний фанатизм феноменини тушуниш зарурияти
6. Диний экстремизмнинг сиёсий экстремизмдан фарқи.
7. Диний фанатизмнинг шакл-шамойиллари.

Реферат мавзулари

1. Диний фанатизм табиатининг таҳлили
2. «Fanus - fanaticus» тушунчаси.
3. Диний туйғуларнинг ижтимоий роли.
4. Диний фанатизм диндорлик даражасининг кўрсаткичи.
5. Диний фанатизмнинг энг ёрқин аналоги қадимги шаманизм.
6. Гносеологлар ва диншунослар даврасида шаманизм ва магияни ўрганишга бўлган қизиқиш.
7. Магия месопотамия цивилизацияси маданиятида.
8. Ибтидоий тафаккурга иррационализмнинг магик тотемизм ва диний фетишизм каби шакллари хослиги.
9. «Тотемизм мафкураси» ижтимоий онгнинг биринчи шакли.

Билим ва кўникмаларни баҳолаш материаллари

1. Диний туйғулар инсоннинг бошқа туйғуларидан ўзининг ғайритабиий манбаи билан ажралиб туради, деб ким айтган?

A. У.Жемс
B. Л.Леви-Брюль
C. Ж.Фрэзер
D. У.Разерфорд

2. Инсоннинг қандай туйғулари ғайритабиий объект мавжудлигига бўлган ишонч билан суғорилган туйғуларни ўзида ифодалайди?

A. Диний
B. Дунёвий
C. Маънавий
D. Иқтисодий

3. Қадимги қайси эътиқодда Диний фанатизмнинг энг ёрқин аналоги ва илк образини кўриш мумкин?

A. Шаманизм
B. Анимизм
C. Фетишизм
D. Тотемизм

4. Бугунги кунда ғарбда билим ва онгнинг ноилмий шаклларига қандай муносабат шаклланган?

A. Фалсафий тадқиқотларнинг диққат маркази
B. Инсон билимининг тарихан шаклланган босқичи
C. Инсон маданиятининг шаклланиш давридаги ўзига хослик
D. Кундалик амалий билимларнинг асоси

5. Бугунги кунда шаманизм ва магияни ўрганишга бўлган қизиқиш фалсафанинг қайси соҳаси вакиллари даврасида кучайиб бормоқда.

A. Гносеологлар ва диншунослар
B. Психологлар ва социологлар
C. Позитивист ва натуралистлар
D. Экзистециялистлар ва антикваристлар

6. Гносеолог олимлар шаманизм ва магияни билиш назариясида ноилмий фикрлаш унсурларини ҳамда инсон қизиқишлари ва қадриятлари изларини топиш орқали унга «..... » бериш мақсадида таҳлил қиладилар.

A. Инсоний тус

B. Ижтимоий характер

C. Меъёрий сифат

D. Мажозийлик

7. Инглиз олими У.Разерфорднинг қайси китобида шаман ҳаракатлари, унинг магик рақслари, экстаз ва транс ҳолатлари тавсифланади?

A. «Шаманизм. Магия асослари»

B. "Табиат тизими"

C. "Нарсаларнинг табиати ҳақида"

D. "Осмон жисмларининг айланиши тўғрисида"

8. Шаман «санъати».....

A. Табиблик маҳорати ва тажрибаси маҳаллий этник ва географик шароитлар.

B. Фол кўриш

C. Башорат қилиш ва табиатни бошқариш.

D. Барса жавоблар тўғри.

9. «Шаман» нима?

A. Барча жавоблар.

B. «Шаман» атамаси этимологик жиҳатдан индоевропа тилларидаги «билим» тушунчасига бориб тақалади:

C. Шаман – бу «биладиган одам».

D. Антропологлар шаман «руҳлар ҳукмдори» деган маънони англатишини таъкидлайдилар, диншунослар эса шаманизмни ғайритабиийлик ғояси, анимизм ва тотемизм билан боғлайдилар.

10. Ибтидоий тафаккурга иррационализмнинг кандай шакллари бор?

A. Магик тотемизм ва диний фетишизм

B. Магик тотемизм ва диний анимизм

C. Анимизм ва фетишизм

D. Барча жавоблар тўғри.

11. Ушбу фикр муаллифини топинг: идеалистик дунёкарашга асосланган «тотемизм мафкураси» ижтимоий онгнинг биринчи шакли ҳисобланади.

A. Й.Сигети
B. Л.Леви-Брюль
C. Ж.Фрэзер
D. У.Разерфорд

12. Қайси олим фикрига кўра, шаман – бу шахс инкирозини бошдан кечирган, «онгнинг эврилиши»га эришиш имконини берган махсус тренинг жараёнидан ўтган одам.

A. У.Разерфорд
B. Й.Сигети
C. Л.Леви-Брюль
D. Ж.Фрэзер

13. Ушбу фикр муаллифини топинг: Шаман «уммон туйғуси»ни ҳис қилиш орқали «табиат билан мулоқот қилиш» қобилиятини касб этади.

A. З.Фрейд.
B. Й.Сигети
C. Л.Леви-Брюль
D. Ж.Фрэзер

14. Француз этнографи ва психологи Л.Левй-Брюль илгари сурган ибтидоий тафаккурнинг илк мантиқий, ассоциатив хусусияти ҳақидаги концепцияда ибтидоий одамлар таҳлилини қандай ёритган?

A. Муайян асосларга таянган ҳолда узил-кесил хулосалар чиқарганларида, мантиқий фикрлаганларини кўрсатади. Бироқ уларнинг тафаккури воқелик билан мувофиқ келмайди.

B. Мантиқий фикрлай олмайдилар. Лекин уларнинг эхтиёжлари тўри йўналганлиги билан мувофиқ келади.

C. Воқеликка уларнинг харакатлари мос келмайди.

D. Тўғри жавоб йўқ.

15. «Инсоннинг мазмун ва моҳияти унинг емиши билан белгиланади» ушбу ибтидоий тафаккурнинг фундаментал қонуни нима деб айтилган?

A. Тотемизм

B. Анемизм

C. Иудизм

D. Фитизм

16. Ж.Фрэзер концепциясида магияга қандай фикр билдирган?

A. Магия дин эмас, у фаннинг ибтидосидир

B. Магия кундалик ҳодисалар орқасига беркинадиган табиат ва психик кучлар сирлари

C. Билимнинг алохида шаклларидан бири

D. Фаолиятдан ташқарида мавжуд бўлган тшки тизимларга таъсир қилиш қобилияти

17. Ҳозирги замон маглари тўғри кўрсатилган жавобни топинг?

A. Л.Грей, М.Харнер, К.Кастанеда

B. П. П. Гайденко, Е. А. Мамчур, Л. А. Маркова

C. С. Р. Микулинский, Л. М. Косарева, Д. И. Рожанский

D. Р. Мертон, А. Койре, Ж. Бернал

18. Коинот – бу.....?

A. Космосдир, деган тасаввур шаман дунёқарашининг ўзаги ҳисобланади.

B. Дунё олам, барча нарсаларнинг сабаб ва оқибат кетма-кетлгидагидаги

C. Ягона ҳамда ўзаро алоқадорликдаги ҳодисалар уюми, харакатсиз қаттик сфера

D. Осмон ва ер жисмларининг табиий хоссаси

19. Магик универсум структурасини тушунишда магик сонлари нечта?

A. 7

B. 6

C. 4

D. 8

20. Шаман фаолиятида магик транс методикасида қандай алоҳига эга?

A. Ўз ҳукмига шаманни бўйсундирган иблиснинг амалларидан бири сифатида

B. Моддий неъматларни кўпайтириш-ёмонлик кучларни синдириш воситаси сифатида

C. Дунё, коинот, табиат ҳақидаги тасаввур ҳамда тушунчаларни икки қутб ўртасидаги кураш тарзида

D. Нарсалар табиатини тўғри тушиниш

21. Транс – бу.....

A. Шаман жонининг нариги дунёга «саёҳат қилиш» усули.

B. Нарсалар табиатини тўғри тушуниш

C. Ўзидаги ёмон туйғуларни жиловлаш

D. Нирвана холатига тушиш

22. Қайси олим трансда фақат ниқобланган алдовни ва жаҳолат белгисини кўриш нотўғри бўлган, деб ҳисоблайди.

A. У.Разерфорд

B. Г. Е. Светлов

C. Л.Леви-Брюль

D. Ж.Фрэзер

23. Ҳозирги вақтда магик трансни инсон мавжудлигининг ўзига хос бир шакли сифатида тушуниш имкониятини берувчи қандай далиллар пайдо бўлган?

A. М.Харнернинг шогирдлари фикрига кўра, транс пайтида улар жон ҳаётдан гўёки «холи» бўлган «нариги дунё»нинг кўркам манзараларини хаёлан кузатганлар.

B. Айрим кишиларнинг улар «онгнинг бошқа ҳолатлари»га ўтишни бошдан кечирганлари ҳақида маълумотлари бор.

C. Паранормал ҳодисаларни ўрганиш билан шуғулланувчи тадқиқотчиларнинг ҳисоботлари мавжудлиги ҳақидаги фактлар

D. Барча жавоблар тўғри

24. АҚШда шаманлар мактабини ким ташкил қилган?
A. М.Харнер
B. Й.Сигети
C. Ж.Фрэзер
D. Л.Леви-Брюль

25. Мистицизм мухлислари шаманни нима деб тавсифлаганлар.
A. Фақат шаман онг ости соҳасига «саёҳат» қилиш орқали бу образларни идрок этишга қодир

27. Шаманизм – бу.....
A. Реал билимлар ва кўникмалар
B. Фантазия, нотанқидий эътиқод, спонтан реакциялар, содда янглишишлари
C. Кўзбоғлоғичлик, гипнозчилик маҳорати
D. Барча жавоблар тўғри

26. Фалсафий тафаккур принципларга таянган ҳолда диний фанатизм асосларининг қандай типологиясини тузиш мумкин?
A. Ижтимоий-маданий асослар; ижтимоий-психологик асослар
B. Биологик-руҳий асослар; ижтимоий асослари
C. Мадаий асослари; моддий-маънавий асослари
D. Экологик асослари; психологик асослари

27. Узоқ давом этган биологик ва ижтимоий эволюция жараёнлари ўзаро таъсирининг маҳсули сифатида маданият дунёсининг вужудга келишини диний фанатизмнинг қайси асосига киритиш мумкин?
A. Ижтимоий-маданий
B. Мифологик-диний
C. Ижтимоий-сиёсий
D. Ижтимоий-фалсафий

28. Илмий тадқиқотларда маданият икки қатламининг ўзаро алоқасига тавсиф бериш учун қандай атамадан фойдаланади?
A. «Сакрализация»
B. «Фуклтуация»
C. «Десакрализация»
D. А ва С жавоблар

29. Сакрализация нима?

A. Дин доирасидан ташқаридаги нарсалар, ҳодисалар ва шаклларга диний тус бериш, уларни илоҳийлаштириш;

B. Диндорлар томонидан давлат ҳокимияти, хусусий мулк принципи каби ижтимоий ҳодисаларга, ўз келиб чиқишига кўра дунёвий бўлган ахлоқий нормаларга илоҳий тус берилиши, уларнинг мукаддаслаштирилиш

C. Десакрализация, яъни диний деб ҳисобланган ҳодисаларга уларнинг дунёвий хусусиятини қайтариш сакрализациянинг зиддидир

D. Барча жавоблар тўғри.

30. fanaticus атамаси маъноси?

A. (fanum – «мукаддас жой, ибодатхона» сўзидан) лотин тилида «риёкор»

B. «Мунофиқ», «иккиюзламачи»

C. «Жазавали», «жоҳилона», «ўтакетган хурофий», баъзан – «руҳланган»

D. Барча жавоблар тўғри.

31. Нечанчи асрга келиб этнографик ва маданий-антропологик тадқиқотлари қўш қарама-қаршиликлар коди мавжуд цивилизацияларнинг кўпчилиги учун воқеликни тавсифлаш усули бўлиб хизмат қилишини кўрсатади.

A. А. XX аср

B. Б. XIX аср

C. С. XXI аср

D. Д. XVIII аср

32. «Сакраллаштирилган нарсалар ва ҳодисаларгина муҳимдир, - деб таъкидлайди..... – Амалда космоснинг таркибий қисми ҳисобланадиган, ундан келиб чиқадиган, унга дахлдор бўлган нарсалар ва ҳодисаларгина сакраллаштирилгандир».

A. В.Н.Топоров

B. Й.Сигети

C. Ж.Фрэзер

D. Л.Леви-Брюль

33. Қайси давлатда қуйи табақаларнинг вакилларини аскезадан ўтказиш ман этилган, бу фақат олий браҳманлар табақасининг имтиёзи ҳисобланган?

A. Қадимги Ҳиндистонда

B. Қадимги Хитойда

C. Қадимги Юнонистонда

D. Қадимги Эронда

34. Қадимги Спартада ким томонидан жорий этилган низомлар ҳам фақат ҳарбий аристократия учун мажбурий саналган, эркин аҳолининг қолган қатламлари эса одатдаги ҳаёт билан яшаган.

A. Афсонавий Ликург

B. Артемида

C. Драконт

D. Солон

35. Диний фанатизм ижтимоий-психологик асосининг мақсадига нима киради?

A. Инсон руҳиятининг ижтимоий жиҳати

B. Синфий жамиятлар, айниқса тоталитар режимлар шароитида бундай асослар сифатида ўлимдан қўрқиш ҳисси ва ҳаёт мазмунининг тагига етиш йўлидаги изланишлари.

C. Тирик мавжудотлардан фарқли ўлароқ, инсон ўлим муқаррарлиги.

D. Барча жавоблар тўғри.

36. Археологик маълумотларда энг қадимги қайси давр одамларига ҳам дафн маросимлари хослигини кўриш мумкин?

A. Неандертал

B. Кроманьон

C. Синантроп

D. Питекантроп

37. Ушбу фикр муаллифини топинг: дин инсон вақтни англаб етиши натижасида вужудга келган, унинг вақтга бўлган муносабати

замирида идрок этишнинг ҳар хил типлари, шу жумладан вақтни илоҳийлаштириш ётади, деган фикрига қўшилиш мумкин.

A. С.Брендон
B. Ж.Жейнс
C. У Гомернинг
D. И.Я.Коростовец

38. Археологик маълумотларга кўра, карилик ва ўлимни четлаб ўтиш орзуси хитойларда нечанчи асрдан шаклланган?

A. Мил.ав. VII–V асрларда
B. Мил. ав. VII-VI асрларда
C. Мил. ав. VI-V асрларда
D. Мил. ав. VI-IV асрларда

39. 1487 йил улкан ибодатхонани мукаддаслаштириш маросими чоғида неча киши худоларга курбонлик келтирилган?

A. Йигирма минг
B. Қирқ минг
C. Ўн беш минг
D. Ўттиз минг

40. Апулейнинг қайси асарида ўткир пичоқлар билан ўз танасини тилкалаган ва бир-бирини хивчин билан савалаган Сурия маъбудаси коҳинлари тўғрисида сўз юритилган?

A. «Метаморфозалар»
B. «Дунё асосида яширин ашёлар»
C. «Шаманизм. Магия асослари»
D. «Табиат тизими»

41. Мазохизм примитив диний экстазга олиб келишини ёки унга йўлдош бўлишини илк бор ким айтган?

A. Ш.Мейнер
B. Р.Жирар
C. У Гомернинг
D. И.Я.Коростовец

42. Сексуалликнинг коммуникатив функцияси қандай вазифани бажаради?

A. Одамлар ўртасидаги алоқаларни ривожлантириш

B. Инсонийликни ўрнатиш

C. Борлиқ ва инсонларнинг алокасини ўрнатиш

D. A ва B жавоблар

43. «Дунё асосида яширин ашёлар» китоби муаллифи ким?

A. Р.Жирар

B. Ш.Мейнер

C. У Гомернинг

D. И.Я.Коростовец

44. Р.Жирар қайси китобда ижтимоий гуруҳларнинг ижтимоий-психологик конфликтларини ҳал килишда «ҳамма балога тўғаноқ одам»ни ўлдиришнинг аҳамияти ҳақидаги тезис илгари сурилган?

A. «Дунё асосида яширин ашёлар»

B. «Метаморфозалар»

C. «Шаманизм. Магия асослари»

D. «Табиат тизими»

45. Инсоннинг вақтга мослашув йўлларидан келиб чиқан холда психологик дунёнинг типиларини аниқланг?

A. Гедонистик кечинмалар дунёси, реалистик кечинмалар дунёси

B. Қадриятлар сифатидаги кечинмалар дунёси, ижодий кечинмалар дунёси

C. Ижтимоий омиллар дунёси, моддий кечинмалар дунёси

D. A ва B жавоблар

ДИНИЙ ФАНАТИЗМ ВА ДИНДОРЛИК

1. Маърузани олиб бориш технологияси

Талабалар сони:	*Вақти:* 4 соат
Машғулот шакли	Кириш мавзу бўйича маъруза
Маъруза режаси	**1-маъруза режаси** Қўрқувнинг қора байроғи. Диншуносликда «индивидуал» диндорлик атамаси. Индивидуал диндорлик шакллари. **2-маъруза режаси** Халқ диндорлик босқичи; Космик-теократик диндорлик босқичи; Космик-халқ диндорлик босқичи;
Машғулотнинг мақсади: Дарс ўтиш шакллари ҳақида умумназарий тасаввурлар,инсон ҳақида толерантлик ва ижодий ёндошув,талабаларда илмий ва фалсафий дунёқарашнинг шаклланишида инсон фалсафанинг аҳамияти ҳақида тушунча ҳосил қилиш.	
Педагогик вазифалар	*Ўқув фаолияти натижалари:*
Қўрқувнинг қора байроғи.	Муқаддас инквизиция тизим сифатида элементлари: суд, айблов, тергов, сўроқ, қийноқлар, ҳукм, аутодафе ва гулхан.
Диншуносликда «индивидуал» диндорлик атамаси.	Қўрқувнинг қора байроғи.
Индивидуал диндорлик шакллари.	Диншуносликда «индивидуал» диндорлик атамаси.
Ўқитиш усуллари ва техника	Маъруза, «ақлий ҳужум», Т-схема, мунозара, муаммоли вазиятлар усули.
Ўқитиш воситалари	Маъруза матни, тарқатма материаллар, слайдлар, проектор.
Ўқитиш шакллари	Жамоа, тўғридан-тўғри ва гуруҳларда ишлаш.
Ўқитиш шарт-шароити	Техник воситалар билан таъминланган аудитория.
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки назорат, савол-жавоб, ўз-ўзини назорат қилиш, рейтинг тизими асосида баҳолаш.

Маърузанинг технологик картаси

Иш жараёнлари вақти	*Фаолиятнинг мазмуни*	
	Ўқитувчи	*Талаба*
I-босқич. Курсга ва мавзуга кириш. (20 минут)	1.1. Ўқув курси номини айтиб, курс доирасида дастлабки умумий тасаввурни беради ҳамда услубий ва ташкилий томонлари билан таништиради.	Тинглайдилар.
	1.2. Курс бўйича ўтиладиган барча мавзулар билан таништиради, уларнинг узвийлиги ҳақида қисқача маълумот беради.	Тинглайдилар.
	1.3. Курс якунида қўйиладиган рейтинг баҳолаш мезонлари билан таништиради	ЎУМ га қарайдилар.
	1.4. Курсни ўзлаштиришда фойдаланиш учун зарур бўлган адабиётлар рўйхати билан таништиради.	ЎУМ га қарайдилар.
	1.5. Биринчи ўқув машғулоти мавзуси билан таништиради ва унинг мақсади, ўқув фаолияти натижаларини баён қилади.	Мавзу номини ёзиб оладилар.
	1.6. Биринчи мавзу юзасидан ақлий ҳужум қоидаси асосида дарс ўтказишни таклиф этади. Доскага «Диний эътикод» деб ёзади. Талабалар томонидан айтилган фикрларни ёзиб боради ва умумлаштиради	Тушунчаларни эркин фикр орқали билдиради.

II-босқич. Асосий (50 минут)	2.1. Мавзу режаси ва таянч тушунчалар билан таништиради.	Тинглайдилар.
	2.2. Маърузани режа бўйича тушунтиради, ҳар бир режани ниҳоясида умумлаштиради. Жараён компьютер слайдларини намойиш қилиш билан олиб борилади	Тинглайдилар. Слайдга эътибор қаратади, уни ўзига ёзиб олади ва саволлар беради.
	2.3. Ҳар бир режани мустаҳкамлаш учун қуйидагича саволлар беради: Индивидуал диндорлик шакллари. Халқ диндорлик босқичи Космик-теократик диндорлик босқичи; космик-халқ диндорлик босқичлари	Саволларга жавоб берадилар, эркин баҳс-мунозара юритадилар.
	2.4. Таянч ибораларга қайтилади. Талабалар иштирокида улар яна бир бор такрорланади.	Ҳар бир таянч тушунча ва ибораларни муҳокама қиладилар. Конспект қиладилар.
III-босқич. Якуний босқич. (10 минут)	3.1. Т-схема техникасидан фойдаланилган ҳолда жуфт-жуфт бўлиб ишлаш учун тингловчиларга: "Инсон эътиқодининг даражалари" деган савол ёзилган тарқатма материаллар тарқатади. Ушбу техника орқали мавзу бўйича якунловчи хулоса қилади	Мустақил Т-схемани тўлдирадилар. Эркин фикрини баён этади.
	3.2. Талабаларнинг фаолиятига баҳо қўйилади ва рағбатлантирилади.	Эшитади.
	3.3. Келгуси машғулотга тайёргарлик кўриш учун топшириқлар ва фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати берилади.	Эшитади ва ЎУМ га қарайдилар.

Қўрқувнинг қора байроғи. Тарихдан маълумки, диний-фанатик кайфиятлардан бошқа динларнинг вакилларига нисбатан

адоват қўзғатиш, нифоқ ва урушлар очиш, даҳрийлар ва худосизларни жазолаш учун фойдаланилган. Бундай кайфиятларни тушуниш учун диндорликнинг субъектив томонини инобатга олиш лозим. Диншуносликда «индивидуал» диндорлик атамаси қўлланилади: «*Индивидуал диндорлик деганда диний таълимот, расм-русумлар ва институтларнинг айрим индивид руҳияти, шахсияти, хулқ-атвори ва ижтимоий муносабатларига таъсирининг тарихан ва синфий ўзгарувчи даражасини тушуниш лозим*»[1]. Диннинг айни шу субъектив томони объектив тарихий, ижтимоий ва маданий шароитлар билан уйғунликда католик черковининг ўта фанатик муассасаларидан бири ҳисобланган мукаддас инквизициянинг фаолияти нима учун анча самарали бўлганлигини тушуниш имконини беради. Инквизиция 1232 йилда папа Григорий IX нинг ташаббуси билан ташкил этилади. Унинг мақсади католик черкови фикрига кўра хавфли саналган кишилар – «даҳрийлар»ни, ҳурфикрли одамлар, папа ҳокимиятининг мухолифларини таъқиб килишдан иборат эди. Мукаддас инквизициянинг ташкил топиши христиан дини ва католик черковининг ривожланиш мантиқи билан белгиланади, шу туфайли ҳам бу ривожланиш мантиқи ва унинг хусусиятларига қисқача тўхталиб ўтамиз.

Аввалambор, христиан динининг ривожланиш жараёнида бурилиш ясаган тарихий босқичларга қараб тузилган индивидуал диндорлик шаклларининг қуйидаги таснифи диққатга сазовор:

– илк христианлик давридаги (христианлик вужудга келган пайтдан у милодий 313 йилда Милан эдикти асосида бошқа динлар билан ҳуқуқий жиҳатдан тенглаштирилган пайтгача бўлган даврдаги) **халқ диндорлик босқичи**;

– **космик-теократик диндорлик босқичи** (Милан эдикти ва Тридент собори оралиғидаги давр (1545–1563 йиллар));

– Тридент собори ва II Ватикан собори оралиғидаги даврга (1563–1965 йиллар) хос бўлган **космик-халқ диндорлик босқичи**;

---

[1] Papuziriski A. Historyczne typy indywidualnej religijnosci // Człowiek i swiatopogland. 1989. № 1. – 141-б.

– ҳозирги даврнинг **антропоцентристик-индустриал диндорлиги**[1].

Ушбу таснифнинг бизга маъқул бўлган жиҳати шундаки, биринчидан, у диний эътиқодлар мазмунини ўзида мужассамлаштиради; иккинчидан, у ёки бу даврда жамиятда қайси ижтимоий қатлам ёки гуруҳнинг диний эътиқодлари ҳукм сураётган бўлса, шу ижтимоий қатлам ёки гуруҳни ифодалайди. Ниҳоят, биз учун индивидуал диндорликнинг дастлабки уч шакли дикқатга сазовордир, зеро улар ҳукм сурган даврда диний тоқатлилик ва тоқатсизлик муаммолари бир-бири билан ажабтовур тарзда чатишган, бу эса, ўз навбатида, муқаддас инквизиция трибунали фаолиятига ойдинлик киритиш имконини беради.

Илк христианлик давридаги диндорлик ҳақида «Янги аҳд» (яъни Инжил), қадимги апокрифлар, черков тарафдорлари, аъёнлари ва христианлик мухолифларининг битиклари асосида ҳукм чиқариш мумкин[2]. Индивидуал диндорлик ушбу шаклига ягона худога сиғиниш, символик хулқ-атворнинг тараққий этган шакллари, жамоавий бирдамлик ҳисси ва унча мураккаб бўлмаган диний таълимотнинг содда ахлоқий принциплари хосдир. Қиёмат куни паноҳ топишга бўлган умид, дунёнинг тез ҳалок бўлиши ва Рўзи Маҳшар қаршисида қўрқув, жамиятда ҳукм сурувчи ижтимоий муносабатларни рад этиш – буларнинг барчаси христианларни «**Янги Бобил**»га қарши яхлит бир бутунга бирлаштирган. Шуни қайд этиш лозимки, ушбу даврнинг диндорлик типи ўрта асрлар феодал жамиятидаги халқ ҳаракатларига ҳам хосдир.

Юқорида айтиб ўтилганидек, диний тоқатлилик ва тоқатсизлик муаммолари монотеистик динлар билан бирга пайдо бўлган. Зотан мазкур динлар универсализмга даъвогар эдилар ва шу тариқа бошқа динларни истисно этардилар. Бироқ илк христианлик даврида, марказлашган черков ташкилоти пайдо бўлгунга қадар, кўп сонли алоҳида диний жамоалар мавжуд бўлган. Бундан ташқари, илк

---

[1] Ўша ерда. – 143–152-б.

[2] Масалан, қаранг: Апокрифы древних христиан. – М., 1989.

христианликнинг Юстинианга (милодий II аср) ўхшаш намояндалари унинг таълимотини қадимги фалсафа, айниқса платонизм билан мувофиқ ҳолатга келтиришга ҳаракат қилганлар. Юстиниан фикрига кўра, илоҳий Ақл сифатидаги Логос христианликнинг мутлақ ҳақиқатини ўзида гавдалантирган тарихий Исо Масиҳда мужассамлашган. Шу туфайли ҳам Гераклит, Суқрот, Платон, Моисей, Авраам христианлардир, зеро улар Логос ҳақиқатини англаб етганлар. *«Ақл ва Логосга мувофиқ яшовчи ҳар ким, гарчи худосиз бўлса-да, христиандир»*, деб ёзади Юстиниан «Апология» асарида[1].

Милан эдиктидан сўнг черков аста-секин ҳокимиятни ўз қўлида жамлайди. Бунга у «бутун ҳокимият Худо партияси қўлида» деган фикрни одамлар онгига сингидириш орқали эришади[2]. Ўрта асрларда католик черковининг ҳокимияти ҳаракатларнинг ягоналиги назарий принципига асосланади. Ушбу принцип дунёвий муносабатларни тўлалигича унификация қилишни, таълим идораларининг ягоналигини ва бошқарув органларини марказлаштиришни назарда тутади[3].

Ўрта асрлар христиан цивилизациясида диний тоқатсизлик ва фанатизм муҳити вужудга келишига маданият ҳам ўз ҳиссасини қўшади. Тадқиқотлар ўрта асрлар маданиятида икки йўналиш – христианча анъана ва дунёвий билимни бирлаштирган **Кассиодор Сенатор** (тахминан милодий 487–578 йиллар) йўналиши ва тахминан шу даврда яшаган **Нурсиялик Бенедикт** йўналиши мавжуд бўлганини кўрсатади: «Асрлар мобайнида улар ёнма-ён мавжуд бўладилар ва ўзаро алоқа қиладилар. Бироқ авлиё Бенедикт анъанаси илк христианлик мафкурачилари муайян қисмининг дунёвий маданиятга салбий муносабатини акс эттирар эди. Ўрта асрларда у маънавий ҳукмронликни черков ўз қўлига олишига, Кассиодор анъанаси эса – дунёвий маданиятнинг шаклланишига олиб келади»[4].

---

[1] Skrzypek M. Tolerancja religijna // Czlowiek i swiatopogląd. 1987. № 4. – 132-б.

[2] Қаранг: Debray R. Le scribe: Genese du politique. – P., 1980. – 96-б.

[3] Ўша ерда.

[4] Рашкова Р.Т. Ватикан и современная культура. – М., 1989. – 216-б.

Индивидуал диндорлик иккинчи босқичининг дастлабки даврида рим папалари маданият соҳасида фаол сиёсат юрита бошлайдилар. Хусусан, улар маданиятни мафкуравий ва ижтимоий вазифаларни ҳал қилишга бўйсундирадилар. Бу жараён папа Григорий I нинг ҳукмронлик даврида (милодий 590–604 йилларда) айниқса бўртиб намоён бўлади. Ўрта асрлар биринчи ёзув устахонасига асос солган, унинг фаолиятида антик ва христиан маданий анъаналарини бирлаштирган «сўнгги римлик» – Кассиодордан фарқли ўлароқ, Григорий I турли мафкураларнинг тинч-тотув мавжудлиги таълимотини мутлақо ўринсиз деб ҳисоблар эди. Асосий таркибий элементи Исо Масиҳ дини ҳисобланган маданият соҳасидаги бундай тоқатсизлик ўзгача фикрловчи диндошларга нисбатан тоқатсизликнинг кучайишига олиб келди ва кейинчалик муқаддас инквизицияни ташкил этиш учун асослардан бири бўлиб хизмат қилди.

Ўрта асрларда черковнинг даромадлари ва ер-мулки кўпайиб боради, унинг куч-қудрати мисли кўрилмаган даражага етади. ғарбда барқарор марказлашган ҳокимият йўқлиги шароитида черков ғарбий Рим империяси ҳудудида вужудга келган варварлар давлатларининг қироллари ташлаб кетган кўп миқдорда бойликларни ўзлаштиради[1]. Католик черкови феодал жамиятдаги синфий муносабатларнинг муҳим жиҳати ҳисобланувчи ноиқтисодий мажбурлашнинг мафкуравий шаклини ўзида ифодалар эди[2]. Диний мафкура космик, табиий тартибнинг таркибий қисми ҳисобланган мавжуд ижтимоий тартибнинг дахлсизлигини кафолатловчи Худога сиғиниш ғоясига хизмат қиларди.

Индивидуал диндорликнинг иккинчи – **космик-теократик** босқичи учун «илмли эътиқод» ва «халқ эътиқоди» ўртасидаги фарқ биринчи даражали аҳамият касб этади. Ушбу босқичда халқ маданияти «олимлар», ўқимишли кишилар маданияти билан уйғунлашади, фольклор анъаналари расмий черков таълимоти билан

---

[1] Қаранг: Корсунский А.Р., Гюнтер Р. Упадок и гибель Западной Римской империи и возникновение германских королевств. – М., 1984.

[2] Қаранг: Сказкин С.Д. Из истории социально-политической и духовной жизни Западной Европы в средние века. – М., 1981. – 22–23-б.

ўзаро алоқага киришади[1]. Тадқиқотлар *легитимлик, аграрлик* ва *тоқатсизлик* космик-теократик диндорликка хос бўлган умумий жиҳатлар ҳисобланишини кўрсатади[2].

Дарҳақиқат, 382 йилда, император Феодосий I мажусийларнинг барча ибодатхоналарини ёпиш тўғрисида фармон чиқарганидан сўнг, рим халқи, шунингдек герман ва славян қабилалари оқсоқоллар ва дружиналарни чўқинтириш йўли билан христианликни қабул қилганлар. қабила оқсоқоллари христиан динини қабул қилишлари қадимдан ҳукм сурувчи «cuis regio, eius religio» (қирол қандай бўлса, дин ҳам шундай) принципига мувофиқ қабилалар ва халқларнинг христианлашуви билан айний бўлган. Ушбу ҳуқуқий принципга биноан оқсоқоли ёки подшоси христиан динини қабул қилган қабила аъзоси ёки халқ вакили христианга айланар эди. Христианлик давлат дини бўлгани боис, дунёвий ва маънавий ҳукмдорга бўйсуниш унинг легитимлашувига сабаб бўлар эди.

Христиан теологияси Коинот ва табиат ҳақидаги тасаввурларнинг яхлит тизимини ўзида ифодалайди. Унинг принципларига мувофиқ Худо Коинотни яратган, унинг мавжудлиги ва интиҳоси кафили ҳисобланади, унинг ҳукмига биноан фаришталар осмонда жисмларни бир жойдан бошқа жойга кўчирадилар, у ғайриоддий воқеалар сабабчиси ҳисобланади. Халқ тасаввурида Худо ёмғир ёки қурғоқчилик, совуқ ёки иссиқ, яшин ва момақалдироқ юборувчи куч сифатида намоён бўлади. Теолог олимлар ва оддий кишилар Худони табиат султони – тўқчилик ёки очарчиликни, яъни ҳосилдорликни белгиловчи космик куч сифатида тасаввур қиладилар. Шу туфайли ҳам аграрлик космик-теократик диндорликнинг умумий хусусияти ҳисобланади.

Индивидуал диндорликнинг юридик ва аграр хусусиятига асосланган диний универсаллик ўз мавжудлик минтақасида диний индифферентликка ҳам, ўзга динга эътиқод қилишга ҳам тоқатли

---

[1] Қаранг: Гуревич А.Я. Проблемы средневековой народной культуры. – М., 1981. – 13-б.

[2] Қаранг: Papuziriski A. Historyczne typy indywidualnej religijnosci // Czlowiek i swiatopogland. 1989. № 1. – 145–146-б.

бўлиши мумкин эмас эди. Мавжуд тасаввурларга кўра, ноконформистик хулқ-атвор табиий тартибни бузарди – ижтимоий барқарорликка ва табиат ритмларига таҳдид соларди, шикастли оқибатларга сабаб бўларди. Динни қабул қилмаган киши мавжуд ижтимоий тартибга қарши одам сифатида оломон қилинар эди[1]. Черков, давлат ва одамлар ўртасида мавжуд алоқа шунга олиб келардики, жамиятда яшашни истаган ҳар ким айни пайтда христиан ҳам бўлиши лозим эди. Айни шу сабабли тоқатсизлик космик-теократик диндорликнинг учинчи хусусияти ҳисобланади.

Ниҳоят, Тридент соборидан сўнг **космик-халқ диндорлиги** тантана қилади. Унга қуйидаги хусусиятлар хос: аграрлик – диний маросимлар ва байрамлар табиат ритмларига боғлиқ бўлади; маданийлик, зеро дин халқ маданиятининг бирлаштирувчи элементи ҳисобланади; ижтимоий назорат, у халқ маданиятининг маркази саналган динни махсус институтлар қўллаб-қувватлагани ва ҳимоя қилганини англатади; магик дунёқараш, у диний эътиқодлар (яхши ва ёмон руҳларга бўлган ишонч ва ҳоказолар) билан чатишиб кетади; диний меъёрларга риоя қилишда группавий бирдамлик; формализм ва ритуализм; расм-русумлар ва диний символларнинг муҳим ролини тан олиш; жамоа черков хизматчилари ва дунёвий кишиларга бўлиниши, бунда уларнинг ҳар бири ўз ижтимоий ролларини ўйнайди, махсус ҳуқуқлар ва бурчларга эга бўлади; халқ диндорлигининг маданий хусусияти билан белгиланган диний фанатизм, фатализм[2].

Айни пайтда ғарб жамиятида ҳукм сурувчи космик-халқ диндорлиги космик-теократик диндорлик бутунлай завол топишига сабаб бўлмайди, зеро диндорликнинг сўнгги зикр этилган типи илоҳиётчилар ҳамда имтиёзли синфлар ва қатламлар вакилларининг бир қисми орасида тарқалган эди. Биз учун муҳими шуки, «илмли» диндорликда ҳам, халқ динида ҳам фанатизм ва агрессив тоқатсизлик каби умумий жиҳатлар мавжуд. Рим-католик черковига

[1] Ўша ерда. – 146-б.
[2] Ўша ерда. – 149–150-б.

консерватизм, ўз-ўзини асраш инстинкти ва ўзига таҳдид солувчи ҳар қандай нуқтаи назарни қоралаш хослигини эътиборга олсак, нима учун муқаддас инквизиция фақат ғарб христиан цивилизациясида вужудга келгани аён бўлади.

Ғарбий Европанинг феодал жамиятида христианлик мафкуравий бирлаштирувчи вазифасини бажарар эди. Бу пировардида унинг ташкилоти – рим-католик черкови бирлашишига ҳам олиб келди. Рим-католик черкови рим папаси бошчилигидаги иерархиявий марказлашган тизимни ўзида ифодалар ва христианлар дунёсида энг юксак мавкени эгаллашга ҳаракат қилар эди. Айни пайтда, ўзининг яшовчанлигини таъминлаш мақсадида, у ўз асосларига ва оммавий халқ ҳаракатларида таянчларга эга бўлган кўп сонли секталар, чунончи: катарлар, вальденслар, монтанистлар, флагеллантлар, XIV аср немис ва фландрия мистиклари, гусчилар ва ниҳоят, Уйғониш даври ҳаракатларига қарши самарали кураш олиб боради. Диний фанатизм муҳитида шаклланган ва фанатик муассасани ўзида ифодалаган мукаддас инквизиция бу курашда ғалаба қозонишнинг самарали қуролларидан бирига айланади.

Рим-католик черкови ташкилоти бўлган **муқаддас инквизиция** миллионлаб кишилар фаолиятининг барча соҳаларини назорат қилади, жамиятни ижтимоий-техник, шу жумладан хуфёна бошқаришнинг турли усулларидан, шунингдек инсон руҳиятининг яширин бурчакларига назар ташлаш йўлларидан фойдаланади. Католик черковининг «даҳрийлар»ни таъқиб қилган махсус трибуналлари фаолияти сифатида инквизиция XII асрда пайдо бўлади. XIII аср охирига келиб католик черкови таъсири остида бўлган ғарбий Европа инквизиция трибуналлари тармоғи билан қопланган эди. Инквизиция тарихчиси Г.Ч.Ли қайд этишича, бу трибуналлар фаолияти табиат қонунларининг амал қилиши каби узлуксиз бўлган ва айни ҳол «даҳрийлар»ни вақтда ютиш ва Европа мамлакатларидан бирида яшириниш имкониятидан маҳрум қилган: «Даҳрий гўёки исталган пайтда отилиши ва уни ўз комига тортиши мумкин бўлган вулқон устида яшар эди... Одамлар кўз ўнгида папа инкви-

зицияси ҳар нарсага қодир ва ҳамма жойда ҳозиру нозир эди»[1]. Ўша даврда инквизиция ўзига хос халқаро полиция вазифасини ҳам бажарар эди.

Муқаддас инквизиция тизим сифатида қуйидаги элементларни ўз ичига олар эди: суд, айблов, тергов, сўроқ, қийноқлар, ҳукм, аутодафе ва гулхан. Рим папаси Худонинг ердаги сояси ҳисобланган боис, у инквизициянинг олий раҳбари сифатида ҳам амал қилар эди. Инквизициянинг ўзи папаликка бўйсунар ва католик черкови манфаатларига хизмат қиларди. Инквизиция тизим сифатида папа Луций III ва унинг иттифоқчиси Германия императори Фридрих I ташаббуси билан ташкил этилган эди. Улар 1184 йилда Вена соборига тақдим этган декретга биноан епископларга даҳрийлик вабоси билан зарарланган вилоятларда фаолият олиб бориш учун комиссарларни тайинлаш ваколати берилади. Собор қабул қилган декрет билан инквизицияга асос солинади. 1198 йилда папа Иннокентий III апостол легатларини тайинлайди ва шу тариқа улар папанинг биринчи инквизиторларига айланадилар. 1215 йилда IV Латеран собори даҳрийларни суд қилишни епископларга ёки уларнинг вакилларига топширади. Инквизиторларни лавозимга тайинлаш бевосита бошлиқларга боғлиқ бўлса-да, юридик жиҳатдан улар папаликка тўғридан-тўғри бўйсунар эдилар. Бундан ташқари, муқаддас трибунал фавқулодда суд сифатида папа легатларига ҳам, орденларнинг генералларига ҳам бўйсунмас эди.

Инквизиторларга чексиз ҳуқуқлар берилган эди. Инквизиторлар девони уларнинг ўринбосарлари, мазкур округнинг бошқа шаҳарларида даҳрийлар билан иш олиб борувчи вакиллар, фуқаролик қонунчилигига мувофиқ айбловлар ва ҳукмларни таърифловчи эксперт-юристлар, терговга қонунийлик ва беғаразлик устини беришга хизмат қилувчи нотариуслар ва холислар, айбловчилар сифатидаги прокурорлар, айбланувчи қийноқлардан барвақт жон бермаслигини кузатиб борган шифокорлар ҳамда жаллодлардан иборат эди[2].

---

[1] Ли Г.Ч. История инквизиции в средние века. – СПб., 1911. Т. 1. – 232–233-б.

[2] Қаранг: Лозинский С.Г. Святая инквизиция. – М., 1927. – 17-б.

Ўз фаолиятида бу девон кўп сонли ёрдамчиларга – хабаргирлар, айғоқчилар, камоқхона назоратчилари, қароллар ва ҳоказоларни ўз ичига олган инквизиция «жигаргўшалари»га таянар эди. Хабаргирлар ва айғоқчилар жамиятнинг турли қатламлари вакиллари орасидан ёлланардилар. Уларга қирол аъёнлари, рассомлар ва шоирлар, савдогарлар ва ҳарбийлар, дворянлар ва оддий фуқаролар, аристократлар ва шаҳарнинг нуфузли кишилари орасида дуч келиш мумкин эди. Улар маҳкумларни жамоа қаршисида тавба-тазарру қилишга, истиғфор келтиришга, черков билан ярашишга чақирардилар, даҳрийларни гулхангача кузатиб борардилар, гулханни ёқишга кўмаклашардилар, маҳкум куйиб битгунга қадар гулханга ўтин ташлаб турардилар. Инквизиция хизматида бўлганларнинг барчаси, шу жумладан «жигаргўшалар» ҳам қурол тақиб юрардилар, уларни дунёвий ва диний судга тортиш тақиқланарди, уларнинг фаолиятига халақит бериш йўлидаги ҳар қандай ҳаракатлар бидъат сифатида баҳоланар эди. Буларнинг барчаси инквизиция хизматидаги кишиларда жазосизлик ҳиссини уйғотарди. Ўз-ўзидан равшанки, инквизиция қўлига тушиш содиқ католик учун ҳам, даҳрий учун ҳам энг катта бахтсизлик ҳисобланар эди. Инквизицияга бўйсунмасликнинг ҳар қандай кўриниши айбдорни гулханга олиб келиши мумкин эди.

Муқаддас инквизиция тизимининг иккинчи элементи айблов ҳисобланади. Диндан қайтганларнинг илдизини қуритишдан олдин уларни аниқлаш талаб этилади. Дастлабки босқичда уларни аниқлаш осон иш бўлган, зеро улар ўз қарашларини очиқ-ойдин билдирган ва расмий черковга қарши чиққан бўлсалар (катарлар, вальденслар ва бошқалар), альбигойчилар оммавий қирғинга учраганларидан сўнг улар ўзларининг асл эътиқодларини яшириб, католикларнинг расм-русумлари ва одатларига риоя эта бошладилар. Шу туфайли ҳам бирон-бир кишини жавобгарликка тортиш учун асослар мавжуд бўлиши керак эди. Дин ишларида бундай асослар сифатида даҳрийликда, диндан қайтганларга ҳамдардликда ёки уларга ёрдам қўлини чўзганликда айблаш амал қиларди.

Айбловлар қуйидагича қўлга киритилар эди. Масалан, бидъат билан зарарланган муайян вилоятга инквизитор ташриф буюрар

ва ўз шаънига ташкил этилган тантанали ибодатда ваъз ўқиб, унда барча даҳрийларни ўн кун ичида инквизиция қўлига топширишни талаб қиларди. Инквизиция билан ҳамкорликдан бош тортган киши ўз-ўзидан черковдан четлатилар эди, чунки даҳрийларни таъқиб қилиш вазифаси ҳаммага – императордан тортиб оддий деҳқонгача юкланган эди. Бидъатни йўқ қилишга кўмаклашиш уларнинг ҳар бир христианнинг олий бурчи ҳисобланиши уларнинг онгига сингдирилар эди. Фуқароларни даҳрийлар устидан чақимчилик қилишга мажбурлар эдилар. Даҳрийни яширган одамни қон-қариндошчилик ришталарининг мавжудлиги ҳам оқлаёлмасди: ўғил отасининг устидан чақимчилик қилишга мажбур эди; ўз хотинини даҳшатли ўлимга топширмаган эр ҳам айбдор ҳисобланарди. Бидъатга жиноий дахлдорлик кишиларни бир-бири билан боғловчи барча ришталарни узиб ташлар эди: болалар шуурига чин католик бўлмаган ота-онани ташлаб кетиш лозимлиги сингдириларди. Инквизитор чорловига қулоқ солиб, белгиланган муддат ичида даҳрий ҳақида унга хабар қилган одамга мукофот тариқасида уч йил муддатга индульгенция[1] берилар эди. Инквизитор хабарни шахсан ўзи қабул қилиб олар ва хабар берувчининг исмини сир сақлар эди. Бу эса аксарияти асоссиз ва уйдирма бўлмаган чақувларнинг янги тўлқинларига туртки берарди. Кимдир бидъатда айбланишдан қўрқиб инквизитор қаршисида «истиғфор» келтирар ва тавба-тазарру қилар эди, кимдир чақувдан ўз рақиблари билан орани очиқ қилиш йўли сифатида фойдаланарди, яна кимдир ўзи сотган даҳрийга қарашли мол-мулкнинг бир қисмини қўлга киритиш илинжида чақимчилик қиларди. Шуни қайд этиш лозимки, инквизицияга кўп сонли аноним хабарлар келар ва улар ҳам эътиборга олинар эди[2].

Юқорида зикр этилган ахборот манбаларидан ташқари, муқаддас инквизицияни «ишлар» билан таъминлаган яна бир манба – исёнкорлик руҳидаги санъат асарлари, фалсафий, сиёсий рисолалар ва бошқа асарлар ҳам мавжуд эди. Бу асарларнинг

---

[1] Индульгенция – гуноҳини кечириш ва шу ҳақда Рим Папаси томонидан бериладиган ёрлиқ.

[2] Қаранг: Лозинский С.Г. Святая инквизиция. – М., 1927. – 18-б.

муаллифлари католик дини ақидаларига қарши фикр билдир ганлари уларни жавобгарликка тортиш учун кифоя қиларди. Б муаллифларни таъқиб қилардилар, қамоққа ташлардилар, қийноққ солардилар, жазолардилар, аксарият ҳолларда эса гулханда куйди рардилар. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун Жордано Брунонин фожиали тақдирини эслаш кифоя қилса керак.

Инквизиция тизимининг учинчи элементи тергов ҳисобланади Тергов учун асос бўлиб чақув, тергов остидаги одамнинг учинч шахсга қарши кўрсатувлари хизмат қилар эди. Аввалига инкви зитор бундай ҳужжатлардан фойдаланиб дастлабки терговни оча эди. У гувоҳларни айблов хусусида сўроқ қилар, гумон қилинув чининг жиноий фаолияти ҳақида қўшимча маълумотлар тўплар қўшимча далилларни аниқлаш учун бошқа инквизиция трибунал ларига сўровлар юборар эди. Тўпланган материал квалификаторла томонидан экспертиза текширувидан ўтказилар ва натижада гумо қилинувчига айб эълон қилиш ёки қилмаслик тўғрисида бир тўхтамг келинар эди. Квалификаторлар гумон қилинувчини бидъатда айблаш мумкин, деган хулосага келган бўлсалар, инквизитор уни қамоққ олиш тўғрисида буйруқ берарди. қамоққа олинган одам инквизи циянинг махфий қамоқхонасида кишанланган ҳолда сақланар эди Айбланувчининг ўлими ёки ақл-ҳушидан айрилиши терговнин тугатилишига сабаб бўлмас эди: «Инквизиция чангалидан ҳатто ўлиб қутулишнинг ҳам иложи йўқ эди. Гуноҳкор ўз қилмишлари учун Яратганнинг олдида жавоб берганини ҳам эътиборга олмас дилар; дин гуноҳкорни қоралаш йўли билан ундан ўч олиши лозим эди»[1].

Қамоққа олиш учун кўпинча гумоннинг ўзи, яъни даҳрий билан тасодифий мулоқотга, у билан бир уйда яшашга ва ҳоказоларг асосланган фараз, тахмин ёки тусмол кифоя қилар эди. Даҳрийлар билан бир лаҳзали муносабатларда гумон қилинган шахслар ҳам қамоққа олинар ва баъзан узоқ йиллар турмада сақланар эди.

Инквизиторлар учун далил бўлиб чақув хизмат қилар эди Черков динга эътиқод қилувчи ҳар бир кишида потенциал даҳрийни

[1] Ли Г.Ч. История инквизиции в средние века. – СПб., 1911. Т. 1. – 255-б.

кўрарди, зеро христианча монотеизм ҳар бир диндорни тўғри йўлдан чалғитишга ҳаракат қилувчи иблиснинг мавжудлигини фараз қилиш имконини берарди. Айни шу сабабли инквизиция тергови чақимчини ҳақиқатни айтувчи кароматгўй деб ҳисоблар эди. Тўғри, унинг чақувини иблиснинг амали сифатида баҳолаш имконияти ҳам йўқ эмасди, бироқ бу ҳолда инквизиция қурбонлардан маҳрум бўлар эди. Терговнинг мақсади чақувни текширишдан эмас, балки айбланувчи ўзига қўйилаётган айбга иқрор бўлиши, тавба-тазарру қилиши ва черков қаршисида истиғфор келтиришига эришишдан иборат эди.

Бу мақсадга эришиш йўлида чақимчилар томонидангина эмас, балки ёлғон гувоҳлик берувчилар – инквизиция айғоқчилари, қотиллар, ўғрилар ва бошқа жиноий унсурлар томонидан тақдим этилган далиллардан ҳам кенг фойдаланилар эди. Ваҳоланки, сўнгги зикр этилган тоифадаги шахсларнинг кўрсатувлари ҳатто ўрта асрларнинг дунёвий судларида ҳам эътиборга олинмас эди. Айбланувчига қарши унинг хотини, фарзандлари, ака-укалари, опа-сингиллари, ота-онаси ва бошқа қариндошлари, шунингдек хизматкорларининг гувоҳликларидан фойдаланиларди. Муҳими шундаки, инквизиция чақимчилар ва гувоҳларнинг исмларини, шунингдек улар берган кўрсатувларнинг тўлиқ матнларини айбланувчилардан ва бошқа манфаатдор шахслардан яширарди. Акс ҳолда унинг фаолияти самарали бўлмас эди.

Сўроқ инквизиция тизимининг тўртинчи элементи ҳисобланади. Сўроқ тартиб-таомиллари айбланувчи ўз айбига иқрор бўлишига, бинобарин, бидъатдан воз кечиши ва черков билан ярашишига бўйсундирилган эди. Сўроқ қилинувчи ўз айбига иқрор бўлишига товламачилик йўли билан эришиш инквизиция трибунали суд жараёнининг марказий бўғини ҳисобланар эди. Г.Ч.Ли фикрига кўра, бу усул «марказий Европанинг юридик тизимига беш юз йил мобайнида улкан ва шикастли таъсир кўрсатди»[1]. Айбланувчининг шахсиятида заиф бўғинни топиш, унинг иродасини синдириш ва

[1] Ли Г.Ч. История инквизиции в средние века. – СПб., 1911. Т. I. – 259-б.

инквизиторнинг ҳукмига бўйсундириш имкониятини қўлга киритиш учун сўроққа анча пухта тайёргарлик кўрилар эди. «Инквизиция» деб номланган йирик тадқиқот муаллифи И.Р.Григулевич даҳрийни гулханда куйдиришга ҳукм қилиш инквизитор учун бирдан-бир мақсад ҳисобланмаганини, уни «шайтоннинг малайи»дан «худонинг бандаси»га айлантириш муҳимроқ бўлганини таъкидлайди[1].

Айбдор ўз айбига иқрор бўлишига эришиш учун сўроқда уни тушкунликка тушириш, маҳкумлик ҳиссини пайдо қилишга қаратилган синашта воситалар – фактларни сохталаштириш, алдов, қўрқитиш ҳам қўлланилар эди. Қамоқхонада айбланувчи билан бир бўлмаган махсус тайёрланган иғвогарларни жойлаштиришар, улар айбланувчидан янги далилларни олишга ёки ўз айбига иқрор бўлиш маъқуллигига уни ишонтиришга ҳаракат қилардилар. Агар бу ҳам иш бермаса, мақсадга эришиш йўлида айбланувчининг хотини ва фарзандлари ишга солинарди, зеро уларнинг йиғи-сиғиси ва унатишлари айбланувчига таъсир кўрсатиши мумкин эди.

Инквизиция ихтиёрида айбланувчини руҳий тушкунликка гирифтор этишнинг бошқа воситалари ҳам мавжуд эди. Шулардан бири вақт билан таъсир кўрсатишдир. Биринчи сўроқ ва суднинг узил-кесил қарори ўртасида беш, ўн, баъзан ўттиз йил ўтиши мумкин эди – инквизициянинг шошадиган жойи йўқ, у кутишга тайёр эди. Вақт билан узоқ қийнаш натижасида инсон одатда таслим бўларди. Инквизиторлар судланувчи тилга киради деган умидда судда ўлим жазоси тайинланган сохта ҳукмдан ҳам фойдаланардилар. Маҳбусни очлик билан қийнашлари, унга узоқ вақт сув бермасликлари, уни зах, қоронғи, сассиқ зиндонда сақлашлари мумкин эди.

Инквизиция тизимининг бешинчи элементи қийноқлардир. Улар ўзининг динга қарши ҳақиқий ёки уйдирма жиноятларига иқрор бўлмаганларга ва айбига иқрор бўлган, бироқ ўз шерикларини ҳали сотмаган ва «гуноҳкорона янглишишлари»дан воз кечмаган кишиларга нисбатан қўлланилган. Инквизиторлар унатиш, қўрқитиш ёки ҳийла-найранглар билан айбланувчининг иродасини

[1] Қаранг: Григулевич И.Р. Инквизиция. – М., 1985. – 25-б.

синдира олмасалар, «азоб-уқубат ақлни теранлаштиради», деган қоидадан келиб чиқиб, унга куч ишлатиш йўли билан тазйиқ ўтказганлар[1]. Ўрта асрлар инквизициясининг ҳимоячилари буни инсон ҳаётининг ўзи азоб-уқубатлардан, Одам Ато ва Момо Ҳавонинг биринчи гуноҳи учун Худонинг жазосидан иборат, бинобарин, жон паноҳ топиши учун танани қийнаш аслида даҳрийларга нисбатан меҳр-шафқат кўрсатишдан бошқа нарса эмас, деган важ-корсонлар билан оқлашга ҳаракат қилганлар.

Инквизиция қўллаган тергов усуллари католиклар дунёсида даҳшат ва норозилик уйғотади. Шуни инобатга олиб черков қийноқлар қўллаш учун епископ розилигини олишни назарда тутувчи тартиб ўрнатади. Бироқ амалда епископлар инквизиция билан яқин алоқада иш олиб борардилар. Шундай қилиб, черковнинг «адолат кафолатларини ўрнатиш»га қаратилган бу қарори ҳавода муаллақ осилиб қолади ва «муқаддас» трибунал қурбонининг қисматини енгиллаштирмайди. Бошқа ҳужжатларда қийноқлар «меъёрда» бўлиши ва айбланувчига фақат бир марта қўлланилиши лозимлиги таъкидланади. Аммо казуистика[2] ва папанинг сукутга асосланган розилиги бундай чеклашларни четлаб ўтиш имконини берар эди. Қийноқларни «меъёрда» ва бир марта қўллаш деганда нимани тушуниш лозимлигини инквизиторлар ўзлари ҳал қилардилар. Зарур ҳолда уларни «тугалланмаган», «узилиб қолган» деб эълон қилардилар ва инсон ўзларига зарур бўлган кўрсатувларни бермагунича қийноқларни давом эттираверардилар.

Жаллод қийноқда ишлатадиган асбоб-ускуналар тўпламига диба, яъни айбдорнинг танасини чўзадиган қийноқ қурилмаси, жазо курсиси, ўрма қамчилар, омбурлар ва бошқа шунга ўхшаш асбоблар кирарди. Айбланувчини бўғзигача сувга солиб қўйиш, сув бермасдан, очлик билан қийнаш кўп қўлланиларди. Бу қийноқлардан сўнг даҳрий гулханга шикастсиз ҳолатда чиқиши учун шифокор

---

[1] Қаранг: Ли Г.Ч. История инквизиции в средние века. – СПб., 1911. Т. 1. – 264-б.

[2] Казуистика – ўрта асрлар ҳуқуқ илмий ва илоҳиётида умумий ақидаларни конкрет ҳолларга ёйиш.

унинг яраларини даволаши лозим эди. Жазодан кутулиб қолиш учун инсон аввал ўз айбига иқрор бўлиши, сўнгра ҳақиқий ёки сохта шерикларни сотиши талаб этиларди, шундан кейингина унга бидъатдан воз кечиш ва черков билан ярашишга рухсат бериларди. Агар у буларнинг барчасини итоаткорлик билан бажарса, одатда енгил жазо оларди. Инквизиторлар иқрорга узоқ қийноқлардан сўнг эришган ҳолда эса уни анча оғир жазо кутарди.

Ҳукм инквизиция тизимининг олтинчи элементи ҳисобланади. у тергов натижаларига боғлиқ эди. Черков Инжилга ва ўз арбоблари – Авлиё Августин, Бернард Клервоский, Фома Аквинский ва бошқаларнинг фикрларига таянган ҳолда руҳий ва жисмоний жазоларни оқлашга ҳаракат қиларди. Масалан, Фома Аквинский даҳрийлар билан муомалада бўлишнинг қуйидаги қоидаларини белгилайди: биринчи – уларга асло шафқат қилмаслик керак; иккинчи – черков уларга мурувват кўрсатиб, тўғри йўлга киришга ундовлар билан икки марта мурожаат этади, шундан кейин ҳам улар бидъатдан қайтмасалар, дунёвий ҳокимият ихтиёрига топширилишлари ва қатл этилишлари мумкин. Бунда гўёки черковнинг инсонга нисбатан чексиз меҳр-шафқати намоён бўлади, зеро жоннинг ҳаётини белгиловчи динга хиёнат, айтайлик, қалбаки пул ясашга қараганда оғирроқ жиноят ҳисобланади. «Черковнинг сиёсати шундай эди, - деб таъкидлайди С.Г.Лозинский. – Бу сиёсатга черков ҳамиша оғишмай амал қиларди»[1].

Хўш, инквизиция ҳукмронлиги ўз «васийлиги» остидаги шахсларга қандай жазолар тайинлар эди? Биринчи навбатда епитимьялар, яъни кафоратлар (узоқ тоат-ибодат қилдириш, рўза туттириш ва ҳ.к.); оддий ёки қаттиқ тартибли қамоқ; галералар; ниҳоят, маҳкумни черковдан четлатиш (уни муртад деб эълон қилиш) ва гулханда куйдириш учун уни дунёвий ҳокимият вакилларига топшириш. Шуни қайд этиш лозимки, аксарият ҳолларда бу турдаги жазолар маҳкумларни савалаш ва уларнинг мол-мулкини мусодара қилиш билан бирга амалга оширилар эди. Натижада даҳрийларнинг

[1] Лозинский С.Г. История папства. – М., 1986. – 20-б.

оммавий қамоққа олиниши ва уларга қарашли мол-мулкнинг мусодара этилиши XIII аср бошида Европанинг иқтисодий равнақ топган ҳудудларини тез орада харобазорларга айлантиради.

«Муқаддас» инквизиция ҳукми узил-кесил ҳисобланар ва унинг устидан шикоят келтиришга йўл қўйилмас эди.

Ниҳоят, инквизиция тизимининг охирги элементи – аутодафе ва гулхан. Ўз хатоларини тан олиш ва черков билан ярашишдан бош тортган кишиларни, сиртдан ҳукм қилинган ва кейинчалик ушланган даҳрийларни инквизиция черковдан четлатар ва «озод қиларди». Бошқача қилиб айтганда, черков уларни ўз васийлиги остидан чиқарар ва шу тариқа уларга ўлим жазосини назарда тутувчи ҳукмга имзо чекар эди. Шу йўл билан қўлга киритилган «озодлик» маҳкумни гулханда куйдирилишгагина эмас, балки «нариги» дунёда абадий азоб чекишга ҳам ҳукм этарди.

Маҳкумни гулханда куйдириш инквизиция томонидан алоҳида маросимга айлантирилган эди. Қатл одатда байрам кунига тайинланарди. Аҳоли унда ҳозир бўлишга чақириларди. Бундай таклифдан бўйин товлаш, маҳкумга хайрихоҳлик билдириш ёки унга ачиниш каби, бидъатда гумон қилинишга сабаб бўлиши ва пировардида оғир оқибатларга олиб келиши мумкин эди. Маҳкумни гулханда куйдиришдан олдин шаҳарнинг марказий майдонида аутодафе ташкил этиларди. Аввал черков аъёнлари, маъмурлар ва халқ иштирокида тантанали ибодат ўтказилар, сўнгра инквизиция ҳукми ўқиб эшитириларди. Аутодафе экзекуциялар билан якунланарди: айрим маҳкумларга масхарабоз кийимини кийдириб „сазойи қилишарди, баъзиларни ўрма қамчилар билан савалашарди, маросим охирида соқчилар ва руҳонийлар маҳкумларни қатл учун ҳозирланган супага судраб чиқишарди. Гулхан ёқилгач, шаҳарнинг алоҳида эҳтиромга сазовор бўлган фуқароларига оловга ўтин ташлаб туриш ҳуқуқи бериларди – шу тариқа улар черков қаршисида ўз обрўларини янада оширардилар.

Гарчи жаллодлар гулханни маҳкум куйиб кул бўладиган даражада ёқишга ҳаракат қилсалар-да, бунга доим ҳам муфаввақ бўлинавермасди. Бундай ҳолларда жаллодлар маҳкумнинг куйиб битмаган

қолдиқларини майдалаб чопишар ва гулханда қайта ёқишар эди. Сўнгра маҳкумнинг кулини йиғиб олиб дарёга ташлашарди. Шу йўл билан инквизиторлар даҳрийларни ўз жафокашларининг майитларини олиш ва уларга сиғиниш имкониятидан маҳрум қилардилар.

Маҳкум қатлгача вафот этган бўлса, гулханда унинг мурдаси куйдирилар эди. Жазога ўлимидан кейин ҳукм қилинганларни ҳам шу қисмат кутарди. Испания ва Португалия инквизицияларида маҳкумларнинг қўғирчоқларини гулханда куйдириш одат тусини олган эди. Умрбод қамоқ жазосига ҳукм қилинганлар, шунингдек қамоқдан ёки инквизиция таъқибидан қочганлар шундай рамзий қатлга тортиларди. Гулхандан бошқа мақсадда – диндан қайтганлар, ўзга динга сиғинувчилар ва черковга маъқул бўлмаган ёзувчиларнинг асарларини куйдириш учун ҳам фойдаланилар эди[1].

Шундай қилиб, муқаддас инквизиция тизими амалда халқаро махфий сиёсий полиция функцияларини бажарар ва шу тариқа папаликнинг жаҳонда ҳукмронлик учун курашида самарали қурол бўлиб хизмат қилар эди. Муқаддас инквизиция фаолиятининг ташқи кўринишлари (қийноқлар, қатллар) яхши маълум бўлса, унинг яширин информацион фаолияти ҳақида маълумотлар жуда оз. Биринчидан, инквизиция турли ижтимоий табақалардан бўлган айғоқчилардан фойдаланган, уларнинг тармоғи жамиятнинг барча қатламларини тўла қамраб олган. Иккинчидан, у ахборотга ишлов беришнинг полицияча усулларидан фойдаланган. Бунда бир-биридан боғлиқ бўлмаган турли манбалардан (камида икки манбадан) олинган маълумотлар таққосланган ва бу пировардида «полицияча» картотека яратилишига олиб келган.

Муқаддас инквизиция фаолиятини ўрганган тадқиқотчилар тарихий парадоксга дуч келадилар: ўрта асрларда ташкил топган бу институт Уйғониш даврида айниқса равнақ топади. Тадқиқотчи А.Грегорова XV аср охирида, Уйғониш даврида рим католицизми (кейинчалик эса – протестантизм) тарихидаги энг шармандали босқичлардан бири – афсунгарлар ва жодугарларни таъқиб қилиш

[1] Қаранг: Григулевич И.Р. Инквизиция. – М., 1985. – 141–144-б.

босқичи бошланганини таъкидлайди[1]. Бу даврда иблис ҳақидаги христианча таълимот асосида ва оғир ижтимоий шароитлар таъсирида барча ёмонликларни афсунгарлар ва жодугарлар фаолиятидан кўрувчи хурофий ақидалар пайдо бўлади. Бу ақидалардан черков дарҳол ўз мақсадларида фойдаланади, зеро у мазкур ақидаларда ўз ҳокимиятини мустаҳкамлаш воситасини кўради.

1487 йил инквизиторлар Я.Шпренгер ва Г.Инстиорис томонидан ёзилган «Жодугарлар тўқмоғи» китоби нашр этилади. Бу китобда инквизициянинг жодугарликда гумон қилинган кишиларни таъқиб қилиш ва ўлдиришга бўлган ҳуқуқи асосланади[2]. Ўз моҳиятига кўра бу китоб асрлар мобайнида инквизиторлар учун уларнинг қонли фаолиятида ўзига хос бир дастуриламал бўлиб хизмат қилади. Тарихчиларнинг тахминларига қараганда, «жодугар ови» қурбонларининг умумий сони ўн-ўн икки миллион кишини ташкил этади[3]. Ўта шафқатсиз таъқиблар XVII аср охирида барҳам топган бўлса-да, «афсунгарлар» ва «жодугарлар» ҳатто XIX асрда ҳам гулханларда ҳалок бўлганлар.

Маълумки, Уйғониш даврида инсон барча нарсалар мезонига айланади. Бундай шароитда шу вақтгача иблис (зулмат, ер ости дунёси, тун худоси) номи билан боғланиб келган ёмонлик инсоний шакл-шамойил, дунёвий мезон касб этиши, оқилона тус олиши, билувчи ақл меъёрларига бўйсуниши лозим эди. Шу туфайли ҳам жодугар ва даҳрий католик черкови яратган оқилона конструкция – объектив душманга, авторитар сиёсий тузилмалар фаолияти учун зарур бўлган воситага айланади. Иблис билан тил бириктирган жодугарларнинг фитналари мавжудлиги ҳақидаги ахборотдан дунёвий ҳокимият маъмурлари ва инквизиция ўз мақсадларида қандай фойдаланганлари яхши маълум. «Объектив душман» яхлит тузилма сифатидаги инсонга таъсир кўрсатувчи оқилона восита

---

[1] Қаранг: Gregorova A. K proticarodejnickemu osialu v Europe // Ateizmus. 1984. № 1. – 75-б.

[2] Қаранг: Шпренгер Я., Инстиорис Г. Молот ведьм. – М., 1932.

[3] Қаранг: Шейнман М.М. Вера в дьявола в истории религии. – М., 1977. – 57–58-б.

ҳисобланади. Аммо индивид ва гуруҳлар хулқ-атворида оқилона ва яширин, сирли нарсаларни аниқ ажратиш мумкин эмас. Шуни унутмаслик керакки, инсоннинг онг ости соҳаси руҳиятнинг каттагина қисмини эгаллайди ва унда жамиятнинг онгсизлик соҳаси мужассамлашади. «Объектив душман» оқилона конструкцияси диний-поэтик мафкура элементи ҳисобланар ва айни пайтда ҳаётнинг мазмунини англаб етишга бўлган эҳтиёжни қондирувчи яхлит дунёқараш билан уйғун эди. Шу туфайли ҳам мазкур конструкция инсоннинг тарихан шаклланган эҳтиёжлари билан мувофиқ келарди. Айни шу сабабли дунёвий ҳокимият маъмурлари ва муқаддас инквизиция, айниқса Торквемада фаолияти билан асос солинган испан инквизицияси бу конструкциядан ўз мақсадларида самарали фойдаланишга муваффақ бўладилар.

Албатта, Испанияда инквизиция буюк инквизитор Торквемадага қадар ҳам мавжуд бўлган; бу ерда у XV аср охирида «ислоҳ» қилган инквизиция назарда тутилади[1]. Иблис доминиканлик Торквемадани танлаб, унинг танасига бир неча ўн йилларга кириб жойлашгунга қадар узоқ ўйлаган, мулоҳаза юритган, деган ривоят мавжуд. Бу монах Торквемада Буюк Инквизиторнинг муовини этиб тайинланган 1482 йилда юз беради. Бир йил ўтгач эса, у Испаниянинг Буюк Инквизитори рутбасини кияди.

Буюк Инквизитор ишининг самарадорлиги «Худо йўлида» қатл этилган ёки қамоққа ташланган одамлар сони билан белгиланади. Биз яшаётган давргача етиб келган ҳужжатлар асосида Торквемаданинг инквизиторлик фаолияти даврида (1482–1498 йилларда) тахминан 16200 киши гулханда тириклайин куйдирилгани, 6840 киши устидан рамзий куйдириш маросими ўтказилгани, юз минг киши зиндонга ташлангани ва икки юз мингга яқин одам бошқа

[1] Қаранг: Льоренте Х.А. Критическая история испанской инквизиции в 2-х томах. – М., 1936. Т.1; Cepik J. Torkue-mada. – Poznan, 1986. Торквемада 1420 йилда туғилгани ва 1498 йилда вафот этгани маълум. У Сеговиядаги доминикан монастири приори бўлган, сўнгра қирол Фердинанд Католик ва қиролича Изабелла Кастильскаянинг истиғфорчиси этиб тайинланган. Содда, камтар-камсуқум ҳаёт кечирган, ҳеч қачон чўмилмаган, зеро тўғри йўлда, курашиб яшаётган одамга буни кераксиз деб ҳисоблаган.

жазоларга тортилгани аниқланган. Ушбу рўйхатга суд ва терговсиз ўлдирилганларни ҳамда Испаниядан яҳудийларни қувғин қилиш даврида ҳалок бўлганларни ҳам киритиш ўринли бўлади. Ўша даврда Испания аҳолиси тахминан саккиз миллион кишини ташкил қилар эди[1]. Шуни ҳам қайд этиб ўтиш лозимки, қатағон қилинганларнинг бу сони билан Буюк Инквизиторга бўйсунувчи девоннинг миқдорий таркиби ҳам мувофиқ келган: Испаниянинг 45 вилоятида фаолият олиб борган доминикан черкови ходимларининг ўзи 150000 кишини ташкил қилган, улар билан 20000 нафар фамильяр (инквизиция яширин полицияси аъзолари) елкама-елка иш олиб борган. Германдада (қирол ва Буюк Инквизиторга бўйсунувчи яширин сиёсий полиция) ва қирол армияси бу ҳисобда йўқ.

Торквемаданинг фаолиятини биргина диний фанатизм билан тушунтириш мумкин эмас. У барча тадбирларни совуққонлик билан режалаштирувчи, оммада қатл этилганлар ёки таъқиб қилинаётганларга нисбатан салбий муносабат уйғота олувчи ташкилотни тузишга муваффақ бўлади. Айни пайтда Буюк Инквизитор Испанияда улкан сиёсий ҳокимиятни ҳам қўлга киритади, халқ орасида «қироллар монархи» деган ном олади[2].

Диний фанатизм ниқоби остида испан инквизицияси – маркази Трианада жойлашган Супрема жаҳонда ҳукмронликни қўлга киритиш мақсадида қонли террор бошлайди. Бу мақсадга эришиш учун қисқа вақт ичида таъқиблар ва қатағонларнинг ўзига хос тизими яратилади. Ушбу тизим фаолияти доирасида шафқатсизлик ва тоқатсизлик жамиятни бошқариш усулларига айланади. Испан инквизицияси тарихда тенги йўқ жабр-зулм «машинаси» сифатида майдонга чиқади.

Торквемада яҳудийлар, ҳабашлар ва барча «ёт» кишилардан халос бўлиш мақсадини кўзлайди, у фақат «тоза қонли» кишилар яшайдиган Испания ғоясини илгари суради. Ўрта асрлар алхимиклари ўзларига маълум бўлмаган материя сирларига аралашиш йўли билан

[1] Қаранг: Cepik J. Torkue-mada. – Poznan, 1986.

[2] Қаранг: Cepik J. Torkue-mada. – Poznan, 1986. – 167-б.

олтин олишга ҳаракат қилган бўлсалар, Испанияда инсон руҳияти ва эркини бошқариш йўли билан бутунлай янги одамни яратиш мумкинлигини назарда тутувчи дунёқарашни ҳаётга татбиқ этишга ҳаракат қиладилар. «Испанлар» ва «европаликлар» ўртасида фарқ мавжудлиги тўғрисидаги ғоя онгли равишда тарғиб қилинади. Тарих саҳнасига Торквемада чиққан пайтдан бошлаб Испания даҳшат ва сиру синоатларнинг чуқур денгизи билан қитъадан ажралади.

Испан инквизицияси дин душманларини йўқ қилиш режаларини амалга ошириш билангина кифояланмайди, у Европани босиб олиш, Европа фалсафаси ва адабиётининг илғор йўналишлари таъсирини нейтраллаштириш муаммолари билан ҳам шуғулланади. Торквемада буни ўзининг Европа устидан ҳукмронлик ўрнатишга бўлган иддаоларини рўёбга чиқариш учун зарур деб ҳисоблайди.

Ўн учинчи қисм. Гарчи Торквемаданинг режалари амалга ошмаган бўлса-да, Супрема тажрибасидан рим курияси фойдаланади. Бу христианликнинг кўпгина ақидалари аниқ ва равшан эмаслиги туфайли рим-католик черкови таълимотларининг ҳаққонийлигига нисбатан шубҳалар Европани чулғаб олган XVI асрнинг бошларида юз беради. Тридент соборида протестантлар билан тил топиш, битимлар тузиш мумкин эмаслиги, уларнинг таълимоти расмий доктринадан чиқариб ташланиши узил-кесил қайд этилган бўлса-да, христианлар дунёсида диннинг фундаментал муаммолари атрофида баҳс-мунозаралар тўхтамайди. Папа Павел III икки кардинал – неаполлик Карафе ва испаниялик Хуан Альварес де Толедодан бу вазиятдан чиқиш учун нима қилиш лозимлигини сўрайди. Доминикан черковининг бу икки кекса вакили хавф-хатар кучайган шароитларда уни бартараф этиш учун испанча андозадаги муқаддас инквизициядан фойдаланиш айни муддао бўлишини айтадилар. Уларнинг таклифини испаниялик иезуит – Игнатий Лойола ҳам қўллаб-қувватлайди. Натижада 1542 йилда папа фармонига биноан Римда чекланмаган ҳуқуқларга эга бўлган марказий инквизиция трибунали ташкил этилади. Бу итальян руҳонийларига очиқ-ойдин ишончсизлик маҳсули бўлиб, Яков Буркхардт таъбири билан айтганда, ўша пайтгача озми-кўпми

эркин бўлган Италиянинг «испанлашуви»га олиб келади. Ўша даврда «Исо Масиҳ душманлари» ва диндан қайтганларга қарши курашиш учун иезуитлар ордени ҳам ташкил этилади. Бу ташкилотга Игнатий Лойола раҳбарлик қилади[1].

Иезуитлар ордени рим курияси ўзига билдирган ишончни тўла оқлайди: у бидъатлар ва хурфикрлиликка қарши курашда рим черкови қўлида самарали қуролга айланади. Узоқ вақт мобайнида у Ватикан сиёсий ва мафкуравий экспансиясининг асосий воситаси бўлиб хизмат қилади. Бу ҳақда тасаввур ҳосил қилиш учун иезуитлар ордени генерали Тамбурини (1706–1730) Франция маршали герцог де Бриссакка айтган сўзларни келтириш кифоя қилса керак: «...шу хонада туриб мен нафақат Парижни, балки бутун дунёни бошқараман ва буни қандай амалга ошираётганимни ҳеч ким билмайди»[2]. Иезуитлар ордени ҳозирги вақтда ҳам католик черкови ташкилотлари орасида алоҳида ўрин эгаллайди ва муайян функцияларни бажаради[3].

Иезуитлар орденини католик черковининг қудратли ва самарали қуролига айлантириш йўлида Игнатий Лойола ташкилот аъзоларини индивидуал тарбиялаш принципидан келиб чиқади. Айни шу принцип иезуитларда «ички ирода»ни, ўзи бажараётган ишнинг тўғрилигига қаттиқ ишончни шакллантириш имконини беради. Католик черковига фанатикларча содиқ бўлган «Исо Масиҳ аскарлари»ни тайёрлаш учун уларнинг шахсиятига чуқур таъсир кўрсатиш талаб этилади. Улар ўзларида мавжуд бўлган инсоний фазилатларнинг барчасини қурбонлик келтиришлари лозим. Бу аскарлардан танқидий фикрлаш қобилиятини сиқиб чиқариш ва уларда қарамақарши фикрларнинг сохталигига бўлган ишончни шакллантириш зарур. Иезуит шахсиятининг ўзгариши фанатизм ҳолатига эришиш билан боғлиқ бўлиши лозим. Бунга эришиш учун эса инсоннинг ақлигагина эмас, балки унинг сезгиларига ҳам таъсир кўрсатишга қаратилган махсус тарбия талаб этилади[4].

---

[1] Қаранг: Лозинский С.Г. История папства. – М., 1986. – 246-б.

[2] Самарин Ю.Ф. Сочинения. – М., 1887. Т.6. – 69-б.

[3] Қаранг: Великович Л.Н. Черная гвардия Ватикана. – М., 1980.

[4] Қаранг: Тонди А. Иезуиты. – М., 1955. – 126-б.

Умуман олганда, фанатик иезуитни тайёрлаш ижтимоий технологияси қуйидагиларни ўз ичига олади: муштра, яъни кўр-кўрона қаттиқ интизомга асосланган ҳарбий таълим, ҳарбий машқларни, зўрма-зўраки таълим ва тарбияни; шахсдан мустақилликнинг ҳар қандай унсурларини сиқиб чиқаришни; уни эркин фикрлашдан маҳрум қилишни; тарбияланувчиларни тирик роботларга, бошлиқ қўлида кўр-кўрона жонсиз қуролга айлантиришни. Орден генерали («қора папа») «Исо Масиҳ жамияти» аъзолари учун шоҳ ва худо билан баробар, унинг обрўси шак-шубҳасиз, унга сўзсиз итоат этилиши шарт. Ватикан, папа, орден генерали мақсадларига эришиш йўлида заҳмат чекиш, уларнинг қўлида қурол бўлиб хизмат қилиш иезуит ҳаётининг мазмунини ташкил этади[1].

Иродани синдирувчи китобларни ўқиш йўли билан тақводорликни шакллантириш, инсонийликка зид қилмишлари билан тилга тушган шахсларга тақлид қилиш зарур, деган фикрни онгга сингдириш иезуитларда фанатизмни шакллантириш воситалари ҳисобланади. «Тақводорлик туйғуларга, мутолаа ва суҳбатлар – ақлга, махсус машқлар – уларнинг иккаласига, кун тартиби – иродага таъсир кўрсатадики, бу индивиднинг маънавий кучларига ҳар томонлама таъсир кўрсатиш ва уни диний фанатикка, орден ва Ватикан қулига айлантириш имконини беради. Пировард натижада у иезуитларни тарбиялашда қўлланиладиган «Маънавий машқлар»нинг қуйидаги мазмундаги ўн учинчи қоидасига мувофиқ иш кўради: «Ҳеч нарсада хатога йўл қўймаслик учун биз, агар Иерархиявий Черков буюрса, оқнинг қоралигига ҳам ишонишимиз лозим»[2].

Иезуитлар орденида ҳамма бир-бирининг ортидан пойлар эди. Ректорлар ва супериорлар провинциалга ҳар ҳафта маълумот юборардилар, провинциал эса ректорларга ҳар ой жавоб қайтарарди; Европа провинцияларининг барчаси орден генералига ҳар ой, ректорлар ва супериорлар эса – уч ойда бир марта маълумот

[1] Ўша ерда. – 137-б.

[2] Тонди А. Иезуиты. – М., 1955. – 139-б.

берардилар. Ректорлар ва супериорларнинг ассистентлари ҳар икки ҳафтада бир марта провинциалга ва ҳар ойда бир марта генералга маълумот юборардилар, провинциалларнинг ассистентлари эса ҳар йили икки марта ўз провинциаллари тўғрисида генералга яширин маълумот берардилар[1]. Орден мансабдор шахсларининг ҳар бири нима қилаётгани ва нимани ўйлаётгани генералга маълум эди; у ўзининг Римдаги кабинетида туриб орденда қатъий тартиб ва кўр-кўрона итоаткорликни қувватлай оларди.

Иезуитлар ордени ўз фаолиятининг дастлабки давридан бошлаб ҳаётнинг барча соҳаларида папа ва католицизмнинг ҳукмронлигини мавжуд барча йўллар ва воситалар билан қўллаб-қувватлайди[2]. Чунончи, иезуитлар Хитой ва Японияда христианликни ёйар эканлар, динга ўгирилганларга эски расм-русумлар ва ирим-сиримларга амал қилиш – фонарлар кунини байрам қилиш, Конфуцийга сиғиниш ва бошқа шунга ўхшаш диний амалларни бажо келтириш имкониятини қолдирадилар. Улар ўзларига бойлик, куч-қудрат ва ҳокимият келтирувчи прозелитлар сонини кўпайтириш учун уларнинг эски диний одатлар ва расм-русумларга содиқлигига кўз юмиш мумкинлигидан келиб чиқадилар[3].

Иезуитлар Европа ва жаҳонда улкан куч-қудрат ва мавқега эришадилар. Улар кўп сонли ўқув юртларига асос соладилар (масалан, биргина АҚШда иезуитлар ҳозирда 28 коллеж ва 50 олий мактабга раҳбарлик қиладилар[4]). Турли давлатларнинг раҳбарлари ва олий мансабдор шахсларини ўз таъсири[n] доирасига оладилар. Бидъатга, айниқса лютеранлик ва кальвинизмга қарши қаттиқ кураш олиб борадилар; барча мамлакатларнинг истеъдодли ва ақлли кишиларини орден аъзолигига қабул қиладилар[5].

---

[1] Провинциаллар, ректорлар, супериорлар ва уларнинг ассистентлари – иезуитлар ордени иерархиясида муайян ўринни эгалловчи шахслар; орденни иезуитлар устидан мутлақ ҳокимиятга эга бўлган генерал бошқаради.

[2] Қаранг: Тайные наставления ордена иезуитов // Атеист. 1927. № 17. – 25-б.

[3] Қаранг: Гризингер Т. Иезуиты. Полная история их явных и тайных деяний от основания ордена до настоящего времени. – СПб.-М., 1868. Т. 2. – 3-б.

[4] Қаранг: Великович Л.Н. Черная гвардия Ватикана. – М., 1980. – 180-б.

[5] Қаранг: Гризингер Т. Кўрсатилган асар. Т. 1. – 122–128-б.

Иезуитларда диний фанатизмни шакллантириш воситалар ва усулларига назар ташласак, уларнинг орасида хотира ёк мнемоника воситалари алоҳида ўрин эгаллашини кўришими мумкин. Маълумки, мнемоника назариясини Аристотель, Платон Цицерон, Квинтиллиан, Авлиё Августин, Фома Аквински Петрарка, Раймонд Луллий, Жордано Бруно, Декарт, Лейбниц каб буюк мутафаккирлар ишлаб чиққанлар. қадимги Юнонистон в Римда риториканинг бир қисми сифатида тарқалган[1] мнемони санъати ўрта асрларда христианлар дунёсида чин христианга хо бўлган фазилатлар тўпламининг таркибий элементларидан бир сифатида фалсафа, дин, тасвирий санъат, меъморчилик, театр ва ҳатто хуфия уюшмаларнинг тимсолларига ҳам ўз таъсирин кўрсатади. Уйғониш даври билимдони, англиялик мутахасси Ф.Йейтс фикрига кўра, мнемоника санъатини Жотто мўйқаламида чиққан новаторларча фрескаларда, Дантенинг «Илоҳий комедия си»да, готика услубида қурилган ибодатхоналар архитектоникасид протестантча тарбия концепцияларида, Фома Аквинскийнин «Теология йиғиндиси» асари структурасида, Лейбницнинг дифф ренциал ҳисобида ва ҳоказоларда кузатиш мумкин[2]. У Европ маданияти тарихидаги кўпгина феноменларни тушуниш имкони ятини беради.

Мнемоника санъати цивилизациянинг ёзув пайдо бўлишида олдинги босқичида айтилган сўзни эслаб қолиш санъати сифатид кенг амал қилган. Кейинчалик, цивилизациянинг тараққий этиши қараб, у ашёларга нисбатан татбиқ этила бошлаган ва кодекслашт рилган. Сунъий хотирани қўллаш қоидалари пайдо бўлган. Лўнд қилиб айтганда, мнемоника санъатида вақт ўтиши билан визуал лаштириш омилининг кучайиши юз берган.

Схоластика қоидаларини ўзида ифодаловчи мнемоника қоида ларининг Альберт Буюк ва Фома Аквинский томонидан қайт кўрилиши XIII асрда уларнинг оммавийлашувига имкон яратад

[1] Қаранг: Античные риторики. – М., 1978.

[2] Қаранг: Yates F.A. Sztuka pamieci. – Warszawa, 1977.

Монахлар орденларининг аъзолари ўз таълимотларини тарғиб қилиш учун фойдаланиш мақсадида нотиқлик санъатини тиклайдилар; воизлик Доминикан черкови фаолиятида асосий ўрин эгаллар эди. Ўрта асрларда сунъий хотирадан асосан дин аъёнларининг ваъзларини эслаб қолиш учун фойдаланадилар. Доминикан черкови намояндаларининг воизлик ва тарғиботчилик фаолияти замирида Фома Аквинский томонидан таърифланган ва ушбу мақсадларга мослаштирилган хотира қоидалари ётади. Бу қоидалар қуйидагича янграйди: «Инсонга яхши эслаб қолишга ёрдам берувчи тўрт нарса бор:

биринчидан, у эслаб қолиш талаб этиладиган нарсалар ва воқеаларни муайян тартибда жойлаштириши лозим;

иккинчидан, у мазкур нарсалар ва воқеаларга эмоционал ёндашиши керак;

учинчидан, уларни абстракт тушунчалар сифатида ифодалаши даркор;

тўртинчидан, уларни тез-тез хаёлан такрорлаши лозим»[1].

Доминикан черкови намояндалари инсон руҳиятига таъсир кўрсатиш борасида тўплаган тажрибадан Игнатий Лойола иезуитларни тарбиялаш тизимида самарали фойдаланади. Бу тажриба бўлғуси иезуит шахсиятини шакллантиришда анча муҳим роль ўйнайди.

Шундай қилиб, юқорида баён этилганлар турли маданий, психологик ва физиологик механизмлар иезуитлар томонидан Ватикан «қора гвардияси»нинг ўзагини ташкил қилган диний фанатикларни тайёрлаш учун фойдаланилган, деган хулосага келиш имконини беради. Шуни унутмаслик керакки, тўрт юз йил муқаддам Реформация ҳаракатига қарши курашиш учун таъсис этилган иезуитлар ордени ҳозир ҳам фаол иш олиб бормоқда.

Колумбча модель. Юқорида айтиб ўтилганидек, рим папалари, теократиянинг олий намояндалари сифатида, ўзларини барча қироллар ва императорлардан ҳам юқори қўйганлар. Улар сиёсат

[1] Yates F.A. Sztuka pamieci. – Warszawa, 1977. – 96-б.

билан фаол шуғулланганлар, халқнинг бир қисмини бошқа қисмиг
фуқароларни – подшоларга қарши гижгижлаганлар, ўз мақсадлари
эришиш йўлида монахларнинг турли орденлари ва муқаддас инкви
зициядан фойдаланганлар[1]. Масалан, папа Григорий VII (1020
1085) пул ва дағал кучни дунёда ўз ҳукмронлигини ўрнатишнинг эн
самарали воситалари деб ҳисоблаган. Папа Иннокентий III (1161
1216) экспансиянинг нисбатан мўътадил усулларини қўллаган
натижада папалик унинг даврида ўз куч-қудратининг чўққисин
кўтарилган. Унинг ўлимидан сўнг папалик ўзининг эгаллага
мавкеини бой бера бошлаган ва бу маълум маънода Реформаци
ҳаракати пайдо бўлишига туртки берган.

Европа маданиятининг бўлғуси ривожланиш йўлини белгила
берган Реформация даври каби оламшумул босқичлар жаҳо
тарихида унча кўп эмас. Инсоният тарихидаги ҳар қандай бую
ҳаракат каби, Реформация ҳам қуруқ жойда вужудга келгани йў
унга XIV ва XV асрларда юз берган жараёнлар (таъбир жоиз бўлс
шу даврда амалга оширилган ўзига хос «тайёргарлик иши») зами
ҳозирлади. Бу асрлар феодал ва черков иерархиявий муассасалар
завол топган, папалик ва Мукаддас Рим империяси инқирозга ю
тутган, рим-католик черковига мухолифат вужудга келган дан
ҳисобланади.

Ушбу мухолифатга рим черковида юзага келган вазиятда
норозиларвауниислоҳқилишгаинтилувчиларкиради[2].Римчерковид
юзага келган вазиятдан норозилар қаторига папа Бонифаций III да
руҳонийларни дунёвий ишларда дунёвий ҳокимиятга тўла бўйсун
диришни талаб қилган Франция қироли Филипп VI Чиройлини
«Монархия» асарининг учинчи китобида: «Биз папага бўйсуна
эканмиз, унга Исо Масиҳ сифатида эмас, балки Пётр сифатид
қараймиз», деб таъкидлаган Данте Алигъерини, папанинг бену
сонлиги ва унинг улкан куч-қудрати ҳақидаги таълимотни ра

---

[1] Бу ҳақда батафсилроқ қаранг: Гуревич А.Я. Культура и обҳество средневек
вой Европы глазами современников. – М., 1989. Гл. 10.

[2] Қаранг: Михайловский В. Предвестники и предшественники Реформации
XVI и XV веке // Гейссер Л. История Реформации. – М., 1882.

этган файласуф У.Оккамни, ўзининг «Аҳмоқлар кемаси» асарида руҳонийларнинг бузуқлигини аёвсиз танқид тиги остига олган немис сатириги Себастиан Брантни, «Кентерберия ҳикоялари»да черков тўғри йўлдан қайтганлигини кўрсатган ва ислоҳотларни талаб қилган инглиз шеърияти отаси Жеффри Чосерни киритиш мумкин. Халқ оммасининг ўрта асрлар руҳига мос равишда диний шаклларда ифодаланган норозилиги ҳам Реформация ҳаракатига замин яратган омиллардан бири ҳисобланади. Ушбу норозилик кўринишларидан бири сифатида флагеллантлар сектаси фаолияти намоён бўлади. Дидро ва Д'Аламбер «Энциклопедияси»даги «Флагеллантлар» мақоласининг муаллифи Л. де Жакур флагеллантлар «худолар марҳаматига сазовор бўлиш учун ўз танасини майиб қилган айрим мажусий коҳинлар фанатизмини эслатадиган фанатизм»ни намойиш қилганларини қайд этади[1]. Флагеллантларнинг намойишлари ғарбий Европани деярли тўла қамраб олади. Муаллифлар бу ҳаракат фаолиятида «руҳий омилларнинг устунлиги»ни, унинг «эпидемик хусусияти»ни, намойишга қўшилган «диндор омма кайфиятининг кўтаринкилиги»ни таъкидлайдилар[2]. Мистиклар Экхарт, Таулер, Сузо ва бошқалар фаолиятининг кучайиши юқорида зикр этилган норозиликнинг бошқа бир кўриниши сифатида намоён бўлади.

Иккинчи гуруҳга француз илоҳиётчилари, Париж университети ўқитувчилари Петр д'Альи ва Жан Шарлье киради. Улар епископ ҳокимиятини унга папанинг баъзи бир ваколатларини ўтказиш йўли билан кучайтиришга, рим черковини чексиз монархиядан конституциявий монархияга айлантиришга чақирадилар. Улар билан бир қаторга католик черкови ҳақиқатларини рад этувчи халқ пантеистик секталарининг аъзоларини (улар Германия ва Францияда айниқса кўп эди), «Реформация давридан олдинги ислоҳотчилар» деб номлаш мумкин бўлган бир қанча атоқли арбоблар ва мутафаккирларни ҳам

---

[1] Flagellans / Encyclopedic ou Dictionaire raisonne des sciences, des arts et des metiers. – P., 1756. Vol. 6. – 833-б.

[2] Қаранг: Skrzypek M. Poganski «entuzjazm» a chrzescijanska heterodok-sja Czknviek i swiatopoglad. 1986. № 7-8. – 123-б.

қўйиш мумкин[1]. Улар жумласига дунёвий ҳокимият манфаатларини ҳимоя қилган, ўлимидан сўнг шогирдлари лоллардлар сектасини тузган таниқли инглиз илоҳиётчиси Жон Виклиф, диннинг бирдан-бир манбаи Муқаддас китоб ҳисобланишини, черков иккинчи даражали ва шартли аҳамият касб этишини исботлашга ҳаракат қилган Прага университети магистри Ян Гус киради. Ушбу қарашлари учун Гусни гулханда куйдирадилар ва бу воқеа гусчилар урушлари олови ёқилишига сабаб бўлади. Шундай қилиб, феодал муносабатларга қарши инқилобий мухолифат мистика, очиқ-ойдин бидъат ва қуролли қўзғолон кўринишида Реформация учун замин тайёрлайди.

Реформация ғарбий Европа ҳаётида туб бурилиш ясаган давр ҳисобланади. Бу даврда рим-католик черковининг маънавий соҳадаги яккаҳокимлиги чекланади, дунёвий маданият ва буржуа дунёқараши ривожланишига асос солинади. Реформация даври – бу Европа маданиятида тўнтариш ясаган давр. Унда олижаноб интилишларга ҳам, «даҳрийлар»ни гулханда куйдириш ҳолларига ҳам антик маданиятга қизиқишнинг тикланишига ҳам, «жодугарлар»га қарши қатағонларнинг кучайишига ҳам (бунга «Салем иши» ёрқин мисол бўлади), қизғин илмий мунозаралар ва ваҳшиёна қийноқ усулларига ҳам дуч келиш мумкин[2].

Реформация босқичи – бу Уйғониш даври ва гуманистик мафкура қадриятлари протестантча фанатизм билан тўқнашган мураккаб ва зиддиятларга тўла босқич. Реформация даврида католикларни-кидан ҳам кучлироқ диний фанатизм пайдо бўлади. Протестантизм ғарбий Европада шакллана бошлаган буржуа давлатларининг маънавий асослари ва ахлоқий меъёрлари диний фанатизмнинг ўта ваҳшиёна кўринишлари пайдо бўлишига олиб келади. Дин тарихчиси Ф.Маутнер протестантлар раҳнамоси Лютер иблиснинг мавжудлигига ва унинг ёвуз амалларига ишонганлигини қайд этар

---

[1] Қаранг: Михайловский В. Предвестники и предшественники Реформации в XVI и XV веке // Гейссер Л. История Реформации. – М., 1882. – XIII б.

[2] Қаранг: Митрохин Л.Н. Стефан Цвейг: Кастеллио против Кальвина. – М. 1986. – 17-б.

экан, шундай деб ёзади: «Протестантизм католикларнинг иблис ҳақидаги хурофий қарашларини ўзлаштириш билан бир вақтда, уни догматик жиҳатдан янада мустаҳкамлаганлиги айби Лютернинг бўйнига тушади. Протестантлик етакчи дин бўлган мамлакатларда жодугарлар устидан ўтказилган жараёнлар аксарият ҳолларда католиклар ўтказган шундай жараёнлардан ҳам фанатикроқ тус касб этади. Жодугарларни гулханда куйдиришнинг оташин тарафдорлари протестантлар орасида католиклардан ҳам кўпроқ топилади. Лютер учун иблис оддий қуролга, худо ғазабининг жаллодига айланади»[3].

Протестантча Реформациянинг хусусиятларидан бири фақат монахларга хос бўлган аскетизмнинг дунёвий ҳаёт тарзига ҳам татбиқ этилиши ҳисобланади. Лютер инсонни юзаки диндорликдан халос қилади ва диндорликни инсоннинг ички дунёсига айлантиради. Лўнда қилиб айтганда, у руҳонийларни дунёвий кишиларга, дунёвий кишиларни эса – руҳонийларга айлантиради. Бунда протестантизмнинг фундаментал ғояси – Лютернинг инсонга паноҳ топиш имконини берувчи бирдан-бир восита саналган «шахсий эътиқод» тўғрисидаги ғояси мазмуни намоён бўлади. Протестантизмнинг турли йўналишлари, шу жумладан унинг кальвинистик кўриниши замирида ҳам айни шу ғоя ётади. Бу ғоя турли-туман кучлар – сиёсий мустақилликка интилаётган ҳукмдорлар; ўлпонлар ва феодал жамиятнинг тарқоқлиги фаолиятига тўсқинлик қилаётган тадбиркорлар ва тижоратчилар; ўз табааларини талагани учун рим черковини ёмон кўрган қашшоқлашган дворянлар ва рицарлар; қотиб қолган черков ақидалари ҳукмрон муҳитда нафас олишга қийналаётган зиёлилар; аёвсиз жабр-зулмга дучор бўлган деҳқонлар ва шаҳарлик плебейларни бирлаштирувчи омил бўлиб хизмат қилди.

Бу кучларнинг барчасини бирлаштириш учун «идеал шакл» сифатидаги ғоя зарур эди. Маълумки, бундай «идеал шакллар»ни яратиш зиёлиларнинг вазифаси ҳисобланади. Ижтимоий амалиёт жараёнида айни шу «идеал шакллар»ни амалга ошириш талаб этилади. Ҳолбуки, Реформация даврига келиб зиёлиларнинг

[3] Маутнер Ф. История черта на Западе / / Атеист. 1926. № 8. – 19-б.

кўпчилиги ё дайдиларча ҳаёт кечирарди, ё герцоглар, графлар, баронлар ва шаҳар патрицийларига боқиманда эди. Ўрта асрлар зиёлилари кучли шахсий қарамлик эвазига тирикчилик қилардилар. Ўша даврда қурилган айрим ҳашаматли соборлар ва ратушаларнинг меъморлари, ҳаттотлар, дайди файласуфлар ва солномачилар ўз исмларини ошкор этмаганлари тасодифий бир ҳол эмас. Зиёли, мафкурачи маънавий ҳаётда муҳим роль ўйнайди, у жамият ҳали англаб етмаган ғояларни таърифлайди. Рим-католик черковининг маънавий яккаҳокимлигига асосланган феодал жамиятда йиғилиб қолган зиддиятлар охир-оқибат инқилобга олиб келади. Амалга ошириш жараёнига ашаддий диний фанатизм йўлдош бўлган протестантизм фундаментал ғояси Реформация даврини бошлаб берган ушбу инқилобнинг «идеал шакли» ҳисобланади.

Маълумки, рим-католик черкови мавжуд феодал тузумни ўзида мужассамлаштирган ижтимоий институт ҳисобланар эди. Шу туфайли ҳам ҳар қандай ижтимоий ва сиёсий ҳаракат теологик шакл-шамойил касб этишга мажбур эди, мавжуд ижтимоий муносабатларга ҳужум қилиш учун эса уларни муқаддаслик рутбасидан маҳрум қилиш талаб этиларди. Содда қилиб айтганда, ижтимоий институт сифатидаги рим-католик черкови устидан ғалаба қозониш учун унинг жамиятдаги ҳукмронлигини асословчи ақидалар тизимини вайрон қилиш талаб этилар эди. Бу тизимда инсон паноҳ топиши учун кўмакчи сифатида черковнинг зарурлиги ҳақидаги ақида марказий ўринни эгалларди. Мавжуд объектив ва субъектив шароитларда черков нуфузини рад этишни фақат унинг ўз қуроли воситасида амалга ошириш мумкин эди. Рим-католик черковининг «илоҳий пантеон»ни эгаллаш борасидаги иддаоларига ҳеч бўлмаса шу даражада авторитар таълимотни қарама-қарши қўйиш талаб этиларди. «Шахсий эътиқод» концепцияси айни шундай таълимотга айланди[1]. Христианлик доирасида бунга фақат Худонинг куч-қудратига нисбатан рим-католик черковининг «дунёвий» чекланган-

[1] Қаранг: Митрохин Л.Н. Цвейг Стефан. Совесть против насилия. – М., 1986. – 20–21-б.

лигини қарама-қарши қўйиш йўли билан эришиш мумкин эди. Айни шу сабабли протестантлар Муқаддас китобни диннинг бирдан-бир манбаи деб эълон қиладилар ва амалда черков эдиктларини асословчи Муқаддас ривоятга эмас, балки «Худонинг сўзи»га итоат этишга чақирадилар. Бунга протестантлар жодугарларни «овлаш» ва дахрийларни таъқиб қилишда янада шафқатсизроқ ва фанатикрок бўлганлари сабабининг классик изоҳи сифатида қараш мумкин. Масалага чуқурроқ ёндашиш кишиларнинг тенглиги, инсоннинг «ички» эркинлиги, унинг бурчи ва маслаги ҳақидаги одатдаги тасаввурларни аниқ ифодалаган протестантча мафкура «буржуазиянинг ўзига хос фаоллигини рағбатлантиришнинг самарали воситаси»га[1] айланганлигининг гувоҳи бўлиш имконини беради. Буржуача онг ва фаоллик манбаи протестантча фанатизм феноменини тушунишнинг ўзига хос «калити» бўлиб хизмат қилади, яъни ушбу феноменни англаб етиш инсон табиатининг функционал моделига таянишни тақозо этади.

Дарҳақиқат, файласуфлар ва мутафаккирлар инсон фаолиятининг самарадорлиги тўғрисидаги масалага ечим топиш жараёнида имконият даражасидан ташқаридаги фаолиятни тавсифловчи икки қарама-қарши модель – прометейча ва сизифча моделларни яратганлар[2].

Прометейча модель инсон ва жамоанинг табиат устидан ҳукмронлик қилиш, баркамол жамиятни яратиш ва инсон шахсиятини камол топтириш қобилиятига бўлган шак-шубҳасиз ишончдан келиб чиқади. Ушбу модель ғалаба кетидан ғалаба қозонаётган конкистадорни эслатади. Тўғри, бу йўлда у азоб-уқубатлар чекади, қурбонлар кўради, бироқ эришилган натижалар шунга арзийди. Прометейчилик инсонни оқилона ва изчил йўллар билан ўз мақсадига эришувчи идеал арбоб деб ҳисоблайди. Бунда ваъда бажарилмай қолмайди. Зеро бажарилмаган ваъда ўзининг эмпирик маъносини йўқотади. Бундай оптимистик ёндашув анча мураккаб фаолиятга нисбатан ҳам кузатилади.

---

[1] Ўша ерда. – 29-б.

[2] Қаранг: Kozielecki J. O czlowieku wielowymiarowym. – Warszawa, 1988. – 113–116-б.

Прометейча моделнинг турли вариантлари баъзи бир мутафаккирлар, олимлар ва сиёсатчилар томонидан ўзлаштирилган. Унга кўпгина инқилобчилар ҳам амал қилганлар. Улар инқилобий фаолият ва ўз ижоди ёрдамида инсон унинг эҳтиёжларини қондирувчи ва эркинлик доирасини кенгайтирувчи жамият куришга қодир эканлигига ишонганлар; шу туфайли ҳам инсоният келажаги коллектив Прометей қўлидадир, деб ҳисоблаганлар. Бундай нуқтаи назарни кўпгина бихевиористлар, социологлар ва педагоглар ҳам илгари сурадилар. Масалан, америкалик социобиолог Скиннер фикрига кўра, хулқ-атвор технологиясининг икки томонлама позитив алоқа принципидан келиб чиқувчи методлари индивид реакцияларини эркин модификациялаш ва биороботлар жамиятига ўхшаш янги жамият барпо этиш' имконини беради. Юзаки чеклашлар ва тўсиқлар ўз кучига ишонмай қўйган ақлнинг иллюзиялари ҳисобланади.

Прометейча модель эмпирик маълумотлар билан тўла тасдиқланмайди. ғоя ва натижа ўртасидаги фарқ аксарият ҳолларда критик масофани ўзида ифодалайди. қўйилган мақсадларга қисман ёки умуман эришмаслик инсон тақдирининг элементи сифатида унинг инновацион фаолиятида айниқса бўртиб намоён бўлади. Инсон тайёрлаган ижтимоий инқилоблар, таълим-тарбия соҳасида у амалга оширган ислоҳотлар, илмий тадқиқотлар, одатда, кутилганидан фарқ қиладиган натижаларга олиб келади. Зотан инсон ҳар нарсага қодир арбоб эмас – Фауст белбоғини тақиш ё маҳаллий гуруҳларнинг манфаатларига хизмат қилади, ё тушкунлик қаршисида ҳимоя механизми ҳисобланади.

Ташқи ва ички омиллар мажмуи прометейча идеалларга эришишни қийинлаштиради. Иқтисодий ва сиёсий жараёнлар устидан тўла назоратнинг йўқлиги, таваккалчилик, ахборотдан фойдаланиш имкониятининг чекланганлиги, инсон ҳаёт фаолиятидаги иррационал соҳалар, ақлнинг норасолиги ва ҳоказолар турли-туман ғояларни рўёбга чиқариш имкониятини бермайдиган омиллар ҳисобланади. Ижодий фаолият ҳам кўпинча умидларни оқламайдиган натижаларга олиб келади. Прометейча модель инсон фаолиятининг томонларидан биринигина тавсифлайди.

Сизифча модель прометейча идеалларга қарама-қарши ҳисобланади. У инсон фаолияти самарали эмаслигини, фаолиятга туртки берувчи ғоялар ва унинг қадрият тусини касб этувчи оқибатлари ўртасида тафовут мавжудлигини назарда тутади. Инсон инновацион ҳаракатларни бажаряпман деб ўйлайди, бироқ улар индивиднинг умидларига зид ўлароқ, нарсалар ва ҳодисаларнинг мавжуд тартибидан четга чиқиш имконини бермайди. Бундай ёндашувда ижтимоий инқилоблар, ўз-ўзини камол топтириш йўлидаги ҳаракатлар ёки азоб-уқубатларга қарши кураш бесамардир. Ютуқ барвақт эълон қилинган мағлубиятга айланади, одамларнинг саъй-ҳаракатлари абсурд ва иррационал бўлиб чиқади, улар афсонавий Сизифнинг ишини такрорлайдилар.

Сизифча модель унинг турли кўринишларида кўпгина файласуфлар ва мутафаккирлар, айниқса экзистенциалистлар томонидан ўзлаштирилган. Альбер Камю «Сизиф ҳақида афсона» эссесида абсурд ва маъносиз фаолиятга шўнғиган инсон учун ўзини ўзи ўлдириш тўғрисидаги масала том маънода фалсафий хусусиятга эга бўлган бирдан-бир масалага айланишини таъкидлайди. Шунга яқин қарашларга меланхолия ва депрессияни бошдан кечираётган невротик ёшлар даврасида дуч келиш мумкин. Индивид ва гуруҳлар фаолияти беҳуда эканлиги ҳақида ўйлашга мажбур этувчи вазиятлар ҳар бир инсон ҳаётида мавжуд бўлса керак. Поляк психологи Й.Козелецкий сизифча моделга тавсиф берар экан, у инсон тақдирининг умумий андозаси сифатида, карикатура хусусиятини касб этишини таъкидлайди[1]. Агар инсон таъсирчан фаолият кўрсатмаганида, фаолият ва унинг натижалари ўртасида алоқа мавжуд бўлмаганида, инновациялар самара бермаганида, у дунёда яшаб қолмаган ва ўзгарувчан муҳитга мослаша олмаган бўлур эди. Одамзот санъатда, фанда, динда ва ўз ҳаёт фаолиятининг бошқа соҳаларида бунёдкор бўла олмас, йўқлик қаърига сингиб кетган бўларди. Инсон доим ҳам ютқазавермаслигига ишонч ҳосил қилиш учун кўп сонли мағлубиятлар «чиғириғи»дан ўтиш лозим эди. Шу туфайли ҳам сизифча

[1] Қаранг: Kozielecki J. O czlowieku wielowymiarowym. – Warszawa, 1988. – 116-б.

модель, прометейча моделга зид ўлароқ, инсон мавжудлигининг бошқа томонини акс эттиради.

Шундан келиб чиқиб, Й.Козелецкий, ўз фикрига кўра, инсон фаолиятининг энг окилона модели – амалий ҳаётда инновацияларни амалга оширувчи инсон моделини таклиф қилади. Бу моделни у «колумбча модель» деб номлайди[1]. Бу ерда у Ҳиндистонга ғарбий йўналишда янги денгиз йўлини очишга аҳд қилган ва бунга муваффақ бўлган Колумбнинг ҳаёт тарихини асос сифатида олади. Колумбнинг ғояси ўта хавфли эди – ўша замон кемалари ҳам, навигация асбоблари ҳам, экипажнинг тайёргарлик даражаси ҳам мақсадга эришишни тўла таъминлаш имконини бермасди. Натижада Колумб кутилмаган натижага эришди – у янги қитъани кашф қилди. Колумб саёҳати натижалари инсоният учун оламшумул аҳамият касб этади. Аммо баъзан бундай ҳаракатлар фожиали оқибатларга олиб келиши ҳам мумкин. Масалан, майя қабилалари ва кхмерлар томонидан турли замонларда ўрмонларнинг кесиб ташланиши уларга далалар учун арзон қуёш энергиясини берди, аммо шу билан бир пайтда кутилмаганда тупроқнинг чуқур эрозиясига олиб келди ва пировардида уларнинг цивилизациялари таназзулга юз тутишига сабаб бўлди.

Колумбча модель инсон фаолиятини, айниқса инновацион фаолиятни анча тўлиқ тавсифлайди. Бу тавсиф тўрт банддан иборат:

1. Йирик ютуқ - иш ўнгидан келиб инсон улкан аҳамиятга молик натижага эришади, билим ёки ҳокимият доирасини кенгайтиради;

2. Ютуққа эришиш эҳтимолининг озлиги – эришилган натижа камдан-кам ҳолда юксак аҳамиятга эга бўлади;

3. Йирик мағлубият – иш ўнгидан келмаслиги нафақат инсонга, балки жамиятга ҳам таҳдид солиши мумкин бўлган улкан муваффақиятсизликка олиб келади;

4. Муваффақиятсизликка эришиш эҳтимолининг катталиги – номақбул натижаларга эришиш имконияти бор ва шу боис потенциал хавф реал тус олиши мумкин. Колумбча модель инсон фаолиятининг эҳтимолий моделини ўзида ифодалайди.

---

[1] Ўша ерда. – 116–118-б.

Колумб ҳаёти ва инсон фаолиятининг таклиф қилинган модели ўртасида теран боғланиш мавжуд. Тарихий манбалардан маълумки, машҳур денгизчи ўз олдига қўйилган мақсадга эришганига, Ҳиндистонга элтувчи ғарбий денгиз йўлини очганига умрининг охиригача ишониб яшаган, ўзи янги қитъани очгани ҳақида ўйлашни истамаган. Худди шунингдек умидлари пуч бўлиб чиққан арбоб ҳам амалда ютуққа эришганлигига ўзини ва бошқаларни ишонтиришга ҳаракат килади. Бу йўлда у ўзини ўзи алдаш усуллари, ҳимоя механизмлари ва репрессия воситаларидан фойдаланади. Муҳими шундаки, мазкур модель инсоннинг мураккаб, жўшқин ва ўзига ёт бўлган дунёдаги фаолиятини тушуниш имконини беради. Шаклланаётган Европа буржуазияси дунёси ҳам айни шундай дунё эди.

Протестантча мафкурага кўра, инсон ҳаёти илоҳий тақдир тўғрисидаги таълимотга мувофиқ амалга ошади. Бу нуқтаи назар инсон фаолиятининг колумбча модели билан мувофиқ келади. Лютер илгари сурган бу таълимотдан «Женева папаси» Кальвин буржуазия манфаатларини ҳимоя қилиш учун анча самарали фойдаланади. Унинг догмаси ўша давр буржуазияси илғор қисмининг талабларига жавоб берар эди. Унинг илоҳий тақдир ҳақидаги таълимоти аслида савдо ва рақобат дунёсида муваффақият ёки банкротлик айрим шахслар фаолияти ёки маҳорати билан эмас, балки уларга боғлиқ бўлмаган омиллар билан белгиланишининг диний ифодасидан бошқа нарса эмасди. Колумбча модель замирида ҳам айнан «илоҳий» (амалда объектив) тақдир таълимоти ётади.

Инсон фаолиятида «иш ўнгидан келиши» ёки «келмаслиги» тақдирнинг айни шундай объектив тақозоси сифатида намоён бўлади. Реформация даврида яшаган одам шундан келиб чиқиб ўз олдига қўйган мақсадга эришиш учун ўз-ўзидан динга мурожаат этади. Юқорида қайд этиб ўтилганидек, инсон яшаётган дунёнинг номуайянлиги шароитида бу эътиқод уни диний фанатизмга олиб келади. Номуайянлик шароитида инсон фаолиятини намойиш этувчи колумбча модель кальвинизмнинг тоқатсизлигини ва ўзгача фикрловчиларга нисбатан унинг шафқатсизлигини ҳам тушунтиради. Уйғониш даврининг прометейча модели эса, аксинча,

диний тоқатлиликни назарда тутади. Бу икки модель ўртасидаги фарқ Уйғониш даврининг инсонпарварлиги ва жангари кальвинизм ўртасидаги қарама-қаршиликни акс эттиради. Бинобарин, диний тоқатлилик ва тоқатсизликнинг қарама-қаршилиги уларни юзага келтирувчи ижтимоий шароитлар билан белгиланади.

Аммо диний тоқатлилик анъанаси ўрта асрларда ҳам яшашда давом этади. Масалан, динга эътиқод қилмайдиган, бироқ тўғри яшайдиган кишиларни қоралаш мумкин эмас, деган фикрни илгари сурган Пьер Абеляр Авлиё Августин анъанасига эмас, балки Юстиниан анъанасига таянади[1]. Абелярнинг бидъат билан чегарадош бўлган бу концепцияси давримиз билан ҳам ҳамоҳангдир, зеро унда мутафаккир ахлоқ масалаларини диний эътиқоддан ажратишга ҳаракат қилган. Бу XII асрда инсонпарварлик, бағрикенглик ва тоқатлилик принциплари ривожланишига имконият яратган. Ўша замонда яшаган солсберилик Иоанн ҳам қадимги файласуфлар – Аристотель, Платон ва бошқалар, гарчи чўқинмаган бўлсалар-да, ҳақиқатни христианлар даражасида билганларини Абеляр каби тан олган.

Платонизм билан бирга мерос қолган «мажусийликдаги яхши фазилатлар» ва «антик ҳудожўйлик» мотиви христианча тафаккур доирасида Уйғониш ва Реформация даврларида айниқса фаол ривожланади. Масалан, руҳоний Марсилио Фичино ўз фаолиятида «авлиё Суқрот» руҳини шод этиш учун дуолар ўқиш билан шуғулланади, баъзан ўз дуоларида «авлиё Платон» руҳини ҳам ёд этади[2]. Уйғониш даврида диний тоқатлиликнинг биринчи тарафдори – Роттердамлик Эразм «Христиан аскарининг қуроли» асарида меҳр-шафқатлилик, ақлий меҳнат ва антик донишмандликда ифодаланувчи эътиқод христианликнинг идеали ҳисобланишини қайд этади. У Худо черков воситачилигисиз ато этган «табиий» дин тарафдори Цицеронни тилга олиб ўтади, Муқаддас китобни янгича

---

[1] Қаранг: Skrzypek M. Tolerancja religijna // Czlowiek i swiatopoglad. 1987. № 7. – 133-б.

[2] Қаранг: Горфункель А.Х. Гуманизм и натурфилософия Итальянского Возрождения. – М., 1977. – 110-б.

кўз билан ўқишни, афсоналар ва ривоятлар мазмунини Платон ва қадимги тиллар ёрдамида англаб етишни талаб қилади[1]. Реформация даврида диний токатлилик ғоясини Себастиан Кастеллионинг икки буюк ўтмишдоши – Томас Мор ва Себастиан Франк илгари суради. Себастиан Кастеллионинг ўзи протестантизмнинг ривожланиш босқичи (XVI аср)да фаолият кўрсатади. Протестантизмнинг лютеранча ва кальвинча йўналишлари даставвал диний тотувлик таълимотини тан олади. Кейинчалик эса улар ўз йўналиши доирасидаги радикал ҳаракатлардан шафқатсизлик билан ўч олади: Лютер Мюнцерга қарши, Кальвин – ўз душманларига карши кураш олиб боради, шу жумладан 1533 йилда испан табиби Мигель Серветни гулханда куйдиради. Кальвиннинг фанатикларча токатсизлиги инсонпарвар Себастиан Кастеллио бунга норозилик билдиришига сабаб бўлади. Ўзининг диний фанатизмга қарши қаратилган фикр-мулоҳазаларини Кастеллио 1554 йилда нашр этилган «Даҳрийларни таъқиб қилиш керакми» асарида, шунингдек «Иштибоҳ санъати» ва «Саросимага тушиб қолган Францияга маслаҳатлар» рисолаларида баён этади. Сўнгги рисолада у католиклар ва гугенотлар ўртасидаги диний урушларни тўхтатишга чақиради.

Кастеллио шубҳали илоҳий ҳақиқатлар йўлида одамлар бир-бирини таъқиб қилувчи, ўзларини ўлимга ва азоб-уқубатларга гирифтор этувчи вазиятнинг абсурдлигига эътиборни қаратади. Диний токатлилик муаммосига нисбатан мазкур ёндашув шунга олиб келадики, Кастеллио XVI асрда сиёсий муаммолар диққат марказидан ўрин олган диний бағрикенглик принципини ҳаётга татбиқ этиш йўлида оташин курашчига айланади. У ўз асарларида кейинги даврларда пайдо бўлган виждон эркинлиги концепцияларининг барчасига ўз таъсирини кўрсатган мазкур принципни атрофлича таҳлил қилади ва чуқур асослаб беради[2]. Шу тариқа Кастеллио ўзи яшаётган жамият дунёқарашини ва унда куртак

[1] Қаранг: Эразм Роттердамский. Философские произведения. – М., 1986. – 140–163-б.

[2] Қаранг: Митрохин Л.Н. Цвейг Стефан. Совесть против насилия. – М., 1986. – 37-б.

ота бошлаган ижтимоий идеални ифодалашга муваффақ бўлади. Кальвин ўзининг бор кучини Кастеллиога қарши ташлагани тасодифий бир ҳол эмас. Кальвинчилар хуружидан Кастеллиони фақат бевақт ўлим қутқаради.

Кальвин ўзининг ашаддий диний фанатизм руҳи билан суғорилган фаолиятида ўзига хос тарзда тушунилган христианлик дини таълимотига асосланган янги жамиятни яратишни ҳаракат қилади. Ўзининг бу мақсадига эришиш йўлида у ўз ихтиёрида мавжуд барча воситалардан фойдаланади[1]. Аввалambор шуни қайд этиш лозимки, Кальвин таълимотида рим-католик черкови ақидалари тизимига икки ёқлама муносабат кузатилади. Бир томондан, у ўрта асрлар католик черковининг иерархиявий асоси қадимги чин христианликнинг черков тизими ҳақидаги ғоясига бутунлай зид эканлигини исботлаб беради. Айни шу сабабли рим-католик черкови уни Лютердан ҳам муросасизроқ ва хавфлироқ душман деб ҳисоблайди.

Бошқа томондан эса, Кальвин черков ва давлатнинг яхлит бир бутунлигини назарда тутувчи теократия ғоясининг ашаддий мухлиси эди ва шу маънода у католик черков нуқтаи назарини тўла қўллаб-қувватларди. У черков давлати жамоа демократиясига асосланган ҳолда инсон ҳаётининг барча соҳаларига кириб бориши лозим, деб ҳисоблар эди. Кальвин рим-католик черковининг Муқаддас ривоятини рад этган ҳолда, жамоанинг олий раҳбарлигига бўйсундирилган теократия ҳукмронлигини ўрнатишга ҳаракат қилади.

«Женева папаси» ўзини Худонинг «элчиси» деб ҳисоблайди ва имконият туғилгани заҳоти ўзининг «Худо шаҳри» идеалини амалга оширишга киришади. 1541 йилнинг сентябрида Спартадаги Ликург ҳуқуқларига ўхшаш ваколатларни қўлга киритгач, Кальвин Женевани дин ва ижтимоий ҳаёт, ибодат ва дунёвий бошқарув муштарак бўлган «Худо шаҳри»га айлантира бошлайди. Кальвин барпо этган Женева бутун ғарбий Европа учун андоза бўлиб хизмат

[1] Қаранг: Гейссер Л. История Реформации. – М., 1882. – 244–254-б.

қила бошлайди. Кейинчалик қитъанинг бу қисмида Женевадагига ўхшаш тусдаги протестантлар жамоалари вужудга келади.

Биринчи навбатда Кальвин ибодатни ортиқча унсурлардан тозалайди: инсон туйғуларига таъсир кўрсатувчи нарсаларнинг барчасидан, аниқроқ айтганда, католик черковининг барча ташқи атрибутлари – иконалар, меҳроблар, тимсоллар, тақинчоқлар ва шу кабилардан воз кечилади. Фақат оғзаки насиҳатлар, Инжилни мутолаа қилиш ва шарҳлаш, диний қўшиқлар куйлаш сақланиб қолади. Шу тариқа Кальвин шаклланаётган буржуазиянинг арзон черков ҳақидаги талабини бажаради. Диндорларнинг туйғулари ва фантазиясига таъсир кўрсатувчи ўрта асрлар католик черковидан фарқли ўлароқ, кальвинча черковда индивиднинг маънавий соҳасига таъсир кўрсатиладики, бу диндорлардан черков интизомига қатъий риоя қилишни талаб этар эди.

Кальвин бундай черков интизомини яратади. У диндорларнинг барча муносабатларини қамраб олади ва ҳар кимга бешикдан қабргача йўлдош бўлади. Мазкур интизомни сақлаш учун католик черкови ихтиёрида мавжуд барча воситалар: чўқинтириш, тарбиялаш, конфирмация, эпитимия, маънавий жазолаш, черковдан четлатиш ва ҳоказолардан фойдаланилади. Протестантизмга хос бўлган ягона андозадаги казарма руҳи, маънавий деспотизм, обскурантизм ва зўравонлик қатъий черков интизоми ёрдамида шакллантирилади[1].

Кальвин фаолияти тез орада самара беради. У ҳокимиятга келиши билан бузуқлик гирдобидаги Женева пуританча ахлоқийлик намунасига айланади. Кальвин ўзгача фикрловчилар ва «жодугарлар»ни шафқатсиз жазолайди: «У ҳатто иблис билан тил бириктириш мамлакатда ўлат тарқалишига сабаб бўлмоқда, деб эълон қилади ва 1545 йилнинг уч ойи ичида «ўлат айбдори» бўлган 34 аёлни даҳшатли қийноқлардан сўнг бошини танидан жудо қилиш, дорга осиш ва тўртга бўлиш йўли билан қатл қилади»[2].

---

[1] Қаранг: Гейссер Л. История Реформации. – М., 1882. – 248–249-б.

[2] Геннинг М. Дьявол, его миф и история в христианской религии. – М., 1929. – 44-б.

Шаҳарда махсус полиция тартибни, интизомга риоя этилишини қаттиқ назорат қилади. Шаҳарнинг ҳар бир фукароси кечқурун соат тўққизда ўз уйида бўлиши шарт эди, акс ҳолда у қаттиқ жазога тортиларди. Жамоат тартибини бузганлик учун шаҳарда ялпи қўрқувни қувватловчи жазолар тизими белгиланган эди. Масалан, илгари бир неча кун қамоқ ва оз миқдорда жарима билан жазоланган зино учун энди ўлим жазоси назарда тутилади: зинокорликда фош қилинган бир аёл Рона дарёсига чўктириб юборилади, икки зинокор эркакнинг боши танасидан жудо қилинади. Худога шак келтириш ва ҳатто унга ҳурматсизлик учун ҳам ўлим жазоси тайинланиши мумкин эди. Сўкиниш ва ҳатто ҳайвонларга қаратилган лаънатлашлар ҳам тақиқланган эди. Онасини сўккан бир бола нон ва сувга ўтқизиб қўйилади, онасига тош отган бошқа бир бола оломон олдида савланади ва дорга қўлидан осиб қўйилади, ота-онасини дўппослаган яна бир бола қатл қилинади. Шаҳвоний гуноҳлар асосан сувга чўктириш билан, уятсиз қўшиқлар куйлаш эса - қувғин қилиш билан жазоланади. Дунёвий қўшиқни псалом оҳангига солиб ҳиргойи қилган бир аёл оломон олдида саваланади; Пожо Браччолининг уятсиз ҳикояларини мутолаа қилиш устида ушланган ўқимишли киши турмага ташланади. қимор ўйини устида ушланганларни эса бўйнига карта шодасини осиб сазойи қиладилар. Никоҳ маросимида ҳар қандай ўйин-кулги, шунингдек театр томошалари тақиқланади.

Кальвинизм бюргерлар Реформация ҳаракатидаги энг фаол, изчил ва жангари оқимни ўзида ифодалайди. У ҳокимият йирик буржуазия қўлига ўтиши, буржуазиянинг фаоллигига тўсқинлик қилаётган феодал тартиблар тугатилиши йўлида жонбозлик кўрсатади. Контрреформация даврида кальвинизм Реформация мақсадларига эришиш, чунончи: эскирган феодал тартибларни тугатиш, йирик буржуазия ҳокимиятини ўрнатиш, рим-католик черковига қарши курашиш йўлида собит бўлган, ўзларини «Худо танлаган одамлар» деб ҳисоблаган кишиларнинг метиндек мустаҳкам жипслашган ташкилотини яратади. Женевада Кальвин ташкил қилган Академия протестантизмнинг биринчи маънавий

марказига айланиш билан бир каторда, Лойоланинг иезуитлар орденига қарши кураш олиб боради. Бу Академияда букилмас иродага эга бўлган ва қатъий интизомга бўйсунадиган воизлар ва тарғиботчилар тайёрланади. Натижада Женева давлати Римнинг қудратли ракибига айланади. Бу кишилар демократия инжилини қўлида ушлаб эски монархик тартибларга қарши кураш олиб борадилар. Рим-католик черковининг мафкуравий ва ҳарбий-сиёсий машинаси Реформация ҳаракатининг маънавий ва моддий имкониятларини йўққа чиқаришга зўр бериб ҳаракат қилади. Бу тизимга қарши ҳаракат қилиш учун Лютер пассив қаршилигининг ўзи кифоя қилмас эди. Бу ерда қонли кураш олиб боришга қодир кишилар зарур эди. Кальвин мактаби тарбиячилари ана шундай кишилар сифатида майдонга чиқадилар. Улар ҳамма жойда – Францияда, Нидерландияда, Шотландияда, Англияда, Скандинавияда жангга киришадилар. Диний-сиёсий урушларда уларнинг фаол иштироки Кальвиннинг ҳокимият ҳақидаги орзуларини рўёбга чиқариш учун асос беради. «Бу ашаддий фанатик барча мамлакатларга ўз ҳукмини ўтказиш, бутун Европани, бутун дунёни ўз тоталитар тизимига бўйсундириш орзуси билан ёнади»[1]. Боз устига, бу орзулар аста-секин рўёбга чиқа бошлайди: «Легат Жон Нокс Шотландияни унга бўйсундиради, Голландияда ва қисман Скандинавия мамлакатларида пуританизм руҳи ҳукм сура бошлайди, Франция гугенотлари қуролланиб, ҳал қилувчи жангга ҳозирланадилар, яна бир қадам ташланса – бас: кальвинизм ғарб дунёси тафаккури ва ҳаётининг бирдан-бир шаклига айланади»[2]. Бироқ, не бахтки, бу ҳал қилувчи қадам ташлангани йўқ, зеро ранг-баранг ҳаётни диний фанатикнинг абстракт таълимоти «қуюшқони»га қувиб киритиш мумкин эмас.

Аммо тарих ўзининг диалектик моҳиятини бу ерда ҳам намоён этади ва кальвинизм билан бир қарашда кутилмаган метаморфозалар юз беради – у ўзининг диний фанатизмини йўқотади ва либерал, демократик давлат ғояларига айланади. Бу сиёсий эркинлик

---

[1] Цвейг Стефан. Совесть против насилия. – М., 1986. – 209–210-б.

[2] Ўша ерда. – 210-б.

ғоялари Голландияда, Англияда, Америка қўшма Штатларида ва бошқа протестантлик мамлакатларида рўёбга чиқарилади. Айнан пуританлик руҳи «қўшма Штатлар мустақиллик декларацияси» (1776 йил) ва Франция «Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари декларацияси» (1789 йил) каби бутун дунё учун муҳим ҳужжатлар пайдо бўлишига олиб келади. Стефан Цвейг бу ҳақда шундай деб ёзади: «Тоқатсизлик ғояси айниқса кучли бўлган мамлакатлар мутлақо кутилмаганда Европада тоқатлилик паноҳ топган юртларга айланади. Айнан Кальвин дини қонунга айланган жойларда Кастеллио ғояси рўёбга чиқади»[1].

Тоқатлилик классик таълимотининг ўзи ўз ривожланиш жараёнининг прогрессив босқичига кирган буржуа маданияти маҳсули ҳисобланади. Феодализмни ағдариб ташлаган Буюк француз инқилоби «Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари декларацияси»да унинг эътиқодлари, шу жумладан диний эътиқодларига ҳеч ким дахл этиши мумкин эмаслигини эълон қилади. Тарихнинг бу метаморфозалари натижасида диний фанатизм эволюцион ривожланиш жараёнида диний тоқатлиликка айланади. Аммо бу эврилишни соф мантиқий йўл билан тушунтириш мумкин эмас.

Хулоса. Шундай қилиб, Реформация даври протестантизмининг ашаддий фанатизми, Г.Маркузе таъбири билан айтганда, «бир даражали инсон» яратилишига олиб келади. Бу даража «истеъмол жамияти» белгилаган даража бўлиб, у инсон фаолиятининг сизифча модели билан мувофиқ келади. Ҳозирги замон санъатининг айрим йўналишларида ва экзистенциализм фалсафасида инсон борлиғининг абсурдлиги ва маъносизлиги тўғрисида баҳс юритилиши тасодифий бир ҳол эмас. Гротеск ва бурлеск адабиёти инсон ҳаётини сўнгги нафасгача давом этувчи машаққатли ва беҳуда орзу-умидлар занжири сифатида тасвирлайди. Ҳозирги дунёнинг зиддиятларга тўла шароитларида инсон мавжудлигининг бесамарлиги ва абсурдлиги шунга олиб келадики, одамзот айримларида диний фанатизм ҳукм сурувчи турли коммуналар ва

[1] Ўша ерда. – 213–214-б.

диний-мистик секталарга қўшилиш йўли билан «борлиқ тузоғи»дан қутулишга ҳаракат қилади.

Тажрибавий амалий матнлар

Қўркувнинг қора байроғи. Диншуносликда «индивидуал» диндорлик атамаси. Индивидуал диндорлик шакллари. Халқ диндорлик босқичи; космик-теократик диндорлик босқичи; космик-халқ диндорлик босқичи; антропоцентристик-индустриал диндорлиги. Муқаддас инквизиция тизим сифатида қуйидаги элементларни ўз ичига олар эди: суд, айблов, тергов, сўроқ, қийноқлар, ҳукм, аутодафе ва гулхан. Диний фанатизм ниқоби остида испан инквизицияси. Иезуитларда диний фанатизмни шакллантириш воситалари ва усуллари. Диний фанаизмнинг Колумбча модели.

Қўшимча ва тушунтирувчи матнлар






Христиан динининг ривожланиш жараёнида индивидуал диндорлик шакллари

Илк христианлик давридаги (христианлик вужудга келган пайтдан у милодий 313 йилда Милан эдикти асосида бошқа динлар билан ҳуқуқий жиҳатдан тенглаштирилган пайтгача бўлган даврдаги) халқ диндорлик босқичи

Космик-теократик диндорлик босқичи (Милан эдикти ва Тридент собори оралиғидаги давр (1545–1563 йиллар));



Мустақил ишлаш учун савол ва топшириқлар

1. Диншуносликда «индивидуал» диндорлик атамаси ҳақида нималарни биласиз?
2. Қўрқувнинг қора байроғи нима?
3. Индивидуал диндорлик шакллари сананг?
4. Халқ диндорлик босқичининг асосий хусусиятларни изоҳланг?
5. Космик-теократик диндорлик босқичининг ўзига хос ҳусусияти нима?
6. Космик-халқ диндорлик босқичини изоҳланг?
7. Иезуитлар диний фанатизмни шакллантиришда қандай воситалар ва усуллардан фойдаланишган?

8. Диний фанатизм нима?
9. Колумбча модел мазмунини тушунтиринг?

Реферат мавзулари

1. Диний фанаизмнинг Колумбча модели.
2. Диний фанатизмнинг тарихий илдизлари.
3. Иезуитларда диний фанатизмни шакллантириш воситалари ва усуллари.

Билим ва кўникмаларни баҳолаш материаллари

1. Тарихдан маълумки, диний-фанатик кайфиятлардан нима мақсадда фойдаланилган?

A. Диний бағрикенликни чеклаш.

B. Бошқа динларнинг вакилларига нисбатан адоват қўзғатиш,-нифоқ ва урушлар очиш,

C. Даҳрийлар ва худосизларни жазолаш

D. Барча жавоблар

2. Диншуносликдаги «индивидуал» диндорлик атамаси қандай маънони англатади?

A. Диний таълимот, расм-русумларни тарихан ва синфий ўзгарувчанлик даражасини билдиради.

B. Диний институтларнинг айрим индивид руҳияти, шахсияти, хулқ-атворини ўзгарувчанлик даражасини билдиради.

C. Диний таълимотнинг ижтимоий муносабатларига таъсирининг тарихан ва синфий ўзгарувчи даражасини тушуниши

D. Барча давоблар тўғри.

3. Динний фанатик кайфиятларни тушуниш учун диндорликнинг қайси томонини инобатга олиш керак?

A. Ижтимоий ва маданий

B. Объектив

C. Тарихий

D. Субъектив

4. Католик черковининг ўта фанатик муассасаларидан бири ҳисобланган муқаддас инквизиция фаолияти қачон ва ким томонидан ташкил этилган?

A. 1095 папа Урбан II

B. 1214 йилда папа Иннокенти III

C. 1096 йилда рохиб Пётр Аменский

D. 1232 йилда папа Григорий IX

5. Муқаддас инквизиция фаолиятининг мақади нима эди?

A. Католик черкови фикрига кўра хавфли саналган кишилар – «даҳрийлар»ни таъқиб қилиш.

B. Ҳурфикрли одамларни таъқиб қилиш

C. Папа ҳокимиятининг мухолифларини таъқиб қилиш.

D. Барча жавоблар.

6. Христиан динининг ривожланиш жараёнида бурилиш ясаган тарихий босқичларга қараб тузилган индивидуал диндорлик шаклларини таснифини кўрсатинг?

A. халқ диндорлик босқичи;космик-теократик диндорлик босқичи

B. космик-халқ диндорлик босқичи;антропоцентристик-индустриал диндорлиги.

C. космик-теократик диндорлик босқичи; трибунал диндорлик босқичи.

D. A ва B

7. Илк христианлик давридаги диндорлик ҳақида.....асосида ҳукм чиқариш мумкин.

A. «Янги аҳд» (яъни Инжил), қадимги апокрифлар битиклари

B. Черков тарафдорлари, аъёнлари битиклари

C. Христианлик мухолифларининг битиклари

D. Барча жавоблар

1. Ягона худога сиғиниш, символик хулқ-атворнинг тараққий этган шакллари, жамоавий бирдамлик ҳисси ва унча мураккаб

бўлмаган диний таълимотнинг содда ахлоқий принциплари индивидуал диндорликнинг қайси шакллига хос?

A. Антропоцентристик-индустриал

B. Космик-халқ диндорлик

C. Космик-теократик диндорлик

D. Халқ диндорлик

2. Ушбу фикр муаллифини топинг: «Ақл ва Логосга мувофиқ яшовчи ҳар ким, гарчи худосиз бўлса-да, христиандир».

A. Кассиодор Сенатор

B. Григорий I

C. Жордано Бруно

D. Юстиниан

3. Милан эдиктидан сўнг черков аста-секин ҳокимиятни ўз қўлида жамлайди. Бунга у қандай фикрни одамлар онгига сингидириш орқали эришган?

A. Бутун дунё зиёлилар қўлида

B. Ҳокимят папа қўлида

C. Ҳокимят Рухонийлар қўлида

D. Бутун ҳокимият Худо партияси қўлида

4. Ўрта асрларда католик черковининг ҳокимияти ҳаракатларнинг ягоналиги назарий принципига асосланади. Ушбу принципининг мақсади нима?

A. Дунёвий муносабатларни тўлалигича унификация қилишни

B. Таълим идораларининг ягоналигига эришиш

C. Бошқарув органларини марказлаштириш

D. Барча жавоблар тўғри.

5. Ўрта асрлар христиан цивилизациясида диний тоқатсизлик ва фанатизм муҳити вужудга келишига таъсир кўрсатган йўналишлар?

A. Кассиодор Сенатор

B. Нурсиялик Бенедикт

C. Григорий I тарафдорлари
D. A ва B жавоб

6. Индивидуал диндорликнинг иккинчи – космик-теократик босқичи учун хос бўлган умумий жихатларни сананг?
A. Аграрлик, фанатизм ва логизм
B. Тарихийлик ва мантиқийлик
C. Системалилик, мантиқийлик ва легитимлик.
D. Легитимлик, аграрлик ва тоқатсизлик

7. Нечанчи йилда император Феодосий I мажусийларнинг барча ибодатхоналарини ёпиш тўғрисида фармон чиқарди?
A. 384 йил
B. 325 йил
C. 283 йил
D. 382 йил.

8. Христиан теологияси-бу?
A. Олам асосини инсон ва табиат бирдамлиги ташкил қилади
B. Коинотда инсон марказий ўрини ташкил қилади
C. Инсон тафаккури орқали бутун коинотни бошқаради.
D. Коинот ва табиат ҳақидаги тасаввурларнинг яхлит тизимини ўзида ифодалайди

9. Христиан теологияси принципларида коинот қандай ташкилланган?
A. Худо Коинотни яратган, унинг мавжудлиги ва интиҳоси кафили ҳисобланади
B. Худо ҳукмига биноан фаришталар осмонда жисмларни бир жойдан бошқа жойга кўчирадилар, у ғайриоддий воқеалар сабабчиси ҳисобланади.
C. Ўз ўзидан ташкилланган ва табиат кучлари сифатида намоён бўлади.
D. A ва B жавоблар

10. Нима сабабдан аграрлик космик-теократик диндорликнинг умумий хусусияти ҳисобланади?

A. Теолог олимлар ва оддий кишилар Худони табиат султони сифатида билишади

B. Инсонлар Худони тўқчилик ёки очарчиликни, яъни ҳосилдорликни белгиловчи космик куч сифатида тасаввур қиладилар

C. Инсонлар ўзларини ишлаб чиқарувчи куч сифатида биладилар.

D. A ва B

11. Тридент соборидан сўнг қайси диндорлик босқичи шаклланди?

A. Антропоцентристик-индустриал

B. Халқ диндорлик

C. Космик-теократик диндорлик

D. Космик-халқ диндорлик

12. Космик-халқ диндорлигига хос бўлган хусусиятларни сананг?

A. Аграрлик, маданийлик, ижтимоий назорат ва магик дунёқараш

B. Группавий бирдамлик; формализм ва ритуализм; расм-русумлар ва диний символларнинг муҳим ролини тан олиш

C. Жамоа черков хизматчилари ва дунёвий кишиларга бўлиниши, диний фанатизм, фатализм.

D. Барча жавоблар тўғри.

13. Муқаддас инквизиция нима учун фақат ғарб христиан цивилизациясида вужудга келган?

A. Рим-католик черковига консерватизм хослиги

B. Ўз-ўзини асраш инстинкти

C. Ўзига таҳдид солувчи ҳар қандай нуқтаи назарни қоралаш хослигини

D. Барча жавоблар

14. Ғарбий Европанинг феодал жамиятида христианлик қандай вазифани бажарган?

A. Мафкуравий бирлаштирувчи вазифасини

B. Халқнинг табақаланишувини

C. Сиёсий урушларни тартибга солувчи
D. Диний ақидаларнинг хукумронлигини

15. Нечанчи аср охирларига келиб католик черкови таъсири остида бўлган Ғарбий Европа инквизиция трибуналлари тармоғи билан қопланган эди?
A. X аср охирида
B. XII аср охирида
C. XIV аср охирида
D. XIII аср охирида

23. Ушбу фикр муаллифини топинг: «Даҳрий гўёки исталган пайтда отилиши ва уни ўз комига тортиши мумкин бўлган вулқон устида яшар эди... Одамлар кўз ўнгида папа инквизицияси ҳар нарсага қодир ва ҳамма жойда ҳозиру нозир эди».
A. Бернард Клервоский
B. Фома Аквинский
C. И.Р.Григулевич
D. Г.Ч.Ли

24. Муқаддас инквизициянинг тизим сифатидаги элементларни кўрсатинг?
A. Суд, айблов, тергов
B. Сўроқ, кийноклар, ҳукм
C. Аутодафе ва гулхан
D. Барча жавоблар

25. Нечанчи йилдаги Вена соборига тақдим этган декретга биноан епископларга даҳрийлик вабоси билан зарарланган вилоятларда фаолият олиб бориш учун комиссарларни тайинлаш ваколати берилади?
A. 1215 йилда
B. 1183 йилда
C. 1214 йилда
D. 1184 йилда

26. 1198 йилда қайси папа томонидан апостол легатлари тайинлайди?

A. Урбан II

B. Пётр Аменский

C. Григорий IX

D. Иннокентий III

27. 1215 йилда IV Латеран собори даҳрийларни суд қилишни кимларга топширади?

A. Епископлар

B. Епископларнинг вакилларига

C. Рухонийларга

D. A ва B

28. Инквизиторлар девони қандай вазифаларни бажарган?

A. Инквизиторларнинг ўринбосарлари хисобланиб, округнинг бошқа шаҳарларида даҳрийлар билан иш олиб борувчи вакиллар саналган

B. Фуқаролик қонунчилигига мувофиқ айбловлар ва ҳукмларни таърифловчи эксперт-юристлар, терговга қонунийлик ва беғаразлик устини беришга хизмат қилувчи нотариуслар ва холислари саналган

C. Айбловчилар сифатидаги прокурорлар хисобланган

D. Барча жавоблар тўғри

29. Девон ўз фаолиятида кимларга таянар эди?

A. Хабаргирлар, айғоқчилар

B. Қамоқхона назоратчилари, қароллар

C. Инквизиция «жигаргўшалари»га

D. Барча жавоблар тўғри.

30. Хабаргирлар ва айғоқчилар жамиятнинг қайси қатлам вакиллари орасидан ёлланилган?

A. Қирол аъёнлари, рассомлар, шоирлар, савдогарлар ва ҳарбийлар

B. Дворянлар ва оддий фуқаролар

C. Аристократлар ва шаҳарнинг нуфузли кишилари орасидан
D. Барча жавоблар

31. «Инквизиция» деб номланган йирик тадқиқот муаллифи ким?
A. Бернард Клервоский
B. Фома Аквинский
C. Г.Ч.Ли
D. И.Р.Григулевич

32. Қайси олим инквизитор учун дахрийни «шайтоннинг малайи»дан «худонинг бандаси»га айлантириш муҳимроқ бўлганини таъкидлайди?
A. Бернард Клервоский
B. Фома Аквинский
C. Г.Ч.Ли
D. И.Р.Григулевич

33. Инквизиция тизимининг бешинчи элементи нима?
A. Хукм
B. Тергов
C. Суд
D. Қийноқ

34. Жаллод қийноқда ишлатадиган асбоб-ускуналар тўплами нима деб аталган?
A. Аутодафе
B. Тамплир
C. Фамильяр
D. Диба

35. Диба нима?
A. Айбдорнинг танасини чўзадиган қийноқ қурилмаси
B. Жазо курсиси, ўрма қамчилар, омбурлар

C. Барча қурол аслалахалар

D. Барча жавоблар

36. Черков Инжилга ва ўз арбоблари –..... фикрларига таянган ҳолда руҳий ва жисмоний жазоларни оқлашга ҳаракат қиларди?

A. Бернард Клервоский, Фома Аквинский,

B. Г.Ч.Ли, И.Р.Григулевич

C. Сукрот,Авлиё Августин

D. Авлиё Августин,Бернард Клервоский, Фома Аквинский

37. Фома Аквинский даҳрийлар билан муомалада бўлишнинг нечта қоидасини кўрсатади?

A. 3.

B. 4

C. 6

D. 2

38. Инквизиция ҳукмронлиги ўз «васийлиги» остидаги шахсларга қандай жазолар тайинлар эди?

A. Епитимьялар, яъни кафоратлар (узоқ тоат-ибодат қилдириш, рўза туттириш ва ҳ.к.);

B. Оддий ёки қаттиқ тартибли қамоқ; галералар; ниҳоят, маҳкумни черковдан четлатиш (уни муртад деб эълон қилиш)

C. Гулханда куйдириш учун уни дунёвий ҳокимият вакилларига топшириш.

D. Барча жавоблар тўғри

39. Инквизиция тизимининг охирги элементи – бу.....

A. Аутодафе

B. Гулхан.

C. Хукум

D. А ва В

40. Инквизиция томонидан Қатл одатда қандай куни тайинланарди?

A. Шанба куни

B. Ойнинг охирги куни

C. Байрам кунларидан бошқа хар куни

D. Байрам куни

41. Қайси давлат инквизицияларида маҳкумларнинг қўғирчоқларини гулханда куйдириш одат тусини олган эди?

A. Испания ва Португалия

B. Англя ва Франсия

C. Испания ва Италия

D. Португалия ва Франция

42. «Жодугарлар тўқмоғи» китоби муаллифни торинг?

A. Г.Инстиорис

B. Я.Шпренгер

C. И.Р.Григулевич

D. А ва В

43. Нечанчи йилда инквизиторлар томонидан «Жодугарлар тўқмоғи» китоби нашр этилган?

A. 1478 йил

B. 1489 йил

C. 1345 йил

D. 1487 йил

44. Ўта шафкатсиз таъқиблар XVII аср охирида барҳам топган бўлса-да, «афсунгарлар» ва «жодугарлар» нечанчи асрларда ҳам гулханларда ҳалок бўлганлар.

A. XVII аср охирида

B. XVI асрда

C. XX асрда

D. XIX асрда

45. Қайси инквизитор фаолияти даврида 16200 киши гулханда тириклайин куйдирилгани, 6840 киши устидан рамзий куйдириш маросими ўтказилгани, юз минг киши зиндонга ташлангани ва икки юз мингга яқин одам бошқа жазоларга тортилгани аниқланган?

A. Урбан II
B. Пётр Аменский
C. Григорий IX
D. Торквемада

46. Фамильяр нима?

A. Инквизитор ёрдамчилари
B. Айғоқчилар
C. Жаллод қийноқда ишлатадиган асбоб-ускуналар тўплами
D. Инквизиция яширин полицияси аъзолари

47. Қайси инквизитор халқ орасида «қироллар монархи» деган ном олган?

A. Урбан II
B. Пётр Аменский
C. Григорий IX
D. Торквемада

48. Қайси инкивизатор пайтдан бошлаб Испания даҳшат ва сиру синоатларнинг чуқур денгизи билан қитъадан ажралади.

A. Урбан II
B. Пётр Аменский
C. Григорий IX
D. Торквемада

49. 1542 йилда қандай орден ташкил қилинди?

A. Госпеталер
B. Иоаний
C. Тевтон
D. Иезуит

50. Ушбу фикр муаллифини топинг: «...шу хонада туриб мен нафақат Парижни, балки бутун дунёни бошқараман ва буни қандай амалга ошираётганимни ҳеч ким билмайди».

A. И.Р.Григулевич

B. Стефан Цвейг

C. Й.Козелецкий

D. Герцог де Бриссакка

ДИНИЙ МАДАНИЙ АНЪАНАЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

1. Маърузани олиб бориш технологияси

Талабалар сони:	*Вақти:* 6 соат
Машғулот шакли	Кириш мавзу бўйича маъруза
Маъруза режаси	**1-маъруза режаси** Миллий маданиятларнинг диний маданият шаклланишидаги роли. Синтоизм.Буддизм. Дзэн оқими. Конфуцийчилик. Токугава режими учун конфуцийчиликнинг аҳамияти. Миллий фанатизмнинг шаклланишида будда издошлари онгига ўлимдан кўрқмаслик ғоясини сингдирган дзэн-буддизм **2-маъруза режаси** Ислом дини асосий ғояларнинг ривожи. Ўзининг бетакрорлиги билан ажралиб турувчи ислом тарихи, фалсафаси ва санъати Исломда шахсни камол топтириш андозаси омиллари. Ғарбда салиб юришларининг кашф қилган ва амалга ошиши, исломда муқаддас уруш – жиҳодни ўйлаб топилиш ва ҳаётга татбиқ этилиши. **3-маъруза режаси** Қадимги япон мифологияси манбалари – «Кодзики» ва «Нихонги» Хэйан даврида буддавийлар черкови Конфуцийчилик янги ижтимоий ва сиёсий тартиб
Машғулотнинг мақсади: Дарс ўтиш шакллари ҳақида умумназарий тасаввурлар, инсон ҳақида толерантлик ва ижодий ёндошув,талабаларда илмий ва фалсафий дунёқарашнинг шаклланишида инсон фалсафанинг аҳамияти ҳақида тушунча ҳосил қилиш.	
Педагогик вазифалар	*Ўқув фаолияти натижалари:*
Ислом дини асосий ғояларнинг ривожи.	Қадимги япон мифологияси манбалари – «Кодзики» ва «Нихонги»

Ўзининг бетакрорлиги билан ажралиб турувчи ислом тарихи, фалсафаси ва санъати	Хэйан даврида буддавийлар черкови
Исломда шахсни камол топтириш андозаси омиллари.	Конфуцийчилик янги ижтимоий ва сиёсий тартиб
Ўқитиш усуллари ва техника	Маъруза, «ақлий ҳужум», Т-схема, мунозара, муаммоли вазиятлар усули.
Ўқитиш воситалари	Маъруза матни, таркатма материаллар, слайдлар, проектор.
Ўқитиш шакллари	Жамоа, тўғридан-тўғри ва гуруҳларда ишлаш.
Ўқитиш шарт-шароити	Техник воситалар билан таъминланган аудитория.
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки назорат, савол-жавоб, ўз-ўзини назорат қилиш, рейтинг тизими асосида баҳолаш.

2. Маърузанинг технологик картаси

Иш жараёнлари вақти	*Фаолиятнинг мазмуни*	
	ўқитувчи	*Талаба*
I-босқич. Курсга ва мавзуга кириш. (20 минут)	1.1. Ўқув курси номини айтиб, курс доирасида дастлабки умумий тасаввурни беради ҳамда услубий ва ташкилий томонлари билан таништиради.	Тинглайдилар.
	1.2. Курс бўйича ўтиладиган барча мавзулар билан таништиради, уларнинг узвийлиги ҳақида қисқача маълумот беради.	Тинглайдилар.
	1.3. Курс якунида қўйиладиган рейтинг баҳолаш мезонлари билан таништиради	ЎУМ га қарайдилар.
	1.4. Курсни ўзлаштиришда фойдаланиш учун зарур бўлган адабиётлар рўйхати билан таништиради.	ЎУМ га қарайдилар.
	1.5. Биринчи ўқув машғулоти мавзуси билан таништиради ва унинг мақсади, ўқув фаолияти натижаларини баён қилади.	Мавзу номини ёзиб оладилар.

	1.6. Биринчи мавзу юзасидан ақлий ҳужум қоидаси асосида дарс ўтказишни таклиф этади. Доскага « Дунё динлари » деб ёзади. Талабалар томонидан айтилган фикрларни ёзиб боради ва умумлаштиради	Тушунчаларни эркин фикр орқали билдиради.
II-босқич. Асосий (50 минут)	2.1. Мавзу режаси ва таянч тушунчалар билан таништиради.	Тинглайдилар.
	2.2. Маърузани режа бўйича тушун-тиради, ҳар бир режани ниҳоясида умумлаштиради. Жараён компьютер слайдларини намойиш қилиш билан олиб борилади	Тинглайдилар. Слайдга эътибор қаратади, уни ўзига ёзиб олади ва саволлар беради.
	2.3. Ҳар бир режани мустаҳкамлаш учун қуйидагича саволлар беради: Қадимги япон мифологияси манбалари – «Кодзики» ва «Нихонги» Хэйан даврида буддавийлар черкови Конфуцийчилик янги ижтимоий ва сиёсий тартиб Инсон қуркувининг янги образлари.	Саволларга жавоб берадилар, эркин баҳс-мунозара юритадилар.
	2.4. Таянч ибораларга қайтилади. Талабалар иштирокида улар яна бир бор такрорланади.	Ҳар бир таянч тушунча ва ибораларни муҳокама қиладилар. Конспект қиладилар.
III-босқич. Якуний босқич. (10 минут)	3.1. Т-схема техникасидан фойдаланилган ҳолда жуфт-жуфт бўлиб ишлаш учун тингловчиларга: “Динларнинг ўзаро алоқаси ва фарқи” деган савол ёзилган тарқатма материаллар тарқатади. Ушбу техника орқали мавзу бўйича якунловчи хулоса қилади	Мустақил Т-схемани тўлдирадилар. Эркин фикрини баён этади.
	3.2. Талабаларнинг фаолиятига баҳо қўйилади ва рағбатлантирилади.	Эшитади.
	3.3. Келгуси машғулотга тайёргарлик кў-риш учун топшириқлар ва фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати берилади.	Эшитади ва ЎУМ га қарайдилар.

Миллий маданиятларнинг диний маданият шаклланишидаги роли. Биз яшаётган зиддиятларга тўла дунёда турли ижтимоий гуруҳлар, мамлакатлар манфаатлари ва эҳтиёжларининг тўқнашувлари кузатилади. Бу гуруҳлар ва мамлакатлар ўз мафкуравий ва сиёсий мақсадларига эришиш йўлида диндан фойдаланадилар. Тарихдан маълумки, Реформация ҳаракатида иштирок этган кучларнинг барчаси – рим-католик черковининг диктаторлик сиёсатидан норози бўлган бюргерлик, дворянларнинг бир қисми, деҳқонлар, зиёлилар дин байроғи остида муайян сиёсий талаблар билан чиққанлар. Аммо ғолиб чиққан буржуазия кейинчалик ўз идеаллари ва ижтимоий қадриятларини асослаш учун дунёвий мафкуравий концепцияларга эҳтиёж сезади. Буржуа жамиятининг янада ривожланиши эски зиддиятлар кучайишига ва янги қарама-қаршиликлар пайдо бўлишига олиб келади. Ҳозирги замон япон буржуазияси ҳам бундан мустасно эмас. Фақат у мамлакатнинг маданий анъаналари билан боғлиқ ўз хусусиятларига эга.

Аввалambор, япон маданияти буддизмнинг кучли таъсири остида шаклланган, боз устига у Осиё буюк маданиятларининг ютуқларини ўзлаштирган. Дарҳақиқат, Осиё яхлит ва ягона; Осиё дунёсини иккига бўлувчи Ҳимолай тоғлари хитой ва ҳинд цивилизацияларининг ўзаро алоқасига фақат урғу беради. Рицарлик унсурларини ўзида мужассамлаштирган араб маданияти, форс тилида яратилган шеърият дурдоналари, хитойча ахлоқ ва ҳиндча тафаккур – буларнинг барчаси ҳаёти турли минтақаларда ҳар хил бўлган, аниқ чегара билмайдиган ягона қадимги Осиё дунёсидан дарак беради. Масалан, исломни ҳарбий либосдаги конфуцийчилик сифатида, отлиқ қўшин кўринишида, буддизмни эса шарқона тафаккур тизимлари дарё янглиғ келиб қуйиладиган идеализмнинг улкан уммони сифатида тавсифлаш мумкин[1]. Асрлар оша сақланиб қолган суверенитет Японияни осиёча тафаккур ва маданият дурдонасига айлантиради. Ҳинд санъати ютуқларининг асосий қисми

[1] Қаранг: Okakura K. The Ideal of the East with special Reference to the Art of Japan. – Tokyo, 1985. – 4-б.

гуннлар, ислом фанатиклари ва европалик тижоратчилар томонида
вайрон қилинган эди. Шу маънода Японияни Осиё цивилизациялар
музейи, деб атасак, асло адашмаган бўламиз[1]. Бунга ишонч ҳоси
қилиш учун ҳинд санъати ва Тан даври хитой маданияти асарлар
билан безалган Нарадаги япон ибодатхоналарини эслашнинг ўз
кифоя қилса керак.

Бундан ташқари, японларга ўз миллий анъаналарига ўт
содиқлик хос[2]. Бу эса Шарқнинг асосий динлари (конфуцийчилик
буддизм ва б.) қоидалари билан уйғун бўлган халқ ривоятларинин
норматив функциялари япон миллатининг ҳаёт фаолиятида бунда
буён ҳам ўз ролини ўйнашини англатади. Айни пайтда японла
мавжуд диний анъаналар билан тўқнашувчи диний таълимотларг
ёт кўз билан қарайдилар.

Японияда асрлар оша сақланиб қолаётган дзэн-буддизмч
диний фанатизмнинг ўзига хослигини таҳлил қилиш жараёнид
бу омилларнинг барчасини эътиборга олиш талаб этилади. Япони
кўп жиҳатдан ноёб ва ғаройиб, маънавий ҳаётда контрастларга бо
мамлакатдир.

Япония маданиятига ҳинд ва хитой цивилизациялари айникс
кучли таъсир кўрсатган. У индуизм, конфуцийчилик, даосизм в
буддизм анъаналарини ўзлаштирган ва уларни ўз эҳтиёжларига
мувофиқ қайта ишлаган. Тадқиқотчилар хитойча чан-буддизмда
фарқли ўлароқ, соф японча ҳодиса ҳисобланган дзэн-буддизм
япон миллий характерининг шаклланишига, шу жумладан дини
фанатизм феноменининг ўзига хослигига улкан таъсир кўрсатганин
қайд этадилар. Рус шарқшуноси Л.С.Васильев бу ҳақда шундай
деб ёзади: «Дзэн-буддизм самурайларда тарбиялаган фанатизм
ва ўзини ўзи қурбон қилишга тайёрлик нариги дунёда мукофо
кутиб ўлимнинг юзига тик қараган ислом аскарларининг фанатиз
мидан фарқ қилади. Нариги дунёда абадий роҳат-фароғатда яшаш
концепцияси синтоизмда ҳам, буддизмда ҳам мавжуд эмас. Ўлимн

[1] Ўша ерда. – 7-б.

[2] Қаранг: Пронников В.А., Ладанов И.Д. Японцы. – М., 1983. – 89–90-б.

бўйнига олган самурайлар нариги дунёда роҳат-фароғатда яшаш ҳақида эмас, балки муносиб ўлим топиш ва тириклар хотирасида юксак ўрин эгаллаш ҳақида ўйлаганлар»[1]. Фатализм фалсафасида яратилган, ўлимга табиий интиҳо сифатида қарашни назарда тутадиган бундай ёндашув диний фанатизмга ахлоқий мазмун бахш этиш орқали унинг ўзига хослигини белгилайди.

Феодализм даврида Европа ва Осиё давлатларининг кўпчилигида профессионал аскарлар табақалари мавжуд бўлган. Самурайлик ана шундай табақалардан бири ҳисобланади. У ўз ахлоқ кодекси – бусидони шакллантирган. Бу кодекс турли тизимлар, айникса синто, конфуцийчилик ва дзэн-буддизм тасаввурларининг синтезини ўзида ифодалайди. Хусусан, конфуцийчиликдан «бурчга содиқлик», ўз хожасига итоаткорлик ва маънавий камолотга эришиш йўлида ҳаракат қилиш талаблари ўзлаштирилган. Бусидонинг шаклланишига буддизмнинг «дзэн» мазҳаби вакиллари сиғинувчи махаяна таълимоти ҳам анча кучли таъсир кўрсатган. Унинг маънавий машқлари руҳий мувозанатга эришишга кўмаклашган.

Самурайларнинг бусидо («аскар йўли») кодекси японларнинг кундалик ахлоқига кучли таъсир кўрсатган. Аввалига кодекс фақат ҳукмрон синф (самурайлар, буси) учун мўлжалланган эди. Бироқ вақт ўтиши билан самурайлар буржуазия қатламига айланган, ушбу жараён билан бир қаторда буржуазия вакиллари ва ҳатто деҳқонлар ҳам самурайча «шаън» тушунчаларидан айримларини тақлид учун андоза сифатида ўзлаштира бошлаганлар. „қуйи табақалар доим олий табақаларга тақлид қиладилар – бу ижтимоий психологиянинг ривожланиш қонуни ҳисобланади. Самурайлар кодексининг шаклланишига, шунингдек японлар хулқ-атвори психологиясига, уларнинг ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг ахлоқий принципларига синтоизм, буддизм ва конфуцийчилик таъсир кўрсатгани боис, уларнинг мазмун ва моҳиятига қисқача тўхталиб ўтамиз.

Синто – худолар йўли. Тадқиқотчилар фикрига кўра, асослари ҳанузгача аниқланмаган бу қадимги дин Японияда Хитой билан

[1] Васильев Л.С. История религий Востока. – М., 1988. – 362-б.

боғлиқ бўлмаган ҳолда вужудга келган ва ривожланган. Синто қадимги мифологиянинг бир тури ҳисобланади, зеро буддизм пайдо бўлишидан олдинги илк синтоизмда гап ғайритабиий дунё – японлар азалдан сиғиниб келган худолар ва руҳлар дунёси (ками) ҳақида боради. Унинг илдизлари олий мозийга бориб тақалиши ва ибтидоий халқларга хос бўлган эътиқодлар – тотемизм, анимизм, магия, ўликлар, оксоқоллар руҳига сиғиниш ва ҳоказоларнинг барча шаклларини ўз ичига олиши маълум. Бошқа халқлар каби, қадимги японлар ҳам ўзларини қуршаган табиат ҳодисаларини руҳлантирганлар, бу дунё билан руҳлар ва худолар дунёси ўртасидаги воситачилар – сеҳргарлар, афсунгарлар ва шаманларга иззат-икром кўрсатганлар. Кейинчалик буддизм таъсирида илк синточи шаманлар коҳинларга айланган ва махсус қурилган ибодатхоналарда турли худолар ва руҳлар шаънига маросимлар ўтказганлар, тегишли расм-русумларни бажо келтирганлар. «Синтоизмнинг амалий мақсади ва мазмуни Япониянинг ўз қадимги тарихини ва япон халқининг илоҳий келиб чиқишини тасдиқлашдан иборат: синто таълимотига кўра, микадо (император) – осмон руҳлари авлоди, ҳар бир япон эса – иккинчи даража руҳлар – ками авлоди ҳисобланади»[1]. Япон тасаввурида ками худо, руҳ, аждод, қаҳрамондир. Дунёда сон-саноқсиз камилар мавжуд ва инсон ўлганидан сўнг улардан бирига айланади. Синтоизмнинг ўзига хос хусусияти шу билан белгиланадики, унда тангрининг «бош ҳокимияти» ҳақида тасаввур мавжуд эмас. Аждодлар руҳига ва табиатга сиғиниш синтоизмда биринчи даражали аҳамият касб этади. «Кодзики» («қадимги битиклар», 712 йил) синтоизмнинг муқаддас китоби ҳисобланади. Таниқли шарқшунос олим Н.И.Конрад ушбу китобдан японча миллий руҳ уфуриб туришини қайд этади. Унинг фикрича, «Кодзики» Японияни ва японларни англаб етиш учун йўл очади[2].

Японларнинг нарсалар дунёси ва табиат ҳақидаги тасаввурлари шаклланишида синтоизм улкан роль ўйнаган. Унинг замирида

---

[1] Ўша ерда.

[2] Қаранг: Конрад Н.И. Избранные труды. Литература и театр. – М., 1978. – 150-б.

беш концепция ётади. Биринчи концепцияга кўра, дунё ўз-ўзича пайдо бўлган, у ўзини ўзи тартибга солади. Иккинчи концепция ҳаёт кучини тавсифлайди: жинсий ҳаётга худолар асос солганлар. Шу туфайли ҳам японлар онгида секс ва ахлоқий айб ўртасида алоқа йўқ: нимаики табиий бўлса, у хунук эмас. Бу концепция японларда мослашувчанлик, ўз анъанасига кирмай қолган нарсаларни ўзлаштиришга мойиллик ривожланишига кўмаклашган. Учинчи концепцияда гап табиат ва тарихнинг ягоналиги, жонли ва жонсиз дунёнинг узвийлиги ҳақида боради. Бу ғоя табиатнинг барча ҳодисаларида ва инсонда ками яшаши билан асосланади. Ками бу дунёда яшаши боис, нариги дунёда паноҳ излашга ҳожат қолмайди. Тўртинчи концепция кўп худолиликка урғу беради, зеро синтонинг ўзи табиатга, жамоа ва қабила худоларига сиғинишдан келиб чиққан. Айни ҳол ҳар қандай бир худолиликни истисно этар эди. VIII аср бошида император саройида синто ишлари бўйича махсус департамент ташкил этилади, X асрда эса синто худолари рўйхати тузилади. Ушбу рўйхатга кўра синто пантеони 3132 худони ўз ичига олган, кейинчалик уларнинг сони анча кўпайган. Ниҳоят, бешинчи концепция синто худолари, ками умуман одамларни эмас, балки фақат японларни яратганини қайд этади. Шундай қилиб, синтога мансублик ҳақидаги тасаввур, ками фақат япон миллати билан интим даражада боғлиқлиги тўғрисидаги ғоя ҳар бир япон онгига болаликдан сингдирилади. Шу туфайли ҳам синтога бошқа миллат вакилларининг сиғиниши ақлга сиғмайдиган бир ҳол бўлиб туюлади. Айни пайтда синто японларга бошқа ҳар қандай динга сиғинишга монелик қилмайди[1]. Айрим конфессияларга мансуб японлар сонини ҳисоблайдиган бўлсак, мамлакат аҳолиси сонидан ортиқ рақам ҳосил бўлади.

Юқорида айтиб ўтилганидек, синтоизмга буддизм анча кучли таъсир кўрсатган. Сёгунат даврида (XII–XIX асрлар) буддизм синтоизмнинг ривожланиш жараёнини тартибга солади. Сёгунат ибодатхоналар қуриш ва қадимга диний байрамларни тиклашга маблағлар

[1] Қаранг: Пронников В.А., Ладанов И.Д. Японцы. – М., 1983. – 60–63-б.

ажратади; у қадимги япон китобларини шарҳлашга бағишланган тадқиқотларни қўллаб-қувватлайди. Гарчи бу синтоизмга бевосита дахлдор бўлмаса-да, лекин мазкур диний йўналиш учун муҳим оқибатларга сабаб бўлади. Аввалига бундай шарҳлаш буддавийлик-синтоистик синкретизм руҳида амалга оширилади, бироқ аста-секин сёгунлар саройида конфуцийчилик руҳида шарҳлар етакчилик қила бошлайди.

Фалсафий жиҳатдан асосланган синтоизм ўзига хос салмоқ касб этади ва мустақил дунёқараш тизимига айланиш имкониятини қўлга киритади. Бунга XVII асрда Япониядаги Уйғониш даври кўмаклашади. Бу даврда руҳонийлар Хитойдан буддизм ва конфуцийчилик фалсафасига оид китобларни келтирадилар, уларни танқидий таҳлил қиладилар ва шарҳлайдилар. Қадимги япон мифологияси манбалари – «Кодзики» ва «Нихонги» фаол ўрганилади ва шарҳланади. Япония подшоси Иэзясу Токугава ҳаётининг сўнгги йилларида қадимги қўлёзмаларни тўплашни одат қилади ва уларни ўрганишни рағбатлантиради. Шу туфайли ҳам «Кодзики» ва «Нихонги» қайта нашр этилади (1644 йил), абадий танқидчилар ва тарихчилар янги мактаби намояндалари – Камо Мабути, Мотоори Норинаги ва бошқалар томонидан ўрганилади ва шарҳланади. Бу олимлар синто миллий культини жонлантириш йўлида ўз куч-ғайратини аямайдилар. Хусусан, Мотоори Норинаги 44 жилддан иборат «Кодзики-дэн» («Кодзикига шарҳлар»)ни тайёрлайди, унда мазкур қадимги асар фалсафаси ва мифологияси замонавий тилда ва янги давр талабларига мувофиқ тушунтирилади[1]. Айрим конфуцийчилар ҳатто синтоизмни хитой фалсафасининг концептуал тилида баён этиш мумкин деб ҳисоблайдилар.

Аммо қадимги япон адабиётига оид тадқиқотлар фақат XVIII асрдагина айрим олимлар синтоизм бегона таъсирлар ва шарҳларсиз ҳам ягона, ўзига тўқ яхлитлик ҳисобланишини англаб етишларига олиб келади. Хитойча таъсирлардан холи бўлган соф ҳолатдаги «қадимиятга қайтиш» (фукко) шиори пайдо бўлади ва «синтони

[1] Қаранг: Кирквуд К. Ренессанс в Японии. – М., 1988. – 43-б.

тиклаш» (фукко-синто) жараёнини бошлаб беради[1]. Бу ҳаракатнинг биринчи йирик раҳбари Камо Мабуци (1697–1769)дир. У асосан эски дуолар – норитони шарҳлаш билан шуғулланади. «Кодзики»ни тиклашга уринган Мотоори Норинаги фаолияти ҳаракатнинг кенг ёйилишига имконият яратади. Унинг шогирди Хирата Атсутане фукко ҳаракатининг янада ашаддийроқ мухлисига айланади. Унинг тарғиботчилик фаолияти ҳукумат амалдорларининг норозилигига сабаб бўлади.

Фукко-синтонинг кейинги тарихи у синтоизмни мустаҳкамлаш билан бир қаторда, япон миллатчилигининг кучайишига олиб келганлигини кўрсатади. «Худолар даври»га оид чуқур тадқиқотлар ва шарҳларга қарамай, илк худолар фукко-синтоистларда бош тушунча – «император сулоласи ва императорнинг илоҳийлиги» фойдасига ўз аҳамиятини йўқотади. Ниҳоят, XX асрда худолар иккинчи даражали аҳамият касб этади ва синтоизм император ва империяга иззат-икром кўрсатиш маросими шакл-шамойилини касб этиб, микадоизм ёки тенноизмга (микадо, тенно – император) айланади. Табиийки, синтоизм бусидо кодексининг шаклланишига ва япон миллий характерига ўз ҳиссасини қўшади ва шу тариқа диний фанатизм ўзига хос тарзда амал қилишига имконият яратади.

Буддизм. Маълумки, бу дин Японияга милоддан олдинги даврда кириб келган. Бироқ японлар психологиясига у буддавий монахлар, улар билан бирга эса – буддавийларнинг хитой тилида ёзилган муқаддас китоблари Японияга келган V–VI асрлардан эътиборан айниқса кучли таъсир кўрсата бошлаган[2]. Унинг Япониядаги бир ярим минг йиллик тарихи буддизм бу мамлакатда баракали замин топганидан далолат беради. Шу нарса аниқки, қадимги япон давлатчилиги ва маданиятининг олтин асри саналган Хэйан даври (VIII–XII асрлар)нинг вужудга келишижа буддизм муҳим роль ўйнаган. Буддизм давлатни бошқаришнинг назарий асосига айланади ва

---

[1] Қаранг: Kotariski W. Religie Japonii Religie Azji, Afryki, Ameriki, Australii i Oceanii. – Warszawa, 1980. – 192-б.

[2] Қаранг: Игнатович А.Л. Буддизм в Японии. Очерк ранней истории. – М., 1988. – 6-б.

«сэйкё-итти» - сиёсат ва диннинг ягоналиги принципи айнан Японияда тўла рўёбга чиқарилади.

Хэйан даврида буддавийлар черкови кучли иқтисодий салоҳият ва мафкуравий таъсирга эга бўлган феодал ташкилот ҳисобланган. Буддавийларнинг Тэндай сектаси (бирлашмаси), ўзига хос «давлат ичидаги давлат» бир неча аср мобайнида расмий диний муассаса сифатида амал қилган. Унинг доирасида теократик давлат таълимоти яратилган[1]. Буддизмнинг ўзи таълимотлар ва ақидалар кичик тизимларининг, яъни ҳар бири мазкур дин мухлисларининг шу даврдаги эҳтиёжларини қондирган мактабларнинг мураккаб мажмуидан иборат бўлган. Ниҳоят, буддизмнинг ўта мослашувчанлигини унинг маҳаллий диний эътиқодлар билан бирикиш қобилияти билан изоҳлаш мумкин. Айни ҳолда Хэйан давридаёқ «рёбусинто» синкретик дини вужудга келади. Буддизм конфуцийчилик ва даосизм билан ўзаро алоқа қилади ва бу ҳам анъанавий япон маданиятининг шаклланишига ўз таъсирини кўрсатади.

1185 йилдан кейин давлатда ҳокимият тизгини самурайлар қўлига ўтади. Император ва унинг саройи мамлакат ҳаётида сиёсий роль ўйнамай қўяди. Амалда ҳокимият сёгун қўлида бўлиб, унинг қароргоҳи Камакурада жойлашган эди. Камакура даврида содир бўлган кўп сонли фуқаролар урушлари XVI аср охирида Тоётоми Хидэёсининг марказлашган давлати ташкил топишига олиб келади[2]. Самурайлар табақаси ёки буси ўз яшаш услубини кенг ёйади ва жамиятнинг маънавий муҳитида ўзгаришларга сабаб бўлади: Тендай ва бошқа йирик секталар иккинчи даражали аҳамият касб этади, биринчи ўринга эса янги ислоҳотчилик ҳаракатлари чиқади. Бундай ҳаракатлар орасида дзэн сектаси алоҳида ўрин эгаллайди. У Япониядаги маънавий уйғониш жараёнларига улкан ҳисса қўшади ва шу тариқа миллий психологиянинг шаклланишига сезиларли даражада таъсир кўрсатади. Феодаллар ўртасида нифоқ айниқса кучайган бир шароитда марказий ҳокимият ўз-ўзини интизомга

[1] Ўша ерда. – 7-б.

[2] Қаранг: Искендеров А.А. Тоётоми Хидэёси. – М., 1984. – 10-б.

солиш мафкураси ва амалий тизимига муҳтож эди. Изчил одатлар ва машқларни ўз ичига олган дзэн таълимоти бу эҳтиёжни қондирарди. Дзэн таълимоти ва амалиёти ўша даврда ақлга таъсир кўрсатишнинг япон буддизмига маълум бўлган усулларидан бутунлай фарқ қиларди. қадимги секталар билан орани очиқ қилган, энг аввало уларнинг ритуализми ва схоластикасидан воз кечган дзэн оқими реформаторлик хусусиятига эга эди. У тарғиб қилган медитациянинг мақсади Буддани ақлнинг равшанлиги ҳолати (сатори)га эришишга мустақил интилиш йўли билан англаб етишга қайтишдан иборат эди. Бундай ҳолатга медитация ва абстракт мушоҳида юритиш йўли билан эришиш мумкин эди. Бунда принциплар таърифланмас, ёзма манбалар ва ваъзлардан фойдаланилмасди. Дзэн таълимоти маслаҳатларга асосланар эди. Ақлнинг равшанлиги ҳолатига эришиш учун дзэн мухлислари қаттиқ маънавий ва жисмоний интизомга бўйсунишлари талаб этиларди. Айни шу омил япон ҳарбий аристократияси – самурайларга айниқса маъқул келади. Зеро дзэн таълимотида илгари суриладиган маънавий интизом ўз-ўзини билувчи фақат ўзига ишонувчи инсонни шакллантириш имконини берарди.

Дзэн оқими Японияга конфуцийчилик таъсирининг янги тўлқинига йўл очади. XII асрда Хитойда конфуцийчилик Чжу Си мактабида жонланади. Унинг таълимотига ҳам даосизм, ҳам буддизм таъсир кўрсатади. Дзэн таълимоти орқали Японияга Чжу Си фалсафаси кириб келади. Унинг метафизик хусусияти бу ерда унча катта эътибор қозонмайди, бироқ фуқаронинг бурчларига урғу берувчи конфуцийча ахлоқ инсон идеали – буси, яъни ёзилмаган бусидо ахлоқий кодексига амал қилувчи рицарь ғояси шаклланишига сабаб бўлади[1]. XII асрда синтоизм таъсирида бусидони кодекслаштириш амалга оширилади. Ушбу кодексда вассалнинг сеньорга содиқлиги асосий фазилат сифатида белгиланади. Айни шу сабабли дзэн таълимоти самурайлар эътиборини қозонади.

[1] Қаранг: Kotariski W. Religie Japonii Religie Azji, Afryki, Ameriki, Australii i Oceanii. – Warszawa, 1980. – 185-б.

Ватанга ўз жонини қурбон қилишни самурай ўзининг энг оли
бурчи деб ҳисоблайди. Анъанавий маданиятни асраш ва кейин
авлодларга узатиш вазифаларини у ёки бу анъанавий санъат
яхши ўзлаштирган ва ўзлари бошқарадиган мактабда катта обрў
эга бўлган кишилар – иэмото бажаради[1]. Иэмото тизими бугун
кунда ҳам японларга мафкуравий таъсир кўрсатишнинг самара
воситаси ҳисобланади. У японларда миллатчилик ва шовинизмни
шаклланишига имконият яратади. Япон анъанавий санъатлар
билан шуғулланиш шахсни камол топтириш воситаси ҳисобланган
боис, унинг қайсидир тури билан деярли ҳар бир япон шуғулланад
Маҳоратни ўзлаштириш даражалари анча кўп бўлгани туфайл
шуғулланиш жараёни умр бўйи давом этиши мумкин. Айрим мак
бларда таълим олувчилар сони икки-уч миллион кишигача етад
Бу мактаблар диний жамоаларни, уларнинг раҳбарлари – иэмото э
консерватив диний давраларга караб мўлжал олувчи диний раҳн
моларни эслатади[2]. Қадимда дзэн машқлари тизими билан шуғу
ланиш асносида шаклланган ва кейинчалик ахлоқий шакл-шамойи
касб этган диний фанатизм XX аср охири – XXI аср бошлари
миллатчилик руҳидаги фанатизмга айланди, деб айтиш мумкин.

Конфуцийчилик ҳам япон жамиятининг ахлоқий ва диний ҳаёт
пойдеворида муҳим ўрин эгаллайди. Унинг равнақ топиш жараён
бу ерда XVII асрда бошланади. Шу даврда у буддавий руҳонийла
назорати остидан чиқарилади ва мустақилликка эришади. Тоётом
Хидэёси ва Иэясу Токугава каби подшолар конфуцийчилик
ижобий ёндашар эдилар. Улар самурайларни жасоратга ундовч
диний фанатизм ёрдамида ижтимоий жараёнларни марказлашга
ҳокимият орқали самарали бошқариш мумкинлигини яхши англа
дилар[3]. Бу подшолар ва уларнинг замондошлари дунёни бошқари
мумкин деб ҳисоблардилар. Мазкур нуқтаи назар буддизм ва уни
ҳаётга мистик муносабатига карши интеллектуал курашга турт

---

[1] Қаранг: Гришелева Л.Д. Формирование японской национальной культуры
М., 1986. – 208-б.

[2] Ўша ерда. – 210-б.

[3] Қаранг: Искендеров А.А. Тоётоми Хидэёси. – М., 1984. – 15-б.

берган омиллардан бирига айланади. Янги ҳаёт фалсафаси ва янги космологияни таклиф қилган конфуцийчилик Токугава давридаги кайфиятлар билан мувофиқ келар эди. Конфуцийчилик таълимотига кўра, коинотда оқилона сабаб мавжуд ва у материяга таъсир кўрсатиш орқали инсон ва нарсалар дунёсини яратади. Сабаб ва тартиб жамият структурасида ҳам мавжуд бўлади, фақат уларни тушуниш талаб этилади, бунда мазкур тартиб ахлоқий хусусият касб этади. Дунёга конфуцийчилик нуқтаи назаридан ёндашиш фикр ва ҳаракатнинг, фалсафа ва сиёсий тизимнинг ягоналигини назарда тутади[1]. Билим асосий принципларни англаб етиш имконини беради. У инсонга ахлоқий тартибнинг моҳиятини тушуниш ва шу тариқа ахлоқий инсонни шакллантириш учун имконият яратади.

Конфуцийчилик янги ижтимоий ва сиёсий тартиб – бақуфу билан бир вақтда тарқалади. Токугава даврининг илк подшолари мамлакатдаги вазиятни барқарорлаштириш, ҳарбий исёнларга барҳам беришга қараб мўлжал оладилар, конфуцийчилар эса мазкур муаммоларни ечиш йўллари ўзларига маълум эканлигини қайд этадилар. Феодал тарқоқликдан кучли марказлашган давлатга ўтиш янги ва универсал ҳуқуқий қоидаларни, янги қонунларни яратишни талаб қилар эди. Сёгун ва даймё бу даврда ўз ўтмишдошларига қараганда кенгроқ ваколатларга эга бўлганлари боис, улар ўз ҳокимиятини асослаш учун янада ишончлироқ далиллар ва қонунчилик принципларига муҳтож эдилар.

Токугава режими учун конфуцийчиликнинг аҳамияти шу билан белгиланадики, у янги бошқарув назариясини ва уйғун жамият ҳақидаги янгича тасаввурни таклиф қилади. Ижтимоий тартибнинг таклиф қилинган идеали синфларнинг табиий иерархияси шакл-шамойилига эга эди. Бу иерархияда ҳар бир индивид муайян ўрин эгалларди. Натижада ҳар бир синфнинг хулқ-атвор андозаларини ажратиш ва кодекслаштириш амалга оширилади[2].

---

[1] Қаранг: Hall J.W. Japonia od szasow najdawniejszych do dzisiaj. – Warszawa, 1979. – 153–154-б.

[2] Қаранг: Спевaковский А.Б. Самураи – военное сословие Японии. – М., 1981. – 19-б.

Шуни қайд этиш лозимки, конфуцийчилик фақат ижтимоий назорат фалсафасидан иборат эмас эди. У подшолардан ҳам устун турадиган ахлоқий тартиб мавжуд, деган ғояни илгари сурарди. Сёгун ва даймёга халқ фаровонлигини таъминлаш вазифаси юклатилган эди. Конфуций таълимоти дунёвий подшоларга ҳам, омилкор фуқароларга ҳам мос келарди, чунки «у мутлақо инсоний, ўта интеллектуал ва жамият эҳтиёжларига мослаштирилган таълимот эди»[1]. Шу маънода Конфуцийни Суқрот, Аристотель, Эпикур, Сенека каби буюк мутафаккирлар билан бир қаторга қўйиш мумкин.

Мамлакат сиёсий ҳаётида конфуцийчилик билан бир қаторда буддизм ва синтоизм ҳам улкан рoль ўйнайди. Маъмурлар учун буддизм бундан буён ҳам ялпи назорат воситаси бўлиб қолади. Боз устига, у ўша давр Японияда тақиқланган христианликка ва бошқа яширин секталарга нисбатан муқаддас инквизиция функцияларини бажаради. Умуман олганда буддизм ва синто оддий япон ва олий табақалар вакилларининг асосий диний эҳтиёжларини қондиради, синто ва конфуцийчилик японларнинг сиёсий тартиб ҳақидаги тасаввурларини шакллантиради, шу билан бир қаторда буддизм меъёрлар психологик тизимини ўзида ифодалайди, конфуцийчилик эса жамиятда кишилар хулқ-атворини маънавий-ахлоқий тартибга солиш билан шуғулланади[2].

Бу диний тизимлар, айниқса дзэн-буддизм ўз меъёрлари ва қоидалари билан самурайча шаън кодексини кўп жиҳатдан белгилаб берди, самурайларда фанатизмни ва ўз жонини қурбон қилишга тайёрликни шакллантирди, буларнинг барчаси япон миллий характерига улкан таъсир кўрсатди, айни пайтда миллатчилик, шовинизм ва ирқчиликнинг ривожланишига ҳам ўз ҳиссасини қўшди. Хусусан, XX аср 30-йилларининг охирида давлат синтоизми агрессив миллатчиликнинг ўта реакцион ва анча нуфузли таълимоти сифатида «миллатнинг диний фанатизми»дан аҳолини бўлғуси урушга

[1] Қаранг: Кирквуд К. Ренессанс в Японии. – М., 1988. – 39-б.

[2] Қаранг: Пронников В.А., Ладанов И.Д. Японцы. – М., 1983. – 79-б.

тайёрлаш мақсадида самарали фойдаланди[1]. Давлат синтоизми таълимоти япон халкини бир қанча урушларга, шу жумладан иккинчи жаҳон урушига ҳам тортиш имконини берди. Маълумки, сўнгги зикр этилган уруш Япониянинг мағлубияти билан тугади.

Миллий фанатизмнинг шаклланишида бусидо издошлари онгига ўлимдан қўркмаслик ғоясини сингдирган дзэн-буддизмнинг ҳам, бусидо кодексида «бурчга содиқлик»ни мустаҳкамлаган конфуцийчиликнинг ҳам роли кузатилади. Иккинчи жаҳон уруши охирида бу камикадзе феноменида айниқса бўртиб намоён бўлади. Ҳаракатлари урушда Япония фойдасига бурилиш ясаши лозим бўлган ёш аскарларга япон қўмондонлиги шундай ном беради. Аввалига булар АҚШ авиабардорларини овловчи учувчилар эди. Кейинчалик «кема-одам», «мина-одам», «танк-одам» ва ҳоказ340олар ҳам «камикадзе» деган ном билан атала бошлайди. Уруш охирига келиб япон куролли кучларида камикадзеларнинг юзлаб отрядлари фаолият кўрсатар, улардан айримларининг сафларида мингдан ортиқ аскар бор эди. Камикадзелар ҳаракатининг асосчиси ва ғоявий раҳнамоси адмирал Ониси эди. 1944 йилнинг кузида у Филиппинда «камикадзе» эскадрильясини ташкил қилади. Бундай бўлинмаларнинг пайдо бўлиши замирида Япония учун, император учун жон фидо қилиш ғоясини ўз ичига олган бусидо маънавий-ахлоқий тизими ётади. Япония математик статистика институти «миллий характер» муаммосига бағишлаб ўтказган тадқиқотлар бусидо руҳи японлар онгида яшашда давом этаётганидан далолат беради[2].

Диний-маданий анъаналарнинг аҳамияти янги Япония учун оптимал бўлган ижтимоий-психологик структурани яратиш жараёнида ҳам намоён бўлади. Япон иқтисодчиси Митио Морисима «Нима учун капитализм айнан Японияда айниқса ривожланган?», деган саволга жавоб берар экан, ушбу жараёнда конфуцийчиликнинг ролига ишора қилади. Унинг фикрича, япон капитализми – бу конфуцийча капитализм, унинг вужудга келиши

---

[1] Қаранг: Гришелева Л.Д. Формирование японской национальной культуры. – М., 1986. – 214-б.

[2] Қаранг: Пронников В.А., Ладанов И.Д. Японцы. – М., 1983. – 140–145-б.

ва ривожланиши японча андозадаги конфуцийчиликнинг миллатчилик ва милитаристик кўриниши билан боғлиқ. Айнан конфуцийчиликнинг миллий шакли нисбатан қисқа вақт – тахминан 20 йил ичида миллатни бирлаштириш имконини берди[1]. Конфуцийча ахлоқ доирасида юксак даражада қадрланадиган жисмоний ва ақлий меҳнат маданияти, билимлар ва қобилиятлар культи Япония иқтисодий ривожланиш борасида эришган ютуқларда, шунингдек «кичик аждарлар» тўртлиги – Жанубий Корея, Тайвань, Гонконг ва Сингапур ютуқларида улкан роль ўйнади.

Ислом дини асосий ғояларнинг ривожи. «Оллоҳ буюк». Ислом универсал жаҳон динларидан бири ҳисобланади. У VII асрда христианлик ва иудаизм каби монотеистик динларнинг анъаналари негизида вужудга келган, уларнинг асосий қоидалари ва ақидаларидан аксариятини ўзлаштирган. Ислом бу динлар моҳияти ўз ақидалари билан айний эканлигини тан олади, бироқ христианлар ва яҳудийлар айни бир Худо юборган ваҳийнинг маъносини нотўғри тушунганлар, деб ҳисоблайди, фақат Муҳаммад пайғамбар ўз ўтмишдошларининг хатоларини тузатиб, ҳақиқий ваҳий билан келган, деб билади[2].

Ислом дини асосий ғояларининг ривожланиш жараёни бутунлай бошқа йўналишларда юз беради ва бу уни қуршаган муҳит шароитлари билан боғлиқ. Арабистон яриморолидаги кўчманчилар ва савдогарлар даврасида туғилган оддий ғоялар Яқин Шарқда ривожланаётган феодализм шароитида янги ва янги қатламлар билан бойиб боради[3]. Шу сабабли ислом ўша даврнинг халифалик ҳокимияти остидаги жамиятлари ҳаётини ташкил этувчи принципларга айланади. Ахлоқий абсолютизм принципи билан бир қаторда ислом маънавий догматизм принципини ҳам илгари суради ва дин тарафдорларидан қуръони каримнинг ахлоқий меъёрларини сўзсиз бажаришни талаб қилади.

---

[1] Қаранг: Морисимо Митио. Капитализм по Конфуцию // Курьер ЮНЕСКО. 1988 г. январь. – 34–37-б.

[2] Қаранг: Васильев Л.С. История религий Востока. – М., 1988. – 401–405-б.

[3] Қаранг: Sourdel J., Sourdel D. Cywilizacja islamu. – Warszawa, 1980. – 15–16-б.

Ислом фақат дингина эмас, у яхлит цивилизация ва маданият, давлат ва ҳуқуқ, ўзининг бетакрорлиги билан ажралиб турувчи ислом тарихи, фалсафаси ва санъати ҳамдир. Масалан, мусулмон Шарқининг фалсафий анъанасига Ўрта ер денгизи бўйидаги цивилизацига мансуб бўлган эллинизм ва ислом киради[1]. Айни пайтда бу фалсафий анъана ўрта асрлар араб-мусулмон маданиятининг хусусияти билан белгиланувчи алоҳида жиҳатларга ҳам эга. Айни ҳолда араб-мусулмон цивилизацияси Шарқ ва ғарб цивилизациялари ўртасида «оралиқ» бўғин сифатида қаралади. Араб халифалиги Яқин Шарқнинг Шумер, Аккада, Қадимги Миср шаҳар маданиятининг минг йиллик тажрибасини ўзида мужассамлаштирган йирик маданий марказларини ўз ичига олади. Ислом ўзи пайдо бўлган пайтдан эътиборан ўзини қабул қилган халқлар тарихида янги босқич бошлайди. У ўз таъсири доирасига кирган халқлар маданияти ва цивилизациясига улкан таъсир кўрсатади. Араблар орасида у алоҳида обрў-эътибор касб этади, бу ерда у монотеистик дин сифатида шаклланади ва араб қабилаларининг барчасини ягона араб халқига бирлаштиради. Ислом байроғи остида араблар буюк давлатлар – Византия ва Эрон ворисларига айланадилар.

Кейинги даврларда исломни бошқа халқлар – форслар, туркlар, мўғуллар, ҳиндлар ва малайлар ҳам қабул қиладилар ва у жаҳон динига айланади. Мусулмонларнинг кўп сонли халқлардан иборат бўлган ягона бирлиги – умма вужудга келади. Умма аъзолари ўртасидаги муносабатларда кузатиладиган бирдамликни ислом ўз мухлисларига кучли таъсир кўрсатгани, аввалги халқ, маданий ва диний анъаналаридан қатъи назар, уларда ўзига хос мусулмонча зеҳниятни шакллантиргани билан изоҳлаш мумкин.

Ислом ўз тарихининг дастлабки босқичидаёқ шахснинг ўзига хос моделини ишлаб чиққан ва ўз ривожланиши жараёнида уни бошқа кўпгина мамлакатлар ва халқлар ўртасида ёйган. Шу тариқа у мусулмонлар жамоасининг кенгайиши ва мустаҳкамланишига имконият яратган[2].

---

[1] Қаранг: Игнатенко А.А. В поисках счастья. – М., 1989.

[2] Қаранг: Грюнебаум фон Г.Э. Основные черты арабо-мусульманской культуры. – М., 1981. – 34-б.

Исломда шахсни камол топтириш андозаси қуйидаги омиллар билан белгиланади:

3. Қуръони каримнинг таъсирчан хусусияти ва афсонавий структураси билан;

4. диний расм-русумлар ва қуръони каримда баён этилган насиҳатларнинг руҳлантирувчи ва таъсирлантирувчи кучи билан;

5. ҳақиқий дин қўриқчиси бўлган, ўз қонунларини қуръони карим қоидалари асосида шакллантирган марказлашган давлатнинг фаолияти билан;

6. ислом динининг шаклланиш босқичида (610–632 йиллар) вужудга келган, индивидуал ва коллектив хулқ-атворнинг ўзаро алоқасини белгилайдиган сиёсий ва диний тасаввурлар мажмуи билан[1].

Сиёсий ва диний тасаввурларнинг тинимсиз ривожлантирилган бу мажмуи араб-мусулмон дунёси тарихида улкан роль ўйнади. Ислом дунёсининг тарихдаги кенг кўламли ҳаракатларининг барчаси анъанавий ислом таълимотининг барча тасаввурларини ўзида мужассамлаштирган шахс типининг мавжудлигини назарда тутади. Мусулмонлар зеҳниятининг ўзига хос жиҳати сифатида унинг Худо билан ўзаро алоқаси, қонунга сўзсиз итоат этиш ва политеизмнинг ҳар қандай шаклини қатъиян рад этиш намоён бўлади[2]. Буларнинг барчаси араб-мусулмон дунёси тарихида диний фанатизмнинг амал қилиши ва хусусиятига ойдинлик киритади.

Хулоса. Умуман олганда, Марокашдан бошланадиган ва Малай архипелаги оролларида поёнига етадиган ислом дунёси Ғарб дунёсидан сезиларли даражада фарқ қилади. Француз тарихчилари Ф.Бродель, Ф.Коарелли ва М.Эймар фикрига кўра, ислом Ғарбнинг зиддидир[3]. Шунга қарамай улар бир-бирисиз яшай олмайди. Бири бажарган амални бошқаси ҳам бажо келтиришга шошади: Ғарб

---

[1] Қаранг: Arkoun M. The topicality of problem of the person in Islamic thought International Social Science Jornal. 1988. № 117. – 140-б.

[2] Ўша ерда. – 413-б.


[3] Қаранг: Braudel F., Coarelli P., Aymard M. Morze Srodziemme. – Gdansk, 1982. – 98-б.


салб юришларини кашф қилган ва амалга оширган бўлса, ислом муқаддас уруш – жиҳодни ўйлаб топган ва ҳаётга татбиқ этган. Ўз мақсадларига христианлик Римда эришса, ислом Маккада ва пайғамбарнинг сағанаси олдида эришади.

Тажрибавий амалий матнлар

Миллий маданиятларнинг диний маданият шаклланишидаги роли. Синтоизм.Буддизм. Дзэн оқими. Конфуцийчилик. Токугава режими учун конфуцийчиликнинг аҳамияти. Миллий фанатизмнинг шаклланишида бусидо издошлари онгига ўлимдан қўрқмаслик ғоясини сингдирган дзэн-буддизм Ислом дини асосий ғояларнинг ривожи. «Оллоҳ буюк».

Қўшимча ва тушунтирувчи матнлар




Самурайлар таълимоти
1185 йилдан самурай вакилларининг қўлига ўтади
Ҳокимият сёгун томонидан бошқарилади
қароргоҳи Камакура шаҳри
Қадимги япон мифологияси манбалари
Кодзики
Нихонги
Урушда Япония фойдасига бурилиш ясаши лозим бўлган ёш аскарларга япон қўмондонлиги қуйидаги номларни беради.
АҚШ авиабардорларини овловчи учувчилар
«Кема-одам», «мина-одам», «танк-одам»
«Камикадзе»

Синтоизм беш концепцияси

Дунё ўз-ўзича пайдо бўлган, у ўзини ўзи тартибга солади

Ҳаёт кучини тавсифлайди: жинсий ҳаётга худолар асос солганлар

Гап табиат ва тарихнинг ягоналиги, жонли ва жонсиз дунёнинг узвийлиги ҳақида боради.

Кўп худолиликка урғу беради, зеро синтонинг ўзи табиатга, жамоа ва қабила худоларига сиғинишдан келиб чиққан.

Синто худолари, ками умуман одамларни эмас, балки фақат японларни яратганини қайд этади.

Исломда шахсни камол топтириш андозаси қуйидаги омиллар билан белгиланади:

Қуръони каримнинг таъсирчан хусусияти ва афсонавий структураси билан

диний расм-русумлар ва қуръони каримда баён этилган насиҳатларнинг руҳлантирувчи ва таъсирлантирувчи кучи билан

ислом динининг шаклланиш босқичида вужудга келган, индивидуал ва коллектив хулқ-атворнинг ўзаро алоқасини белгилайдиган сиёсий ва диний тасаввурлар мажмуи билан

ҳақиқий дин кўрикчиси бўлган, ўз қонунларини қуръони карим қоидалари асосида шакллантирган марказлашган давлатнинг фаолияти билан:

Қадимги японлар дунё билан руҳлар ва худолар дунёси ўртасидаги воситачилари

Коҳинлар

Сеҳргарлар

Афсунгарлар

Шаманлар

Синтоизмнинг амалий мақсади ва мазмуни



Мустақил ишлаш учун савол ва топшириқлар

1. Синтоизм нима?
2. Самурайларнинг қайси кодекси японларнинг кундалик ахлоқига кучли таъсир кўрсатган?
3. Дзэн оқими номоёндалари?
4. Конфуцийчилик динининг асосини нима ташкил этган?
5. Миллий фанатизмнинг шаклланишида бусидо издошлари онгига ўлимдан қўрқмаслик ғоясини сингдирган диний оқим?
6. «Оллоҳ буюк» тушунчаси?

Реферат мавзулари

1. Миллий маданиятларнинг диний маданият шаклланишидаги роли.
2. Токугава режими учун конфуцийчиликнинг аҳамияти.
3. Ислом дини асосий ғояларнинг ривожи.
4. Исломда шахсни камол топтириш андозаси омиллари.

Билим ва кўникмаларни баҳолаш материаллари

1. ……. ҳаракатида иштирок этган кучларнинг барчаси – рим-католик черковининг диктаторлик сиёсатидан норози бўлган бюргерлик, дворянларнинг бир қисми, деҳқонлар, зиёлилар дин байроғи остида муайян сиёсий талаблар билан чиққанлар.

A. Реформация
B. Қадимиятга қайтиш
C. Синтоизм
D. Фанатизм

2. Қайси динин харбий либосдаги конфуцийчилик сифатида, отлиқ қўшин кўринишида тавсифлаш мумкин.

A. Исломни
B. Буддизм
C. Конфуцийлик
D. Християн

3. Қайси динин шарқона тафаккур тизимлари дарё янглиғ келиб қуйиладиган идеализмнинг улкан уммони сифатида тавсифлаш мумкин.

A. Буддизм
B. Ислом
C. Конфуцийлик
D. Християн

4. Ушбу фикр муаллифини топинг: «Дзэн-буддизм самурайларда тарбиялаган фанатизм ва ўзини ўзи қурбон қилишга тайёрлик нариги дунёда мукофот кутиб ўлимнинг юзига тик қараган ислом аскарларининг фанатизмидан фарқ қилади.

A. Л.С.Васильев
B. Камо Мабуци
C. Адмирал Ониси
D. Мотоори Норинаги

5. Самурайларнинг қайси кодекси японларнинг кундалик ахлоқига кучли таъсир кўрсатган?

A. Бусидо
B. Кодзики-дэн
C. Кодзики
D. Нихонги

5. Синто –бу?
A. Худолар йўли.
B. Аскар йўли.
C. Рухонийлар йўли
D. А ва С жавоблар

7. Синтонинг илдизлари олий мозийга бориб тақалиши ва ибтидоий халқларга хос бўлган эътиқодларнинг қайси шаклларини ўз ичига олади?
A. Барча жавоблар тўғри.
B. Тотемизм, ўликлар.
C. Анимизм, магия.
D. Оқсоқоллар руҳига сиғиниш.

8. Синто таълимотига кўра, микадо – бу?
A. Осмон руҳлари авлоди
B. Иккинчи даража руҳлар – ками авлоди ҳисобланади.
C. Оқсоқоллар
D. Барча жавоблар тўғри

9. Синто таълимотига кўра, ҳар бир япон эса – бу?
A. Иккинчи даража руҳлар – ками авлоди ҳисобланади.
B. Осмон руҳлари авлоди.
C. А ва В
D. Император

10. Синтоизмнинг муқаддас китоби тўғри кўрсатилган жавобнинг топинг?
A. Кодзики
B. Бусидо

C. Нихонги
D. Барча жавоблар тўғри

11. Шарқшунос олим Н.И.Конрад фикрича қайси китобдан японча миллий руҳ уфуриб туришини, японияни ва японларни англаб етиш учун йўл очашини қайд этади?
A. Кодзики
B. Бусидо
C. Нихонги
D. Барча жавоблар тўғри

12. Японларнинг нарсалар дунёси ва табиат ҳақидаги тасаввурлари шаклланишида синтоизм улкан роль ўйнаган. Унинг замирида нечта концепция ётади.
A. 5
B. 4
C. 6
D. 7

13. Синтоизм талимотиданинг Иккинчи концепцияси нимани тавсифлайди?
A. Ҳаёт кучини- жинсий ҳаётга худолар асос солганлар.
B. Дунё ўз-ўзича пайдо бўлган, у ўзини ўзи тартибга солади.
C. Табиат ва тарихнинг ягоналиги, жонли ва жонсиз дунёнинг узвийлиги ҳақида боради.
D. Кўп худолиликка урғу беради, зеро синтонинг ўзи табиатга, жамоа ва қабила худоларига сиғинишдан келиб чиққан.

14. Кўп худолиликка урғу беради, зеро синтонинг ўзи табиатга, жамоа ва қабила худоларига сиғинишдан келиб чиққан. Ушбу гап қайси концепцияга талуқли?
A. 4
B. 3
C. 6
D. 2

15. Нечанчи асрда бошида император саройида синто ишлари бўйича махсус департамент ташкил этиган?

A. VIII
B. IX
C. X
D. XII

16. Нечанчи асрда синто худолари рўйхати тузилади?

A. X
B. VI
C. VII
D. VIII

17. Синто худолари рўйхатга кўра синто пантеони нечта худони ўз ичига олган?

A. 3132
B. 1000
C. 2500
D. 2345

18. Нечанчи концепцияда синто худолари, ками умуман одамларни эмас, балки фақат японларни яратганини қайд эталади?

A. 5
B. 1
C. 6
D. 4

19. Сёгунат даврида (XII–XIX асрлар) буддизмнинг синтоизмга таъсири?

A. Ривожланиш жараёнини тартибга солади.
B. Инкилобга юз тутди
C. Ҳалқда норозилик харакатларини келтириб чиқарди.
D. Барча жавоблар тўғри

20. Нечанчи асрда Япониядаги Уйғониш даври кўмаклашади ва бу даврда руҳонийлар Хитойдан буддизм ва конфуцийчилик фалсафасига оид китобларни келтирадилар?

A. XVII
B. XII
C. XV
D. XVI

21. Японияниng қайси подшоси ҳаётининг сўнгги йилларида қадимги қўлёзмаларни тўплашни одат қилади ва уларни ўрганишни рагбатлантиради. Шу туфайли ҳам «Кодзики» ва «Нихонги» қайта нашр этилади?
A. Иэзясу Токугава
B. Мотоори Норинаги
C. Камо Мабуци
D. Хэйан

22. Мотоори Норинаги нечта жилддан иборат «Кодзики-дэн» («Кодзикига шарҳлар»)ни тайёрлайди?
A. 44
B. 36
C. 22
D. 12

23. XVIII асрда «қадимиятга қайтиш» (фукко) ҳаракатнинг биринчи йирик раҳбари тўғри кўрсатилган жавобни топинг?
A. Камо Мабуци
B. Хирата Атсутане
C. Мотоори Норинаги
D. Тоётоми Хидэёси

24. XX асрда худолар қандай аҳамият касб этади?
A. Иккинчи даража.
B. Олий даража.
C. Ҳалкда худоларга сиғиниш кучайди.
D. Учинчи даража.

25. Буддизм Японияга нечанчи асрда айниқса кучли таъсир кўрсата бошлаган?

A. V–VI асрлар
B. V– VII асрлар
C. V–X асрлар
D. VI–X асрлар

26. Қадимги япон давлатчилиги ва маданиятининг олтин асри саналган Хэйан даври (VIII–XII асрлар)нинг вужудга келишида қайси дин муҳим роль ўйнаган.
A. Буддизм
B. Тотемизм
C. Анимизм
D. Ислом

27. Хэйан давридаёқ вужудга келган дин?
A. B ва C жавоблар
B. Рёбусинто
C. Синкретик
D. Герменевтик

28. 1185 йилдан кейин давлатда ҳокимият тизгини қайси таълимот вакилларининг қўлига ўтади ва амалда ҳокимият сёгун қўлида бўлиб, унинг қароргоҳи Камакурада жойлашган эди?
A. Самурай
B. Конфуцийлик
C. Синтоизм
D. Фанатизм

29. Камакура даврида содир бўлган кўп сонли фуқаролар урушлари XVI аср охирида нимага олиб келади?
A. Тоётоми Хидэёсининг марказлашган давлатини ташкил топишига
B. Мутлақо инсоний, ўта интеллектуал ва жамият эҳтиёжларига мослаштирилдаи.
C. Инқилобга олиб келди.
D. Конфуцийчилик мактабини ривожланишига

30. Қадимги секталар билан орани очиқ қилган, энг аввало уларнинг ритуализми ва схоластикасидан воз кечган қайси оқим реформаторлик хусусиятига эга эди.

A. Дзэн

B. Реформация

C. Қадимиятга қайтиш

D. Синто

31. XII асрда Хитойда конфуцийчилик жонланаган мактаб номи тўғри кўрсатилган жавобни топинг?

A. Чжу Си.

B. Дзэн

C. A ва B

D. Чжу Си, Хан Чжу ва Синто

32. Анъанавий маданиятни асраш ва кейинги авлодларга узатиш вазифаларини у ёки бу анъанавий санъатни яхши ўзлаштирган ва ўзлари бошқарадиган мактабда катта обрўга эга бўлган кишилар –..... бажаради.

A. Иэмото

B. Синто

C. Микадо

D. Тўғри жавоб йўқ.

33. Тоётоми Хидэёси ва Иэясу Токугава каби подшолар конфуцийчиликка қандай ёндашар эдилар?

A. Ижобий

B. Салбий

C. Конфуцийчиликка қарши бўлганлар

D. B ва C жавоблар

34. Конфуцийчилик бу-?

A. Мутлақо инсоний, ўта интеллектуал ва жамият эҳтиёжларига мослаштирилган таълимот эди.

B. Индивидуал ва коллектив хулқ-атворнинг ўзаро алокасини белгилайдиган сиёсий ва диний тасаввурлар мажмуи билан.

C. А ва С жавоблар

D. Осмон руҳлари авлоди

35. XX аср 30-йилларининг охирида давлат синтоизми агрессив миллатчиликнинг ўта реакцион ва анча нуфузли таълимоти сифатида 36. «..... »дан аҳолини бўлғуси урушга тайёрлаш мақсадида самарали фойдаланди.

A. Миллатнинг диний фанатизми

B. Бурчга содиқлик

C. Барча жавоблар тўғри

D. Ватанга содиқлик капитализми

37. Иккинчи жаҳон урушида Япония фойдасига бурилиш ясаши лозим бўлган ёш аскарларга япон қўмондонлиги шундай қандай ном беради?

A. Барча жавоблар тўғри

B. АҚШ авиабардорларини овловчи учувчилар

C. «кема-одам», «мина-одам», «танк-одам»

D. «камикадзе»

38. Камикадзелар ҳаракатининг асосчиси ва ғоявий раҳнамоси ким?

A. Адмирал Ониси

B. Митио Морисима

C. Л.С.Васильев

D. Мотоори Норинаги

39. Адмирал Ониси 1944 йилнинг кузида у қайерда «камикадзе» эскадрильясини ташкил қилади.

A. Филиппин

B. Византия

C. Эрон

D. Япония

40. Япон иқтисодчиси..... фикрича, япон капитализми – б конфуцийча капитализм, унинг вужудга келиши ва ривожланиш японча андозадаги конфуцийчиликнинг миллатчилик ва милита ристик кўриниши билан боғлиқ. Айнан конфуцийчиликнинг милли шакли нисбатан қисқа вақт – тахминан 20 йил ичида миллатн бирлаштириш имконини берди.

A. Митио Морисима
B. Адмирал Ониси
C. Камо Мабуци
D. Мотоори Норинаги

41. Ислом байроғи остида араблар қайси буюк давлатла ворисларига айланадилар?

A. B ва C
B. Византия
C. Эрон
D. Филиппин

42. Исломда шахсни камол топтириш андозаси қандай омилла билан белгиланади?

A. Барча жавоблар тўғри
B. Қуръони каримнинг таъсирчан хусусияти ва афсонавий струк тураси, диний расм-русумлар ва қуръони каримда баён этилга насиҳатларнинг руҳлантирувчи ва таъсирлантирувчи кучи билан;
C. Ҳақиқий дин қўриқчиси бўлган, ўз қонунларини қръон карим қоидалари асосида шакллантирган марказлашган давлатнин фаолияти билан;

43. Япон маданияти шаклланишига кучли таъсир ўтказга диний оқим қайси?

А) Буддизм
Б) Даосизм
С) Конфуций таълимоти
Д) Буддизм, Конфуций таълимоти

44. Рицарлик унсурларини ўзида мужассамлаштирган маданият қайси қаторда тўғри берилган?

А) араб

Б) япон

С)А ва Б

Д) форс

45. Ҳинд санъати ютуқларининг асосий қисми кимлар томонидан вайрон қилинган эди?

А) гуннлар

Б) ислом

С) фанатиклари

Д) Барча жавоблар тўғри.

46. «Дзэн-буддизм самурайларда тарбиялаган фанатизм ва ўзини ўзи қурбон қилишга тайёрлик нариги дунёда мукофот кутиб ўлимнинг юзига тик қараган ислом аскарларининг фанатизмидан фарқ қилади. Нариги дунёда абадий роҳат-фароғатда яшаш концепцияси синтоизмда ҳам, буддизмда ҳам мавжуд эмас. Ўлимни бўйнига олган самурайлар нариги дунёда роҳат-фароғатда яшаш ҳақида эмас, балки муносиб ўлим топиш ва тириклар хотирасида юксак ўрин эгаллаш ҳақида ўйлаганлар» қуйидаги фикрлар муаллифи ким?

А) Л.С.Васильев

Б) А.Кинг ва В.Шнайдер

С) К.Ясперс

Д) М.Эймар

47. Самурайларнинг ахлоқ кодекси қандай номланган?

А) бусидо

Б) буси

С)А ва Б

Д) бусико

48. Самурайларнинг ахлоқ кодекси ҳисобланган бусидо сўзининг маъноси қайси қаторда тўғри берилган?

А) аскар йўли
Б) бурчга содиқлик
С) шаън
Д) аскар шаъни

49. Самурайлар кодексининг шаклланишига шунингдек японлар хулқ-атвори психологиясига, уларнинг ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг ахлоқий принципларига таъсир кўрсатган таълимотлар қайси қаторда тўғри берилган?
А) Юқоридагиларнинг барчаси.
Б)буддизм
С) синтоизм
Д) конфуцийчилик

50. Бу қадимги дин Японияда Хитой билан боғлиқ бўлмаган ҳолда вужудга келган ва ривожланган, қадимги мифологиянинг бир тури ҳисобланади, зеро буддизм пайдо бўлишидан олдинги илк синтоизмда гап ғайритабиий дунё – японлар азалдан сиғиниб келган худолар ва руҳлар дунёси (ками) ҳақида боради. Юқорида қайси дин ҳақида гап боряпти?
А) синто
Б) буддизм
С) Юқоридагиларнинг барчаси.
Д) конфуцийчилик

Фалсафий атамалар (глоссарий)

Агностицизм – инсон объектив борлиқни тўлиқ билиши мумкин эмас, деб ҳисоблайдиган фалсафий таълимот.

Антисциентизм – фаннинг жамият ҳаётидаги роли ва аҳамиятини салбий баҳолайдиган фалсафий нуқтаи назар.

Антропоген – инсон фаолияти билан боғлиқ.

Антропоцентризм – дунёни билишда инсонни устун қўювчи фалсафий ёндашув.

Априор – тажрибадан ташқарида. Инсон тафаккурида тажрибада кўрилгунга қадар, тажрибадан қатъий назар пайдо бўлган образ, ғоя, тушунча.

Атеизм – худонинг борлигини инкор этувчи фалсафий нуқтаи назар.

Атрибут – хосса.

Башорат – келажак ҳақидаги, яъни ҳали амалда мавжуд бўлмаган, лекин ривожланишнинг кутилаётган ривожини белгиловчи объектив ва субъектив омиллар кўринишида ҳозирги замонда потенциал мавжуд бўлган ҳодисалар ва жараёнлар ҳақидаги билим.

Белги – бошқа бир предмет, хосса ёки муносабатни ифодалайдиган ва муайян хабарни узатиш, сақлаш ёки унга ишлов беришда ишлатиладиган моддий, ҳиссий идрок этиладиган предмет.

Гармония – бир бутун нарса қисмларининг ўзаро мувофиқлиги.

Герменевтика – фалсафада – тарих, маданиятни, ўзга индивидуалликни тушуниш санъати.

Гипотетик – эҳтимол тутилган, фараз қилинган, тахмин (гипотеза)га асосланган.

Глобаллашув – ижтимоий ҳаётнинг турли жабҳаларида яхлит тузилмаларнинг дунё миқёсида шаклланиш жараёни.

Глобалистика – глобаллашув ва унинг оқибатлари моҳиятини англаб етишга қаратилган илмий ва фалсафий тадқиқотлар фанлараро соҳаси.

Гносеология – билиш назарияси.

Дедукция – тадқиқот ёки тавсифлаш методи, усули бўлиб,

бунда айрим қоидалар умумий хулосалар, аксиомалар, қоидалар, қонунлардан тадрижий йўл билан келтириб чиқарилади.

Дезинтеграция – бутуннинг айрим қисмларга парчаланиши.

Деизм – Худо дунёни яратгач, унда иштирок этмайди ва унинг воқеалари табиий кечишига аралашмайди, деб ҳисоблайдиган фалсафий нуқтаи назар.

Детерминизм – барча воқеалар ва ҳодисаларнинг қонунийлиги ва сабабий боғланганлиги ҳақидаги фалсафий таълимот.

Диалектика – ҳаракат, ривожланиш, ўзгариш ҳақидаги фалсафий таълимот.

Дискрет – узлукли.

Дифференциация – бутуннинг турли-туман қисмлар, босқичлар, шаклларга бўлиниши, парчаланиши, ажралиши.

Идеал – мутлақ баркамоллик, бундай баркамоллик ҳақидаги тасаввур.

Иерархия – бир нарсанинг функционал аҳамияти ёки хизмат мавқеига кўра иккинчи нарсага, учинчи нарсага ва ҳоказоларга бўйсуниши.

Ижтимоий прогноз қилиш келажакни муайян тарзда даврийлаштиришни назарда тутади

Изотроп – барча йўналишларда бир хил.

Индетерминизм – детерминизмга қарама-қарши таълимот.

Интеграция – бирлашиш, бирикиш, яхлит бир бутуннинг шаклланиши.

Интровертив – ўзига, ўз ички дунёсига қараб мўлжал олувчи.

Имитация – тақлид қилиш, сохталаштириш.

Ахборот инқилоби – фан-техника инқилобининг ривожланиш босқичи бўлиб, бунда ахборот ўта муҳим ресурсга айланади.

Иррационализм – борлиқни оқилона мантиқий билиш имкониятини рад этувчи нуқтаи назар.

Каузаллик – сабабият, сабаб ва оқибатнинг қонуний алоқаси.

Коммуникация (кенг маънода) – мулоқот. Экзистенциализмда – мулоқот тури бўлиб, унинг ёрдамида «Мен» ўзини бошқа одамда топади.

Конституциялаш – яратиш, белгилаш, муайян ташкилий тус бериш.

Консьюмеризм – истеъмол қилишга бўлган кучли эҳтиёж.

Коэволюция – биргаликда тадрижий ривожланиш.

Креационизм – бутун борлиқни Худо яратган деб ҳисоблайдиган диний таълимот.

Материализм – дунёнинг моддийлигидан ва онгдан қатъий назар мавжудлигидан келиб чиқадиган фалсафий йўналиш.

Маҳаллий муаммолар тушунчаси юқорироқ даражадаги муаммоларга, аниқроқ айтганда, айрим мамлакатларга ёки йирик мамлакатларнинг анча катта ҳудудларига тегишли бўлган муаммоларга нисбатан татбиқ этилади. Бу ерда одатда кучли зилзилалар, йирик сув тошқинлари ёки, масалан, кичик давлатдаги фуқаролар уруши назарда тутилади.

Метафизика – Гегелдан олдинги ва ҳозирги Ғарб фалсафасида борлиқнинг ўта ҳиссий тамойиллари ва асослари ҳақидаги фан. Фалсафанинг синоними сифатида ишлатиладиган атама.

Методология – метод ҳақидаги таълимот, билишнинг янги методларини яратиш тамойилларини ишлаб чиқиш.

Миллий муаммолар тушунчаси ижтимоий-сиёсий ва илмий муомалада баъзан муайян давлат ёки миллий ҳамжамиятнинг маълум қийинчиликлари, ғам-ташвишларини акс эттиради. Миқёс даражасига қараб улар минтақавий ёки маҳаллий муаммолар сифатида талқин қилиниши мумкин.

Минтақавий муаммолар айрим қитъалар, дунёнинг йирик ижтимоий-иқтисодий ҳудудлари ёки анча йирик давлатларда юзага келадиган муҳим масалалар доирасини қамраб олади

Мистика – сирли, ғайритабиий, тушунарсиз нарса ёки ҳодиса.

Моддийлаштириш – маъно структуралари, схемалар, лойиҳаларнинг инсон фаолиятида гавдаланиши.

Модус – предметнинг унга айрим ҳолатлардагина хос бўлган муваққат хоссаси.

Монизм – плюрализмга зид ўлароқ, муайян бир асосдан келиб чиқадиган фалсафий ёндашув.

Нано юнонча "нанос" сўзидан олинган бўлиб, митти дега маънони билдиради.

Нанотехнология-митти технология бўлиб, унинг прототип табиатнинг ўзида мужассам. Кўзга кўринмас бактериялар, чумол ўргимчак ва шунга ўхшаш ҳашаротлар табиий нано жисмлардир.

Негатив – салбий, бирор нарсага зид.

Ноумен – мушоҳада йўли билан англаш мумкин бўлган моҳия

Ноосфера – ақл-идрок соҳаси ёки биосферанинг шундай би ҳолатики, бунда одамларнинг оқилона фаолияти биосфера ривожла нишининг муҳим омилиға айланади.

Образ – амалий фаолият ва билиш жараёнида шаклланга ҳиссий ёки оқилона тасаввур.

Оккультизм – махсус руҳий машқлар, алоҳида маросимла орқали айрим инсонларгина била оладиган коинотда сирли кучла мавжудлигини эътироф этувчи таълимот.

Оппозиция - қарши ҳаракат, муайян нарсага очиқдан-очиқ ёк зимдан қаршилик кўрсатиш.

Пантеизм – Худони табиат билан тенглаштирувчи фалсафи таълимот.

Парадигма – мазкур даврда илмий ҳамжамият томонида эътироф этилган муайян илмий тадқиқот йўналишини белгиловч принциплар мажмуи.

Пассионар – ички энергияга эгалик ёки ўта ғайратлилик.

Перманент – доимий, узлуксиз.

Перцепция – идрок этиш.

Прогноз қилиш – бу махсус илмий методлар ёрдамида келажа ҳақида билимлар олиш жараёни

Рационализм – ақлни билиш ва одамлар хулқ-атворини негизи деб эътироф этадиган фалсафий йўналиш.

Редукционизм – мураккаб нарса ёки ҳодисани соддароқ нарс ёки ҳодисага боғлаш.

Релятивизм – бизнинг барча билимларимиз, қадриятларими ва хулосаларимизни нисбий, шартли деб ҳисоблайдиган фалсафи ёндашув.

Рефлексия – ўз фикрлари ва кечинмаларини таҳлил қилишга қаратилган мулоҳаза.

Сакрал – муқаддас.

Сенсуализм – ҳиссий билишнинг ролини оқилона билишнинг аҳамиятидан устунроқ қўювчи фалсафий йўналиш.

Символ – бирон-бир ғояни ифодаловчи белги, образ.

Синкретизм - қисмларга ажралмаганлик, бирон-бир ҳодисанинг норасо ҳолати билан белгиланадиган ҳар хил жинсли элементларнинг аралашуви.

Скептицизм – инсон билимининг ишончлилигига шубҳа билдирувчи ва барча ҳақиқатларни нисбий деб эълон қилувчи фалсафий концепция.

Стереотип – кўпинча жамият томонидан фаол илгари суриладиган ва индивид танқидсиз қабул қиладиган борлиқнинг нисбатан барқарор ва соддалаштирилган образи.

Субстанция – биринчи асос, барча нарсалар ва ҳодисаларнинг моҳияти.

Сциентизм – маданият тизимида, жамият ҳаётида фан ролини мутлақлаштириш.

Табу – бирон-бир нарса, ҳаракат, сўзга нисбатан белгиланадиган диний тақик.

Теология – диний таълимотлар тизими.

Теоцентризм – дунёни тушуниш марказига Худони қўювчи фалсафий ёндашув.

Техноген – техника билан боғлиқ, унинг таъсири билан белгиланган.

Технократик – техникани биринчи ўринга қўювчи.

Технооптимизм – турли муаммоларни ечишда фан-техника тараққиётининг ролини ошириб кўрсатувчи фалсафий ёндашув.

Технопессимизм – фан-техника тараққиётини жамият ва табиат таназзулининг манбаи ва омили деб эълон қилувчи фалсафий ёндашув.

Технотрон жамият – компьютер инқилоби босқичига кирган жамият.

Трансцендентал – ўта умумий.

Универсум – ягона Олам, яхлит дунё.

Хусусий муаммолар давлат фаолиятининг муайян жабҳасига, айрим аҳоли яшайдиган пунктларга ёки кичик табиий объектларга тегишли бўлган муаммолардир

Фауна – барча турдаги ҳайвонлар мажмуи.

Фаолият атрибутлари (хоссалари) фаолиятни мотивлаштириш ва амалга ошириш механизмларини тавсифлайди. Фаолият атрибутлари орасида аввало субъектлилик ва моддийлик қайд этилади.

Феномен – инсонга ҳиссий билиш тажрибасида берилган ҳодиса.

Феноменология – бевосита кузатиш мумкин бўлган идеал моҳиятлар сифатидаги феноменлар ҳақидаги фалсафий таълимот.

Флора – ўсимликлар дунёси.

Флуктуация – ўзгариш, белгиланган параметрлардан тасодифий оғиш.

Футурология – келажак ҳақидаги фан.

Фундаментал глобаллашув дунё миқёсидаги алоқалар, тузилмалар ва муносабатлар юзага келиши билан боғлиқ. Бу жараёнлар натижасида дунё ўзининг деярли барча жиҳатларида яхлит бир бутун организм сифатида узил-кесил шаклланди. Фундаментал деб номланувчи бундай глобаллашувнинг илк аломатлари XIX асрнинг иккинчи ярмида пайдо бўлди, XX аср ўрталарига келиб эса у тўла даражада борлиққа айланди.

Эволюцион эпистемология – билишни жонли табиат эволюциясининг моменти ва унинг маҳсули сифатида ўрганувчи фан.

Эвристик – ижодий, номаълум нарсалар ва ҳодисаларни билишда сакрашни амалга оширувчи.

Эгалитаризм – умумий тенгликни тарғиб қилувчи ғоявий-сиёсий оқим.

Экзистенциализм – диққат марказида ҳаётнинг маъноси, инсон эркинлиги ва масъулияти муаммолари турувчи фалсафий йўналиш.

Экология – жонли мавжудотларнинг ўзини қуршаган муҳит билан ўзаро муносабатлари ҳақидаги фан.

Экологик муаммо – жонли организмларнинг атроф муҳит билан мувозанатининг бузилиши.

Экологик танглик – экологик муаммонинг кескинлашуви, бунда унинг оқибатлари орқага қайтариб бўлмайдиган хусусият касб этади.

Экспликация – у ёки бу предмет (ёки маданият объекти)нинг моҳиятини аниқлаш, унинг мазмунини кенг тавсифлаш.

Экспертиза усулида баҳолаш- бу илмий методнинг моҳияти экспертлар (фан ва техниканинг турли соҳасидаги етакчи мутахассислар) томонидан муаммони таҳлил қилиш ва сўнгра натижаларни формаллаштирилган асосда қайта ишлашдан иборат

Экопессимизм - асосий эътибор инсон фаолиятининг салбий оқибатлари ва атроф муҳит муаммоларига қаратилган, уларни ечиш имкониятлари салбий тусда кўрилган ҳол.

Экстравертив – сиртга қаратилган.

Экстраполяция методлари - қонуниятлари ўтмишда ва ҳозирги даврда яхши маълум бўлган тенденцияларни келажакка татбиқ этишга асосланади.

Эмпиризм – ҳиссий идрок этиш ва тажрибани билишнинг асосий манбаи деб ҳисоблайдиган фалсафий таълимот.

Эмпирик – тажрибада кўрилган.

Этимология – у ёки бу сўз ёки иборанинг келиб чиқиши.

Эпистемология – билиш ҳақидаги фалсафий таълимот.

Этногенез – халқлар ёки миллатларнинг келиб чиқиши.

Ўз имкониятларини рўёбга чиқариш – ўзининг бетакрор моҳиятини фаолиятда намоён этувчи ва гавдалантирувчи ҳар бир индивид ахлоқий фаолиятининг мақсади.

Қидирув прогнози – ижтимоий объектнинг келажаги қандай бўлиши мумкинлигини кўрсатиш учун тузиладиган прогноз.

Фойдаланиш учун тавсия этилаётган дарслик ва ўқув қўлланмалар

1. Каримов И.А. Инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият. 14-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2006.

2. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008.

3. Каримов И.А. Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш. – Т.: Ўзбекистон, 2009. -24 б.

4. Каримов И.А. Ватанимизнинг боскичма-боскич ва барқарор ривожланишини таъминлаш - бизнинг олий мақсадимиз. Т.17. – Тошкент: Ўзбекистон, 2009.

5. Каримов И.А. Ҳамкорлик, тараққиёт ва хавфсизликни таъминлаш йўлидан // Халқ сўзи. – 2010 йил 22 сентябр.

6. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Т.: Ўзбекистон, 2010. -78 б.

7. Каримов И.А. БМТ саммитининг мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлисдаги нутқ. – Т.: Ўзбекистон, 2010.

8. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида.Т.: Ўзбекистон, 2011 386 б

9. Каримов И.А. Она юртимиз бахту иқболи бюк келажаги йўлида хизмат илиш энг олий саодатдир. Т.: Ўбекистон 2015

10. Чориев А. Инсон фалсафаси. Мустакил шахс.-Т.: 2004.

11. Қурбонова Л. Инсон фалсафаси. Т.: АнДУ, 2014

Асосий адабиётлар:

12. Каримов И.А. Инсон мафаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият. 14-жилд. –Т.: Ўзбекистон, 2006

13. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008

14. Каримов И.А. Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш. –Т.: Ўзбекистон, 2009. -24 б.

15. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шаротида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. –Т.: Ўзбекистон, 2009

16. Каримов И.А. Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш - бизнинг олий мақсадимиз. Т.17. – Тошкент: Ўзбекистон, 2009.

17. Каримов И.А. Ҳамкорлик, тараққиёт ва хавфсизликни таъминлаш йўлидан. Халқ сўзи. – 2010 йил 22 сентябр.

18. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 12 ноябрь. – Тошкент: Ўзбекистон, 2010.

19. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва

20. Халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Т.: Ўзбекистон, 2010. -78 б.

21. Каримов И.А. БМТ саммитининг мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлисдаги нутқ.-Т.: Ўзбекистон, 2010.

22. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Т.: Ўзбекистон, 2011 386 б

23. Каримов И.А. Буюк ва муқаддассан мустақил ватан. Ўзбекистон мустақиллигининг 20 йиллигига бағишланган маъруза. Т.: Ўзбекистон, 2011

24. Falsafa. Faylasuflar milliy jamiyati.-T.2006.

25. Жахон фалсафаси тарихидан лавхалар. УФМЖ. –Т.: 2004.

26. Шарк фалсафаси. Муаллифлар жамоаси–Т.: 2006

27. Ғарб фалсафаси. Шарк.-Т.: 2004.

28. Чориев А. Инсон фалсафаси. Мустакил шахс.-Т.: 2004.

Қўшимча:

29. «Антропологический поворот» в философии XX века. Вильнюс, 1989.

30. Аристотел. О душе Собрание сочинений в 4-х т. Т.1. – М.: 1975.

31. Бердяев Н.А. Самопознание Л., 1991.

32. Кант И.Антропология: соч. Т.6. – М.: 1966.

33. Гегель Г. Феноменология духа – М.: 1989.

34. Гумилёв Л.Н. Этногинез и биосфера земли. Л., 1990.

35. Хайдеггер М.Бытие и время – М.: 1997.

36. Григорьян Б.Т.Философская антропология – М.:, 1982.

37. Гроф С. За пределами мозга – М.: 1992.

38. Делез Ж. Логика смысла – М: 1995.

Интернет ресурслари

39. www.ziyonet.uz

40. www.philosophy.ru.

41. http.www.intencia.ru.

42. http:www.anthropology.ru

43. http:www.ido.rudn.ru.

44. http:www.filosofia.ru.

45. http:www.falsafa.dc.uz.

46. http:www.phenomen.ru.

47. http:www.lib.rusFILOSOF.

48. http:www.filam.ru/sait.phg.

МУНДАРИЖА

Кириш 3
БИРИНЧИ ҚИСМ. XXI АСР БОШИДА ИНСОН
Инсон мавжудлигининг табиий ва ижтимоий асослари 12
Инсон мавжудлигининг космик даражаси 96
Инсон мавжудлигининг биологик даражаси 141
Инсон мавжудлигининг ижтимоий мақоми 189
Инсоннинг маданий омили 229
Инсоннинг психологик омили 277
ИККИНЧИ ҚИСМ. ДИНИЙ ФАНАТИЗМ ФЕНОМЕНИ.
Диний фанатизмнинг келиб чиқиши, асослари, мазмуни шакллари 314
Диний фанатизм ва диндорлик 403
Диний маданий анъаналарнинг аҳамияти 464
Фалсафий атамалар (глоссарий) 499
Фойдаланиш учун тавсия этилаётган дарслик ва ўқув қўлланмалар рўйхати 506

87 **Шермухамедова, Н.**
Ш-48 **Инсон фалсафаси:** [Матн] / Н. Шермухамедова. Тошкент
Noshir, 2016. – 512 б.
ISBN 978-9943-4468-2-3

УЎК: 1
КБК: 8

Н. ШЕРМУХАМЕДОВА

ИНСОН ФАЛСАФАСИ

Дарслик

Тошкент – «NOSHIR» – 2016

Муҳаррир **С. Сафоева**
Мусаввир **Ш. Одилов**
Мусаҳҳиҳ **С. Норова**
Саҳифаловчи **С. Пўлатов**

Нашриёт лицензияси AI № 254, 31.12.2014 й.
Босишга 2016 йил 14 ноябрда рухсат этилди. Бичими 60x84 1/16.
«Times New Roman» гарнитурасида. Офсет қоғози. Офсет усулида чоп этилди.
Ҳажми 32,0 б.т. Адади 50 нусха. Буюртма № 43.

«NOSHIR» ҚК нашриёти, Тошкент ш., 100020, Лангар кўчаси, 78.

«NOSHIR» Ўзбекистон-Германия қўшма корхонаси
босмахонасида чоп этилди, Тошкент ш., 100020, Лангар кўчаси, 78.

Қайдлар учун

ISBN 978-9943-4468-2-3